**Сайфулло Турсунов**

**Қурбон Эшбоев**

# Шўрчи тарихи ва этнографияси

**УЎК:398.3(575.1)**

**74.200.25**

**Т91**

**С.Турсунов, Қ.Эшбоев. Шўрчи тарихидан лавҳалар-Т.:“Fan va texnologbya”.2013,320.бет.**

**ISBN 978-9943-4268-3-2**

Мазкур китода Шўрчи монографияси ўзбек давлатчилиги ва этник тарихи жараёнларига оид тарихий манбалар илмий таҳлил этилиб, жаҳон цивилизициси тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган Кушон давлати ва унинг сиёсий-иқтисодий ва маданий маркази бўлган Далварзин тарихи, шунингдек, ўрта асрларда муҳим иқтисодий-маъмурий жиҳатдан юксак маданиятга эга бўлган Шўрчи ҳудуди тарихи ёритилган. Шунингдек, Бухоро амирлиги, совет мустабид тузуми ва мустақиллик йилларида Шўрчи ҳудудида содир бўлган воқеалар ҳамда амалга оширилган ишлар холисона баён этилган. Энг муҳими “Сурхондарё-этнографик макон” йўналишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Шўрчи ҳудудига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар таҳлил этилган.

Монографиядан умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрлари талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари, кенг шунингдек Шўрчи тарихи билан қизиқувчи китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**УЎК:398.3(575.1)**

**74.200.25**

**Т91**

**Масъул муҳаррир**: Қ.Ражабов-Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори

**Тақризчилар:** тарих фанлари номзоди, доцент Э.О.Қобилов,
тарих фанлари номзоди, доцент Т.Пардаев,
тарих фанлари номзоди, доцент А.Тўхтаев

**ISBN.978-9943-4268-3-2** **“Fan va texnologbya”.2013,**

**Туман тўғрисида қисқача тавсифнома**

Шўрчи тумани 1935 йил 9 февралда ташкил топган.

Шўрчи шаҳри 1976 йилда ташкил топиб, туман маркази ҳисобланади.

Ҳудуди 835 кв км.

Аҳолиси 2013 йил 1 январ ҳолатида 177,7 минг кишини ташкил этади.

1 квадрат километрга 108 киши тўғри келади.

Термиздан 122 км шарқда жойлашган.

Денгиз сатҳидан 400-700 м баландликда жойлашган.

Туманда 1 та шаҳарча –Элбаён бор.

Туманда 10 та Бахтлитепа, Далварзин, Жалойир, Кичик Савур, Охунбобоев, Оқтумшуқ, Соҳибкор, Шўрчи, Элобод, Янгибозор фуқаролар йиғини мавжуд.

Туманда 52 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 69 та қишлоқ мавжуд.

Туманда 62 та умумий таълим мактаби, 33 та мактабгача таълим муассасаси бор.

Туманда 16 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та касалхона, 24та амбулатор поликлиникалар бор.

Туманда 2 та мактаб-интернат, 9 та касб-ҳунар коллежи бор.

Туманда 16 та ахборот марказлари ва кутубхоналар мавжуд.

Туманда 1 та лицей, 1 та болалар мусиқа мактаби мавжуд.

Туманда 1 та 500 кишилик спорт мажмуаси, 2 та ўйингоҳ, 1 та соғломлаштириш спорт мажмуаси ва маданият ва истироҳат боғи мавжуд.

Туманда 115 та корхона, ташкилотла, 113 та кичик корхона ва микро фирмалар мавжуд.

Туманда 319 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда

# КИРИШ

**Бу қутлуғ диёрга қадам қўйган ҳар қандай одам ҳам Сурхон воҳасининг бепоён кенгликларини, дашту далаларни кўрганда қалбида қандайдир меҳр, енгиллик ва эркинлик туйғуларини ҳис этгандек бўлади.**

**И.А.Каримов**

Ўзбекистон тарихини ўрганиш мустақиллик йилларида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ватан тарихини холисона илмий таҳлил этиш туфайли ўтмиш аждодларимиз яратган моддий-маънавий маданиятни қайта тиклаш, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий жараёнларни ҳозирги ёш авлодга тушунтириш ҳамда аждодларимиз босиб ўтган шонли ҳаёт йўлини ўрганиш муҳим масаладир. Авлодлар турмуш тарзини ўрганиш натижасида халқимизнинг келиб чиқиш, насл-насаби, яратган маданияти ҳақида билим бериш туфайли ёшларимиз онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини шакллантириш, миллий туйғу ва миллий ғояларни мужассам этиш руҳида тарбиялаш асосида она-замин, унинг муқаддас тупроғини эъзозлашга ўргатиш учун қадимий тарихни ёшлар онгига холисона сингдириш зарур. Ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, сунъий суғориш билан боғлиқ тажрибалар, меҳнат қуролларининг такомиллашуви, амалий саънат масаласидаги ишларга жаҳон оммаси қойил қолмоқда. Шу нуқтаий назардан қараганда 2013 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан тасдиқланган № И-2012-40 сонли инновация лойиҳаси асосида Ўзбекистон тарихиннг ажралмас қисми ҳисобланган Сурхон воҳаси, жумладан, Шўрчи тумани тарихи ўзини қадимлиги ва мукаммал моддий маданиятга эга эканлигини тасдиқловчи манбалар мазкур монографияда ўз аксини топди. Чунки, Шўрчи тумани ўзбек давлатчилиги ва илк шаҳарсозликнинг пайдо бўлишида ва маънавий тараққиётимизнинг такомиллашиб боришига алоҳида ҳисса қўшган воҳа ҳисобланади. Қадимги ибтидоий маданий ҳаётнинг пайдо бўлиши, жез ва илк темир босқичининг такомиллашиб бориши, ишлаб

чиқарувчи кучларнинг тараққий қилишида бу ҳудуднинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Шўрчининг қадимий маданияти билан боғлиқ Қизилтепа, Миршоди, Баранги, Далварзин, Толли, Ҳотамтой, Шамоли, Култепа, Булбултепа, Олатемир, Чоргултепа каби моддий-маданий ёдгорликлар жаҳон цивилизациясининг нодир тарихий манбалари ҳисобланади. Ушбу ёдгорликлар халқимизнинг ниҳоятда бой маданиятга эга эканлигидан далолат бериб, инсониятга хос илк уй-жой қурилишининг пайдо бўлиши, қишлоқ ҳамда шаҳарларнинг юзага келиши, меҳнат қуроларининг такомиллашиб бориши ҳақида маълумотлар беради. Шўрчи ҳудуди деҳқончиликка мос бўлиб, уни иқлими, маъданли суви, ҳосилдор тупроғи, суғоришга қулайлиги, ҳунармандчилик ва чорвачилик учун кенг майдонларга эгалиги  натижасида Буюк карвон йўллари чорраҳасида жойлашганлиги билан тараққиёт марказига айланган. Далварзиннинг маъмурий-сиёсий марказ сифатида  шаклланиши, Аҳамонийлар, Герк-Македон, Юнон-Бақтрия, Кушон империяси, Эфталийлар,  Турк ҳоқонлиги даврида  алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, марказлашган давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан ўзбек давлатчилигининг муҳим манзилгоҳи ҳисобланади. Далварзин жаҳон маданиятни дурдонаси бўлиб, миллий туйғуларни ўзида мужассам этган илм-тафаккур маскани, будда динининг кенг тарқарилишга замин яратган, шахмат ва амалий санъати  ҳамда бадиий безак, миллий заргарликнинг шаклланишига асос солган ҳудуддир. Ўрта асрлар даврида Шўрчи ҳудудида шаклланган Чағониён давлатининг маъмурий маркази бўлган Далварзин шаҳри қўшни ва хорижий давлатлар билан элчилик муносабатларини йулга қўйган маскан бўлиб, будда динни ривож топишида асосий маъанавий марказ ҳисобланди.  Шўрчи ҳудудидаги қалъалар, истиҳкомлар  арабларнинг истилочилик урушларига қарши чиққан илк  маконлар бўлиб, маҳаллий аҳолини ватанпарварлик, мардлик, жасурликка даъват этган афсона ва ривоятларга эга манзилгоҳдир. Шўрчи ҳудудидаги иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга имкониятлар Чағониён давлатчилигини ўрта асрлардаги сиёсий мавқеини мустаҳкамланишга, Амир Темур сиёсий ҳокимиятини

иқтисодий-сиёсий жиҳатдан равнақ топишга, ҳарбий стартегик макон сифатда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Бухоро амирлиги даврида Денов беклиги қарашли Шўрчи амлокдорлигидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти ривожланиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик тараққий этган ҳудуд сифатида амирликка иқтисодий фойда келтирган ҳудудга айланди. Совет давлатининг қатоғонлик ва маъмурий- бўйруқбозлик сиёсати давридаги оғир ижтимоий-иқтисодий ва маданий масаладаги миллий камситиш сиёсати синовларига Шўрчиликлар бардош бердилар. Миллий урф-одатларни камситилиш, миллий ғурурни поймал қилинишига қарамай ўзликни, миллий туйғуларни сақлаб қолдилар ҳамда эртанги кунга, яъни миллий озодликка эришишга ишонч-умид билан қарадилар. Мустақиллик йилларида Шўрчи тумани ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиб, юксак тараққиётга эга бўлган масканга айланди. Шўрчи тумани мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қушиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги мунтазам ривожланиб, маданий муассасалар замонавий қурилган биноларга эга туманга айланди. Замонавий таълим-тарбия ҳамда даволаш муассалари қуриб ишга туширилиб, ҳар тамонлама обод ва кўркам туманга айланиб, аҳолини турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Шўрчи тарихи монографисини яратилиш ўзбек давлатчилиги тарихнинг мукаммал ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб, монографияни яратилишда таниқли археолок олим Далварзин тарихий обидасини мукаммал ўрганган Боҳодир Турғуновни илмий асарлари, тарихий фикр мулоҳазалари муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, монографиянинг илмий таҳлил этиш жараёнида тарихчи-археолог олимлар, академиклар Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, А.Асқаровларни, т.ф.д. профессорлар А. Саъдуллаев, Т. Ширинов, т.ф.д. Б. Эшов ва Ш. Шайдуллаевларнинг, тарих фанлари номзодлари Э. Қобилов, Т. Пардаев, Т. Аннаев, З. Холиқовларни асарларидан ҳам фойдаланилди. Таниқли журналист, ижодкор Абдиназар Хидиров раҳбарлигида нашрга тайёрланган «Чағониён тарихи» асари манбаларни ўрганиш ҳамда

таққослашда муҳим қулланма бўлиб хизмат қилди. Энг муҳими шоир ва ёзувчи, журналист Туроб Эшбоевнинг “Шўрчи Шуҳрати ва Инсон Қудрати” тарихий-бадиий қиссасидаги фикр мулоҳазалари тарихий даврини таққослашда холисона асос бўлди. Шунингдек, Бўрон Нормуродов, Туроб Оллоёровни “Шўрчи Фарзандлари” тарихий тафсивномасидаги фикр ва таҳлилларидан монографияни яратишда фойдаланилди. Шўрчи тумани тарихни ўрганиш фақат мустақиллик туфайли намоён бўлиб, холисона изчиллик нуқтаий назардан таҳлил этилиб, ушбу монографияни тайёрлаш ва нашр этишда ташкилотчи раҳбар Шўрчи тумани ҳокими Ҳ Маматқуловнинг хизмат беқиёс бўлиб, монография муаллифлари ўзларини чексиз минатдорчилигини билдиради. Шўрчиликлар меҳнаткаш, бағри кенг инсонлар бўлиб, уларни меҳнатсеварлигини, мардлигини, ватанпарварлигини, ватанга содиқ, ёшларга ибратли ҳаётини тарих саҳфаларига киритиш тарихчи олимларни бурчидир. Шўрчи ва шўрчиликлар ҳақида куплаб тарихий ҳамда тарихий-бадиий китоблар ёзилади, ушбу моногарфия ҳақидаги фикр мулоҳазаларни муаллифлар китобхонлардан ҳурмат билан қабул қилади.

## ҚАДИМГИ ЖЕЗ ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИДА ШЎРЧИ

***Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз. И.А.Каримов***

Ўзбек давлатчилиги тарихида катта аҳамиятга эга бўлган, қадимий манбаларда алоҳида таҳлил этилган Кушон давлатининг пойтахти ҳисобланган Далварзин шаҳри жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида эътироф этилади. Кушон давлатининг подшолари Кадзула, Кадфиз, Канишка, Хувишка ва бошқалар Далварзин шаҳрининг ривожланиши учун муҳим иқтисодий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган амалий ишларни бажариб, давлат дини сифатида Буддавийликка оид ибодатхоналарни ҳашаматли қилиб барпо этганлар.

Кушон давлати қадимги Бақтрия давлати ҳудудида шаклланган бўлиб, Кушон давлатининг шаклланишидаги асосий омиллардан бири унинг қулай табиий-географик муҳитидир. Табиий-географик муҳитнинг қулайлиги деҳқончиликда юқори ҳосил олиш гарови ҳисобланади. Юқори ҳосил эса эҳтиёждан ортиқча маҳсулот етиштириш учун йўл очади. Сурхон дарёнинг мунтазам тарзда оқиб туриши табиии географик муҳитнинг қулайлиги билан тавсифланади. Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигининг ривожланишида Сурхондарё ирмоқлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Дарё текис ерларга яқинлашганда ўнлаб ўзанларга ажралиб кетганлигини унинг қуруқ ўзанлари тасдиқлайди. Айнан мана шу ўзанлар бўйларида бронза даври ёдгорликлари жойлашган. Далварзиннинг табиий шароитининг яна бир қиёсли томони шундаки, қуёш ўз нурларини энг аввал Боботоққа ва Кўҳитангтоққа таратади. Баҳор, ёз ва куз ойларининг дастлабки кунларида қуёш иссиғидан ташқари Боботоғ ва Кўҳитангтоғдан ҳам иссиқ ҳаво оқими тафти воҳага уфуриб туради. Тун ярмигача ҳавонинг тафти қайтмайди. Бу ҳолат деҳқончилик экинларининг яхши ривожланиши ва серҳосил бўлишига имконият яратади.

Сурхон воҳасида зардуштийлик динининг шаклланиши, айниқса Авесто билан боғлиқ тарихий жойлар жуда кўп. Шунинг учун ушбу китобда Сурхон

воҳасига хос манзилгоҳлар, урф-одатлар, эътиқодлар ва анъаналар атрофлича баён этилган. «Авесто» жамоасининг синфий характерини белгиловчи «vira» ёки «vaesa» терминларини археолог олим И.М. Дьяконов уй хизматкори, қул деган маънони беради деб таъкидласа, В.М. Массон оиланинг, жамоанинг кичик аъзоси деб билади[94]. Маълумки, аҳолининг қарама-қарши синфларга ажралганлигини билдирувчи археологик белги, бу аркларнинг пайдо бўлишидир. Ўрта Осиё археологиясида илк маротаба мудофаа деворлари билан ўралган, шаҳристондан алоҳида ажралиб турган, платформалар устида қурилган арклар Яз I даврида пайдо бўлган Қизилтепа моддий маданиятимизнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади.

«Авесто»нинг энг қадимги Гат қисмларида аҳолининг кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан, дехқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади. Унда суғорма деҳқончиликнинг бўлганлигини тасдиқловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд . Шимолий Бақтриядаги энг қадимги канал қазиш, буғдой ундириш зардуштийликда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси деб тушунилган. Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган қурол-аслаҳалар ҳам «Авесто» муаллифи эътиборидан четда қолмаган. Авестошунос олимлар «Авесто» шаҳар ҳаёти ва тузуми ҳақида маълумотлар бермайди. Манбада «шаҳар» сўзи ёки «шаҳар жамоаси» тушунчаси йўқ деган қатъий фикрга келишган. Ҳақиқатдан ҳам шундай, "Авесто" шаҳарлар тўғрисида маълумот бермайди, аммо археология Қадимги Бақтрияда бронза давридан бошлаб илк шаҳар маданиятига асос солинганлигини илк темир даврига оид Қизилтепа каби шаҳар типидаги ёдгорликларининг очилиши ва кенг кўламда ўрганилиши бу ҳудудда шаҳар маданиятининг гуллаб-яшнаганлиги, қадимги Шарқ маданиятининг ажралмас бўлаги сифатида қадимги замонлардан цивилизация ўчоғи бўлганлигини тасдиқлайди. Қадимги Бақтриянинг қишлоқлари археолог А.С. Сагдуллаев томонидан Қизилча-6 ёдгорлиги мисолида ниҳоятда яхши ўрганилган. Ушбу ёдгорлик бир оилага - мўлжаллаб, тўғри тўртбурчак шаклида, олд томонида чорбоғлари билан

қурилган. Худди шу сингари ёдгорликлар Миршоди дарёси бўйида, Қизилтепа шахар ёдгорлиги атрофида 11 тани ташкил этади. Бақтрия оилалари яшаган уйлар ҳам ҳар хил, Қизилча 6- қўрғони ягона тарх асосида, меъморий услуб билан қурилган. Бу ерда яшаган оила уйи тўрт метр баландликдаги платформа устига қурилган ва мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Демак, Бақтрия **нмана**лари, оилалари эгаллаган мавқеиларига қараб ҳар хил шаклда уйлар қурган. Айрим оилаларнинг "қул" лари, оила хизматкорлари ҳам бўлганлигини археолог И.М. Дьяконов тадқиқотларида асосланган. Сурхон воҳоси ҳудудида шундай суғорилиш районларидан яна олтитаси маълум, демак, жами 7 та ҳокимлик ҳукм сурган. Булардан бири Миршоди Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи оқимларини ўз ичига олган суғорилиш ҳудудидир. Миршоди суғорилиш ҳудуди, яъни ҳокимлик ҳудуди Миршоди дарёси бўйларини, Бойсунтоғ яйловларини ўз ичига олган. Асосий ёдгорлиги Қизилтепа ва унинг атрофида жойлашган 11 та шу номдаги кичик ёдгорликлар мажмуасини бирлаштирган. Маҳаллий ҳокимлик маъмурий бошқарув маркази Қизилтепа аркида жойлашган. Сангардак суғорилиш тумани шу дарё бўйларини, Бойсунтоғ яйловларини ўз ичига олган. Демак, Бақтрия ҳудудида жами 17 та ҳокимлик мавжудлиги аниқланди. Ҳар бир ҳокимлик иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳаёт кечирган. Ўзининг деҳқончилик учун экин майдонлари, чорваси учун яйловлари бўлган. Ҳокимлар аҳолидан алоҳида бўлган маъмурий аркларда яшаб, ўз ҳудудини ҳимоя қилган, аммо сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмаган, негаки "Авесто"да дахиюпатлар тўғрисида маълумотлар ҳам бўлиб, улар деҳқончилик ўлкаларининг ҳукмдорлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бойсун деҳқончилик ўлкаси (дахиюпати) ўз таркибига Бойсунтоғ ён бағри яйловлари, Бандихонсой, Миршоди (ҳокимликка қарашли) сув ҳавзаларини бирлаштирган. Ҳамма сув ҳавзалари Бойсунтоғдан бошланган. Ҳокимликнинг маркази майдони 22 гектардан иборат Қизилтепа ёдгорлигидир. Қизилтепа Қизил- I давридан бошланиб, у икки қисмдан - арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлиб, Қизилтепа атрофида кичик ёдгорликлар

гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган. Ҳар бир деҳқончилик ўлкаси алоҳида жойлашган мустақил сиёсий ва иқтисодий ҳудуд бўлиб ҳисобланиб, ўзининг табиий ёки сунъий сув базасига эга бўлган. Ҳар бир деҳқончилик ўлкаси Қадимги Бақтрия подшоҳлиги таркибидаги кичик-кичик сиёсий ҳудудлар бўлиб ҳисобланган. Чунки, Қизилтепа шаҳри мавжуд деҳқончилик ўлкасининг сиёсий маркази бўлиб, бош шаҳар маъмурий бошқарув тизими шу шаҳарда жойлашган. Бақтрия ҳудудида илк темир даврида бу жараён узлуксиз давом этиб, Қизилтепа шаҳри Арк ва шаҳристонга эга бўлган, мудофаа деворлари билан ўраб олинган илк темир асридан бошлаб токи ўрта асрлар даврига оид Ўрта Осиё шаҳарларига хос бўлган шаҳар қурилиши анъаналарини ўзида сақлаб қолган. Археолог А.С.Сагдуллаев Миршоди ҳудудида жойлашган Қизилтепа шаҳри ёдгорлигида тадқиқотлар олиб бориб, умумий майдони 22 гектар, арк ва шаҳристондан иборат бўлган, қалин мудофаа деворлари билан ўралган арк деворларининг буржлар билан мустаҳкамланганлигини исботлаб берди. Шаҳарларнинг арк ва шаҳар қисми ҳам мудофаа деворлари билан ураб олинган бўлиб, чуқур ва кенг хандаклар қазилган. Қизилтепа шаҳарнинг мудофаа деворлари пойдеворлар устида қурилиб, девор қалинлиги 5 метргача бўлиб, мудофаа деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг мудофаа кудрати янада оширилган.

Академиклар Г.А Пугаченкова ва Э.В Ртвеладзелар Кушон давлати ҳудудидаги ёдгорликларда олиб борган тадқиқотлари натижасида бу ерда ўтроқ деҳқончилик маданиятининг ривожланганлиги, деҳқончиликда сунъий суғориш тизимининг кашф этилганлиги, Миршоди ва Далварзиндан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқарилганлиги, ерни ишлашда омочдан ва ҳайвон кучидан фойдаланилганлигини исботлаб берди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бронза давридаёқ шаклланган. В.М. Массон таъкидлаганидек, ҳар қандай деҳқончилик эмас, балки экинни кўп марта суғориш тизими ҳосилдорликни ошириб, меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига олиб келган. Миршоди маданияти моддий манбаларини

ўрганиш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкинки, сополли даврида деҳқончиликдан иккинчи меҳнат тақсимоти – ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши юз берган. Ҳунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йигирув ва тўқув дастгоҳининг, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб хумдоннинг, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилиши, қурилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга ўтилиши бой моддий манбалар асосида кўрсатиб берилади. Дастлаб ҳунармандлар деҳқонлар билан биргаликда ҳаёт кечиришиб, яъни илк шаҳарлар шаклланиши даврида ҳунармандлар маҳсулотига бўлган талабнинг ошиши уларнинг алоҳида жойлашишига имкон яратиб, ҳунармандларнинг махсус кварталлари пайдо бўлган. Бу ҳолат сулолавий ҳунармандларнинг шаклланишига ва малакали мутахассисларнинг етишишига, ишлаб чиқариш унумдорлигининг сезиларли ва ниҳоят ҳунармандлар гуруҳининг шаклланишига олиб келиб, ҳунармандчиликда ҳам эҳтиёждан ортиқча қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлишига имкон яратган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳажмининг ошиши давлатчиликнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган қўшимча маҳсулот ҳамда хусусий мулкнинг шаклланишига олиб келган.

Кушон давлатининг шаклланишида яна бир муҳим омил маҳсулот айирбошлаш ва савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланишидир. Миршоди, Далварзин маданиятига хос бўлган сополларнинг Сирдарё бўйи ҳудудларида жойлашган бронза даври ёдгорликларида учраши савдогарларнинг Чағониён билан ўзаро савдо ҳамда маданий алоқалар ўрнатганлигидан, Кушон аҳолисининг Эрон билан маданий алоқасини тасдиқловчи кўплаб муҳрларнинг топилиши Сополли маданияти аҳолисининг маданий ва савдо муносабатларини жуда кенг ҳудудларда олиб борганлигини тасдиқлайди. Кушон давлатининг қимматбаҳо савдо материаллари Эрон, Миср ва бошқа мамлакатларда юқори баҳоланиб, “Буюк

ложувард йўли”  Бақтрия аҳолисининг савдо муносабатлари ривожига алоҳида ҳисса қўшган.

Савдо-сотиқ муносабатларининг тараққиёти жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига имкон яратган.  Миршоди, Қизилча, Далварзин ҳунармандчилик ашёларининг барчасини савдо учун ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу маҳсулотлар юқори баҳоланган. Қизилча ва Далварзин шаҳарлари аҳолисининг деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо соҳаларида эришган ютуқлари одамларнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишига олиб келган. Бу эса давлатчиликнинг шаклланишида учинчи ва асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши давомида уни диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқариш тизими туғилади.

Г.А. Пугаченкова Кушонда давлатчиликнинг пайдо бўлишида қуйидаги иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг мавжудлигини таъкидлайди:

1. Табиий шароит, яъни унумдор тупроқ, сув ва бошқа географик омиллар.

2. Ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва уни таъминловчи агротехника.

3. Иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар туфайли ижтимоий табақаланишнинг юз бериши. У ана шу табақаланиш жараёни маълум нуқтага етгач, жамиятни бошқариш зарурияти туғилади.

Академик Э. В Ртveладзе ва т.ф.н археолог Б.Турғуновлар томонидан илмий-тарихий жиҳатдан ўрганилган Далварзин шоҳлар саройи ва олов ибодатхонаси аҳолининг ижтимоий табақаланганлигини тўлиқ тасдиқлаб, ушбу ёдгорликда сарой ва ибодатхонанинг мавжудлиги Далварзин аҳолисини онгли бошқариш заруратининг туғилганлигини кўрсатади.

Кушон давлатининг пайдо бўлиши билан алоҳида ёки махсус зардуштийлик ва буддавийлик ибодатхоналари шаклланган. Ибодатхоналар ўзларининг хўжалигини ташкил этиб, иқтисодий жиҳатдан оёққа турган ибодатхона хизматчилари йирик диндорларга айланган. Улар ҳам давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этилиган. Археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Кушон давлати маданияти ёдгорликларининг жойлашиш

услублари қуйидаги ҳолатда бўлган: Кушон давлатига бўйсунувчи Басанд деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Бойсунтоғ ён бағри яйловлари, Бандихонсой, Миршоди сув ҳавзаларини бирлаштирган, чунки сув ҳавзалари Бойсунтоғдан бошланган.

Сурхон деҳқончилик ўлкаси Сурхондарёнинг ўрта оқими ҳудудларини бирлаштирган. Қадимги Кушон подшолиги даврида ҳарбий ишлар соҳасига алоҳида эътибор берилган. Мудофаа иншоотига эга бўлган Далварзин ҳарбий истеҳкомлари баланд мустаҳкам иншоотларга эга бўлиб, ушбу иншоотлар қўшимча мудофаа деворлари билан ўралган. Бу мудофаа истеҳкомлари кенг ҳудудни мудофаа қилишга мўлжалланган иншоотга эга бўлиб, бир неча қатор мудофаа деворидан ташкил топган деворлар ярим айлана шаклидаги буржлар билан мустаҳкамланган.

Далварзин шаҳрининг арк ва шаҳар қисми ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, чуқур ва кенг ҳандақлар қазилганлиги туфайли мудофаа қудрати мустаҳкамланди. Қизилтепа шаҳрининг мудофаа деворлари пойдеворлар устига қурилиб, девор қалинлиги 5 метргача боради. Мудофаа деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг мудофаа қудрати янада оширилган. Деворлар ҳам, буржлар ҳам шинаклар билан таъминланган. Ўрта Осиё археологиясида мудофаа деворларига буржлар ўрнатиш бронза давридан маълум бўлса-да, уларга шинаклар қўйиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мудофаа ишларини мустаҳкамлаган.

Мудофаа иншоотларининг такомиллашуви жанг қуролларининг такомиллашуви билан мутаносиб равишда кечган. Кушон давлатида уч парракли пайкон ҳарбий қурол сифатида кенг ишлатилган. Ўрта асрларда ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий жиҳатдан шаклланган Кушон давлати ҳудудидаги аҳоли манзилгоҳларини ўрганиб, уларнинг қуйидаги ўзига хос ҳолати таҳлил этилди. География жиҳатдан Миршоди, Далварзин Кушон давлатининг сосонийлар даврига оид энг асосий, сераҳоли ёдгорликларидан ҳисобланади. Шўрчи тумани ҳудудидаги Қоровултепа, Чоргултепа, Саврtепа, Қулоқлитепа ва бошқа ўнлаб қадимги шаҳар, қўрғон, қалъа ва қишлоқларда

ҳам маданият тараққий этганлигини тасдиқловчи тарихий моддий маданият буюмлари топилди.

Далварзин тарихини илмий ўрганиш ва уни холисона таҳлил этиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилиб ижобий натижаларга эришилди. Жаҳон тарихшунослигида Далварзин тарихи билан боғлиқ қатор илмий ишлар олиб борган тақиқотчилар ушбу мавзу ҳақида ўз хулосаларини тақдим этганлар. Кушон давлати ҳақидаги илк манбалар ушбу давлат негизида ташкил топган Бақтрия тўғрисида Геродот асарларида Бақтриянинг Қадимги Шарқ давлатлари ичида кучли сиёсий давлат бошқарувига эга эканлиги, шунингдек, Кирнинг ҳарбий юришларида Вавилония ва Миср давлатлари қаторида Бақтрия давлати ҳам асарда қайд этилади. Геродот асарларида бақтрияликларнинг қурол-аслаҳалари, ҳарбий қўшинидаги тартиб-интизом, бақтрияликларнинг моддий-маънавий маданияти ҳамда маҳаллий аҳоли ҳисобланган арийлар, хорасмияликлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва дадиклар ҳақида тарихий манбалар қайд этилган. Рус шарқшуноси В.В. Бартольд ўз асарларида Ўрта Осиё ҳудудида Аҳамонийлар империясидан олдин ҳам Бақтрияда давлатчилик шаклланганлигини ва бу манбалар Ктесей, Книдский асарларида қайд этилганлигини асослаб беради.

Таниқли археолог С.П. Толстов ўзининг илмий тадқиқотларида Диодорнинг манбаларига эътибор берган ҳолда Бақтр шаҳарнинг арки ҳамда шаҳар қалъа деворлари ҳақида манбалар мавжудлигини, ушбу қалъалар Аҳамонийлар империясигача Бақтрия давлатида мавжуд бўлганлигини асослаб беради. Бироқ баъзи Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган тарихчиларнинг фикрларида Бақтрия давлатининг пайдо бўлиши ҳақида асосланмаган фикрлар мавжуд бўлганлигини француз археологи А. Фушенинг қарашларидан билиш мумкин. Унинг фикрича, "Бақтрия уйдирма, унинг ҳеч қандай қадимий тарихи йўқ. Бу ерга маданиятни, давлатчилик сиёсатини аҳамонийлар олиб келган" деган нотўғри фикрни баён этиган. Ушбу фикрнинг асоссиз эканлигини таниқли археолог олима Е.Е. Кузьмина исботлаб "Бақтрия уйдирма эмас, тарихий ҳақиқатдир" деган ғоя билан

чиқиб, манбалар асосида Бақтрия давлатининг Аҳамонийлар империясигача мавжуд бўлганлигиниэътироф этади. Шунингдек, таниқли антрополог олим М.М. Дьяконов Жанубий Тожикистон ҳудудидаги Болдойтепа, Кафирнигон ёдгорликларини ўрганиб, «Македонский ва Эллин давридан аввал ҳам Ўрта Осиёда ўзига хос ўтроқ маданият ва синфий жамият бўлган» деган манбалар билан мавжуд нотўғри қарашларга чек қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бақтрия давлатчилигига хос илк маданий тараққиёт милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё ҳудудида йирик давлатлар бирикмаси бўлмаган, бироқ, илк давлатчилик сунъий суғоришга асосланган ҳудудларда илк темир давридан пайдо бўлган. Шўрчининг қадимий тарихи билан боғлиқ Кушон давлати айнан қадимий Бақтриянинг шимолий ҳудудида пайдо бўлган давлатчилик билан боғлиқ бўлиб, Бақтрия, Юнон-Бақтрия, Тохаристон, Кушон, Эфталитлар, Турк хоқонлиги давлатлари Чағониён давлатчилигининг пайдо бўлишида асосий манба бўлганлиги тарихий тадқиқотлар натижасида ўз исботини топди. Ўзбек давлатчилигининг асосий ҳудуди бўлган Кушон давлатининг маркази Далварзин шаҳри икки қисмдан, яъни арк ва «шаҳристон»дан иборат бўлиб, унинг умумий майдони 25 гектарни ташкил этган. Далварзин шаҳри пайдо бўлишининг асосий манбаларидан бири деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва сунъий суғориш тизимининг тараққий этиши ҳамда ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг аҳоли жон бошига ўсиши каби омиллар халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарнинг пайдо бўлиши учун дастлабки манбалар милоддан аввалги II минг йилликларда хўжалик тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида милоддан аввалги I минг йилликлар бошларида Қизилтепа, Жондавлаттепа, Ҳаитободтепа, Далварзин ва бошқа ҳудудларда сиёсий ва мафкуравий давлатчилик белгиларининг ташкил топиши ва ривожланиши билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Кушон империясининг маркази ҳисобланган Далварзин сиёсий мавқеига ва иқтисодий имкониятига қараб

катта шаҳарларга оид бўлиб, шаҳар моддий маданиятида аҳолининг ижтимоий табақаланишини билдирувчи ёдгорликлар, яъни ҳашаматли ёки оддий уйларнинг бўлиши, ёдгорликларнинг типларга ажралиши, қабрлар ва унда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат жиҳатдан фарқ қилиниши билан ажралиб туради. Далварзин шаҳри бир вақтда Кушон давлатининг сиёсий, маданий, ғоявий ва иқтисодий маркази сифатида ривожланиб, унинг атрофида деҳқончиликнинг ривожланганлигини тасдиқловчи меҳнат қуролларининг такомиллашуви, сунъий суғориш каналлари ва шохобчаларининг пайдо бўлиши, деҳқончилик маҳсулотларини, яъни истеъмолдан ортиқча захира бойликларни сақлаш учун омборхоналарнинг бўлиши ва экин турларининг ошганлигини тасдиқловчи манбалар кўплаб топилди. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатувчи ҳунармандчилик маҳсулотлари турларида сифат ўзгаришларининг содир бўлиш жараёни тарихий манбалар асосида таҳлил этилиб илмий исботланди. Далварзинда ҳунармандчиликнинг марказлашув жараёнининг бошланиши, чорвачиликнинг ривожланиши ва унинг таркибида йилқичиликнинг пайдо бўлиши шаҳарда ҳарбий ва мудофаа ишларининг такомиллашувини белгиловчи ҳарбий истеҳком, қалъаларнинг қурилиши, мудофаа деворлари ва буржларнинг қўлланилиши натижасида жанг қуролларининг такомиллашувига олиб келди. Далварзин шаҳрида яшовчи одамларни маънавий, руҳий бирлаштирувчи ва жамиятни бошқарув ишида фаол бўлган, якка худоликка асосланган диннинг мавжудлигини тасдиқловчи археологик белгилар монументал ибодатхоналар, оила алтарлари, илоҳий идишларнинг бўлиши будда динининг кенг тарқалишига олиб келди. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида савдо ва бошқа халқлар билан маданий алоқанинг ривожини аниқлашда қўл келадиган, бошқа халқларга хос бўлган моддий маданият намуналарининг кўплаб топилиши, савдо йўлларининг такомиллашувига олиб келганлигини асослаб беради. Кушон давлатиги хос хусусий мулк ёки сиёсий бирлашма белгиси ҳисобланган муҳрларнинг топилиши жамиятнинг цивилизацияга

эришганлигининг маҳсули сифатида глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзувнинг пайдо бўлишига асос солганлиги таҳлил қилинди.

Кушон давлатчилигининг асоси ҳисобланган Далварзин маданияти археолог олим Б.Турғунов томонидан ўрганилиб, шаҳар унча катта бўлмаган ҳудудда, аниқроғи, бир жамоа эгаллаган ҳудудда ёки бир-бири билан узвий боғлиқ бир неча жамоа ҳудудларида ташкил топган жойда пойдо бўлганлиги таҳлил этилди. Далварзиннинг ташкил топишида сув тармоқларининг қулай жойлашганлиги муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Далварзинни маънавий асосини таҳлил этувчи Будда ибодатхонаси шаҳар марказидаги шу ҳудуднинг бош «илоҳ»ига бағишлаб қурилган. Унинг атрофида маъмурият, озиқ-овқат, қурол-яроғ омборлари, ҳунармандчилик устахоналари жойлашган. Уларнинг ҳаммаси мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шу тариқа, Далварзин шаҳри пойдо бўлган. Шаҳар атрофларида эса бир неча қишлоқлар жойлашган. Қишлоқлар ўз тинчлигини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий ҳарбий кучларни тўплаган ҳолда илк давлатларнинг биринчи босқичи шаҳар-давлатларига асос солган. Кушон давлати «шаҳар-давлат»ларнинг ҳарбий иттифоқи асоида шаклланган. Бунда кучсизроқ шаҳар-давлатлар ўз ички мухториятини сақлаган, ўзидан кучлироқ марказий давлатга хирож тўлашга ёки ҳарбий ёрдам беришга мажбур бўлган. Далварзин иқтисодий, минтақавий, маданий ва этник жиҳатдан ҳар хил бўлган улкан ҳудудларни бирлаштириб, ушбу ҳудудлар ягона марказдан бошқарилган. Шунингдек, ҳудудий бирлаштириш Кушон даврида вилоят, ўлка, сатрапликка хос бўлиб, Кушон давлатини бошқариш учун мукаммал қуролланган ва яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган доимий қўшин мавжуд бўлган.

Далварзиндаги ибодатхоналарда коҳинлар будда динини тарғиб қилиш билан шуғулланганлар. Кушон подшолари диндорларга суяниб давлатни ўз қулларига ушлаб турганлар. Шунингдек, йирик ер эгалари, савдогарлар ҳам диндорларга ва ибодатхоналарга таянишган. Далварзинда олиб борилган тақиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, бир халқ ўз динини иккинчи

халқ динига қарши қўймаган, яъни ерли халқ урф-одати ва кўчманчи халқ анъаналари бир ҳудуд, яъни бир шаҳар ҳудудида бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган. Бу албатта, Кушон империясининг бирлигини сақлаш учун давлат амалдорларининг диндан моҳирона фойдаланганлигининг бир кўринишидир.

Демак, Далварзинда диннинг ривожланиши шаҳар тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган ва давлатнинг пайдо бўлиши билан якка худоликка асосланган динлар юзага келиб, Будда дини Кушон давлат мафкурасида муҳим ҳисобланган. Далварзин шаҳрида зодагонлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, тартибни, осойишталикни сақлаш ҳамда қўшни шаҳарлар ва давлатлар билан алоқа қилиш каби муносабатларни бажариб аҳолини бошқариш усулини, айниқса қишлоқ аҳолисини бошқаришга ҳаракат қилган. Бунинг учун қишлоқ аҳолисини бошқаришда шу қишлоқнинг ишлаб чиқариш усули нимага асосланганлигига асосий эътиборни қаратиб, қишлоқ аъзоларини жипслаштириб турган дин бирлигига ва дин намояндаларининг ёки бошқа бир қатлам ҳарбийларнинг (қуролли кишилар гуруҳи) жамоада тутган ўрнини ҳисобга олишган. Далварзиннинг ривожланиши натижасида бошқарув усули такомиллашиб, меҳнат тақсимоти ва маҳсулотларни айирбошлаш янада ошиб, ҳунармандчилик ривож топди ва илк шаҳар маданияти юксалди.

Академик Э.В.Ртveладзе ва т.ф.н археолог Б.Турғуновлар Далзарзин мудофаа девори 40х40-42х10-12 сантиметрли хом ғиштлардан қилинганлиги, қалинлиги 6,1 метрни ташкил этганлигини, мудофа деворларини қуришда грек ва бақтрия усулидан кенгроқ фойдаланиб, девор устига кузатув миноралари қурилганлигини таҳлил этганлар. Шаҳар арки мудофаа деворлари мустаҳкам хом ғиштлардан қурилиб, деворнинг қалинлиги 3 метр бўлиб, унинг баландлиги 5,8х3,5 метргача бўлган. Қалъа деворлари тепасида мудофаа йўлакчалари бўлиб, махсус ўқ отадиган туйнукчалар жойлаштирилган. Мудофаа деворлари бурчагида мудофаа қўрғончалари ўрнатилиб, душман ҳужумларини қайтариш, харакатларини ташкил этиш ва назорат қилишда ушбу қўрғонлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Миршоди

ҳудудидаги қадимги илк шаҳар марказлари ҳисобланган Қизилча-6 ва Қизилча-1 даги мудофа деворлари тўғри тўртбурчакли мустаҳкам қилиб қурилган. Далварзин мудофаа деворлари атрофи чуқур қазилган зовурлардан иборат бўлиб, сув билан тўлдирилган. Даварзин қурилиш усули Қизилча-6 мудофаа иншоотларига ўхшайди. Далварзин науслари ички заллари алоҳида хоналар билан боғланиб, хоналар мустаҳкам тўғри тўртбурчак услубида, ҳар бир хона ўзи бажарадиган вазифасига қараб тақсимланган. Далварзин шаҳрида Будда монастир шаҳарнинг ички қисмида жойлашиб, муҳташам заллари чиройли ҳайкаллар билан безатилиб, оҳактош услубида лойга ишлов бериш натижасида дид билан ишланган ҳайкаллар ўзининг гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Будда ҳайкаллари катта-кичик турли услубда, баъзиларининг баландлиги 2,5 метр, бошқалари эса кичик майда ҳайкалчалардан иборат. Будда ҳайкалларидан 3 таси катта бўлиб, Бодистава ҳайкаллари ниҳоятда гўзал ишланиб, чиройли бош кийим гул чамбар билан ўралиб, кийимлар нақшли безатилган. Буюк Кушон империяси даврида Будда дини давлат дини деб эълон қилгани туфайли буддизм эътиқодларига ишонч кучли бўлган. Топилган ҳайкалларнинг кўпчилигида кўзлар ярим қисилган ҳолатда тасвирланган. Айниқса терракота ҳайкалчаларида бунга алоҳида эътибор берилиб, ушбу ҳайкалчалар ниҳоятда нозик дид билан ишланиб, Гандхара-Бақтрия услубида ишланган. Терракота ҳайкалчаларига от минган ҳарбий, илоҳий худолар, турли хил илоҳий маъбудалар, афсонавий баҳодирлар рамзи туширилган. Шимолий Бақтрияга хос она қиёфаси акс эттирилган терракота аёллар қиёфасини акс эттирган статуэт ҳайкалчалар, унинг маҳорат билан ишланган шакллари Далварзин қадимий обидасидан топилган.

Милоддан аввалги IX асрдан бошлаб Қадимги Бақтрия маданияти шаклланган. Аҳамонийлар империясига қадар 300 йил давомида мустақил ривожланишга оид маданий қатламлар Шимолий Бақтриянинг Қизилтепа ёдгорликлари орқали ўрганилган. Воҳанинг маркази майдони 22 гектардан иборат бўлган Қизилтепа ёдгорлигидир. Қизилтепа Қизилча- I давридан

барпо бўлиб, Қадимги Бақтрия маданияти давридан бошлаб у икки қисмдан арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлган. Қизилтепа атрофида кичик ёдгорликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашиб, у ҳам арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлиб, кучли мудофааланган шаҳарлар тоифасига киради. Ҳаитободтепа ёдгорлигига ҳам қадимги бақтрия маданияти даврида асос солинган. Илмий тадқиқотчи Ш.Шайдуллаевнинг хулосасига кўра Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Шаҳарлар. Улар ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан жойлашган бўлиб, икки қисмдан (арк ва шаҳар) иборат. Арк ҳам, шаҳар қисм ҳам юқори ривожланган мудофаа деворлари билан муҳофаза қилинган. Мудофаа деворлари 5-8 метр қалинликда бўлиб, платформа устида қурилганлиги кузатилган. Ҳамма мудофаа деворлари буржлар билан мустаҳкамланган. Худди шу даврда Бақтрияда мудофаа деворлари ва буржларга шинаклар ўрнатиш бошланган. Шинаклар узунчоқ, тўғри тўртбурчак шаклида ясалган.

2. Аркли қишлоқлар. Шу тоифадаги қишлоқларнинг фақат арк қисми мудофаа деворлари билан ўралганлиги характерлидир.

3. Арксиз қишлоқлар: Тарқоқ ҳолда жойлашган тепаликлар мажмуасидан иборат бўлган ёдгорликлар.

4. Ҳарбий истеҳкомлар. Доира ва квадрат шаклида қурилган қалъалар. Ушбу типга оид ёдгорликлар кучли мудофааланганлиги ва ҳарбий характерга эгалиги билан тавсифланади. Қалъанинг ички қисми очиқ ҳовлидан иборат бўлиб, яшаш уйлари фақат мудофаа деворлари бўйлаб қурилганлиги кузатилган.

5. Қўрғонлар. Қизилча шаҳрига оид I, VI босқичлар ана шу ёдгорликларга хос.

Шимолий Бақтрия ҳудудида 7 та деҳқончилик ўлкаси, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида эса 2-3 тадан суғорилиш районлари мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда маданий ва сиёсий маркази вазифасини Қизилтепа ёдгорлиги ўтаган. Шимолий Бақтрия ҳудудида Қизилтепа шаҳри илк давлатларнинг империялар босқичида шаҳарларга хос бўлиб, ирригацион

ҳудудларнинг маркази вазифасини ўтаган. Шунингдек, деҳқончилик ўлкасидан узоқроқ жойлашган ирригацион районларга арксиз қишлоқлар кириб, бу қишлоқлар мудофаа деворларига эга бўлмай бир неча патриархал оилага мўлжалланиб, ҳудудий жиҳатдан кичик бўлган. Бундай қишлоқларга Қизилча I-X шаҳар ёдгорликлари киради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Далварзин, Қизилча ҳудудлари мустаҳкам ҳарбий мудофаа иншоотларига эга бўлиб, ҳарбий истеҳкомлар билан ўралиб, мудофаа деворларининг қалинлиги 5 метрдан иборат бўлиб, деворлар махсус буржлар билан жиҳозланган. Далварзинга хос ибодатхоналар пиллапоя услубида, квадрат шаклида қурилган платформа бўлган. Археолог олим Ш.Р Пидаев томонидан платформа устидаги қурилма қолдиқлари аниқланиб, олим ушбу ёдгорликни олов ибодатхонаси деб ҳисоблайди.

Академик Г.А.Пугаченкова Чағониён тарихини ўрганиш, Далварзин шаҳринингнг пайдо бўлиши ва у билан боғлиқ бўлган юнон- герк қурилиш услубларини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасида қалъани кириш дарвозаси жуда мустаҳкам қурилганлигини, дарвоза тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, мудофаа деворлари ҳимоя воситалари билан жиҳозланганлигини асослаб берди. Шунингдек, Шўрчининг қадимги тарихи билан боғлиқ Миршодидаги Қизилча-1 ва Қизилча -6 мудофаа иншоотлари ҳам Далварзин қалъасидаги қурилиш архитектураси асосида мустаҳкам қурилганлиги қайд этилади. Энг муҳими Қизилча шаҳри ниҳоятда чиройли безаклар асосида қурилиб, топилган буюмлар ичидаги статуэтикларда асосан маъбуда ҳайкалчалари кўп бўлиб, унда она рамзи туширилган турли хил тасвирдаги ҳолатлар яхши ишланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу ҳайкалчалар она тасвиридаги илоҳийлаштирилган мусиқа чалаётган, рақс ижро этаётган, турли афсонавий ҳаракатлар намойиш қилган. Бақтрия ҳудудларида аҳолининг ўтроқ ҳолда жойлашуви деҳқончиликнинг шаклланишига асос солиб, маданий тараққиётни жадаллаштириб, Кушон ҳудудидаги Даштли, Миршоди каби қадимий аҳоли манзилгоҳлари ниҳоятда кўплаб манбаларни

фанга тақдим этади. Кушон давлатига қарашли Қизилча-1, II, III ва Миршоди ҳудудидан буғдой, арпани янчадиган меҳнат қуроллари, темир ўроқ, турли хил меҳнат қуроллари ва бронза, тошдан ишланган меҳнат қуроллари топилди. Кушон давлатида Сурхон воҳасига хос сополнинг 11 тури ва Қизилча II-III га тааллуқли механик чархда тайёрланган силлиқ ишланган сопол идишлар топилди. Қизилча-VI да милоддан аввалги VII-VI асрларга оид тўрт хонали яшаш жой очиб ўрганилиди. Унда яшаш жой 42 кв метрни, хўжалик хонаси 21,3-23 кв метрни ташкил этган. Қурилиш мустаҳкам иншотлар услубида, қалин девор ҳамда тўғри тўртбурчак ҳолда, иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда қилинган. Илк давлатчиликка оид белгилардан бўлган муҳрлар ҳам, бошқа жойларда бўлганидек, Шўрчи ҳудудида кўплаб топилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ҳудудида шаклланган давлатларнинг асосий белгиси бўлган муҳрлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу муҳрларда давлат рамзи, унинг сиёсий бошқарув тизими акс эттирилган. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Шўрчи ҳудудидаги қадимий обидалардан муҳрлар топиб ўрганилиб, ушбу муҳрлар давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий тараққиётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган Жойилма тарихий обидасидан милоддан аввалги XVII-XVI асрларга оид пиширилган лойдан тайёрланган қизғиш рангда муҳр топилиб, ушбу муҳр айланаси 5,5х5,5 сантиметрни ташкил этади. Муҳр марказида баландлиги 3 сантиметрли илон тасвирланган бўлиб, илоннинг бош қисми қаршисида вертикал тарзда йўналтирилган чизиқ устида 4 та горизонтал чизиқлар кесиб ўтган, вертикал чизиқ узунлиги 2,7 сантиметр. Горизонтал чизиқлар узунлиги турли кўринишда чизилган бўлса-да, барчасининг узунлиги бир хил 1,2 сантиметрни ташкил этади. Горизонтал чизиқлар ўртасидаги масофа 0,6 сантиметрдан иборат. Илон тасвирининг орқа қисмида узунлиги 0,6 сантиметр келадиган учта тўғри чизиқ тортилган, чизиқлар ўртасидаги масофа 0,5 сантиметрни ташкил этади. Муҳрдаги илон ва чизиқлар тасвири айлана чизиғи ичида бўлиб, унинг ташқарисида, яъни

муҳрнинг гирди бўйлаб узунлиги 0,5 сантметрдан келадиган ўйиқ тўғри чизиқ тасвири билан нақшлаб чиқилган, муҳрнинг орқа томонидан эса баландлиги 5 сантиметр келадиган тутқич ясалган бўлиб, остидан ип ўтказишга мўлжалланган тешикча мавжуд. Жойилмадан топилган муҳрлар милоддан аввалги XVII-XV асрларда Жанубий Ўзбекистон ва Сурхондарё ҳудудида шаклланган илк давлатчилик намунасининг моддий ашёвий далиллари ҳисобланади. Чунки айнан муҳрлар ёрдамида давлат сиёсатига оид ҳужжатлар юритилган ва расмийлаштирилган.

Милоднинг I-III асрига оид  пиширилган лойдан тайёрланган қизғиш рангдаги муҳрнинг айланаси 3х3 сантиметрни ташкил этади, баландлиги 3,2 сантиметр. Муҳрда дарахт тасвирига ўхшаш безак берилган. Ҳар ҳолда дарахт шохлари аниқ тасвирланган. Муҳрнинг орқасида баландлиги 3,2 сантиметр келадиган махсус тутқич ишланган бўлиб, ўрта қисмида кичкина айланасимон тешикча ўтган.

Маълумки, милодга қадар I ва милодий III асрларда Сурхондарё ҳудудида Кушонлар империяси ҳукмронлик қилади. Муҳр айнан шу даврни ифодалайди, чунки муҳрни тайёрлашда ишлатилган ашё кушонлар даври услубига хосдир, афтидан, у йирик Кушонлар империясининг Сурхон воҳасидаги тоғли ўлка ҳукмдорлариан бирининг муҳри бўлиши мумкин.

V-VI асрларга оид суякдан ясалган ясалган муҳр тасодифий топилма бўлиб, жойи номаълум. Муҳр марказида илоҳий қуш тасвири туширилган. Қушнинг бош қисмидаги битта кўзи ва ўткир ўроқсимон тумшуғи аниқ кўриниб турибди. Илоҳий қуш учаётган Хумо қушини эслатади. Илоҳий қуш узунлиги 3х3 см. келадиган доира ичида тасвирланган. Муҳрнинг баландлиги 5 сантиметрни ташкил этади. Муҳр Сурхон воҳасида қисқа ҳукмронлик қилган эфталийлар даврига мансуб бўлиб, ундан  давлат ишларини юритишда кенг фойдаланилган бўлиши мумкин. Муҳрнинг ўзига хос хусусияти унинг суякдан тайёрланганлигидир. Тарихий манбалардан маълумки, суякдан ясалган муҳрлардан ёки пул вазифасини бажарувчи суяк тангалардан вақтинча фойдаланиш тартиби бўлган (масалан, Амир

Темурнинг Эрондаги ҳарбий сафари чоғида фойдаланган суякдан ясалган пул воситалари каби). Суякдан ясалган ушбу муҳр ҳам эфталийлар даврида вақтинча фойдаланилган бўлиши мумкин.

V-VI асрларга оид пиширилган лойдан тайёрланган муҳр қизғиш рангда бўлиб, муҳрда кийик тасвири аниқ қилиб туширилган. Кийик тасвири 1,2 сантиметр баландликда берилган. Муҳрнинг умумий баландлиги 2 сантиметр бўлиб ўртасида ип ўтказишга мўлжалланган тешикча бор. Ушбу муҳр ҳам эфталийлар даврига хос бўлиб, афтидан, катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳужжатларни юритишда ва расмийлаштиришда ишлатилган.

## ДАЛВАРЗИН КУШОН ДАВЛАТИНИНГ СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ МАРКАЗИ

Далварзин шаҳрининг шаклланишида муҳим ўрин тутган Кушон давлати тарихи давлатчилигимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда воҳада иккита йирик марказ мавжуд бўлиб, булардан бири Амударё бўйидаги Тармита (Термиз) бўлса, иккинчиси эса Чағонруд (Сурхондарё) бўйидаги Далварзин шаҳри бўлган. Далварзинтепа Шўрчи шаҳридан 10 км шимоли-шарқда жойлашган. Майдони 47 гектарни ташкил этиб, 2 қисмдан иборат қудратли мудофаа девори (қалинлиги 10 метргача) билан ўраб олинган шоҳ сарой қалъаси ва шаҳристонни ўз ичига олган. Далварзин шаҳри шубҳасиз, йирик империянинг пойтахти бўлиб, атрофда унга тобе бўлган вилоятлар ва ўлкалар бор. У ерларда ҳам маданий ҳаёт бир вақтда тараққий этиб, подшоҳ вақти-вақти билан дам олгани чиққан гўзал боғ-роғлар ва масканлар бўлган. Кушон давлатининг сиёсий маъмурий маркази Далварзин шаҳри Шўрчи туманининг ҳозирги “Далварзин” ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашиб, шаҳар икки қисмдан ташкил топиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралиб, деворлар атрофи эни 15 метр келадиган сув тўлдирилган

хандақлар билан ҳимоя қилинган. Мудофаа хандақларини Дайтўлак дарё суви тўлдириб турган.

Шаҳарнинг маъмурий маркази бўлган биринчи-бош Далварзин умумий ҳудуди 5 гектар майдонни ташкил қилиб, унда Арки аъло– подшоҳ саройи ва унинг девони жойлашган. 1962 йилда археологлар маъмурий марказнинг 9 метр 60 сантиметр қалинликда пахса ва хом ғиштдан қурилган мудофаа деворини аниқлашди. Аркка шимоли-шарқдан тўғри тўртбурчак шаклидаги асосий шаҳар харобалари туташиб, унинг 10 метр баландликдаги деворининг узунлиги 2,5 километрлиги аниқланди. Антик даврдаги шаҳарларда дарвозалар унча кўп бўлмаган, чунки доимий таҳликада бўлган жой ҳам сотқинлар душманга очиб берадиган жой ҳам, шаҳарнинг дарвозаси ҳисобланган. Далварзин шаҳрининг ҳам фақат бир дарвозаси бўлган, у подшоҳ арки яқинида жойлашган. 1962 йили Далварзиндаги 1962 йили 15 кунлик қидирув ишларида фақат подшох арки деворининг қалинлиги, унинг пойдеворига қўйилган катта ҳажмдаги хом ғиштлар, пахса қаторлари ҳамда икки қатор девор борлиги илмий тақиқотлар даврида аниқланди. 1967 йилдан илмий тадқиқотлар олиб борилиб, археологлар шаҳар мудофаа деворини ўрганиб, унинг тўрт жойини кесиб текшириб, 100 метр узунликда қазиш натижасида шаҳар мудофаа деворлари қалин пахса ва хом ғиштлардан тикланганлигини аниқлади. Бу девор қалинлиги 8-10 метр бўлиб, деворнинг баъзи жойларида мустаҳкам истеҳкомлар, буржлар ва аскарлар юриши учун махсус йўлаклар ҳам борлиги текшириш жараёнида илмий асосланди. Шаҳарга кираверишда ўнг томонда бир ҳунармандниг шаҳар девори билан туташган 12 хонали уйи бўлиб, хоналарда рўзғорда кенг ишлатилган сопол идишлар, ип йигириш асбоблари ва I-II асрларга оид мис тангалар топилди. Айниқса, у ердан топилган сопол идиш-товоқлар диққатга сазовор бўлиб, ўтмишда ота-боболаримиз рўзғорда асосан хумдонда пиширилган сопол идишлардан фойдаланганлар. Шаҳарнинг обрўли кишиларидан бўлган кулол устанинг уйи подшоҳ саройининг нақт рўпарасида бўлиб, унда кулоллар маҳалласи жойлашган. Унда 11 та хумдон, кулолнинг устахонаси ва истиқомат қилган хоналари жойлашган бўлиб, бинода топилган

идиш-товоқларнинг нафис ва бир-биридан гўзал қилиб ишланганлиги аждоларимизнинг кулолчилик соҳасида ҳам юқори санъатга эришганликларидан дарак беради. Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий қисмида катта-катта тепаликлар бир-бири билан қўшилиб кетиб, бу ерда қазилма ишлари олиб борилиши натижасида тепаликлар остидан бой зодагонларнинг кўп хонали уйлари борлиги аниқланди.

Маълумки, энг яхши санъат асарлари, айниқса, буюмлар шундай жойларда тўпланган ва сақланган. Топилмалардан муҳими Шаҳристон киборларининг уйларини қазиш жараёнида иморатнинг нодир тарҳ нақшли ёғочнинг йўнилган қолдиқлари топилди. Бу кушонлар даврига мансуб нақшли ёғочнинг илк наъмунаси эди. Худди шу жойда милоддан аввалги I аср тасвирий санъатининг намуналарини ҳам учраб, ноёб парчаларда от чоптириб кетаётган аскар тасвирланган. Ўша даврга мансуб дунёвий мазмундаги тасвирий санъат бўлиб, бу уйдан мисли кўрилмаган олтин буюмлар хазинаси ва ҳозирда дунёда энг қадимги ҳисобланган шоҳмот доналари топилди. Шаҳарнинг шимолий қисмида, мудофаа деворига яқинроқ жойда теп-текис майдон ўртасидаги чўққайиб турган тепалик остидан  маҳаллий диндорларнинг ибодатхонасини топилди. Шаҳар кучли мудофаа истеҳкомлари тизимига эга бўлиб, бу ерда аслзодалар, ҳунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва руҳонийлар истиқомат қилишган. Далварзин шаҳри сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Кушон давлатининг иқтисодий-маданий тараққиёти натижасида мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида давлатчилик бошқарув тузуми мустаҳкам таррақий этиб, хўжалик, солиқ, совдо-сотиқ, пул муносабатлари ҳарбий салоҳиятнинг ўзига хос усуллари намоён бўлди. Далварзин шаҳри ҳақида мамлакатимиз  ва хорижий олимларнинг қатор илмий тадқиқотлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, турли бахс мунозараларини келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Далварзин шаҳри ўзбек давлатчилигидаги тизимидаги қадимий шаҳар давлатчилиги асосида милодий I-III асрларда ривожланиб, тараққий этди. Милодий I асрнинг биринчи ярми ёхуд ўрталарида юечжилар тасарруфидаги Кушон мулкининг юксалиши натижасида

вужудга келган массагетлар (Хитой йилномаларида юечжи) милоддан аввалги 140 йили Сирдарё ортидан Бақтрияга келиб, сакларни енгган ва Юнон-Бақтрия подшолиги ўрнида бир аср давомида 5 қабилага бўлиниб яшаган. Булардан кушон (Хитой йилномаларида гуйшуан) қабиласи жабғуси Кужула Кадфиз (Кадфих I) милодий I асрда қолган тўрт қабилани бўйсундириб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилган.

"Кушон" атамаси ё сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, у илк бор милоддан аввалги I аср охири – милодий I аср бошида ҳукмронлик қилган подшоҳ "Герай" Санаб зарб қилдирган тангаларда қўлланган. Кушонла*р*нинг дастлабки мулклари ҳудудига Шимолий Бақтрия (Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг жануби, Туркманистоннинг жануби-шарқидаги ерлар) кирган. Дастлаб жабғу, кейинчалик подшо унвони билан давлатни идора қилган Кадфиз I Кушон подшолигига асос солган бўлиб, унинг даврида кушонлар ҳозирги Афғонистон билан Покистоннинг кўпчилик қисмини босиб олган. Кадфиз I нинг вориси *Вима Кадфиз* ҳукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг аксариат қисми Кушон подшолигига қўшиб олинган. Кушон подшолигининг энг равнақ топган даври Канишка ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Ўрта Осиёда кушон мулкларининг шимолий чегараси Ҳисор тоғ тизмалари бўлиб, у ердаги тоғ дараларида ғоятда мустаҳкам чегара деворлари қурилган.

Далварзин пайдо бўлган ва ривожланган даврда урушларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида шаҳарда ҳарбий асир-қуллар миқдори ошиб борган. Хитой ва Парфия билан кураш олиб бораётган Кушон подшолиги Яқин Шарқда ҳукмрон бўлиш учун Парфия билан урушаётган Римнинг иттифоқчиси эди. Бироқ савдо манфаатлари бу давлатларни ўзаро яқинлаштирган "Буюк ипак йўли" бўйлаб халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароит яратилди. Шарқда - Шарқий Туркистоннинг қўшиб олинган шаҳарлар-воҳалари орқали Хитой билан, жанубда – кушонларга тобе Шимолий Ҳиндистон билан, ғарбда – денгиз йўли билан, Миср орқали ёки қуруқликдаги йўл билан Эрон орқали Ўрта денгиз ҳавзасидаги Рим империяси шаҳарлари билан, шимолда- Хоразм ва Уралбўйи орқали Шарқий Европа билан савдо қилинган. Жанубий

Ўзбекистондан кушонлар даврига оид юздан ортиқ шаҳар ва қишлоқ ҳаробалари аниқланган. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган: ҳар бир шаҳар атрофида кўплаб майда қишлоқлар жойлашган.

Далварзин шаҳрида сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлиб, подшо дунёвий раҳбар бўлиш билан бирга бош коҳин ҳам эди. Далварзин шаҳрида кенг кўламда динлараро мурасосозлик сиёсатини юргизган: аҳоли, асосан, буддизмнинг маҳаяна масҳабига эътиқод қилган, шунингдек, мамлакатда зардуштийлик, оташпарастлик, ҳиндуизм каби кўплаб бошқа динлар ҳам бўлган. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенг тараққий этган. Пул тизимида кўпроқ олтин ва мис тангалар қўлланилган. Деҳқончилик, хусусан, суғорма дехқончилик ривожланган, қишлоқ хўжалида экинларнинг кўпчилик тури экилган. Милодий III асрнинг биринчи ярми ёки ўрталарида Кушон подшолиги барҳам топиб, Бақтрия -Тохаристон махсус мулк сифатида Сосонийлар давлати таркибига киргач, уни кушоншоҳ унвонли сосонийлар хонадони вакиллари идора қилган.

Кушон подшолиги Рим, Парфия ва Хитой билан ҳар жиҳатдан беллаша олган Қадимий Шарқдаги энг қудратли салтанатлардан бири бўлиб, икки аср мобайнида осиёликларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига катта ижобий таъсир ўтказган. Кушон салтанати таркибида бир неча мамлакатлар, халқ ва элатларнинг бирлашуви турли маданиятларни ўзаро яқинлаштирди, антик давр маданиятлари (маҳаллий Қадимий Бақтрия, юнон, сак ва ҳинд маданиятлари)ни мужассамлаштирди. Аммо, Далварзин шаҳри маданияти тарихининг айрим жиҳатлари ҳанузгача ноаниқ бўлиб, тарихчи, шарқшунос ва археолог олимлар уларга ойдинлик киритиш учун изчил ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Чунончи, бу борада 1913 ва 1960 йилларда Лондон, 1968 йилда Душанбе, 1970 йилда Қобулда халқаро симпозиумлар ўтказилди, ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ўрганиш комиссияси эса кушонлар тарихи ва маданиятини ўрганишни ўз олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Археологлар Кушон маданиятига оид Баграм, Балх, Беган, Сурх-Кўтал (Афғонистон),

Косамби (Ҳиндистон), Сирсукх, Таксила (Покистон), Айритом, Бозорқалъа, Далварзинтепа, Зартепа, Кўҳна Вос, Термиз, Хайрободтепа, Холчаён (Ўзбекистон), Кайқубодшоҳ, Кўҳнақалъа, Шаҳринав, Мунчоқтепа (Тожикистон)да қазиш ишлари олиб борди. Археологик топилма ва кўхна ёзма манбалар асосида Далварзин шаҳри маданиятига доир қуйидаги муҳим илмий маълумотлар аниқланди: буржли мустаҳкам мудофаа деворига эга бўлган шаҳар қурилиши тараққий этган, бир неча ўнлаб шундай шаҳарлар, кўплаб йирик суғориш иншоотлари қурилган. Далварзин шаҳри ичида арклар мавжуд бўлиб, уларнинг атрофини турли бинолар мажмуаси қуршаб турган. Далварзин шаҳрининг шимоли-ғарбий ҳудудларидаги бинолар қурилишида кўпроқ хом ғишт ва пахсадан, жануби-шарқида эса тошдан фойдаланилган. Далварзин шаҳри дарё бўйида, стратегик жиҳатдан қулай жойларда бунёд этилиб, шаҳарда подшо саройи, бой-зодагонлар ва ҳунармандлар маҳалласи, кўча ва майдонлар, ҳовузлар, турли динларга мансуб иншоотлар, экинзор ва боғлар мавжуд бўлган. Уйлар кўп хонали, ҳашаматли бўлиб, баъзилари икки қаватли қилиб қурилган. Ҳовли саҳни, хоналар поли, зиналар ва бошқаларда турли ҳажмдаги пишиқ ғиштлар қўлланилган. Айвон ёғоч устунлари остида оҳактошдан йўнилган чиройли тагкурсилар ўрнатилган. Томдан тушадиган сувлар учун махсус сопол тарновлар ишлатилган. Бино ва хоналар ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат асарлари билан безатилган. Далварзин шаҳридан топилган ҳайкал ва расмларда, асосан, подшолар, подшо хонадони аъзолари, бой-зодагонлар, созанда ва масхарабозлар тасвирланган. Ҳайкаллар, асосан, оҳактош, лой ва ганчдан тайёрланган, улар баъзилари сиртига тилла суви юритилган. Деворий суратларда эса диний ва базм маросимлари, табиат манзаралари, суворийлар тасвирланган. Кулолчилик тараққий этган, топилган сопол идишлар хилма-хиллиги ва ўзининг нозик, жарангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Амалий санъат кенг ривожланган, унинг энг яхши намуналари Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажида сақланмоқда. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг қуроллари ясаш, мато тўқиш тараққий этган. Далварзин шаҳрида Канишка I даврида қабул қилинган Кушон-Бақтрия давлат тили сақланиб

қолган, аҳоли, асосан, буддизм динининг маҳаяна мазҳабига эътиқод қилган, кўплаб будда ибодатхоналари қурилган, шунингдек, оташпарастлик, ҳиндуизм ҳам кенг тарқалган. Чунки Далварзин шаҳрида Канишка I томонидан қабул қилинган буддизм дини давлат дини сифатида узоқ вақтгача ўз таъсирни сақлаб қолди. Далварзин шаҳрида ҳам вақт-вақти билан диний йиғин чақириб туриш жорий этилиб, йиғинда буддизмнинг мазкур янги мазҳаби маҳаяна расмийлаштирилган. Бу эса буддизмнинг Осиё мамлакатларида кенг тарқалишига, унинг жаҳон динларининг бирига айланишига сабаб бўлди. Топилган тангаларнинг орқа томонида турли маъбудлар – Михра-Митра (Қуёш маъбуди), Оташ (олов маъбуди), Фарр (омад ва маъмурчилик маъбуди) ва бошқалар тасвирланганлиги буни исботлайди. Салтанатда савдонинг ривожланиши ёзувнинг кенг кўламда тарқалишига имкон яратган. Оромий ёзуви асосида суғд ва хоразмий ёзувлари вужудга келиб, тараққий этди. Ҳинд алифбосига асосланган кҳароштҳи ёзуви намунаси Далварзин ҳудудидан ҳам топилди.

Далварзин шаҳридан ўтган Буюк ипак йўли ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Далварзин шаҳрида зарб қилган олтин, кумуш ва мис тангалар Эфиопия, Скандинавия, Италия ва бошқа кўпгина мамлакатларда топилди. Бу эса Далварзин шаҳрининг чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдо ва маданий алоқалар олиб борганлигидан далолат беради. Кушон давлатининг дастлабки пойтахти Далварзинтепада бўлган, подшо Канишка даврида эса Пешовар шаҳрига кўчирилган. Айни шу даврда бадиий санъат мактаблари (Гандхара, Матҳура, Бақтрия) шаклланди. Канишка адабиёт ва санъат ҳомийси бўлиб, Кашмир вилоятида Канишкапур шаҳрига асос солди. Унинг саройида машҳур буддавий олимлар Парева ва Васумитра, буюк шоир ва файласуфлар Ашварҳоша, Матричета, Нарагжуна ҳамда Чарака яшаб ижод қилган. Далварзин шаҳрига доир ёзма манба ва археологик топилмалар кушонлар маданиятини ўрганиш, уларнинг Ўзбекистон халқлари маданияти тараққиётида тутган ўрнини илмий баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Далварзин шаҳри сиёсий тарихи ва маданияти ўтмишининг ҳали тўла, ҳаққоний

ёритилмаган жиҳатлари кўп бўлиб, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Франция, АҚШ, Италия, Венгрия, Тожикистон, Афғонистон, Россия, Япония олимлари уларни аниқлаш борасида изчил илмий тадқиқотларни давом эттирмоқда.

Кушонлар даврида Далварзин шаҳри ниҳоятда гуллаб-яшнаб, бу даврда Хоразм, Бухоро, Балх давлатлари билан савдо-сотиқ, иқтисодий ва расмий алоқалар йўлга қўйилади, маданий соҳадаги алоқалар ҳам анча кенгаяди. Чунки, Кушонлар даврида Далварзин шаҳри иқтисодий-сиёсий алоқалар ривожланган марказ бўлганлигини қуйидаги манбалар таҳлил этади.

Хитой тарихий манбаларида қайд этилган гуйшуанлар милодий I асрда Бақтрияда ўз ҳокимиятларини Киоцзюко раҳбарлигида ўрнатади, унинг асли исми Кужула Кадфиз эди. Кужула Кадфиз Хюми, Шуанми, Хэйтун Гаофу сулолаларидан иборат тўрт ҳокимликни ҳам ўзига бўйсундиради. Бақтрияда ҳокимиятни мустаҳкамлаб олган Кужула Кадфиз қўшни вилоятлар бўлган Сўғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмларини истило қилади. Кушонлар империясини мустаҳкамлашда Кужула Кадфизнинг ўғли Янгаочжен, яъни Кадфиз II муҳим аҳамиятга эга бўлган ички ва ташқи сиёсат юритиб, Ҳиндистонннг Ҳинд дарёси қуйи оқимлари, ҳатто Ганг дарёси водийсигача бўлган ерларини ҳам ўз ихтиёрига ўтказади. Кушонлар давлати Канишка ҳукмронлиги даврида милодий I аср охири II аср биринчи чорагида янада кучайди.

Милодий II асрда подшо Канишка Қоратепа ёдгорлиги ўрнида Будда ибодатхонасини қурдиради. Мамлакатда қишлоқ жамоалари анча кенгаяди. Илк ўрта асрлар даврида шаклланган Кушон давлати маркази бўлган Чағонруд (Сурхондарё) бўйидаги Далварзинтепа шаҳрида давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий фаолияти мустаҳкамланиб, Кушон давлатига бўйсунувчи Ҳайитоподтепа, Хосияттепа, Холчаён, Босанд каби шаҳарларда мудофаа истеҳкомлари қурилади.

Далварзин шаҳрининг иқтисодий хўжалиги кенг тараққий этиб, маъдансозлик, шишасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб, олтин, кумуш, қўрғошин, қимматбаҳо тошлар ва қурилиш хом ашёлари

қазиб олиш анча такомиллашиб борган. Далварзин шаҳри ҳудудида саройлар ва ибодатхоналар қуриш ривожланиб, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик санъати энг юқори натижаларга эришади. Далварзин шаҳрига хос бўлган моддий ва маънавий маданият асосларининг кенг ривожланиши туфайли расмий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, сунъий суғориш, мудофаа ва тижоратга тааллуқли қурилиш бинолари билан уйғунлашган ҳолда қурилган.

Ўзбекистон Санъатшунослик илмий тадқиқот институти илмий ходимларидан иборат экспедицияси Далварзинтепа манзилгоҳида 1962 йилдан бошлаб илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Экспедиция 1967 йилда мукаммал археологик қазиш ишларини олиб бориб, катта натижаларга эришди. 1968 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида “Кушонлар даврида Марказий Осиё” мавзусида ўтказилган халқаро илмий анжуманда илк бора Далварзинтепадан топилган ҳайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганиш билан боғлиқ маълумотлар илмий жамоатчиликка тақдим этилди. Анжуманда Чағониён давлатининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа эканлиги илмий тадқиқотчилар томонидан асослаб берилиб, милоддан аввалги II аср охири – I асрларда ҳозирги Далварзинтепа ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлиб, Кушонлар даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида давлат марказига айланганлиги қайд этилди. Илк ўрта асрларда Кушонлар давлати ҳудудида Далварзин йирик шаҳар маркази бўлиб, унинг ҳудудида бир қанча маҳаллалар, шоҳкўчалар бўлиб, кўчаларнинг кенглиги 12 метрни ташкил этган. Бу ердан зодагонларнинг иккита уйлари аниқланди. Сурхон воҳасида кушонлар даврига оид 130 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, шундан 80 таси қишлоқлар кўринишидаги манзилгоҳлар ҳисобланади. Чағониён давлати даврида марказлашган давлатнинг қарор топиши хўжаликнинг равнақига сабаб бўлган. Бу даврда ҳам зироатчиликнинг ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик ва полизчилик соҳалари жадал ривожланади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик хўжалиги равнақ топади. Ерни қайта

ишлаш, хусусан, алмашлаб экиш борасида бой тажриба тўпланади, янги-янги суғориш тизимлари бунёд қилинади. Чорвачилик хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилган. Айнан ана шу даврда ҳунармандчилик хўжалиги юксак даражада ривож топиб, ушбу соҳанинг кулолчилик, металлсозлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик каби турлари анча юксалган, ҳатто Далварзин шишасозлари 420 йилда Хитой пойтахтида турфа рангдаги шишалар тайёрлаб хитойликларни лол қолдирганлар. 1972 йили Далварзинда 200 метр девор қолдиқлари топилиб, унинг эни 4,6 м, баландлиги 2,5 м келади. Далварзинтепа атрофида девор билан ўралган арк харобаси бўлиб, арк деворининг узунлиги 130 м га, баландлиги эса 2,5 м га тенгдир. Далварзинтепанинг шарқий қисмида ҳатто 80 м масофада эни 4 метрлик тош йўл ковлаб очилди. Булардан ташқари, бу ерда бир неча тўрт бурчакли пахса деворли уйлар топилди. Далварзинтепада топилган 900 тага яқин тош ўроқ, жез ўроқ, ёрғучоқ, дон учун ковланган ўра ҳамда куйиб кўмирга айланган арпа, буғдой, тариқ, сули донлари ва бошқа ашёлар қадимги далварзинликлар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Археологик топилмалар: суякдан ясалган буюмлар, жез игна ва бигизларга қараб ҳукм қилганда, аҳолининг турмушида тўқувчилик ва тикувчилик кенг тараққий этганлигини кўрамиз. Далварзинда дегрезлик ва мискарлик анча тараққий қилган, чунки бу ёдгорликлардан жуда кўп темир буюмлар: жез, ўроқ, пона, пичоқ, камон ўқларининг пайконлари, найза учлари, зеб-зийнатлар, жез ойналар, билакузуклар, исирғалар, чўмичлар, мунчоқлар ҳамда турли хил жез буюмлар қуйиладиган тош қолиплар, шунингдек, дегрезлик қўрасининг 5 та қолдиқлари топилганлиги буларнинг яққол далилидир. Археологик тадқиқотлар натижасида 1972 йили жаҳонга машҳур бўлган 36 килограмни ташкил этган олтин безаклар ва ёмбилардан иборат ноёб хазина ва фил суягидан ишланган, дунёда энг қадимий бўлган шахмат доналарини ўз ичига олган Далварзинтепа хазинаси топилди. Хазинада 115 та олтин буюмлар бўлиб, булар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардан

иборат. Тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 г соф олтиндан иборат бўлиб, нозик дид билан ишланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки хазинадаги тақинчоқлар турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шодалар бўлиб, улар заргарлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Чунки заргарлар томонидан тайёрланган олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар нафис ва гўзал қилиб, қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг сони 21 та, аммо 10 тасида қадимий кхарошти ёзуви битилган.

Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони шундаки, ушбу безакларда антик дунё санъати ўз ифодасини топган. Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шимолий Бақтрия, яъни ҳозирги Чағониён давлатида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазинаси топилмаси аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради. Шунингдек, илмий тадқиқотлар натижасида зодагон оилалар яшаган маҳалладан ташқари шаҳарда, аркка (қўрғонга) яқин ерда ҳунармандлар ва кулолларнинг уйлари ҳам аниқланди. Шуни алоҳида такидлаш керакки Далварзинтепадан кўплаб турар жой бинолари, ҳунармандчилик меҳнат қуроллари, кулолчилик буюмлари ва кулолчилик буюмларини қуритиш майдончаси ҳамда 11 та хумдон аниқланди. Шаҳар ташқарисидан қадимий шаробпазлар яшаб, ишлаган уйлар ва мусалласхоналар ҳам ўрганилди.

Кушон давлати даврида маданий ҳаёт юксалган Далварзин шаҳрида меъморчилик ҳам юксалиб, турар жой бинолари, ибодатхоналар ва саройлар қуриш авж олади. Иморатларни безаш, нақш солиш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланади. Бу даврда маҳаллий маданият билан ҳинд

маданиятининг ўзаро аралашиш жараёни содир бўлади. Айниқса, Далварзинда Будда динни давлат дини даражасига кўтарилиб, буддавийлик эътиқоди билан боғлиқ равишда ҳайкалтарошлик санъати анча юксалади. Буддавийлик дастлаб қулдорлар мафкураси сифатида шаклланган. Буддавийликда ёмонликка қарши бош кўтармаслик ғояси катта ўрин эгаллайди. Далварзинтепанинг шимоли-ғарбий қисмидан маъбудалардан бирига бағишланган ибодатхона ва шаҳар девори ташқарисида эса будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган дахма аниқланди. Энг муҳими Далварзинтепанинг асосий шоҳкўчаси жойлашган шаҳар марказидан Будда мажмуаси – улуғвор ҳайкаллари бўлган ибодатхона топилди. Милодий III аср охири - IV аср бошларида Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзин шаҳри вайрон қилиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина (ҳозирги қалъа (ҳисор) шоҳ саройи ўрнида) сақланиб келган. Араблар истилосидан кейин шаҳар батамом вайрон қилиниб, ҳаёт Далварзинтепадан 10 км чамаси шарқда Будрочтепа ўрнига кўчган.

Далварзин шаҳрининг буддавийлик таянчига айланганига шу нарса далолат берадики, бу даврда шаҳарнинг ибодатхоналари, уларнинг ёнида эса монастирлар ҳам мавжуд бўлган. Шаҳар ҳокимларининг муҳим хизматларидан яна бири шу бўлдики, улар мамлакатни бирлаштириш учун кураш олиб бориб, аҳолини ягона мақсад ва мафкура байроғи остида бирлаштириш йўлида муваффақиятли ҳаракат қиладилар.

Далварзинтепа антик даврда давлат маъмурияти, йирик ибодатхоналар, иқтисодий алоқа тармоқлари ва ҳарбий салоҳият мужассамлашган катта тарихий маданий вилоят маркази бўлиб, йирик марказий шаҳарлар сирасига кирган. Ўзидан кичик бўлган кўплаб аҳоли қароргоҳлари унга бўйсунган. Далварзинтепани илмий ўрганиш ҳамда ўтмиш авждодларимиз яратган моддий-манавий маданиятни ёш баркамол авлод онггига сингдириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон археологларининг илмий тадқиқотлари жаҳон олимларини Далварзинтепага бўлган қизиқишини оширди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1989 йил

Далварзинтепани ўрганиш мақсадида Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан Япониянинг Токиодаги Сока университети ва Кашихарадаги Археология институтининг профессори Кюдзо Като раҳбарлигида халқаро экспедиция мунтазам иш олиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик ишини ташкил этишда таниқли археолог ва Боходир Турғуновнинг хизматлари катта. Далварзинтепа йирик маданий ва тарихий обида бўлиб, Ўзбекистоннинг илк давлатчилик, шаҳарсозлик тарихини ўрганишда ҳамда моддий ва манавий маданиятимизни халқимиз онгига чуқурроқ сингдиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги илмий изланишлар натижасида Далварзинтепа кўҳна шаҳрига мил. авв. III асрда асос солинганлиги аниқланди. Юнон-Бақтрия даврида бу ерда кўҳандиз пайдо бўлади. Далварзин меъморчилиги Бақтрия ва Юнон қурилиши тажрибаларининг синтезини ўзида акс эттиради.

Далварзин шаҳрининг чеккароқ жойида милодий I асрда тикланган Будда ибодатхонасидан Будданинг боши, Бодхисатванинг маҳорат билан ишланган маҳобатли ҳайкали, фил суягидан тайёрланган шахматнинг икки донаси топилди. Будданинг боши лой ва гипсдан ясалган бўлиб, бошининг баландлиги 39 см, эни 25 см келади. Бодхисатванинг (ўша даврга оид) ҳайкали ҳам лой ва гипсдан ясалиб, ранг билан бўялган. Унинг баландлиги 2 метр 18 см, эни 89 см. У бир пайтлар Будда бутхонасида турган ҳайкаллар гуруҳидан биридир. Бу кўҳна топилмалар бошқа ёдгорликлар билан биргаликда 1988 йили Япониянинг Нара шаҳридаги «Ипак йўли Нарага боради» деб номланган халқаро кўргазмада намойиш этилган эди. 1995 йили эса улар Париждаги муҳташам «Гранд-Палес» («Катта сарой»)нинг нодир галереясида муваффақият билан намойиш этилди.

Қадимги Далварзин ва унинг атрофидаги ҳудудларда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик ривож топиб, хўжалик ҳаёти савдо-сотиқнинг тараққий этганлиги билан ажралиб, маданий экинлар экиш натижасида боғдорчилик анча тараққий топди. Далварзиндан будда ибодатхоналари ҳамда қабрлар очиб ўрганилганда қабрларда кўмилган одам боши жанубга

қаратилиб, ёнига бешта турли сопол буюмларда нарсалар қўйилган бўлиб, бу қабрлар III-IV асрларга оидлиги аниқланди. Далварзиннинг шимоли-шарқидан шаҳар мудофаа девори ёнидан 2--3 метр баландликда бўлган мудофаа девори топилиб, ундан уч ярусли номаълум кишилар томонидан талон-тарож қилинган қабрлар 1981--1982 йилларда археолог олимлар Б.А.Турғунов ва С.Болеловлар томонидан ўрганилиб илмий таҳлил қилинди. Бу қабрлардан 17 та одам қолдиқлари аниқланиб, қабрлар хом ғиштлардан дарё ўзанига яқин кўмилган бўлиб, бу хона тўғри бурчакли 1,8--2,6х0,--1,0 кв,метр дан иборат тор хона бўлиб, хона оралиғи хом ғишт билан ўралган. Хонадан чиқиш йўлаги шарқ томондан, қабрга мурдалар алоҳида мартабасига кўра ҳамда гуруҳ қилиб кўмилган. Қабрлардан Хусров I Анушрван подшолиги ва Далварзин шаҳрига оид тангалар топилиб, тангалар мис ва кумушдан ҳамда бронзадан тайёрланиб, унда ҳукмдорлар тасвири турли хил тасвирлар туширилган. Далварзин маданиятига хосюнон услубидага терракоталарда сопол идишларга пиктографик белги тасвирлари, турли стратиграфик чизиқлар, белгили тасвирлар турли маъно-мазмуни ўзида аск эттирган. Далварзин қадимий ёдгорлигидан 125 та грек-юнон тангалари топилиб, у Шимолий Бақтрия ҳудудларида савдо-сотиқнинг ривожланганлигидан далолат бериб, ижтимоий-турмуш тарзини аниқлашда хизмат қилди.

Вайрон бўлган антик давр девори устида тикланган бинонинг қачон қурилганлигини жуда аниқлик билан белгилаш мумкин. Равоқ очилганда, ғиштлар орасидан VI-VII асрларга оид турк-суғд тангалари чиқди. Девор қурилиши учун ишлатилган тўртбурчак ғиштлар ҳам шу даврга тўғри келади. Далварзинтепадаги антик давр истеҳкомининг ташландиқ ҳолатга келиб емирилиш жараёни, афтидан, IV-V асрларга тўғри келади. Мамлакат VI-VII асрларда инқироздан чиққач, истеҳком қулай, баланд манзил сифатида қайта қурилиб тикланади, шаҳарнинг ўзи эса хароба бўлиб қолади. Далварзинтепа аҳоли маскани сифатида араблар истилоси чоғида узил-кесил тугади, чунки аркда ҳам, шаҳристонда ҳам араблар келганидан кейинги даврнинг изи йўқ.

Далварзинни 705 йили Қутайба босиб олади ва 737 йилда унинг ҳокими арабларга ўлпон тўлайдиган бўлади. Халқ орасида ҳозирги “Далварзинтепа жуда қадимий мамлакат пойтахтининг қолдиқларидир, Далварзин шаҳри ҳукмдори афсонавий қаҳрамон Дол (Зол) бўлган. Араблар бу шаҳарни халифа хазрат Алининг бевосита раҳнамолигида эгаллаганлар, сўнгра бу шаҳарда ҳаёт бутунлай сўнган”, деган нақл юради. Далварзинтепанинг жуда катта жойни эгаллаганлиги, қурилишлар зичлиги, археологик қатламлар қалинлиги мазкур қадимий шаҳарнинг милоддан аввалги I асрда ва милоднинг дастлабки йилларида барқ уриб яшнаб турган вилоят маркази бўлганлигидан далолат беради.

Далварзин шаҳри хусусида дастлаб араблар истилосидан, олдинги вақтга оид тарихий манбаларда эслатилади. VII аср (Хитой) солномасида шундай дейилади: «Чинган-йен-на бу мамлакат машриқдан мағрибга 400 ли ва шимолдан жанубга 500 ли га яқин майдонда ястанган. Пойтахти айланаси тахминан 10 ли. Шарқ томонда Хво-ло-мо деган жойга бориб туташади». 10 ли тахминан 5 км га тенг. Бу ерда гап Чағониённинг анъанавий маркази Далварзинтепа тўғрисида бораётган бўлсак керак. Далварзин жанубда Термиз вилоятига туташган эди. Шимолда эса VII аср манбаларида Хво-ло-мо Хварамо вилояти жойлашган, араб муаллифлари асарларида Хорун ёки Охарун деб қайд этилган. Ибн Хурдодбеҳ ва Қудама (IX аср) асарларида Чағониёндан 6 (ёки 3) фарсах узоқликда жойлашган деб изоҳ берилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Далварзин шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Кушон давлати асосий сиёсий-маъмурий марказ ҳисобланиб, Кушон подшолиги томонидан амалга оширилган давлат сиёсати, иқтисодий-маданий алоқалар, буддизм динини давлат динига айлантириш соҳасидаги ҳаракатлар Кушон подшоларининг амалга оширган ички-ташқи сиёсати билан боғлиқ жараёнлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кушон давлатининг шаклланишида Далварзин шаҳарининг ўрни, маданий тараққиётдаги хиссаси, меъморчилик, шаҳарсозлик, будда ибодатхоналарининг қурилиши соҳасидаги ижобий силжишлари Кушон

давлати сиёсий мустақиллигининг вужудга келишида ҳал қилувчи таъсир кўрсатган.

## ДАЛВАРЗИН ШАҲРИНИНГ МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ

Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган будда дини ва унинг кенг тарқалиши ҳамда Будда эътиқодларига амал қилиш Далварзин шаҳри мисолида тарихий манбаларда ўз аксини топди. Будда дини билан боғлиқ ибодатхоналарни илмий - амалий ўрганишда, Будда дини ҳақидаги ғоявий қарашларни фан нуқтаи назаридан таҳлил қилишда академик Э.В.Ртвеладзе ва т.ф.н Б. Турғуновларнинг хизматлари беқиёс дир. Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбаларда Будда дини ва уни намояндалари билан боғлиқ манбалар Далварзин шаҳридан аниқланиб, Будда дини ҳақидаги маълумотлар кенг китобхонлар оммасига илмий тадқиқотчилар томонидан тақдим этилди. Кенг тарқалган динлардан бўлган Будда дини иншоотлари ҳам Далварзин шаҳридан ва шаҳар деворидан ярим чақирим узоқликда жойлашиб, Будда динини Кушон ҳукмдорлари ўз ҳомийлигига олишган. Шунинг учун бўлса керак, Далварзин шаҳридаги бу иккала будда иншооти жуда ҳашаматли бўлиб, шаҳарни душман қамал қилиб турганда ҳам унга махфий равишда махсус сопол қувурлардан сув келиб турган. Ушбу қувурлардан бири жуда пухта жойлаштирилган бўлиб, ҳозирги ер сатҳидан деярли 6 метр чуқурликда, уйнинг остидан ўтиб, 15 метр узунликкача қазиб ўрганилди. Унинг давоми шаҳарнинг ғарбий деворига қараб йўналтирилган. Сопол қувурларнинг ҳар биттасининг узунлиги 1 метр (ҳаммаси бўлиб ҳозирча топилган 15 та). Шаҳристонда мумтоз антик давр шаҳарларига оид тафсилотларнинг барчаси мавжуд бўлиб, бу пойтахт шаҳар бўлган. 1968 йилда Душанбе шаҳрида кушонлар тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишга бағишланган Халқаро симпозиумда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигида топилган ашёвий далиллар юзасидан қилган маърузасида Дарварзинтепа, Гуйшуан (Кушон) кўчманчи қабилаларнинг илк бор ташкил қилган империясининг пойтахти бўлган, кейинчалик, чамаси юз йиллар

ўтгач, улар пойтахтни Пурушапур (Покистондаги ҳозирги Пешовар шаҳри) га кўчирганлар, деган фаразни баён қилганида, симпиозиум ташкилотчиси академик Бобожон Ғофурович Ғофуров ҳамманинг фикрини якунлаб:

Профессор Г.А.Пуганченкова бошлиқ экспедициянинг Далварзинтепа ва Холчаёнда олиб борган ишлари ҳамда улар топган ноёб топилмалар кушонлар муаммосининг кўп томонларини тушунишда калит бўлиб хизмат этиши билан бирга, Бақтрия санъат мактабининг негизини ҳам ташкил қилади, - деб юксак баҳо берган эди. Б. Турғунов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Далварзин шаҳри харобалари мукаммал ўрганилиб, унинг ноёб маданий тараққиёти ҳақидаги маълумотлар фанга тақдим этилди. Жумладан, Шимолий Бақтриянинг ноёб ёдгорликлари сафига Далварзинтепадаги 2- будда ибодатхонаси қолдиқлари унча катта бўлмаган тепалар остидан топилди. Будда ибодатхонаси шаҳар марказидан шимолда жойлашиб, жанубий қисми унча қалин бўлмаган девор билан уралган кичкина ҳовлида жойлашган. Қазишма ишларидан кейин катта-кичик ибодатхонанинг 15 та хонаси очилиб, илмий асосда таҳлил қилинди. Будда ибодатхонасининг биринчи иморатдаги горизонтал чегарани аниқлаш учун гулмихдан фойдаланилиб, горизонтнинг пастида пахса ва хом ғиштдан терилган девор қисми ва маданий қатламда кўплаб ошхона буюмлари, лаган қолдиқлари топилган. Ибодатхонанинг пастки қаватлари хом ғиштдан терилган, аммо аниқ чегаралар аниқланмаган.

Шунинг учун ибодатхонанинг яшаш хоналарини аниқлашнинг иложи бўлмаганлиги сабабли ҳайкаллар қолдиқлари ҳақида Б.Турғунов батафсил маълумотларни тақдим этган. Жумладан, тепалик марказида 10Х9 м майдонда лойдан ясалган буёқ қолдиқлари ҳам аниқланган ҳайкал топилиб, шарқ томондан зиналардан иборат 1,5 метр йулак келиб қушилган. Жанубий қисмида 4 та хона (6-8) қўшилган бўлиб, 6- хонанинг жанубий девори йўқ. Бу ерда айвон хам бўлган. Ўтиш йўлининг 4 метрли эни яхши сақланган. 10-11 хоналарда 70 - 80 см қалинликда кул қатламлари очилиб, кўпгина турли ҳайвонлар суяклари ва ошхона буюмлари топилди. Ибодатхонининг ғарбий

ва шимоли – ғарбий қисмлари ҳам яхши очилмаган. Очилган хоналар ичида 2, 3, 9 - хоналар катта қизиқиш уйғотиб, деворлари яхши сақланган, лойдан ва гипсдан ясалган ҳайкалчалар бор. 2 – иншоот туғри туртбурчакли 6,7Х7 метрдан иборат бўлиб, хонанинг деворлари 2 метргача баландликда яхши сақланган. Жанубий девори, ғарбий ва шимолий деворларида сув учун қазилган чуқурлар бор. Шарқий деворнинг марказида 60 см ли 3 та зина топилиб, зинанинг тепа қисми пойдеворга тақалган, пастки қисми 15 см кул билан қопланган майдончага тақалган. Майдонча полдан озгина пастга туширилган, шувоқ қилинган, оқланган. Майдонча атрофида гипс ҳайкалчалар қолдиқлари тўпланган. Улар атайин тўплаб, кейин синдирилганга ўхшайди. Бу ерда кичик ҳайкалчалар ва одам бўйидан катта ҳайкаллар қолдиқлари топиб аниқланди. Улар орасида Будда қиёфаси ва бошқа безакли турли хил ашёлар бўлиб, турли хил нафис дид билан ишланган – тўғноғичлар, медальонлар, зебигардон ва бошқа буюмлар мавжуд. Кўпгина ҳайкалчалар қизил, қора, оч – мала рангга буялган, юпқа тилла қатлами билан қопланган.

3 – иншоотнинг ҳажми 9,5Х5 бўлиб, унинг учта девори бор, ғарбий девордан ташқари шимоли-шарқий бурчакдаги 9-хонага ўтиш йўли бўлган. Майдонда Будда ва бошка безаги дид билан ишланган ҳайкалчалар девор бўйлаб териб қўйилган. 9 – хона қазилманинг шимолий томонида (7,5Х3,9 метр) тўғри бурчакли хона, девори турли даражада сақланиб қолган: шимолий томон 40-80 см, жанубий девор – 2,5 см баландликда , жануби – ғарбий бурчакда 1,2 метр энли ўтиш жойининг девори лойшувоқ қилинган ва оқланган. Ғарбий девор оч-қизил ранга буялган, айрим жойлари сомоншувоқ қилинган. Ғарбий деворга кириш қисмида 30-40 см қалинликда 1,4 метр узунликда тўсиқ девор қурилган, жанубий томонга бурилган жойда тамбур ҳосил қилган, ғарбий деворнинг шимолий қисми нураган. Шимолий девор тагигача нураган. Жанубий деворга 105Х65Х45 см ҳажмли супа қўшилган. Супалар ғарбий (эни 90 см ли, баландлиги 30 см) ва шимолий (эни 95 см, баландлиги 35 см) деворлар ёнида ҳам қурилган. Пол қисми лойшувоқ

қилинган. Тамбурда ерда учоқ жойи очилган, деворлари олов таъсирида қорайиб қолган. Тамбурда тепа деворнинг бўлаклари топилган. Хона полида чаппа қилиб терилган купгина чироқлар ва тамбурда 3 та чироқ, умумий эса 41 та чироқ топилди. Бошқа кулолчилик буюмлари орасида чуқур лаган топилган, лаганнинг гирдида 2 та тўлқинли чизиқ тортилган. Уйиқ нақшли тутқичи, шунингдек, бошқа каттароқ идишнинг бўлагида илмоқсимон туткичи бўлиб, юқори қисмига ҳайвон шакли ёпиштирилган.

Жануби – шарқий бурчакда қалин девор орасида топилган конус шаклидаги кулдоннинг учта учбурчак уйма шакли бўлиб, чилим идиши сақланмаган. Бу бинода фил суягидан ясалган илгич, ярим ой шаклидаги буюм ва бошқа фил суягидан ясалган буюмлар – уйма шакллари ўрни қолган билакузук ялпоқ шаклли 2 см катта миқдорда чиғаноқдан уйиб ясалган тугма топилди. Топилмалар орасида думалоқ шаклдаги мунчоқ донаси, металдан ясалган занглаган буюмлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шимоли – шарқий бурчакда III-IV қаватлар 34Х34Х12 см хом ғиштдан терилган. Қаватлар 1,5Х1,5 метр майдонни эгалаб, у 1,3 метр баландликда эди. Майдон асосан Будда ҳайкалига пойдевор қилиб 2 метр баландликда қурилган. Будда бор буйича марказга қаратиб ўрнатилган бўлиши мумкин. Будданинг улкан оёқлари шу майдончада турган, майдонча лой самон билан сувоқ қилиниб, гипс билан оқланган. Ҳайкалга дид билан ҳар томонлама ишлов берилган. Орқа тарафи буялмаган, деворга ёпишиб қурилган, фақат бош қисмига ишлов берилган. Ҳайкалнинг белдан пастки қисми яхши сақланган, унда кўп қаватли кийимларнинг устидан ташланган ёпқич ҳам бор, у оч қизил рангга буялган. Бел қисмида емирилиш излари бўлиб, улар атай синдириш ёки бўлиб олиш оқибатидир. Бош қисми оёқлари олдида ётгани бунинг исботидир. Йиқилиш оқибатида бош қисми ёрилган, бурни синган, пастки жағи синдирилган. Орқа қисми, қўли, елка, соч қисми синган. Будданинг сочи қора рангда, усти қизил, қоши ва қорачиғи қизил чизиқ билан чегараланган.

Бодисатва ҳайкали лойдан ясалган бўлиб, қарама-қарши томонга қўйилган, эҳтимол оғирлигидан озгина унга энгашдир. Ҳайкал тўлиқ сақланмаган. У аввалдан белдан пастки қисми емирилган, аммо шу ҳолатда ўрнатилган.. Чап қўли букилган, қорнига тегиб турибди, ўнг қўли пастга тушган, аммо тирсагидан пастки қисми йўқ. Кийим қаватлари елка қисмида ва чап қўлида яхши сақланган. Кўкрак қисмида тўғри тўртбурчакли медальон (тумор) тақилган. Бошнинг тепа қисми емирилган, аммо сақланган қисми бадавлат эканлигини кўрсатади. Қора рангли жингалак сочлари икки қатор қилиб боғич билан боғланган, ораларига тўғноғичлар қадалган. Юзи ёш, кўзи ярим очиқ, лаблари ним табассум қилиб турибди. Қошлари қўшилиб кетган. Бўйнида бир неча қатор тақинчоқ тақилган. Қимматбаҳо безатилган қатори ияк қисмига яқин тақилган. Кейинги қатори ўттизга яқин лойдан ясалган доиралардан иборат бўлиб, кўкрак қисмигача тушган. Учинчи қатори шикастланган бўлиб, озгина қисми Бодисатванинг қўли олдидаги қисми яхши сақланган. Бодисатванинг пешанасида анъанавий холи- “урна” чуқурча бўлиб сақланган, унда кичкинагина тилла безак илмак билан биркитилган.

Бошқа бодисатванинг ҳайкали гипсдан ясалган, боши лойдан ясалиб, юпқа ганч билан қопланган. Ҳайкал юз қисми билан ерга караб, буддадан 1,5 м ўнгда ётибди. Йиқилганда боши ажралиб, танадан бўлак жойда ётибди. Бодисатванинг ҳайкали шимолий деворга қарама-қарши жойлашган. Юз қисми пастга қараб ётгани учун унинг қисмлари яхши сақланган. Пешонасига тушиб турган сочлари жингалак қилинган, барглардан тукилгандай гулчамбар тақилган. Ўнг қули тирсагидан букилиб, очиқ ҳолда олдинга интилган (фақат бармоқларининг учи синган) икки қатор билак узук тақилган. Чап қўлининг тирсаккача елка қисми сақланган. Тепаси бел қисмигача яланғоч ҳолда, пастроқда қимматбаҳо қилиб безатилган белбоғ ва осилиб турган кийими бўлган. Белбоғ бир неча боғлардан иборат бўлиб, ўндан ортиқ тўғноғичлар (медалоньлар) осилган. Ўртасида бешта доирага бириктирилган безаклар шодаси осилган. Кўкрак қисмидаги безак ҳам жуда қимматбаҳо мунчоқлар шодаси, 2- қатор юрак нусха тақинчоқлар шодаси,

қимматбаҳо тақинчоқ ўртаси қулфсимон усулда япроқлар билан безатилган. Ўнг оёғи тўпиғида камарнинг тўғноғичи бор. Бу хонада будда дид билан ишланган тасвирлардан бирининг гипсдан ясалган боши топилган. Нураган пайтда оғирлигидан чакка қисми емирилган. Бурнининг учи синган. Аммо соч турмаги ва безаклари яхши сақланган. Аввалги ҳайкалга ўхшаб сочлари жингалак қилиниб, туғноғич тақилган. Қулоғи узун, бир неча (шариклар) доиралар шодаси илинган. Шу хонадан топилган лойдан ясалган аёл ҳайкали ғарбий томонда ўрнатилган. Тана қисми белигача яланғоч, чап кўкрагида уч - тўртта чуқурча бор. Буйнида билинар-билинмас безак изи бор. Букилган ўнг қўли қаватли мато билан ўралган. Чап қўли синган. Юпқа кийимлари остидан оёқлари ва сон қисми яхши билинади. Эҳтимол бу юпқа матони у чап қўли билан ушлаб турибди ва мато чап оёқлари устидан осилиб тушган.

Санаб ўтилган ҳайкаллар табиий баландликда ишланган. Шу билан бирга полда учта гипсдан ясалган бош қисмлари топилган. Биттаси буддист-монахнинг, иккинчиси буддист-донаторнинг, учинчиси жангчининг боши эди. Бошлар ҳажмига қараганда (9-12 см) ҳайкаллар унча катта бўлмаган. Биринчи персонажнинг юзи хотиржам, жингалак сочлари икки қатор боғич билан боғланган. Руҳонийнинг юзи синган, ияк қисми, оғзи бурни, ўнг кузи сақланган. Учинчи персонажнинг юз қисмида гипс емирилган ва бузилган. 3 - хонадан топилган топилмалар орасида будда персонажларига тегишли аёл қомати асоси лойдан ясалган, устидан гипсдан юпқа қилиб қопланган. Буйнида ва кўкрагида йирик тақинчоқлар шодаси, билакларида билакузук. Қоматини юпқа мато қоплаган. Чап қўли ва елкасини ёпиб турибди. Қўллари кўкрагида букилган (бармоқлари синган). Ҳайкал оч қизил (гулоби) рангга буялган. Бу гуруҳга Будда ҳайкали юз қисмини ҳам мутаносиб ҳисобласа бўлади. Унинг асоси лойдан бўлиб, юпқа гипсдан қопланган. Юзи қизил ва оч қизил рангга буялган, қошлари ва сочлари қора ранга буялган. 2, 3, 9 - хоналардан ҳайкал қисмлари, синдирилган бармоқлар, оёқ панжалари, соч турмаги қисмлари топилди.

Таниқли қадимшунос олим Б. Турғунов баён этган этган ушбу топилмалар фан учун ноёб топилмалар ҳисобланиб, қазишмалар давридаги Будда динига оид ҳайкалчалар жамланиб, илмий таҳлил қилиниб, қайта ишлов берилди. Натижада Будда ибодатхонаси, роҳиблар, унинг хизматчилари ҳамда будда динининг асл моҳияти ва мазмуини тўлиқ англаб етишга имконият яратилди. Юқоридаги илмий тадқиқотларга асосланиб қўйидаги хулосаларни тақдим этамиз.

**Будда ибодатхоналари.** Манбаларда баён этилишича, будда дини Ҳиндистонда пайдо бўлгандан кейин салкам 500 йил ўтгач, Афғонистон орқали Ўрта Осиёга кириб келган. Бу динни тарқатишда Кушонлар империяси, айниқса унинг саркардаси, ўзини “Шоҳлар шоҳи, буюк халоскор” деб эълон қилган Канишка жуда катта ҳисса қўшАди. У ҳукмронлик қилган пайтда империя бадавлатлиги, юксак маданияти, санъати, шаҳарсозлиги билан юқори даражага кўтарилган эди. Бунга сабаб, у ўзи будда динига амал қилиши билан бирга, давлат сиёсатиДа ҳам будда динидан усталик билан фойдаланади. У вазиятни тушунган ҳолда иш тутди. Чунки унинг салтанатида ҳар хил анъаналар ва эътиқодларга мансуб турли тилда сўзлашадиган элатлар бўлиб (Канишка даврида Кушон империясига ҳозирги Ҳиндистон, Покистон ва Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари кирган), уларни бирлаштириш учун ягона бир дин зарур эди. Бундай дин – ўзлари яқиндагина Ҳиндистонни босиб олганларида қабул қилинган будда дини жуда қўл келади.

Канишка кўплаб будда иншоотларини қурдиради, пойтахтда буддавийларнинг диний йиғилишини ўтказади. Унинг зарб қилган тангаларида бошқа худолар бир қаторда, Будданинг тасвири ва BOODOO деган ёзув ҳам битилган. У ҳатто давлат бошқариш аппаратида маслаҳатчи сифатида будда коҳинларидан ҳам фойдаланади.

Кушон подшолари бу динни қабул қилиш ва бошқаларни шу динга бўйсундириш учун ўт қўйиб, қилич ўйнатиб, бошқа динларга оид ибодатхонларни ер билан яксон қилмадилар. Бу ишни жуда усталик билан,

ишонтириш йўли билан амалга ошириб, коҳинлар ўз илми ва ҳаракати билан халқни ўз таъсирига ўтказдилар. Ана шундай будда ташвиқотчиларидан бири термизлик (яъни “тармиталик”) Дхармамитра бошлиқ ташвиқотчилар, ҳатто бу динни Шарқий Туркистон ва Хитойга ва бошқа жойларга тарқатдилар. Кушонлар империясида Будда дини ягона давлат дини бўлмасдан, балки ҳар қайси элатнинг ўзи хоҳлаган динлари бўлиб, улар ўз худоларига ишонар ва сиғинар эди.

Буддизмнинг қулайлиги яна шундаки, будда ибодатхоналарига янги келганлар нафақат диний рисолалар ва китоблар ўқишар, балки шу билан бирга, дунёвий адабиётлар – тиббиёт, грамматика, мусиқа, ер, осмон, шамол ва юлдузлар ҳақида, рассомлик ва шеърият илмларини ўрганишар эди. Шунинг учун ҳам, буддизм тадқиқотчиларининг фикрича, буддизм ўзининг 2500 йиллик тарихи даврида ибодатхоналарни қуришда, ҳайкалтарошлик ва рассомлик соҳасида, диний-фалсафий рисолалар яратишда, тарғиботчиликда ва зиёратчиликда, йирик буддизм мутафаккирлари сонининг кўплиги жиҳатидан Кушон империясидек юқори даражага эришмаган.

Ҳатто хоразмлик аллома Абу Райҳон Беруний ҳам буддизм ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ўтмиш замонларда Хуросон, Форс, Эрон ва Мосулдан то Суриянинг чегарасигача яшаган аҳоли буддавий динига сиғинар эди. Аммо кейинчалик Зоратуштра (Зартуштра) таълимоти Гуштаспга ёқиб, уни мағриб ва машриқда тарқата бошлади. Чин мамлакатидан то Рум ерларига қадар оташпарастлик ибодатхоналари қурилди”.

Буддизм Ўрта Осиёни ҳинд маданияти билан таништиришда худди “кўприк” хизматини адо этган. Бу диннинг кенг тарқалиши билан Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида ўзаро муносабатлар ривожланиб кетди. Бу ўзаро алоқалар бир ёқлама бўлмасдан, балки Ҳиндистонда ҳам Ўрта Осиё маданияти излари борлиги намоён бўлмоқда. Масалан, Ҳиндистондаги кўпчилик қўшин, ҳарбий ва маъмурий амалдорлар ўрта осиёликлардан тайинланган. Яна бу маданиятнинг излари – юнон алифбосига асосланиб Кушон ёзувида битилган Бақтрия тили, кийим-кечак хиллари, чолғу

асбоблари ва рақслари ҳам кириб борди. Мана шу маълумотлаарга эга бўлган ҳолда, Далварзинтепада иккита будда ибодатхонаси қазиб очилди. Биринчи марта будда иншооти 1967 йилнинг илк баҳорида топилди. Бу бино шаҳар ичида жойлашмасдан, балки унинг шимолий мудофаа девори томонида, ундан ярим чақирим нарироқда жойлашган. Бино қолдиқлари одатда буддизм иншоотлари кўп хонали ва мураккаб тарҳга эга бўлиб, унинг фақат еттита хонаси сақланган, деворлари ҳам атиги 70--80 сантиметр баландликда сақланиб қолган (шубҳасиз, янги тикланган вақтда ундан баланд бўлган).

Ёдгорликда тангалар ибодатхонанинг Кушон подшоларидан Кадфиз I (милоднинг I асри) даврида зарб қилинганлигидан дарак беради. Хоналар ичида ганчдан тайёрланган ҳайкаллар майдаланиб, марказий қисми “шохлар зали” деб номланган, чунки у ерда ҳайкаллар будда иззатловчи подшо хонадонидаги ва унга яқин кишларни ифодалайди. Бу хонага махсус йўлаклар орқали кирилиб. қолган хоналарда озиқ-овқат сақланган ва баъзиларида коҳинлар (монахлар) истиқомат қилганлар. “Шохлар зали” ёнида Будда ҳайкали ўрнатилган супанинг пойдевори сақланиб қолган, у асосан хом ғишт ва пахсадан ишланган. Ҳайкаллар аксарият “шохлар зали” ва унга борадиган йўлакда топилиб, бу ибодатхона бошқа диндорлар томонидан вайрон қилинган, у ердаги ҳайкаллар эса парчаланган.

Бизгача етиб келган ҳайкаллар бир-биридан ажойиб ва нодир. Уларда подшоҳ, шаҳзода, амалдорлар, Будда, унинг мухлислари, шогирдлари ва ва издошлари тасвирланган.  Шаҳзоданинг ҳайкалда унинг қимматбаҳо тошлар қадалган махсус тайёрланган оч кўк рангли узунчоқ кулоҳи ва юз тузилиши усталик билан ишланган кушон подшларидан бир II асрда ҳукмронлик қилган Васудева ўзи зарб қилдирган мис тангаларда худди шундай кулоҳда тасвирланган. Иккинчи ҳайкал эса каттароқ, узунлиги 1 метрга тенг. У аслида бўлак-бўлак ҳолда хонанинг у ер-бу еридан топилиб, Санъатшунослик институти тажрибали ҳайкалтарош таъмирчилари уни аввалги ҳолига қайтардилар. Унинг устки кийими Кушон империяси амалдорларининг

либосини ифодалаб, юзи ва шалвари қип-қизил рангда, мўйлови, сочи, осилиб турган белбоғи қора рангда.

Шу гуруҳга подшоҳ саройи вакилларидан бўлса керак, бир аёл ҳам киради. У ниҳоятда гўзал бўлиб, сочлари турмакланган, икки чеккасида гажаги, қирра бурни ниҳоятда мафтункор. Юзи ҳам оч қизил рангда. Залнинг ўртасида турган асосий ҳайкал Будданинг ўзиники, бизгача бутун етиб келмаган, унинг фақат оёғи, қўл панжалари, сочлари топилди, холос. Баъзи ҳайкаллар эса Будданинг икки томонидан қўлларида гулчамбарлар ушлаб турган “девати” деган шахслардир.  Биттасининг юз тузилиши ва жингалак сочлари қўшни Афғонистондаги Ҳадда будда ёдгорлигидан топилган “Гул ушлаб турган улуғ истеъдод” қиёфасидаги шахсга ўхшайди. Беш қиррали юлдуз, тунбарг шаклидаги безаклар ва гулчамбарларнинг ҳаммаси ҳайкалларга тақилган. Айрим ҳайкаллар қўлларида шу безакларни ушлаб турибди.

Бу ўлмас асарларни яратган ҳайкалтарош устанинг моҳирлигига таажжубланасан киши. Ҳайкалларнинг бош ва тана қисмлари лойдан тайёрланган бўлиб, бир қават мато билан ўралган, сўнгра устидан бир неча қават ганч бериб, у қотишга улгурмасданоқ, зудлик билан керакли қиёфалар яратилган. Тугмачалар аёлларнинг қулоқларидаги исирғалари, сочлари, қўл ва оёқ панжалари ҳамда турли жимжимадор безаклар эса қолипда қуйилиб, сўнг ёпиштириб қўйилган. Мато чириб кетган, аммо унинг изи ганчга аниқ кўриниб сақланиб қолган.

Далварзинтепадаги иккинчи будда ибодатхонаси қадимги шаҳарнинг қарийб марказида жойлашган. Шаҳристон тузилиши шуни кўрсатадики, унинг марказида шарқдан ғарбга томон эни 18 метрга яқин кўча ўтган бўлиб, шаҳарни иккига ажратган. Ғарбда у бадавлат хонадонлар маҳалласига бориб тақалади. Марказда “Т” ҳарфи шаклида чорраҳа ҳосил қилиб, бу кўчадан бошқа бир йирик кўча ажралиб чиқади ва шаҳарнинг шимолий қисмига қараб йўналади. Унчалик баланд бўлмаган ва бағрида будда ибодатхонаси қолдиқларини яшириб ётган тепаликлар тор кўча орқали шу йирик кўча

билан боғланган. Бу будда ибодатхонаси шаҳар ташқарисидаги будда ибодатхонасига кўра катта жойни эгаллайди. Бу объектда иш 1983 йилда бошланган бўлса, ҳозирда ҳам тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Таниқли археолок олим Б.Турғунов ва япон олимлари томонидан Будда иншоотининг 20 дан кўпроқ хонаси очиб текширилди. Марказда томонлари 11 ва 9 метр келадиган катта зал бўлган, унинг атрофида эса майда-- майда хоналар жойлашган бўлиб, коҳинлар яшаган, овқат тайёрлайдиган ва бошқа мақсадларда фойдаланилган. Марказий хонада эса асосан Будда, Бодхисатва ва бошқа персонажлар ҳайкаллари ўрнатилган. Залнинг жануби-шарқий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳайкаллар ўтирган, тик турган ҳолда тасвирланган. Будданинг ҳайкали махсус токча ичига жойлаштирилган, қолганлари эса супа устида.

Ҳайкалларнинг аксарияти парчаланган ҳолда учрайди. Залнинг ҳажми катта бўлганлиги учун унинг томи бўлмаган, балки очиқ бўлиб, фақат ҳайкалларнинг тепасига айвон шаклида мослама қурилган. Деворларда ўша устунлари ўрни ковак бўйлаб сақланиб қолган, аммо ёғочлар чириб кетган. Марказий залда ҳайкаллар тўпланган бўлиб, уларнинг парчалари бошқа қўшни хоналарда ҳам учрайди, аммо жуда оз миқдорда.

Будда иншоотининг тарҳи тўла-тўкис аниқлангани йўқ, уни ўрганиш ҳам бироз қийинроқ, чунки шаҳарнинг шу қисми кушон-сосонийлар даврида фаол ўзлаштирилган. Устига-устак, ибодатхона хоналарининг бир қисмидан маълум вақт бошқа мақсадларда фойдаланилган, кейин эса шу ерда янги иншоотлар қурилган. Дастлабки ҳайкаллар 2-хонага олиб кирадиган зинапоя ёнида жойлашган, ганч ҳайкалларининг парчалари, соч толалари, медальонлар, кўкрак нишонлари, безакларнинг бошқа қисмлари, олтин суви билан қопланган ҳайкалларнинг тана қисмлари топилди. Шу парчаларга қараганда, бу ерда кичик ҳайкаллардан тортиб, одамдан қарийб икки марта йирик ҳайкаллар ҳам бўлган. Ана шу ҳайкал парчалари орасида аждарнинг ён томондан тасвирланган мўъжаз ҳайкалчаси (ҳозирча ягона нусхада) топилди. Бу қиёфа ҳинд асотирларида сув унсурининг рамзи бўлган тимсоҳсимон

маҳлуқ – “Макара” нинг айнан ўзидир. 3-хонадан йирик хилма-хил ва ажойиб ҳайкаллар чиқди. Таггўшам ва деворлар бўйлаб турли катталикдаги 25 та ҳайкал, ҳайкаллар ва суратларнинг ўнлаб парчалари топилди. Хонанинг жануби-шарқий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳайкаллар мажмуи, алоҳида ҳайкаллар кўп учрайди. Ҳайкаллар устида уларни қор-ёмғир ва шамолдан сақловчи ҳамда девордан учи чиқиб турадиган консоль тўсинлар устида ўрнатилувчи бостирмалар бўлган. Чиндан ҳам, бошқаларга нисбатан баландлиги қарийб 3 метр жуда яхши сақланиб қолган жанубий деворда вақт ўтиши билан чириб кетган тўсинларнинг ўрни – тўртта думалоқ тешик кўриниб турибди.

Деворлар остида ва тахмонларда жойлаштирилган ҳайкалларга бой бўлган бу хил ички ҳовли, мисол учун Шарқий Афғонистоннинг Ҳадда шаҳридаги Тепаи-Шутур будда мажмуасида ҳам учрайди. Муҳим фарқи шундаки, у ҳайкалга ўхшатиб безатилган ва марказий йирик таглик атрофига жамланган кичик тагликларга тўла. Далварзинтепа ибодатхонасида эса бошқача: асосий таглик ҳозирча топилмаган. Балки у мажмуанинг бошқа қисмдадир. Ҳайкаллар жойлаштирилган ер сатҳи 7 ярус (ярим метр 1 ярус) ўрталарига тўғри келади. Асосий ҳайкаллар Будда, Бодхисатва ва бошқа Будда персонажларининг лойдан, лой-ганчдан ва ганчнинг ўзидан ишланган жами йигирмадан зиёд ҳайкаллар бўлиб, шунингдек, ҳайкалларнинг алоҳида парчалари (қўл ва оёқ кафти, кийим, тақинчоқ, тепа қисмлари) топилди. Ҳайкаллар орасида катта-кичиклари ва йирик ўлчамда ишланган таналар бор. Уларни тайёрлашда юз, соч турмаги қисмлари, бош кийими ва заргарлик буюмлари учун қолиплардан кенг фойдаланилган. Ҳайкал қисмлари алоҳида тайёрланиб, кейин лой ва ганж сатҳга ганч қоришмаси ёрдамида ёпиштирилган. Юқорида айтиб ўтилгандек, йирик ҳайкалларнинг айримлари супага ёки махсус тагликларга ўрнатилган. Бир ёки икки қатор хом ғиштдан терилган бу тагликларга ҳайкаллар ўрнатилган. Бир ёки икки қатор хом ғиштдан терилган бу тагликлар супачалар яхшилаб сувалган, баъзан эса оқланган ёҳуд қизил, пушти рангларга бўялган.

Будда ўтирган ҳолда тасвирланган лой-ганчдан ишланган энг йирик ва чамаси асосий ҳайкал хонанинг шарқий девори томонидан жойлашган. Унда гавданинг очилган оёқларини ўраб турган ридодан иборат қуйи қисми эни 1 м 80 см сақланиб қолган. Матонинг энсиз учи қатларини тутиб турган бармоғининг узунлиги 28 см ва майин тарашланган чап қўлнинг йирик кафти ўлчамлари 38х20х25 см ни ташкил этади. Қўл кафти ва ўтирган гавда ўлчамларига қараганда Будда ҳайкали анча йирик бўлган. Ўтирган ҳолда тасвирланувчи Будда ҳайкалларига хос мутаносибликдан келиб чиқиб ҳисобланганда, гавда баландлиги гавда билан бирга 3 метрга борган бўлиши керак ва уни тахмоннинг қилсимон ёки кунгурадор равоғи ўраб турган.

Ўтирган Будда ҳайкалларининг лойдан ишланган иккинчиси жанубий девордан жануби-шарқий бурчак яқинидан топилди. Бу ҳайкал аввалгисига нисбатан хароброқ, оёқларини ёпиб турган кийим тахларигина сақланиб қолган, холос. Биринчи ҳайкалнинг ўнг томонида ўнг оёқ ёпиб турган кийим тахлари устида Будданинг алоҳида юзи пастга қараган ҳолда ётган боши топилди. Бу анъанавий қиёфа лойдан қолипда тайёрланган, кейин қўлда озроқ тузатилиб, тўла юзи майин тарашланган, пешана кенглиги ўртача, қош бўртмалари бир текис “нилуфаргули” шаклидаги кўз бичими тўғри, бўртма қовоқлари ярим юмилган, энгаги одил, оғзи кичик, қулоқлари бошга ёпишган (энгаги синган). Жингалак сочлари бош ва бўйини зич қоплаб турибди. Сочларининг бир қисми йўқ. Юзида оқ пигмент, сочда қора бўёқ сақланиб қолган (бош ўлчамлари: 40х20х23 см).

Ўтирган иккинчи Будда яқинида чап оёғидан 60 см масофадаги чуқурча тозаланганда Будданинг йирик боши чиқди. У лой-ганчдан ишланган бўлиб, ниҳоятда парчаланган, иккита қулоқ, бурун, кўз ва қаншар парчалари, юзнинг бир қисми мавжуд. Ўлчамига кўра, биринчи ҳайкалникидан сал каттароқ бўлган бу бош иккинчи ҳайкалга тегишли бўлиши мумкин. Шимоли-шарқий бурчакда тик турган ҳолда тасвирланган Будданинг бошқа бир йирик ҳайкали жойлашган. Бошининг юқори қисми синдирилган бўлиб, ерда, оёқлари остида ётибди, белининг бир қисми йўқ. Тана лойдан ўша

услуб асосида ишланган, қизил юзи ва сочида қора ранг излари сақланиб қолган. Жингалак сочлари бошда саккиз, қулоқларда уч қатор сақланган. Бош ўлчамлари 28х25х4 см.

Бодхисатва ҳайкалларини мукаммал ўрганган таниқли археолок Б.Турғуновниниг илмий тақиқотларида ушбу манбаларга алоҳида изоҳ берилиб, топилган ҳайкаллар йирик ўлчамларда ишланган. 3-хонадан олтита ҳайкал топилди. Улар буддизмнинг бешта олий Бодхисатва муқаддаслаштирилган асосий анъаналарига мувофиқ тайёрланган. Жануби-шарқий девордаги тахмоннинг икки томонида иккита Бодхисатва тагликларга жойлаштирилган. Фигураларнинг бири хонанинг жанубий бурчагида юзи билан, иккинчиси супа ўртасида юзи юқорига қараб йиқилган. Бодхисатваларнинг шимолий девор бўйлаб жойлашган ва қарийб бутун сақланиб қолган яна иккита ҳайкали ерга йиқилган ёки ағдариб ташланган.

Далварзинтепа ҳайкаллари Гандраха Бодхисатваларининг анънавий қиёфасига мувофиқ: юз бичимлари ажойиб ва ёқимли. Жингалак сочлари қалин, бош кийимлари чиройли, танаси яланғоч, бўйнида маржон, чап елкаси ва қўли оша “уттари” шарфи ташланган, “дхоти” деб аталувчи юбкасимон ҳиндча либос кийиб, камар билан боғланган, ялангоёқ Буддалардан фарқли ўлароқ, шиппак кийган. Бироқ Далварзинтепадаги Бодхисатва ҳайкалларининг бир қатор қисмлари уларни гандхарадаги ва буддизм тарқалган бошқа ҳудудлардаги ҳайкаллардан фарқи ажратиб туради.

Хонанинг жанубий девори остида ўтирган Будда Бодхисатванинг мукаммал ишланган ҳайкали топилди. У қизғиш лойдан ишланган, устидан оқ пигмент юритилган, танаси, либоси ва бош кийими қизилга, сочи қора рангга бўялган. Юзи қолипдан чиқарилиб қўлда силлиқланган, танаси ва мато қўлда ясалган. Юз қиёфаси будданики сингари кенг ва тўла бурни сал эгилган, оғзи кичик, юқори лабидаги чуқурча сезиларли, ияги тўла, қўллари баданига ёпишган. Қизиқарли бир нарса – қаншари тепасида “урна” бўлиб, унга олтин ўрнатилган ва устидан ганч билан сувалган.

Танагача қия кесик шаклида ишланган калта сочлари қулоқлари олдидан чиқиб, айланиб ўтган. Бошида тиллақош бўлиб, унинг марказидан икки қатор эшилган тизимча чиқиб, тиллақошни айланган ва ён томонида гулбезаклар билан мастаҳкамлаб қўйилган. Чамаси, тиллақош марказидан қандайдир осма безак бўлган, лекин у ва бошининг тепа қисми сақланиб қолмаган. Бодхисатванинг танаси ва ўнг қўли очиқ тана шакли бир қадар умумий тарзда сайқалланган. Чап елкага тушган “уттари” шарфи кафти сонда турган қўлни ўраган. Белда дхоти бошланиб, кенг-мўлгина осилиб туради, камарга бир қатор думалоқ қадама безак билан зеб берилган. Бўйнидаги маржондан ташқари елкадан яна бир маржон--уч қатор майда ярим шарлар билан қопланган занжир тушиб турибди.

Бодхисатваларнинг лой-ганчдан ишланган иккита ҳайкали ўлчамлари, тури ва техник ижросига кўра, ўзаро анча яқин. Улар фақат баъзи нарсалардагина фарқланувчи бир хил қолиплардан фойдаланиб ишланган ва бир хилда силлиқланган. Бу ҳайкалларнинг бири озроқ синган, баландлиги 226 см. Юзи қолипда лойдан ишланиб, устидан ганч билан силлиқланган, бошидаги умумий ганчсувоқ алоҳида-алоҳида қўйилган нарсалар --бўртма “S” шалидаги соч толалари ва узун гулбарглардан гулчамбар ёпиштирилган. Қулоқлари синган, юзида пушти, қовоқларида қизил, сочларида қора бўёқ излари сақланиб қолган. Бўйнида уч қатор мураккаб маржон бор: усткиси майда шарчалар шаклида, остидаги иккита ипга узунчоқ жавоҳирлар ўтказилган, ипларнинг марказига ва елкалар устидаги қисмига бўртма - доирасимон ҳалқалар кўринишидаги катта ва юмалоқ медальонлар биркитилган, қуйи ипда яна осма безаклар ҳам бўлган.

Бодхисатванинг елкаларидан бўртма ва чийрилган иплардан тайёрланган бошқа бир узун оғир маржон турибди. Дхоти матоси сонларда олти баргли гул безаклари билан камардек боғланган, қўллари ва оёқ кафтлари сақланмаган. Шуниси қизиқки, Бодхисатванинг елкаларидан тушиб турган узун ва оғир маржон Далварзинтепа олтин хазинасидан чиққан маржон билан бир хил. Бодхисатванинг иккинчи ва худди шундай йирик ҳайкали ўша

қаторнинг ўзидан, шимолий девор остидан топилди. Сақланиб қолган қисмининг умумий баландлиги 220 см. Лойдан ишланган оёқлари, беллари ва қўлларининг тирсакдан пастки қисмлари сақланмаган. Ҳайкал юзи тепага қараган ҳолда ётгани сабабли, бинонинг устки қисмлари қулаганида бурни, оғзи, пешонаси ва соч турмаги бузилган. Шунингдек, маржон ҳам сақланмаган, бироқ қолганлари – либос тахлари, ундаги анвойи ранглар, ноёб камари ва бўйнидаги тақинчоқлари бу ҳайкални энг муҳим ва ўзига хос топилмалар қаторига қўяди. Ҳозирча у ҳайкалларнинг энг йиригидир. Бошқа Бодхисатванинг боши алоҳида топилди. Унинг юз қиёфаси ва гажаклари Бодхисатваникига ўхшайди, чунки боши ёни билан тушган ва устидан хом ғиштлар босиб қолган. Тиллақоши эса, бошқача – тасма кўринишида бўлиб, унга бўртма қилиб ишланган думалоқ ва катта-кичик медальонлар оралатиб қадалган: катталари тўртта доирасимон чизиқча кўринишда бўлиб, чеккадагиси майда ярим шарлар билан қопланган, кичик медальонлар эса марвазга битта ва унинг атрофига, доира бўйлаб олти шар ўрнатилган ҳолда гулбезакни ҳосил қилади. Бўйнида, ўнг қулоғи остидан тасманинг қисқа учи чиқиб турибди. Ушбу Бодхисатванинг қулоқларида эса қўнғироқсимон асосга зич қилиб биркитилган 12 парчадан иборат сирғалар сақланиб қолган.

**Ибодатхонадаги бошқа ҳайкаллар.** Будда ва Бодхисатваларнинг йирик ҳайкаллари билан бир қаторда бошқа кишиларнинг ҳайкаллари ҳам ибодатхонани безатишда иштирок этган. Булар дунёвий кишилар, чамаси данаторлар ёки умуман буддизмга хайрихоҳ одамлар ҳайкалчалари бўлиб, эҳтимол, тузилиш гуруҳларини ташкил этишгандир. Уларнинг парчалари етиб келган, лекин мутаносиблик қоидалари бўйича бўйи 70--100 см.га етган. Учта йирик тана (биттасининг боши алоҳида ётган, иккитаси эса бошсиз) ва турли ўлчамдаги бошлар – ана шу Будда ҳайкалларига мансуб.

**Камарли ҳайкал.** Гавданинг умумий баландлиги 81 см (белдан юқори қисми 33 см, белидан пасти – 48 см). Ҳайкал лой ва ганчдан жуда юпқа қопланиб, устидан қизил рангга бўялган. Ўнг оёғида либоснинг 5-6 тахлари сақланиб қолган, чап оёқда эса йўқ. Чап оёқ остида либос осилиб турибди.

Либоси чакмон ёки шалвар. Эни 30 см келадиган камар яққол тасвирланган. Ундан қуйида қадама тақалар бор: иккитаси бутун, безатилган, атрофида яна иккитаси қисман сақланиб қолган. Тўқалар йирик ва сиртига гулбарглар, тугма ёпиштирилган, қандайдир чуқурчалар бор. Буларнинг бири атрофидан икки қатор чуқур чизиқлар ўтган.

**Маржонли ҳайкал.** Гавданинг умумий баландлиги 86 см. Боши ва оёқлари йўқ. Қўллари либос остида. Бўйнида (диаметри – 23 см) уч қатор маржон бор. Биринчиси – юқори қатор спиралсимон тарзда икки қатор қилиб ўрилган, ўрта қатор ўғирчалардан, қуйи қатор эса ганч билан ёпиштирилган гулбарглардан иборат. Ҳайкал лой ва ганчдан ясалган, қолаверса, ганч қатлами анча қалин. Киндик атрофига аввал  бир неча нусхада учрайдиган йирик медальон ўрнатилган. Марказида юрак шаклида безаги борлиги унинг ўзига хос хусусиятидир. Либос тахлари чап томонда яққол тасвирланган ва қўллари шу тахлар остида қолган.

**Бошли ҳайкал.** Умумий баландлиги 1 м.10 см, лой ва ганчдан ишланиб, қизил ранга бўялган. Тана ва бош алоҳида-алоҳида топилган. Либос тахларига аввалги ҳайкалда бўлганидек учлари юрак шаклидаги медальон бириктирилган. Ундан қуйида доирачалардан иборат безак қатори ўтади. Либос тахлари жуда чиройли тасвирланган: чап елкадан тушган мато оҳиста осилиб, тана, ўнг қўл ва белнинг бир қисмини ўраган. Чап елкада, либос тахлари устида Бодхисатванинг йирик ҳайкалдаги каби маржон бириктирилган. Бош ҳам тана сингари лойдан ясалган ва қалин ганч қатлами билан қопланган. Юзида ганч қатлами сақланиб қолмаган, фақат бошнинг юқори қисмида ганч безак бор. Бу безак ҳам Бодхисатванинг бошидаги спиралсимон безакка ўхшайди.

**Қизил бош.** Бодхисатванинг боши сингари эзилган. Юзи ниҳоятда бузилган, эҳтимол, устига тушган ғаштлар босиб қолгандир. Лойдан ясалиб, қизил рангга бўялган. Сочлари тўлқинсимон ва қора рангда. Бошнинг баландлиги 46 см, эни 32 см.

**Аёл танаси.** Ҳайкал лойдан тайёрланган. Ягона аёл фигураси бўлганидан, гўё ўзича бир чеккада тургандек. Ҳайкалнинг боши йўқ. Қўллари тирсакдан ва оёқлари тахминан болдир ўртасидан синдирилган. Ранги сақланмаган, бироқ деворга тегиб турган ва силлиқланмаган курак қисмида ганч изи бор, бу эса ҳайкал девор оқланишидан аввал ўрнатилганини кўрсатади. Аёл қоматли, сал бурилган ҳолатда тасвирланган. Белидан юқори қисман яланғоч бўлиб, елкалари ва кичик юмалоқ кўкраклари майингина ишланган. Либоси тирсаклари ва сонларини ўраб қия тахлар кўринишида осилиб турибди. Ҳайкалнинг оғирлиги чап оёққа тушган, ўнг оёғи сал букилган ҳолда либос остидан кезилиб турибди. Ўлчамлари: 66х32х18 см.

**Таналар.** Улар иккита. Юқори қисми ганчдан ишланган. Биринчисининг ясалиши текис ва жуда нафис. Қўлларининг тирсакдан юқори қисми тахлари қия уттарига ўралган, ўнг қўли очиқ ва ундан кўп баргли гулбезаклардан иборат йирик билагузук бор. Худди шундай билагузук чап қўлида ҳам бор. Қўлларида ё катта гулчамбар, ёки майда учли гулбарглар кўринишидаги заргарлик буюмини тутганича кўкракларига босиб турибди. Иккинчи тана ҳам бошсиз бўлиб, ўтирган ҳолда тасвирланган. Буддада фигурасининг ёнидан топилди. Чап елканинг бир тутам нарса тутган қўл билан биргаликдаги қисми сақланиб қолган. Либос тахлари аниқ тасвирланган. Ўнг қўли бўйнини ўраган либос тахлари остидан чиқиб турубди.

**Алоҳида бошлар.** Тўртта бошнинг ҳар бири алоҳида – алоҳида танасиз топилди. Битта бош ўсмирга мансуб. Юзи сал ўнгга ва юқорига қараган. Пешонанинг тепаси ва чеккаларидан ўраб турган тўлқинсимон сочлари қулоқлар томонга йўналган. Чиройли пешанабоғнинг юқори қисми қалин боғич кўринишда, пастки қисми майда тўрли қилиб ишланган энсиз тасмадан иборат, ўртаси ва чеккаларида эса шаклдор тугунча ҳамда гардишига олинган бўртма жавоҳирларга ҳам ўхшаб кетадиган ва нималигини аниқ билиб бўлмайдиган бир нарсалар бор. Қулоқ солинчакларида сирға тақилган излар кўринади. Юз бичими бежирим, қош бўртмалари сал кўтарилган, кичик

кўзларининг нигоҳи тепага қараган оғиз бурчаклари сал бурилган. Ўлчамлари 13х9, 5х6,6см.

Бошқа бош аскарга тегишли. Аскар дубулғасининг тепасида пешонадан энсага кетган қирра ва олд томонида юқори учидан бошланиб, икки томонга йўналган жимжима чизиқлар бор. Бош нам муҳитда шикастланганлиги сабабли, юз қиёфаси аниқ эмас.

**Маъбуданинг боши.** Соч турмагининг бир қисми сақланмаган. Бурни пачоқланган. Сочлари спиралсимон кўринишда, тиллақоши эса беш-олти баргли гулбезакдан иборат. Ниҳоят, тўртинчи бош бирон амалдорга тегишли бўлиши мумкин. Далварзинтепада шаҳар ташқарисидаги биринчи ибодатхонадан топилган ҳайкалга жуда ўхшаш. Лойдан ишланган, юзи, сочи қизил рангга бўялган.

**Алоҳида парчалар**. Улар қўл-оёқларнинг кафти, панжалари, либос, юз ва тана, катта – кичик ҳайкалларга мансуб қўл ва айрим бармоқлар парсалари кўп учрайди. Ўн учта қўл ва йигирмадан зиёд бармоқларни ажратишга муваффақ бўлдик. Айрим қўл кафтлари гулбарглар, беш қиррали юлдузчалар ва япроқларни тутган, баъзилари эса очиқ. Бир ўринда кафтга олтин суви югуртирилган. Яна бир гуруҳ қўл кафтларида бармоқлардаги узуклар ва билаклар яққол кўриниб турибди.

Шимолий ва ғарбий деворлар бўйлаб бир неча жойда Будда ёки Бодхисатваларнинг оёқ юзлари топилди. Улар орасидаги ганчдан ишланган 5 та лойдан ишланган 3 та оёқ юзлари бор. Ганч оёқларининг биринчи ва иккинчи бармоқлари орасида безаклар ўрнатилган. Битта йирик оёқ юзасидан эса бармоқлар орасидан ташқари тўпиқлар атрофига ҳам медальонлар биркитилган. Йирик билагузукларнинг парчалари топилди, улар Бодхисатвалар қўлининг билак ва тирсакдан юқори қисмига тақилган бўлиши мумкин. Билгузуклар йўғон қилиб ишланган, ўртасига гулбезак, унинг икки томонига эса тухумсимон шаклдаги бўртма жавоҳирлар қадалган. 3-ҳовли ва 2 ва 9-хоналардан асосан ганчдан ва қисман лойдан қуйилган ҳайкал ўз жойдан нураш туфайли қуланганда осонгина кўчиб кетадиган

юздан зиёд алоҳида қадама топилди. Топилмалар орасида ўралган занжирлардан иборат бўйин безакларининг бир қанча турлари, жавоҳир билан қопланган ва ўрилган йирик маржон парчалари бор. Медальонлар бир неча хил: доирасимон чизиқлар ва чеккасига ярим шарчалар ўрнатилган йирик ва думалоқ шаклда, кичиклари ҳам шундай, фақат айланасимон барглар тарздаги олти япроқли гулбезаклардан иборат нақш ясси кўринишда.

Кўплаб безакларда қизил ва қора ранглар, айримларида эса олтин ҳошия излари бор. Оддий қадама безаклар гуруҳи хилма-хил: юрак шаклидаги япроқлар; икки-учта доирасимон чизиқлари бўлган бодомсимон осма безаклар, беш қиррали юлдузсимон безаклар кўринишидаги қадамалар, тасма ва тизимчалар парчалари, йирик ва бир-бирининг устига қисман тушган тўқалардан иборат камарнинг парчалари. Шунингдек, одатда қизил рангга бўялган ва тахлари чиройли либосларнинг парчалари ҳам учрайди. Оддий, тўлқинсимон, спиралсимон “S” шаклидаги ва пилла кўринишида жуда йирик тасвирланган соч толалари алоҳида ҳолда ҳам, шунингдек, турмакдан синиб тушган йирик парчалар кўринишида ҳам топилди. Аксарият қора рангга бўялган.

Археолог Б. Турғуновнинг ҳамда япон олимлари ҳамкорлигида Будда ва буддизм тарихида янги  саҳифалар очилди. Ушбу тақиқотчиларни илмий фикрига асосланиб топилган ҳайкаллар ҳозирча номаълум ҳайкаллар  шахс юзининг учта ва иягининг иккита парчаси ниҳоятда бетакрор ишланиб, топилган ҳайкаллар ганчдан ясалиб, бўялган. Парчалари майдалигига қараганда, бу ишланмалар чамаси, йирик ҳайкаллар орасиги ўрнатилганлиги тахмин қилинади.

Хоналар безагига ҳайкаллардан ташқари суратлар ҳам кирган бўлиб, жануби-ғарбий бурчакда Бодхисатванинг йирик ҳайкали сақланиб қолган. Бу суратларда ислимий нақшлар, соч турмагининг бир қисми ва соқолли эркакнинг юзи тасвирланган. Будда боши атрофида гулчамбар ёркин бўёқларда акс эттирилган. Бироқ бу топилмаларни тасвирлаш – бошқа бир махсус асар мавзусидир.

Шундай қилиб Далварзин шаҳристонидан иккита эҳром топилди, биттаси шаҳар деворидан ташқари ва иккинчиси -- қадимий шаҳар марказида. Милоднинг бошларида илк кушонлар даврида Ўзбекистон жанубига буддизм жадал кириб кела бошлайди. Эски Термиз атрофида милодий 1-2 асрларга мансуб бўлган дастлабки будда эҳромлари барпо қилинади. Маълум вақт ўтиб, буддизм шимолга тарқалади. Буддизмни Шимолий Бақтрия ҳудудига Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон (ҳозирда Покистон ҳудудига кирувчи Гандхара вилояти)дан ҳозирги Афғонистон замини орқали буддийларнинг колониялари олиб келишгани аллақачон исботлаб берилган. Ана шу буддий ҳукмдорнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамида жуда кўплаб маҳаллий мухлислари янги динга ўтади. Далварзинтепа девори ташқарисида мелодий I аср охири -II аср бошларида бунёд этилган будда ибодатхонасидаги бир гуруҳ ҳайкаллар бунинг яққол исботидир. Уларнинг орасида жавоҳирлар билан безатилган кушон либослари ва чўққи қалпоқ кийган шоҳ хонадони аъзолари тасвирланган.

Далварзинда иккита будда иншоотининг мавжудлиги буддизмнинг шаҳарликлар ҳаётидаги мавқеининг юқорилиги ва бошқа маҳаллий динлар ўртасида эгаллаган ўрнини кўрсатиб турибди. Шаҳар ташқарисидаги будда обидасида будда манзаралари билан бир қаторда маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳайкали мавжуд бўлса (аниқроғи улар Будда туҳфа келтираётган ёки сажда қилаётган донаторлар қиёфасида акс эттирилган), шаҳар марказидаги будда эҳромида дунёвий шахсларнинг ҳайкаллари камроқ учрайди. Бу ерда асосий Будда, Бадхисатва бошқа будда шахслари тасвирланган. Агар тарихий вазиятга синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, Кушон империяси гуллаб - яшнаган даврда, мелодий I аср ва II аср бошларида буддизм бу ҳудудга кириб келиб мустаҳкамлана бошлаганини, ҳукмдорлар будда иншоотларини қуришга ҳозирча фақат шаҳар ташқарисида рухсат бераётганларини ва бунинг эвазига олий шарафга сазовор бўлаётганлари, заллардаги буддалар қаторида подшоҳ хонадони аъзоларининг ҳайкаллари вужудга келаётганлигини кўриш мумкин. Кейинроқ, буддизм бу заминда мустаҳкам

ўрнашиб олган даврда (милодий II аср охири-III аср бошлари) улуғвор ибодатхона шаҳарнинг ўзида, яна қоқ марказида қад кўтаради. Энди бу ердаги шахсларнинг ҳам қарийб бари будда дини намояндаларини акс эттиради.

Кўриниб турибдики, эҳромдаги ҳайкал кўп жиҳатдан анъанавий қоидалар асосида бунёд этилган бўлса ҳам ҳайкалтарошлик санъатининг ноёб асарлари сирасига мансуб. Далварзин шаҳридаги биринчи эҳром анча аввал яратилган ҳайкалларга оид бўлса, иккинчи эҳромда будда динининг ривожланганлиги яққол акс этади. Биринчи ибодатхонада Юнон – Бақтрия ҳайкалтарошлигига бориб тақалувчи эллинизм анъаналари ҳали кучли бўлса, бу ерда ярим яланғоч аёл ҳайкали шу жиҳатдан ягона ашё бўлиши мумкин. У ҳинд аёли эмас, хинд аёллари одатда йирик ва думалоқ кўкракли, сонлари таранг ва хипча белли қилиб тасвирланган.

Энди Будда ҳайкалларига ва Бодхисатваларга келадиган бўлсак улар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Гандхарадагиларга эргашиб яратилган. Бироқ Бодхисатваларнинг юзи ва гажакларигина ўша анъанавий қоидаларга биноан ишланган, барча ҳайкаллардаги тожлар, тиллақошлар, маржонлару камарлардаги заргарлик деталларининг ўхшаши Гандхара ва Ҳаддадаги кўп сонли Бадхисатвалар орасида учрамайди, чамаси ҳайкалтарош бу билан қандайдир маҳаллий хусусиятларни беришга уринган. Умуман олганда, Далварзинтепа ҳайкаллари услубий хусусиятларига кўра Гандхара ҳайкалларига эмас, балки кушонлар даврида ҳайкалтарошлик санъатининг гуллаб-яшнаган Ҳадда (Афғонистон)даги ганч ҳайкалларининг энг мумтоз намуналарига яқин туради.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: бу мактабнинг усуллари ва услублари Ўрта Осиёга Шарқий Афғонистондан буддизм билан бирга олиб келинганмикин? Тўғри, будда санъати қонунлари бу ерда будда дини қиёфаларини ва айрим эстетик мавқеларни маълум даражада белгилаб берди. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, бу пайтга келиб Бақтрияда, хусусан, Сурхон водийсида ўзининг юксак ривожланган ҳайкалтарошлик мактаби

мавжуд эди. Унинг Бақтрия ҳайкалтарошлигининг кейинги тараққиётига таъсири ташқи бадиий таъсирларга нисбатан кучлироқ бўлса бордир, аммо асло кам эмас. Хусусан, Холчаён ҳайкаллари ҳайкалтарошлик санъатининг Бақтрия мактаби ютуқларини намойиш қилувчи яққол далилдир. Далварзинтепа ибодатхонасидаги Будда ҳайкали ҳам бу санъат манзарасига муҳим чизгилар қўшади.

Будда ибодатхонасининг марказий хонаси шартли равишда “хайкаллар зали” деб аталиб, Будда ва Бадхисатваларнинг улкан ҳайкаллари билан бир қаторда, буддий ва дунёвий шахсларнинг бошқа кичик ҳайкаллари ҳам шу ерда жамланган.

“Ҳайкаллар зали”га кириладиган асосий эшик ўрни чамаси, хонанинг жанубий қисмида жойлашган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бош Будданинг ўнг ва чап томонларида девор бўйлаб бошқа шахсларга ўрнатилган ҳайкалар ҳам мавжуд. Ҳайкаллар бошининг тепа қисми ғалати қилиб ишланган. Будда ҳам камарли, маржонли, боши алоҳида бўлган ҳайкаллар ҳам шу ерда. Шундай қилиб тик турган саккизта ҳайкалдан олтитаси ўтирган Будданинг атрофида тахмон ичида ва ёнида жойлашган. Ўтирган ва тик турган Будда персонажларининг бундай ноёб “галерея”син Ўрта Осиёдаги будда ёдгорликларида биринчи бор топилди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу ҳайкаллар биркитиб қўйилган девор ёрқин қизил рангга бўялган, яъни ҳайкаллар бу фонда бениҳоят улуғвор кўринган. Ўз навбатида жанубий девор ҳам ҳайкаллар билан қисман тўлдирилган. Улар айниқса жануби-шарқий бурчакда яхши сақланиб қолган. Бу эса ўз навбатида, шарқий девордаги тахмон остида бўлган ҳайкаллар қаторига чиройли кўриниш берган. Бу ерда яна ўтирган ҳолдаги улкан Будда ҳайкали, ўнг томонида тик турган кичик Будда ҳайкалчаси, ундан чап томонга эса белигача ишланган Бадхисатва ҳайкали топилган.

Бадхисатваларнинг энг йирик ҳайкаллари ва Будда ҳайкали шимолий девор бўйлаб қурилган супа устига жойлаштирилган. Хона ўртасида топилган ҳайкаллар асли қаерда тургани ҳозирча аниқ эмас. Фикримизча,

улар ҳайкаллар туркуми билан 9-хонага ўтиш йўли оралиғида жойлашган. Шу ерда девор остида Будданинг жуда ёмон сақланган оёқ кафти, алоҳида турган ҳайкал ва ярим-яланғоч аёл ҳайкали топилган. Ҳайкалларнинг бир қисми зал билан 9 -хона ўртасидааги йўлдан топилди, улар чамаси, 3-хонадан олиб келинган. Катта-кичик ҳайкалларнинг айрим парчалари, қўл, оёқ, панжалари безак қисмлари ҳам ана шу тариқа ҳайкаллар зали ортидан топилди.

“**Ҳайкаллар зали”** деб аталган 3-хона чиндан ҳам марказий хона бўлган. Бу хона Буддалар, Бадхисатвалар ва бошқа ҳайкалларнинг жуда кўпчилигини ўзида жамлаган. Ибодатхона (9-хона) йўлаклар, зинапоялар (2-хона), чамаси, роҳиблар хонаси ва бошқа вазифаларга хизмат қилган хоналар ана шу зал атрофига жойлашган. Анъанага биноан Гандхара ҳайкаллари деб аталуви Будда ҳайкалларини тадқиқотчилар Термиздаги Айритом, Фаёзтепа, Қоратепа ёдгорликларида ҳам қайд этишгани маълум. Мадомики шундай экан, Далварзинтепадаги Будда ҳайкаллари улар билан қандай муштарак жиҳатларга ва қандай маҳаллий хусусиятларга эга?

Ҳиндистонда, биринчи навбатда Гандхарада вужудга келган Будда бадиий оқими муқобил ва умумсалтанат миқёсидаги оқим сифатида Бақтрия санъатига ўтказган таъсири кушонлар даврида буддизм кенг тарқалгани билан боғлиқ (Айритомда уч созанда тасвирланган тош блок, Фаёзтепада ўтирган Будда ҳайкали ва унинг ўнг ҳамда чап томонларида тик турган роҳиблар акс эттирилган тошбўртма тасвир ҳамда Қоратепадаги баъзи ҳайкаллар). Бу анъананинг айрим жиҳатлари Будда қиёфасида кузатилади: унинг абадий навқирон чеҳраси илоҳий нурдан ёришган, чордона қуриб кафтларини бирлаштирган ҳолатда мушоҳадага берилган, энсада бўртма (ушниша) тарам-тарам соч толалари, қаншаридаги доғ (урна) каби ўзига хос белгиларининг бари бор: либоси турли тахлар билан товонигача тушиб туради, бичимига кўра ҳинд (дхоти) ва юнон (хитон) либосларига ўхшайди. Бироқ йирик солинчаклар ва илоҳийли белгиси бўлган бош атрофидаги гулчамбар Далварзинтепа Буддаларида йўқ. Яна, Будда соч турмакларининг

ҳайкаллар таавсифида баён қилинган 5 турини қайд этиб ўтиш керак. Ҳозирча Будданинг икки ҳолатдаги тасвири маълум.

Биринчи ҳолатда – будда “жўги ҳолати” деб аталувчи ҳолатда, чуқур ўйга жўмиб ўтирибди. У одатда чордона қуриб ўтаради ва оёқлари гоҳо кўринади. Бироқ Далварзинтепа ҳайкалларининг оёқларини дхоти ёпиб турибди, уни чеккасидан чап қўл тутиб турибди. Йирик бир қўл панжасининг кафтига пушти рангли ғалати нақшлар чизилган.

Иккинчи ҳолатда – будда ялангоёқ, узун либос тик ва қия тахлар билан тўкилиб турган қиёфада тикка турибди. Қўлларининг вазияти – ё ўнг қўл очиқ кафт билан кўтарилган, чап қўлда эса либос чеккасини ушлаб турибди, ёки иккала қўл либос тахлари остида қолган, ёхуд умуман сақланмаган.

Будда анъаналари билан бир вақтда Бодхисатвалар анъаналарини ишлаб чиқиш ҳам бошланган. Шу боис ҳам уларнинг қиёфаси: юз бичими ғоят гўзаллиги, бурни қулоқлар шакли, ўйга чўмган ярим юмуқ кўзлар – кўп жиҳатдан ўхшаш. Фарқи фақат шундаки, бадхисатваларнинг чеҳраси доимо ёш йигитларникидек, Будданики эса ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурган етук кишиникидек тасвирланади. Бодхисатваларда кўпинча мўйлов бўлади, тўғри, у баъзан Буддада ҳам учрайди, сочлари гоҳо елкасига ёйилиб туради ёки боши узра турмакланади.

Бодхисатваларнинг либоси белигача яланғоч бўлган бағоят гўзал сайқалланган, таналарининг нафосатини бўртириб кўрсатувчи кийим тахлари жуда бой яхлитликдир. Қимматбаҳо безаклар бўйнидаги маржон, кўкрак устига осилиб турган ва йирик жавоҳир билан якунланган бир маржон, елкадан белга ўтувчи қия тасма, билаклар ва тўпиқлардаги билагузуклар билан қопланган. Бодхисатвалар бошида гоҳо жавоҳирлар билан қопланган ва ҳилпираб турган тасмалари бор саллаларни, қулоқларида ғаройиб шакллардаги оғир сирғаларни кўриш мумкин.

Далварзинтепадаги Бодхисатваларнинг кўрсатиб ўтилган безакларидан айримлари йўқ ёки бошқача шаклда берилган. Мисол учун бўйин безаклари ўзига хос тарзда. Далварзин хазинасидаги олтин безакларда бўлганидек,

гўзал маржонлар туташган ва туташмаган шаклларда ишланган. Далварзинтепадаги Бодхисатвалар ва Будда ҳайкалларида мўйловлар йўқ, фақат битта майда ҳайкалчадагина мўйлов бор. Диққатга сазовор яна бир жиҳат Далварзинтепа Бодхисатваларидан бирининг урнасига мўъжазгина олтин безак ишланган. Бош кийим ва безаклар ўрнида гулчамбарлар ва тиллақошларни кўрамиз. Бодхисатваларининг қарийб барчасида катта-кичик ва айлана ганч медальонлар кўринишида белга ўралган чиройли боғламалар бор. Битта ҳайкалнинг кийими нақшинкор.

Далварзин ҳайкалларида медальонлар, пальметлар, соч турмакларидаги безакларининг халма-хиллиги ўзига хос. Уларнинг ҳаммаси қолипда қуйилиб, ишланаётган ҳайкалларнинг мақсади ва катталигига боғлиқ ҳолда безак учун моҳирона ўрнатилган. Буларнинг бари ҳайкалтарош ҳар бир асарни алоҳида яратгани, унга албатта буюртмачининг хоҳишига қараб ёндошганлигидан далолат беради. Ой-хоним ва Тахти-Сангин ҳайкалларига қараганда у Юнон-Бақтрия давридаёқ маълум бўлган. Гандхара ва Хаддада бу усул устунлик қилган.

Хитой сайёҳи Сюан Цзян VII аср бошида ўша даврда Тами (Термиз)да мингга яқин роҳиблар яшаган ўнлаб ибодатхоналар бўлгани, уларда будда ступалари ва тасвирлари намойиш этилганини кўрсатиб ўтади. Чағониёнда, деб хабар қилади у, маълум миқдорда роҳиблари бўлган бешта ибодатхона, Шумонда роҳиблари озроқ иккита ибодатхона, Кубодиёнда юзга яқин роҳиблари бўлган учта ибодатхона бўлган.

Буддалар кўплаб яшаган Термиздан бошлаб Ажинатепадаги машҳур будда эҳромигача бўлган ораликда араблар келиб ислом динини ўрнатгунига қадар аҳолининг асосий эътиқодларидан бири-илдизлари ва анъаналари янада қадимги замонларга милоднинг илк асрларига бориб тақалувчи буддизм эди. Нумизматик маълумотларнинг кўрсатишича, I-II асрлардаги будда ёдгорликлари билан илк ўрта асрлар --VI аср ёдгорликлари боғловчи бўғиндир.

Шўрчи тарихи саҳфаларида ўзбек давлатчилиги билан боғлиқ тарихий манбалар ниҳоятда кўп бўлиб, бу ўлкани қадимий моддий-маънавий маданияти дунё аҳамиятига эга эканлиги археологик ва тарихий манбаларда ўз аксини топмоқда. Сурхон воҳаси ўзининг бетакрор маданият ва фан тараққиётига қўшган ҳиссаси билан аждодларимиз тарихда ажралиб туриб, илк инсоният яшаган манзилгоҳ, тасвирий саънатга асос солган макон ва сунъий суғоришни шакиллантирган воҳа ҳамда маънавий маданиятни илк ғоявий эътиқотларни вужудга келтирган ватан сифатида дунё тарихида ўз исботини топди. Шўрчи ҳудудида олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли бу ерда илк арифметика, яъни дастлабки саноқ сонлар яратилганлиги, шунинг заминида инсон ақл-заковати маҳсули бўлган шахматга асос солинганлиги илмий тадқиқотлар натижасида исботланди. Далварзин шаҳматининг яратилиши билан боғлиқ тарихий-афсонавий фикр-мулоҳазалар археологик қазиш ишлари жараёнида аниқланди ва ўз исботини топди. Чунки топилган шахматнинг икки донаси ва у билан боғлиқ рақамлар тарихи қуйидагича таҳлил этилган. Шахмат билан изоҳланган бу 18 446 744 073 709 581 616 та бўғдой доналарни аск эттирувчи рақамлар илк бор Шўрчи ҳудудидаги Далварзин манбалари билан исботланди. Бу афсонавий сон Далварзинтепадан топилган қадимий шаҳмат доналари ҳақида тарихий манбалар ўз ифодасини археологик ва ёзма манбалар асосида тасдиқлади. Шунингдек, шахмат ҳақида қўйидаги ривоятни тақдим этишни қайди этиш китобхонда маълум қизиқиш уйғотади.

Қадим замонда бир золим подшоҳ ўтган экан. Подшоҳнинг ўз такаббурлиги, ўзбилармонлигини сезиб юрган доно бир киши: "Шундай бир нарса ўйлаб топайки, уни кўрган подшоҳнинг кўзи олдида ўз заифликлари аён бўлсин, ўзини қудратли деб ҳисоблаб юрган ҳукмдор одамларсиз қўлидан ҳеч нарса келмаслигини тушунсин" деб аҳд қилибди. Ниҳоят у одам шаҳматни ихтиро этиб, уни подшоҳга тортиқ қилиб келибди. Ўйинни кўрган подшоҳ ёқасини ушлаб қолибди. Бу ўйинни кашф қилган киши билан шахсан

танишмоқ ва унга мукофотлар бермоқ мақсадида уни ўз ҳузурига келтиришни буюради.

Кашфиётчи подшоҳ ҳузурига киради. Бу оддийгина кийинган, шогирдларидан келадиган озгина чақа ҳисобига кун кечираётган ўрта ҳол олим эди.

—Тилагингни тила, — дебди подшоҳ.

—Ҳимматинг баланд. Буюргинчи, менга тахтанинг биринчи катаги учун бир дона, иккинчиси учун икки дона, учинчиси учун тўрт дона, тўртинчиси учун саккиз... хуллас, кейинги ҳар бир катаги учун олдингисидан кўра икки марта кўпроқ буғдой донаси берсинлар.

—Мен сенинг шу қадар телбалигингни билмабман, --дебди ҳукмдор. Сен айтганингни оласан. Лекин билиб қўйки, сен ҳимматимнинг қадрига етмадинг. Бор, ҳозир сенга бир қоп буғдой келтиришади-- 64 та катак учун, яъни ҳар бир катак учун олдинги катакдагидан кўра икки марта кўпроқ буғдой донаси оласан. У одам кулиб подшоҳ олдидан чиқади ва сарой дарвозаси олдида кута бошлайди.

Кечки пайт подшоҳга "назари паст" ихтирочининг кетмаганлигини айтишибди.

—Олампаноҳ, салтанатингиздаги ҳамма зеҳни ўткир олимларингиз бетўхтов ҳисоб юритмоқдалар, эрталабгача тугатсалар ажаб эмас,- дебди сарой вазири. Бундан ҳайратда қолган подшоҳ уйқуга кетибди. Эрталаб подшоҳ ҳузурига бош муҳосиб келибди ва ҳисоб натижаларини айта бошлабди.

—Ҳисобни тугатдик. Лекин...

—Ҳа, лекининг нимаси, ҳазинам камайиб қолмайди, тезроқ бериб жўнат, — дебди ғазаб билан подшоҳ.

—Подшоҳи олам, агар билгингиз келса, ўша сиз айтган "назари паст" сўраган буғдой сизнинг омборингизда эмас, балки бутун ер юзида ҳам топилмайди. Шундай деб, биз юқоридаги келтирган афсонавий сонни

айтибди. Буни эшитиб подшоҳ сўз нима ҳақида бораётганлигини ҳали ҳам англамабди.

—Агар бу сондан иборат буғдой доналарининг қанчалигини яхшироқ тасаввур этмоқчи бўлсангиз, бунинг учун эни 10 метр, баландлиги 4 метр ва узунлиги 300 миллион километрдан иборат омбор кераклиги, яъни бу омборнинг узунлиги ер билан қуёш ўртасидаги масофадан икки марта зиёдроқ бўлишини ёки бунинг учун ер юзига саккиз марта буғдой экиб, ҳосилни йиғиштириш лозимлигини, ёки шунча буғдойни ташиш учун тўрт отли аравадан 628 милларди лозимлигини подшоҳга тушунтирибди. Шунга ақли етган одамнинг кашфиёти ўзининг мураккаблиги, гўзаллигидан ҳамда, айниқса, калтафаҳм подшоҳ ҳайратда қолмаслиги мумкинмиди, ахир?! Бу албатта афсона, лекин аслини олганда, шаҳмат ўйинини бир киши яратмаган, балки у бутун инсоният заковатининг мевасидир. 1972 йилнинг кузида Далварзинтепадаги бир бойнинг уйидан фил суягидан тайёрланган иккита шаҳмат донаси топилиб, бу Ўзбекистон қадимий маданиятининг маҳсули бўлиб, Далварзин шаҳри сиёсий ва маданий марказ сифатида, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожига ҳисса қушган манзилгоҳ бўлиши билан бирга халқаро алоқалар ҳамда маданий ҳамкорликни йулга қуйган ҳудуд ҳисоблангандир. Бу шаҳмат доналари Сурхон водийсида яшаган аждодларимиз шаҳмат ўйинидек нозик ўйин санъат сир-асрорларини ўзлаштириб, илк ҳисоб рақамларнинг мукаммаллашишга муносиб равишда ўз билим ва амалий ишлари билан жаҳонга танилганлар. Энг муҳии шахмат ўйинини ва уни тайёрлашда Ҳиндистон давлати билан турли соҳаларда жумладан шаҳмат ясашда "чатуранга"нинг (Ҳиндистонда шаҳмат ўйини "чатуранга" ёки "чатуражжа" деб аталган) ватани билан беллаша олганлар. Топилган икки дона шахмат фил суягидан тайёрланган бўлиб, шахматни ўз даврида элчилар ва савдо карвонлари туфайли алоҳа воситаси сифатида алмашиб турганлиги, Далварзин шахмат доналари ўз навбатида Ҳиндистонга борганлиги тарихий алоқаларни бир манбаси бўлиб хизмат қилганлигини унитмаслик керак.

Чунки Ўзбекистон тарихидан маълумки, жаҳон маданиятининг кўп соҳалари ўзининг қадамийлиги, нодирлиги билан ажралиб туриб, ушбу қадимий манбаларнинг кўпчилиги Сурхон воҳасиги тааллуқли эканлиги фанда ўз исботини топди. Демак, ушбу шахмат доналарининг топилиши Далварзин ўз навбатида шахматни ватани ҳамдир. Бу топилган иккала дона шахматларда Ҳиндистонда яшайдиган ҳайвонлар - бирида фил, иккинчисида зебу (ўркачли ҳўкизсимон ҳайвон) тасвирланиб, кушонлар даврида Ҳиндистоннинг асосий ҳудудлари кушонлар таъсирида бўлиб, шахмат доналари турли шаклда тайёрланиб, ушбу доналардан фақат икки донасининг топилиши билан шахматни ватани Ҳиндистон деб айтишга асос йуқ. Чунки Сурхон воҳаси қадимдан инсон камолоти билан боғлиқ жисмоний ва ақлий халқ ўйинлари билан жаҳонга танилган.

Таниқли археолог олим Б.Турғунов томонидан топилган шаҳмат доналари хонанинг бир бурчагида, лой сувоқли саҳн устида, тупроққа қоришиб кетган ҳолда топилиб, узоқ вақт ўтганлигидан майдаланиб кетиш ҳолига келиб қолган нафис доналар махсус кимёвий суюқликлар ёрдамида қотириб олинди. Доналар ниҳоятда моҳирона ишланиб, фил донасининг баландлиги 2,4 сантиметр, таг қисми текис қилиб ялтиратилган, шакли тўғри тўртбурчакли (2,9 х 1,8 см). Фил хартумининг устки қисми ўйма нақш билан безалган. Ўркачли ҳўкиз донаси эса филдан бироз кичикроқ бўлиб, баландлиги 1,8 сантиметр, унинг ҳам таг қисми текис қилиб пардозланган, шакли тўғри тўртбурчакли (2,2 х 1,5 см). Топилма қайд этилган жойда Кушон салтанатининг Хувишка исмли подшоси зарб қилдирган мис танга бор. Бинодан топилган идиш-товоқлар ҳам ўша даврга мансуб. Агарда Хувишканинг Канишка подшодан кейин тахтга ўтирганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда шаҳмат доналари милоднинг II асри билан белгиланади, бу дегани орадан тахминан 1900 йилга яқин вақт ўтди деган гап.

Шахмат ўз ватанида қачон ихтиро қилинган? Бу саволга жавоб берадиган ашёвий далиллар Ҳиндистонинг ўзида ҳам йўқ. Ҳиндистоннинг таниқли археологи, профессор Нараян Ўзбекистонда меҳмон бўлиб

турганида, Ўзбекистон саънатшунослик институтимизга ташриф буюриб, доналар билан танишгандан кейин, бу фикрни бизга билдирган эди, деб таъкидлайди Б. Турғунов. Лекин шаҳматнинг қадимий чатуранга ("тўрт таркибли") номи билан боғлиқ бир далили бор, у ҳам бўлса, Ҳиндистондаги йирик Маурья подшоҳлиги милоддан аввалги 273—236 йилларда ўз ҳарбий қўшинларини чатуранга услубида тузган. Бу қўшин таркибида пиёда аскарлар, суворийлар, филлар, ўркачли ҳўкизлар қўшилган икки ғилдиракли аравалар бўлган. Ҳиндистон шаҳмати-чатуранга ўйинида ҳам айнан шу турлар доналарда ўз аксини топган.

Далварзинтепа топилмасигача шаҳмат тарихини ифодаловчи манбаларнинг энг қадимийси Эронда бўлиб, у ерда 570 йилга мансуб қора тошдан ясалган биттагина филнинг донаси топилган. Шунга асосланиб машҳур англиялик шарқшунос олим Г.Меррей ўзининг мумтоз асари "Шаҳмат тарихи"да шаҳматни Ҳиндистонда пайдо бўлган, деб ёзган эди. Бу тахминий маълумотлардир. Энди маълумотларни таққослаб кўрайлик-чи: Эрон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар дастлаб унча яхши бўлмаган, айниқса, милоддан аввалги IV асрда Аҳамонийлар шоҳлигининг қулаши билан улар ўртасидаги муносабатлар умуман сусайиб кетган. Шаҳмат донасининг VI аср билан белгиланиши шу даврга келиб алоқалар тикланганлигидан дарак беради.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар эса анча қадимда мавжуд бўлган. Масалан, Тожикистон билан Афғонистон чегарасидаги Панж дарёсининг қуйи оқимида француз археологлари ҳинд водийсидан келиб қолган мусофирларнинг манзилгоҳларини қазиб топдилар. Юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, республикамизнинг жанубий ҳудудлари кушонлар даврида салкам 400 йилча (милоддан аввалги I—мил.нинг III асри) ягона бир империя таркибида бўлган. Демак, Далварзинтепа топилмаси ҳисобланган шаҳмат тарихи хусусидаги эски қарашларни қайта қуришни тақозо этади ва шаҳмат Ўрта Осиёда бошқа давлатларга нисбатан тўрт аср илгари (яъни II асрда) тарқалган, деган

фикрни илгари суришга имкон беради. Шаҳматнинг Ўрта Осиёда қадимдан тарқалганлигини исботловчи далиллар кўпгина археологик қазилмалардан маълум. Жумладан, Далварзинтепага яқин Қумқўрғон туманидан 32 дона, Афросиёбдан 10 тага яқин, Фарғона водийсидаги Мунчоқтепадан, Тожикистоннинг Хулбук деган харобаларидан ҳам хилма-хил шаҳмат доналари топилган.

Далварзин экспедицияси раҳбари академик Г.А.Пугаченкованинг ушбу топилма ҳақида рус ва француз тилларида 1978 йилда Ленинград шаҳрида чоп этилган “Художественнне сокровщиде Далварзинтепе” асосида Муроджон Мансуровнинг "Ёмби" романи 1980 йилда чоп этилди. Академик Э.В.Ртвеладзе ва Б. Турғуновларнинг олиб борган тинмсиз изланишлари чексиз кашфиётларнинг юзага чиқишига сабаб бўлиб, ана шундай воқеалардан бирини Б. Турғуновнинг эсдаликларида қайд қилган мақоласини китобда ўз ҳолича баён этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Жаҳонга машҳур бўлган Далварзин топилмаси фан оламида ўз аксини қандай топганлигини олим баён этган. 1972 йилнинг 25 сентябри тушликка яқин қадимий Далварзинтепа шаҳристонидан бир кўза олтин топилди. Фан ва маданият учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган ушбу топилмалар қуйидаги қимматбаҳо безаклардан ва қуйма олтиндан иборат эди.

**Шода.** Милоднинг I асри, олтин, феруза ва альмандин. Узунлиги 61,5 см, қимматбаҳо тошлар қадалган цилиндр шаклидаги қисми 4,8 — 2,8см, диаметри 2,2 — 1,7см, оғирлиги 282 гр.

Шодани тайёрлашда заргар уста ўз маҳоратини тўла намойиш этган. Беш қатор турмакланган соч шаклидаги 8 та олтин ипчалардан тўқилган боғич ниҳоятда моҳирлик билан ичи бўш иккита цилиндрга қадалган. Бу иккала цилиндрга ўз навбатида думалоқ шаклдаги тўғноғичлар ковшарланган. Бу иккала цилиндрда эса махсус ўйиқлар қолдирилиб, улар ўз навбатида қаторасига альмандин ва феруза тошлар билан тўлдирилган. Бу тошларнинг бир қатори феруза бўлса, иккинчи қатори альмандин бўлиб, уларнинг сони

бир томонида 17 та феруза тош ва 14 та алмандин (3 қатор), иккинчисида эса 18 та феруза ва 13 та альмандин (2 қатор). Битта феруза тош ўз ўрнида йўқ.

Кўриниб турибдики, иккала цилиндрдаги тошлар нисбатан бир хил эмас. Бу тошларнинт шакли ҳам бир хил эмас: тухумсимон, думалоқ, баъзилари тўртбурчак ва юраксимон шаклларда ишланган. Демак, ҳаммаси бўлиб, бу шодада 35 та феруза, 27 та альмандин тошлар бўлган. Бу тошлар шунчалик жилвадорки, бамисоли бу шодани бўйнига тақиб олган аёлдан худди аллақандай нур сочилиб тургандек бўлса, ажабмас!

Бизга энг жумбоқ ери--иккала цилиндрни бирлаштириб турадиган тўғноғичнинг илмоғи сақланмаган ва шоданинг яхлит шакли қандай бўлганлиги номаълум.

Шубҳасиз, бу шода аллақандай бой хонимнинг бўйин тақинчоғи бўлган, деб тасаввур қиламиз. Аммо биз на антик даврдаги ва на ўрта асрлардаги деворий суратларда базми жамшид иштирокчиларнинг бўйинларида бундайларини учратмаймиз, лекин у будда ҳайкалтарошлик санъатидан бизга маълум. Масалан, Будданинг ва унинг сафдоши Бодхисатванинг бўйинларида бу хил тақинчоқларни кўрамиз. Энг кўп учраган шундай ҳайкаллар Гандхара санъатига мансуб бўлиб, Кушонлар империяси даврида қад кўтариб турган буддийлар ибодатхоналаридаги ҳайкалларда учрайди.

Кейинги йилларда биз қазиётган Далварзинтепанинг марказидаги буддийлар ибодатхонасидаги Бодхисатванинг бўйнида ҳам худди шу каби шода борлиги яққол кўриниб турибди.

Бу шода хазина таркибида ягона бўлиб қолмай, балки шу кунга қадар қадимшунослар томонидан Ўрта Осиё ёдгорликларида ҳам ягона ноёб тақинчоқдир.

**Пектораль.** Милоднинг I асри, олтин, сердолик (қизғиш рангли қимматбаҳо тош). Айланаси 14,5 — 11,7см, қалинлиги 0,3см, оғирлиги 212 гр 2мгр. Пектораль — бўйинга тақиладиган тақинчоқ бўлиб, икки бўлакчадан иборат, ҳар бири ўз ўрнида бир-бирига ковшарланган ичи ковак учта чамбараксимон найчалардан иборат. Уларнинг бир томонида иккита ва битта

ҳалқачалар бўлиб, бўйинга осилганда қадаб қўйилган, иккинчи томонда эса тўртбурчак ҳалқага тухумсимон нигинхонага шу шаклдаги қизғиш рангли қимматбаҳо тош қадалган (ўлчами 1,4х1,1х0,2 см). Тошдан юнон афсонавий қаҳрамонларидан бири бўлмиш Гераклнинг ён томондан тасвирланган портрети ўйиб ишланган. Бизнинг тахминимизча, бу қимматбаҳо тош аввало узук кўзига мўлжаллаб тайёрланган кўринади, чунки унда тасвирланган зот ётган ҳолда берилган, лекин у тақинчоққа ўрнатилган.

Шу каби тақинчоқлар Термиз яқинидаги, Амударё қирғоғидаги Айритом деган жойда қазиб топилган Будда иншоотидаги тоштахталардаги ҳайкалларнинг бўйинларида мавжуд эди.

**Гемма** (қимматбаҳо тош) эса эллинлар услубида тайёрланган бўлиб, қадимий юнон-бақтрия анъаналарига бориб тақалади.

**Камар тўқаси (Бляха).** Милоднинг I асри, олтин ўйиб ишланган, айланасининг диаметри 4,7см, ўйиқлари 0,9см, оғирлиги 75гр 40мгр. Тўқа камарнинг тўқаси ёхуд либосга тақилгандир, ёки бўлмаса пичоқ ва шамшир дастасининг безагидир. Ўртасида айлана шаклида ғужанак ҳолда бир оёғини ютмоқчи бўлиб турган икки қулоқли ҳайвоннинг (балки аждаҳо билан илон курашаётгандир) тасвири бўлиб, атрофи юрак шаклидаги йигирматага яқин ўйиқлар (аслида ўйиқларда қимматбаҳо тошлар бўлгани шубҳасиз) билан ўралган ва у ҳам ўз ўрнида бир қатор думалоқ соққачалар билан айлантириб чиқилган.

Бу тақинчоқ ҳам хазинада ягона бўлиб, Сибирь ва Эронда топилган милоддан аввалги V — IV асрларга оид ёдгорликларда учрайдиган ҳайвонлар тасвирига ўхшаб кетади. Далварзин топилмаси эса бир оз кейинроқ ишланган услубга мансуб бўлиб, Ўрта Осиё "саклар" ёки "шаклар" санъати дурдоналари билан уйғунлашиб кетади.

**Билагузуклар.** Аёлларнинг билакларига тақадиган заргарлик буюмлари, милоднинг I асри, ҳаммаси бўлиб 8 та бутун ва 9 та парчаланган, олтин. Билагузуклар қуйма ва товланган (пишитилган), шакли ва оғирлиги ҳар хил. Унинг япалоқ билагузук, бодомча билагузук, картжомоли билагузук,

илонбоши билагузук, росмана билагузук, бақабоши билагузук, кичик билагузук каби хиллари бор. Улар қуйиш ва сўқиш усули билан ишланади. Металл бўтада эритилиб, теганекка қуйиб ясалади. Сўқма билагузук металл эритилиб, қолипга қуйилиб совитилгандан сўнг болға билан уриб ёзиб ишланади, юзига жило ва нақшлар берилади. Билагузукнинг бу турини айрим жойларда ёзма ёки ёрма билагузук деб ҳам атайдилар.

Далварзинтепа хазинасидаги билагузуклар ўзига хос ҳажм ва шаклга эга. Битта билагузук, албатта, алоҳида ўрин тутади, унинг оғирлиги бошқаларга нисбатан ниҳоятда кўп бўлиб, улардан шакли билан ҳам тамомила ажралиб туради. Билагузук битта ёмбидан тайёрланган, унинг оғирлиги ўша ёмбилар қатори 872 гр. 75 мгр, диаметри 7,5 х8,2см, қалинлиги 0,5 см. Яна битта чамбарак шаклида, диаметри 7,7 см келадиган, оғирлиги 349 мгр билагузук бор. Қолган 6 та билагузук эса аввалгиларидан тамомила ажралиб туради ва улар замонавий билагузукларга ўхшаб кетади. Шулардан 4 таси бир-бирига ўхшаш ва оғирроқ. 118 граммдан тортиб то 455,5 граммгача бор, диаметри 5,5 см дан 7,5 см.гача етади, қалинлиги бир хил- 0,7см. Иккаласи ҳам билакка тақилган, чунки улар дастлабки тайёрланган ҳолатда сақланиб қолган ва бир оз майишган, аммо иккитаси тамомила майишиб кетган. Кичик ҳажмдагиси айланасининг диаметри 5,5 см, қалинлиги 0,7 мм, оғирлиги эса 52 гр. 75 мгр, каттасининг диаметри 6,8 см, қалинлиги 0,7 мм, оғирлиги 97 гр 12 мгр. Бу билагузуклар аввалгиларидан унча йўғон бўлмай, айланасининг учи қалин олтин ипчалар балан спиралсимон қилиб ўралган. Бундай спиралдан каттасининг ҳар бир томонида 8 тадан бўлиб, кичигида эса бир томонида 37 та, иккинчи томонида 39 та бор. Шу шаклдаги билагузуклар Ҳиндистондаги Таксила деган ёдгорликларда ҳам топилган. Улар милоднинг 66 йилида кушонларнинг Ҳиндистонга қилган юришлари пайтига тўғри келади.

Яна битта ажойиб тақинчоқ бор, аммо у эркаклар тақинчоғи бўлиб, у кўзага сиғмаганидан букланган, чунки унинг узунлиги 44 см келади. Оғирлиги 313 гр 89 мгр, қалинлиги 0,5 см. Ўрта қисми унча йўғон бўлмаса-

да, аммо учига яқинлашган сари йўғонлашиб боради. Бундай тақинчоқлар қадимги рим легионерлари (сарбозлари)да ҳам бўлган.

**Билагузук бўлакчалари.** Ҳаммасининг оғирлиги 43 гр 3 мгр, узунлиги 1,2 ,2 -2,5 см, қалинлиги 0,7- 0,8-1 см дан. Булар ҳали заргар тайёрлаб улгурмаган тақинчоқлардир.

**.Шилдироқ шаклдаги тақинчоқ.** Оғирлиги 8 гр 5 мгр, айланаси узунлиги 1,4 см, баландлиги 1,2 см, илгагининг узунлиги эса 3 см. Илгагининг бош қисми илон бошини эслатиб, бочкасимон қисмининг сиртига ўйиб ишланган тўрт барг шаклидаги гуллар тасвирланган. Бу каби тақинчоқлар ҳам Таксила ёдгорлигида учрайди.

**Сирға.** Улар иккита. Биттаси учбурчаксимон (оғирлиги 1,7 гр, қалинлиги 0,5 -1 см, диаметри 1,1-1,2 см), иккинчиси айланасимон (оғирлиги 4,2 гр, қалинлиги 0,8-1 см, диаметри 1,3см). Ҳар иккаласида ҳам йўғон ва нафис ипчалар чамбараксимон қилиб, ўраб безак берилган. Бундай сирғалар бошқа ёдгорликларда учрамаган.

Хазинада энг кўп сонли буюмлар - тўғри тўртбурчакли ёмбилар ва кулчасимон гардиш (диск)лардир.

**Кулчасимон олтин буюмлар.** Улар ҳаммаси бўлиб 39 та. Уларнинг оғирлиги 74 гр дан тортиб то 828 гр 7 м гр, диаметри эса 2,5 см дан то 9,5 см.гача бор. Уларнинг кўринишлари ҳам ҳар хил: дум думалоқ ва шаклсиз. Айримлари бутун, айримлари эса ярми ёки тўртдан бир миқдорда сақланиб қолган. Буларнинг алоҳида қолипда қуйилганлиги нишонаси сифатида бир, икки ва ҳатто учтадан излари ўйиқ ҳолда сақланиб қолган. Айримларида тешик ҳам бор. Заргар булардан, шубҳасиз, хомашё сифатида фойдаланиб, хоҳлаган тақинчоқ ясаш учун ишлатган.

**Тўғри тўртбурчак шаклидаги ёмбилар.** Хазинада ноёб тақинчоқлар қатори, улардан фарқ қиладиган тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланган ёмбилар ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир. Улар жами 21 та, 10 тасида қадимий ёзувлар битилган. Оғирлиги жиҳатдан улар иккига бўлинади: кичик ёмбилар ва катта ёмбилар, ўлчамлари: 6,8 х1,6 ва 8,5 х 2,4 х 2 см. Кичиклари

5 дона бўлиб, 327 гр дан 449 гр.гача келади, катталари эса ҳаммаси бўлиб 16 та, 786 гр.дан то 896 гр 96 мгр гача етади. Лекин бу иккинчи турдагилар учун меъёрий оғирлик 876 - 877гр дир (булар ҳаммаси бўлиб 13 та). Ёмбиларнинг таг қисмида тугмачага ўхшаган бўртиб турган қолип ўрни сақланиб қолган. Ёмбилар соф олтин сифатида жуда қимматбаҳодир, аммо уларнинг тарихий аҳамияти янада бебаҳо. Ушбу хазиналар орқали илк бор Кушон подшоҳлиги учун муайян бир олтин меъёрий ўлчамдаги маълумотларга эга бўлинди. Бинобарин, бу ёмбиларда битилган қадимий ҳинд "кхароштхи" ёзувлари Кушон империясининг давлат олтин стандарти ҳақида, ёки бошқача қилиб айтганда, ўлчов бирлиги ҳақида қимматли маълумотларни беради. "Кхароштхи" ёзуви милоддан аввалп IV ва милодий IV асрлар, яъни салкам 800 йил давомида фойдаланиб келинган бўлиб, ўз навбатида унинг келиб чиқиши қадимий оромий ёзувига бориб тақалади. Бу ёзув кўпроқ Шимолий Ҳиндистонда, айниқса, Гандхара вилоятида кенг тарқалган бўлиб, хазина эгаси кушонларнинг Кужула Кадфиз ёки Вима Кадфиз исмли намояндалари ҳукмронлик қилган вақтида Ҳиндистонга қилган юришларида қатнашган аслзодалардан бири бўлган ҳамда бу қимматбаҳо тақинчоқлар ва ёмбиларни у ўша ердан олиб келган ва Далварзинтепадаги бой зодагонлар маҳалласидаги уйда яшириб қўйган деган тахминлар мавжуд.

Далвазинтепа олтин хазинаси топилган вақтда, яъни 1972 йилда СССРда қадимий ёзувларни ўқий оладиган олимлар саноқли бўлган эди. Айниқса, Ленинград тилшунослик мактаби намояндалари В.А.Лившиц, Т.В.Грек, М.И.Воробьёва-Десятовская бўлиб, улар Термиздаги Қоратепа, Афғонистондаги Сурх-Хўтал қадимий ёзувлари сирларини очиб берган олимлар сифатида маълум эдилар. Шу олимлардан В.И.Воробьёва-Десятовскаяга Далварзинтепа хазинасидаги ёмбиларда битилган ёзувларни талқин қилиш насиб этди. Тўғри, матбуот конференциясида қатнашган ва уларни диққат билан кўздан кечирган Ўрта Осиё қадимшуносларининг отахони ҳисобланмиш академик Михаил Евгеньевич Массон: "Балки бу ёзувлар юнон ўлчов бирлиги бўлса ажаб эмас", деган фикрни билдирган эди.

Михаил Евгеньевичнинг фикрини Воробьёва-Десятовская ҳам ўз тадқиқотларида тасдиқлади. Ёзувлар 11 та ёмбида ва битта майишган билагузукда бор.

Тақинчоқлар яхлит бир меъёрий оғирликка эга бўлмаган, улар орасида бир неча грамм ёки миллиграмм бўлсада, фарқ бор. Ёзувлар ҳам нуқта сифатида сўқиб битилган, кўпчилигида бир қатор, 2-, 4-, 5- ёмбиларда икки қатор, 1-ёмбида эса ёмбининг икки юзига битилган.

Ёзувлар қадимий ҳинд "кхароштхи" ёзуви эканлиги шубҳасиз. Даставвал нафақат собиқ СССРда, балки Ҳиндистондан то Мовароуннаҳргача бўлган ерларда фақат Эски Термиз харобаларида илк бор 1936 йилда 6 та ҳарфдан иборат битик топилган эди. Уни таниқли археолог В.А.Шишкин "вихарама" ("будда ибодатхонаси") деб ўқиган эди. Топилма содир бўлган ёдгорлик Дунётепа деб аталади. У Амударё бўйида жойлашган бўлиб, буддийлар динига мансуб иншоот ҳисобланади. Далварзинтепа хазинасидаги "кхароштхи" ёзувлари ёмбиларга сигнатура рақамлари вазифасини ўтаган, фақат 2- ва 4- ёмбилардаги ёзувлар бир хил, қолганларида эса бу сезилмайди. Ёмби оғирликлари юнон бирлиги "статер", "драхма" ва "дхане" деб олинган. Унда Sa, Sya, Sга-статер учун; Dra, Dha -драхма учун аббревиатурасида олинган (шартли қисқартмасида).

Юнон оғирлик бирликлари, маълум бўлишича, Эрон тилига аҳамонийлар даврида кириб келган. Ҳиндистон ва Бақтрия ерлари ўртасида маданий алоқалар ҳам аҳамонийлар даврида яхши бўлганлиги учун булар ишлатилган. Бу албатта Кушонлар империяси ҳукмронлик қилган вақтда Шимолий Бақтрияда ҳам, хусусан, унинг биринчи пойтахти бўлмиш Далварзинтепада ҳам ишлатилган. Далварзинтепа хазинасида "статер" ва "драхма"дан ташқари, "дха" оғирлик бирлиги ҳам мавжуд бўлган.Ёмбилардаги оғирлик бирлиги, 1-ёмбидаги ёзувда "20 статер, I драхма ва 4 дха" га тенг.

Демак 6-, 7-, 9- ва 10- ёмбилардаги ёзувларга қараганда, улар бир хил: "50 статер"га тенг бўлиши керак, аммо ҳақиқий оғирликлари эса бироз тенг

эмас: 868, 95 гр: 876, 7 гр: 876,52 гр ва 876, 98 гр. Шундай экан, у ҳолда статер ҳисобида 6-ёмби тахминан 17,537 гр, 7-ёмби 17,534 гр, 9-ёмби 17,530 гр, 10-ёмби 17,537 гр бўлади. 2-ва 4- ёмбилардаги ёзувлар йиғиндиси эса "25 статер ва ярим драхма"ни беради. 2-ёмби 449гр, 4-ёмбининг бир қисми кесилган, шунинг учун умумий меъёрий оғирлигидан камроқ. Далварзинтепа хазинасидаги ёмбиларда зарб этилган ҳарфлар тўғрироғи белгилар синчковлик билан ўрганилганда уларда ўлчов бирлигидан ташқари сўзлар ҳам борлиги аниқланди. Ҳамма ёмбилар ичида 11-ёмби ажралиб туради. Унда фақат битта "8" ҳарфи бор, холос. Бу "олтин" деган маънони билдирадиган қисқартма ишора бўлса керак.

Умуман ёмбилардаги ёзувларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Фақат ўлчов бирлиги битилган ёмбилар. Бунга фақат 8-ёмби киради.
2. Ўлчов бирлиги билан бир қаторда олтиннинг ким томонидан олинганлиги ҳам кўрсатилган ёмбилар. Уларга 1- ва 5-ёмбилар киради.
3. Ўлчов бирлиги унинг эгаси ёки бўлмаса, ким учун тайёрланганлиги ва ким орқали олинганлиги ҳам битилган ёмбилар. Уларга 2-,4-, 7-1 9- ва 10-ёмбилар кириб, ўлчов бирлиги битилган фақат битта ёмби, у ҳам бўлса 8-ёмбидир. Унда "43 статер 2 драхма 2 дхане" деб кўрсатилган. 1-рақамли ёмбининг икки юзига битилган ёзувларнинг бирида "20 статер 1 драхма 4 дхане" дейилган бўлса, иккинчи юзида эса "Митра орқали берилди" деган маъно бор .

**Митрена-Митра:** бу Кушон амалдорлари ичидаги ғазначи бўлса ажаб эмас. Бу ибора яна 2-, 4- ва 5- ёмбиларда ҳам мавжуд. 2- ёмбида унинг ўлчов бирлиги, эгаси ёки ким учун тайёрланганлиги ва кимдан олинганлиги кўрсатилган. "25 статер, ярим драхма, бошлиққа Митрадан" маънодаги сўзлар битилган. 6-ёмбида эса "50 статер. Кальяна. Шрамана" дейилган. Бу ерда "кальяна" ва "шрамана" иборалари "аъло даражали" ва "жуда ажойиб" маъноларини англатади, деган фикр пайдо бўлди. Балки олтиннинг сифати ҳақида ёки маълум шахснинг хислатлари назарда тутилдир. Тақинчоқларнинг сифатига Ҳиндистон олтинининг пробаси — тамғаси ҳақида ёзма маълумот-

лар йўқ. Мазкур топилма эса айнан ўша даврга тааллукли. Ҳиндистонда фақат ўрта асрларга келиб олтиннинг энг яхшиси "16 проба" ҳисобланганлиги маълум. Аммо унинг ўлчов бирлиги бизга қоронғу. Кейинчалик эса олтиннинг сифати тушиб кетиб, "12 проба" энг юқори ҳисобланган. Агарда Кальяна ёки Калана ибораси юнон манбаларида келтирилган Каланас ёки Калана ибораси билан қиёсий солиштирилса, у ҳолда бу тарихий шахс бўлиб Александр Македонский — Искандар Зулқарнайнга хизматга олинган Таксила шаҳрилик ҳинд донишманди бўлиб чиқади. Шу боисдан ҳам 6-ёмбидаги "Кальяна" ибораси олтиннинг сифати эмас, балки ўша донишмандга тегишли деб ҳисобланса ҳақиқатга тўғри келади. Чунки одатда инъом этувчи, саховатли шахсларнинг исмлари лексик-фонетик жиҳатдан ҳам шу шаклда ифодаланган.

Энди **"Кальяна" иборасидан** кейин келган "Шрмана"га келсак, у 7-, 9- ва 10- ёмбиларда ҳам келтирилади ва "будда роҳиби" деган иборани ифодалаши маълум бўлади. Демак, бу олтин хазина ва бойликларнинг эгаси бой-зодагонлар ҳамда киборлардан совға тариқасида олган буддийлар жамоаси бўлган бўлиб, шу каби қиммат совғалар ва инъомлардан буддийлар жамоаси ибодатхоналар тиклашган, будда ва бошқа диндор шахсларнинг ҳайкалларини тайёрлашга сарфлашган. Далварзинтепада иккита будда иншооти борлигини, айниқса, бу хазина топилган зодагоннинг уйидан чамаси 100 метрлар узоқликда, шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган будда ибодатхонасининг у ердан хилма-хил ҳайкаллар ва уларнинг айримларининг либослари, қўллари сиртига олтин сувлари юритилганлигини ҳисобга олсак, Далварзинтепа хазинасининг ҳам шу мақсадда фойдаланиш учун мўлжалланганлигига шубҳа қилмаса бўлади.Энди охирги, букилган билагузук бўлагининг ички қисмида битилган ёзувга келсак, унда фақат "беш юз" сўзини ўқиш имконияти бўлди, холос.

Шубҳасиз, Далварзинтепа хазина палеографик жиҳатдан милодий I асрга тўғри келади. Ундаги ёзувлар Таксилада милодий 78 йил билан белгиланган

мис товоқдаги ёзув ва Жалолобод (Афғонистон) яқинидаги Бемарон деган жойдан топилган I асрга оид гулдондаги ёзувлар билан уйғунлашиб кетади.

Хазинадан топилган 115 тақинчоқ шакли ва ҳажми жиҳатидан унча диққатга молик бўлмаса ҳам, аммо уларнинг айримларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Битта букилган, "Л" ҳарфига ўхшаб, оғирлиги 432 гр 6 мгр, умумий узунлиги 9,2 см, қалинлиги 2 см келиб, бирорта тақинчоқ тайёрлашга мўлжалланган олтин бор. Энг муҳим томони шуки, бошқа ёмбилардагидек, унинг ички қисмида 8 та сўқиб ишланган ёзув бор. Унда ҳам 4,5, 10 ва 20 рақамлари бор. Яна қайроқсимон, оғирлиги 299 гр, узунлиги 12,6 см, қалинлиги 2 см келадиган, томонлари силликланган соф олтин парчаси мавжуд. Шунингдек, ҳажми бироз кичикроқ, оғирлиги 22;55;8;70,7 гр, узунлиги 3,9;5,4; 4,7 см, қалинлиги 1;1,4 см ясси парчалардан учтаси 3 марта, 4 ва 8 марта букилган ҳолда сақланган.

8 та тухумсимон шаклдаги, балки ёмбилардан "чиқит" ҳолида сақланган, аммо заргар бирорта тақинчоқ қилиб улгармаган бўлакчалар ҳам бор. Уларнинг оғирлиги 69,8 граммдан то 283 грамм 1мг гача, узунлиги 3,2 см дан то 6 см гача, қалинлиги эса 7 мм дан то 1см гача 6 та найчага ўхшаган жуда нафис ва енгил (ҳар бирининг оғирлиги 0,5 гр, узунлиги 0,9 см, қалинлиги 1 мм) бўлакчалар бўлиб, балки улар ҳам тақинчоқ сифатида ишлатилгандир. Ва ниҳоят, бир нечта ҳажми ва шакли жиҳатидан тамомила бошқача бўлган, фақат бирорта нафис тақинчоқ тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланишга мўлжалланган ёки бўлмаса "чиқит" ҳолда сакланиб қолган соф олтин бўлакчалар ҳам хазина таркибида бор. Уларнинг оғирлиги 1,5 гр дан тортиб то 21,5 гр гача.

Ўша пайтда марказга сажда қилувчи айрим бошлиқлар бу топилмаларни Москва ва Ленинграднинг йирик музейларига бериш керак, чунки у ер марказ, чет эллардан у ерга кўп меҳмонлар келишади, деган "доно маслаҳатлар"ни ҳам берган эдилар. Аммо Шароф Рашидов:

— Йўқ, янглишасизлар, уларда ўзлариники етарли, Далварзинтепа олтин хазинаси эса бу бизнинг қадимий тарихимиз ва маданиятимиз кўркидир,

шунинг учун ҳам бизда сақланиши керак, — деган эдилар. Мана энди Мустақил юртимизга ҳам дунёнинг ҳамма бурчакларидан сайёҳлар, давлат арбоблари ва фуқаролари келиб, хазинадаги ноёб атиқаларни кўриб, бизнинг қадимда нақадар бой маданиятимиз бўлганлигига тасаннолар ўқимоқдалар.

Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони, унинг антик давр дунё санъати қаторида тутган ўрнидир. Воҳаланки милодий аср бошлари тарихида Кушон, Хоразм, Суғд каби йирик давлатлар бўлган, бу асрларда савлат тўкиб турган шаҳарлар, қасрлар ва гуркираб яшнаган ҳудуд бўлган Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарларда заргарлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари гуркираб яшнаган.

Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетсада, уларнинг Шимолий Бақтрия давлатининг қўли гул усталари томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Лекин шунинг ўзи ҳам боболаримизнинг қўшни мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқалар олиб борганликларидан дарак беради. Далварзинтепа олтин хазинаси шу тариқа кашф килинди. Бу Ўзбекистон қадимшунослиги тарихида қайд этилган биринчи ва энг ноёб топилма эди. Бу топилма Марказий Осиёда 1877 йилда Тожикистоннинг жанубида Амударё бўйидаги қадимий Тахти-Қубод шаҳар харобасидан тасодифан ерли халқ томонидан топилган хазинадан кейин иккинчиси бўлди. Тахти-Қубод топилмаси олтин ва кумуш тақинчоқлардан иборат бўлиб, милоддан аввалги V — IV асрларга оид эди. Ҳозир Лондондаги энг катта музейларнинг бирида "Амударё хазинаси" номи билан намойиш қилинади. "Амударё хазинаси" ажойиб саргузаштлар билан 1897 йилда Англияга бориб қолган. Бу хазина билан боғлиқ ҳар хил ривоятлар ва ҳикоялар мавжуд, аммо бу ҳақда инглиз армияси капитани Бартоннинг айтиб берганлари ҳақиқатга яқинроқдир.

Мазкур капитан Қобул атрофидаги Тезин водийсида чегарачилар бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган пайтда, бухоролик Вазад-Дин, Ғулом Муҳаммад ва Шукур Али деган савдогарларнинг ерли қароқчилар томонидан талонганлиги ҳақида хабар олади. У тезкорлик билан уларни қидириб топиб, бир ғор ичида ўлжаларини бўлишаётган қароқчиларни ушлайди ва улардан теридан тикилган қопчиқларга солинган олтин ва кумуш тақинчоқлар, тангаларни қайтариб олиб, ўз эгаларига топширади. Мукофот тариқасида капитанга битта тилла узукни ҳадя қилишади. Савдогарлар эса бу хазинани Ҳиндистонга, Равалпинди шаҳрига олиб бориб пуллашади. Ўша пайтда Грант исмли муҳандис, Каннингем исмли генералмайор ва Френк исмли Британия музейининг ходими бу буюмларни алоҳида-алоҳида харид қилишади ҳамда Англияга олиб кетишади. Пировардида ҳаммасини Британия музейига катта пул эвазига тоширишади. Бу тафсилотлар Дальтон ёзган асарда ўз аксини топган. Далварзинтепа топилмасига келсак, хазина ётган бинонинг қурилган вақти милодий I асрга тўғри келади, топилма фақат олтин ашёлардан иборат. У пайтда Кушон империясининг энг яшнаган ва гуркираган даври эди. Далварзинтепа хазинасида қадимий ҳинд ёзувларининг учраши ҳам унинг янада ноёб эканлигидан дарак беради.

Далварзинтепа хазинаси бунёд этилган ва ишлатилган вақтга, яъни милоднинг бошлари ва Кушон империясининг энг гуркираб яшнаган пайтларига келсак, у ҳақда дунё қадимшунос олимлари ҳали-бери узил-кесил бир фикрга келаганлари йўқ. Ваҳоланки, бу империя тарихига ва унинг бошқа томонларига бағишлаб Лондонда, Душанбеда, Қобулда ва дунёнинг бошқа йирик шаҳарларида катта халқаро симпозиумлар ва конференциялар ўтказилган. Шундай бўлишига қарамай, унинг ҳали бизга маълум бўлмаган саҳифалари кўп, улар ўз сирларини ер остида асрлар оша сақлаб келаяпти.

1988 йилнинг 17 апрелида Нара шаҳрида очилган халқаро кўргазмада Совет Иттифоқи коллекцияси орасида Далварзинтепанинг Будда ибодатхонасидан топилган учта ҳайкалча — Будданинг боши, Бодхисатва ҳайкали ва Будда қўлининг қисми намойиш этилди. 1991 йил январда

Токиода Ўзбекистон Санъатшунослик институти 30 йиллик топилмалари асосида япон, рус ва инглиз тилларида "Ўзбекистон жанубида қадимий маданият" мажмуаси босмадан чиқарилди. 1996 йили Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик институти ва Сока университети биргаликда Сока университети нашриётида япон ва ўзбек тилларида "Далварзинтепа шаҳристони" ("1989 — 1993 йиллардаги қадимшунослик тадқиқотлари якунлари") тўпламини нашр эттиришди. Бунда Кюдзо Като, Комуро Кинносуке, Б.Турғунов, Т.В.Ғафурбеков, С.А.Савчук-Қурбонов, Д.В.Русанов, Ж.Я.Илёсов, Кояма Мизиру, С.В.Левушкина, Хаяси Тосио, К.Дои ва бошқа япониялик ва ўзбекистонлик қадимшунос олимларнинг илмий-амалий изланишлари, тадқиқотлари, хулосалари ўз ифодасини топган, топилмаларга кенг изоҳ берилган. Далварзинтепани, қадимий Чағониён заминини тадқиқ этиш борасида Япония ва Ўзбекистон олимларининг ҳамкорликдаги ишлари шу билан ниҳоясига етган эмас. Бу ишлар янада кенг кўламда давом этмоқда.

## VIII-XII асрларда Шўрчи ҳудудининг иқтисодий-сиёсий аҳволи

Ўрта асрлар давлатчилик тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Шўрчи тарихига бағишланган манбаларда мавжуд шаҳар ва қишлоқларнинг маъмурий бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий аҳволи, унинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган элчилик ва савдо-сотиқ муносабатлари алоҳида таҳлил этилган. Шўрчи ҳудудининг қулай табиий-геогарафик шароитда жойлашганлиги кўплаб хорижий тарихшуносларни ҳам ушбу давлат тарихини ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтирган. Чағониён сўзи ва тушунчаси ҳақида турли хилда баҳс ва мунозаралар туфайли луғатшуносликда маълум маънода ушбу давлат ва жой номи ҳақида мулоҳазалар баён этилган. Унинг ҳудудий жойлашуви, айнан мамлакатимизнинг жанубий қисмида бўлиб, ўрта асрлар давлатчилик тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ўрта асрларда мавжуд бўлган Ўрта

Осиёдаги давлатларнинг карвон йўллари Шўрчи ҳудудидан ўтиб иқтисодий-савдо муносабатларни йўлга қуйишда муҳим рол ўйнаган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тарихий манбалар, ёзма ҳамда археологик ашёларга асосланиб, Шўрчи сўзи ва унинг луғавий асослари ҳақида турли хилда баҳс-мунозаралар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш керак. **Шўрчи форсча қушма сўз: шўр-жи.** Шўртупроқ ва сув таркибида туз моддалари борлигини билдиради. ЖИ- сув йиғилган жой, кўл, ҳовуз. **Шўрчи ( шўржи) –шўр сув, шўр сувли ҳовуз ( кўл,қудуқ).** Шўрчоҳ ( шўр булоқ, қудуқ, жорма) тарзида ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳар иккаласи ҳам сувликнинг номи, сўнг қишлоқ номига ўтган. Сурхондарёнинг (Чағонруд)нинг ўрта ва юқори оқими бўйларида жойлашган тарихий-маданий вилоят бўлиб, дастлаб Сюань Цзань томонидан илк бор милодий тахминан 630 йилда қайд этилган.

Шунингдек, Далварзин шаҳрига тааллуқли икки тангада, VI асрнинг иккинчи ярми - VIII асрнинг биринчи ярмига оид манбаларда Византия императори Анастизий тасвири акс эттирилган бўлиб, турк ҳоқонлигининг Сурхон воҳасига тааллуқли манбалар Шўрчи ҳудудидан топилиб, ушбу манбалар VIII асрни биринчи яримга оид сиёсий тарихини аниқлашга ёрдам беради. Шўрчи ҳудудидаги Дарзанги ва Баранги шаҳарларида VII-VIII асрларда моний дини кенг тарқалиб, аҳолининг асосий қисми моний дини эътиқотларига амал қилиб, 719 йилда Дарзанги шаҳрига келган Хитой элчиси моний дини давлат дини даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлайди. Дарзанга ва Баранги шаҳарлардаги монийлик таълимотида моний само нури элчиси ҳисобланиб, борлиқни асоси икки нарса--ёруғлик, яхшилик, руҳ олами билан зулмат, ёвузлик, моддий оламнинг ўзаро курашувидан иборат, деган ғоя ётади. Инсон икки унсурдан: руҳ-нур фарзанд ва жисм–зулмат фарзандидан иборат мавжудот бўлгани учун, у зулмат кучларига қарши курашда нур кучларига ёрдам бера олади.

Ўрта асрларда Шўрчи ҳудудида сиёсий вазият мураккаб бўлиб, тарихий ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Ўз навбатида Шўрчи

эфталийлар ва сосонийлар сиёсий ҳукмронлигига қарам бўлиб, Эфталийлар подшолиги етмиш йил Шўрчи воҳасида ҳукмронлик қилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, этник ҳолатига ўз таъсирини ўтказиб турди. Эфталийлар сиёсий ҳукмронлигини таъкидловчи Перог тангаларига тақлидан ясалган эфталий тангалари Далварзинтепадан топилди. Ушбу VII --XIII аср биринчи ярмига оид эфталий тангалари Чочнинг туркий ҳокими ва Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари ҳукмдорларининг тангаларига ўхшаш шаклда яратилган. Тангаларнинг олд томонида ҳукмдор ва унинг рафиқасининг тасвири, орқа томонида эса юқори ва пастки учлари илгаксимон ромб шаклидаги тамға бўлган.

Турк хоқони (қоон, қоғон, хоқон, хон) Тун Ябғу (Ябу--жабу, ҳукмдор, бак, бек, бий, 618--680 йиллар) даврида Тохаристонни бошқариш унинг ўғли Тарду Шоди зиммасига юклатилади. Шўрчи ҳудудида туркий қабилалар сулоласи мустаҳкамланиб, Чағониён ҳукдорни Тиш манбаларида, Узоқ Шарқ манба (718-719) ларида Тохаристон ябғуси, яъни бош ҳукмрони тарзида тилга олинишининг ўзи жиддий воқеадир. Ана шу Тиш-Чағониённинг чағонхудоти ўз қўшнилари Шуман ва Ахарун ҳукмрон (Қоратоғ дарёси ва Ҳисор воҳаси)ларини бўйсундириш учун Қутайба лашкарларини мададга чақиради.

Шўрчи ҳудуди Тохаристон (бу ном ҳозирги Афғонистон ислом давлатидаги Тахор вилояти номида сақланиб қолган) таркибидаги энг йирик ва энг кучли ўлка эди, боиси бу ўлканинг ўзига хос анъаналари ҳамда ажойиб сулолавий тарихи мавжуддир. Бу ҳудудда катта-катта қишлоқлар ва улкан шаҳарлар қад кўтара бошлади, бу юрт ўзида зарб қилинган хусусий тангаларига эга эди. Шўрчи ҳудудидаги ҳокимлар бошқа узоқ ва яқин ҳукуматлар билан диний, иқтисодий ҳамда сулолавий алоқаларни яхши йўлга қўйди, оқибатда савдо-сотиқ ишлари анча ривож топиб, бу ерда монийлик дини ҳам ривож топган ва расм бўлган.

Шўрчи ҳудудида VI-VII асрларда шоҳлар салтанати (бу ҳодиса сосонийлар билан боғлиқ) ҳукм сурган, сўнгра VII асрнинг иккинчи

чорагидаги туркий хоқонликка тобин Ябғу ҳамда Шодилар устуворлиги рўй берган. VIII асрдан бошлаб Шўрчи ҳудудида чағонхудотлар ҳукмронлиги ўз фаолиятини бошлайди ва бу қанча давом этганлиги маълум эмас. Шўрчи ҳудуди турли даврларда турфа номларда аталади, чунончи, Бақтрия, Юнон-Бақтрия, Кушон, Тохаристон, Чағониён ва ниҳоят ҳозирги атамаси Сурхондарё номини олган. Бақтрия деган юртда Бубакен, Габоз, Парейтакен номли вилоятлар борлиги тарихда қайд этилган ва Рустам ҳамда Алпомиш туркум достонларининг яратилиши, тарқалиши ҳолатлари ҳам Сурхон замини билан боғлиқ эканлиги муҳимдир. Чунки вилоятда амалдаги ҳокимият бу ерда камида юз йилдан буён ҳукмронлик қилиб келган чағонхудотлар қўлида эди. Айни пайтда, арабларнинг Марказий Осиёдаги бошқа вилоятлар ҳукмдорлари билан олиб борган урушларида чағонхудотлар арабларга кўмак ҳам берганлар. Дарвоқе, араблар 719 йили Амударё бўйи вилоятларига етиб келган вақтда, туркча «ябғу» унвонли Тиш исмли Чағониён ҳукмдори Тоҳаристон қўшинларига бош бўлиб турган.

Шўрчи Тоҳаристонда нисбатан ўрта ҳудудлардан саналган ва унинг авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз ҳукмрон сулоласи Тоҳаристон ҳукмдори бўлади. Шўрчи ҳудудида кўплаб қишлоқлар, шаҳарлар бўлиб, шоҳлари бошқа давлатлар билан дипломатик, диний ва сулолавий алоқалар ўрнатганлар. Масалан, Афросиёб саройидаги деворий ёзувларда таъкидланишича, В.А.Лившиц ўқиганига қараганда, VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандни бошқарган шоҳ Вархуман саройига Чағониён ҳукмдори номидан элчи келган.

Дарзанги ва Баранги шаҳарлари қўшинлари билан араб босқинчилари ўртасидаги дастлабки тўқнашув 689 йилда ўзаро келушив билан тугалланиб, араб лашкарбошиси Мусо бин Абудуллоҳ чағонхудодлардан катта миқдорда солиқ олиш билан кифоялаади. Дарзанги ва Баранги шаҳарларига уюштирилган навбатдаги истилочилик юриши 704 йилда Қутайба бин Муслим томонидан уюштирлиб, ушбу шаҳарлар тўлиқ Араб халифалиги таъсирига ўтади.

Арабларнинг Шўрчи ҳудудига кириб келиши билан умуман Шўрчи ҳудудидаги аҳоли янги ислом дини таъсирига берилиб кетди деб бўлмайди, балки асл бошқарув ҳали-ҳануз чағонхудотлар ихтиёрида эди ва улар ҳукумати оз эмас, кўп эмас юз йилга яқин турган.

Биродарон маро зин сипас сияҳ макунед,

Ба мадҳи хожаи хутлон ба жашнҳо хома.

Мазмуни:

Байрамда Хутлон хожаси мадҳига қўлимга қалам олсам,

Оғайнилар, бундан буён мени қораламанг.

Ҳар ҳолда чағонхудотларнинг ҳукмронлиги араб истилосидан сўнг барҳам топган кўринади. Натижада Сурхон воҳасининг бошқа ҳудудлари каби Шўрчи ҳудудлари ҳам VIII асрдан бошлаб ислом дини таъсирига ўтиб, ислом дини давлат динига айланади. Мусулмон дини таъсири туфайли диний масжид ва мадрасалар қуришга эътибор кучаяди. Шўрчи ҳудудидаги қадимги халқларнинг ижтимоий-моддий тенгсизлигини кўрсатадиган асосий археологик белгилар кишилар яшаган уйларнинг оддийлиги ёки маҳобатлигидадир. Ана шу зайлда араб истилосининг емирилиши билан Шўрчи ҳудуди Тоҳирийлар ҳамда Сомонийлар давлати тасарруфига ўта бошлайди. X асрдан эътиборан Шўрчи ҳудудида муҳтожийлар сулоласи устуворлиги сезиларли даражада ошиб боради. Бу юрт X-XII асрлар мобайнида қорахонийлар, ғазнавийлар ва салжуқийлар қарамоғига кирганлиги тарихдан маълум. Шўрчи ҳудудидаги шаҳарларда суғориш ишлари яхши йўлга қўйилганидан шаҳар атрофи қалин кўкаламзор билан қопланган, турли анвойи ўсимликлар билан ўралган, ўтнинг баландлигидан отлар кўринмайди, қишда бу ерда қуш овланади деб тарихий манбаларда қайд этилади.

X асрнинг кўзга кўринган йирик олими Истахрийнинг шогирди сайёҳ географ Ибн Ҳавқал (Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Насибий) устозининг илтимосига кўра «Китоб ул-масолик»нинг хатоларини тузатиб, унга хариталар илова қилади. Ибн Ҳавқал ўзининг «Китоб сурат ал-арз» («Ернинг

шакли») номли асарининг Мовароуннаҳр қисмига тарихий воқеаларни киритиб, китобнинг қимматини оширишга эришади. Шўрчи Сурхондарёнинг ёнида жойлашганини тасвирлаган Ибн Ҳавқал ўз асарида Истахрий қўллаган «қалъа» атамасини ишлатмайди, балки фақат кЎҳандиз--эски қўрғон ҳақида маълумот келтиради. IX-X асрларда сомонийлар даврида Шўрчида сиёсий муносабатлар мустаҳкамланиб, унинг шарқида жойлашган Шумон ва Хорун вилоятлари ҳам Чағониён амирларига бўйсунган. 1005 йилга келиб Сомонийлар давлатининг қулаши натижасида Шўрчи ўлкалари ҳам ғазнавийлар ва қорахонийлар ўртасидаги кураш майдонига айланади.

Чағониёндаги Баранги шаҳри ҳам ўрта асрлар маданиятини ўзида акс эттирган йирик савдо- ҳунармандчилик маркази бўлиб, XII асрда иқтисодий-маданий жиҳатдан ривожланди. XIII аср бошларига қадар Шўрчи ҳудуди навбатма-навбат қарлуқлар, гуридлар, қорахонийлар ҳукмрон сулолари қўл остида бўлади.

Ўзбек давлатчилик тарихида алоҳида аҳамиятга эга Дарзанги шаҳри маданий жиҳатдан кенг тараққий этиб, кулолчилик, мисгарлик, металга ишлов бериш ҳамда заргарлик буюмлари тайёрлаш бўйича катта устахоналар фаолият кўрсатган. Дарзанги Чағониён давлатига қарашли йирик савдо маркази бўлиб, савдо карвонлари тўхтайдиган манзилгоҳ бўлиши билан бирга маъмурий марказ ҳам ҳисобланган. Шаҳарда аҳоли кўп бўлиб, йирик савдо расталарига эга бозори ва бир нечта масжидлари бўлиб, аҳоли яшайдиган кўплаб уй-жойлар мавжуд бўлган. Дарзанги шаҳри Сармангондан олти фарсах, Термиздан ўн икки фарсах масофада жойлашган. Академик В.В.Бартольднинг қайд этишича, Дарзанги шаҳри Кўкжар (Бандихонсой) нинг Сурхондарёга қуйилиш жойи яқинида бўлиб, Термиздан 62 км масофада Жалойир қишлоғи ёнида ўрта асрларга доир йирик аҳоли маскани қолдиғи топилган. Археологик тақиқотлар натижасида ушбу ҳудуддан аҳоли уй-жойлари топилиб, шаҳар майдони 50 гектар майдонни эгаллаб, шаҳар ҳудудида илк ўрта аср давридан XIII асргача аҳоли яшаб, шаҳарни энг тараққий этган даври IX-XII асрларга тўғри келади.

Йирик савдо маркази сифатида танилган Баранги шаҳри ўзининг иқтисодий-маданий ривожи билан Сурхон ваҳосида муҳим мудофа истеҳкоми бўлиб, йирик карвон йўли ва маъмурий марказ бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Араб тарихшунослари Ибн Хурдодбек ва Қудома маълумотларига қараганда, бу жой Дарзанги билан Чағониён оралиғида бўлган. Термиздан 19 фарсах шимоли-шарқда, Сурхондарёнинг чап соҳилида бўлиб, Ғормалитепа ҳудудига оид Барангида VI-XII асрларда аҳоли гавжум яшаб, иқтисодий- маданий жиҳатдан ривожланган.

## Шўрчининг маънавий маданиятидан намуналар

Сурхоннинг сўлим боғлари, шифо масканига хос гиёҳлари, инсон қалбига куч- қувват берадиган зилол булоқ сувлари, мусаффо ҳаво ҳамда гўзал тоғли арчазорлари жойлашган Шўрчи табиати энг қадим даврлардан буён инсонларни ўзига жалб этиб келмоқда. Шўрчига эмакдош Боботоғ келбати, унинг чиройли ва кўркам бўй басти чексиз мард-жасур баҳодирларни ўзига қиёс қилиб, афсонавий тўйғуларга боғлангандир. Боботоғга хос арчазорлар ва пистазорлар неча асрлардан-асрларга ўтиб машҳур Гулбулоқ, Биллурбулоқ, Ойдинбулоқ, Азларбулоқ, Чагамбулоқ, Алимбулоқ каби ўнлаб булоқларни ўзига меҳри нур қилиб, кўклам нафасини ҳар сафар баҳор аёми билан кутиб олади. Боботоғ билан тенглашган Шўрчи халқи ўзининг турмуш тарзида бошқаларга ўхшаб ўзининг доно авлиё-олимлари, табиблари, меҳнаткаш деҳқонлари, чорвадор ва ҳунармандалари, жасур полвонлари, бахши-шоирлари, тадбиркор-сахий инсонлари билан фахрланиб, ор-номусини сақлаб, марди-майдонда ҳимоя қилиб турли хил ривоятларни, афсоналарни яратиб авлоддан-авлодга тақдим этиб келмоқдалар. Шўрчиликлар “Ҳазрат бобо” мисолида халқ орасида кенг тарқалган юқумли касалликни даволаш учун тоғдан гиёҳлар йиғиб касалликни бартараф этган табибни эъзозлаганлар. Ҳазрат бобо 100 йилдан ортиқ умр кўриб, халқни даволаб, минглаб одамларни бевақт ўлимдан сақлаб қолган. Маҳаллий аҳоли Ҳазрат бобо вафотидан кейин унинг ҳурматини

бажо келтириб, қабрини муқаддаслаштирганлар. Боботоғ атрофи мард йигитларни синаб кўрадиган, уларни баҳодир бўлиб етишга муносиб ҳисса қўшадиган илоҳй макон бўлган. Шўрчи халқи оғзаки ижодиётида қайд этилган Биллурбулоқ атрофида ўсиб улғайган Алпомиш келбатли, Гўрўғли сифатли мард йигитннг туғилиши, чаққон, эпчил, довюрак, жисмоний кучли, бўйдор, ҳусн малоҳатли бўлган полвон ҳақида мағрурланиб сўзлашади, шеърлар, достонлар айтишиб, ўз қаҳрамонларини улуғлайдилар. Баҳодир йигитнинг кучга тўлиб, ўз кучини синаб кўриш учун Бухоро сари йўл олиши, Исмоил Сомоний, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқа авлиёларнинг муқаддас қабрларини зиёрат қилиб Бухоро шаҳрига келиши ҳақида афсонавий қасидалар яратилгандир. Йигитнинг Бухорода яшаб, бой хонадонга куёв бўлиб, серфарзанд бўлиши, умр ўтиб, ўз юрти Боботоғни соғиниб, Буллурбулоқ сувини ичгиси келибди. Бироқ кексалик ва соғлиги ёмонлиги туфайли ўз ниятига ета олмабди. Шунда кекса чол тўнғич ўғлига Боботоққа бориб, Биллурбулоқ сувидан олиб келишни айтиб, уни Боботоққа жўнатибди. Тўнғич ўғил йўл юриб, охири Чағонруднинг Қорасув дарёси бўйига етиб келибди. Ҳориб чарчаган ўғил ҳали Боботоғ ва Буллурбулоқ узоқ деб ўйлаб Қорасувнинг сувидан мешни тўлдириб Бухорога қайтиб борибди. Тўнғич ўғилнинг қайтиши муносабати билан катта дастурхон ёзилиб, олиб келинган сув улашилибди. Сувни ичган чол бу сув Буллурбулоқни сув эмас, Қорасувнинг суви деб, Боботоққа яқин борибсану, Буллурбулоққа бориб сув олиб келмабсан, деб ўғлини койибди. Чунки Буллурбулоқ суви ширин, шифо, мазали таъмга эга эканлиги туфайли унга халқ Буллур деган ном қўйганлигини деб чол ўғлига тушунтирибди.

Шўрчи халқи оғзаки ижодида афсонага айланган Али ва Дали ҳақидаги ривоят ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳушёрлик, огоҳлик намунаси билан бирга хоинлик, нопоклик, сотқинлик, ватанга хиёнат каби иллатларнинг олдини олишга айланган тарихий афсонадир. Унда кушонлар салтанатининг маъмурий маркази бўлган Далварзин шаҳри ва унинг араб босқинчилари томонидан истило қилиниши ҳамда вайрон қилиниши ҳақида сўз бориб,

Далварзин подшоси Варзиннинг арзанда қизи Далли ойим, унинг нозу-карашмаси, инжиқлиги туфайли бутун бир шаҳар ҳамда унинг аҳолиси араблар томонидан қириб ташланиши баён этилади. Тарихий манбаларда Ҳазрати Алининг Сурхон воҳасига келмаганлиги аниқ, бироқ халқ афсонасида қайд этилган Али аслида тарихий шахсларга талқин қилиниб, қиёси изоҳ сифатида баён этилади. Чунки Далварзин шаҳри араб халифаси Муовиянинг Хуросондаги ноиби Убайдуллоҳ Зиёд қўшинлари томонидан истило қилиниб, шаҳарни қамал қилиш жараёнида маҳаллий аҳоли арабларга жиддий қаршилик кўрсатганлиги манбаларда ўз аксини топган.

Говургон ҳақидаги ривоятда эса миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар ҳақидаги ривоятлар жамланган бўлиб, ота-она ҳурмати, кексаларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг башоратлари, ўгитлари, ҳикматлари мужассам этилган. Сурхон воҳасидаги қадимги нақлларда ота-она қариса ёки каслманд бўлса махсус жой ҳисобланган “Говургон”га олиб бориб ташланган. Говургон Сурхон воҳасидаги Боботоғ, Ҳисор, Бойсун ва Кўҳитанг тоғларидаги овлоқ жойлар ҳамда даштлик, чўл ва қир-адирликлардаги ташландиқ, одамлар бормайдиган, гиёҳ ўсмайдиган махсус жарликлар, пастликлардан иборат бўлган. Ушбу жойда қолдирилган қари, касалманд одамлар касаллик, майиб мажруқлик, турли хил вахов яралардан азоб кўриб вафот этган. Бу махсус жойлар маҳаллий халқ тилида “габркен” яъни махсус жой, берк жой, атрофи ўралган жой деб изоҳланиб, кейинчалик “габркен” сўзи “говургон” деб аталиб кетилган. Ана шундай жойлардан бири Шўрчи ҳудудидаги Боботоғнинг баланд чўққиси ҳисобланган Қораюмалоқ (Заркоса) ҳамда Чагам қишлоғи яқинидаги Говургон дараси ҳақида ҳам куплаб афсоналар мавжуд. Афсонада Керага тоғи дарасида илонлар макони бўлиб, бутун атрофга даҳшатли офатларни олиб келаётган илонлар маҳаллий аҳоли ва унинг чорва молларини, парандаларни чақиб, заҳарлаб ўлдириб, катта зиён келтирар экан. Бундан катта азоб кўрган халқ подшога мурожаат қилиб илонлардан қутилиш чорасини топишни сўрабди. Шунда подшо қўрқмас, мард, жасур йигитни топиб, унга ўз ҳунарини кўрсатиб илонларни

мамлакат ҳудудидан чиқариб юборишни топширибди. Йигит илмини кучини ишга солиб илонларга қарши дуони жамлаб, бир қоғоз энлик хатни ёзиб илонлар маконига борибди. Тоғ дараси Вахшивор, яъни ваҳшиймор-илонлар дараси, макон деб номланиб, ушбу дарада илонлар подшоси қамчи ўримдек кичик Оқ илон шоҳ экан. Йигит махсус хатни илонлар шоҳи Оқ илонга тақдим қилибди. Илоншоҳ хатни ўқигач, ясси тош устида туриб шундай чинқирибдики, бутун илонлар унинг атрофида йиғилибди. Шунда Оқ илон бу жойни зудлик билан тарк этишни буюриб: ”Биз Боботоғдаги Говургонга кўчиб кетамиз. Ҳозирданоқ сафарга отланамиз..” деб бўйруқ берибди. Чунки йигитнинг мактубида: ”Боботоғ бағрида Говургон деган ажойиб жой бор. У ерда илонлар хуш кўрадиган қурбақалар, ёввойи қўй-эчкилар, гўшти ширин одамлар яшайди..” деган мазмундаги сўзлар изоҳ қилинган эди. Оқ илоншоҳ катта аждарҳо устига чиқиб Чағонруд (Қизилсув) дарёси бўйлаб Будрач шаҳри ёнида тўхтаб бир кеча дам олибди. Ҳозир бу тепа Заҳартепа деб аталади. Эртаси эрталаб тонг саҳарда Чағонрудни кечиб ўтиб (бу кечув ҳозирги даврда Илонгузар деб номланади) Говургон қишлоғига етиб келибди. Говургон қишлоғида яшаган қабила ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб, одамлар бир-бирини ўлдириб, андишасизлик, қотиллик, ваҳшийлик, иффатсизлик, вафосизлик ҳаддан зиёд кучайиб кетган экан. Оқ илоншоҳ бўйруғи билан бутун қабила одамлари чақиб заҳарланиб ўлдирилибди, аждарҳо эса одамларни ямлаб ютиб юборибди. Говургон қишлоғи эса Илоншоҳ раҳбарлигидаги илонлар маконига айланибди.

Халқ оғзаки ижодида алоҳида ўрин олган Ҳожибобо ривояти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга Шўрчи туманидаги “Савжирон” ширкат хўжалигининг Оққамар маҳалласида ҳаждан қайтаётган мусофир ва унинг икки ўғлининг Жойилма ариғи бўйидаги момонинг ўйига тўхташи, ва у ерда дам олиб, катта мусофир ҳожининг касаллиги туфайли вафот этиши ҳамда унинг васияти билан туз тотган ўйдаги момога ўғил фарзанд бўлиши мисолидаги воқеа асос қилиб олинган. Маҳаллий аҳоли вакили Ёқубхон Абдурашидовнинг фикрича, бу воқеа тахминан 1886-1891 йилларда бўлиб,

Ҳисор тоғи этагидаги Жунон қишлоғидаги мусофирларнинг ҳаждан қайтиш жараёнидаги ҳолат таҳлил қилиниб, дам олиш мақсадида Жойилма ариғи бўйидаги қишлоққа тўхталиб, қишлоқ фуқароси Абдуваҳоб фарзанди Ёқубнинг ўғли Мўминга дуч келади. Мўмин шу ернинг экинлар соҳибаси бўлган момони ўйига таклиф қилади. Момо меҳмонларни ўз ўйига таклиф қилиб икки ўғли Эрдон ва Эргаш қўй суйиб, ҳожиларни меҳмон қилади ҳамда уларнинг ҳурматига етади. Мусофир ҳожи ва унинг ўғиллари меҳмондорчиликдан хурсанд бўлиб, касалманд Ҳожи ота меҳмондорчилик учун момога ва унинг ўғилларига раҳмат айтиб, момога ўғилларни фарзанд сифатида қабул қилишни илтимос қилиб сўрайди. Момонинг розилигини олгач, ҳожи касаллиги туфайли шу кечаси вафот этади. Ҳожини ўлимдан олдинги васиятига кўра вафот этгач момонинг ўғиллари Эрдонбой ва Эргашбой ҳожини ўғиллари билан биргаликда майитни кафанлаб, жаноза ўқигач, Чўпонота қабрининг оёқсаридаги табаррук тупроққа дафн этадилар. Ҳожининг фарзанлари момодан розилик сўраб берган нон-тузига раҳмат айтиб, ўз юртларига жўнаб кетади. Мусофир Ҳожибобо қабристони шу тариқа пайдо бўлиб, унинг қабрига маҳаллий аҳоли сиғиниб ўз илтижоларини қабул қилишни сўраб шифо тилашадилар. Ҳожибобо қабристонига келиб илтижо қилган касаллар сўгал, қўтир ва бошқа турли хил яраларга ҳамда касаликларга шофо топишиб ўз мақсадларига эришганлар. Шу туфайли маҳаллий аҳоли Ҳожибобо қабристонини эъзозлаб, уни обод қилиб муқаддас ҳисоблаб келишмоқдалар.

Халқ ривоятларида алоҳида ўрин олган “Олатемир” ҳикоясида кушонлар салтани давридаги мардлик, жасурлик ва ватанпарварлик ғояси мужассам этилиб, Окс, Оксос, яъни Ўкуз дарёсидан кечиб ўтган ғаним душманлар давлат пойтахти Далварзин шаҳрига қараб шиддат билан бостириб келаётганлиги тўғрисидаги хабарни чопар шаҳар аҳолисига етказибди. Шаҳар ва унинг атрофида ғам-қайғу кўтарилиб, аҳоли қўрқув ва ваҳимага тушиб қолибди. Қўрқоқлар шаҳарни ташлаб қочишга тушиб, шаҳарда тартиб-интизом бузилиб, тушкунлик бошланибди. Марду-

майдонлар, ботир-қурқмаслар қўлига қурол олиб шаҳар ҳимоясига тайёргарлик кўра бошлабди. Шаҳар учун, ор-номус учун душманга қарши жанг бошланибди. Дастлаб ҳимоячилар жангда устунлик қилиб душманган қаттиқ зарба беribдилар. Бироқ сон жиҳатдан устун ёв шиддат билан шаҳарга қаттиқ ҳужум бошлабди. Кучлар тенг бўлмай, кўплаб мард йигитлар жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлибди. Душман қиличи устун келаётганлигини сезган кекса ота-оналар Аллоҳга илтижо қилиб муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишни сўраб, мардлик намунасини кўрсатаётган қаҳрамонларга мадад беришга дуо қилибдилар. Шунда кутилмаган мўъжиза рўй бериб Алпомиш келбатли, йўлбарс сифатли отлиқ афсонавий паҳлавон пайдо бўлиб, Боботоғ чўққисидаги осмонли булутлар қўйнидан отилиб чиқиб учар сомовий ола-чипор от устида бошида темир дубулға, устига ўқ ўтмайдиган кийим кийиб, жанг майдонига кириб келиб, душманга кучли зарба бера бошлабди. Афсонавий қаҳрамоннинг ўнг қўлида пўлатдан ясалган, икки қирраси ҳам ўткир ола қилич, чап қўлида узун ола найза, елкасида худди камалакдек эгилган камон ва ўқ-найзалар осилган. У кучли зарба билан душманга ҳамла қилиб, минглаб ёварни жаҳаннамга жўнатибди. Олатемир (қилич ва найза) кўтарган паҳлавон босқинчиларни бирма-бир қириб ташлаётганини кўрган шаҳар марди - майдонлари душман устига кучли ҳужум қилибдилар. Васвасага тушган душман, ваҳима ичида қалъа ҳимоячиларининг зарбасига дош бераолмай, жанг майдонини ташлаб қочиб қолибдилар. Ғалабани қўлга киритган шаҳар аҳолиси ўзларига мадат берган Олатемирлик паҳлавоннинг жасадини топибдилар. Афсонавий йигитнинг хотирасини абадийлаштириб, унинг мардлигини кўкларга кўтариб мақтаб, шаънига олқишлар қилиб, “Олатемир” номли халқ афсонасини яратдилар.

Шўрчи тумани ҳудуди қадимдан ҳозирги вақтгача ўзининг мард ўғил-қизларининг ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-саховати, инсоний қадр-қиммати ва улуғ авлиё-алломалари, донишманд ҳимматли фозиллари, илм-тафаккур зиёлилари билан ҳамиша мағрурланиб келган юртдир. Шўрчининг маънавий оламида номоддий маданият бетакрор бахшичилик санъатида,

халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган, халқнинг орзу-умидлаини, ғам-ташвишларини ҳис этган, келажкка умид билан қарайдиган, меҳнатда, тўй-маъракаларда, ғалабаларга чорлайдиган воқеа-ҳодисаларни ўзида акс этирган достонлар, қўшиқлар, термалар, топишмоқлар ва маталлар асрлардан асрларга ўтиб маъанвий жиҳатдан бойиб келмоқда.

**Шўрчи туманидаги археологик обидалар**

1. **Азлартепа** – Ижтимоят қишлоғида жойлашган. Манзилгоҳга аслида кушонлар даврида асос солинган, аммо бу жой X-XV асрларда гуллаб - яшнаган.

2. **Ойматтепа** – Тентаксой (Олтинсой)нинг ўнг соҳилида, Маданият қишлоғида жойлашган. Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220) номи билан, эҳтимол Чағониёнда зарб этилган тангалар дафинаси топилган.

3. **Оқтепа** – Чеп қишлоғида. X-XII асрларга тегишли манзилгоҳ.

4. **Олбойтепа** – Шўрчидан жануби-ғарбда, Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Тепаликнинг тўрт бурчагида айлана асосида минора бўлган. Минора илк ўрта асрларга тааллуқли.

5. **Номсизтепа** – Миршоди қишлоғидан 1,5 километр ғарбда, Жойилмасойнинг чап соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ юқори қатлами илк ўрта асрларга тааллуқли.

6. **Номсизтепа** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Далварзинтепадан 1,5 километр шимоли-шарқда. Илк ўрта асрларда манзилгоҳ бўлган.

7. **Номсизтепа** (Равшанбойтепа)- Мармун қишлоғи марказида жойлашган. Қабристон билан тўла банд этилган. Манзилгоҳ илк ўрта асрларда, қисман сўнги асрларда ҳам мавжуд бўлган.

8. **Номсизтепа** – Хазарбоғ канали ўнг соҳилида, Игрез қишлоғидан 2 километр ғарбда жойлашган. Манзилгоҳ кунгай томонга қараб ўрнашган.

9. **Номсиз тепа** – Олдингисидан 200 метрлар жануби-шарқда. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

10. **Номсизтепа** – Оқтумшуқ қишлоғида. Манзилгоҳ илк ўрта асрларда фаолият кўрсатган.

11. **Булбултепа** – Тентаксой ( дарёнинг янги номи -- Олтинсой ) нинг паст қисмида жойлашган. Тепанинг жануби-ғарбий бурчагида тўғри тўртбурчак асосда (30х25 метр) қўрғон бўлган. Қўрғон бошқа қисмлардан хандақ билан ажратилган. Манзилгоҳнинг қолган уч бурчагида айлана асосда минора қад кўтарган. Дарвоза жануби-ғарбий равоқ ўртасида жойлашган. Манзилгоҳ даври V-VIII асрларга тўғри келади.

12. **Ғормалитепа** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган.

13. **Ғойиботатепа** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Далварзинтепадан 2 километр жанубда. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ XVII-XVIII асрларга тааллуқли.

14. **Далварзинтепа** – кушонлар даври шаҳристони. V-VIII асрларда истеҳком ҳудудининг 3 гектардан кўпроқ қисмида ҳаёт бўлган, бу жойда мазкур маданий қатлами 2 метр қалинликда, деворлари хом ғиштдан қаланган иморат қолдиқлари аниқланган.

15. **Дегрезтепа** – шаҳристон ўз асосига кўра кушонлар даври манзилгоҳи, аммо шаҳристоннинг ҳамма майдонида илк ўрта асрларда ва қисман X-XII асрларда одамлар яшаган.

16. **Жартепа** – шаҳристон аслида кушонлар манзилгоҳи, аммо унинг деворлари, шунингдек, қўрғоннинг бир қисми илк ўрта асрларга тааллуқли.

17. **Дўлтатепа** – Шўрчидан жануби-ғарбда, Шалдарак қишлоғи ҳудудида, Сурхон дарёсининг чап соҳилида, дарё ўзанидан 1,5 километрлар масофада жойлашган. Шаҳристондан топилган сополларга кўра, манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли. Тепаликдан, ундан 300 метрлар узоқликда жойлашган бошқа тепалик кесмасидан сопол тошқоллари, ривожланган, ҳатто сўнгги ўрта асрларга доир сопол парчалари топилган.

18. **Дурматепа** – Шўрчидан 2 километр шимоли-шарқда жойлашган. Кичик шаҳарчанинг шимоли-шарқий ва жануби-шарқий бурчакларида айлана асосли минора бўлган. Истеҳком 20 метрдан 40 метргача кенгликда

хандақ билан ажратилган. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ V-VIII асрларга тааллуқли.

19. **Искандартепа** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Шамол қишлоғида. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

20. **Эшонбобо** – манзилгоҳ Кушонлар даврига тааллуқли, аммо унинг айрим қисмлари X-XII асрларда ҳам яшаб келган.

21. **Қоратепа** – кушонлар даври манзилгоҳи, илк ва ривожланган ўрта асрларгача яшаб келган.

22. **Қоровултепа** – Шаҳристон кушонлар даври манзилгоҳи, аммо истеҳком XIII асргача яшаб келди. Л.И.Альбаум ва К.А.Шахуринлар уни таркибий қисмларга бўлиб текширишган.

23. **Каттатепа** – Хидиршо қишлоғида, Ҳазарбоғ каналининг чап соҳилида. Учта ёнма-ён жойлашган тепаликдан иборат. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ X-XII асрга тўғри келади.

24. **Кўкантепа** – Ижтимоят бўлимида, Далварзинтепадан 10 километр шимоли-ғарбда, қуриб қолган сойнинг ўнг соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

25. **Кўкайдитепа** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Кўкайди ҳудудида жойлашган. Манзилгоҳ тўрт айлана асосида минора бўлган, бундай миноралар жануби-шарқий равоқ ўрта қисмида ҳам мавжудлиги аниқланди. Мазкур равоқ ўртасида ўша вақтдаги дарвоза ўрни 10 метр кенгликдаги кесмаси билиниб турибди. Манзилгоҳ илк ўрта асрлар даврига тааллуқли.

26. **Қўштегирмон** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида. Шу номли қишлоқда. Далварзинтепадан 5 километр шимоли-шарқда. Манзилгоҳ XIV-XV асрларга тааллуқли.

27. **Қўшашайиттепа** – Дўлтатепадан (0,5 километр) жануби-ғарбда. Қабристон билан банд. Манзилгоҳ сўнгги ўрта асрларга тааллуқли.

28. **Қўрғонтепа** – Карсаган қишлоғи марказида, Тентаксой (Олтинсой – тарж.) нинг ўнг соҳилида. Манзилгоҳ XIV-XVI асрларга тааллуқли.

29. **Култепа** – кушонлар даврига оид манзилгоҳ, унинг айрим қисмлари илк ўрта асрлар даврида ҳам яшаб келган.

30. **Мозортепа** – Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Култепанинг шимоли-шарқида жойлашган манзилгоҳ, илк ўрта асрларга тааллуқли.

31. **Мозортепа** – Жоби қишлоғи ёнида. Кушонлар даври манзилгоҳи, аммо илк ўрта асрларга тааллуқли.

32. **Маржонтепа** – Шўрчидан 4 километр шимоли-шарқда, Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Манзилгоҳ X-XII асрларга тааллуқли.

33. **Мунчоқтепа** – Жоби қишлоғида жойлашган. Узун тепалик, шимоли-ғарбий қисм баландлигидан жануби - шарқ томонга пасайиб борган ва охири экинзорга туташиб кетган. Илк ривожланган ўрта асрларга оид.

34. **Мунчоқтепа** -Жанубий Сурхон сув омбори ҳудудида. XX асрнинг 50-йилларида Л.И.Альбаум ва Д.Вархотова қазишма олиб борган. Марв ва Балхда Маликшоҳ ва Султон санжар номи билан зарб этилгван салжуқийлар тангалари хазинаси топилган.

35. **Савринжонтепа** - Шўрчидан 5-6 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Топилган сополларга ва тангаларга қараб мазкур жойда бўлган манзилгоҳнинг уч даврда: кушонлар даврида (милоддан аввалги I аср); илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар) ва ривожланган ўрта асрларда (X-XII) яшаганлигини қайд этиш мумкин.

36. **Сополтепа** - Шўрчининг шимоли-ғарбий четида, темир йўл тармоғи ортида жойлашган.

37. **Саритепа** -Тентаксой (Олтинсой ) нинг чап соҳилида жойлашган. Бурчакларида тўртта тўғри тўртбурчак асосида пахсадан ўрилган минора бўлган.

38. **Сассиқтепа**-- Шўрчининг жануби-ғарбий четида жойлашган. Сополларга қараганда, манзилгоҳ V-VII асрларга тааллуқли.

39. **Сауртепа** - Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, Шўрчидан 7 километр жанубда жойлашган. Топилган сополлар VI-XII асрларга тааллуқли.

40. **Чоргултепа** I - Шўрчидан 4 километр ғарбда жойлашган. Манзилгоҳнинг тўрт бурчагида айлана асосли минора бўлган. Дарвозалар ўрни шимоли-ғарб ва жануби-шарқ равоқда. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тегишли.

41. **Чоргултепа II** – Тентаксой (Олтинсой ) нинг чап соҳилида жойлашган. Тўртта квадрат асосда минораси бўлган. Шарқий равоқ ўртасида миноралар устунлигида дарвоза бўлган. 1978 йили Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси олиб борган қазишма ишлари натижасида манзилгоҳ ички ёпиқ ўтиш йўли бўлган қудратли, баландлиги 6,5 метр, кенглиги 5 метрли пахса девор билан ўраб олинганлиги аниқланди. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ XI-XII асрларга тааллуқли. Бу тепа ёнида бўлган кушонлар даври қароргоҳи, илк ўрта асрларда ҳам яшаган.

42. **Чўянтепа** – Жанубий Сурхон сув омбори ҳудудида жойлашган. 1958-1995 йиллар Л.И.Альбаум ва Т.Аъзамхўжаевлар қазишма олиб боришган. Тўғри тўртбурчак шаклдаги 5 метрлик ётқизиқ билан пахса урилиб, иморат ўртасидан 21 метрли даҳлиз (коридор) уни икки қисмга бўлиб турибди. Бу даҳлиз икки томонида турли катталикдаги ва муайян мўлжалдаги хоналар жойлашган. В.А.Нильсеннинг фикрича, бу иморатда кичикроқ патриархал оила ёки битта кўп оилали жамоа яшаган бўлиши мумкин.

43. **Яхшибойтепа**-- Жанубий Сурхон сув омбори жануби-шарқий чеккасида жойлашган. 1959-1960 йилларда Б.Я.Ставский қазишма ишлари олиб борган. Манзилгоҳда иккита яшаш даҳаси очилган.

Шарқий даҳада турли катталикдаги иккитадан яшаш хонаси бўлган қароргоҳлар аниқланди. Девор бўйлаб пастак супалар кетган. Ғарбий даҳада олтита йирик бино топилди. Деворлар пахса урилмаси хом ғишт қалама, аралаш терилмалар билан кўтарилган. Манзилгоҳ илк ўрта асрларга тааллуқли.

44. **Шайитбоботепа** -- Қорлиқ қишлоғида жойлашган. Тепалик устида кичкина мозорат – Шайитбобо мавжуд. Топилган сополларга кўра, манзилгоҳ сўнгги ўрта асрларга тааллуқли.

## БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА ШЎРЧИДАГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР

XVIII аср охирларидан бошлаб Шўрчининг шаҳар ва қишлоқлари ҳаётида маълум ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Сўнгги ўрта асрларда Шўрчида меъморчилик қурилишлари давом этган. Бу давр меъморчилигида маҳобатли иншоотлар қуришга интилиш ғояси кўзга ташланади. Бандихон сойда қурилган Искандар кўприги шайбонийлар даври Зарафшон воҳасида қурилган сув айиргичга айнан ўхшашлиги бундан далолат беради. Бу давр меъморчилик ёдгорликлари сирасига бекликлар қўрғони ҳам киради. Беклик қароргоҳлари ҳисобланган қўрғонлар табиий тепаликлар, хушманзара ва сув манбаларига сероб жойларда қурилган.

Шўрчи амлокдорлиги Денов беклигига бўйсуниб солиқ ва маҳсулотларни бек ихтиёрига топширган. Шўрчида ҳунармандчиликнинг юздан ортиқ тури, айниқса кун-чарм тайёрлаш, этикдўзлик, тўқувчилик, зардўзлик, қандолатчилик, ўйинчоқсозлик ва бошқалар яхши ривожланган. Шўрчи Сурхондарё воҳасидаги қулай географик ҳудудда жойлашган бўлиб, аҳолиси ўта меҳнаткаш, тупроғи ҳосилдор, иқлими деҳқончилик қилиш учун қулай, булоқлари ва дарёлари сувларга сероб бу минтақа сарҳадлари Ҳисор тоғ қўлтиқларигача чўзилган иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган маскан эди.

XVI асрда Шўрчи бошқарув ва маданий марказ сифатида танилиб бир қатор меъморий иншоотлар, муҳташам бинолар, масжид ва хоноқоҳга оид қурилишлар амалга оширилиб, таълиму таҳсил маркази ўлароқ хос мадрасалар фаолият кўрсата бошлагани тарихдан маълум. Шўрчи XVI-XVII аср ўрталарида у Бухоро амирлигининг Ҳисор ҳокимлиги мулки ҳисобланган, XIX аср бошларида Бухоро амирлигида феодал муносабатлар ҳукм суриб, ўрта аср қолоқлигидан ҳали-ҳали қутилмаган эди. Жумладан,

Шарқий Бухоро бекликлари, шунингдек Шўрчи ҳам ўзаро ички низолар ва қонли урушлар тез-тез учрайдиган масканга айланиб қолган эди. Аҳмад Донишнинг ёзишича, «Амир Ҳайдар ҳукмдорлиги даврида ҳар 3-6 ойда узлуксиз ўзаро урушлар бўлиб турарди. XIX асрнинг Шўрчидаги қишлоқлар таланиб, вайрон этилар, чорва моллар ва одамлар ҳайдаб олиб кетилар, сув ва қишлоқ хўжалиги вайрон қилиниб, издан чиқарилар эди. Бу низо-жанжаллар беклар ўртасидаги келишмовчиликка бориб, катта жанжалларга айланиб кетарди. Шунга қарамай амлокликларда ҳаёт ўз оқими билан давом этаверарди. Шўрчи амлокликларининг асосий бойлиги ер бўлиб, у амир, бек, амлакдор, оқсоқол вақф ерларидан иборат бўлган. Амлокдаги амир ерлари мулки султоний бўлиб, Шўрчи қишлоқларида бу мулклар мавжуд эди. Хусусий ерлар «мулк», масжид, мадраса ёки мозорларга назр-ниёз қилинган ерлар «вақф» деб аталган. Амир ерлари П.П.Ивановнинг ёзишича, «... амлоки пошоҳи ёки амлоки султоний» деб аталган.

Шўрчи амлокликларида халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, маданий савиясини кўтариш, саводхонлигини юксалтириш, маорифни ривожлантириб, мактаблар очиш, даволаш муассасаларини қуриш, миллий ҳис-туйғуларни акс эттирувчи кутубхоналарни ташкил этиш, талантли ёшларни ўқитиш каби савобли ишларга умуман эътибор берилмаслиги туфайли ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт анча турғунлик ҳолатида эди. Инсонпарварлик, хайр-саховат ишлари, эҳсонлар ўтказиш фақат халқнинг, зиёлиларнинг ташаббуси билан амалга оширилган. Шу туфайли Шўрчи кўчаларида, бозор, мадраса, масжидлар ёнида ўнлаб қашшоқ, оч-яланғоч ва махов касаллигига учраган кишилар ҳамда таланчилар кўпчиликни ташкил этган. Шарқнинг энг даҳшатли касалликларидан бири махов Бухоро амири ва бекларни ҳеч қандай безовта қилмас, касалликларнинг, очликнинг олдини олиш борасида деярли амалий ишлар қилинмас эди. Касалликлар ва уларнинг кўринишига кўникиб қолишган беклик ҳокимияти раҳбарлари Бухоро амири топшириғи билан

махов касалларни махсус қишлоқларга йиғишиб, ўша ерда тириклай азоб кўриб, соғлиқлари ёмонлашиб жон берган.

Шўрчи ҳудудларида эпидемия касалликлари Х1Х аср бошларида кенг тарқалганлиги, атрофидаги қишлоқларда оммавий ўлимдан аҳолининг кўпчилик қисми қирилиб кетганлиги қайд этилади. Сурхондарё ёнидаги қишлоқларда безгак ва иситма касаллигининг авжига чиқиб кетиши натижасида Жалойир қишлоғининг аҳолиси айниқса кўп азият чекади. Бўқоқ касаллиги, сурункали камқонлик, бел ва қўл- оёқларнинг қийшайиши маҳаллий аҳолини бутунлай ҳалокатга олиб келган. Ҳаттоки, маҳаллий халқ Сурхондарё, Амударё қирғоқларида кўллар ташкил қилса ҳам бу ерлар рахит, бўқоқ, иситма, безгак ва вабо касалликлари уясига айланади.

XIX аср бошларида Шўрчи амлокликлари табиий ер ости бойликларига бой бўлиб, минерал ўғитлар билан боғлиқ бойликлар Кўҳитанг, Ҳисор, Боботоғ, Бойсунтоғда ниҳоятда кўплиги маълум бўлсада, бироқ ундан амлокдорлар фойдалана олмаган. Боботоғ тоғ тизмаси ва Ҳисор довони жанубий тизмаси анча бойдир. Маҳаллий ҳунармандлар Х1Х аср бошларида темир, қўрғошин, тошкўмир ва нефть маҳсулотларидан қисман фойдаланиб келар эди. Кокайди, Жарқўрғондаги нефтдан маҳаллий аҳоли (мойли сув) ёқилғи ва кўз касалликларини даволаш мақсадида фойдаланишган. Ховдак, Кокайди нефть сувларида маҳаллий аҳоли чўмилиб шифо топган, шу туфайли халқ бу нефть-кўмир аралаш сувларни муқаддас ҳисоблаган. Шўрчи оралиғидаги қумлардан қўй терисида ибтидоий усул билан ювиш орқали ҳар бир олтин тозаловчи 4 тангадан 6 тангагача (1 танга кумуш билан 20 тийин бўлади) олтинни тозалаш (ювиш) билан ажратиб олган.

Шўрчи аҳолиси ўртасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш, халқнинг соғлигини сақлаб, ишончига сазовор бўлиш мақсадида инглизлар, Ҳиндистон орқали Шўрчи амлокларида ўзларининг жамиятлари орқали амалий ёрдам кўрсатишга киришди. Чунки маҳаллий аҳоли орасида чечак касаллиги кенг тарқалиб, аҳолини чечакка қарши эмлаш ишлари амалга оширилди. 1880-1895 йилларда аҳоли орасида ўтказилган эмлаш натижасида

чечак касаллиги анча камайиб, маҳаллий аҳолиси орасида ҳатто чечакка қарши эмлашни ўрганиб олган вакиллар ҳам етишиб чиқди.

Сурхон воҳасидаги бекликлар деҳқончилик қилиш учун қулай жойда жойлашган бўлиб, камдан-кам ҳолларда қурғоқчилик кузатилган. Умуман ёғингарчилик кўп бўлиб, Сурхондарё, Қизилсув дарёлари деҳқончилик учун қулай бўлиб, доимий тарзда сув таъминотига эга бўлган. Қашшоқ хўжаликларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари омоч, мола, кетмон, белкурак, ўроқ, кочкорд, ходи, симхоладан иборат бўлган. Бу меҳнат қуролларининг барчаси маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган.

Суғорма деҳқончиликда муҳим ўрин эгаллаган экинлардан бири бўлган пахта тўқимачиликнинг ўсишида катта ўрин эгаллаган бўлиб, амирликда пахтанинг кўк, малла ва қора чигитлиси экилган. 5 фунт Бухоро пахтаси уруғи 20 тийинга баҳоланган. Россия томонидан Ўрта Осиё босиб олингандан сўнг, пахта экишга кўпроқ эътибор берилиб, унинг майдонлари кенгайиб борган. 1887 йилда Бухородан Россияга 200000 пуд пахта олиб кетилган. Бу даврда янги пахта нави--америка нави экила бошланиб, пахта майдонлари кенгайиб, ҳосилдорлик ошиб, четга кўпроқ пахта чиқарилган. Агар 1904-1905 йилларда 1000000 пуд, 1906 йилда 150000 пуддан ошиқ, 1908 йилда 200000 пуд ҳосил етиштирилган бўлса, 1913 йилда 2375000 пуд, 1915 йилда 3 миллион пуд америка ва маҳаллий пахта навларидан иборат бўлган ҳосил етиштирилган. 1915 йилда 100000 десятина (десятина ботмон 1,09 га тенг ер ўлчов бирлиги) ерга пахта экилиб, унинг 30 фоизини америка нави ташкил этган. 1916 йилда амирликда 2200000 пуд пахта толаси тайёрланган. Толанинг $^{1}|2$ фунти (фунт-қадоқ 409,5 граммга баравар) 15 тийинга баҳоланган.

Амирликдаги энг ҳосилдор ерлар Шўрчи амлокларида жойлашган бўлиб, Россия Термизни эгаллагандан кейин бу амлокларни ўзларига сиёсий-иқтисодий қарам қилиш учун кўпгина ҳолларда яширин жосуслик ҳаракатлари қилиб, ҳосилдор ерларнинг умумий ҳажмини билишга ҳаракат қилинган. Чунки Бухоро амирининг бу ҳосилдор ерларни ўзлаштириши

умуман давлат режасига киритилмаган. Шўрчи амлокларида якка тартибда ишловчи усталар «устои худбоф» деб аталиб, унинг билан биргаликда керакли маҳсулот ишлаб чиқарган. Уста ўз меҳнат фаолияти даврида кўплаб шогирдлар тайёрлаб уларни уста даражасига етказган. Устои Худбофлар ўз дўконлари ва тайёрлаган маҳсулотларининг хўжайини ҳисобланиб, бирон-бир кишига қарам бўлмаганлар. Халфа шогирдликдан юқори даражага кўтарилган ҳунарманд бўлиб, ўз устаси қўлида меҳнат қилган. Унинг шогирддан фарқи шундаки, у биринчи навбатда анча эркин бўлган, иккинчидан, уста билан келишувга мувофиқ иш ҳақи олган. Халфа истаган пайтида ўз устасидан кетиб ишлаши ёки бошқа устага ёлланиши мумкин бўлган. Халфа устанинг энг ишончли ёрдамчиси ҳисобланиб, у билан бирга тенг миқдорда меҳнат қилган.

Шўрчи амлокларида муҳим аҳамиятга эга бўлган Сурхондарё атрофида деҳқончилик қилиш, янги ерлар очиш, XIX аср бошларида сезиларли ўзгариб, Қумқўрғон, Жалойир қишлоқлари атрофида янги ерлар ўзлаштирилди. Шўрчи амлоклари ихтиёридаги Қумқўрғон, Миршоди, Жалойир, Жобу, Қорлуқ, Бухоро амир оиласи учун янги бўз ер унум ерларга ҳосил экишга киришиб, 2 минг десятина ер ўзлаштирилди. Мавжуд дарёлар фақат суғориш аҳамиятига эга бўлиб, экинларнинг кўпайиб ҳосилдорлиги ошиб, мамлакатнинг бойлиги суғоришга сарфланиб, заруридан ортиғи Амударёга бориб тушган. Шўрчи амлокларидаги амир ерлари деҳқонларга ижарага берилган. Расман бу ерларни сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, вақфга айлантириш мумкин эмас эди. Лекин аслида ерлар сотилар ва сотиб олинар эди. Кўпинча бундай ерлар катта мансабдорлар ёки Жўйбори шайх томонидан сотиб олинган. Шўрчи амлокларидаги амлок шаклидаги ерлар миқдори қанча бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ, чунки унинг ҳисоби бекликларда аниқ олиб борилмаган. Амлок ерлар деҳқонлар томонидан очилган қўриқ ерлар, ҳукмдор ғазабига учраган амалдорларнинг мулклари, ворислари бўлмаган кишилар вафот қилгандан сўнг улардан қолган ерлар ҳисобига тўлдириб турилган. А.А.Семинов фикрича, хирож олинадиган

ерлардан кўра амлок ерлардан олинадиган солиқ жуда оғир бўлиб, у етиштирилган ҳосилнинг 40--50 фоизини ташкил этган. Бу эса амлок ерларида ишлаётган деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига, норозилик чиқишларига сабаб бўлиб, тез-тез амир ва бек номига норозилик аризаларининг ёзилишига олиб келинар эди.

Шўрчи амлокларида хусусий ер эгалиги мулки ҳур ёки ҳолис деб аталиб, бундай ерлар амирга маълум бир хизмат кўрсатган ёки жонларда алоҳида жасорат кўрсатган шахсларга берилиб, мулк эгаларига махсус ёрлиқлар инъом қилинган. Масалан Шўрчи амлокларидаги Миршоди, Қумқўрғон, Элбаён, Далварзин, Қорлуқ, Жобу қишлоқларида 100 батмон ер, Шўрчи, Хўжасоат, Қарлуқ, Хайрабод, Боботоғ қишлоқларида 120 батмон ерлар шу тариқа бўлинган. Чунки ҳар бир мулки ҳур ёки мулки ҳосил ерлар амир назоратида туриб, мунтазам тарзда текширувдан ўтказилиб турган. Шўрчи амлокларидаги мулки ушр ёки даҳях ерлардан солиқ ҳосилнинг $^{1}|10$ қисми миқдорида олинган. Даҳяк солиғидан келадиган пуллар, асосан хайрия мақсадларида фойдаланилган. Ундан мадраса талабаларига маош, амлакдор қароргоҳида Қуръон тиловат қиладиган қориларга хизмат ҳақи берилган. Шўрчи амлокларидаги мадраса ва масжидларга мулки ушр солиғини тўлаш назорати қози ихтиёрида бўлган. Мулки хирож ерлар 1920 йилда бекликлардаги жами ерларнинг 15 фоизини ташкил этган.

Шўрчи амлокларида вақф ерлар қабристон, масжид, мадраса, хонақо каби муассасаларга васият қилиб қолдириш ёки хайр-эҳсон қилиш орқали вужудга келган. Вақф ерлардан келадиган даромад мутавали қарамоғига келиб тушиб, у вақфга боришда томонлар ўртасида тузилган ҳужжат шартларига кўра тақсимланган. Вақф ерларни сотиш, гаровга қўйиш, расман ман қилинган бўлса ҳам, лекин улар турли баҳоналар билан сотилган ва сотиб олинган. Шўрчи амлоклари қозилик текширишида 20 ботмон ер яширинча вақф ерлари сотилганлиги аниқланди. Шўрчи амлоклари ҳокимият бошқарувида ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда, маъмурий-иқтисодий бошқарув тизимидаги йўл қўйган хато-камчиликларни яширишда ва бошқа

ишларни амалга оширишда диний уламоларнинг кучидан кенг фойдаланар эди. Шунинг учун қозилар Шўрчи амлокларининг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлашда, қайта тайинлаш, тафтил ишлари амалга оширилаётганда алоҳида ҳимояни ўз зиммаларига олар эдилар.

Амирлик назоратида бўлган танҳо ер эгалиги (ўрта асрларда иқтаъ, суюрғол деб аталган)га карвонсаройлар, тегирмонлардан келадиган даромадлар кирган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб танҳо маълум бир хизмат учун вақтинчалик бериладиган бўлди. Баъзида у маошга ёки қўшимча равишда берилган. Шўрчи амлоклари карвонсаройлари, тегирмонлари алоҳида нуфузга эга бўлиб, беклар томонидан назорат қилиб турилган. Шўрчи амлокларида 1 та карвонсарой, 34 та тегирмоннинг мунтазам иш фаолияти солиқ назоратида бўлиб, ўз вақтида амир хазинасига солиқ тўлаб турган. Шўрчи амлокларида фуқаро ёки ҳарбий кишилар янги мансабга тайинланганда, улар амирдан танҳо инъом қилишни сўраб мурожаат қилишган. Бунда албатта, олинадиган улфа миқдори кўрсатилган. Масалан, Тўқсабо 80 ман ёки 640 пуддан 960 пудгача, мирохўр 60 ман, қоровул беги 40-50 ман, баҳодир (жангчи) 10 мана буғдой олган. Қайд этилган ушбу манбалар фуқаро ва ҳарбий кишиларнинг хизмати, амирга, бекка содиқлигига қараб белгиланган.

Шўрчи амлокларида амирлик ҳокимияти кўрсатмаси билан мансабдорларга бериладиган танҳо ерлар миқдори турли хил бўлган. Масалан, тўқсабо 500 таноб, мирохўр 100, эшикоғабоши 250 таноб ерга эга бўлишган. Танҳо ерлар миқдори ернинг ҳосилдорлиги, даромад миқдори, мансабдорнинг эгаллаган мавқеига қараб турлича бўлган. Бухоро амирлиги аграр давлат бўлиб, аҳолининг 85 фоизи деҳқонларни ташкил этиб, барча ерларнинг 15 фоизи қараган. Бутун амирликдаги ҳосилдор ерлар 2700000 десятинани ташкил этиган. Сурхон воҳасидаги жами суғориладиган ерлар 145343 таноб бўлиб, шундан ноқулай ерлар 276408 таноб (691000,75 га), суғориладиган ерлар 293434,75 таноб, қўриқ ерлар 49941 танобни ташкил этган. Шўрчи амлокларида асосий деҳқончилик экинлари бошоқли экинлар

бўлиб, дон маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондириш билан бирга ташқи бозорга ҳам катта миқдорда чиқарилган. Бу бекликларда лалми деҳқончилик ҳам маълум миқдорда ривожланиб, дончиликка алоҳида эътибор берилиб, об-ҳаво қулай келган даврда ҳосилдорлик анча юқори даражада бўлар эди. Шўрчи амлокларида ўртага бир таноб ерга 2-2,5 пуд ғалла сочиб 33 пудгача, арпанинг 2 пудидан 25 пудгача, бир десятина ердан 300 пудгача ҳосил олинган. Бундан ташқари кўплаб миқдорда тариқ экилиб ҳосил етиштирилган. Қорлуқ, Миршоди, Элбаён, Жалойир, Жобу, Хўжасоат қишлоқларида техника экинларидан зиғир, кунжут, каноп, тамаки, беда экилиб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга сарфланган. Маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган тегирмонларда донли экинлардан ун тайёрласалар, техник экинлардан мойжувозлар ёрдамида мой олишган. Ҳунармандлар томонидан тайёрланган тегирмон ва мойжувозлар қарийб ҳар бир қишлоқда бўлиб, ўша ҳудудда яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатган. Иккита ун тегирмонида бир кеча-кундузда 1500 пудгача ун тайёрланган.

Қайд этиш керакки, Шўрчида ишлаб чиқариш жараёни натижасида яратилган меҳнат қуроллари доимий тарзда ривожланиб, мукаммаллашиб, халқнинг хўжалик турмуш тарзига мослашиб борган. Халқ усталари оғир меҳнат эвазига турли хил меҳнат қуроллари яратиб, оддий устахоналарда ишлаб меҳнат қилган. Темирчилар устара ясашда машҳур бўлиб, устара оддий темирдан ясалиб, унга ялтироқ тус берилмаган. Уста томонидан устара қайроқ, тош ва чарм тасма ёрдамида тиғи ўткирлаштириб турилган. Ўткир бўлмаган, қурол тарзида тайёрланган устаралар сифати паст бўлганлиги туфайли бозор нархи 5-10 тийин бўлган.

Қишлоқларда аҳоли турли хил касб-ҳунар билан шуғулланиб боришИ натижасида темир буюмларга бўлган эҳтиёж кўп бўлганлиги туфайли шаҳарда ўнга яқин темирчилик устахоналари мавжуд бўлган. Шўрчи амлокларида тоғли ҳудудлар кўп бўлганлиги, бекликни ҳимоя қилишга бўлган талаб натижасида қурол-яроқ ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж кўп бўлган. Қурол-яроқсозлик устахоналарида қилич, найза, қалқон, пичоқ,

сувлиқ, тақол ва турли хил катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Мавжуд темир, тошкўмир рудаларидан фойдаланилиб, оддий босқон кучи билан тайёрланаётган меҳнат буюмлари оғир меҳнат эвазига яратилсада, ташқаридан келтирилаётган сифатли қурол-яроқсозлик, игнасозлик, михсозлик каби темирчилик буюмлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган меҳнат маҳсулотларини сиқиб чиқара бошлаган. Аграр соҳага мослашган Шўрчи амлокларида кўпроқ қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари, тепкили бел, кетмон, ўроқ, омоч, сўқа тишли омоч, арра, қайчи, шоха ва бошқа меҳнат қуроллари тайёрланган. Қишлоқдаги усталар ҳам оддий меҳнат қуроллари тайёрлашни ўзлаштириб олганлар. Тоғли ҳудудлар бўлган Шўрчи амлокларида темирчи усталар синчли уйларни қуришда ёғочдан уй қуриш (чўбкор)ни жуда яхши ўзлаштириб олганлар. Усталарнинг доимий иш қуроли бўлган болта, арра, теша, пойтеша, омбир, катта қалпоқли михлар мунтазам тарзда устахоналарда тайёрланган. Уй қурувчи усталар учун тайёрланган болта 60 тийин, омбир 1 сўм 40 тийин, арра 30 тийин, теша 30 тийин, катта қалпоқли михнинг 1 донаси 5 тийиндан сотилган. Шўрчи амлокларида чўян қуриш корхонаси бўлиб, тошкўмир ёқилғисидан фойдаланилган. Чўян қуйиш устахоналарида ойда икки марта чўян эритилган, чунки бу иш машаққатли бўлиб, оғир меҳнатни талаб этган. Мисгарлар ўзлари тайёрлаган мис офтобалари билан танилган бўлиб, офтобалар бўғзига, жумраги атрофига нақкошли, ўйма гуллар, безаклар ишланган. Қопқоғи очиладиган чиройли туфдонлар тайёрланиб, дастилуй-туфдон деб аталган. Гўзал ва нафис мис буюмлари нақшлигининг мураккаблиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб туриб, мисгар нақкош катталиги 12-24 вершок бўлган, палов ейишга мўлжалланган лаганни тайёрлаш учун бозордан 8 сўмдан 12 сўмгача бўлган материални сотиб олиб, ундан 3-3,5 ҳафта давомида юқорида айтилган лаганни тайёрлай олган ва унинг бозор нархи 30 сўмдан 50 сўмгача бўлган. Мис офтоба тайёрлаш учун мискар 2 сўмлик материал сарфлаб, уни ясашга 2 кун, нақшлашга бир ҳафта вақт сарфланган. Шўрчи амлокларида металлни

қайта ишлаш соҳаларидан бири заргарлик санъати кенг ривожланган. Заргарлик устахоналарида хотин-қизлар учун чиройли тақинчоқлар кумуш, мис, тилладан тайёрланиб, рангли тошлар билан безатилган, туморлар учун ғилофлар тайёрланган. Уста заргарларнинг иш қуроллари тарози, дам даҳандам, ўчоқ, бута, сандон, манқал, дастаманқол, дастакчўб, қайчи, киря, рачкоса, оташчироқ, резак, сувон, болға, болғача, омбир, омбирча, чисток, санчи манак, ҳақиқи сағири, заргар қум, сумба, қолиб, муҳр қалам, масқол, дупоя, босма дамдандан иборат бўлган. Халқимизнинг «Дунёда аёл зоти бор экан, заргар ишсиз қолмайди» деган мақоли заргарларга берилган беқиёс тарафдир. Аёллар учун заргарлик буюмлари ранг-баранг, нафис ва чиройли бўлиб, улар турли хил ўзига хос белгиларга эга бўлган. Заргарлик буюмлари, «Зеби сина», «тилла баргак», «ақиқ», «қўлтиқ тумор», «заркокил», «халқаи Муҳаммади», «халқаи сепоя», «халқаи бешоёқ», «тиллақош», «бибишок» каби турли хил номлар билан ажралиб туради. Заргарлик касбини эгаллаган усталар турли хил буюмлар тайёрлашда ўз маҳоратларини кўрсатиб, эл орасида алоҳида нуфузга эга бўлиб, амалдорлар ўз буюртмаларини ана шундай истеъдодли усталарга тақдим этганлар.

Бой амалдорлар махсус узуклар тайёрлатиб, қўлларига тақиб юрганлар. Ушбу узукларга алоҳида муҳр туширилиб, ўз исмларини ёздириб қўйишган. Масалан, Шўрчи амлокларида меросхўри деган ном исм билан қўшиб ёзилган. Муҳр тайёрлайдиган усталар алоҳида рўйхатда бўлиб, бу соҳа усталари ҳар бир ишга масъулият ва эътибор билан қараганлар. Бу соҳа усталарининг иш қуроллари тарози, бута, ўчоқ, сандон, болға, отишгирак, қайчи, омбир, шиканжа, даҳандом, зирдам, омбири дамаштез, сувон, муҳракаламдан иборат бўлган. Мукаммал заргарлик санъатини эгаллаган усталар буюмлар тайёрлаш учун зарур бўлган металл, тилла, кумуш, мис шунингдек тошлар, қизил ёқут, лаъл, ёқут, зумрад, рангли тошлар -- феруза, сердолик, ложувард, денгиз инъомлари бўлган  дур, маржон, садафларни танлаш, ишлатиш ҳар бир тақинчоққа нафис ишлов беришни дид билан ўрганганлар. Маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар анча паст баҳоларда сотиб олиниб, ҳунарманд меҳнати ниҳоятда қадрсизланган. Фақатгина бек ихтиёрида бўлган ҳунармандларгина турли хил ортиқча солиқ, йиғим ва ҳашарлардан озод қилинган. Бухоро амирлигидаги йирик шаҳарлар ўзларининг ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиши билан алоҳида нуфузга эга бўлиб, айрим маҳсулотлари билан ажралиб турган. Масалан, Шўрчи амлокларидаги ҳунармандлар кулолчилик маҳсулотлари, темир буюмлар ҳамда тери маҳсулотларига қайта ишлов бериш, ёғоч, кийим, зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқариш билан ажралиб турган. Шўрчи амлокларида ҳам ҳунармандлар барча мусулмонлар учун фарз ҳисобланган закот солиғи тўлашган. Бу солиқ деҳқон, ҳунарманд, савдогар ва бойлардан йиллик даромаднинг қирқдан бир қисми миқдорида олинган. Ҳунармандлар маҳсулоти миллий ифтихоримиз бўлган анъанавий кийимларда ўз аксини топиб, миллий каштачилик санъати ниҳоят даражада ривожланиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг зардўзлик ва каштачилик анъанаси билан ажралиб турган. Шўрчи амлокларида кенг тарқалган миллий дўппилар ўзининг айлана жиҳози, сочиқ пўпик жилоси, нақшнинг пухта ва қалин нафис иплар билан тўқилиши, намгарчиликка чидамлилиги, жун иплардан мустаҳкам тўқилиши билан ажралиб турган. Дўппилар асосан бахмал, сатин, сидирға шоҳидан тайёрланган.  Ҳисор, Боботоғ тоғ тизмалари ҳамда тоғ олди қишлоқларида Шўрчи амлокларида тикилган мўйнали ҳамда қўй терисидан тайёрланган ичига бахмал ёки бўз матодан тикилган телпаклар кўплаб тайёрланиб, телпак тикадиган ҳунармандчилик устахоналарининг махсус савдо дўконлари бўлган. Миллий урф-одатларимизга анъанавий жило бериб келган тўқима чопонларини тайёрлаш, тўқиш қадимий тарихга эга бўлиб, деҳқончилик маданиятининг ривожланганлиги, пахта ипларидан, момиқ толасидан тайёрланган чопоннинг инсон танасини совуқдан сақлашдаги хизмати беқиёсдир. Чопонлар одамларнинг ёшига, хизмат вазифаси, лавозимига қараб бичилган ва табиий иқлимга хос тўқилиб, Шўрчи амлоклари чопонлари  ўзининг тўқилиши, матоси, астари ҳамда нақш безаги билан ажралиб турган. Шўрчи амлокларида тўн, чопон, желак, бахмал чопон

каби умумий номлар билан айтилсада, халқ орасида астарли чопон, тўқима чопон кенг тарқалган. Чопон кийим бўлиш билан бирга, ёпинғич, кўрпа, панагоҳ, озиқ-овқат сақловчи, хазина каби вазифаларни ҳам бажарган.

Халқ моддий маданияти ривожида ҳунармандчилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳунармандчилик устахоналарида тайёрланган болға, болғача, омбир, омбирча, қайчи, болта, кесгич, кетмон, белкурак, занжир, эгар-жабдуқ, нуқта, айл, тақа, ўроқ, арава ва бошқа буюмлар халқ турмуши учун зарур бўлган эҳтиёжларни таъминлаган. Шўрчи амлокларида асосан темирчилик кенг тарқалиб, мисгарлик, чўянгарлик, заргарлик, ёғочсозлик, нақшкорлик, зардўзлик, ўйинчоқсозлик, мусиқа асбоблари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Ҳунармандчиликнинг ривожланишида ижодий дунёқараш, халқ урф-одатларига эътиқод, табиат гўзаллигига мос санъат буюмларини яратиш, Ҳисор, Боботоғ тизмаларини акс эттириш, халқ орзу-умидларини афсонавий ривоят услубида яратиш ҳунарманд-усталарнинг доимий иш жараёни бўлиб қолган. Шу туфайли ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли турмушида катта ўрин тутиб, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшиланишида муҳим ўрин тутган. Ҳунармандлар ўз шогирдларини тайёрлашда уларнинг касб-маҳоратга бўлган қизиқиши, меҳнатга чидамлилиги, сабр-тоқати, касбни ўзлаштиришга бўлган маҳоратини ҳисобга олган. Шогирдлар ҳунарни эгаллаши, муркаб касбларни ўзлаштиришдаги маҳорати, буюм тайёрлаш учун зарур бўлган маҳсулотни танлаши, касб сирларини сақлаши, меҳнат қуролларини тайёрлаш, ишлатиш, қайси касбни мукаммал ўзлаштириб олганлиги билан синовдан ўтган. Шогирдлар танлаш жараёнида оилавий шажара, яқин қариндош-уруғ, шунингдек уддабурон етарли қобилиятга эга бўлган бегона кишилар танлаб олинган. Шогирд касбни етарли даражада ўрганиб олганидан сўнг ўз устаси ёнида халфа вазифасида қолиб ишлаши ёки мустақил равишда дўкон очиб фаолият кўрсатишига рухсат берилган.

Шўрчи амлокларидаги йирик қишлоқларда ҳам ҳунармандчилик ривожланиб, ҳар бир ҳунарманд устанинг ўз устози, пири бўлиб, шу пирга сиғиниб худодан марҳамат, ризқ-насиба, касбга барака тилаб, садақа ўтказиб

турган. Шўрчи амлокларидаги ҳунармандлар қуроллар пири Саййид Амир Кулол, чармгарлар пири Али пайғамбар, рангезлар пири ҳазрати Жаброил, косиблар пири Бобои Шавқи Порадўз, буюм ва матога нақш берувчи нақкошлар пири Ҳазрати Баҳоуддин нақшбандларга сиғиниб, ушбу пирлар арвоҳига бағишлаб маросимлар-- «арвоҳи пир» ўтказиб турганлар. Юқорида қайд этилган ҳунармандчилик соҳасига оид фикр халқимизнинг миллий урф-одати ва анъаналарига мос келадиган маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда маънавияти ва маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Шўрчи амлоклари тарихини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий хўжалик ҳаётига доир маълумотларни таҳлил этиш натижасида кам сонли этносларнинг этногенезини ўрганиш имкониятлари юзага келди. Амлокларда анъанавий хўжалик турли хил бўлиб, ҳар бир уруғ ўз урф-одатларига, анъаналарига эга. Кам сонли этнос сифатида дўрмон, кенагас, қовчин, қўтчи, туркман, батош, қоратамғали кабиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бу  кам сонли уруғлар маҳаллий қадимий ўтроқ уруғлар билан ёнма-ён яшаб истиқомат қилиб, ўзларининг маълумот этник тарихи билан ажралиб туради. Дўрмонлар XV асрда ўзбеклар давлати бирлашмаси (уюшмаси)даги қабилалар қаторида тилга олинган. Хўжалиги ва турмуш тарзини этнологик жиҳатдан ўрганишда дўрмонлар ҳақида қуйидаги хулосага келиши мумкин. Дўрмонлар ўтовининг қурилиши, шеваси ва антропологик типи бўйича улар ўзбек-қўнғиротлардан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдилар. Эҳтимол, улар Сурхондарё воҳасига Чингизхон қўшинлари таркибида ҳамда кейинчалик Шайбонийхон қўшинлари таркибида келиб қолиб, муқим ўтроқ жойлашиб қолганлар. Худди шундай кам сонли этнослардан бири Кенагас уруғи бўлиб, 1924 йилда И.Магидович кенагас уруғи ҳақида Яворскийнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтади: «Эмишки, бу уруғ аввал манғит уруғининг бир бўлими бўлиб, аммо кейин ундан ажралиб чиққан ва энди улар бир-бирига ашаддий душман». Бу фикрни И.Магидович қуйидагича давом эттиради: «Кенагасларнинг манғитлардан келиб чиққанлиги шубҳали, Кенагаснинг бўлимлари номидан кўриниб турибдики, бу қабила бир неча турк қабилалари

бўлакчаларининг иттифоқидир». Тадқиқотлар давомида ўтказилган сўровларда эса сурхондарёлик кенагаслар ўзларини Қашқадарёдан келган деб ҳисоблайдилар.

Ҳар бир уруғ бой ўтмиш тарихга эга эканлиги, бошқа этнос урф-одатларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради. Буни кам сонли қовчин ва қўтчи уруғлари мисолида ҳам кўриш мумкин. И.Магидовичнинг билдирган маълумотида амлокларида Шўрчи амлокдорларида бу уруғлар Қашқадарёдан кўчиб келиб ўрнашган. Шўрчи амлокдорлигида ниҳоят кўп уруғлар яшаб, И.Магидович ўз маълумотларида туркман уруғини ўзбек қабиласи ёки уруғи Қашқадарё ва Самарқанд ҳудудидан Шўрчи амлокдорлигига кўчиб келган деб таъкидлайди. И.Магидович уларни туркманлар билан қариндошлигини инкор этиб, уларни ўзбек қабилалари билан бир уруғдан эканлигини тасдиқлашга ҳаракат қилади. 1924 йилда ўтказилган туманлаштириш бўйича комиссия ходимлари ва Гребенкин томонидан рўйхатга олинган қозиёқли, бўғайтили, қонжиғали ва ойтамғали уруғлари ўзбекларнинг найман, қўнғирот ва кенегес қабилалари таркибида учрайдилар, аммо булар туркман қабилалари таркибига кирмайди, деб ёзади.

Этник тадқиқотларда эса кам сонли туркман уруғларини илмий таҳлил этиш, уларнинг урф-одатларини, анъаналарини жуда чуқур ёритиш долзарб масаладир. Ана шу кам сонли этнослардан бири Батош уруи бўлиб, И.Магидович 1924 йил қуйидаги маълумотни келтириб ўтади. Батош уруғи туркманларнинг аймоқ қабиласининг бир қисми бўлиб, бу уруғ Шўрчи ҳудудига Қашқадарёдан келиб жойлашган. Шўрчи амлокдорлигиининг ўтроқ аҳолисига айланган кам сонли этносларнинг деҳқончилик маданияти қадимий ҳамда кенг тармоқли бўлиб ҳисобланган. Деҳқончиликда сабзавот, полиз экинлари пиёз, шолғом, кади, сабзи, ловия, тарвуз, қовун сўли экилиб, боғбонлар узум, шафтоли, ўрик, олча, олма, нок, ёнғоқ, бодом, анор, анжир, тут етиштирганлар. Шўрчи амлокдорлигидаги дўрмонлар томонидан тайёрланиб қуритилган мевалар амирлик томонидан ташқи бозорига катта

миқдорда қўриқ мева чиқарилган. Дўрмонлар суғорма деҳқончиликда муҳим ўрин эгаллаган пахта экиш билан шуғулланишган. Шунингдек Дўрмонлар пахтанинг кўк ва малла чигитлисини экишган. Бухоро амирлигида 5 фунт пахта уруғини 20 тийин баҳолаганлар. Шўрчи амлокдорлигида етиштирилган дўрмонлар томонидан етиштирлган пахта толасига эътибор катта бўлиб, ушбу пахтани руслар Термиз орқали сотиб олиб Россияга жўнатган. Кам сонли этнослардан Батош, Туркман уруғларида ҳам пахтанинг Америка нави экилган. Батош, Кенагас, Қавчин, Қўтчи уруғлари Шўрчининг Сурхон дарё бўйларида деҳқончилик қилиб полиз ва сабзовот экинлари экилиб, қисман чорвачилик билан шуғулланишган. Асосий қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари омоч, панчшоха, мола, кетмон, белкурак, ўроқ, ходи, сихмоладан иборат бўлиб, ушбу меҳнат қуролларининг барчаси маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган. Батош, Туркман, Қоратамғали уруғлари ўз қишлоқларидаги темирчи усталарга ёки беклик марказидаги темирчи усталарга керакли асбобни буюртма бериб ясаттирганлар. Бундан ташқари ҳунармандлар эгар-жабдуқлар, ароба, тақа, тегирмон тошлари, умуман турмушда кенг қўлланиладиган кулолчилик ва кўнчилик маҳсулотларини ҳам тайёрлаб деҳқонларнинг эҳтиёжларини қондирганлар.

Маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган битта омоч 90 тийин бўлган. Туркманларда чармгарлик ривожланиб, бу ерда қўй-эчки, сигир, ҳўкиз, от, эшак катта миқдорда боқилган. Улар Амударё бўйларида чорвачилик билан кенг фойдаланишган. Батош, Қоратамғали уруғлари томонидан тайёрланган, эчки жунига талаб жуда катта бўлиб, маҳаллий ҳунармандлар ундан гилам, кигиз, хўржин, қоп, арқон, мато тайёрлашган. Қўй терисидан тайёрланган чармдан ҳунармандлар этик, махси, кавуш, меш, дам, чолвор, камар каби буюмлар тайёрлашган. Туркман, батош, кенегас уруғларида асосий транспорт воситаси от ҳисобланиб, йирик шохли ҳайвонлар, эчкилар боқилган. Батош, Дўрмон ва Қоратамғали уруғлари қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари кетмон, бел, ўроқ,

омоч сўқаси, қайчи ва бошқа буюмларни ўзлари тайёрлашиб, ҳатто буюртмалар олиб бошқа қишлоқларга ҳам сотганлар.

Шўрчи амлокларида истиқомат қилган кам сонли этнослар ҳам турли солиқ, йиғим ва ҳашарларга жалб этилган. В.В.Бортольд маълумотига кўра, амир Шоҳмурод даврида барча солиқ ва йиғимлардан Шўрчи амлоклдорлиги аҳолисини ҳам қисман озод этилган. Шу жумлада, кам сонли этнослар ҳам 1920 йилга қадар бу имкониятлардан фойдаланилди. Кам сонли этнос ҳунармандларнинг аҳволи амирликнинг бошқа ҳунармандлари аҳволига қараганда бироз оғир эди. Денов беклигидаги Қизилсув дарёси тошиб кўприкни бузиб кетганда дўрмон, кенегас уруғлари жалб қилиниб, кўприк қайта тикланган, бу ҳашар ёғингарчилик кунларида 20 кун давом этган. Агар аҳоли орасидан кимки ҳашарда қатнашишдан бош тортса, унга жарима боқи пули солишган. Масалан, Қорлуқдан ҳашарга келмаганлардан 1 тангадан, Хўжасоат ва Синадан 2 тангадан боқи пули олишган. Батош, кенегас ва дўрмон ҳунармандларининг кундалик турмуш тарзи ниҳоятда оғир бўлиб, аянчли турмуш кечирган. Шунингдек, Шўрчи амлокларидаги бозорларда бу ҳунармандларнинг маҳсулотлари кам нархда баҳолаган. Шу туфайли 1883 йилги Деновда бўлиб ўтган қўзғолонда дўрмон ва кенегас ҳунармандлари ҳам фаол иштирок этган. Кам сонли этносга кирувчи ҳунармандлар ўз маҳсулотларини сотиш учун бозордан дўкон очишга рухсат беришни, маҳсулотлар нархининг баҳосини туширмасликни талаб қилганлар. Бироқ ушбу талаблар бажарилмасдан қўзғалончилар ва унинг раҳбарлари қаттиқ жазоланади.

Шўрчи амлокдорлаи солиқни натурал (маҳсулот) ҳолида эмас, пул билан йиғиб топширганлар. Шўрчи амлокдорлари хусусий мулк ерлари-ёрлиқли мулк ва атойи мулк турларига бўлинган. Ёрлиқли мулк ерлари деб, феодалларга, уламоларга, амлокдор ва бошқаларга инъом қилиниб, уларнинг шахсий мулкига ўтган давлат ерларига айтилган.

Атойи мулк ерлари бошқа хил йўллар билан эгалланган ерлар бўлиб, бу ерлардан ҳам ер солиғи ундирилган, аммо солиқни ер эгаси эмас, балки ижарадор тўлаган.

Шўрчи амлокдорлигида солиқ ва мажбуриятларнинг 25 дан ортиқ тури бўлган. Шўрчи амлокдорлигида қўйидаги ер эгалари солиқ тўлашдан озод қилинган:

1. Амлокдор ва бекнинг оила аъзолари
2. Навкарлар, сарбозлар, юзбошилар
3. Қози, оқсоқоллар, руҳонийлар
4. Васийлари бўлмаган 13 ёшга кирмаган етимлар.

Амлокдорликда ерсиз деҳқонлар ҳам жуда кўпчиликни ташкил этиб, улар 3 гуруҳга бўлинган.

1. Корранда-буларнинг ўзларида ерлари ва ишлаб чиқариш қуроллари бўлмай, 30-20, 30-40 банат ва ундан ортиқ ери бўлган заминдорларнинг ерларини ижарага олиб, шу ер ҳисобидан амирга тўланадиган солиқни ер эгаси билан баб-баравар тўлаш шарти билан ишлаганлар.
2. Ердан олинган ҳосилнинг 4/1 қисмини олиб ишловчилар Чорикорлар деб аталган.
3. Бундан ташқари бекликларда вақф ерларида ишловчи ижарадорлар ҳам бўлган.

Шўрчи амлокдорлигида турли хил солиқлар ниҳоят даражада кўп бўлиб, амирлик белгилангандан ташқари амлокдорлиги ҳам ўз лавозимлари ва ҳуқуқларидан фойдаланиб, халқни қўшимча солиқларга мажбурий тарзда тортган. Солиқда кўрсатилган маҳсулотлардан ҳақ олиш доимий ўзгариб турган. 1868 йил бошида 1-мана (1 кг ўлчов бирлиги ўртача 800 гр га тенг) буғдой 18 танга, 1 қўй 12 танга баҳоланган бўлса, йил охирига келиб, 1-мана буғдой 16 тангага, 1 қўй эса 14 тангагача кўтарилганлигини Шўрчи амлокдорлар солиқ ҳаражатлари йиғилган ҳосилга нисбатан 15 фоиз миқдорида белгиланган. Шўрчи амлокдорлар 5 мана буғдойдан 1 манаси беклик фойдасига ёки жами ҳосилнинг 5/1 қисми бек хазинасига мажбурий олинган. 8 мана буғдойдан 4 манаси қолган турли харажатларга йиғиб олинган.

1885 йилда Денов беклигида Бухоро қушбегиси ҳужжатларида кўрсатилгандан ортиқча солиқ олинган, айниқса, боғ солиғи, мева солиғи

каби солиқлар ҳам бўлган. Масалан, 1 таноб ер 18 тангага баҳоланган. Шўрчи амлокдорларда боғ ва чорбоғлардан олинадиган солиқ 1 таноб ер учун 13 танга, 1 таноб беда майдони учун 6 танга, 1 таноб полиз майдонлари учун 12 танга солиқ олинган. Бироқ бек ва амлокдорлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, қушбеги ҳужжатларига амал қилмасдан 1 таноб боғдан 26 танга, 1 таноб бедадан эса 12 танга солиқ олишган.

Шўрчи амлокдорлигида ўтин пули, қамиш пули, сув пули, тўй пули, мактаб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлиб, бундан ташқари сўйиш пули бўлиб, яъни қассобларга ойига 20 танга миқдорида маош тўланган. Шунингдек, маҳаллий бойлар, оқсоқоллар меҳмонларнинг ҳурмати учун муштак солиғи тўланган, унга кўра ҳар бир деҳқон олган ҳосилидан 1 чора (2 кг) миқдорида солиқ тўлаган. Шўрчи амлокдорлигида мактаб пули солиғи ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга (яъни муллаларга) қушбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга солиқ тўлаши қайд этилган.1886 йил Шўрчи амлокдорларининг мактаб пулини ҳар ойга 20 танга ҳисобида белгилаган. Ўз навбатида бекликларни ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун турли солиқлар ҳам йиғиб олинган. Масалан, ариқ пули, тегирмон пули, ҳашар пули, ҳашак пуллари каби солиқлар ана шулар жумласидандир. Солиқлар ичида боқи-пули амирлик ва беклик ишларига жалб қилинадиган, яъни суғориш иншоатларини қайта таъмирлаш учун 1-2 танга ҳисобида олинадиган солиқдир. Чўлларни ўзлаштириш, ариқ зовурларини таъмирлаш учун 11 танга ҳисобида солиқ олинган. Шўрчи амлокдорлиги ҳисобига ҳар бир хонадон юк ташиганлиги, кўмир ёққанлиги, ун ташиганлиги ва бошқа хил ишлар учун ҳам белгиланган миқдорда солиқ тўлаган. 1885-1886 йилларда Шўрчи амлокдорларнинг боғлар ва экин майдонларини ўз ихтиёрига ўтказиб олганлиги ҳамда олинаётган фойдани солиқ ҳисобида амирлик хазинасига топширмаётганлиги хусусида арз қилган. Бундан ташқари арзномада, олиниши керак бўлган 4 мана буғдой солиғи ўрнига 8 мана буғдой солиғи олинмоқда, шунингдек,

қушбеги ҳужжатларида қайд этилган бошқа солиқ турлари ҳам белгилангандан кўп миқдорда олинаётганлиги таъкидланган .

Ушбу арзномани Дўстёрхожи, Неъмат оқсоқол, Муҳаммадқул, Абдураҳмон, Саидмуҳаммад бойлар тасдиқлаганлар. Умуман, Шўрчи амлокдорларда Бухоро амирлиги манфаатлари учун солиқ олиш доимий тарзда ташкил этилган. Лекин солиқ олиш ишлари доимий тарзда Бухоро амирлиги қушбеги маҳкамаси томонидан назорат қилиб борилган. Бироқ, Бухоро амирлигида солиқлар тизими мунтазам ва тўлиқ қонуний тарзда такомиллашмаганлиги сабабли вақти-вақти билан солиқлар миқдори ва тури ўзгариб турган. Бухоро амирлигининг Шўрчи амлокдорлигида солиқ тизими ниҳоятда қаттиқ қоида асосида ташкил этилиб, солиқ тўлашдан бош тортганлар шариат қонунлари билан жазоланган.

## ШЎРЧИ АМЛОКДОРЛИГИДАГИ САВДО ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

.

Сурхон воҳасида эркин рус савдосини ривожлантириш, бекликлар ихтиёридаги бозорларни ўз таъсирига олиш, ҳамда инглиз саноати маҳсулотларини Шарқий Бухорога киритмаслик мақсадида рус ҳукумати Шарқий Бухоро ва Афғонистон бозорларига киритилаётган ҳар бир пуд рус саноат маҳсулоти учун савдогарларга 4 рубль 50 тийиндан 6 рубль 50 тийинга махсус мукофотлар белгилади. Шўрчи амлокдорлигида сотиш учун юкланган молларни ўз манзилига етказиш учун юк ортилган аравани тортаётган от учун 4 рупийдан 6 рупийгача, аравага ўтирган ҳар бир одам учун 2 рупий миқдорда ҳақ олинган.

Шўрчи амлокдорлигида мунтазам амалга ошириладиган савдо ишлар Амударё орқали бўлиб, Афғонистон, Эрон, Араб мамлакатларига савдо-сотиқ ишлари олиб борилган. Бироқ Амударёдан юк олиб ўтиш машаққатли бўлиб, махсус тайёрланган мешлар бир-бирига боғланиб, сол ясалиб, савдо юклари, одамлар кечувидан ўтказилган. Аммо ушбу мешдан тайёрланган соллар

кичик, юк кўтариш қобилияти паст бўлиб, гоҳида дарё оқимига дош беролмай одамлар ҳамда юкларга кўп хавф-хатар туғилган. Натижада савдогарлар катта зараларлар кўришган. Афғонистон орқали Бухоро амирлиги бозорларига келтирилган савдо юклари Шўрчи амлокдорлиги бозорларида сотилган, маълум қисми амирликнинг ичкариги бекликларига олиб кетилган. Ўз навбатида ушбу постлар савдо божхона назорати вазифасини ҳам ўтаган. Божхоналар савдогарни ҳаёт ва мол-мулкини ҳимоя қилиш, карвонсаройларда юкларни сақлаш, ақиқа билан таъминлашдек вазифаларни ҳам ўз зиммасига олган.

Рус савдогарлари Шўрчи амлокдорлигида савдо-сотиқ ишларини олиб бориш учун ҳар бири ўртача 14 дан 18 рупийгача, яъни 4 рубль 90 тийиндан-6 сўм 30 тийингача пул харажати қилар эди. Худди шунга ўхшаш рус-афғон савдо карвонлари Шўрчи амлокдорлигидан ўтаётган вақтда юк учун 2 танга (30 тийин), ҳар бир туя ёки от учун 1 рубль 50 тийин бож ҳақи тўлар эди. Бухоро амирлиги Шўрчи амлокдорлигидаги чегара ҳудудларини назорат қилиш давомида юкларни хавфсизлигича, карвонсаройлар билан таъминлаш, озиқ-овқат тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилган. Шунинг учун Шўрчи амлокдорлигида махсус карвонсаройлар қурилиб, ҳар бир карвон алоҳида назоратдан ўтказилиб, карвон учун зарурий шарт-шароитлар яратилган.

Шўрчи амлокдорлигида кўн тайёрлаш (чармгарлик) ҳунармандчилигининг ривожланишида чорвачилик катта ўрин тутиб, бу ерда қўй-эчки, сигир, ҳўкиз, от, эшак катта миқдорда боқилган. Шўрчи амлокдорлигидаги тоғ-адирларда катта миқдорда чорва моллари боқиш  имкони бўлган. Майда туёқли чорва моллари 2,5 миллион бошга яқин бўлиб, шундан 1,600 минг қоракўл қўйларидан иборат бўлган. Қоракўл қўйлари Шўрчи амлокдорлигида боқилган, қоракўл терилар асосий даромад манбаи ҳисобланиб, ташқи савдода катта ўрин эгаллаган. И.А. Ренез маълумотига кўра, четга 1840-1849 йилларда 83,3 минг сўмлик 398000 дона қоракўл тери чиқарилган бўлса, 1887 йилда 750000 дона, 1903 йилда 1 миллион дона қоракўл тери четга

чиқарилган. Биринчи жаҳон урушига қадар Бухородан чиқарилган умумий маҳсулотнинг 35 фоизини қоракўл тери ташкил этиб, у 20 миллион сўм (тилла ҳисобида) ни ташкил этган. Амирликда бир дона қоракўл териси, асосан, Афғонистон-Ҳиндисон-Лондон йўли билан четга юборилган. Қоракўл териларига талаб ниҳоятда катта бўлиб, Шўрчи амлокдорлигидаги қоракўл терилари ўзининг тилла, кумуш ранглари билан ажралиб турар эди. Шунинг учун чет эл фирмалари бу бекликлардаги қоракўл териларга алоҳида эътибор берган.

Амирликда асосий транспорт воситаси туя ҳисобланиб, унинг умумий миқдори 500 минггача яқин бўлган. Ҳавонинг иссиқ-совуғига ва сувсизликка чидамли туянинг нафақат териси ва гўшти истеъмолда бўлган, балки ундан катта миқдорда жун ҳам олинган. Бутун хонлик ҳудудида биринчи жаҳон урушига қадар 70000 пуд туя жуни тайёрланиб, шундан 30000 пуди Россияга жўнатилган. Йирик шоҳли ҳайвонлар бутун амирликка тарқалган бўлса ҳам, улар асосан катта миқдорда Шўрчи амлокдорлигида боқишган. Йирик шоҳли ҳайвонлар амирликда 1,7 миллион бошни ташкил этган, бундан ташқари тоғли ҳудудларда катта миқдорда эчки боқилиб, уларнинг сони 6,5 миллионга етган.

Шўрчи амлокдорлигида ижтимоий турмуш тарзи ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган савдо-сотиқ, унинг ривожига ҳисса қўшган йўлларни қуриш масаласига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилинган. Шўрчи амлокдорлигини ўзаро алоқасини боғлайдиган йўлларни қуриш, таъмирлаш, кўприкларни қуриш ишларига маълум эътибор берилди. Шўрчи амлокдорлигининг йўлларини таъмирлаш, давонларни, дарё жилғаларини тозалаш, сув ўпириб, ювиб кетган дараларни тиклаш масаласида Ҳисор-Шўрчи-Қумқўрғон-Жарқўрғон манзилгоҳларидаги кўприкларни қуриш ишлари, қайта таъмирлаш XIX асрнинг 20-30 йилларида мукаммал амалга оширилди. Бироқ йўлларни асосий қисмида тош ётқизилмаганлиги туфайли, лой, ботқоқлик араваларининг ҳаракатига

жиддий тўсиқ бўлиб, карвонлар ҳаракатини тўхтатиб, ғилдиракларини тез издан чиқишига сабаб бўлар эди.

Йўл қурилиши имконият ва етарли харажатлар бўлишига қарамасдан амир ва унинг бекликларида эътибор ниҳоятда суст бўлиб, йўл ҳамда кўприк қуришга оид муҳандислик имкониятларидан фойдаланилмас эди. Ғилдиракли аравалар учун йўлларнинг йўқлиги, юк ташувчи ҳайвонларнинг туёғи таъсирида йўлларни тезда бузилиб, ўнқир-чўнқир бўлиши оқибатлари деярли таъмирланмаслик туфайли йўлнинг энини аниқлаш қийин бўлиб, йўллар ўз йўналишларини ўзгартириб турарди. Масалан Шўрчи амлокдорлигининг йўли Х1Х асрда доимо шу аҳволда эканлиги кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган. Натижада юк ташувчи ҳайвонлар учун ниҳоятда қийин бўлиб, оғир юк ташувчи от ва туялар ҳаракати машаққатли эди. Бироқ Шўрчи амлокдорлигида отлар асосий транспорт воситаси бўлиб, чидамли ҳамда бақувватлиги билан ажралиб турарди. Х1Х асрнинг бошларида Ҳисор, Боботоғ отлари алоҳида ажралиб, бу отлар ўзининг машҳурлиги билан ажралиб турган. Чидамли бўлган бир ботмон (8 пуд) арпани ва бақувват эгасини кўтариб кета оларди.

1900 йил Термиз ҳарбий истеҳкоми ҳарбий қисмлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган стратегик йўллар лойиҳасини тайёрлашни бошлади. Шўрчи амлокдорлигига олиб бориладиган йўлларини аниқлаш зарур ҳарбий ҳаракатлар учун қулай имкониятларни яратишга Россия ҳарбий мажбурияти жиддий киришди. Чунки Шўрчи амлокдорлиги дарё қирғоқларида жойлашган бўлиб, йўллар ниҳоятда нотекис, қум-лойқа босган баланд-пастликлардан иборат бўлганлиги учун Россия ҳарбий қисмлари ҳаракатига тўсқинлик қилар эди.

Шўрчи амлокдор Шўрчи-Денов-Ҳисор йўллари лой, чанг эгри-бугри йўллар бўлиб, ушбу йўлларни таъмирлаш, янгидан қуриш, почта, савдо хизматини яхшилаш, кўприклар қуриш, таъмирлаш масаласида етарли даражада маблағ бўлсада, иш қилинмади. Асосан йўллар сўқмоқ кўринишда бўлиб, туя карвонларини ҳаракат қилишига тўсқинлик қилиб, лойгарчилик

даврида баъзи йўлларда ҳаракат 2-3 ой тўхтаб қолган. Юклар асосан отлар билан ташилиб, инсон ва юк ташувчи ҳайвонлар учун катта қийинчиликлар келтириб, савдо-сотиқ ривожланишини кескин камайтириб юборди. Россия ҳукумати Термизни эгаллаб, ўзининг муҳим ҳарбий стратегик таянч марказига айлантиргач, Термиз-Денов, жумладан Шўрчи амлокдорлиги йўлларини лойиҳасини яширинча тузишга киришди. Темир йўл қуриш, ғилдиракли аравалар учун тош ётқизилган йўлларни ишга тушириш масаласида ўз лойиҳаларини яратди. Бироқ маҳаллий халқ ҳамда Бек маъмуриятини Россияга нисбатан бўлган ёмон кайфияти ушбу масалани амалга оширишда анча вақт халақит бериб турди.

## ШЎРЧИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА-ТАРИХГА ХОЛИСОНА МУНОСАБАТ

Ўзбекистонда «маданий инқилоб» сиёсатининг амалга оширилиши жараёнида умумий таълим тизимининг ўрни ва роли, араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш соҳасида амалга оширилган ишлар, совет мустабид тузуми шароитида олий, ўрта махсус таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш масалалари ва ўзбек фанининг ривожланиш муаммолари илмий жихатдан таҳлил қилинган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1920 йилларда Сурхондарё воҳасида мавжуд бўлган илм масканлари мадраса, масжидлар, нодир қўлёзмалар, китоблар, илмий тафаккур илми жойлашган қадимий кутубхоналар, миллий урф-одатлар, қадриятларни акс эттирган масканлар йўқ қилиб кули кўкка совурилди. Маҳаллий халқ ичида етишиб чиққан зиёлилар, халқ севган ҳофизлар, бахшилар, санъат, адабиёт ходимлари, кўзга кўринган ҳунармандлар, усталар, миллий меъморчилик намояндалари халқ табобати вакиллари ўз ватанидан қувғин қилинди, қириб ташланди ҳамда отиб ташланди. Миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар, диний таълим, ахлоқий фикрлар

мустабид тузум таъсирида йўқ қилинди ҳамда халқ хотирасидан бир умрга чиқариб ташлаш ғояси билан тарғибот олиб борилди.

Шўрчида 1921 йилнинг январда инқилобий бошқарув қўмиталари тузилиб, қўмита асосан совет ҳокимиятини ўрнатиш, миллий озодлик ҳаракатини бостириш, қаршилик ҳаракати раҳбарларини йўқ қилиш билан шуғулланиб, совет ҳокимиятини тўлиқ ўрнатиш ва таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб олди. Советларнинг махсус ГПУ (Бош сиёсий бошқарма), ЧК (Фавқулодда қўмита) бўлинмалари воҳада жосуслик ҳаракатларини ниҳоятда кучайтириб, оммавий тарзда маҳаллий аҳолини қамоққа олиш, қириб ташлаш билан шуғулланади. Большевиклар маҳаллий халқни иккига бўлиб ташлаб, уларни бир - бирига қарши курашга чорлаб, бундан ўзларининг манфаатлари учун усталик билан фойдаланадилар.

Колхозга кирганлар орасидан ҳам қулоқ унсурларини топиш ва уларни олдиндан рўйхатга олиб, юқоридан қулоқларни сургун қилиш ҳақида кўрсатма келиши биланоқ бу рўйхатдагилар мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилиб юборилган. Бу рўйхат Шўрчи қишлоғидаги «Озод» колхозидан 11, Кенагас қишлоғидаги «Қизил Шарқ» колхозидан 2, Қорлуқ қишлоқдаги «Янги район» колхозидан 3, Жабу қишлоғидаги «Намуна» колхозидан 5, Чўнтош қишлоғидаги «Қизил деҳқон» колхозидан 4 оила киритилиб, улар турли баҳоналар билан сургун қилинди.

«Озод» колхози аъзоси Жума Эрназаровга мануфактура сотиш билан шуғулланади, доимий равишда 3—4 ишчига эга, колхозга киришидан аввал унинг қўлида Юнус Хакимов ишлаган, ҳозирда 1 от, 2 хўкиз, 3 сигир, 80 қўйи ва 1 ёғ жувози бор, деган айб қўйилган. Шу колхоздан Аскар Авлиёевга эшон бўлгани, ер ислоҳоти туфайли тугатилгани, Қодир Исмоиловга ҳуқуқдан махрум қилинганнинг ўғли, отаси имом бўлган, деган айб қўйилган. «Қизил маслахат» колхози аъзоси Жўра Мелибоевга савдогар, Нормўминга савдогар, чойхонаси бор, «Қизил деҳқон» колхози аъзоси Бобомурод Хожиназаровга амир даврида 5 йил давомида оқсоқол бўлган, 1929 йил қулоқ қилинган,

сайлов ҳуқуқидан махрум этилган, 1 от, 2 хўкиз, 3 сигир, 1 ёғ жувози бор, деган айб қўйилган. «Намуна» колхозидан Мулла Жума Эргашев, Мулла Холиқ Шокиров, Ортиқ Омонов, Мулла Кўчқор Нурматовлар имом бўлганлари учун қулоқлар рўйхатига киритилган. «Бурнашев» колхозидан Мусабой гуруч бозорида даллоллик қилгани, Абдураим Рахмонов эшон бўлгани учун сургун қилинганлар рўйхатига киритилган.

Босмачиликда иштирок этгани ва улар билан сўнгги йиллардаги алоқаси учун Вахшивор қишлоқ совети раиси, бир батракни ўлдириш масаласи бўйича «Зардакўл» қишлоқ совети раиси Холиқ Имомов, котиби Шоймардон Авазов вазифасига совуққон бўлгани учун, «Жабу» қишлоқ совети раиси Алимардон Шодиев пилла тайёрлаш вақтидаги фаолиятсизлиги учун, «Олатемир» қишлоқ совети раиси Тўхтаев фаолиятсизлиги ва ёт унсурлар билан алоқа қилгани учун, «Шўрчи» қишлоқ совети раиси Юсуф Сафаров, котиби Махмуд Алимардонов ишига совуққон бўлгани учун, «Хайробод» қишлоқ совети раиси Усмон Боймуродов синфий йўлни бузгани учун, «Тортувли» қишлоқ совети раиси Сайид Аминов пахта бўйича зараркунандалиги учун, «Кенагас» қишлоқ совети раиси Назар Холназаров синфий йўлни бузгани учун, «Омбарсой» қишлоқ совети раиси Шукур Алиевлар қатағон қилинади. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллигининг Москвага йўллаган 30-сонли махфий маълумотномасида 1931 йил 16 мартгача бой, антисоветчиларнинг юқори табақаларини қамоққа олиш 13 мартда бошланган. 3 та қишлоқ совети бўйича 14 март куни 19 киши қамоққа олинган. Узоқда жойлашган бошқа жабҳалардан маълумот келиб тушмади, операцияга Ўзбекистон ГПУси раиси ўртоқ Дорофеевнинг шахсан ўзи раҳбарлик қилмоқда деган маълумотлар қайд этилган.

Сурхондарёнинг Шўрчи шаҳридаги фахрий Турдимурод Мардаевнинг эслашича, Амударё ёқасида жойлашган Паттакесар районидан кўплаб бой-қулоқ, ўрта ҳол, ҳатто ҳозиргидек кема ва баржалар бўлмаган. Бечора қочоқлар Афғонистонга ўтиб кетишга харакат қилганлар, омади юришганлари бир амаллаб ўтиб кетган, омади юришмаганлари дарёга чўкиб оқиб кетганлар. Айрим ҳолатларда дарёдан ўтиб кетаётганларни

чегарачилар, Қизил аскарлар фаҳмлаб қолиб, улар устига ўқ узганлар. «Ўқ ёмғири»дан ёшу қарилар сувда жон берганлар. Отаси ўтиб олиб, бола-чақалари ўта олмай қолган ҳолатлар юз берган. Чегарада қўлга олинганлар «учлик»ларга берилган, улар бу қочоқларни концлагерлар қамоқхоналарга, узоқ юртларга сургун қилиб юборганлар.

Шўрчи қишлоғидан Абдураҳмонов Саттор Шоймуротович оиласи (Шоймуротова Онархон (1882 йил) ҳам «Савай»да сургун муддатини ўтаганлар. Бу мисол келтирилганларнинг аксарияти пахтачиликда меҳнат қилганлар. Асосий меҳнат қуроллари кетмон ва оддий қуроллардан иборат бўлган. Кўчирилганлар мислсиз оғир шароитида яшаб меҳнат қилганлар, ўша сургун қилинганлардан бир қанчаси ҳозирда шу жойда яшамоқда. Пирим Ҳасановнинг хонадони 1931 йил октябрида махсус меҳнат қишлоқларига кўчириб келтирилганлиги, акалари сантехник, тракторчи, ишчи бўлиб ишлаганлиги, ўзи бригадир бўлиб, катта қийинчиликлар билан пахта етиштирганини эслайди. Айниқса, дастлабки пайтларда кўчириб келтирилганлардан 100 хўжалик ертўлага жойлашгани, уларнинг кўпчилиги бу оғир қийинчиликларга дош бера олмасдан ўлиб кетганлиги ҳақида афсус билан гапирди.

Совет ҳокимияти Октябр тўнтарилишининг дастлабки кунларидан бошлаб, хусусий мулкни бекор қилиб, «Ер тўғрисида» ги декретни қабул қилди. Ерга бўлган хусусий мулкчилик тугатилиб, «Ер коммитетлари» орқали қишлоқ хўжалигини бошқаришга ўтди. Иқтисодий қолоқлик, фавқулодда ҳокимиятнинг бошқарув тизими ҳамда «Ҳарбий коммунизм сиёсати»га ўтилиши натижасида хўжалик юритишнинг ҳарбийча тартибга тушиши маҳаллий аҳолининг ҳаётида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Меҳнат мажбуриятларининг тинимсиз оширилиши, ўзбошимчалик ва зўравонлик сиёсати, аҳолининг норозилиги ва мавжуд тузумга қарши курашга чиқишига сабаб бўлди.

Фуқаролар уруши йилларида Шўрчидаги ирригация ва мелиорация ишлари издан чиқди, кўпгина сув иншоотлари бузилиб, ариқ ва каналларни

ўтказиш деярли камайиб, суғориладиган ерларнинг кўпи қишлоқ хўжалик тармоғида яроқсиз ҳолга келиб қолди. 1920-йиллардаги фуқаролар уруши даврида меҳнат мажбуриятларининг ҳаддан ташқари кўплиги халқнинг деҳқончилик ва суғориш ишларига бўлган муносабатини кескин ўзгартирди. Ерга ва сувга нисбатан хусусий мулкчиликнинг бекор қилиниши натижасида суғориш тизими издан чиқиб, канал ва ариқларни тозалаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. 1925 йилдан бошлаб Совет ҳукуматининг ер-сув ислоҳоти туфайли Сурхон воҳасида суғориш тизимини ҳашар йўли билан тиклаш, янги сув иншоотларини қуриш, сув таъминотини яхшилаш борасида амалий ишлар қилина бошланди. Фуқаролар урушидан кейин Сурхон-Шеробод воҳасида ирригация ва мелиорация ишлари тикланиб, жамоа хўжаликларининг ташкил этилиши натижасида бу соҳага алоҳида эътибор берила бошланди. 1925 йил январда Совет ҳукумати пахтага бўлган талабни қондириш мақсадида Сурхондарё округини ташкил этиб, унинг ихтиёрига 2,129 минг десятина ер майдонини ажратди. Ушбу ер майдонининг 52,5 минг десятинаси суғоришга яроқли эди. Округ ташкил этилган даврда ўртача бир омочга 2,72 десятина ер, бир баронага 9,49, бир кетмон ва белга 2,3, бир ўроққа 1,70 десятини ер тўғри келган.

Сурхон-Шеробод воҳасида 1925 йилда ирригация тизимини тезроқ тиклаш сув таъминотини яхшилаш мақсадида, тўққизта сув тармоғи тақсимоти ва 64 та мироблик бўлимлари ташкил этилди. 1925 йилда бутун Сурхон воҳаси 2 сув округига бўлиниб, биринчи сув тармоғи саналган Юқори-Сурхон округи таркибига воҳанинг юқори қисми, яъни Қоратоғ, Дашнобод, Тўполанг, Хўжаипок, Дагдон, Хўжаоб-Қорасув дарёлари ва шу ҳудудларга қарашли тоғ булоқларида қурилган суғориш тизимлари кирди. Юқори Сурхон округининг биринчи сув тармоғи Юрчи деб аталиб, у 6 та сув ҳудудларидан, иккинчи сув тармоғи эса Шеробод сув округи ҳисобланиб, у 9 та сув тақсимлаш тармоқларидан иборат эди. 1925 йил Сурхон-Шеробод воҳасида дастлабки қишлоқ хўжалик кооперацияси тузилди. 1925-1926 йилларда Сурхондарё округида 6 та мелиоратив, Оққўрғон, Дашнобод,

Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон, Қорлиқ ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди.

Янгидан ташкил этилган сув хўжалиги бошқармаси воҳа сувдан фойдаланувчилари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, Сурхондарё сув хўжалиги ишчилари ва сув тақсимотчиларини, миробларни сайлов асосида тайинлашни йўлга қўйди. Шу тариқа Шўрчида илк бор мироблар сайлови махсус кўрсатмалар асосида, яъни сув хўжалигининг дастлабки уюшмаларига ва миробликка камбағал деҳқонлар ўртасидан сайланди. Масалан, 1925-1926 йилларида миробликка сайланганларнинг кўпчилигини кам ерли ва ўртаҳол деҳқонлари ташкил этиб, уларнинг сони 348 та нафарга етди. Шўрчидаги биринчи «Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси» 1925 йил ноябрда ташкил топди. 1926-1927 йилларда экин майдонларини кенгайтириш бўйича каттагина ишлар амалга оширилди. 1926 йил охирида эса янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Шўрчи ботқоқларини қуритиш бўйича талай ишлар амалга оширилди.

XX асрнинг 20-йилларида Сурхондарёнинг «Мелиоратив ўртоқлик уюшмалари» ташаббуси билан камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар «Қўшчи уюшмаси»га бирикдилар, 1927 йилда «Қўшчи уюшмаси» аъзолари сони 18 минг нафарга етди. Совет ҳукумати янги ерларни ўзлаштиришда ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш ва марказ саноатининг пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида 1927-1928 йилларда узоқ муддатга мўлжаллаб қишлоқ хўжалиги учун 540752 сўм, қисқа муддатга мўлжаллаб эса 434165 сўм маблағ ажратди. Ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ўзига бириктирган «Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси» ва «Қўшчи уюшмаси», 1927-1929 йилларда нафақат ирригацион ишларни, балки Шўрчида ер-сув ислоҳотини ўтказишда ҳам илғор қатнашди. Ўлкадаги ер-сув ислоҳоти бой ва ўртаҳол деҳқонларнинг ер мулкини тортиб олиш ва мусодара қилиш орқали амалга оширилди. Жамоалаштириш жараёни Совет ҳукумати томонидан адолатсиз, зўравонлик, сургун ва бадарға қилиш, шунингдек, маҳаллий халқ оммасини миллий ва маънавий жиҳатдан эзиш усуллари билан амалга оширилди. Совет

ҳукуматининг жамоалаштириш сиёсати маҳаллий аҳолини қўрқув ва ваҳимага солди, оқибатда улар ўз хўжаликларини ташлашга, ер майдонларини қаровсиз ҳолда қолдиришга ва чорва молларини эса сўйиб ёки бозорга арзон гаровга сотишга мажбур бўлдилар. Жамоалаштириш даврида юз берган бундай адолатсизлик, зўравонлик ва одамларнинг қадр-қимматини оёқости қилиш, халқ оммаси норозилигининг мислсиз даражада кучайишига сабаб бўлди. Совет ҳукуматининг амалга оширган «қатағонлик сиёсати» Шўрчини ҳам четлаб ўтмади.

Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш йилларида Сурхондарёда ер-сув ислоҳоти туфайли йирик ер эгаларидан 7 минг гектар ҳосилдор ерлар ва 1,5 минг бош мол мусодара қилинди ва уларнинг бошқа мол-мулклари тортиб олинди. Совет ҳукумати 1927 йилда жамоалаштиришни оммавий равишда сунъий тарзда тезлаштириб, ўз сиёсатини хаспўшлаш мақсадида қашшоқ маҳаллий аҳолига қисман ер бериш, ерсиз деҳқонларни ўз сиёсатига бўйсундириш йўлини тутди. Шу тариқа Сурхон-Шеробод ҳудудидан 4,5 минг кам ерли ва ерсиз батракларга ер тарқатилиб, ирригация ва мелиорация ишлари анча кенгайтирилди. 1927 йил ноябрь ойида, собиқ Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясининг III съездида ер-сув ислоҳотини ўтказиш, деҳқонларга ер бериш, йирик ер эгалигини тугатиш, барча округларда ер ислоҳоти бўйича белгиланган давлат режаларини бажариш масаласи юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Ирригация тизимларини тиклаш ва ерларнинг сув билан таъминланишини яхшилашга қаратилган ишлар натижасида, 1928 йилда экин майдонлари 65 минг гектарга етди. Шу жумладан пахта майдони 12,5 минг гектарни ташкил этди, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тизимини яхшилаш учун 1928 йилда Сурхон-Шеробод воҳасига 28 дона трактор келтирилди ва қўшимча 400 гектар ер ўзлаштирилди. Тракторчилар тайёрлаш курсида эса 92 та мутахассис тайёрланди.

Мавжуд мелиоратив хўжаликлар ва «Қўшчи уюшмаси» томонидан Шўрчида кохозларни ташкил этишга жиддий киришилди. 1926 йилда

Шўрчида дастлабки қишлоқ хўжалик артели тузилди. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. 1929 йилдан эътиборан, жамоалаштиришни зўравонлик асосида яъни сунъий тарзда тезлаштириш бошланди. Бунга И.В.Сталиннинг 1929 йил 7 ноябр куни «Правда» газетасида эълон қилинган «Буюк бурилиш йили» мақоласи сабаб бўлди. Шундан сўнг янги ерларни ўзлаштириш, сунъий суғориш тизимини кенгайтириб, янги суғориш иншоотларини ишга тушириш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилди. Чунки Совет ҳукумати пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида жиддий ёндошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш зарур эканлигини англаб етган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда суғориш ишларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги аниқ вазифалар ва тадбирлар ишлаб чиқилди:

- Суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш учун янги суғориш тизимларини вужудга келтириш ва сув ресурсларини ўрганиш;

- Ирригация ва мелиорация ишларини бошқарадиган ягона бошқарув ташкилотини шакллантириш, «Қўшчи уюшмаси»нинг камбағал аъзоларини майда суғориш тармоқлари ишига жалб этиш;

- Мелиоратив ширкатлар ва артеллар тузиш, ирригацияга доир малакали техник ходимлар, шу жумладан, маҳаллий аҳолидан мутахассислар тайёрлаш масаласига этибор бериш ва ҳоказо;

Шўрчи районида 1928 -1929 йилларда Дайтулак (аслида, Лойтула) канали ҳашар йўли билан қазилиб, канал Денов туманидаги Сурхон дарёсидан бошланди. Канал Қўштегирмон, Шамоли, Култепа, Тула қишлоқлари ёнидан ўтиб, Шўрчи тумани маркази орқали то Ойнақул қишлоғигача бўлган ҳудудларни сув билан таъминлади. Дайтўлак каналини қазишга бевосита раҳбарлик қилган шўрчилик Худойназар Соатов (Оқарбобо), Тошмир полвон Гайдаров каби минглаб одамлар фидокорона меҳнат қилиб, канал оқими Тентаксой (Олтинсой) дарёси устидан ёғоч-тахтадан ясалган улкан нов орқали ўтказилди. Шўрчи туманида

пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида Совет ҳукумати ирригация ишларига алоҳида эътибор бериб, 1930-1932 йилларда Қумқўрғон каналини қазиш ишларини бошлаб, бу канал Далварзинтепанинг шарқий тарафидаги Сурхон дарёсидан то Жарқўрғон шаҳригача 67 километр узунликдаги ҳудудда қурилди. Ушбу канал лойиҳасини ва уни қурилишини иригаторлар А.Я. Жимский, Т.Қувватов ва Алиаҳмедовлар раҳбарлик қилди. Қумқўрғон каналини қурилишига маҳаллий мироблар Абди Қодиров, Маматмўмин пучча Раҳимов, Худойназар Соатов, Қамбар Маматқулов, Бекназаров раҳбарлик қилган .Қумқўрғон канали қурилиши ҳам ҳашар йўли билан амалга оширилиб, Элбоён жарлигидан йирик бетон қувур (дюкер) орқали сув ўтказилиб, каналнинг биринчи навбати 1931 йил март ойи охирида, иккинчи навбати эса 1932 йилда ниҳоясига етказилган. Бу канал Шўрчи ва Жарқўрғон туманларидаги 2 минг гектар майдондаги экинзорларга оби-хаёт бағишлаб, янги боғ-роғлар, обод қишлоқлар бунёд этилди.

Совет давлати пахтачиликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ хужалигини механизациялашга алоҳида эътибор бериб Марказни кўрсатмаси асосида пахта териш машиналарига зарурий маблағларни ажратиб янги ҳудудларни ўзлаштиришга жиддий куч сарфлайди. Механизаторларни тайёрлаш курслари ташкил этиб, социалистик мусобақа йули билан оммавий механизаторларни ўқитиш мақсадида механизаторларни моддий-маънавий қуллаб-қуватлашга жиддий киришди. Ушбу мақсадга эришиш учун янги чақириқлар ва шиорлар ўйлаб топиб, механизаторлар ўртасида мусобақаларни оммалаштиди. Сурхон воҳасида дастлабки тракторлар 1928 йилда пайдо бўлган, 1929 йилда ташкил этилган Денов МТСи (машина-трактор станцияси)да 6 та ҳайдов трактори, 12 та плуг, 15 та борона (сихмола), 90 та «Ваннер» сеялкаси, 15 та от культиватори ва 18 та окучник (эгат очиш мосламаси) бор эди. Бу техника воситалари Денов минтақасидаги ҳозирги Шўрчи райони хўжаликларига хизмат кўрсатган. Ўша пайтда махаллий механизаторлар мутлақо йўқ эди. «Йигирма беш мингчилар» қаторида Россиядан келган Аҳад Черикбашев 1929 йилда Денов МТСи қошида тракторчилар курсини очди. У 1931 йилда 101-разъезд (ҳозирги Шўрчи темир

йўл бекати) ёнида механизаторлар тайёрлаш курсини ташкил этди, бу курсда 20 нафар шўрчилик йигит тракторчилик ҳунарини ўрганди. Моҳир механик А. Черикбашевнинг шогирдларидан Мирза Замонов, Ортиқ Саидов, Нарзулла Бобоназаров, Турсоат Мелибоев, Иброҳим Норматов 1930-йиллар бошида техника рўлини бошқарган. 1929 йилда Шўрчи районидаги дастлабки «Ўзбекистон беш йиллиги» жамоа хўжалиги (бошқаруви раиси Низом Поёнов), 13-«Қумқўргон» (1948 йилдан эътиборан «Комсомол 30 йиллиги») давлат хўжалиги (ҳозирги «Беш қахрамон фермерлар уюшмаси), кейин «Оққопчигай» давлат хўжалиги, «Ёруғлик» жамоа хўжалиги (раиси Қамбар Маматқулов) ва бошқа жамоа хўжаликлари ташкил этилди.

Шўрчи туманида чорвачиликни ривожлантиришга эътибор берилиб, чорва молларининг сонини купайтиришга алоҳида маблағ ажратиб, жамоа хужаликларида умумжамоа мулклари яратилиб, шахсий-хусусий чорва моллари маҳаллий аҳоли қўлидан тортиб олинди, 1930-йилда районда 3 минг қорамол, 56 минг майда мол бўлган, жамоа хужаликларини ташкил этишга совет ҳукумати жиддий киришиб, ўрта ҳол ва бой деҳқонларни мол- мулки тортиб олинди. Маҳаллий аҳолини жамоага жалб этишга катта куч сарфланиб, халқни қўрқитиш,мол-мулкини тортиб олиш ва сургун ҳамда қатоғонликка тортиш йўли билан мажбурий жамоа хўжаликларига жалб этди. 1930 йилда Шўрчи районида дастлабки Култепа агроучасткаси ташкил этилди, унга Куйбишевлик агроном Тимофей Дмитриевич Акимов раҳбарлик қилди. Агроучастканинг асосий вазифаси — давлат ва жамоа хўжаликларини уруғлик чигит ва дон билан таъминлаш, техника хизмати кўрсатиш, ғўза ва бошқа экинлар парвариши бўйича малакали маслаҳат беришдан иборат эди.

ХХ асрнинг 30-йиллари бошида Шўрчи районида 8 нафар биринчи механизатор 8 та «Интер» русумли ҳайдов трактори билан 18 та жамоа хўжалигига хизмат қилган. Тажрибали механик бир неча механизаторга бошчилик қиларди. 1931 йил ташкил этилган “Шарқ ҳақиқати” жамоа хўжалигига Турди Валиев раҳбар этиб тайинланиб, 1933 йилда Хайрабод агроучастка директори, 1935-1936 йилларда Жиндибулоқ агроучастка

директори, 1936-1939 йилларда 1-май (ҳозирги Толли) хўжалик раиси вазифасида ишлади. 1940-1941 йилларда “Камсомол”, 1947-1950 йилларда “Октябр 30 йиллиги” колхозига раис этиб тайинланди. Янги пахта майдонларини очиш ва мавжуд ерларни суғориш учун суғориш тизимига алоҳида эътибор берилиб, ариқ , зовурларни қайта таъмирлашга ҳамда янги суғориш тизимини яратишга совет ҳукумати маблағ ажратди.Чунки Марказни пахта монополиясига бўлган талаб эҳтиёжини қондириш учун янги ер майдонлари зарур эди. 1930-1932 йилларда Қумқўрғон канали қурилишида Алихон Сафаров бош мироб бўлиб ишлаб, 1932 йил “Ҳурлик”, 1938 йил “5 йиллик”, “Ёш ғайрат”, “Ўркак” хўжаликларини бирлаштириб, “Ёш ғайрат” колхозига раис этиб тайинланди. 1949 йилда “Пахтакор” ва “Зарбдор” хўжаликлари “Ёш ғайрат” хўжалигига бирлаштирилди.

Совет давлати жамоалаштиришга қаршилик кўрсатганларни ва Марказ режасига тусқинлик қилганларга қарши оммаий отиш ва ўлдириш билан биргаликда сургун ҳамда қотоғон қилиш сиёсатидан кенг фойдаланди. Шўрчи районида 1918-1926 йиллар Мамадибой, Қаршибой, Худойбердибой, Давлатбойларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилинди. 1929-1931 йилларда Жиндибулоқ, Миршоди, Саксанкапа ва Савжирон қишлоқларида ер-сув ислоҳотлари ўтказилиб, 1932 йилда «Қизил тўлқин» жамоа хўжалиги 12 центнердан пахта етиштирганлиги учун Ўзбекистоннинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

1930 йилда Шўрчи районида “Ёруғлик” жамоа хўжалиги етакчи хўжалик сифатида шаклланиб ташкил этилди. 1929 йил Шўрчида жамоалаштиришнинг бошланиши натижасида дастлаб, “Беш йиллик” хўжалиги ташкил этилиб, ушбу хўжалик негизида 1933 йил “Ёруғлик” жамоа хўжалиги ташкил этилиб, унга Жўра Хўжамиёров, 1950 йилда “Ҳурлик”, “8-март”, “Ёруғлик” хўжаликлари бирлаштирилиб Янгибоев Бобохон раис этиб тайинланди. 1932-1934 йилларда Ободон жамоа хўжалигида дастлабки МТС ташкил этилиб, 1934-1939 йилларда Қарши Жўраев МТСнинг дастлабки

тракторчиси сифатида танилди. Районда 1945-1949 йилларда “Ижтимоиёт” жамоа хўжалиги ташкил этилиб, унга Қ. Жўраев раис этиб тайинланди.

Райондаги жамоа ва давлат хўжаликлари сони 52 тага етди, уларнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланди. 1934 йилда Ўзбекистан Совет Республикасининг 10 йиллигига бағишланган Сурхондарё округи Шўрчи районида тантанали суратда нишонланди. Темир йўлнинг кунботар тарафидаги Қултепа қишлоги қошида миллий кураш ва кўпкари бўйича мусобақалар ўтказилди. 1934 йилда Шўрчи минтакасида биринчи МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этилгач, техника воситалари сони ва тури тобора кўпайиб, хизмат сифати яхшиланди, Бу соҳада механик А.Луктовский, Чариков, Ципляев ва Бичков алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1935 йилда фақат “Ёруғлик” ва “Коммунист” жамоа хўжаликларида 1,5 тонна юкка мўлжалланган автомашиналар мавжуд бўлган.

Совет ҳукуматининг жамоалаштириш ишига жиддий эътибор берилиши натижасида 1930 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 250 та колхоз ташкил этилди ва қишлоқ хўжалигида техника таъминотини яхшилаш мақсадида биринчи машина трактор станцияси (МТС) ташкил қилиниб, унда 750 от кучига тенг тракторлар қуввати бирлаштирилди. Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригация қурилишнинг энг муҳим босқичи 1930-1940 йилларда амалга оширилди. Бу даврда асосий ирригация ва мелиорация ишлари суғориладиган ерларни қайта ишлаш ва уларни инженер ва ярим инженер типидаги сув хўжалик иншоотлари билан таъминлашга қаратиш йўли билан олиб борилди.

Бу даврнинг энг йирик ирригация қурилиши Ҳазарбоғ ва Қумқўрғон каналлари қурилиши билан боғлиқ бўлди, бу каналлар Сурхон воҳасида ташкил топган илк совхозларнинг сув билан таъминлади. Сурхон-Шеробод чўлларида ирригация шохобчаларини кенгайтириш ва такомиллаштириш соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун марказдан кўплаб мутахассислар, хусусан муҳандислар, ирригаторлар ва бошқа касбдаги ходимлар жалб этилди. Марказдан келган мутахассислар мавжуд канални кенгайтириш ва

узайтириш, янги сув тармоқларини қуриш ишлари билан шуғулланишиб, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши катта мелиоратив ишларни олиб бордилар.

Воҳадаги ирригация қурилишлари учун ажратилган маблағлар йилдан-йилга ошиб борди, масалан, Шўрчидаги ирригация ишлари учун биринчи беш йилликда ажратилган маблағлар 1,4 млн сўмни ташкил қилган. Шунингдек Шўрчида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида суғориш тармоқлари кенгайтирилиб, янги каналлар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди ва мелиорацияга оид тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилди. 1928-1930 йилларда Шўрчини ўзлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилиб, янгидан очилган ер майдонлари кўпайтирилди. Бироқ Шўрчида ерларини ўзлаштириш даврида амалга оширилган мелиорация ишлари мукаммал муҳандислик талаблари асосида бажарилмаганлиги туфайли ариқлар сув сиғимига бардош бера олмай аҳоли манзилгоҳларига жиддий хавф солди. Мустабид тузум 1931-1932 йилларда Шўрчида пахта етиштиришни кўпайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш учун машина-трактор станциялари (МТС)ни ташкил этишга жиддий эътибор бериб, 1931-1932 йилларда Шўрчи МТСлари ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, бошқаришни такомиллаштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашни назарда тутиб, Денов райони негизида Шўрчи райони ташкил этишни лозим топди. 1935 йил 9 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси бу ҳақда қарор қабул қилди. Шўрчи, Култепа, Оқтумшуқ ва Янгибозор каби кўҳна қишлоқлар негизда ташкил топиб Шшрчи қишлоғи район маркази бўлди. Хоразмлик Усмонов район партия қўмитасининг биринчи котиби, Эшонқулов район ижроия раиси, “Ёруғлик” жамоа хўжалиги раиси Қамбар Маматқулов партия қўмитаси котиб, давлат сиёсий бошқармаси бошлиғи Бородюк, «Оққопчиғай» давлат хўжалиги раиси Мирбақоев район сиёсий бўлими бошлиғи , туман соғлиқни сақлаш бўлими бош врачи Шатковская, ер ишлари

шуъбаси бошлиғи Абди Қодировдан иборат район рабарияти иш бошлади. 1935 йилда Шўрчи районида 33 минг аҳоли яшаб, 1770 та, жумладан, Қўлдош қишлоқ кенгашида 185, Култепада 111, Миршодида 317, Шўрчида 282, Янгибозорда 80, Оқтумшуқ 110 та хўжалик (оила) бўлган.

1935 йилда шўрчилик деҳқонлар 6500 гектар ерга чигит экиб, қарийб 10 центнердан пахта ҳосили йиғиб олади, давлатга 6400 тонна «оқ олтин» топширилган. Давлат ва жамоа хўжаликларининг умумий пул даромади 2 миллион 600 минг сўмга етиб, 1936-1938 йилларда Ульченко Шўрчи район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган даврда, 1937 йилда район марказида дастлабки тоза ичимлик суви қувурлари тортилди, бу хайрли хашарда ишчи-хизматчилар, ёшлар фаол қатнашди. 1938-1939 йилларда Шўрчи район партия қўмитасининг биринчи котиби Эргашев халқ фаровонлиги учун астойдил хизмат қилди , бироқ 1939 йилда фалокат содир бўлиб, бевақт ҳалок бўлиб, унинг жасади Шўрчи шаҳридаги маданият ва истироҳат боғига дафн этилган.

Шўрчи райони иқтисодиёти йил сайин мустаҳкамланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида қувончли ютуқлар қўлга киритиб, район деҳқонлар 1940 йилда давлат хазинасига 18 минг тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш режасини республикада биринчи бўлиб бажарди. 1936 йилда районидаги 7 та қишлоқ кенгашининг ҳар бирида «Интер», «Фордзон» русумли 4 та трактор жамоа ва давлат хўжаликларидаги далаларни навбати билан шудгорлаб, ер ҳайдаб, чигит экишга тайёрлади. Чигит тракторга ва отга тиркалган сеялка, уруғлик дон кўпинча сеялка билан сепилди. 1930-йилларда эркаклар ва хотинлар махсус курсларда 3 ой мобайнида тракторни бошқариш сирларини ўрганиб Қарши Жўраев, Абдуназар Мўминов, Бобомурод Қурбонов, Муҳаммад Мардонов, Соат Пиримов, Ҳасан Назаров, Момохол Қурбонова, Менгсоат Жумаева, Холдон Бобомуродова каби механизаторлар етишиб чиқди.

Район раҳбарлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маданият ва маориф ишларига алоҳида аҳамият бериб, 1936 йил баҳорида Россиядан Шўрчи

районига 18 минг туп манзарали дарахт кўчати келтирилди. Район партия қўмитасининг биринчи котиби Усмонов ва район ижроия қўмитасининг раиси Обид Мирхолиқовлар раҳбарлигида бу олиб келинган дарахтлар маданият ва истироҳат боғига экилиб 1936 йилда янги дам олиш маданият маскани яратилди. Кўчатлар учун сарфланган маблағ барча хўжалик ўртасида тенг миқдорда тақсимланди. Сурхондарё округ ер ишлари бўлими бошлиғи Н Вагиф туман марказига келиб, янги боғнинг лойиҳасини чизиш ишларига бош-қош бўлди. Бу ишда раҳбарлар, мутахассислар, Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан кўчиб келган Бекназар қори Назаров ва бошқалар фаол иштирок этди. Навбаҳор фаслида халқ ҳашари тобора авж олди. Йўлаклар ва хиёбонлар ташкил этилиб, 17 гектар майдонга клён ва бошқа дарахт ниҳоллари ҳамда гул кўчатлари ўтқазилди. XX асрнинг ўрталарида боғ чеккасида эски маданият уйи, район партия қўмитаси (ҳокимият) биноси, уйлар ҳамда марказий касалхона ва бошқа бинолар қурилиб, истироҳат боғи ҳудуди 9 гектар майдонни ташкил этди.

Шўрчи райони халқ хўжалигини ривожланишига ҳисса қўшган раҳбарларни хизмати алоҳида бўлиб, улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, маҳаллий халқни қуллаб қуватлаши билан ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. 1939 — 1942 йилларда Нормўмин Жўраев, 1942 — 1947 йилларда Эргаш Жўраев Шўрчи район партия қўмитасининг биринчи котиби, 1937 йилда Алиев, 1938 йилда Рўзи Нормуродов, 1939 — 1942 йилларда Абди Қодиров туман ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаб районни ободонлаштириш ва кўкламлаштириш ишларга муносиб хизмат қилдилар.

## ШЎРЧИ ИККИНЧИ ЖАҲОН ЙИЛЛАРИДА

\

1941 йил 22 июнь куни урушнинг бошланиши СССРда яшаётган барча халқларнинг қалбларини ларзага солди, халқ фашизм балосига қарши курашга отланди. Урушнинг сувуқ хабари СССР таркибида бўлган

Ўзбекистонга ҳам, жумлада, Сурхондарё вилояти аҳолисига ҳам яшин тезлигида етиб келди. Урушнинг бошланиши Сурхон воҳасида яшаётган кишиларнинг ҳам қалбларига ғулув солди, уларда фашизмга нисбатан қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳисси уйғонди. Уруш тинч яшаш ва ишлаш даврига хотима ясади, эндиги вазифа мамлакат мудофаасини ташкил этиш, ҳарбий замон талаблари асосида яшаш ва ишлаш, керак бўлса озодлик, тинчлик ва осойишталик йўлида жонни ҳам беришни талаб этар эди. Бутун имконият урушда ғалаба қозонишга сарфланиши лозим эди, бу эса оғир меҳнат, аёвсиз кураш ўрни тўлмайдиган йўқотишлар, метиндек ирода, юксак масъулият, мустаҳкам сабр-бардош ва метиндек шижоат талаб этар эди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ воҳа меҳнаткашлари бошланган урушни қораловчи, фашизм билан бўладиган жангга доимо тайёр эканлигини билдирувчи ва айни вақтда фашизм устидан қозониладиган ғалабани таъминлашга ундовчи митинглар ўтказа бошланди. Ана шундай митинглар вилоятнинг ҳар бир корхона ва ташкилот, жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликларида, маҳаллаларида, ўқув масканларида бўлиб ўтди.

Фашистлар Германияси Европани иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ўзига қарам қилгач, 1941 йил 22 июнда СССРга ҳужум ҳаракатларини бошлади. Германия иттифоқчилари Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия, Болгария билан биргаликда СССРни босиб олиш, бойлигини талаш, миллионлаб кишиларни қириш ва қул қилиш мақсадида 5,5 миллион солдат ва офицерни бирлаштирган 193 дивизия, 5 минг самолёт, 4,5 минг танк, 50 мингдан ортиқ тўп ва миномётларини ишга солган эди. Душманнинг ҳужум суръати бир кеча-кундузда қарийб 30 кмни ташкил этди. Дастлабки ойларда Латвия, Литва, Эстония, Молдавия, Белоруссия ва ўнг соҳил Украинада СССР армиясининг 170 дивизиясидан 28 таси тўлиқ сафдан чиқди ва 70 та дивизия эса ярим одами ва жанговар техникасидан ажралди. Мустабид тузум ҳарбий муаммоларнинг мураккаб чигилини маъмурий қатағон усули билан енгишга уринди. 1941 йил 16 августда 270-сонли маҳфий буйруқ эълон қилиниб, унга биноан асир тушганлар ўта кетган

дизертирлар, ҳарбий хизматни ташлаб кетганлар, деб эълон қилинди. Уларнинг оилалари эса қасамёдни бузганларнинг ва Ватанни сотганларнинг оиласи сифатида қамалишга маҳкум этилди, СССР таркибида бўлган бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам уруш гирдобига тортилди. Ана шу умумий сафарбарлик натижасида Ўзбекистондан 1,5 миллион киши, жумладан, сурхондарёликлардан 20724 нафар мард ўғлонлар фашизмга қарши курашга сафарбар этилди. Ўзбек халқи ўзининг азалий анъаналарига содиқ қолиб, душманга қарши курашга отланди. Чунки бутун дунё тинчликсевар кучлари ирқи, миллати, маданияти, дини бошқа-бошқа бўлишига қарамай ягона мақсад сари ўз она юрти, ота-онаси, оиласи, фарзандлари тинч яшаши, келажак авлодга тинч-осойишта жамиятни яратиш учун ягона куч бўлиб, бирлашиб душманга қарши курашга чиққан эди. Чунки бу даврда бутун бир миллат бошига қирғин келтирган манфур босқинчи душман эртага бошқа миллатга ҳам шундай офат келтириши дунё тарихидан маълумдир. Шунинг учун ҳам ўзбекистонликлар барча тинчликпарвар халқлар қаторида ёвуз кучни яксон этишга киришдилар.

Шўрчи районидан 2785 киши фронтга сафарбар қилиниб, жаҳонда халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда фашизмни тор-мор қилиш учун олиб борилган жангларда мардларча иштирок этиб, ўз йигитлик бурчларини бажардилар. Шўрчи аҳолиси район марказида 23 июн куни ўтказилган фашизмга қарши бўлиб ўтган митингда «Биз шу кундан бошлаб ўзимизни сафарбар қилинган деб ҳисоблаймиз» деган хитобномани қабул қилдилар. Ана шундай намойишлар Шўрчи қишлоқ кенгашларида ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида бўлиб ўтди. Бу намойишларда шўрчиликлар тинчликсевар аҳоли уруш оловини ёққан фашизм галаларини лаънатлаб, фашизм балосидан қутилиш учун бор имкониятларини ишга солишга, керак бўлса эл осойишталиги, келажак авлод озодлиги йўлида ширин жонини ҳам қурбон қилишга тайёр эканлигини билдириб қарорлар қабул қила бошладилар. Улар фашизм ҳужумига жавобан ишлаб чиқаришда янги-янги ютуқларга эришишга ҳаракат қилиб астойдил меҳнат қилдилар. Ўша йилларда вилоят

миқёсида амалга оширилаётган энг катта қурилиш «Душанбе-Қоратоғ» канали қурилишида ишлаётган Шўрчи районидан келган қурувчилар уруш хабарини эшитган куни «душманга унумли иш билан жавоб бераман» деб ишга киришди ва шу куни 7 куб метр ўрнига 50 кубметр ер қазиш ишларини бажарди.

1940 йилда Душанбе-Қоратоғ канали қурилиши бошланиб, 1941 йилда бу қурилишда 33 минг сурхондарёлик иштирок этиб, каналнн қазувчилар ўртасида мусобақа кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракатда шўрчилик деҳқонлар фаол қатнашди. 1940 йилда Саврtепалик механизатор йигит канал қирғоғидан ағдарилиб тушган трактори остида қолиб, гулдек умри бевақт хазон бўлган. Уруш бошланиши муносабати билан вилоят миқёсида янги меҳнат зафарларига ундовчи чақириқлар авж олиб, ишлаб чиқариш соҳасида янги ютуқлар қўлга киритила бошланди. Лекин ғалабага фақатгина фронт ортидаги меҳнат билан эришиб бўлмас эди, ғалабага жангоҳларда жон олиб - жон бериб, уруш оловини ёққанларни, дунё халқлари тинчлигига раҳна солган душманнинг манфур бошини ўз уясида эзиб ташлаш орқалигина эришиш мумкин эди. Ушбу ҳарбий замон талабини ҳис этган ҳар бир сурхондарёлик ориятли инсон уруш бошланган кунданоқ ўзини сафарбар қилинган деб тушунди. Ўзини халқлар тинчлиги, эл фаровонлиги ва келажак авлоднинг ёркин ҳаёти учун масъул деб ҳисоблаган юзлаб марду майдонлар ўзларини фронтга жўнатишларини сўраб ҳарбий комиссариатларга мурожаат қила бошладилар.

Жумладан, 1941 йил 28 октябрда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши иштирокчилари Ленинград ва Москва шаҳарларини ҳимоя қилаётган жанчиларга ва меҳнаткашларга хат билан мурожаат қилишди. Ленинградликларга қарата ёзилган мактубдан қуйидаги оташин сатрлар ўрин олган эди: “...Ленинград бўсағасини ҳимоя қилишда сизлар томонингиздан кўрсатилаётган жасорат ва қаҳрамонлик бизни фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда... Қимматли ленинградликлар !!! Биз ҳар доим сиз билан биргамиз ва ҳар бир дақиқада қўлимизга курол олиб сиз- ленинградлик қаҳрамон

қўриқчилар билан ёнма-ён туриб қонхўр фашизмга қарши жанг қилишга тайёрмиз”.

Уруш бошланиши муносабати билан вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган эркак аҳолининг фронтга сафарбар қилиниши вилоят халқ хўжалиги тармоқларида ҳам нохуш вазиятларни юзага келтирди. Жойлардаги бутун ишлаб чиқариш масъулияти аёллар, болалар ва қариялар зиммасига тушди. Улар завод ва фабрикаларда ишлаш, трактор ҳайдаш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, чорва молларига қараш, жангчиларга иссиқ кийим ва озиқ-овқатлар тайёрлаб бериш каби ниҳоятда оғир ишларда бардош бериб, тинмай меҳнат қилдилар. Вилоятда ишга яроқли эркакларнинг фронтга сафарбар қилиниши вилоят халқ хўжалигининг мутахассислар билан таъминлаш танқислигини юзага келтирди. Ишлаб чиқариш соҳасида сусткашликка йўл қўйиш ёки ишлаб турган корхоналарнинг тўхтаб қолиши душманга қулай имконият бўлиб, ғалаба дақиқаларини бир қадар узоқлаштириши мумкин эди. Ана шу вазиятни ҳисобга олган Шўрчи райони меҳнаткашлари ҳарбий вазият талабларига амал қилиб жангга кетган сафдошларининг ўрнида ишлаб чиқариш корхоналари ва жамоа хўжаликлари далаларида мардонавор меҳнат қилдилар.

Уруш бошланган дастлабки кунданоқ Шўрчи районидаги Ифоқ қишлоғидан Ҳайитой Турдиалиева, Чеп қишлоғидан Маркам Мардонақулова, Ботош қишлоғидан Манзура Маматалиева сингари ўнлаб хотин-қизлар тракторчилик касбини ўрганиб, фронтга кетган механизатор йигитлар ўрнини эгаллади. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам шўрчилик механизаторлар шижоат билан меҳнат қилди, ер текислади, шудгорлади, уруғ экди, ҳар хил юкларни манзилга етказиб, эл-юртнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилди. Уруш йилларида туманга 17 та юк машинаси ва бошқа техника воситалари келтирилди.

Совет давлати Шўрчида янги ерларни ўзлаштириш, мелиорация ва ирригация ишларига жиддий эътибор бериб, Марказ саноатининг пахтага бўлган талабини қондиришга диққатини қаратди. Фашистлар Германиясини

СССРга 1941 йилдаги қилган ҳужуми кўп йирик каналлар ва иншоотлар қурилишини вақтинча тўхтатди. Бироқ, Ўзбекистонда суғоришнинг янги босқичи бошланди. СССРнинг Шимолий районларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қисқарганлиги туфайли Ўзбекистонга СССРнинг ғарбий районларидан кўчириб келтирилган заводларни қуриб ишга тушириш ва фронтни буғдой ва озуқа билан таъминлаш масуълияти юкланди. Натижада янги ирригация қурилишларни амалга ошириш туфайли фронт учун дон ва озуқа экинларини етказиб бериш имконияти туғилди.

Уруш йилларида фронтни қурол аслаҳалар, озуқа ва кийим-кечак билан таъминлаш мақсадида, Ўзбекистонда сув хўжалиги ишлари яхшиланиб, давлатга 1,5 млн тонна пахта етказиб берилди, бу эса 1913 йилдагига нисбатан 3 баравар кўп эди. 1942 йил сентябрда Ҳисор тарафдан Сурхондарё воҳасига сув ўтказадиган канал қурилди, ушбу каналнинг умумий узунлиги 49,3 километр бўлиб, унинг 21 километр Тожикистон Республикаси ҳудудидан, 28 километр эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтарди. Бу магистрал каналнинг қурилиши республикалараро аҳамиятга эга бўлиб, ўзбек ва тожик халқининг биргаликда қилган меҳнати ҳисобига амалга оширилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларининг 50 минг аҳолиси канал қурилишида 5 млн $м^3$ ер ишларини бажариб, 29 минг $м^3$ бетон, темир-бетон ва тош-шағал ишларини бажарди. Душанбе-Қоратоғ канали 37 минг гектар бўз ерларни суғориш имкониятини яратди, яъни Тожикистонда 11300 гектар, Ўзбекистонда 28700 гектар ерни суғориш ишлари йўлга қўйилди. Уруш йилларида Шўрчи районининг колхозчилари Ҳазарбоғ каналини 13 километрга узайтириб, унинг 6 километрли трасса кенгайтирилди. Бу эса Сурхон-Шеробод воҳасининг экинлари майдонини 1940 йилдаги 104 минг гектардан, 1943 йилдан 165 минг гектарга кўпайтирди.1942-1945 йилларда Шўрчи райони меҳнаткашлари қишки ва баҳорги мавсумларда магистрал каналлар ва бошқа ирригация тармоқларини тозалаш устида иш олиб бориб, 3610 минг $м^3$ тупроқ тозалаш ишларини бажарди.

Халқимизнинг олижаноб фазилатлари уруш йилларида республикага эвакуация қилинган аҳолига кўрсатилган юксак ғамхўрликда намоён бўлди. Бу хусусда Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади». Давлат мудофаа қўмитасининг «Мамлакатдаги немис-фашист боқинчилари босиб олиш хавфи бўлган территориялардаги тинч аҳолини эвакуация қилиш» тўғрисидаги қарорига биноан кўплаб аёллар, болалар ва кексалар уруш ўчоғига яқин жойлардан шарққа эвакуация қилина бошлади. Шу муносабат билан 1941 йил 3 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Эвакуация қилинган совет фуқароларини қабул қилиш ва жойлаштириш бўйича» махсус қарори қабул қилинди. Қарорга биноан жойларда эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиб олиш қўмиталари тузила бошланди. Ушбу қўмиталар жойлардаги шароитни ўрганган ҳолда кўчириб келтирилган аҳолини яшаш учун уй-жой билан таъминлаш, ишга яроқли аҳолини ишга жойлаштириш, кўчириб келтирилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш турли тадбирлар билан шуғулланар эди.

Шўрчи районида хам ана шундай қўмиталар тузилди ва вилоятга эвакуация қилинган турли миллат вакиллари сурхондарёликларнинг қуёш тафтидек иссиқ меҳридан баҳраманд бўлдилар, ўзларига яшаш учун бошпана топдилар ҳамда турли хил ишларга жойлашиб, буюк ғалабага эришиш учун воҳа аҳли билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Урушнинг «қонли панжалари» кўплаб болаларни ота-онасидан ажратган ва уларнинг қалбларига етимлик ярасини солган эди. Бу норасидаларни тарбиялаб, уларга оталик ва оналик меҳрини кўрсатиш вазифаси ҳар бир имон-эътиқодли инсоннинг зиммасидаги бош вазифа эди. Шу муносабат билан Шўрчи райони ижроия қўмитаси 1942 йил 12 январида «Эвакуация қилинган ота-онасиз етим болаларни қабул қилиш ва тарбиялаш билан шуғуланувчи вилоят, шаҳар, туманлар қўмитасини тузиш ҳақида қарор» қабул қилди. Қабул

қилинган қарорга биноан вилоятнинг барча туманларида эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш, яшаш учун жой билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш қўмиталари тузилди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада Шўрчи райони саноатчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уруш арафасида бир қанча кичик-кичик кустар саноат корхоналари, саноат артеллари, ушбу саноат корхоналари вилоят аҳолисини кундалик талаб эҳтиёжлари бўлган совун, туз ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар билан таъминлар эди. Бошланиб кетган уруш вилоят саноатчиларининг ҳам қалбларини ларзага солди, турмушини остин-устун қилиб юборди. Урушнинг совуқ хабари тарқалган кундан бошлаб саноат корхоналарида фашизмнинг хиёнаткорона ҳужумини қораловчи ва айни вақтда эса янги меҳнат ютуқларига чорловчи намойишлар бўлиб ўта бошлади. Немис-фашист босқинчиларининг Болтиқбўйи, Украина ва Белоруссияни, қолаверса собиқ СССРнинг деярли барча ғарбий районларини истило қилиши мамлакатда аҳволни ниҳоятда оғирлаштириб юборди. Саноатни хом-ашё билан, аҳолини, хусусан жангчиларни кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш соҳасида катта муаммолар юзага келди. Собиқ Иттифоқдаги ана шу вазиятни ҳисобга олган ҳолда ВКП(б) Марказий Қўмитаси ва собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети 1941 йил 17 ноябрдаги «Машина трактор станциялари ва совхозлар ҳузурида фавқулодда гуруҳлар-сиёсий бўлимлар тузиш тўғрисида» чиқарган қарорида қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида турган вазифаларни қуйидагича изоҳлаб ўтади: «Германия фашизми билан бўлаётган уруш шароитида бир қанча қишлоқ районлари вақтинча қўлдан кетиб қолган шароитда мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом-ашёси билан таъминлаш, дон, техника экинлари, сабзавот ва картошка экиладиган майдонларни янада кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш аввало, Волгабуйи, Урал, Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон районларида аҳамият касб этмоқда». Шўрчи район қишлоқ хўжалигида ҳам қатор муаммо ва қийинчиликлар юзага келди. Авволо, қийинчиликлар техника ва минерал ўғитларнинг етишмаслиги,

малакали мутахассисларнинг йўқлиги ҳамда кўплаб йигитларнинг фронтга сафарбар қилиниши эса ишчи кучининг танқислигидан иборат эди. Лекин Шўрчининг меҳнатсевар халқи бу қийинчиликларни имкон қадар енгиб фронт учун кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноат учун эса кўплаб хом-ашё етказиб беришга эришдилар. Йигитларнинг фронтга кетиши муносабати билан жойлардаги бутун иш аёллар, ўсмир болалар, қолаверса қарияларнинг зиммасига тушди. Ўша машъум уруш йиллари кўплаб аёллар фронтга кетган эркакларнинг ҳамда ўзларининг ўрнига ишлашга тўғри келди, шунингдек улар техника сирларини ўрганишга ва фронтга кўплаб қўшимча маҳсулот етказиб беришга азми қарор қилдилар. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун улар эртани-эрта, кечани-кеча демасдан, муҳтожлик ва айриликларга қарамасдан мардонавор меҳнат қилдилар. Кўплаб шижоатли аёллар трактор ролини тутди, яна кўплаб ташкилотчи аёллар эса раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатдилар, мисол учун вилоят бўйича 527 нафар хотин-қиз қишлоқ кенгашлари раиси ва жамоа хўжаликларининг раиси ўринбосарлари каби вазифаларда фаолият юритди.

Шўрчи райони пахтакорлари ҳам немис-фашист босқинчиларининг хиёнаткорона босқинчилик юришларига қарши ўлароқ ўзларининг мардонавор меҳнатлари билан жавоб бердилар. 1941 йининг 11 ноябрида вилоят пахта усталари давлатга пахта топширишнинг йиллик режасини шараф билан бажардилар. Район миқёсида ҳар бир гектар пахта майдонидан 17,9 центрдан ҳосил олишга эришилди. Район соҳибкорлари давлат буюртмаларини бажариш, жангчиларга кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга шаҳарларда истиқомат қилиб саноат корхоналарида фаолият курсатаётган ишчилар дастурхонига ҳам кўб миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бердилар. Мисол учун биргина Шўрчи районининг деҳқонлари ишчи хизматчиларга совға сифатида 38 тонна дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда турли хил мевалар етиштириб, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларни қўшдилар. Бу ишларни амалга оширишда Шўрчининг Х. Бозорова,

Б.Абдуназарова, С.Ортиқова, Ш.Тўраева, Н.Боймуродов, А.Йўлдошев, Х.Очилдиев, С.Рўзиев ва Қ.Турдиева каби ноз-неьмат бунёдкорларининг алоҳида ҳиссаси бор.

Шўрчилик Ҳукм Юнусова ҳам Қоратоғ, Занг, Илонсой ва Ҳазарбоғ каналлари қурилишида фаол иштирок этди. Канал қурувчиларининг тинимсиз меҳнатлари эвазига 1942 йилнинг август ойида каналнинг 80 км узунлидаги бир қисми қуриб битказилди, каналнинг Ўзбекистон қисмида 2 млн. 829 минг кубометрлик ер ишлари бажарилди. Канал қурулиши вилоятдаги мавжуд экин майдонларини сув билан таъминлабгина қолмасдан, балки янги 35 минг гектарга яқин сувсиз ерга сув чиқариш имконини ҳам берди.

Фашизмнинг босқинчилик ҳаракатини халқимиз қоралади ва уни она заминимиз бўлган Ўзбекистонга ҳам тажовуз деб баҳолади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб сурхондарёликлар қўлларига қурол олиб душман билан бўладиган ҳаёт-мамот жангларида қатнашиб алоҳида қаҳрамонлик кўрсатдилар. Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамон унвонига сазовор бўлганлардан бири Шамкаев Акрам Беляевичдир. 1916 йил 22 октябрда Оренбург вилоятининг ҳозирги Матвеевка районидаги Староашурово қишлоғида туғилган. Миллати татар. Бошланғич маълумотли. МТСда тракторчи бўлиб, ишлаган, 1937-1940 йилларда армия сафида хизмат қилган, 1941 йил Иккинчи жаҳон уруши фронтидаги 135-алоҳида моторлаштирилган Понтонкўприк батальони (Воронеж фронтининг 6-Понтон кўприк бригадаси) понтончиси бўлиб хизмат қилган. Оддий аскар А.Б.Шамкаев 1943 йил октябрида Днепр дарёсини кечиб ўтишда ўрнак кўрсатган. Душманинг ўқлари остида кўприкдан жангчилар ва жанговар техниканинг дарёдан ўтишини таъминлаган. 1943 йил 12 октябрда Черкасси вилоятининг Канев районидаги Зарубинци қишлоғи яқинида дарёнинг ўртасида катери снаряд парчасидан шикастланган кўприкни А.Б.Шамкаев тез ва моҳирлик билан тузатган. Шундан кейин дарёни кечиб ўтиш давом этган.

А.Б.Шамкаевга 1944 йил 10 январда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Урушдан кейин старшина А. Б. Шамкаев армия сафидан бўшатилган. Ўзбекистонда яшаб Сурхондарё вилоятининг Шўрчи районидаги «Селхозтехника» бирлашмасида ишлаб 1981 йил 12 августда вафот этган. Шўрчи шаҳридаги кўчалардан бири, ўзи ишлаган бригада ва тумандаги спорт мусобақалари совринига унинг номи берилган.

СССР Олий Совети Президиуми 1943 йил 8 ноябрда душман билан бўлган жангларда довюраклик, мардлик ва қахрамонлик кўрсатганлиги учун уч даражадан иборат «Шуҳрат» орденини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу орден ўша даврда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонидан кейинги иккинчи юксак мукофот эди.

Шўрчилик Абдулла Шойимов (1917-1991) совет-фин урушида қатнашиб, у тўпчи полкида хизмат қилиб, Сталинграддан то Берлинга қадар бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Жангларда бир неча марта оғир ярадор бўлиб, мардлик намунасини кўрсатиб, «Қизил Юлдуз», уч марта «Ватан уруши» ордени ва медаллари билан тақдирланди. Қоровултепалик Эгамберди Мавлонов (1920-1989) бошлиқ зенитчилар 1943 йилда Ржев ва Невиль шаҳарлари учун бўлган жангларда душманнинг 4 та самолётини уриб туширди. Э Мавлонов жами 13 марта ярадор бўлиб, у Маньжурияда япон самурайларига қарши курашда иштирок этиб, «Қизил Юлдуз», «Шуҳрат», «Ватан уруши» ва бошқа орден-медаллар билан мукофотланди. Шўрчининг 8-Март қишлоғида яшаган Дамин Тохиров финлар ва фашистларга қарши урушда жасорат кўрсатиб, у харбий қисм ва бўлинмаларга раҳбарлик қилиб, 1944 йил февралида Украинанинг Днепропетровск шаҳри яқинида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

“Беш йиллик” қишлоғидан армия сафига чақирилган чўпон Тоштурди Мамадиёров (1925 —1944) Литванинг Бержай туманини фашистлар зулмидан халос этиш учун бўлган жангда ҳалок бўлган. Оққўрғонлик Усмон Дониёров (1907 — 1993) Германия ва Япония босқинчиларига қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатди. Култепалик Бўри Худойбердиев (1922 — 2001), Ҳамидулла Болтаев (1922 — 1976), ободонлик Хуррам Тошмиров (1922 —

2005), Тоштемир Чўтбоев (1908 - 1992), шалдироқлик Абдураҳим Элмуродов, Шўрчи райони ижтимоий таъминот бўлимида 42 йил мудирлик қилган Жума Ашуров (1916 — 1990), олатемирлик Гулмирза Ниёзов (1924 — 1997), туман марказидан Эшқобил Маматов (1922 — 1979), Яхшибой Ўсаров, 8-Март қишлоғидан Ботир Қаландаров, Ҳурлик қишлогидан Абзоир Шоймардонов, далварзинлик Ортиқ Шодмонов, Ҳасан Назаров, партизан аёл Александра Назарова, оққўрғонлик Мамашукур Усмонов, серғайратлик Бобоназар Оллоназаров, саксон-капалик Менгли Саидов ва бошқа юзлаб шўрчилик йигитлар иккинчи жахон урушида ҳам, меҳнат майдонида хам шахсан ибрат кўрсатди.

1941 йил 19 ёшли Ш.Норқувватов Ўрта Осиё ҳарбий округида 4-Украина, 2-Болтиқбўйи фронтларида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этди. Э.Маматов 1941 йилдан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, 1943 йил Украинани озод этишда қатнашди. 1944 йилда оғир жароҳат олиб урушдан қайтди. А.Алламуродов Иккинчи жаҳон урушида 1941 йилда сафарбар этилиб, 1943 йил 110-ўқчи полкда уруш ҳаракатларида қатнашиб, 934-ўқчи полкида ўқ отувчи бўлиб, госпиталда даволаниб чиққач, 934-ўқчи полкда автоматчи бўлиб хизмат қилди. 1944-1945 йилларда урушда мардлик ва жасорат кўрсатиб, ўз юртига қайтиб келди. Г.Низомов 1941-1942 йилларда уруш ҳаракатларида иштирок этиб, фашистларга қарши курашда мардлик, жасорат кўрсатиб, 1944 йил Саратов шаҳридаги танк командирлари билим юртини тугатди. 1947 йил 4 февралда заҳирадаги командир бўлиб, ўз юртига қайтиб келди. Уруш бошланиши билан воҳанинг кўплаб йигитлари фронтга отланиб, узоқ Россиянинг шаҳар ва қишлоқларида, Белоруссия ва Украинанинг ўрмон ва далаларида душман билан кураш олиб бордилар. Ўша алангали йилларда фронтда жанг қилаётган жангчининг ва фронт ортида мардонавор меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчи, зиёли ва калхозчининг ҳам бутун фикри-зикри душман устидан қозониладиган ғалабага қаратилган бўлиб, ҳар бир киши ғалабага ўзининг ҳиссасини қўшишни истарди. Бу эса

жангчиларга иссиқ кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳарбий техника қурилиши ва мудофаа фондларига пул ўтказиш орқали амалга ошириларди.

Шўрчилик деҳқонлар 1941 йилда 8574 гектар, 1942 йилда 8270 гектар майдонга чигит экиб, 13 центнердан ҳосил етиштирди. Навқирон йигитларнинг барчаси урушга кетгач, қишлоқларда кекса чол-кампирлар, ногиронлар, хотинлар, ўсмир ўғил-қизлар ва норасида гўдаклар қолди. Очлик ва муҳтожлик авж олди. Жамоа хўжалиги ҳар бир оилага мастакли арпа-буғдой, жавдар унидан тайёрланган озгина қорамтир хамир ёки аҳоли жон бошига бир чўмичдан атала тарқатарди. Бундай нон ёки аталани тановул қолган одамлар кун бўйи ширакайф кишилардай гарангсиб юрарди, бригада аъзолари учун хар куни туш пайти атала қайнатиларди. Қишлоқ ахли тактак (ёввойи арпа), мош, ловия, тариқ, маккажўхори, шолининг курмаги, қоқиўт, исмалоқ, чучмома, чукри (равоч) каби табиат неъматларини излаб топиб, истеъмол қилишга мажбур бўлишар эди. Шундай оғир шароитда «8-Март» жамоа хўжалигининг қаттиқул ва уддабурон раиси Бобохон Янгибоев ҳар бир оилага 5-6 килограмм буғдой, арпа, маккажўхори, шоли тарқатиб, уларни омон-эсон сақлаб қолди.

Уруш йилларида Шўрчи районида ҳам юқумли тиф (терлатма) касаллиги тарқалиб, юзлаб кишилар бевакт вафот этди, ўғил-қизлар 11-12 ёшдаёқ жамоа ва давлат хўжалиги далаларида ишлай бошлади. Душманнинг қутуриб ҳужум қилиши натижасида иқтисодиётда оғир вазият юзага келди, аввало, бу ҳол озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотларининг етишмаслигида сезилди. Жангчиларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш куннинг долзарб мавзусига айланди, уруш давридаги оғир вазиятда ўзини озодлик учун масъул деб билган ҳар бир шахс бор куч ва имкониятларини ишга солди. Ҳар бир киши меҳнат қилиб имкон қадар кўпроқ маҳсулот етиштиришга ҳаракат қила бошлади, чунки ўша даврда ҳар бир ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот душманга зарба деган ақида шиорга айланганди. Фронт ортидаги кексаю-ёш, аёлу эркак фронтда жанг қилаётган жангчиларга нима биландир ёрдам беришни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйган эди. Ана шу муносабат билан жойларда жангчиларга иссиқ кийимлар ва совғалар қабул қилувчи

марказлар ташкил қилинди. Ушбу хайрли ишда бажонидил қатнашишни истаган воҳанинг ҳар бир меҳри дарё сахий инсонлари ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб бисотидаги ҳамма нарсани жангчиларга жўнатдилар. Ҳаттоки аёллар кун бўйи меҳнат қилиш билан бирга кечалари жангчиларга иссиқ кийимлар тикдилар, бу хайрли ишдан бирорта киши четда қолган эмас, ҳар ким қудратига яраша мурувват кўрсатди. Бундан ташқари воҳанинг бир қанча саноат корхоналарида ҳам жангчиларга иссиқ кийимлар, идиш-товоқлар ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб беришда воҳанинг мурувватли саҳий инсонларининг ниҳоятда беқиёс хизмати каттадир. Машъум уруш бошланган илк ойлардаёқ жангчиларга ёрдам уюштириш ҳаракати ниҳоятда қизғин тус олди. Мудофаа жамғармалари ва ҳарбий техникалар қурилишига ёрдам кўрсатишда Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг иштироки алоҳида сезиларли эди. Фашизм билан бўлаётган урушда мудофаа ишларини ташкил этиш умумҳалқ ҳаракатига айланиб борди. Ҳар бир тинчликсевар инсон нима биландир мудофаага ўз ҳиссасини қўшиши лозим эканлигини дилдан ҳис этиб турди. Чунки озодлик ва эл осойишталиги ҳар қандай нарсадан устун туриши ўша жанговар йилларда исбот этилди, қўлига қурол олишга қурби етган ҳар бир инсон душман билан бўладиган жангга отланди. Душман билан бевосита жанг қилиш имконига эга бўлмаган фронт ортидаги меҳнаткаш халқ эса жангчиларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмакдош бўлиб турди. Улар ҳарбий солиқлар, ҳарбий заёмлар ва мудофаа жамғармаларига кўплаб моддий ресурслар ва маблағлар билан ёрдам бериб турдилар. Уруш бошланган дастлабки ойлардаёқ мудофаа жамғармалари ташкил этилди, ушбу мудофаа жамғармалари фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабада ўзига хос ўрин тутди. Ватан мудофаа жамғармаларига Шўрчининг серҳиммат инсонлари ҳам ўз эҳтиёжларидан ортган маблағлари ва моддий ресурслари билан ёрдам бериб турдилар ва бу билан ғалаба дамларини имкон қадар яқинлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб ғалабанинг иқтисодий пойдеворини барпо қилишда фаол иштирок этдилар.

Ўзбек халқи фронт орқасида ҳам матонат билан меҳнат қилди. Шўрчиликларнинг ўзлари моддий ёрдамга муҳтож бўлишига қарамай, топган тутганининг асосий қисмини жанг майдон-ларида жон олиб, жон бераётган ватандошларимиз учун мунтазам равишда юбориб турди. Масалан, «Беш йиллик», собиқ Молотов номли ва «Ободон» жамоа хўжалиги бошқаруви раислари Маматмўмин Рахимов, Шерқобил Норқобилов, Соат Маматқулов, «Оққопчигай» давлат хўжалиги сиёсий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шоймардон Бозоров танк колоннаси ва «Ўзбек эскадрильяси» учун ўзларининг шахсий жамғармасидан 100-250 минг сўмлик маблағ топширди.

Шўрчиликлар Сталинград ва Ленинград шаҳри ҳимоячилари учун 9349 килограмм тариқ, 3 тонна арпа, 192 килограмм гуруч, 466 килограмм мой, кўплаб телпак ва қўлқоп юборди. Шўрчи райони аҳолиси жангчилар учун иссиқ кийим юбориш ҳаракатида фаол қатнашди. Хидиршо қишлоқ кенгашидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигининг раиси Муродов Ватан химоячилари учун гилам, телпак ва куйлак жўнатди. 1942 йил бошида Сурхондарё вилоятига 719 та оила ёки 1862 нафар, 1943 йилда 966 нафар киши кўчириб келтирилди. Шўрчи райони аҳолиси Европадан эвакуация қилинган 833 кишини ўз бағрига олиб, уларга бошпана берди. Меҳри дарё шўрчилик меҳнаткашлар ана шу жабрдийда инсонлар учун 2615 сўм маблағ ажратди, 59 кишига моддий ёрдам берди. 1943 йилда Шўрчи районидан фронтга 3 тонна ёғ, асал ва бошқа ноз-неъматлар жўнатилди, 23 минг 700 сўм давлат банкига ўтказилди.

Бундан ташқари, шўрчиликлар 81 та турли хил уй-рузгор буюмлари, жумладан, 23 та кўрпа, 20 та кўйлак, 18 та шим, 2 жуфт этик, 1 жуфт туфли ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан кўчиб келганларга амалий ёрдам кўрсатди. Ўша пайтда вилоят деҳқонлари Шўрчи райони ишчи-хизматчиларига 38 тонна сабзавот маҳсулотларини совға қилди. Шуниси диққатга сазоворки, Шўрчи райони бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига 1 миллион 320 минг 500 сўм миқдорида нафақа пули берилди, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинадиган солиқлардан озод этилди. 639 нафар

жангчининг хонадони таъмирланди. 714 оила эса ўтин билан таъминланди. 8689 килограмм ғалла жангчиларнинг оила аъзоларига бепул берилди. Мудофаа жамғармаларининг тузилганлиги вилоят миқёсида яшин тезлигида тарқалди, бу хабарни эшитган Шўрчи меҳнаткашлари душман устидан қозониладиган ғалаба дамларини тезлаштириш учун мудофаа жамғармаларига моддий ёрдам уюштира бошлади. Шўрчида мудофаа жамғармаларига ёрдам бериш ҳаракатлари оммавий тус олди, урушнинг дастлабки ойларидаёқ мудофаа жамғармаларини бойитишга ундовчи чақириқлар қабул қилинди. Шўрчидаги барча саноат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда маориф ва маданият масканларида ўтказилган йиғилишлар сўнгида мудофаа фондларига моддий ёрдам бериш ҳаракатлари ниҳоятда авж олиб кетди. Мамлакат учун оғир бўлган бир вазиятда ўзининг масъул эканлигини ҳис этган ҳар бир шўрчилик мудофаа жамғармаларини бойитиш умумхалқ фронтида фаол иштирок этиб, ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб, бисотидаги бор нарсалар билан мудофаа жамғармаларини бойита бошлади. Чунки ўша даврда ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган ортиқчи маҳсулот ва фронтга кўрсатилган моддий ёрдам ғалабага олиб борадиган асосий мадад куч эканлиги устувор ақидага айланган эди. Мудофаа жамғармаларига маблағ топширишда вилоятда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон ўзига хос ҳисса қўшди. Ушбу ҳаракатдан қариялар ва уй бекалари ҳам четда қолган эмас. Шўрчи районидаги «Шўрчи» қишлоқ кенгашига қарашли «Ободон» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган 70 ёшли Менгнор Мелибоев, 67 ёшли Жўрабой Ғойимов ва 68 ёшли Тўрабобо Худойназаровлар жамоа хўжалиги далаларига ишга чиқиб бир кунлик меҳнат ҳақларини мудофаа жамғармасига ўтказдилар. Немис-фашист босқинчиларининг ҳиёнаткорона ҳужуми оқибатида ниҳоятда кўплаб ҳудудлар аҳолиси жуда қийин аҳволда қолди. Гитлерчилар Латвияни, Белоруссиянинг бир қисмини ва Украинанинг ўнг соҳил қисмини босиб олиб, РСФСРнинг ғарбий вилоятлари чегараларига яқинлашиб қолганди. Душман Ленинград, Москва ва Киевга хавф сола

бошлади, 1941 йилнинг ёз ва куз фаслларида уч томонда: шимоли-ғарб, ғарб ва жануби-ғарб томонларда оғир қонли жанглар бўлаётган эди.

Шўрчи район ёшлари “Беш йиллик” жамоа хўжалигидаги 56 фронт қатнашчиси уйини таъмирлашди, 48 центнер дон улашди, 62 оилага ёқилғи тўплашда ёрдам қилишди. 11,5 минг гектар ерга ишлов беришди. Умуман уруш йиллари вилоятда 194 та қурилиш –таъмирлаш бригадаси ташкил қилиниб, 1044 нафар жангчилар оиласининг уйлари таъмирланди. Бундан ташқари Шўрчи районидаги ҳарбийларнинг оиласига қарашли томорқалар, ташкилот, корхона хўжаликларининг кучи билан экинга тайёрланиб, уларга экин экилди ва ҳосил йиғиб берилди. Бу юксак даражадаги инсонпарварлик, меҳр-оқибат намунаси эди, районидаги бутун халқ оммаси тезроқ душманни тор-мор этиш нияти билан меҳнат қилди. Армияни янада мустаҳкам қуроллантиришга бор куч имкониятларини ишга солиб, ғалабани яқинлаштирдилар. Сурхондарёликлар уруш йиллари 20709 нафар турли миллат етим болаларни ўз фарзандлари каби тарбияладилар. Шулардан бирининг ўз қўли билан ёзган хати: “Бизлар Днепропепровскдан эвакуация қилиндик. Ўзбекистоннинг Шўрчи райони яшаш жойимиз қилиб белгиланди. Маҳаллий партия, Совет ташкилоти, ерли халқ барча соҳалар бўйича оталиғ ёрдамини уюштирдилар. Айниқса, “Ёруғлик” колхози бошқарувининг бизга меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги юксак бўлди. Бошқарув раиси ўртоқ Хўжаёров барча керакли нарсалар билан таъминлади. Яхши уй, кийим –бош, печ, ўтин ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турди.”

Уруш натижасида юз берган иқтисодий қийинчиликларга қарамай ҳукумат 287 минг сўм маблағ ажратди. 1942 йил январь ойида Шўрчи райони 548 нафар эвакуация қилинганларни қабул қилди. Булардан: 92 нафар эркак, 192 нафари аёл, 80 нафари бола ва 105 нафари қария эди. Шимоли-ғарб томондан душманнинг «Шимол» группировкаси ҳужум қилиб, 1941 йил сентябрь ойи бошларида Ленинградга яқинлашиб, шаҳарни қуруқлик томондан қамал қилди. Душман зўр бериб шаҳарга киришга уринди, лекин шаҳарни жангчилар билан бирга маҳаллий аҳоли ҳам қаттиқ туриб ҳимоя

қилди. 1941 йил октябрида душман Тихвин оролига чиқиб олди ва Ленинградни моддий ёрдам билан таъминлаш ишини янада оғирлаштирди, ленинградликларга моддий ёрдам фақатгина Ладога кўли ва самолётлар орқали етказиб турилди. 1942 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ленинградда кунлик нон нормаси ишчилар учун 250 грамм, бошқалар учун 125 грамм қилиб белгиланди. Ёқилғи ва электр қуввати етишмаслиги сабабли кўплаб корхоналар тўхтаб қолди, душман қамали натижасида шаҳарда 600 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Урушнинг дастлабки ойларида нафақат Ленинградда, балки СССРнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларда аҳвол ачинарли даражада оғирлашди. Душман эса қутуриб ҳужум қилиб, СССР таркибидаги Одесса, Харьков, Киев, Севастополь, Минск ва бошқа шунга ўхшаш шаҳар ва қишлоқларни эгаллаб олган эди. Душман билан бўлаётган ҳаёт-мамот жангларида барча халқ ва элатлар бирлашиб ҳаракат қилмаса душман қаршилигини синдириш амри маҳол эди. Ватаннинг бир қарич ерини муқаддас билган ҳар бир инсон ўзининг бор имкониятини ишга солиб, ўзи емаса-да, ўзи юпун бўлсада, душман билан аёвсиз жанг олиб бораётган жангчиларга моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлиб турди. Жумладан, Шўрчи элининг фронт орқасида меҳнат қилаётган азамат халқи душман асоратига тушган жабр-дийдаларга имкон қадар ғамхўрлик қилиб турдилар. Шўрчи аҳолиси меҳнаткашлари умумий душман бўлган фашизмга қарши курашда ўзларнинг фаол иштирок этиши лозим эканлигини қалбан ҳис этиб турди. Чунки Киевни олган ёв, Минскни талаган босқинчи, Ленинградни топтаган душман, Москвани эгаллаган ёвуз куч эртага Термизни олиши, Шерободни талаши, Шўрчини эгаллаши, қолаверса, бутун Ўзбекистонни топташи мумкин эди. Негаки фашизм иблислари ўз олдиларига дунё халқларини қул қилишдек жирканч бир мақсадни қўйган ҳамда бу қонхўр ёвдан ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Ўша даврда СССР таркибидаги, қолаверса жаҳондаги ҳар бир тинликсевар халқнинг бош мақсади манфур ёвнинг бошини ўз уясида мажақлаб, халқларнинг озодлигини, авлодларнинг ёрқин келажагини асраб қолиш вазифаси турарди.

Шунинг учун шўрчиликлар ўзларининг фашизм галаларига қарши курашаётган шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси билан бирга эканликларини ҳис этиб, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлиб турдилар.

Иккинчи жаҳон уруши тугади. СССР ва иттифоқчи давлатларнинг қўшинлари фашистлар Германияси, милитаристлар Италияси ва самурайлар Японияси устидан зафар қозонди. Рейхстаг узра ғалаба байроғи хилпиради. Шўрчи туманидан фронтга сафарбар этилган қарийб 2800 кишининг 1000 нафардан кўпроғи жанг майдонларида халок бўлди ёки бедарак йўқолди, 1700 га яқин одам қадрдон қишлоғига қайтиб келди. 2012 йилнинг май ойида фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг 67 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди. Шўрчи районидаги 130 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 2116 нафар меҳнат фронти фахрийсига бу қутлуғ кунларни кўриш бахти насиб этди.

Шўрчи шаҳридаги Мотамсаро она ҳайкали хамда Жура Хўжамиёров номли фермерлар уюшмаси ҳудудидаги ёдгорлик пойига кекса отахон ва онахонлар билан бир қаторда навқирон йигит-қизлар, харбий қисм аскарлари иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига буюк эҳтиром билан гулчамбар ва гулдасталар қўйишади. Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли жанггоҳларида жон олиб, жон берган қаҳрамон жангчиларнинг жасорати ҳам ҳеч қачон унутилмайди. Иккинчи жаҳон уруши бутун тараққийпарвар инсоният учун оғир ва шафқатсиз синов ҳамда аччиқ сабоқларга бой давр бўлиб тарихга кирди. Энг муҳими, тинчлик учун кураш, урушни келтириб чиқарувчи хавф-хатарни англаш ва ўз вақтида унинг олдини олиш зарурлигини кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши фашизм каби тажовузкор ғоялар байроғи остида бирлашувчи ёвуз террористик кучларнинг охир-оқибатда ҳалокатга маҳкум эканлигини яна бир бор исботлади.

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШЎРЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ хўжалигини тиклаш ишлари кучайтирилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш камайиб, саноатнинг хом ашёга бўлган талаби тўла қондирилмаётган эди. Ер майдонлари қисқартирилганлиги, ҳосилдорлик пасайганлиги сабабли пахтачиликка катта зиён етказилиди. Урушдан кейинги тинч қурилиши даврида Республикада ирригация тармоқларининг ривожланиши, СССР Халқ Комиссарлари Иттифоқи ва ВКП (б)нинг 1945 йил июл ва 1946 йил 2 февралда чиққан буйруқларига асосан амалга оширилди. Ўзбекистонда пахтачиликнинг янги босқичи 1946-1953 йилларни ўз ичига олади, бу даврга келиб, пахта ҳосилдорлиги кўпайиб, янги ирригация ва мелиорация ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Шўрчи районидаги Шалдироқ, Оққўрғон, Оқтепадаги мавжуд ботқоқликлар ўзлаштирилди ва бу ерлардан ҳосил олина бошланди.

Шеробод ва Бойсун районлари меҳнаткашлари кучи билан Шўрчи районидаги Миршоди даштлиги ерлари ўзлаштирилди, янги очилган массивга сув ўтказиш учун «Ҳазарбоғ» канали қурилди. Сурхондарёнинг ўнг қирғоғидаги Оқтепа массиви ўзлаштирилди, қурувчилар томонидан Шўрчи районидаги ботқоқ ерлар ўзлаштирилди. Шўрчи районининг Миршоди массивидаги ерлар ўзлаштирилиб, Шеробод ва Бойсун районларининг бир қисми сув билан таъминланди. «Ҳазарбоғ» канали қайта таъмирланди. 1949-1950 йилларда Занг каналидан Таллимарон массивига сув чиқариш тармоғининг қурилиши натижасида янги ер майдонлари очилди. Урушдан кейинги даврда Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригацион-мелиоратив тадбирларнинг хусусияти шунда эдики, биринчидан, мавжуд тизимларда сув ишларининг энг яхши шароитларини таъминлаш учун чоралар кўрилди. Иккинчидан, суғориладиган ерлар ва майдонлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилди. Бироқ, сув манбаларининг камлиги натижасида Сурхон-Шеробод воҳасида қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинмади. Бу муаммони Сурхондарё сувларидан унумли фойдаланиш йўли билан очиш мумкинлиги асосий вазифа эди.

Шунинг учун сув омбори қуриш йўли билангина Сурхондарёдан бефойда Амударёга тушадиган баҳорги ва қишки сувларни тўплаш муаммоси, воҳа қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омили эди.

Шеробод даштининг янги қўриқ ерларини ўзлаштириш ва Сурхон-Шеробод воҳасининг иқтисодий қудратини ривожлантириш муҳим масалалардан бири эди. 1946 йилга нисбатан пахта экиладиган майдонлар миқдори 1953 йилда 161 фоизга кўпайиб, Шўрчи районидаги Шалдироқ ботқоқликари ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига 1946 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 14,8 центнерга, 1953 йилда эса 25,9 центнерга етди, ингичка толали пахта майдонлари эса 10 баробар ошди. Мустабид тузум йилларида, янги ерларни ўзлаштириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, ирригация-мелиорация иншоотларини қуришга жиддий эътибор берилса-да, ерларнинг агротехник ҳолатини яхшилаш, шўрланишнинг олдини олиш ва шўрни ювиш масалаларига жиддий эътибор берилмас эди. Оқибатда ерларнинг шўрланиши ва ирригация иншоотларининг издан чиқиши, ариқ ва зовурларнинг қазилмаслиги туфайли, тупроқнинг ҳосилдорлиги пасайиб, ернинг шўрланиши анча ошди. 1958 йилда Шўрчи районидаги колхоз ва совхоз ерларининг шўрланишидан жиддий зарар кўрди, каналларининг яхши тозаланмаганлиги бунинг бош сабаби эди, сув танқислиги юзага келди, шўрланиш юқори бўлганлиги туфайли, ернинг шўрланиши 10 фоиздан 20 фоизгача кўпайди. Шўр ерларни ювишга ҳамда мелиоратив ишларга жиддий эътибор берилмаганлиги боис ҳосил самарадорлиг, унумдорлиги бузилди.

Совет ҳукуматининг амалга оширган қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислоҳотлари, янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини таъмирлаш ва қайта қуриш Марказ манфаатларига мослаштирилганлиги сабабли, ернинг мелиоратив ҳолати бузилиб, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ошган бўлса-да, ернинг шўрланиши ва зах босиши кейинчалик қуйидаги ҳолатларни келтириб чиқарди:

-Совет ҳукумати даврида сувдан фойдаланишда ва ерларни ўзлаштиришда маъмурий буйруқбозлик, шиорбозлик ва тўғридан-тўғри ўйламасдан берилган кўрсатмалар, ўлкадаги табиий бойлик ҳисобланган ер ҳосилдорлигининг пасайишига, сувнинг исроф қилинишига ҳамда табиатга эътиборсизлик билан қаралиши натижасида, салбий оқибатларнинг келиб чиқишига;

-Совет ҳукумати даврида қурилган каналлар, ариқлар, зовурлар ва бунёд этилган сув иншоотлари катта ҳажмда қурилди, бироқ, сувдан фойдаланиш масаласида қўйилган жиддий хатоликлар, кўплаб фожиали ҳолатларни келтириб чиқарди. Бу эса сувдан фойдаланишда ва ерларни ўзлаштиришда илмий асосларнинг етарли эмаслигига, сувнинг беҳуда сарфланиши натижасида минглаб гектар ерлар ташландиқ ҳолатга келиб қолишига;

- Суғориш тизими учун қурилган суғориш тармоқлари, сув насослари, сув ташланмалари, суғориш каналлари узоқ муддатли режа асосида қурилган бўлса-да, бироқ, унинг сифатсизлиги ҳамда сув сиғими, сувни сақлаш имкониятлари тўғри ҳисобга олинманлиги туфайли, уларнинг тезда издан чиқиб яроқсиз ҳолга келиб қолишига олиб келди.

Пахта етиштиришнинг урушдан аввалги даражасини жадал тиклаш ва уни янада кўпайтириш вазифасига катта эътибор берилди ҳамда пахтачиликка вилоят қишлоқ хўжалигининг ҳал қилувчи тармоғи деб қаралди. Шўрчи районида 1945 йили қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни режа асосида олиб бориш, меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил этиш, ҳосилдорликни ошириш, янги навлар яратиш соҳасида сезиларли тадбирлар амалга оширилди. Жамоа хўжаликларига жамоат ёрдамини кучайтириш туфайли 49 та хўжаликдан 33 таси пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарди. Район пахтакорлари 6330 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 11,1 ўрнига 12,95 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш йиллик режасини муддатидан илгари 122,4 фоиз қилиб бажарди. Райондаги «1 Май» жамоа хўжалиги, «Ленинобод» жамоа

хўжалиги ва «Ёш ғайрат» жамоа хўжалиги ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олиб, катта меҳнат зафарига эришдилар.

Шўрчи аҳолиси халқ хўжалигини ривожлантириш билан биргаликда Душанбе -Қоратоғ, Хазорбоғ каналлари қурилишида иштирок этиб, деҳқончилик маданиятини таррақий эттириб, катта натижаларга эришдилар. Туман хўжаликларидаги суғориш иншоотлари қурилиб, ариқларни қазишда аҳоли фидокорона хизмат қилди, қўш-омоч ва трактор билан ерни шудгорлаб, ғалла ва чигит экиб, уларни меҳр билан парваришлади. Совет ҳокимияти йилларида халқ хужалигини тиклаш даврида Марказни пахта маъмурий –бўйруқбозлик сиёсатига асосланиб, пахта экишга эътиборни кучайтириб, янги ерларни очишга, пахта экин майдонларини кўпайтиришга алоҳда маблағ ажратди. 1945 йил 14 июнда ВКП (б) Марказий Қўмитаси ва СССР Халқ Комиссарлари Совети «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида», 1946 йил 2 февралда эса «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режалари ва тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилиб, унда қишлоқ хужалигини жадал ривожлантириш масалалари таҳлил қилиниб, Марказни пахта хом ашёси билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди.

Техника воситалари учун эҳтиёт қисм топилмасди, механизаторлар эскириб қолган тракторларни ўн-йигирма кун давомида таъмирлашга мажбур бўларди. Урушнинг дастлабки йилларида энг яхши тракторчилар фронтга юборилди, оқибатда техника воситаларини бемалол бошқарадиган механизаторлар етишмай қолди. Шу сабабли махсус курсларда ёш йигитлар, хотин-қизларни ўқитиб, тракторчилар тайёрлаш ишлари кучайтирилди. Урушнинг сўнгти йилларида механизаторлар жанг майдонларига бориш мажбуриятидан озод қилинди. Тинч қурилиш даври бошланди, 1947 йилда Қорлуқ минтакасида 2-РТС (техника таъмирлаш станцияси) ташкил этилди. Бу РТСдаги 3 нафар механик, 100 нафар механизатор, 12 та хайдов трактори, 37 та трактори, 3 та комбайн билан жамоа хўжаликларига хизмат қиларди.

Қорлиқ минтақасида Нурали Ҳамзаев, Тангир Норқулов, Қарши Сафаров, Бахриддин Авазов, Раут Рузиев, Холмат Бобожонов каби механизаторлар турли русумдаги техника воситаларини ғайрат билан бошқариб, деҳқонларга мададкор бўлишди. 2-РТСда ишчилар қўрғончаси, устахона муддатда қурилди. 1952 йилдан эътиборан Тошмат Бердиев 2-РТС директори, Салимов бош агроном бўлиб ишлади. Ўша йили 2-РТС ихтиёрида 12 та ЧТЗ ва СХМЗ, 17 та ДТ-54 тракторлари бор эди. Қўрғончада ишчилар учун янги уйлар ва клуб қад кўтарди. Тоза ичимлик суви қувурлари фойдаланишга топширилди.

Малакали мутахассис Ҳусан Соатов 20 йилдан кўпрок вақт мобайнида 2-РТСга раҳбарлик қилди. Бу даврда пахтачилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаштиришда қувончли натижаларга эришилди. Шўрчи минтакасида Сердюк ва бошқалар МТС бошлиғи бўлиб ишлади. Б.Қурбонов, С.Пиримов сингари моҳир механиклар тракторчи ва автомашина хайдовчилари ишини моҳирона бошқарди.

1950-йилларда Шўрчи районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида моҳир механизатор Тоғай Абсаматов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада тузилди. Чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-териб олиш техника кучи билан бажарилди. 205 гектар майдонда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. «Оқ олтин»нинг асосий қисми «зангори кема»лар билан териб олинди. Машҳур механизатор Тоғай Абсаматовнинг бу тажрибаси республика бўйлаб кенг ёйилди. Қишлоқ хўжалик институти ўқитувчилари талабалар ҳузурида Т Абсаматовнинг пахтачиликни комплекс механизациялаштириш соҳасидаги илғор тажрибаси хақида маърузалар ўқиди. Шўрчи районидаги «Коммуна» жамоа хўжалигидан ака-ука Шоймардон ва Парда Қудратов, Энгельс (Т.Бердиев) номли жамоа хўжалигидан Алимурод Ёқубов, «Комсомол 30 йиллиги» давлат хўжалигидан Жаббор Яллаев, Замон Ўтаев, Киров (Ж. Хужамиров) номли жамоа хўжалигидан Бекназар Ҳақназаров каби моҳир механизаторлар мавсумда 200-300 тонналаб пахтани «зангори кема» бункеридан тўкищди. Айниқса, Шоймардон Қудратов бошлиқ бригада юқори ҳосил етиштиришда, пахтани машина билан териб олишда

юқори кўрсаткичларга эришди. Асосий пахта майдонлари жойлашган Шўрчи районида 1950 йилда мавжуд 50 та жамоа хўжалиги бирлаштирилиб, «Оққопчигай» (Гагарин номли-«Сайхон»), «Ўзбекистан», 13-боғдорчилик давлат хўжалигидан ташқари кичик хўжаликлар йириклаштирилиб, 15 та жамоа хўжалиги ташкил этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, қишлоқ хужалига учун зарур маблағларни етишмаслиги туфайли оғир иқтисодий вазиятдан чиқиш ниҳоятда қийин кечиб белгиланган топшириқлар бажарилмай қолди.

1951-1952 йилда Шўрчи райони меҳнаткашлари Занг каналини тозалаш ва кенгайтириш борасида катта ишларни олиб бориб, экин майдонларининг сув билан таъминланишни яхшилади. 1955 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида суғориладиган ерлар майдони 158 минг гектарга етиб, Дегрез сув омбори қурилди. Жамоа ва давлат хўжаликларининг иқтисодиёти тобора мустаҳкамланди. А Бойбўтаев биринчи котиб бўлган йилларда халқ даромади 2-3 баравар ошди. Шўрчи райони 1950 йилларда иқтисодий жиҳатдан маълум саҳоларда ривожланиб, пахтачилик асосий даромад манбаига айландиган бўлсада аҳолини кундалик талаб эҳтиёжларини қондирадиган полиз-савзавотчилик ва боғдорчиликка эътибор камайиб, бу деҳқончилик саҳоси учун деярли маблағлар ажратилмади. Чунки совет ҳукумти картошка маҳсулотларини Марказ таъминлайди деб, қишлоқ хужалигини бу тармоқларини махсус издан чиқарди. Мавжуд полиз-савзавот ва мевачилик билан шуғулланган экин майдонлари тугатилиб пахта далаларига айлантирилди. Ушбу ҳолат натижасида пахта монополиясига эътибор берилиб, бутун куч пахта экинларига қаратилиб, қишлоқ хужалигини яхши биладиган маҳаллий мутахассислар пахта ҳосилдорлигини оширишга сафарбар этилди. Шўрчи районида пахтачиликни тажрибали устозларига айланган Эгамберди Мавлонов, Ҳамидулла Болтаев, Бўри Худойбердиев, Мустон Хўжақулов, Хуррам Тошмиров, Эшниёз Рустамов каби таниқли раҳбар ходимлар етишиб чиқдилар. Эшниёз Рустамов Шўрчи, Жарқўрғон ва Денов районларида 25 йил биринчи котиб бўлиб хизмат қилди. Шўрчилик раҳбарлар

совет ҳукуматининг қаттиқ сиёсий сиқувига қарамай районни иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қушиб, шаҳари ва қишлоқларини ободонлаштириб, туман партия қўмитасининг икки қаватли биноси, янги шифохона, 20 га яқин мактаб, болалар боғчаси, кўплаб уй-жой қурилишида муносиб меҳнат қилдилар. 1954 йилда тумандаги деярли барча қишлоқлар электрлаштирилиб, йулларга тош-шағал ва асфальт ётқизилди, маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилиб, Шўрчи республика миқёсидаги машҳур туманлардан бирига айланди.

ХХ асрнинг 60-йилларида турли русумдаги чопиқ ва хайдов тракторлари кўпайди. Шўрчи МТСига Йўлдошев, Қурбон Бекмуродов ва Гайсин рабарлик қилди. Районда 1952-1954 йилларда Тошмат Бердиев 2-МТСда директор ўринбосари бўлиб ишлаб, 1954 йил жамоа хўжалиги раиси бўлиб фаолият кўрсатди. Шўрчи районида 1953 йил Хуррам Тошмиров Калинин жамоа хўжалиги раиси, 1954-1957 йилларда район партия қўмитасининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби, 1965-1967 йилларда Шўрчи район ижро қўмитаси раиси, 1967 йили “Шарқ юлдузи” жамоа хўжалигида раис этиб тайинланди. Районда халқ таълимини ривожланишида муносиб ҳисса қўшган Бозор Меликов 1955-1956 йилларда 28-сон мактаб директори, 1956-1982 йилларда район партия қўмитасида, радио ва газеталарда мухбир бўлиб ишлади. 1954-1955 йилларда Шўрчи МТСи (Қорлиқ РТСидан ташқари) минтақасида 9 хўжалик бўлиб, унинг ихтиёрида НАТИ, ЧТЗ, ХТЗ ва бошқа русумли 36 та ҳайдов, 100 га яқин чопиқ трактори бор эди. Ўша пайтда район бўйича 34-36 минг тонна, жумладан, Шўрчи минтақасида 18-20 минг тонна пахта етиштирилган. Мўл ҳосил етиштиришда ва уни йиғиб-териб олишда механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнади.

Қишлоқ хужалигини яхши билган А Бойбўтаев камтар, вазмин, сермулоҳаза, истеъдодли арбоб, туғма мироб бўлиб, 1956 йилда унинг ташаббуси билан Янги Дайтулак каналини қазишга киришилди. Шўрчи ва Қорлиқ минтақасидаги минглаб кишилар канал қурилишига сафарбар этилиб, туман партия қўмитаси котиби Хуррам Тошмиров канал қазиш ишларига

раҳбарлик қилиб, канал 1956 йил июль ойида канали қуриб битказилди. Сув Шамоли қишлоғига етгач, темир йўлнинг ғарбий тарафидаги янги каналдан то Элбоён жарлигининг кунчиқар томонидаги Ойнақул қишлоғигача оқа бошлада, янги ерлар ўзлаштирилиб, насослар ёрдамида сув чиқарилди. Шўрчи районида қишлоқ хужалиги йилдан-йилга ривожланиб, пахтачилик асосий тармоққа айланиши натижасида полиз- савзавот экинлари экиш пасайиб, кўплаб полиз-савзавотнинг янги тур навлар йуқ қилиб юборилди. 1962 йилда 12 миллион кубометр сувга мўлжалланган Намуна —Дегрез сув омбори қурилиши натижасида «Ижтимоият», «Толли», «Далварзин», Бобур номли, «Ялти» ва «Олатемир» жамоа хўжаликларида сув таъминоти яхшиланиб, Ҳазорбоғ канали «Ўзбекистан» давлат хўжалигига қадар давом эттирилди. Насослар ёдамида Қумқўрғон каналидан Шерғози даштига обиҳаёт чиқарилиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кўпайди. Ялпи пахта ҳосили 50 минг тоннага етиб, пахтачилик бригадалари ва сут-товар фермаларида комплекс механизация кенг жорий этилди.

Совет ҳукумати йилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосан пахтачилик ҳисобга ўсиб, пахта монополиясига эътибор кучайиб, бутун имкониятлар, маблағлар ушбу соҳа таррақиётига сарфланди. Маъмурий-бўйруқбозлик сиёсати туфайли экин майдонлари ва янги ўзлаштирилган ерлар фақат пахта экиш учун ажратилди. Жумладан, 1964 йилда Шўрчи райони 105 минг тонна пахта етиштириб, республикада биринчи ўринни эгаллаб, 1960-70-йилларида Шўрчи районида хам ирригация-мелиорация ишларига катта эътибор қаратилиб, Хазорбоғ каналига бетон ётқизилди. Хўжаипок, Сангардак ва Омборсой орқали бетон қувурлар (дюкер) ўрнатилиб, Денов канали қазилиб, Шўрчи районига қўшимча сув келтирилди. Хотамтой, Мингжар, Какан, Кетмон дашти, «Озод», «Ижтимоият» ва «Толли» жамоа хўжаликларидаги қир-адирлар ўзлаштирилди.

1969 йилда районда ёғингарчилик кўп бўлди, баъзи пайкалларни сел босганлиги сабабли қайтадан чигит экилди, шунигдек, 1971 йилда сув танқис бўлиб, 1972 йилда об-ҳаво пахтакорлар учун ноқулай келди. Шу 3 йилда

пахта тайёрлаш режаси декабрь ойида, бошқа йилларда эса октябрь-ноябрь ойида адо этилди. Натижада қишлоқ хўжалиги катта иқтисодий зарар кўриб, аҳолининг турмуш даражаси оғир иқтисодий вазиятга тушиб қолди. Иш ҳақининг пастлиги, озиқ-овқат таъминотининг яхши эмаслиги туфайли қишлоқ аҳолиси ўртасида кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига олиб келди. Совет ҳукуматининг олиб борган пахта хом-ашёси билан Марказни таъминлаш сиёсати туфайли, шундай оғир иқтисодий аҳволга қарамай пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича берилган қатъий топшириқни бажаришга жиддий киришилди. Бу мажбурий кўрсатмалар натижасида туманда пахта етиштириш ўсиб, Шўрчи райони 1966 - 1970 йилларда 371 минг ёки режадагидан 38 минг тонна кўп пахта топширди. 1971 - 1975 йилларда 381 минг 600 тонна пахта, 10 минг 100 тонна гўшт, 15 минг 740 тонна сут тайёрланди. Шўрчиликлар 1965 йилда 67 минг, 1973 йилда 88 минг 600, 1976 йилда 95 минг 630 тонна пахта етиштириб, ўтача ҳосилдорлик 31 центнердан 39 центнерга кўтарилди. Хўжаликларнинг йиллик даромади 1965 йилда 33 миллион сўм бўлса, 1973 йилда 55 миллион сўмни ташкил этди. Бу муваффақиятларда 1965 - 1973 йилларда туманда биринчи котиб бўлган Эшниёз Рустамов, 1967 - 1983 йилларда туман ижроия қўмитаси раиси бўлган Холмат Бегматов, 1964 - 1986 йилларда туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлган Қурбон Бекмуродов, сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида 25 йил ишлаган Виктор Петрович Датчукнинг салмоқли ҳиссаси бор.

1970 йилларда жамоат чорвачилигининг озуқа базасини мустахкамлаш масаласи диққат марказида бўлди. Охунбобоев номли, «Ленинград» жамоа хўжаликларида 300-320 гектар ерга беда, маккажўхори экилиб, сенаж ва силос тайёрланарди. Жданов номли жамоа хўжалиги раиси, агроном Юсуф Соатовнинг ташаббуси билан кузда рапс ва бошқа оралиқ экинларининг уруғи сепилиб, март-апрель ойида ўриб олингач, ўрнига чигит экиларди. Ўша пайтда пушта олиб, далалар суғорилгач, чигит экилди. 1965 - 1970 йилларда Шўрчи районида қорамоллар сони 3 минг бошга, майда моллар сони 27 минг бошга кўпайди. Районда гўшт, сут, ёғ ва тухум ишлаб чиқариш 14-27 фоиз ўсди. 1975

йилда туманда қорамоллар сони 16 минг 840 бошга, майда моллар сони 111 минг бошга етди. Райондаги Киров ва Жданов номли жамоа хўжалигидаги Маматқул Турдиев, Хуррам Менгбоев бошлиқ фермаларда 1000-1200 бош қорамол боқилиб, ҳар куни 3000 литрдан кўпроқ сут соғиб олинган. Райондаги Гагарин номли давлат хўжалиги чўпони Нуркул Йўлдошев, «Ўзбекистон» давлат хўжалигидан Рахмон Бобохонов, Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Бозор Пардаев, Жданов номли жамоа хўжалигидан Султонмурод Шермуҳаммедов ҳар 100 бош қоракўл ва хисори совлиқдан қўзи олишда юқори кўрсаткичларга эришди. XX асрнинг иккинчи ярмида қорамоллар ва қўйлар зоти янада яхшиланди, айниқса, бу иш Гагарин номли давлат наслчилик заводида намунали йўлга қўйилди. Сурхон сури, қахрабо, шерози ва бошқа навли қоракўл қўзи терилари яратилди, бу қимматбаҳо терилар Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада олтин медаль билан тақдирланди. Илмий тадқиқотчи олима Гигинашвили, Гагарин номли давлат хўжалиги директори, фан номзоди Мирхолиқ Менглиев, зоотехник Хуррам Тоғаев Давлат мукофотига мушарраф бўлди.

1976 йидда Шўрчи райони давлатга 95 минг 630 тонна «оқ олтин» топширди, далаларда 385 та пахта териш машиналари ишлади ва 51,500 тонна ҳосил бункерлардан тўкилди. Бу ҳар бир терим машинасига 137 тоннадан тўғри келди, бир қатор бригадалар ҳосилнинг 50-80 фоизини пахта териш машиналари ёрдамида териб олди. 1977 йилда район далаларида 405 та терим агрегати ва 1279 нафар механизатор ишлаган. Қозоқ халқи фарзанди Раҳматжон Оқберганов «Узсельхоз-техника» туман бирлашмасига қарийб чорак аср раҳбарлик қилди. У ўзининг камтарлиги, одамохунлиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилиги билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. Шу бирлашманинг бош муҳандиси Анатолий Иванович Фадеев кўп йиллар чорвачиликни механизациялаштириш бўйича жамланмага усталик билан раҳбарлик қилди. Шўрчи ва қўшни туманлардаги сут-товар фермаларида сигирларни соғиш, ем-хашак тайёрлаш, молхоналарни тозалаш ишлари механизация зиммасига юклатилди. Халқ хўжалиги тармоқларига техника хизмати кўрсатишдаги

самарали меҳнатлари учун А.И.Фадеев, Охунбобоевлик Қарши Шоймардонов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор», таъмирлаш заводи директори Алимардон Ҳожи Соатмуродов «Республикада хизмат кўрсатган саноат ходими» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлди.

Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов 1967 йилда «Чўлга баҳор элтамиз!» деган шиор билан мардлар майдонига чиқди. Шўрчилик машҳур механизаторнинг бу ватанпарварлик ташаббуси Сурхондарё вилоятидаги пахтакор деҳқонлар, бригада бошлиқлари ва довюрак механизаторлар томонидан қўллаб-қувватланди. Минглаб кишилар Шеробод даштига отланди. Шўрчи районидан Тоғай Абсаматов, Алмурод Ёқубов, Деновлик Отамурод Худойназаров, Жиянқул Рустамов каби механизаторлар чўлдаги пахтачилик бригадаларига бошчилик қилиб, «оқ олтин» ва бошқа экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштиришда фидойилик кўрсатди. О.Худойназаров, Ж.Рустамов Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Сурхон-Шеробод воҳасидаги янги ерларни ўзлаштиришда ва пахтани машиналар билан териб олишда Ш.Қудратов издошларидан Чиннихол Худоёрова, Озода Абдураимова, Светлана Продан ва бошқа механизатор хотин-қизлар шахсан ибрат бўлишди. Шоймардон Қудратов Гагарин (Музработ) районидаги «Советобод» давлат хўжалигидаги пахтачилик бригадасини бошқариш билан бирга ҳар йили 4 қаторли «Ўзбекистон» русумли «зангори кема» билан 300-350 тонна «оқ олтин» териб, рекорд натижага эришди. Машҳур механизатор Ш.Қудратов Шеробод районидаги «Дўстлик» (Нуриддин Муродов) номли давлат хўжалигида 15 йил директор бўлиб ишлади.

Хуллас, минглаб сурхондарёлик ва қашқадарёлик кишиларнинг машаққатли ва кўтаринки кайфиятдаги астойдил меҳнати, жумладан, шўрчилик механизаторларнинг маҳорати ва шижоати туфайли Шеробод чўли гуллаб-яшнаган воҳага айланди.

1977 йилда Шўрчи ва Жарқўрғон райони негизида Қумқўрғон, 1982 йилда Шўрчи ва Денов райони базасида Олтинсой районилари ташкил этилди. 1979 йилда туманда 13 колхоз ва 2 совхоз бўлиб, хўжаликларда 19,232 га ерга

пахта, 3170 га ерга ғалла экинлари, 3051 га ерга маккажўхори, 40 га ерга картошка, 208 га ерга полиз экинлари экилди. 428 гектар мевазор боғ, 627 га ер ток-зор, 3500 га ер ем-хашак экинлари билан банд бўлди. Район хўжаликларида 1979 йилда 12.794 қорамол (шундан 2986 сигир), 502 чўчка, 37.070 қўй ва эчки, 457 йилқи, 41.766 парранда боқилган. Шўрчи райони давлатга 73.247 тонна пахта, 47.630 ц. галла, 6433 ц. шоли, 3984 ц. картошка, 104.642 ц. сабзавот, 36.384 ц. полиз махсулотлари, 12.032 ц. мева, 87.363 ц. узум, 18.975 ц. чорва ва парранда гушти, 47.670 ц. сут, 3.522,7 минг дона тухум, 1718 ц. жун сотилди.

Шўрчи районида халқ хўжалиги турғунлик йилларига қарамасдан қишлоқ хўжалигида ижобий силжишларга эришиб, 1985-1990 йилларда оғир иқтисодий вазиятга қарамасдан давлатга пахта топшириш режасини муафаққиятли бажариб, республикада энг илғор районлар қаторига чиқди. Шўрчида пахта ҳосилдорлиги 32 центенрни ташкил этиб, деҳқонларга иш ҳақи тўлови ўз вақтида амалга оширилди. Районда мелорация-ирригация тармоқларини яхшилаш, чорвачилик, боғдорчилик, савзавотчилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш ишларига алоҳида эътибор берилди. Шўрчи халқ –хужалигини тиклаш ва уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга муносиб ҳисса қушган раҳбарлар район келажаги учун зарур бўлган қушимча имкониятларни излаб топиб, янги уй-жойлар қурилишга , ободонлаштириш ва кукламлаштириш ҳамда янги саноат корхоналарни қуришга ўз кучларни сарфладилар. Бундай халқпарвар, инсонлар раҳбарлар совет ҳукуматининг қаттиқ сиёсий тазйқига қарамай ўз фидойиликларни кўрсатдилар. Ана шундай раҳбарлардан Шўрчи район партия қўмитасининг биринчи котиблари 1977 - 1981 йиларда Карим Умаров, 1982 - 1985 йилларда Нуриддин Райимқулов, 1985 - 1990 йилларда Қурбон Эшбоев, 1983 - 1990 йилларда район ижроия қўмитаси раислари бўлиб ишлаган Усмон Мустафоев, 1990 - 1991 йилларда Ўрол Чўтбоевлар районни ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётига сидқидилдан хизмат қилдилар.

# ШЎРЧИ САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИ

Иккинчи жаҳон урушдан кейинги йилларда Шўрчи районида маҳаллий саноат асосан майда ҳунармадчиликдан иборат бўлиб, маҳаллий эҳтиёжларни таъминлаш учун бел, кетмон қишлоқ хўжалиги зуруриятини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Совет ҳукумати пахта толасини қайта ишлаш ва пахта толасининг сифатини сақлаш Марказ талаб эҳтиёжларини бажариш мақсадида янги пахта тозалаш заводларини жадал қуришга киришди. Натижада Шўрчи районида пахтачилик саноатини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиб, пахта тозалаш заводини қуришга киришилди. Маҳаллий ҳудудларда заводларни қуришга эътибор Марказ кўрсатмаси асосида олиб борилиб, озиқ-овқат ва енгил саноатни қуришга эътибор берилмади. Чунки чекка ўлкалар Совет Итифоқидан ажралиб кетган тақдирда қурилган завод ва фабрикалар қолиб кетиши мумкин деган сиёсат муҳим масала қилиб олинган эди. Шу туфайли 1960 йилга қадар Шўрчи районида бирорта ҳам йирик саноат корхонаси қурилмади мавжуд пахта тозалаш заводини қуриш 1946 йилда режалаштирилиб, заводни қуриш учун 5 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса-да, қурилиш ишлари 1947 йилда бошланди. Бироқ маблағлар ўз вақтида ажратилмаганлиги натижасида пахта заводи қурилиши тўхтаб қолиб, Шўрчи районида етиштирилган пахта хом ашёси Термиз пахта тозалаш заводига темир йўл транспорт билан 122 километр узоқ масофага ташиб олиб борилди. Шунингдек, Термиз пахта тозалаш заводи билан Шўрчида пахта пунктлари оралиқ масофаси Жарқўрғон 65, Сурхон 80, Қумқўрғон 110 километр узоқликда жойлашиб, ана шу 4 та темир йул бекатидан Термизга пахтани ташиш учун 5718 вагон жалб қилинган эди. Бу ишлар учун катта миқдордаги маблағ беҳуда сарфланди ва Совет ҳукуматининг сусткашлиги туфайли пахта заводи қурилиши узоқ вақт чўзилиб, пахта тозалаш заводи 1961 йилда қуриб битказилди. Шўрчи пахта тозалаш заводнинг иқтисодий қудратини ошириш мақсадида муҳим аҳамиятга эга ишларни амалга оширдилар. Улар ишчи –ходимларнинг иш ҳақини ошириш ва дам олиш шароитларни яхшилашга эътибор бериб, ушбу маблағларни маҳаллий имкониятлар асосида бажардилар. Чунки совет

ҳукумати заводни ишчилари ва хизматчилари учун маиший-маданий соҳага деярли маблағни ажратмаган. Маҳаллий раҳбарлардан ҳисобланган, Қорликдаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигини 12 йил бошқарган, пахта тозалаш заводининг янги раҳбари Иброҳим Ураев даврида 1966 — 1988 йилларда заводда 500 нафар ишчи-хизматчи фидокорона меҳнат қилди. Пахта толасининг салмоғи ошиб, пишиқлиги ва сифати тубдан яхшиланди, янги техника воситалари, ускуналар ўрнатилди, ихтирочиларнинг таклифлари жорий этилди. Шўрчи пахта тозалаш заводи ишчилари ва муҳандис-техник ходимлари мусобақада бир неча марта ғолиб бўлиб тақдирланди. Кейинги йилларда Абдулла Алимардонов, Абдимурод Русанов директор, Яхшибой Қурбонов, Тошмат Поёнов кўп йиллар пахта қабул қилиш маскани бошлиги лавозимида самарали хизмат қилди. Вилоят механика устахонаси электр двигателларига махсус сим ўраш, пахта тайёрлаш корхоналарини зарур асбоб-ускуналар ҳамда бошқа саноат моллари билан таъминлашда яхши натижаларга эришди. А.Қайнаров ва бошқалар устахонага раҳбарлик қилди, корхонада Нормамат Мусурмонқулов, Хушбоқ Кўчаров, Хушбоқ Сафаров сингари қўли гул усталар ишлади.

XX асрнинг 70-йиллари ўртасида Шўрчи шаҳрида вилоятдаги ягона мебель фабрикаси қурилиши бошланиб, 1982 йилда фойдаланишга топширилди. Мебель фабрикаси директори Қарши Қодировнинг ташкилотчилиги натижасида, асоса, ошхона гарнитурлари, мактаб ўқувчилари учун парталар ишлаб чикаришга ихтисослашган бўлиб, кийим ва китоб жавони, трюмо (учта кўзгу)лар ҳам тайёрлади. Фабриканинг мебеллари Сурхондарё ва қўшни вилоятлар, Тожикистон аҳолиси ҳамда ўрта таълим мактабларининг талаб-эҳтиёжини қондира бошлади. Корхона кошидаги ёрдамчи хўжаликда қорамол ва қўйлар боқиш йўлга қуйилди.

1947 йилда Шўрчи районидаги Молотов номли жамоа хўжалигида кичик гидростанция қурилиб, ишга туширилди. 1950-йиллар арафасида Қумқўрғон ГЭСи қурилиши бошланди, уни бунёд этишда шўрчиликлар ҳам фаол қатнашди. 1952 йил 31 августида СССР Министрлар Совети «Қумқўрғон

ГЭСи қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги қарор чиқарди ҳамда 300 минг сўм маблағ ажратди. Қумқўрғон ГЭСи фойдаланишга топширилгач, 1954 йилда Шўрчи райони маркази ва қишлоқларнинг асосий қисми, 1968 йилда эса барча қишлоқлар тўлиқ электрлаштирилди. Бу ҳол қир-адирларга электр насослари орқали сув чиқаришда ҳамда қишлоқлардаги аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлди.

Урушдан кейинги йилларда вилоятда, жумладан, Шўрчи районида ёқилги саноатини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. 1947 йилда Лалмикор корхонасида 11 километр узунликдаги нефть қувурлари ётқизилди, 2 та янги нефть қудуғи қазилди. Лалмикор конлари янги русумдаги нефть тортиш насослари билан таъминланди, нефть қудуклари сони 1963 йилда 48 тага етказилди. Лалмикор конларидан олинадиган табиий газ миқдори тобора ўсди.

Шўрчи районининг марказий йўлининг қурилиши 1930 йиллардан бошланиб, Сариосиё, Денов, Шўрчи, Жарқўрғон районларини бирлаштирадиган шох йўл қуриб битказилди. 1935-1936 йиллари шу йўлдан от аравалар ва туяладга Шўрчидан  Душанбе шаҳрини қуриш учун ғишт ташилди. 1956 - 1966 йилларда Сурхон трактидаги автомобиль йулларига асфальт ётқизиш қизгин давом эттирилди. Катта ўзбек тракти, республика аҳамиятига молик йўллар ва Сурхон трактига кирадиган Дарбанд - Бойсун - Шўрчи, Шўрчи - Қорлиқ йўналишидаги йўллар асфальтланди. Ўзбекистонда йўл қурилишига эътибор 1960 йилларда жиддий тус олди,  кўплаб кўприклар, уларга борадиган йўллар, дарёларга тўғонлар катта ҳажмда қурилиб ишга туширилди. Бу қурилишларга  1960-1962 йил Шўрчи шаҳридан Тентаксой дарёси устидан  кўприк қурилди.  Шўрчидаги Сурхон дарёсидаги кўприклардан ташқари вилоят йўл қурилишига алоқадор бўлган ташкилотлар ва маблағ ажратадиган омилларни йилдан йилга кўпайиши, янги маблағларни ажратилиши, давлат ҳисобидан кўприклар, йўллар қурилиши ҳамда қайта таъмирлаш ишлари транспорт соҳасига хизмат кўрсатишни такомиллашиб

боришига олиб келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки 1966 йилда Шўрчи-Қорлик автомобиль йўллари ҳам қайта таъмирланди ва янгидан қурилди.

Сурхондарё вилоятида 1966-1978 йилларда Сурхон тракти йўл қурилиши 11-категорияли олий техник категорияга ўтказилиб, мавжуд йўллар қайта таъмирланиб, узунлиги 115 километр бўлган Сурхон темир йўл станциясидан Қумқўрғон-Шўрчи-Денов-Тўпаланг шаҳарлари орқали Сариосиё-Узун аҳоли манзилгоҳларини ўз ичига олган йўллар Тожикистон республикасининг чегарасидаги йўлларга туташтирилиб, йўлларни ҳаммаси асфальт бетонли қоплама билан таминланди. Ушбу ўсиш суръатларини бир маромда давом эттириш мақсадида автомобил трести ўзининг корхоналарида юк ва йўловчи транспортлар сонинг кўпайтириш, унинг ишлаб чиқариш базасини ташкил қилиш бўйича сезиларли ишларни амалга ошириб, Шўрчи районида шинам автомобиль таъмирлаш корхоналари қурилиб, 1969 йил Шўрчи районида икки линияда: “Шўрчи-Қумқўрғон”, “Шўрчи-Миршоди” маршрутлари бўйича автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Вилоят автомобиль тармоғининг Қумқўрғон-Шўрчи, Шўрчи-Денов, йўл ҳудудлари ўсиб келаётган юк оқимини ўтказа олмаслиги маълум бўлганлиги сабабли ушбу йўналишдаги автотранспорт тармоғи йўл участкаларини босқичма-босқич кенгайтириш ва қайта қуриш учун янги лойиҳалар яратиш зарур ҳисобланди. Чунки автомобиль транспорти тўғридан-тўғри "эшикдан-эшиккача" юк ташишга имкон беради. Шу туфайли аралаш ташиш тизимига хос бўлган юкларни маршрут транспорт узелларида қайта ортиш-тушириш ишлари автомобилларда юк ташилганда юзага келмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юк оқимларини қайта тақсимлаш асосида олинган иқтисодий самара 206 млн 175 минг сўмни ташкил этиб, вилоят автомобиль тармоғининг Қўмқўрғон-Шўрчи, Шўрчи-Денов участкалари ўсиб келаётган юк оқимини самарали ўтказа олиш имконияти талаб даражада эмаслигини ҳисобга олиб, йўналишларининг темир йўл билан тўғридан-тўғри боғланган корхоналардаги юк ташишларни темир йўл транспортига ўтказилди.

1970-1976 йилларда кадрлар малакасининг етарли эмаслиги оқибатида Шўрчи автотранс корхонларида кўплаб транспорт воситалари техник воситалар етишмаслиги туфайли ҳаракатсиз туриб қолиши, бу транспорт корхоналарда технологик режимларнинг бузилиши оқибатида режалар мунтазам бажарилмай қолди. Ишчи мутахассисларга етарли даражада билим берадиган ўқув юртлари йўқ эди, мавжуд ҳунар-техника билим юртлари номига фаолият кўрсатиб, замонавий техника билан жиҳозланмаган эди. 1981 йилда Сурхондарё вилоятида автомобиль корхоналари жойлашган Шўрчи районида ишчи ҳамда хизматчиларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш мақсадида 1250 млн. рубль капитал маблағлар сарфланиб, режага нисбатан 54 фоиз қўшимча маблағлар ўзлаштирилди. Ушбу қурилиш ишларини янада ривожлантириш мақсадида 1988 йил 165-трест, агросаноат комитетининг 1-қурилиш трести, “Сурхонирстрой” қурилиш трести ишчи ва хизматчилар учун 42 та икки қаватли турар-жой биноларини қуриб, ишга туширди.

1985-1990 йилларда Сурхондарё вилояти йўл қурилиш бўлимлари жойлашган Шўрчи районида 46900 кв.м.  уй-жой, 4941 ўринли умумий таълим мактаблари, 960 ўринли боғча ва яслилар қурилди. Шунингдек, 96 км ичимлик суви тармоғи, 46 км автомобил йўли, 1350 ўринли клуб ва кинотеатр, 200 тоннали сабзавот сақлайдиган омбор қуриб ишга туширилди. Ушбу қурилиш ишларининг 28 фоизини “Тўпаланггидрострой” трести, 32 фоизини “Сурхонсовхозводстрой” 412 қурилиш-монтаж бирлашмаси, 27 фоизини 156-қурилиш трести, 13 фоизини вилоят йўл бошқармаси бажарди.

1965 - 1975 йилларда Шўрчи районида қурилиш ишлари кенг қулоч ёйди. 2530-автокорхона, чорвачиликни механизациялаштириш бўйича кўчма жамланма, 1 - ва 25-қурилиш жамланмаси, хўжаликлараро бурдоқчилик корхонаси, яйловларни ва қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга ихтисослашган «Обиҳаёт» фирмаси барпо этилди.

Ўзбекистон Республикасида пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан бўлиб, янги саноат корхонаси ёки қурилиш ташкилоти учун ер ажратиш амримахол эди. Масалан, 2530-автокорхона учун 5 гектар ер ажратиш ҳақида Жданов

номли жамоа хўжалиги аъзолари вакиллари йиғилишининг қарори 3 йил мобайнида бажарилмаган. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш-монтаж ишлари учун тегишли маблағ ажратилди. 1969 йил баҳорида автокорхона директори Қорабой Холиёров ва Жданов номли жамоа хўжалиги раиси Юсуф Соатов ўзаро маслаҳатлашгач, қурилиш майдонига кечаси тош-шағал тўкилди. Бу «партизанлик» харакати Шўрчи район партия қўмитаси бюросида қаттиқ муҳокама этилиб, пахта майдонига ўзбошимчалик билан тош тўктирганлиги учун директор ва раисга ҳайфсан эълон қилинди. Ниҳоят, кузда 2530-автокорхона қурилиши бошлаб юборилди. 2530-автокорхона директори Тўлқин Рахимов, Бозор Мустафоқулов, ҳайдовчи Дамин Маматқулов, Чори Қурбонов, Кенжа Аймуҳаммедов, Нурмамат Олмосов юк ташишда чинакам шижоат кўрсатди. 1970-80-йилларида Жданов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги пахта майдонларидан яйловларни мелиорациялаштириш ташкилоти учун 3 гектар, чорвачиликни механизациялаштириш кучма жамланмаси учун 5 гектар, «Суворова» ташкилоти учун 2 гектар, «Ирригация-қурилиш» трестига қарашли курилиш-монтаж жамланмаси учун жами 4 гектар, асфальт-бетон заводи учун 6 гектар, район бўрдоқичилик корхонаси учун 3 гектар ер ажратиб берилди. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасалар учун қарийб 100 гектар ер ажратилишига қарамай, Жданов номли жамоа хўжалиги дехқонларининг астойдил меҳнати туфайли ялпи пахта ҳосили купайиб, ҳар гектар майдондан олинадиган пахта ҳосил 40 центнерга етказилди.

Бундан ташқари, 17-ҳунар-техника билим юртининг дастлабки биноси, Шўрчи шаҳридаги 3-,21- ва 36-ўрта мактаб, 1-,8-ва Шўрчи пахта тозалаш заводи қошидаги болалар боғчаси, туман ижроия қўмитаси, агросаноат бирлашмаси, сув хўжалиги, санитария-эпидемиология станцияси, босмахона, маданият саройи, катталар поликлиникаси, туғруқхона, дорихона, «Бобур» кинотеатри, универмаг, кўплаб икки, тўрт қаватли уйлар, «Шўрчи» ресторани, қишлоқларда ўнлаб янги мактаб, болалар боғчаси, маданият уйи, клуб, кинотеатр, турар-жой

иморатлари, дала шийпонлари, маданий-маиший хизмат тармоқлари қурилди, туман алоқа уйи учун ер майдони ажратилди.

Шўрчи тумани иқтисодиётининг ривожлантириш борасида 1970-1980 йилларда иттифоқ маркази томонидан амалга оширилган тадбирлар, асосан, қуйидаги мақсадларга эришишга қаратилган: биринчидан, мавжуд моддий-техникавий потенциални кучайтириш режалаштирилган эди. Шу билан ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш йўли билан Шўрчида минерал ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёни ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзга тутилган эди. Ўзбекистон ташқарисида қайта ишлашни ошириш; иккинчидан, минерал ўғит ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини кенгайтириш туфайли Шўрчини совет пахтачилигининг асосий базаси сифатида ролини кўтаришдан иборат эди. Албатта, бу мақсадларга эришиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар, жумладан, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация иншоотларини замонавийлаштириш, электростанциялар куриш, аҳолининг бир қисмини янги очилган қишлоқ хўжаликларга ерларига кўчириш ва ҳоказо билан объектив боғлиқ ҳолда ўсди. Оқибатда маҳаллий меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш тобора мураккаблашиб борди.

Шуни ҳисобга олиб, Шўрчида 1960 йиллар охирида корхоналарнинг филиалларини, цех ва бўлинмаларини очишга ҳаракат қилабошланди. Бу ишларнинг натижасида, Шўрчида 1970-1980 йилларда 22 минг янги иш жойлари барпо этилди. Шўрчи районини қишлоқ аҳолиси яшаётган бир қатор марказларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи мавжуд корхоналар кенгайтирилди. Шунингдек, бу хил корхоналарнинг янгилари қурилиб, қишлоқларда иш жойлари билан таъминланмаган ёшлар, айниқса, хотин-қизлар, сони ортиб бораётгани ҳам ҳисобга олинган эди. Шунинг учун биринчи навбатда енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини қуришга ҳамда техникавий ва технологик такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Масалан, Шўрчида 1956 йилда

дастлаб биринчи босқичи, 1962 йилда тўла ишга туширилган пахта тозалаш заводи, 1980 йилда ишга туширилган Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси янги ишчи ўринларини яратиб, ишлаб чиқаришнинг зоманавий турларини яратди. Шўрчидаги вино заводи, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш заводлари эса 1972 йил 2 млн. 736 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Шўрчидаги маҳаллий саноат корхоналари туфайли 1200 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ хотин-қизлари иш жойи ва даромад манбаи билан таъминландилар. Бу Шўрчида 1976-1980 йилларда маҳаллий саноат тасарруфида жемпер, пайпоқлар, кўйлаклар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва цехлар қурилди. Мавжуд эски корохоналар қайта қурилиб, янги техника ва замонавий технология билан таъминланди. Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш, пахта тозалаш, консерва заводларида ва маҳаллий саноат корхоналарига янги асбоб-ускуна, мосламалар ўрнатилди. Натижада ишчиларнинг меҳнат шароитлари, биринчи навбатда меҳнат хавфсизлиги яхшиланди, меҳнат унумдорлигини кўтариш имкониятлари пайдо бўлди, чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатида ҳам анча яхшиланди. Бу борада Шўрчидаги пахта тозалаш заводида янги мосламалар, машиналар, дастгоҳлар, ускуналар ўрнатилди. Шунинг учун заводда меҳнат шароити яхшилади, чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини кўтариш мумкин бўлди. Аммо Шўрчининг айрим корхоналарида маъмуриятнинг масъулиятсизлиги оқибатида баъзи йилларда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасайди. Шунга ўхшаган бошқа нуқсонларни мавжудлиги шаҳар корхоналарининг фаолиятини бир хилда ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто тажрибали корхоналарда ҳам вақти вақти билан турли нуқсонлар содир бўлиб туриш кузатилар эди. Масалан, 1975-1979 йилларда пахта тозалаш ва ғишт заводида меҳнат хавфсизлиги бўш бўлиши туфайли 250 соат иш вақти йўқотилди. 1984-1985 йилларда эса ускуналарнинг эскилиги, янги тикиш йигириш асбобларининг ўрнатилмаганлиги натижасида 174 соат иш вақти йўқотилди. Бу пахта тозалаш заводида тозалувчи янги дастгоҳларни турли баҳоналар билан ўрнатмаслик туфайли рщй берган эди. Бундан ташқари ишчиларни

форма билан таъминлашда ҳам лоқайдлик қилинар эди, 1975-1979 йиллар давомида ишчиларни иш формаси билан таъминлаш фақат 75,5 фоиз бажарилди. 1980 йилларнинг ўрталарида пахта завод раҳбарияти янгиланиб, ишчи техник муҳандислар жамоасининг иш фаолиятини яхшилашда ижобий таъсир кўрсатди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бу заводда анча кенг миқёсда қайта қуриш ишлари бажаралди ва янги бинода замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқариш 34,5 фоизга оширилди.

Ўзбекистон ҳукумати вилоятларда маҳаллий саноатни ривожлантиришга алохида ахамият берди. Шўрчи дон махсулотлари комбинати курилиши XX асрнинг 80-йилларида озиқ-овқат саноати сохасида амалга оширилган катта воқеа бўлди. Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси раиси Абдувоҳид Каримов Шўрчи районига келиб, туман партия қўмитасининг биринчи котиби Эшниёз Рустамов билан биргаликда ун корхонаси қурилишга жой танлашди. Корхона учун жой Жданов номли жамоа хўжалиги раиси Юсуф Соатовнинг таклиф билан туман ҳудудидаги 166-разъезд ёнида, 16-бригаданинг 56 гектар пахта майдони танлаб олинди. Натижада Шўрчи районида дон маҳсулотлари комбинати қурилиб, ўртача 400, жами 1200 одам иш билан таъминланди. Шўрчи районида янги ун корхонаси пневматик транспорт автоматик тарзда ишлаб, корхона тегирмондан 1-,2-, ва 3-навли буғдойни ишлаб чиқариш йулга қуйилди. Шўрчи райони ижроия қўмитаси янги ун комбинати учун жами 56 гектар майдон ажратиб, 12 гектар майдонга корхона биноси қурилиб, 8 гектар майдонда эса ишчи-ходимлар учун муҳташам уй-жой шаҳарчаси барпо этилди. 1973 йилда ун корхонаси қурилиши бошланиб, 1978 йил охирида корхонанинг биринчи навбати, 1980 йилда иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. 1980 йилда эса Ўзбекистонда энг кучли темир йул вагонларидан юк тушрадиган механизм монтаж қилиниб, бу механизм 60 тонналик вагон юкини 10 дақиқада бўшатиш имконига эга бўлди. Шўрчи ун корхонасини зарурий маблағлар билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилмаганлиги туфайли корхона қурилиши узоқ

чузилиди. 1980 йилда бир кеча-кундузда 450 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон, 5 минг тонна ун сақланадиган омбор, чиқинди сувларни тозалайдиган мажмуа ишга туширилди. Корхона ёнида икки қаватли маъмурий бино, маданият саройи, 4 та кўп қаватли турар-жой биноси, катта стадион, бир кеча-кундузда 500 тонна омихта ем ишлаб чиқарадиган цех, кичик тегирмон, макарон цехи, халталарни таъмирлаш цехи, ишчи-хизматчилар учун профилакторий-санаторий, 2 та болалар боғчаси, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший хизмат тармоқлари бунёд этилди. Корхона махалласи Шўрчи шаҳрининг кўркам ва обод маскани бўлиб қолди.

1970-1980 йилларда совет даврида қурилган жами саноат корхоналари, шунингдек, Шўрчидаги ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ жавоб беради деган “ғоя” кенг татбиқ этилган бўлиб, ишга топширилган саноат бинолари экологик “талаб” даражасида деб хулосаланган. Аслида эса корхоналарда ўрнатилган чанг ютувчи, ҳаво тозаловчи, чиқиндиларни олиб чиқувчи мосламалар вақтинча ишлар, ёки умуман ишламаса ҳам сўзсиз ишлаб чиқаришда яроқли деб қабул қилинар эди. Бундай аҳволга қарамай, шаҳар меҳнаткашлари барча имкониятларидан фойдаланиб, ўз олдиларидаги вазифани бажаришга фидойилик қилдилар.

1970 йилларда бутун собиқ Совет Иттифоқида иқтисодий сиёсат ишлаб чиқариш воситаларини кўпроқ чиқаришни устувор йўналиш сифатида амалга оширган ҳолда Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда эса қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё ишлаб чиқаришни ривожлантириш бош вазифа бўлиб қолаверди. Лекин меҳнат ресурсларини халқ хўжалигига жалб этиш зарурлигини ҳисобга олиб ва аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлаш мақсадида 1960 йиллар охирида 1970 йиллар бошида шундай молларни аҳоли юқори суръатлар билан ўсиб бораётган республикаларда ишлаб чиқаришга эътибор берилди.

Ўзбекистоннинг бошқа кўпгина районларидагидек, Шўрчи корхоналарида ишлаб чиқаришни янгилаш, такомиллаштиришнг амалга

оширишда, ишчилар ва мутахассислар орасида фаоллик билан ажралиб турган ихтирочилар, рационализаторлар фаолияти анча аҳамиятли эди. 1971-1990 йилларда Шўрчидаги саноат, транспорт корхонларида, қурилиш ташкилотларида ҳар йили ўрта ҳисобда 115 та рационализаторлик таклифлар тушган бўлса, улардан ишлаб чиқаришга 77-90 таси татбиқ этилган. Бироқ фойдаланилган ихтиролардан ва рационализаторлик таклифларидан тежалган иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида жуда оширилган рақамлар берилганлиги сабабли ҳозир ҳақиқий самарадорлик ҳақида маълумотни келтириш қийин. Шундай бўлса ҳам, амалда кўпгина мутахассис ва илғор ишчилар ўзининг илмий-техникавий ижоди билан ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган техникавий, технологик муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилганини инкор этиш мумкин эмас. Ишчи ва мутахассислар меҳнатнинг унумли бўлишига, дастгоҳлар, асбоб-ускуналардан рационал фойдаланиш, маҳсулот сифатини оширди, бунда ихтиро ва рационализаторлик таклифлари кўп фойдаберди. Шу туфайли ва умуман меҳнат унумдорлигининг ўсиши сабабли пахта тозалаш заводи 1972 йилга нисбатан 1985 йилда ялпи маҳсулот ҳажмини 5 миллион 100 мингдан 7 млн, 120 минг сўмгача етказди, яъни ишлаб чиқариш деярли 1,5 баробар ошди. Шўрчидаги бошқа корхоналарда ҳам бу борада анча ишлар амалга оширилди, лекин шаҳарда ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати саноат, қурилиш, транспорт корхоналарининг муаммоларини ечишдан кўра кўпроқ қишлоқ хўжалигига техникавий ёрдам беришга қаратилган эди.

Совет ҳокимияти ўн йилликлардаги иқтисодий, илмий-техникавий сиёсатнинг нуқсонлари оқибатида Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида, жумладан Шўрчида қайта қурилган ва янги барпо қилинган саноат корхоналари чинакам илғор, замонавий техника ва технология билан жиҳозланмади. Бироқ Шўрчидаги саноат, қурилиш, транспорт корхоналарида мутахассислар етишмаганлиги, ишчиларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқаришга тайёрланиб, касбга тааллуқли маълум бир назарий билимларга эга эмас эди. Шунингдек, ҳамда маъмурият, техникавий кенгашлар томонидан

корхонадаги техникавий, технологик муаммоларни аниқлаш, ҳал қилишга доимо жиддий эътибор берилмаганлиги оқибатида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатининг потенциал имкониятлари тўла намоён бўлмади.

Кўпинча етарли даражада асосланмаган режаларни белгилашга одатланган раҳбар органларнинг 1970-1980 йиллардаги сиёсий ҳужжатларида партия, совет, хўжалик ва бошқарув органларининг зиммасига ишлаб чиқариш соҳасида бир томонлама қаралар эди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажмини кўпайтириш бош вазифа сифатида қўйилар эди Бундай мақсадга эришиш учун биринчи навбатда илмий-техникавий тараққиётнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш зарур эди. Бироқ илмий-техникавий тараққиётни белгиловчи ишлаб чиқариш тармоқлари Ўзбекистонда жуда кам ривожланганлиги сабабли саноат, транспорт, қурилиш корхоналарига керак бўлган дастгоҳлар, машиналар, асбоб-ускуналар асосан Россия, Украина, Белоруссия республикаларидан ва чет мамлакатлардан келтирилар эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон олимлари, мутахассислари ва янгиликка интилган ишчилари томонидан ишлаб чиқарилган ихтироларни, рационализаторлик таклифларини амалий синовлардан ўтказиш учун экспериментал ва ишлаб чиқариш базаси мутлақо етишмас эди Бу даврда меҳнаткашларнинг жамоатчилик туйғуси, меҳнатга виждонан муносабати ва бошқа аъло фазилатлари корхонадаги ва корхоналараро мусобақада бир оз бўлса ҳам ўз аксини топиб иқтисодиётнинг ривожланишига омил бўлганини ҳам қайд этиш лозимдир. Шўрчидаги саноат корхоналарида ишчи-ходимларни тайёрлаш масаласида қуйидаги манбаларни таҳлил этиш мумкин. Шўрчида 1970-1980 йилларда ҳам, ҳозир ҳам саноат, қурилиш, транспорт корхоналари учун зарур бўлган ишчи мутахассисларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқаришда, шу корхоналарнинг ўзида ва бригадали ўрнатиш шаклларида тайёрланган. Шўрчидаги корхоналарда ишчилар асосан “устоз-шогирд” услубида тайёрланмоқда, чунки ҳунар-

техника билим юртлари тармоғи қисқарди, фақат йирик завод, фабрика ташкилоти ҳузуридагилари ва қишлоқ хўжалигига қарашли ҳамон илгаригидек фаолиятни давом эттирмоқда.

Ўзбекистоннинг ўрта ва кичик шаҳарларида, жумладан Шўрчидаги ҳунар-техника билим юртлари жуда кам эди ёки тайёрлаётган бўлажак ишчи мутахассисларни мутахассислиги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эди. 1970-1980 йилларда фақат Шўрчидаги билим юрти қишлоқ хўжалик механизаторларини тайёрлашга ихтисослашган эди. Шунинг учун ўрта ва кичик шаҳарларда ишлаб чиқариш учун ишчи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш нафақат илмий тарихий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Шўрчидаги корхона ва ташкилотларнинг аксарияти ўрта ёки кичик ва уларнинг мутахассислари, ишчилари асосан туб миллатларга мансуб бўлгани учун ўрта таълим мактабларини битирган ва бошқа ўқув юртларига ўқишга кирмаган йигит ва қизлар бошқа шаҳарларга кетмасдан шу корхона ҳамда ташкилотларга ишга киришга мажбур бўлганлар. Мактабларда политехник ўқитиш жорий этилгани билан ва мазкур шаҳарлардаги мактабларарро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ўқувчиларга турли мутахассисликлар бўйича маълум билимлар йиғиндисини берса ҳам кечаги ўқувчилар ишлаб чиқариш корхоналарида бирданига мустақил хизмат қилишга қодир эмас эди.

1970-1980 йилларда Шўрчида аҳоли таркибида эркаклар ва аёллар сони деярли баробар бўлганини ҳисобга олганда, айрим ишлаб чиқариш соҳаларига аёлларни жалб этиш объектив зарурият бўлганини ҳамда уларни касбга ўргатиш керак бўлганини тушуниш мумкин. Шу сабабли корхонага ишга кирган ёшлар ва уй бекалари бўлажак касбига кўра 3 ойдан 6 ойгача якка (индивидуал) ёки бригада усулида битта ёки бир нечта тажрибали, моҳир ишчилар томонидан бевосита иш жойида, ишлаб чиқариш жараёнида касбга ўргатилар эди. Касбни эгаллаш даврида бўлажак ишчиларга шогирдлик маошини тўлаш қонун билан белгиланган.

Шўрчидаги “Узсельхозтехника” таъмирлаш, консерва ва вино заводлари, маҳаллий саноатга қарашли промкомбинатлар ўзларига зарур ишчи мутахассисларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнида, корхоналарнинг ўзида “устоз-шогирд” усулида тайёрлаганлар. Шўрчидаги корхоналар 1970-1980 йилларда ишчи ва мутахассислар малакасини оширишга хизмат қилувчи такомиллашган тизимга эга бўлмаган. Лекин ўзларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда Шўрчи пахта тозалаш заводи механизациялашган қўчма колоннаси, консерва заводи, маиший хизмат пром комбинат корхоналарининг маъмурияти, мутахассислари, жамоат ташкилотлари техникавий ўқишни мунтазам равишда ўтказиб туришга, илғор ишчиларнинг меҳнат усулларини ўрганиш, ёш ишчиларга назарий ва амалий ёрдам бериш масалаларига эътибор бериб туришди. Ишчиларнинг малакасини ошириш, янги техника ва технологияни ўрганишда, Шўрчи шаҳрининг кўпчилик корхоналарининг маъмурияти Ўзбекистон шаҳарларидаги бошқа турдош корхоналарнинг тажрибасини ўзлаштиришга, министрликлар томонидан ташкил қилинган ҳар хил ўқув комбинатларида, қисқа муддатли курсларда ўқишга катта аҳамият берди.

Шўрчида саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, ташкилотлар 1970-1980 йилларда ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш, ҳамда ишга жалб этиш масаласига бир оз аҳамият берган ҳолда, бу борада аҳволни яхшилашга муваффақ бўлишди. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарлар иқтисодиётини юксалтиришга ҳамда бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга имкон берди. Шўрчидаги корхоналар ишлаб чиқариш учун мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ишга жалб этиш ягона дастури бўлмаган. Ҳунар-техника билим юртлари асосан қишлоқ механизаторларини тайёрлаган. Шўрчида корхона ва ташкилотларига керакли ишчи мутахассислар бевосита ишлаб чиқаришда ўз касбларига тегишли малакани ўзлаштирганлар. Шўрчида ҳам назарий, ҳам ҳунар, малака жиҳатдан етук ишчи мутахассисларни ҳар бир корхона, ташкилот ўзи учун ўзи тайёрламасдан, шаҳарда кўп тармоқли 1-2 ўқув комбинати, малака ошириш қисқа муддатли курсларини биргаликда

ташкил этишлари самаралироқ бўлар эди. Мутахассисларни эса ижтимоий буюртма асосида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга шаҳарлардаги аҳолини ишга жойлаштириш хизматлари ҳузурида меҳнаткашлардан унумли фойдаланиш ва уларни касбга ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ягона мувофиқлаштириш (координациялаш) комиссияларини ташкил этиш ҳам фойдалидир.

Шўрчида саноат, қурилиш, транспорт корхоналари учун меҳнат мусобақаси корхоналар жамоаларида ҳам, корхоналар ўртасида ҳам сезиларли даражада фаолроқ эди. Шўрчи пахта тозалаш заводида, қурилиш ташкилотларида, 226 сонли кўчма механизациялашган колоннада, тикув фабрикасида, темир йўл станциясида ва бир қатор бошқа корхоналарда меҳнат мусобақасини ривожлантириш ҳисобига давлат режаларини муддатидан илгари бажаришга ҳамда меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини оширишга эришилди. Буни кўпгина мисолларда кўриш мумкин, масалан, 226-сонли кўчма механизациялашган колонна жамоаси 1971-1973 йилларда Шўрчи шаҳридаги 4-объектни, жумладан иккита 32 квартирали уйни, муддатидан илгари қуришни битириб, 1974-1975 йилларда 5 та катта объектни қуриш мажбуриятини олди. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда, Э Пардаев раҳбарлигидаги бригаданинг хизмати катта бўлди.

1970 йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида меҳнат мусобақасини ташкил этишда, унга раҳбарлик қилишда турли иллатлар тобора кўпайиб борди. Лекин юқори идоралар илгаригидек меҳнат мусобақадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асосий омил сифатида фойдаланишни тавсия қилишда давом этди. Шўрчидаги мавжуд ғишт заводи жамоасида ташкил этилган мусобақа ишлаб чиқаришдаги бир қанча муаммоларни ҳал этишга, биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилди. Бу борада, албатта, илғор ишчи ва мутахассисларни ўз вақтида маънавий ҳамда моддий рағбатлантиришга эътибор берилгани мусобақанинг самарадорлигини таъминлади. Яккама-якка ва жамоачилик шаклларидаги мусобақа ғолибларига ғишт заводлари бошқармаси ҳар ойда

бериладиган пул мукофотлари, вимпеллар ва сайёҳлик йўлланмалари топширишни белгилади.

Шўрчи районида дон ва ун маҳсулотлари комбинатида пахта тозалаш заводида, қурилиш ташкилотларида 1980 йилларнинг ўрталаригача меҳнат мусобақаси умуман изчиллик билан ташкил этилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу туфайли, масалан, Шўрчи район пахта тозалаш заводи тадқиқ этилаётган даврда 5 марта Ўзбекистон пахта тозалаш министрлигининг кўчма Қизил Байроғини ва 1-даражали мукофотини олишга муваффақ бўлди. “Агропромстой” бирлашмасининг Шўрчидаги 266-сонли хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна маъмурияти ва жамоаси 1980 йилларда ўзининг моддий-техникавий базасини анча мустаҳкамлаб, меҳнатни ташкил этишда, унумдорликни оширишда мусобақадан рационал тарзда фойдаланиб қурилиш-монтаж ишларини муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилди. Бу ҳаракатда Э.Ҳасанов, О. Дўстмуродовлар бошчилигидаги қурилиш участкалари ишчилари ўз фаоллиги билан шаҳардаги барча қурувчиларга намуна бўлишди. Ўзбекистондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида ташкил этилган меҳнат мусобақасида 1976-1982 йилларда Шўрчи маиший хизмат кўрсатиш комбинати пешқадамлик қилди. Кўпгина шундай комбинатлардан фарқли ўлароқ, бу комбинатда фақатгина хизмат кўрсатиш билан чекланмасдан, аҳолига керакли истеъмол моллари, жумладан гиламлар, палослар ишлаб чиқарилар эди. Комбинат жамоасидаги мусобақада гилам, палос ишлаб чиқарадиган цехнинг ишчилари А. Чориева, М. Маматниёзова, Х. Эшқобилова, Х. Исроиловалар 1976-1980 йилларга илғорлик қилишди. Булар ва 15 дан ортиқ бошқа ишчилар 1980 йилда 1981 ёки 1982 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариб туришда бошқаларга намуна кўрсатишди.

Шўрчи районининг яна бир корхонаси - темир-бетон заводида ҳам меҳнаткашлар мусобақаси 1970 йилларда анча самарали эди. Бу корхонада меҳнат шароитлари оғир бўлганлиги жисмоний меҳнатнинг салмоғи катта, ёзда ҳам қишда ҳам жамоанинг аксарияти очиқ майдонларда, ёзда иссиқ,

қишда совуқ цехларда ишлар эди. Лекин нафақт мусобақа илғорлари, балки кўпгина қатнашчилари ўз фаоллиги учун изланишларни олиб боришга меҳнат унумдорлигини кўтаришга ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳаракат қилишди. Натижада, 1970 йилга нисбатан 1976 йилга келиб заводнинг ишлаб чиқариш қуввати 8 баробар, 1988 йилда эса – 9 баробар ошди. Шу даврда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 17- дан 65-гача етказилди. Завод ишчилари орасидаги мусобақада бир қатор йиллар мобайнида муваффақиятли қатнашиб кўп ютуқларни қўлга киритилганлар жумласидан, П.И. Шагов, Т. Мирзаев, Н.П. Авдеев, Э. Хурсандов, И. Шоназаров, М. Абдулламетов, Л. Турсунов, А. Аношкин, Ж. Бобожоновлар чинакам моҳирликни намоён этишди.

Меҳнат мусобақасида кўп камчиликлар мавжудлигига қарамасдан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим омилларидан бири сифатида катта аҳамиятга эга бўлди. Шўрчи темир йўл станцияси, “Ўзсельхозтехника” таъмирлаш заводи ва бир қатор бошқа корхоналар тажрибаси оммалаштирилган эди. Эски тушунчадаги “социалистик” ва умуман “махсус” ташкил этиладиган қуруқ ёлғон ваъдадан иборат мехнат мусобақаси 1980 йилларнинг охирига келиб амалда йўқ бўлди. СССР нинг ишлаб чиқариш соҳасидаги эски маънодаги мусобақани жонлантиришга, фаоллаштиришга қаратилган шиорлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва вазифалар 1988 йилгача сақланди, лекин амалда ўз аксини топмади. Чунки барча собиқ совет республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам амалда ташкил этилиб, турли янги шакллар билан тўлдирилиб олиб борилган “социалистик” мусобақа иқтисодий мақсадларга қаратилган бўлса ҳам, ниҳоятда мафкуралашган, тор қолипга туширилган ҳаракат эди ва меҳнаткашларнинг манфаатларига мос келмас эди. Бундай умумий нуқсонлардан ташқари, ҳар бир республикада, вилоятда, шаҳарда ва туманда меҳнат мусобақасига хусусий камчиликлар ҳам хос бўлган. Шўрчи районининг саноат, қурилиш, транспорт, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналаридаги меҳнат мусобақасининг 1970-1980 йиллар тажрибасидан бундай хулосага кўп

далилларни келтириш мумкин. Масалан, фақат юзаки, догматик ёндашув, ҳажмдаги ҳаётдаги жиддий ўзгаришларни ҳисобга олмаслик натижасида кўп жойларда йўқ бўлиб кетган “коммунистик мехнат учун ҳаракат”нинг айрим аломатлари Шўрчи пахта тозалаш заводида 1989 йилда ҳам сақланиб турди. Шу йилда заводнинг 3 бригадаси комммунистик меҳнат бригадаси номига, 30 илғор ишчи эса коммунистик меҳнат зарбдори номига эга бўлган.

Кўпгина жамоаларда ишчиларнинг яккама-якка мусобақаси ташкил этилиб, кейин эътиборсиз қолдирилар эди. Корхоналар ўртасидаги мусобақанинг бориши, якунлари мунтазам ўрганилиб, аниқлаб, борилмаган ва аксарият ҳолларда фақат расмиятчилик оқибатида ташкил этилар эди. Булардан ташқари камчиликлар ҳам кўп бўлган, лекин ишлаб чиқариш соҳасидаги мехнат мусобақаси умуман анча фойда келтирган. Шунинг учун 1970-1980 йилларда шаҳарлар иқтисодиётини ривожлантиришда меҳнаткашлар мусобақасининг тажрибасидан ижодий фойдаланиш ҳозирги даврда мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб Шўрчи райони иқтисодиётининг тараққий этиш жараёнини таҳлил қилар эканмиз шуни айтиш жоизки, уларнинг саноат корхоналарида маълум даражада ижобий ҳар тарафлама ўзгаришлар содир бўлди. Аммо саноат тармоқларини идора этиш ва бошқаришда маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқларини марказ томонидан чеклаб қўйилиши кўпгина салбий оқибатларга олиб келди. Иқтисоднинг тараққий этиши учун энг зарур омилларидан бири бўлган маблағни белгилашда жуда ҳам чегарали қилиб қўйилиши саноат ривожланишини бир томонлама бўлиши ишчи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишдаги нуқсонлар янги техника ва технологияни жорий этиш шулар жумласидандир. Иқтисодиётнинг айрим масалаларини ҳал этишда вилоят ва шаҳар ҳокимиятларининг лоқайдлиги ҳам ишчи ва хизматчилаарни фидокорона мехнатига қарамай шаҳарлардаги саноат корхоналарининг илдам ўсишига тўсқинлик қилди. Ўрта ва кичик шаҳарларни ишлаб чиқаришдаги ўрни, режалаштиришдаги ҳиссаси деярли собиқ совет даврида ҳисобга олинмади. Шўрчи ипак, аккумулятор, тўқимачилик, оёқ-кийим саноат

корхоналарини қуриб ишга тушириш махсус орқага суриб келинди. Маҳаллий шароитга мослаштирилган саноат ишлаб чиқаришни янги тур маҳсулотларига эътибор берилмади ҳамда ишчиларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ўртага ташланган таклиф ва истаклари инобатга олинмади. Саноат корхоналарда ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш жараёнида ногирон ва майиб бўлган ишчиларга, уларнинг оилаларига давлат моддий-маънавий ёрдами деярли ташкил этилмади. Шўрчи районидаги саноат корхоналаридаги ишчиларнинг дам олиши, маданий-маиший яшаш шароити учун етарли амалий ишлар қилинмади. Ҳозирги мустақил Ўзбекистон давлати иқтисодий тараққиётини янада ривожлантириш учун юқоридаги тарихий хулоса саноат корхоналаридаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун амалий аҳамиятга эга бўлди.

## АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Шўрчи райони аҳолисини уй-жой билан таъминлаш Совет давлати йилларида жуда секинлик билан амалга оширилиб, замонавий уй-жойлар қурилишига эътибор берилмади. Шунингдек, иқлим шароитлари ва мавжуд миллий урф-одатлар ва анъаналарга мос бўлмаган уйларнинг қурилиши туфайли аҳолининг туб миллатларга мансуб қисми, аксарият ҳолларда кўп қаватли, секцияли уйдан кўра ўзининг хусусий уйига эга бўлишни афзал кўрар эди. Шуни ҳисобга олиб, кўпгина корхоналар маъмурияти, касаба уюшмалари шаҳар ижроия комитети иштирокида ишчи ва мутахассисларга уй қуриш учун ер ажратиш, қурилиш материаллари билан таъминлашда ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Айни вақтда хўжалик услубида корхоналар ўз ҳисобидан, шаҳарларнинг ижроия комитетлари маҳаллий бюджетидан маблағ ажратиб уй-жой қуришни ҳам олиб боришди, аммо бу етарли эмас эди.

Шўрчи районида аҳолининг 1970 йил 84 фоизи, 1989 йил 80,5 фоизи қишлоқда яшаб, район маркази Шўрчи шаҳри аҳолиси эса 1973-1990

йилларда 6,3 мингдан 19 минг кишига етди.. Шўрчи районидаги доимий яшаётган аҳолининг сони жуда кўп бўлганлиги туфайли аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи анча оғир эди. Бунинг сабабларидан бири шунда эдики Шўрчидаги 1970-1980 йилларда аҳоли асосан яқин атрофдаги қишлоқлардан кўчиб келган, қишлоқлардан шаҳарларга қатнаган меҳнаткашлар озчиликни ташкил этган. Яна бир сабаб: Шўрчи районидаги саноат, қурилиш, транспорт, шифохоналар, мактаблар, болалар боғчаларининг, маиший хизмат корхоналарининг сони кўпайган сари улар ишчи ва мутахассис, ўқитувчи, тарбиячи, тиббиётчи ходимлар билан таъминланиб турилган вақтда бу меҳнаткашларнинг оилаларини уй-жойлар билан ҳам таъминлаш зурур эди.

Шўрчи районида давлат бюджети ҳисобидан уй-жой қуриш асосан 1970 йилларнинг иккинчи ярмида бошланиб, кейинги йилларда эса давом эттирилди. Бунга Ўзбекистон ҳукумати 1976 йил 28 апрелда қабул қилган “Республикада уй-жой фонди, маданий-маиший ва жамоат биноларининг аҳволини яхшилаш чоралари тўғрисида” номли қарори жиддий омил бўлди. Ушбу қарорга биноан 1976 йилдаёқ Шўрчи районида ҳам уй-жой, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва шаҳарни ободонлаштириш ишларини бажаришда эътиборга сазовор тажриба тўпланди. Бу Шўрчи райони жуда эски қишлоқ заминида шаклланганлиги ва 1920 йилларнинг охирида район маркази бўлганлиги туфайли асосан туб миллатларга мансуб аҳоли хусусий уй-жойларига эга эди.

1970 йилларнинг бошларида пахта тозалаш заводи кенгайтирилди, ишлаб чиқариш қуввати анча ошди, асфальт-бетон заводи қурилди ҳамда дон ва ун маҳсулотлари комбинатининг қурилиши авж олди. Бу ва бошқа бир қатор саноат, қурилиш, транспорт корхоналарига Шўрчи атрофидаги қишлоқлардан меҳнат қилиш учун юзлаб ёшлар кела бошлади. Бундан ташқари янги корхоналарда ишлашга Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидан мутахассислар таклиф этилди. Шу сабабли Шўрчида аҳолини уй-жой, боғчалар, маиший хизмат, маданият муассасалари билан таъминлаш

муаммоси аста-секин мураккаблашди. Шуни ҳисобга олиб, Шўрчи район ва шаҳар совети, касаба, хўжалик органлари 1970 йилларда уй-жой қуриш, ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтиришга илгаридан анча фаолроқ киришишди.

1971-1975 йилларда пахта тозалаш асфальт-бетон заводларининг маъмурияти шаҳар ижроия комитети ёрдамида жами 14 оилалик икки ва тўрт қаватли уйларни хўжалик услубида қуриб, 52 ишчи ва хизматчи, мутахассисларнинг оилалари ихтиёрига топширди. Шу туфайли шаҳар коммунал хўжалиги тасарруфида 1976 йил умумий майдони 10635 кв. метрни ташкил этадиган 87 та уй бўлган ва уларда 1462 киши яшаган. Уйларни жорий ва капитал таъмирлашга ҳар йили ўртача ҳисобда 45-50 минг сўм шаҳар бюджетидан ва 21-23 минг сўм корхоналар ҳисобдан сарфланди. Бу ишлар натижасида аҳоли бир қисмининг турмуш шароити бирмунча яхшиланди. Капитал қурилишни авж олдириш, жумладан уй-жой ва ижтимоий маданий объектларни қуриш суръатларини ошириш мақсадида Шўрчи район советининг XV чақириқ III сессияси (1977 йил 25 февраль) “Аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш ва моддий-маданий фаровонлигини ошириш тўғрисида” – деган қарорни қабул қилди. Шу қарорда 1977-1985 йилларда Шўрчи районида амалга оширилажак капитал қурилиш режалари, ижтимоий-маданий соҳанинг ривожланиш кўрсаткичлари белгиланган эди.

1980 йилларнинг бошларида қурилиш ташкилотларининг кучи билан умумий майдони 2180 кв. метрни ташкил этадиган уйлар қурилди ва бунга 5 млн 100 минг сўмдан ортиқ пул сарфланди. Янги қурилаётган дон ва ун маҳсулотлари комбинатининг меҳнаткашлари учун 2-3 қаватли 4 та уй (жами 52 квартира) хўжалик услубида қурилиб, 1980 йилга фойдаланишга топширилди. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар Советининг XVI чақириқ IV сессияси 1981 йилда 900 кв.м. уй-жой қуришни мўлжалланди, ва режа анча ортиғи билан бажарилди. Шаҳарнинг маҳаллий бюджети ва корхоналар, ташкилотлар ҳисобидан 7 та қурилиш

ташкилоти 1981-1985 йилларда уй-жойларни қуриш, таъмирлаш, йўлларни асфальтлаштириш, ижтимоий-маданий объектларни қуриш ишларига деярли 7-8 млн сўм сарфлади. Давлат фондига қарашли уйлар билан бир қаторда 7 кўп квартирали кооператив уйлар қурилди, натижада 1981-1985 йилларда Шўрчи районининг уй-жой фонди 21,1 минг кв. метрга ошди. Совет ҳукумати 1981 йил мартда шаҳарлар ижтимоий ривожланиш муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди ва “аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилашда уй-жой қурилиши кооперациясининг ролини оширилиши, хусусан кичик шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой биноларини қуриш имкониятларини кенгайтирилиши, бирлашмалар ва корхоналар рағбатлантириш фондлари ҳисобидан кооператив ва якка уй-жой қурилишида меҳнаткашларга ёрдам берилиши зарур” – деб уқтирди.

Худди шундай вазифа СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1982 йил 7 сентяябрда Туркманистонда уй-жой қурилишини ва қишлоқ аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш масалаларига бағишланган қарорида ҳам таъкидланган. Айни шу қарорлар ва масалалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати ҳам тегишли қарорлар қабул қилган эди. Шу қарорлар асосида Шўрчи районининг совет ва хўжалик органлари биринчи навбатда қурилиш базасини ва коммунал хўжалигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилишди. Бу борада қурувчи кадрларнинг қўнимсизлигини бартараф қилиш мақсадида 1-механизациялашган кўчма колоннаси жойлашган посёлкада 1985-1987 йилларда 4 квартирали 12 котеж уй-жойлар қуриб шаҳар аҳолиси ихтиёрига топширилди. Пахта тозалаш, асфальт-бетон заводлари, тикув фабрикаси, тиббиёт, маданият ва халқ маорифи муассасалари меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаб, уларнинг шароитларини яхшилашга интилдилар. Шўрчи шаҳрида 1970-1980 йилларда ободонлаштириш масалаларига эътибор берилди. Лекин 1970 йилларнинг бошида шаҳарда мавжуд 74 катта ва кичик кўчалардан фақат 9 таси асфальтланди. Аксарияти ўз ҳолда қолдирилди,

айниқса, водопровод бўлмаганлиги сабабли аҳолининг катта қисми кўчалардаги кичик ариқ оқар сувларидан фойдаланишга мажбур эди. Бу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш ҳамда шаҳарда ободонлаштириш ишларини авж олдириш учун маҳаллий бюджет ва корхоналар, ташкилотлар ҳисобидан маблағларни кўпайтириш мўлжалланди. Масалан, СССР 50 йиллиги муносабати билан 1972 йилда шаҳарни ободонлаштиришга кўпроқ харажат қилинди. Кейинги юбилейларга (Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги, 1941-1945 йиллардаги урушда қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги ва 45 йилликлари) тайёргарлик борасида ободонлаштириш ишларига 2 млн сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Шу ишларни бажариш натижасида 1972 йилда Шўрчида 22 гектарни эгаллаган истироҳат боғи барпо этилди. Шаҳардаги 28 кўча ва шаҳарга қарашли 4 посёлка ободонлаштирилди (кўчалар асфальтланди, кўкаламзорлаштрилди, айрим эски кўчаларга шағал ётқизилди), шаҳардан ўтадиган учта канал ҳашар услубида тозаланди, қирғоқларига 40 минг туп манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди. Бу ишларни бажаришда пахта тозалаш заводининг, “Ўзсельхозтехника” район бирлашмасининг 1 ва 3 ўрта таълим мактабларининг, механизациялашган кўчма колоннанинг жамоалари ҳамда А. Навоий номли С. Раҳимов номли, “Бўстон” маҳаллаларининг аҳолиси фаол қатнашди. Совет ҳокимияти давридаги у ёки бу воқеаларга, анъаналарга ҳозирги мавқедан ёндашилганда, ортиқча танқидий ва ўта салбий баҳо бериш ҳоллари ҳам бўлмоқда. Дарҳақиқат, совет даврда ҳар қанча танқид қилинадиган воқеалар бўлган, айни вақтда расмий сиёсатда, халқнинг ҳаётида ижобий томонлари ҳам оз эмас эди. Шулардан бири – мафкуралашган бўлса ҳам, турли шаклларни касб этса ҳам, анъанавий хашарлар эди. Бу хилдаги ҳаётийлигини исботлаган анъана Ўзбекистонда жуда кўп ва йирик иншоотларни барпо этишда ҳал қилувчи омил бўлгани маълум. Меҳнаткашларнинг энг яхши фазилатларини намоён этувчи анъанавий ҳашарлар республикамизда мунтазам равишда ўтказилиб турилган.

Шўрчи районида ҳашарлар анъанавий шаклда ҳам, шанбалик, якшанбалик шаклларида ҳам ўтказилиб, кўп фойдали ишларни бажариш имкониятини берди. Шаҳар ва қишлоқларда оммавий ободонлаштириш ишлари асосан ҳашар услубида бажарилган. 1970-1980 йилларда ҳар бир қизил сана муносабати билан 5-10 шанбалик, якшанбаликлар ташкил этилиб, фақатгина ободонлаштиришга бағишланган бўлиб қолмасдан, бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан ҳам боғлиқ эди. Лекин ўрта ва кичик шаҳарлар шароитида ҳашарлар ёрдамида кўпинча айнан ободонлаштириш ишлари бажарилган. Шўрчида умумҳашар ҳашарларда қатнашчилар сони йилдан-йилга ўсиб борди. Масалан, 1970 йил уларнинг сони 4 мингдан ортмаган бўлса, 1980 йил – 7 мингни ташкил этди, 1989 йил – 9 мингдан ошди. Аммо ҳашарчилар келтирган фойда беш йилликлар ва бошқа фондларига ўтказилиб, шаҳар ёки корхона, ташкилотлар ҳисобига тушган эмас. Умуман ҳашарлардан ортиқча фойдаланиш ҳоллари бўлган. Шундай бўлса ҳам ҳашарчилар шаҳар, қишлоқ, корхона, ташкилотларга анча маблағларни тежашга имкон берди. Масалан, Шўрчи районида 1970 йилларда ҳар бир шанбалик ёки якшанбалик шаклида ўтказилган ҳашарда 100 минг сўмдан ортиқроқ баҳоланган иш бажарилди. 1980 йилларда эса ҳашарчиларнинг фаоллиги анча сусайди, ҳашарларни ташкил этиш даражаси ҳам пасайди, лекин шунда ҳам улар жуда кўп иш бажаришди. Бу йилларда шаҳар кўчаларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳудудида 700 мингдан кўпроқ дарахт кўчатлари экилди, 29 кўча асфальтланди, 8 км тратуарлар қилинди.

Ободонлаштиришда анча иш қилинганига қарамай баъзи камчилик ва нуқсонлар ҳам бор эди. Масалан, 1988-1990 йилларда 1,3 км масофа асфальтланиб, 4та марказий кўчалар асфальтланди, янги ташкил этилган 3 та кўча электрлашрилиб, 3 та кўчанинг четига бетон ариқлар ўрнатилди.

Шундай қилиб, бироқ Шўрчи районида 1970-1980 йилларда уй-жой қуриш ҳамда ободонлаштиришларини ташкил этиш, амалга ошириш тажрибасида жиддий нуқсонлар ва муаммолар акс этилгани аниқланди.Ушбу

нуқсонлар орасида асосийси – яккапартиявий сиёсатга аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва қондириш иқтисодий ва ҳарбий мудофаа мақсадларидан кейинги учинчи даражали вазифа деб саналганидир. Ижтимоий соҳага нисбатан “қолиқ” тамойилини қўллаш айни 1970 йилларда кучайганлиги қишлоқ ва ўрта, кичик шаҳарлар ҳаётида сезилди.

Шўрчи районида 1970 йилда 59 та кутубхона, 24 та кинотеатр, 41 та клуб ишлаб турган. 1963 йилда туманда «Коммунизм ғалабаси» газетаси тиражи 9000 нусха чиқарилган. Шўрчи туманида 755 ўринли 7 та касалхона, туғруқхона, диспансер ва 77 та тиббий пунктда 136 та врач ва 456 та ўрта малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатган. Шу туфайли фойдаланишга топширилган мактаблар сони Ўзбекистонда йилдан- йилга ўсиб борди: 1966-1970 йилларда 1368 янги мактаб барпо этилган бўлса, 1971-1975 йилларда уларнинг сони 1824 ни, 1976-1980 йилларда 1241 ни, 1981-1985 йилларда – 1230 ни, 1986-1990 йилларда – 1888 ни ташкил этди. Аҳолининг кўпайиши ва саноат, қишлоқ хўжалиги ривожланиши муносабати билан Сурхондарё вилоятида ҳам 1970-1980 йиллар мобайнида мактабларни қуриш кенг миқёсда олиб борилди. Масалан, 1971-1975 йилларда қишлоқ ва шаҳарларда 174 та, 1976-1980 йилларда – 85 та, 1981-1985 йилларда – 90 та, 1986-1990 йилларда - 192 янги мактаб ўз фаолиятини бошлаган. 1990 йилда Ўзбекистонда шу йилларда кундузги умумий таълим мактаблари сони 6940 дан 8333 гача етди. Уларда хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг сони 160,4 мингдан 365,4 минггача ўсди.

Сурхондарё вилоятида мактабларнинг умумий сони 1970-1971 ўқув йилидаги 637 дан 1990-1991 ўқув йилига келиб 652 тага етди, ўқувчиларнинг сони эса 202,5 мингдан 332,1 минггача ўсди. Шўрчи районидаги халқ маориф соҳасини ривожлантириш борасида анча ишлар қилинди, эски 8 йиллик мактаблар тўла ўрта таълим мактабларига айлантириди. Бошқа ижтимоий-маданий объектларни қуриш 1970 йилларда турли сабабларга кўра қийинроқ амалга ошди, чунки мактаблар 8 йилликка мослаштирилган биноларда жойлашган эди. Бундан ташқари шаҳарнинг ўзи аҳоли кўчиб келиш ва ўз ҳудудидаги имкониятлар ҳисобига эмас, балки яқин жойлашган 5-6

қишлоқларнинг ҳудудини ҳам, аҳолисини ҳам ўз таркибига қўшиб олиш ҳисобига ўсди. Бу жараён 1970 йилларнинг иккинчи ярмида, дон ва ун маҳсулотлари комбинатини қуриш ҳамда пахта тозалаш заводини қайта қуриш, кенгайтириш вақтида авж олган эди. Шўрчи районида йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилиши, қайта қурилиши, темир йўл станциясининг ривожланиши объектив тарзда ижтимоий-маданий муассасалар, жумладан, 1985-1990 йилларда Шўрчи шаҳри марказида 1124 ўринли йирик мактаб ва Сурхондарё вилоятидаги энг йирик 250 ўринли болалар боғчаси қуриб ишга туширилди. Бу борада, албатта, давлат ва ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари томонидан ижтимоий-маданий соҳани ривожлантиришга йилдан йилга кўпроқ маблағ ажратилганлиги ҳамда умуман эътибор берилганлиги аҳамиятга молик эди.

Масалан, пахта майдонининг тобора кенгайтирилиши, қишлоқ жойларда қайта ишлаш, маиший хизмат корхоналари барпо этилмагани оқибатида қишлоқ аҳолисининг томорқадан олаётган даромади қисқариб борди. Қишлоқда иш жойлари билан таъминланмаганлар салмоғи ортиб борди ва улар яқиндаги ўрта, кичик шаҳарларда саноат, қурилиш, транспорт ҳамда бошқа корхоналарда ишга киришга мажбур бўлиб, аксарияти шаҳарда истиқомат қилиш учун қолган эди. Бу эса, албатта, ўрта ва кичик шаҳарларда нафақат уй-жой масаласини, балки кўпгина бошқа ижтимоий муаммоларни мураккаблашиш омили бўлди. Сабаби эса шунда эдики, шаҳар ва қишлоқлардаги ижтимоий, демографик жараёнларнинг асосий йўналишлари, хусусиятлари, хўжалик органлари томонидан ўз вақтида ўрганилмади ва амалий сиёсатда акс эттирилмади.

Шунинг учун шаҳарда уй-жой, ижтимоий объектларни қуриш ҳар сафар вазият тақозоси билан авж олдирилар эди, бироқ бирор йилда комплекс тарзда амалга оширилмаган. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар бир район марказида, ўрта ва кичик шаҳарда партия, совет органлари учун ҳашаматли, қимматбаҳо биноларни қуришга маблағ доимо топилиб, аҳоли яшаётган жойларни ободонлаштириш, энг зарур шароитлар билан таъминлаш

кўпинча текин ёки арзонроқ услуби билан амалга оширилган. Бундай услуб – асосан ҳашар эди. Шаҳарларда уй-жой, ижтимоий соҳанинг объектларини қуриш, ободонлаштириш ишларини бажаришда ҳар қанча камчиликларга йўл қўйилгани маълум, 1970-1980 йиллар бу борада барча шаҳарларда, жумладан Шўрчида ҳам бу борада ижтимоий аҳамиятга молик ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, 1985 йилга нисбатан 1989 йилга келиб давлатга қарашли уй-жой фонди Шўрчида 90 минг кв.м. дан 118,2 минг кв. метргача ошди. Шўрчи районида уй-жой қуриш ва ободонлаштириш соҳасида айрим ижобий кўрсаткичларга эришилиб, тажриба орттирилган бўлса ҳам, аҳолининг эҳтиёжлари қондирилган эмас эди. Айниқса, Сурхондарёнинг иссиқ шароити талабига жавоб берадиган уй-жойларнинг кам бўлиши, аҳолини сув билан таъминлашдаги нуқсонлар кўзга яққол ташланиб турар эди. 1960-йилларда СССРда «Аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бўйича Американи қувиб етамиз ва ўзиб кетамиз!» деган шиор ўртага ташланди. Режалар реал эмас ва топшириқларни бажаришнинг иложи йўқ эди, шу сабабли “Қизил салтанат”да ёппасига қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик авж олди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, айрим йирик корхоналарнинг маъмурияти, жамоат ташкилотлари меҳнаткашларни ҳар йил маданий ижодиётга жалб этиш борасида кўп фойдали ишларни амалга оширди. Масалан, дон ва ун маҳсулотлари комбинатининг меҳнаткашлари “Олтин бошоқ” номли ашула ва рақс ансаблини 1981 йили ташкил этиб тез орада ўзларининг бадиий ижодиёти билан бутун Ўзбекистонга танилди. Бунда ансамблнинг раҳбари республика телевизион фестивалининг лауреати Нормамат Ҳаитовнинг хизмати катта бўлди. Шу корхонанинг жамоаси Ринат Булатов раҳбарлигида рус оркестрини ҳам ташкил этган эди.

Шу даврда Шўрчининг “Гуруҳ” халқ ансамбли, “Наврўз” халқ ашула ва рақс ансамбли, “Кумуш тола” бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг малакали, маҳоратли дастурлари билан фақат вилоят ёки республика миқёсида эмас, балки Иттифоқда катта обрў қозондилар. Шўрчида ҳам

ижтиомий соҳанинг муҳим тармоқлари бўлган аҳоли соғлиғини сақлаш ҳамда маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш муассасалари, корхоналар фаолиятини кенгайтириш, савиясини кўтариш борасида анча ишлар қилинди. Аммо бу соҳаларда анчагина камчиликлар бор эди. 1988-1990 йилларда Шўрчида 25 та маиший хизмат тармоғи бўлиб (12 тур бўйича тикиш-бичиш, 15 та автомобиль хизмати, 2 та зангори экран, 4 та расмхона ва бошқалар) улар шу йиллар давомида режага нисбатан 225 минг сўм кам маҳсулот ишлаб чиқарди. 8 та тур янги хизмат жойи очилмади, маиший соҳада капитал маблағ сарфлар 1986 йилга нисбатан фақат 0,8 фоизгина ўсди. 1986-1990 йилларда шаҳарнинг савдо-сотиқ соҳасида 8 та қурилиш иншооти битказилди. Шўрчи шаҳри марказидаги “Шўрчи” ресторани, ҳозир фаолият кўрсатаётган Марказий бозор замонавий режа асосида қуриб ишга туширилиб, шунингдек, 2 та ошхона, 1 та замонавий кафетерий ишга туширилди. Аҳолига савдо хизмати 98,3 фоизни ташкил қилди.

## ШЎРЧИЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ

**Шамкаев Акрам Балиевич,** 1916 йили Оренбург вилоятининг Катта Аширова қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олди. Урушгача тракторчилик қилган. 1937 йили армияга оддий сапёр бўлган. 1941 йили алоҳида моторлашган 136-пантон-кўприк батальони ҳамда 6-кўприк бригадасида хизмат қилди. У 1943 йил сентябрь, октябрь ойида Днепрдан кечиб ўтиш жараёнида оғир жанг пайти, техникани, қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқатни дарёдан ўтказиб, душманнинг қаттиқ ҳужумини қайтарби мўлжалланган жойга етказа олди. Ўша йили 12 октябрь куни Черкали вилоятининг Конев туманидаги Зарубинци қишлоғи яқинида дарё ўртасида понтон-кўприк душман снарядидан узилиб кетди. А.Б.Шамкаев эса жасорат кўрсатиб, узилган понтон-кўприкни тезлик билан улади ва ҳарбий қисмларнинг эсон-- омон дарёдан ўтишига шароит яратди. А.Б.Шамкаевнинг кўрсатган жасоратлари учун унга 1944 йили Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Урушдан кейинги умрини А. Шамкаев Шўрчи районида ўтказди. Селга қарши техникада ишлади. 1982 йили вафот этди. Шўрчи

шаҳридаги кўчалардан бири унинг номи билан аталади. Ҳар йили Шамкаев соврини учун спорт мусобақаси ўтказилади.

**Дониёров Усмон**, 1909 йили Шўрчи районидаги Оққўрғон қишлоғида туғилди. У қишлоғидаги мактабда савод чиқариб, 1932 йили Деновдаги уч ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатгач, иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. У 1934-1938 йилларда Термиз педагогика техникумини сиртдан ўқиб тугатди. Шу йиллар давомида бошланғич мактабда мудирлик қилди. 1935-1940 йилларда Шўрчи район халқ маорифи инспектори ҳамда мактаб мудири бўлиб ишлади. Кейин Бухородаги бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битирди. 1943 йили фронтга жўнади. Германия ва Япония урушларида қатнашди. У икки марта “Қизил юлдуз” ордени ва жанговор медалллар билан мукофотланди. 1946 йили Армия сафидан қайтгач, Шўрчи район партия қўмитасида тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

1949-1950 йилларда Жарқўрғон район ижроия қўмитасининг раиси вазифасида ишлади. 1951-1969 йиллари Шўрчи районидаги Жданов номли (ҳозирги “Сурхон” ) жамоа хўжалигига раислик қилди. У Дониёровнинг раислиги йилларида туманда пахтачилик анча ривожланди, ҳосилдорлик йилдан-- йилга ошиб борди. 1954 йилда 1963 гектар ерга пахта экилиб, 3057 тонна ҳосил йиғиштириб олинди, ҳосилдорлик гектарига 22,4 центнерга тўғри келди. 1955 йилда 1500 гектар ерга чигит экилиб, 4058 тонна пахта териб олинди, ҳосилдорлик ҳар гектардан 27 центнерни ташкил этди. Келгуси 1956 йили 1350 гектардан 4800 тонна пахта йиғиштирилди. Ҳосилдорлик эса 35,5 центнерга етказилди. Бу ишларни ташкил этишдаги хизматлари учун хўжалик раиси Усмон Дониёровга 1957 йили Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. У Дониёров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, Халқ маорифи аълочиси ҳамдир. 1963 йили 5-чақириқ, 1967 йили 7-чақириқ Ўзбекистон Олий Советининг, шунингдек, бир неча бор вилоят ва туман кенгашларининг депутатлигига сайланди.1969 йили нафақага чиққан. 1994 йили вафот этди.

**Жўраев Узоқбой**, 1883 йил Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида, деҳқон оиласида туғилган. У 1930 йили Фарғона водийсидан кўп қатори ташкилий равишда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи районига кўчиб келди. 1932 йили Шўрчи қишлоқ кенгашидаги "Ёш ғайрат" хўжалигига деҳқон бўлиб кирди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, серғайрат ва меҳнатсеварлиги деҳқонларга ёқиб қолди. Хўжаликдаги тенгдошлари билан иноқлашиб кетди. Колхозчилар уни 1934 йилда звено бошлиғи қилиб сайладилар. Пахта ҳосили йил сайин ошиб борди. Уруш бошланганда Узоқбой Жўраев пахта етиштиришда катта тажрибага эга бўлган эди. 1941 йили ҳар гектардан 18 центнердан, 1942 йили 25 центнердан, 1943 йили "Америка" навли ингичка толали пахта экиб, 46 центнердан ҳосил етиштирган. 1944 йили жамоа хўжалиги бўйича ҳосилдорлик гектардан 10,5 центнерга етган бўлса, Узоқбой Жўраев звеноси 62 центнердан ҳосил олган эди. Аслида, У Жўраевга 1934 йилда беркитилган ер қамишзор бўлиб, бегона ўт босиб ётар эди. Ўша ернинг ўртасида Шиштепа деган тепа бўлиб, бир ярим гектар ерни эгаллаган.

Узоқбой Жўраев ишнинг кўзини билиб меҳнат қилганлиги натижасида 1939 йилга келиб қамиш ва бегона ўтлар йўқолиб кетди. Шиштепа ҳам текисланиб, ҳосилдор ерга айланди. Узоқбой Жўраев звеноси 1945 йилда ҳар гектар ердан 119 центнер, ўртача гектаридан 62 килограммдан ингичка толали пахта етиштирди. У Жўраев звеноси ерларидан юқори ҳосил етиштириш билан қаноатланмай, ўз тажрибасини қўшни звено ва колхозларга, шогирдларига ҳам ўргатди. Унинг маслаҳати билан шогирди Қарши Маматалиев ҳар гектар ердан 82 центнердан ҳосил етиштирди. Қўшни "Ободон" колхозидаги шогирди Шоймардон Ҳасанов ҳар гектар ердан 103 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳукумат унинг ҳамма хизматлари учун тақдирлаган.

Узоқбой Жўраев 1946 йили ҳар гектар пахтазордан 119,6 центнердан ҳосил етиштирди. Пахтачиликка қўшган муҳим улуши учун 1947 йил 19 майда унгага Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Шўрчи райони

меҳнаткашлари унинг узоқ йиллик ҳалол меҳнатини қадрлаб Ўзбекистон Олий Советига депутат қилиб сайладилар.У кўп йиллар давомида халқнинг фидокор фарзанди, устоз пахтакор сифатида ном чиқарган меҳнаткаш инсон эди. Узоқбой Жўраев 1954 йили вафот этди.

**Йўлдошев Нуркул**, 1909 йили Қашқадарё вилоятининг Қарши районида туғилган. У ўз иш фаолиятини деҳқончиликдан бошлади. Колхозлаштириш даврида "Қоракўлбозор" номли давлат хўжалигида чўпонлик қилди. 1939 йили Шўрчи районидаги Оққапчиғай (ҳозирги "Сайхон" наслчилик) хўжалигига чўпон бўлиб ишга келди. 1946 йилдан бошлаб бош чўпон бўлиб, ҳар 100 бош қўйдан 150 тадан қўзи олишга эришган. 1967 йили Нуркул Йўлдошевга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор унвони берилди.

Нуркул Йўлдошев Сайхон чўлларида қўй боқди. 1970 йил отарида 790 бош совлиқ бўлиб, режадаги 899 бош ўрнига 1675 бош қўзи олган. Агар 1966 йили ҳар юз совлиқдан 140 бош қўзи олган бўлса, 1970 йилда 212 тадан қўзи олишга эришган. Давлатга 1175 дона қоркўл тери топширган. Ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олинган.

Саккизинчи беш йилликда Н.Йўлдошев отаридан 12 минг 790 килограмм жун топшириб, режадаги 4257 бош қўзи ўрнига 6311 бош қўзи олинди, 2118 қўзи насл учун қолдирилди. 4183 дона қоракўл тери давлатга топширилди. Нуркул Йўлдошев ҳар йили самарали меҳнати учун кўплаб пул ва автомашиналар билан мукофотланган. Ҳукумат Нуркул Йўлдошевнинг хизматларини муносиб тақдирлаган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш беш йиллик режаларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун 1971 йил 8 апрелда Нуркул Йўлдошевга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У бирнеча марта орден ва медаллар билан мукофотланган. Нуркул Йўлдошев 1986 йил 25 майда вафот этди. Унинг номи "Сайхон" хўжалигидаги кўчалардан бирига қўйилган.

**Рустамов Эшниёз**, 1927 йили Шўрчи районидаги Кўлтепа қишлоғида таваллуд топди ва ўз қишлоғида номли ўрта мактабни тугатди. У ёшлигидан,

яъни 1941 йилдан Сталин номли жамоа хўжалиги аъзоси сифатида меҳнат қилди. 1942-1950 йилларда хўжаликда ҳисобчилик қилиб, 1950--1953 йилларда туман комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлиб хизмат қилди. 1954-1955 йилларда Тошкент шаҳридаги Олий партия мактабида таълим олиб, уни муваффақиятли тугатиб қайтди. Кейин 1958 йилгача Шўрчи райони ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, туман партия қўмитасида минтақа котиблиги вазифасида ишлади. 1958-1964 йиллар давомида Калинин номли жамоа хўжалигида партия ташкилотининг котиби, сўнг Киров номли хўжалик раиси, Шўрчи райони ижроия қўмитасининг раиси лавозимларида хизмат қилди.

Э. Рустамов шундан кейин (1956-1991 йиллар) Шўрчи, Жарқўрғон, Денов районлари партия қўмиталарининг биринчи котиби лавозимида ишлади. У қайси туманга борган бўлса ўша туман ишлаб чиқаришининг ривожини таъминлаган, маданий қурилишига катта эътибор берган раҳбар бўлиб танилди.

Э. Рустамовнинг узоқ йиллар республика, вилоят ва туманларда пахтачиликни юксалтириш соҳасидаги хизматлари нисбатга олиниб, 1982 йили Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 1991-1992 йилларда Денов шаҳар ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлади. У вилоят ва туман кенгашларининг депутатлигига сайланган. Э. Рустамовнинг хизматлари доим тақдирланиб турди. Она –Ватан, халқ бахт саодати йўлида тинмай меҳнат қилган Эшниёз Рустамов 2008 йилда вафот этди.

**Рустамов Тўхтамиш**, 1918 йили Шўрчи районидаги Ленинобод қишлоғида, камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. 1932 йили отаси касалликдан вафот этгач, Тўхтамиш оилада онаси, икки укаси қолганлиги сабабли ишлашга, оилани боқишга мажбур бўлди. У 1936 йилдан бошлаб то 1942 йилгача Ульянов номли жамоа хўжалигида колхозчи, звено ва бригада бошлиғи бўлиб ишлади.

1942 йили армия сафига чақирилди. Жанга яроқли барча кишилар қатори Тўхтамиш ҳам немис фашизмига қарши курашга отланди. Армия сафида

1942 йилдан 1943 йилгача сапёр, 1946 йили ўқчи ва техник полкда оддий аскар бўлиб хизмат қилди. Смоленск вилоятидан Кенигсберг шаҳригача бўлган жанговор йўлни босиб ўтди. Оиласи иқтисодий қийинчилик туфайли Денов шаҳридаги “Қизил тўлқин” (ҳозирги Ульянов номли) жамоа хўжалигига кўчиб келган вақтда Тўхтамиш урушдан қайтди. У ҳам шу колхозга келиб звено бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. 1950 йилгача 8 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 83,6 центнердан ҳосил олди. 1953 йилдан 1960 йилгача шу колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Кейин нафақага чиққунча шу хўжаликда деҳқончилик қилди.

Рустамов Тўхтамишнинг меҳнатда ва жангда кўрсатган жасорати ҳукумат томонидан муносиб тақдирланди. 1951 йили 8 гектар майдондан 83,6 центнердан ҳосил олгани учун Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1957 йили Меҳнат Қизил Байроғи ордени билан мукофотланди.

**Рустамов Тўхтамиш ҳозир Денов** туманидаги С.Отабоев номли жамоа хўжалигида яшайди. Сурхон воҳасида пахтачиликни ривожлантиришда катта хизмат кўрсатган бободеҳқонлардан бири бўлиб тарихдан ўрин олди.

**Хўжақулов Абдулла**, Сурхондарё вилояти Бойсун районидаги Паданг қишлоғида, деҳқон оиласида таваллуд топган. Бошланғич маълумотни қишлоғидаги мактабда олган. 1945 йилдан бошлаб Шўрчи туманидаги “Комсомол 30 йиллиги” давлат хўжалигида ишлади. А.Хўжамқулов меҳнатсеварлиги, ҳалол, пок, дўстларга содиқ инсонлиги билан барчанинг иззат - ҳурматини қозонди.

Хўжаликда жут етиштириш звено бошлиғи бўлиб ишлаган. Унга биркитилган 10 гектар ерга агротехника қоидалари асосида ишлов бериб ҳар йил жутдан мўл ҳосил олишга эришиб борди. А.Хўжамқулов звеноси 1951 йилда 10 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 8,1 центнердан жут уруғи етиштириб, бошқа хўжаликларни жут уруғи билан тўлиқ таъминлашда катта ҳисса қўшган. Бу хизматларини ҳисобга олиб 1952 йил 2 октябрда Абдулла Хўжамқуловга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

А.Хўжамқулов узоқ йиллар ўзининг беминнат меҳнати билан хўжаликдаги турли соҳа ишларини бажариб келди. У 1985 йили вафот этган. А. Хўжамқулов она Ватан деб, эл –юрт деб меҳнат қилган фидойи инсонлардан эди. Шунинг учун халқ, Ватан бундай фарзандларини хотирада сақлайди.

**Қудратов Шоймардон**, 1933 йили Шўрчи районидаги Янгибозор қишлоқ кенгашида, деҳқон оиласида таваллуд топган. Шу қишлоқ мактабида таълим олди. Иқтисодий аҳвол уни эрта меҳнат қилишга мажбур қилди. Қудратов Шоймардон хўжалик пахта далаларида турли юмушларни бажарди. Кейин хўжаликда аравакашлик қилди. 1950 йили Денов районининг “Ҳазарбоғ” давлат хўжалигида ташкил этилган тарктрчилар тайёрлаш курсида 6 ой ўқиб тракторчилик гувоҳномасини олди ва 1950-1598 йилларда чигит экиш, ғўза қатори ораларида ишлаш ва йиғим --терим ишларини машина билан бажарди. 1958 йили республикада пахтачиликни комплекс механизациялаш учун бошланган тракторчилар ҳаракатига қўшилди ва кўп йиллар пахта етиштиришга оид ҳамма асосий ишларни техника ёрдамида ижро этди.

1960 йили бригаданинг экин майдони 159 гектарга етказилди. Ҳар бир киши ҳисобига 4,5 гектар майдон тўғри келди. Ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Ўша йили ялпи ҳосилнинг 186 тоннаси машинада териб олинди. Шу йўсинда биргада йил сайин янги -- янги ютуқларга эришди. Масалан, 1963 йили 40 центнердан ҳосил етиштирилди. Ҳосилдорлик пландагига нисбатан 8 центнерга ошди. Қудратов Шоймардон эса “зангори кема” да 310 тонна пахта терди. 1964 йили у Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Айригаза мавзесидан 600 гектардан ортиқроқ бўм -- бўш қақраб ётган ерларни ўзлаштиришга киришди. Файзова каналида насос ўрнатилиб Айригаза даштига сув олиб чиқилди. Биргада азаматлари 1964 йили 10 гектар ерни ўзлаштириб чигит экдилар. Тўкилган пешона тери бекорга кетмади. Асрий қақроқ даштдан биринчи йилиёқ 30 центнердан ҳосил олинди. Бу Қудратов Шоймардон номини элга танитиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

механизатор” унвонига сазовор бўлди. 1966 йили яна 100 гектар ер ўзлаштирилди. Йил бўйи қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатиб, қўриқ ернинг ҳар гектаридан режадаги 24 центнер ўрнига 32 центнердан чўл дурдонаси йиғиб-териб олинди. Қудратов Шоймардон эса “зангори кема” бункеридан 236 тонна пахта тўкди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

1968 йили Қудратов Шоймардон яна бир ташаббус билан майдонга чиқди. Мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирамиз, деб ваъда берди. У шу йили кузда гектардан 40 центнердан ҳосил олиб ваъдасининг устидан чиқди. 1971 йилда Шоймардон бригадаси гектаридан қарийб 42 центнердан ҳосил кўтарди. Бу Шеробод чўлида энг юқори кўрсаткич эди. Бригадирнинг ўзи мавсумда 810 тонна пахтани “пўлат этакдан” тўкиб, жаҳон рекордини қўйди.

1970 йили СССР Олий Совети депутати этиб сайланди. 1970-1975 йилларда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини сиртдан ўқиб тугатди. 1972-1987 йил декабрига қадар Шеробод туманида ташкил этилган Нуриддин Муродов номли совхозга директорлик қилди. Сўнги йилларда шу совхозда ирригатор бўлиб ишлади. Қудратов Шоймардон қилган хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган. У 1992 йили нафақага чиқиб, 2006 йилда вафот этди.

**Қурбонов Ўта.** 1912 йили Шўрчи районидаги Толли қишлоғида туғилган. 1926-1936 йилларда “1-май” колхозида меҳнат қилган. У қишлоқдаги кечки мактабда ўқиди. 1936 йили отаси вафот этгач, онаси ва укалари билан Тожикистоннинг Оржоникедзе туманидаги Тельман номли колхозга кўчиб бориб, меҳнат қила бошлади. 1942 йил мартида урушга кетиб, 2-Украина фронтида қатнашди ва 3 марта оғир жароҳатланди. Ўта Қурбонов уруш йилларида Украина, Белоруссия, Молдавия, Болгария, Чехословакия, Руминия, Польша ва Германияни озод қилишда иштирок этди. Уруш тугагач, 1945 йилдан Тельман номли колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлади.

У пахтадан доим юқори ҳосил етиштирди. 1947-- 1948 йилларда ҳар гектар ердан 85,6 центнердан ҳосил етиштирганлиги учун 1948 йили Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. 1951 йили яна Шўрчи районига кўчиб келиб, “Октябрь 30 йиллиги” колхозида олти йил бригада бошлиғи бўлиб ишлади. 1956-1964 йилларда звено бошлиғи бўлиб меҳнат қилди. 1964-- 1968 йилларда “Ленинобод” колхозида пахта ва ғаллачилик бригадасини бошқарди. У 7 та турли орден ва медаллар билан мукофотланди. 1972 йили нафақага чиқиб, 1994 йил 30 май куни вафот этди.

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ФИДОИЙЛАРИ

ХХ асрда Шўрчи туманида хам халқ таълими тизими тараққиёт босқичларини бошдан кечирди. 1924 йилда туманда 34 минг 230 нафар аҳолидан атиги 180 киши араб алифбосида ўқишни билиб, фақат 1 та бошланғич мактаб бўлиб, 4 нафар ўқитувчи 9 нафар болага сабоқ берган. 1925 йилда Оққўрғон қишлоғида дастлабки бошланғич мактаб очилиб, татар миллати фарзанди Исаев мудир ва муаллим сифатида фаолият кўрсатган. 1926 йилда Қўқон педагогика билим юртини тамомлаган Тўрақул Мавлонбердиев Оққўрғонга келиб Шўрчидаги 8-ўрта мактабда директор ва ўқитувчи бўлиб ишлади. Район бўйича биринчи ўрта маълумотли ўқитувчи Т. Мавлонбердиев қўлида илк марта таҳсил олган Усмон Дониёров, Мамашукур Усмонов хўжалик раҳбари бўлиб етишди.

1920 йиллар охирида Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш режасини амалга оширишга киришилиб, Денов туман ижроия қўмитасининг раиси Мирзо Эсон Турсунов туман бўйича 8 та, жумладан, Шўрчи минтақасидаги 4 та мактабнинг 1 тасини 1927 йилда Олатемир қишлоғида қурдириб, Шўрчи ҳудудида жами 16 мактабга асос солди. 1928 йилда Ободондаги 2 ва Элбоёндаги 5-бошланғич мактаб, 1929 йилда Озод қишдоғидаги 13- ҳамда Ижтимоят қишлоғидаги 15-мактаб очилди. 1930 йилда тумандаги мактаблар сони 8 тага, ўқитувчилар эса 35 нафарга етди. 1935-1936 йилларда тумандаги 65 та бошланғич мактаб оддий ва тор уйларда жойлашиб, туман бўйича 74

нафар ўқитувчи 2827 ўғил-қизга таълим-тарбия берган. Ўқитувчиларнинг атиги 8 нафари умумий ўрта маълумот эгаси, 8 нафари хотин-қиз бўлган. Маорифчиларнинг 58 нафари ўзбек, 14 нафари рус миллати вакиллари эди.

1930-йилларнинг иккинчи ярмида 4 та болалар боғчаси очилиб, уларга 85 нафар кичкинтой жалб этилиб, бу мактабгача тарбия муассасаларида 7 нафар мураббий хизмат қилган. 1932 йилда туман марказида ташкил этилган 1-бошланғич мактаб 1935 – 1936 ўқув йилида тўлиқсиз (7 йиллик) мактабга айлантирилиб, 1942 йилда Ниёзбек Назаров ва бошқа ўғил-қизлар шу мактабнинг 7-синфини, 1949 йилда эса 7 нафар йигит, жумладан, Ҳайит Хўжақулов, Абдужалил Мардонов, Мирзаолим Мирзараҳимов 10-синфни биринчи битирувчилар бўлди. 1953 йилга қадар ягона бўлган 1-ўрта мактабни шўрчилик, қумқўрғонлик ва олтинсойлик юзлаб йигит-қизлар тамомлаб, 1957 йилда 1-ўрта мактабни 223 йигит-қиз битириб чиқди. 1933-1934 йилларда тумандаги 4, 10, 11, 12 ва 28-мактаблар очилиб, 1935 йилда Беш йиллик қишлоғида № 6, Толли қишлогида №14 ва Зарбдор қишлоғида № 24 янги мактаблар ишга туширилди. Шўрчи тумани халқ таълими бўлимида 1936 йил Усмон Дониёров инспектор бўлиб иш бошлаган Усмон Дониёров 1951 йилда хўжаликка раис этиб тайинланиб, 18 йил ушбу вазифада ишлади. Хўжаликнинг барча қишлоқларидги 12 та мактаб, Оққўрғон ва Серғайрат қишлоқларида икки қаватли мактаб биноси қуриб ишга туширилди. 1929-1930 йилларда Далварзин ва Ўқтумшуқ қишлоқларида Турди Валиев раҳбарлигида саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилди. 1940 йилда Ўзбекистонда лотин ёзуви ўрнига кирилл алифбоси жорий этилганлиги оқибатида мактаб-маориф ходимларининг иши анча қийинлашди.

1940 – 1943 йилларда Н. Холмонов туман халқ маорифи бўлими мудири бўлиб, У армия сафига чақирилгач, бу вазифа Шўрчи туман партия қўмитасининг тарғибот-ташвиқот бўлими мудири У Дониёров зиммасига вақтинча юклатилган. 1943 йилда У. Дониёров фронтга жўнатилгандан кейин А.Мўминов халқ маорифи бўлими мудири вазифасини бажарган. У аслида

хўжамулкилик бўлиб, туман марказига отда келиб-кетар ва мактаблар ишини назорат қиларди.

Уруш даврида ўқитувчиларнинг кўпчилиги армия сафига чақирилиб, очлик ва муҳтожлик туфайли юзлаб ўғил-қизлар ўқишни вақтинча тўхтатиб, 11-15 ёшданоқ далада ишлашга мажбур бўларди. Тўлиқсиз олий маълумотли П.И Огай, М.Югай дастлаб Миршодида, сўнгра Элбоён темир йўл бекати қошидаги 5-мактабда ўқитувчилик қилди. Пётр Иванович Огай №.5 ва № 1 – ўрта мактабларда директори, Сурхондарё ва Сирдарё вилоят халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари даражасига кўтарилди.

Мактаб таълими билимларни мукаммал эгаллаган, жамоат ҳаётига фаол қўшилиб кета оладиган, турли ўқув муассасаларига кириб ўқий оладиган, саводхон ёшларни етиштириб чиқаришни кўпайтиришга имкон бера оладиган жиддий ислоҳотларга муҳтож эди. Қишлоқ жойларда ёшларнинг тўлиқ ўрта маълумот олиши учун етарли шарт -- шароитлар мавжуд эмас эди, бу эса қишлоқда билимдон ёшларнинг ўқиш ва билим олишга бўлган қизиқишини маълум даражада сўндирарди. Қишлоқ жойларда яшовчи ёшларнинг тўлиқ ўрта маълумот олишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати 1950 йил 22 сентябрда «Ёшларга ўрта маълумот олишлари учун зарур бўлган чора --тадбирларни кучайтириш» юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан узоқ жойларда яшовчи ёшларнинг тўлиқ ўрта маълумот олишлари учун шаҳар ва посёлкалардаги айрим мактаблар қошида интернатлар ташкил этилди. Ана шундай мактаблар Шўрчи туманидаги 1-ўрта мактабда иш бошлади. Шунингдек, ишчи ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитишни ташкил қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилди, масалан, вилоятда 4500 нафар ишчи ёшлар кечки мактабларда таълим ола бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, халқ маорифи тизимидаги таълим-тарбия ишларига эътибор кучайиб, бу даврда Н.Холиқов, А.Дулназаров, Ўрмонов ва Муҳаммад Нормуродов маориф мудири бўлиб фаол хизмат қилдилар. Фронтдан қайтган охунбобоевлик Ҳамидулло Болтаев ва Бўри

Худойбердиев 1950 йилда Душанбе шаҳридаги педагогика институтини битирди. Бу ўқитувчилар Шўрчи туманидан етишиб чиққан дастлабки олий маълумотли кадрлар ҳисобланади. 1951 йилда Ҳ.Болтаев Шўрчи туман халқ маорифи бўлими мудирлигига тайинланди.

1950 йили туманда 19, 20, 37 ва 40-ўрта мактаблар фаолият кўрсатди, 1953 йилда Бахштепа қишлоғидаги 17-мактаб ташкил этилди, 5-мактаб эса ўрта мактабга, 1955 йилда 8-мактаб ўрта мактабга айлантирилди. Баҳор фаслида тошган Тентаксойдан ўтишда ўқувчилар қийналаётганлиги сабабли 1955 йилда Муқимий номли 27-мактаб қурилиб ишга туширилди.

1953 йилда Ҳ. Болтаев олий партия мактабига ўқиш учун кетганлиги туфайли Бўри Худойбердиев туман халқ маорифи бўлими мудирлигига тайинланди. 1956 йилда туманда жами 564 нафар ўқитувчи, жумладан, 44 нафар олий, 85 нафар махсус ўрта, 134 нафар умумий ўрта ва 54 нафар тўлиқсиз ўрта (7 йиллик) маълумотли педагог бўлган. 1956 йили Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртини тамомлаган 30 га яқин ўқитувчи педагоглар сафига қўшилди. 1956 йилги август кенгашида туманда 20-30 йил ишлаган ўқитувчиларнинг олий маълумотга эга эмаслиги танқид қилинди.

Туман халқ маорифини ривожлантиришда алоҳида хизмат қилган Савлатхон Изизова физика-математика фанидан 1954-1955 йилларда 34-мактабда, 1957 йилда 1-мактабда, 1965-1995 йилларда математика фанидан ўқувчиларга дарс бериб, меҳнатга ва касбга ҳурмати туфайли 1994 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Таниқли педагоглардан Норқул Абдураззоқов 1953 йилда тумандаги 18-мактабда (ҳозирги 6-мактаб) директор бўлиб ишлаб, маориф соҳасида муносиб хизмат қилганлиги учун “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қушиб келаётган Бахтинисо Холмўминова 1984 йилдан 28- мактабда иш бошлаб, 1994 йилдан 3-мактабда ўқитувчи, 1998-2000 йилларда директор ўринбосари бўлиб ишлаб ёш авлодни тарбиялашда фаол иштирок этиб келмоқда.

Туман халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қўшган Қултўра Ҳакимов 1956 йил 1-мактабда ўқитувчи ва илмий мудирликда ишлаб, 1957-1960 йилларда 8-мактабга директор этиб тайинланди. 1963-1964 йилларда туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб хизмат қилди. 1956 йилда тумандаги ўрта мактаблар сони 7 тага, етти йиллик мактаблар 29 тага, бошланғич мактаблар 10 тага етди, 7 та ўрта мактаб қошидаги интернатларда узоқ қишлоқлардан келган 626 нафар ўқувчи истиқомат қилди. 1956 йилда ҳукумат ўрта мактабларда политехника таълимини жорий этиш режасини ишлаб чиқиб, 1960 йилда тумандаги барча ўрта мактаблар политехника мактабларига айлантирилди. 1 – 4-синфларда қўл меҳнати, 10-ва 11-синфларда эса қишлоқ хўжалиги асослари ва электротехника фанлари ўқитила бошланди. Тўлиқсиз ўрта мактаблар 9 йиллик мактабга, ўрта мактаблар эса 11 йиллик мактабга айлантирилди.

Жобу қишлоғидаги 23-мактаб директори бўлган Саидмурод Жўрақулов 1959 – 1962 йилларда, 8-мактаб директори бўлиб ишлаган Менгзиё Усмонов 1962 йилда туман халқ маорифи бўлимини бошқарди. 1956 – 1967 йилларда 9, 18, 21, 22, 23, 25 ва 36-мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1962 йил октябрида Ўзбекистонлик 30 нафар халқ таълими ходими Москвадаги Зоя Космидемьянская номли ва Липецк шаҳридаги ўрта мактабларда 12 кун давомида машҳур педагог Москаленко ва бошқа ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиб, уларнинг илғор тажрибасини ўрганиб қайтди. Ана шу сафарда бўлган 1-ўрта мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Тороб Эшбоев ўзбек тили ва адабиёти дарсларини ноанъанавий услубда олиб борди. Бу услубда ўқувчиларга келгуси мавзу юзасидан топшириқ берди. Дарсда одатдагидек 3-5 нафар ўрнига 8-10 ўқувчи ўтириб янги мавзулар бўйича саволларга жавоб беради. Савол-жавобда фаол қатнашган болаларга ҳам баҳо қўйилади. Ноанъанавий дарсда 10-12 ўқувчининг жавобига тегишли баҳо қўйилиши мумкин эди. Янги тажриба туман мактабларида қўлланилди.

1963 йилда Шўрчи ва Жарқўрғон туманлари бирлаштирилгач, Худойберган Шайманов маориф мудирлигига тайинланди. 1965 – 1973 йилларда

Олатемирлик Эгамберди Мирзаев халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилди. 1966 йилда мактаблар 8 ва 10 йиллик мактабга айлантирилди. 1972 йилда Шўрчи районида 1 та техникум, 74 та мактабда 36 минг 521 нафар ўғил-қиз ўқиган. 1972 йилда 1888 ўқитувчининг 1205 нафари олий маълумотли эди. 1969 – 1980 йилларда туманда 3, 7, 26, 29, 30, 31, 33, 34, 35, 38 ва 39-мактаблар ташкил этилди. 1978 – 1979 ўқув йилида тумандаги 61 та умумий таълим мактабларида 30213 нафар ўқувчи таълим-- тарбия олди. 1973 – 1983 йилларда Рустам Авазов, Эргаш Норсоатов, Ҳайдар Йўлдошев, 1983 – 1994 йилларда Хуррам Юсупов, кейинги йилларда Холмўмин Норматов, Нурали Абдиваитов, Неъмат Эшназаров ва Суюн Мавлонов туман халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилди. 1953 – 1983 йилларда Худойберди Мамадиёров халқ маорифи бўлимида бош ҳисобчи, 1951 йилдан то 2000 йилга қадар Қарши Бердиев ҳисобчи бўлиб ишлади.

Шўрчи райони 1970-1980 йилларда иқтисодий жиҳатдан ўсиб, аҳолининг сони ҳам йилдан йилга ошиб борди. Иқтисодий ва демографик жараёнлар уй-жой қуриш билан бир вақтда мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, тиббиёт, маданият, савдо, маиший хизмат объектларини барпо этишни тақозо қилар эди. Шўрчи районининг 1970-1980 йилларда ижтимоий ривожланишида халқ маорифи муҳим аҳамият касб этганлигини кўпгина турли ҳужжатлардан ҳамда ахборот материалларидан кўриш мумкин.

Республиканинг барча қишлоқ ва шаҳарларида аҳолининг табиий ўсиш суръатлари собиқ иттифоқда баланд бўлганлиги ҳамда мактабгача болалар муассасаларининг, умумий таълим мактабларининг доимий етишмаслиги бу тармоқда жуда кўп муаммоларнинг пайдо бўлишига ва мураккаблашишига сабаб бўлган. Масалан, 1970 йилда Шўрчи шаҳрида 2 та ўрта мактаб, 3 та болалар боғчаси бўлган.

Бир қарашда мактабларнинг мавжуд сони аҳолининг эҳтиёжларига жавоб бергандек кўринади. Лекин туб миллатларга мансуб аҳолининг мактабларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги ва рус тилли мактабларга нисбатан ўзбек, тожик тилли мактабларда синфлар ўқувчилар билан

нормадан анча ортиқ тўлганлиги ҳамда ўқув кўргазмали, техникавий воситалари билан жиҳозланиш жиҳатидан бу мактаблар ўртасида жиддий фарқ бўлган.

Масалан, ўша 1970 йилда Шўрчида 6,3 минг киши яшаган, шу жумладан руслар, украинлар, бошқирдлар, татарлар ва бошқа номаҳаллий миллат вакиллари аҳолининг 1/3 қисмини ташкил этган, лекин 800 ўринли ўрта мактабга, 4 та рус тилида тарбияловчи болалар боғчасига эга бўлган. Ўзбек ва тожик аҳолисининг 2/3 қисмини мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар ташкил этса-да, улар 1 та ўзбек тилли, 1 та тожик тилли ўрта мактаблар ҳамда 2 та ўзбек тилида тарбияловчи боғчалар билан таъминланган. Умуман, Сурхондарё вилояти халқ маорифи ривожланиш жиҳатидан (10 минг аҳолисига ҳисобида) 1970 йиллар бошида Республикада Хоразм вилояти билан бирга охирги ўринларда бўлган. Аҳолининг 10 ёшдан катта ҳар бир минг кишисига тўғри келган олий, тўла ва тўла бўлмаган ўрта маълумотлиларнинг сони бўйича (368 киши) Сурхондарё вилояти 1970 йил энг охирги ўринда эди. Республикада бундай кўрсаткич 458 кишини ташкил этган.

Ҳаётнинг объектив ривожланиш оқибатлари ва демографик вазият бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Сурхондарё вилоятида ҳам халқ маорифи соҳасини кенгайтиришни, такомиллаштиришни тақозо қилган. Мисол учун қуйидаги рақамларни келтириш жоиздир: вилоят аҳолиси 1970--1989 йилларда 662027 кишидан 1253813 гача ошди. Шу борада аҳолининг 19 ёшгача бўлган қисми 394 минг кишидан 704 минггача ўсди. Мазкур даврда шаҳар аҳолиси 106166 кишидан 244404 кишига ошди.

Табиийки, аҳолининг шундай катта суръатлар билан ўсиши халқ маорифи соҳасининг кўламини кенгайтиришга, ёш авлодни ўқитиш-тарбиялаш ишини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни тезкорлик билан амалга оширишга ундаган. Шуни ҳисобга олган ҳолда республика ва Сурхондарё вилоятининг ҳокимият ва бошқарув идоралари 1970-1980 йиллар мобайнида кўплаб қарорлар қабул қилишди ва иложи борича маблағларни кўпроқ ажратишди.

Масалан, 1972 йил 29 июнда Ўзбекистон ҳукумати “Ёшларнинг умумий ўрта таълимга ўргатишини тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилиб, унда узоқ муддатга мўлжалланган бир қатор катта вазифаларни белгилади. Худди шу масала бўйича Сурхондарё вилоятининг ижроия комитети қарорни 1972 йил 18 июлда қабул қилди ва ҳар бир район, ҳар бир шаҳарда амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Бу чора-тадбирлар райондаги 8 йиллик мактабларни умумий таълим мактабларига айлантириш ва шу мактабларни керакли ўқитувчи кадрлар, ўқув кўргазмалари ва техникавий воситалари билан таъминлаш, корхона, ташкилотлар томонидан мактабларга оталиқ ёрдамини кўпайтириш масалаларини ҳал этишга хизмат қилиши мўлжалланган эди.

Ўзбекистон, жумладан Сурхондарё вилояти шароитларида умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш ва халқ маорифи тизимини кенгайтириш, такомиллаштириш учун давлат бюджетидан ва район, шаҳарларнинг маҳаллий бюджетидан маблағларни ажратиш бошланди. Шу муносабат билан 1970-1980 йилларда халқ маорифининг барча жабҳаларида ўқиш текин бўлишига ҳамда мактаб ўқувчиларини арзонлаштирилган овқат билан, олий ва ўрта махсус таълим билим юртларининг талабаларини стипендия билан таъминлашга миллий даромаднинг бир қисми сарфланди. Шу омиллар туфайли Шўрчи районида халқ маорифи соҳаси, биринчи навбатда умумий ўрта таълим, мактаблар, болалар боғчалари ва мактабгача болалар муассасалари тармоғи кенгайди, такомиллашди. Масалан, 1971 йилда районда 1 та ўрта таълим ва 3 та саккиз йиллик мактаб, 5 та болалар боғчаси, бўлган. Ўзбекистонда 1972 йилда белгиланган ўрта умумий таълимга ўтишни тугаллаш чора-тадбирларини амалга ошириш борасида шаҳардаги 8 та саккиз йиллик мактаблар 11 йиллик мактабларга айлантирилди ва 2 та янги биноларда жойлаштирилди.

1970 йилларнинг иккинчи ярмида ва 1980 йилларда шаҳарда мавжуд 4 та ўрта таълим мактабларини янги ўқув дастурларига ўтказиш, тегишли кўргазмали, техникавий воситалар билан таъминлаш борасида кўп ишлар қилинди ҳамда 7-11 синфларга эга кечки мактаб ҳамда мактабларараро комбинати ташкил этилди. Айни шу даврда Шўрчи мактабларида куни узайтирилган 10 дан ортиқ гуруҳлар шакллантирилди. Бу груҳларда 200 дан кўпроқ ўқувчилар ўқитилган ва тарбияланган.

Шу билан бирга 1978-1982 йилларда 2 та ҳунар-техника билим юрти барпо этилди ва атрофдаги қишлоқ ёшларидан қишлоқ хўжалиги учун механизатор мутахассисларни тайёрлаш бошланди. Шаҳар пионерлар уйи ҳам сезиларли даражада ўз фаолиятини кенгайтирди: агар 1970 йиллар бошида 5 та тўгарак ва студия ишлаб турган бўлса, 1990 йилда 9 та тўгарак ва студияда 10 уста-педагог 250 дан ортиқроқ ўқувчиларнинг ижодини ташкил этиб, раҳбарлик қилишган.

Халқ маорифи соҳасидаги ижобий ўзгаришлар орасида кадрлар масаласининг муваффақиятли ҳал этилиши катта аҳамиятга эга эди. Гап биринчи навбатда мактаб ўқитувчилари, болалар боғчаларининг тарбиячилари, методистлари ҳақида, уларнинг сон ва сифат таркиби ўзгарганлиги ҳақида бормоқда. 1970 йиллар бошида 4 та мактабда 111 ўқитувчи бўлиб, улардан 47 таси олий, 59 таси ўрта махсус маълумотга эга эди. 1989-1990 ўқув йилида 239 нафар ўқитувчилар орасида 173 таси олий, қолган 66 таси ўрта махсус маълумотли эди. Бундан ташқари 1978 йилда ишга тушган 17-сонли ва 1972 йил ўз ишини бошлаган 32-сонли ҳунар-техника билим юртларида 1980 йилларда 85 ўқитувчи ҳамда 19 та ишлаб чиқариш бўйича ўқитиш усталари 1200 дан ортиқ ўқувчиларга хизмат қилишган.

1970-1980 йилларда Шўрчи районининг аҳолиси деярли 3 баравар ўсгани ҳолда умумий таълим мактаблари билан бир қаторда болалар боғчаларининг ҳам сони 4 дан 10 гача ошди. Лекин шуни қайд этиш лозимки, аҳолининг

аксариятини ўзбеклар (90 фоиз); тожиклар (6 фоиз) ташкил этганлиги ва уларнинг оилалари кўп фарзандли бўлганлиги, болаларини ўз уйида тарбиялашга одатланганлиги сабабли болалар боғчалари масаласи жиддий муаммога айланмади. Гарчанд бу соҳада амалга оширилажак ишлар 5-10 йил олдин режалаштирилмаган бўлса ҳам, мазкур шаҳарларда беш йиллик ва йиллик режалар тузилганда илгари ҳал бўлмаган зарур вазифалар акс эттирилар эди. Бу вазифаларни бажариш учун маблағ ажратиладими ёки йўқми – республика ва иттифоқ қоидаларига боғлиқ эди, чунки бир ҳаммом ёки маданият уйи қуриш масаласини маҳаллий совет, хўжалик органлари мустақил ҳал этиши мумкин эмас эди. Лекин, саноат, транспорт, қурилиш корхоналари, ташкилотлари ўзларининг ижтимоий объектларини қуришга ҳуқуқи бор эди. Шунинг учун хўжалик, касаба органлари, ижтимоий соҳага қарашли муассасалар ва корхоналар юқори совет, бошқарув органлари ажратган маблағларга ўзларининг маблағларини қўшиб ижтимоий-маданий объектлар тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қилишган.

Шўрчида эса барча корхоналар, ташкилотлар Ўзбекистоннинг тасарруфида бўлгани сабабли маҳаллий бюджетга ўзларининг дароматларининг 15-25 фоизини ўтказиб туришган. Шунинг учун ҳам бу ерда ижтимоий-маданий соҳада айрим ютуқларга эришилган. Шаҳарда 1970-1980 йиллар мобайнида 1 та қишки кинотеатр, 1 та ёзги кинотеатр, 2 та стадион, 2 та волейбол ва 1 та баскетбол майдончалари, югуриш йўлакчалари қурилди. Болалар спорт мактаби очилди. 1976 йили Шўрчида 600 ўринли клуб фойдаланишга топширилди ва шу туфайли турли тўгараклар, бадиий ҳаваскорлар ансамбллари ижод қилиши мумкин бўлди. Бундан ташқари шаҳарда 1 та умумий ва 1 та болалар кутубхоналарининг бинолари қурилди. Кутубхоналарнинг китоб фондлари 1979 йил 35800 нусхани ташкил этган бўлса, 1990 йилда 80 мингдан ошди. 1979 йил Шўрчи туманида мавжуд 61 та умумий таълим мактабида 30.213 ўқувчилар таълим-тарбия олди.

Шўрчи туманида ўрта мактабни битирган ёшлардан Тожи Худойшукуров, Хўшбоқ Раҳмонқулов, Самижон Раҳимов, Шафоат Намозов,

Муҳаммад Алимардонов, Ориф Намозов, Холмирза Холиёров, Хўшбоқ Рахимов, Панжи Аликулов, Гулчеҳра Хўжанова, Сулув Ҳамидова каби 40 нафарга яқин киши фан доктори ва номзоди илмий даражаларига эга бўлди.

Туман бўйича 16 нафар педагог хизмат кўрсатган ўқитувчи фаҳрий унвонига сазовор. Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учунЕштемир Чўтбоев, Эгамберди Мирзаев, Жўра Қодиров, Ниёзбек Назаров, Қултой Норматов, Эргаш Бобоназаров, Мамадамин Менгноров, Хўжамқул Мўминов, Хўшбоқ Қулсоатов, Бўри Худойбердиев, Мусурмон Рўзиев, Қарши Муҳаммадиев, Саломат Бобохонов, Хўшбоқ Пиримқулов, 8-боғча мудираси Тожихол Худойбердиева ва мусиқа мактаби муаллимаси Тамара Мухторова Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ таълими ходими, ёшлар мураббийси, жисмоний тарбия ва спорт ходими унвони билан мукофотланган.

1990-1991 ўқув йилида Ўзбекистонда кундузги 8333 та умум таълим мактабларида бир сменали ўқиш фақат 2589 та мактабда олиб борилган. Расмий маълумотларга кўра, мактаб ўқувчиларининг 26,1 фоизи иккинчи ва учинчи сменаларда ўқиган, Сурхондарё вилоятида эса бу кўрсаткич 28,8 фоизни ташкил этган. Шўрчи районида ўқувчиларнинг 29 фоизи 2 ва 3 сменаларда ўқишган. 1990 йилда Шўрчида ҳам 2 та мактаб бутунлай яроқсиз ҳолда бўлган.

1970-1980 йиллар давомида район мактабларида турли нуқсонлар учраб туради. 8 йиллик мактабда ўқувчилар тарбиясига яхши эътибор берилмади, фақат 1976 йилда 8 ўқувчи милиция рўйхатига тушган. 4 та ўрта мактабда 1979-1980 ўқув йилида ўқитувчилар ва маъмуриятнинг эътиборсизлиги туфайли 37 та ўқувчи мактабни тугатмаган, 18,3 фоиз ўқувчи кам ўзлаштирган. Шу каби тафовутлар, камчиликлар тиббий хизмат, маданият, маиший хизмат соҳаларида ҳам мавжуд эди.

## ТИББИЁТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА НАТИЖАЛАРИ

XX аср бошларида Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг энг чекка ўлкаси бўлиб, бу ерда бирорта ҳам тиббиёт муассасаси йўқ эди. Маҳаллий аҳоли касал бўлса, табиб ва қушночларга мурожаат этган. Табиблар турли доривор гиёҳлардан фойдаланган. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, округда дастлабки касалхона 1924 йилда Термиз шаҳрида очилган.

1928 йилда Шўрчи райони ҳудудидаги Қорлиқ қишлоғида 25 ўринли касалхона ва амбулатория фаолият кўрсатиб, 1935 йилда район марказида дастлабки шифохона иш бошлади. Касалхонага ягона олий маълумотли мутахассис аёл А.Шатковская раҳбарлик қилиб, 13 та ходим ишлаган, уларнинг 4 нафари махсус ўрта маълумотли, 4 нафари ҳамшира, 5 нафари хўжалик ишлари билан шуғулланувчи кишилар бўлган.

Биринчи касалхонада бор-йўғи 10 та ўрин, шунга яраша стол-стул бўлиб, тиббиёт ходимлари орасида бир нафар ҳам маҳаллий хотин-қиз йўқ эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида шифохоналардаги ўринлар сони бир оз кўпайган. Россия ва бошқа республикалардан келган врач ва бошқа тиббиёт ходимлари одамларни даволаган. Кейинчалик ўзбек врачлари, махсус ўрта маълумотли шифокорлар ва ҳамширалар етишиб чиққан. 1950 йилларда туманда соғлиқни сақлаш соҳасида муайян силжишлар бўлди ва тиббий хизмат анча яхшиланди. 1950—1960 йилларда Султонов, Миррахимов, Абдураҳимов ва бошқалар район касалхонасининг бош врачи бўлиб ишлади. 1951 йилда Шўрчи райони марказидаги болалар уйида тиббиёт хизмати ташкил этилмаган бўлиб, болалар ўртасида турли касалликлар кенг тарқалиб, бутун район бўйича фақат 1 педиатр врач хизмат қилиб, агар у ҳам малака ошириш учун кетса, касалхона 6 ой мобайнида район болалари врачисиз қолган. 1957 йилда ҳам районда тиббиёт ходимлари етишмасди, иш ўринларининг атиги 32 фоизи банд бўлиб, 1959 йилда Шўрчи районидаги аҳоли тиббий назоратдан ўтказилиб, қорин тифи катталарда 21 та, ёш болалар орасида 7 та, кўкйўтал катталар орасида 19 та, болалар орасида 19 та, қизамиқ катталар орасида 244 та, ёш болаларда ҳам 244 та, юқори нафас йўлларининг касалланиши катталарда 962 та, ёш болаларда 318 та, ич кетиш

катталарда 61 та, ёш болаларда 31 та, юқумли сариқ касаллиги катталарда 458 та, ёш болаларда 318 та эканлиги аниқланди. Бунга сабаб туманда даволаш-эмлаш станцияси ходимлари йўқ бўлиб, касалликларнинг олдини олиш бўйича тиббий тадбирлар ўтказилмаслиги сабаб бўлган. 1960 йилда Шўрчи шаҳридаги янги касалхона биноси қурилиши бошланаса--да, ушбу касалхона қурилиши узоқ йиллар давом этди. Шўрчи районида 1965-1975 йилларда санитария-эпидемиология станцияси, жарроҳлик, терапия бўлимлари биноси, катталар поликлиникаси, туғруқхона, дорихона, кейинчалик стоматология поликлиникаси қурилди.

Районда тиббиёт тизимининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлардан бири Лола Мавлоновдир. У 1962 йил Тиббиёт институтини тугатиб, 1968 йилдан бошлаб Марказий касалхонада ва катталар поликлиникасида хизмат қилди. Таниқли жарроҳ Акбархон Маҳмудов 1998 йилдан Шўрчи районидаги шифохонада жарроҳлик бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб эл назарига тушди.

1960 йилда Сурхондарё вилоятига тиббиёт институтини тугатган 200 нафар шифокор келди. Тажрибали врачларнинг бир қисми туманларга юборилди. Врач Жўра Самадов Шўрчи районига жўнатилди. 1972 йилда районда 920 ўринли 1 та касалхона, 7 та туғруқхона, 10 та дорихона, 74 та тиббий пункт, 98 врач, 312 нафар махсус ўрта маълумотли ходим бўлган. 1960 - 1980 йилларда Бердиев, Нарзиев, Саттор Салимов, Раҳмон Чоршанбиев, Жума Тиловов, Сафар Аликулов, Абдувохид Мақсудов ва Расул Тожиев каби тиббиёт ходимлари сидқидилдан хизмат қилдилар.

Моҳир шифокор Холмирза Хуррамов, Ўсар Юсупов, Улаш Ҳайдарова, Турсунали Маматхонов бош врач бўлган йилларда тиббий хизмат анча яхшиланди. Райондаги шаҳар ва қишлоқларда 5 та шифохона, сил, тери-таносил касалликлари диспансери фаолият кўрсатди. 1960 йилда Шўрчи шаҳрида ясама тиш қўйиш хонаси очилди.1984 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида 924 киши, жумладан, 712 хотин-қиз (шундан 580 нафари маҳаллий

миллат вакили) ишлаган. Районда 143 врач, жумладан, 43 нафар хотин-қиз, 496 нафар махсус ўрта маълумотли тиббий ходим хизмат қилган.

1985 йилда касалхоналарда бўлган ўринлар сони 990 тага етказилди. 1992 йилда олий маълумотли врачлар 262 нафарга, махсус ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 826 нафарга етди. Биринчи навбатда шуни қайд этиш керакки, Сурхондарё вилоятида, жумладан Шўрчи районида, Тожикистоннинг Алюмен заводининг фтор газалари экологик фожеасининг оқибатлари аҳоли соғлиғига салбий таъсир этди. 1960 йиллардаёқ болалар бўлими, аёлларнинг касалланиши анча кўпайди ва кейинги йилларда бу тенденция янада кучайиб борди. Бу борадаги нуқсонлар 1970-1980 йилларда ҳам маълум эди ва уларнинг оқибатларини бир оз бўлсада юмшатишга қаратилган баъзи чора-тадбирлар амалга оширилган, лекин улар етарли даражада эмас, эди.

Шуни айтиш керакки, совет ҳокимияти йилларида тиббииёт соҳасига, етарли даражада эътибор берилмади, ўз вақтида касалликларни келтириб чиқарган омиларнинг олди олинмади ҳамда уларни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этилмади. Бундай хулоса, айниқса, Қорақалпоғистон ва Сурхондарё вилоятидаги экологик вазиятнинг йилдан-- йилга ёмонлашувини таърифлашдан келиб чиқади. Амударё сувидан хўжасизларча фойдаланиш ҳамда Сирдарёда кўплаб тўғонлар, сув омборлари қуриш натижасида Орол денгизининг сатҳи анча пасайиб, бошқа турли салбий оқибатларга сабаб бўлди. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятига бевосита яқинлигидан Тожикистон ҳудудида қурилган алюминий ишлаб чиқарувчи заводнинг ўта зарарли чиқиндилари ва пахтачиликда меъёридан ортиқча кимёвий моддалардан фойдаланиш ҳам экологик аҳволни жуда ёмонлаштирди. Шундай шароитда Ўзбекистон 10 минг аҳолига тўғри келган врачлар сони бўйича иттифоқ республикалари орасида 14-- ўринда, шифохоналардаги ўринлар бўйича эса 2-ўринда туради.

1970-1980 йиллар мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Шўрчи районида аҳоли соғлигини сақлаш муассасалари ҳамда тиббиёт ходимларининг сони анча ошди. Бунга биринчи навбатда аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасига

ажратилган маблағларнинг ошиши туфайли эришилди. Шўрчи районида мазкур йиллар мобайнида врачлар сони деярли уч марта, ўрта тиббий ходимлар сони 4,5 марта кўпайди. Врачлар сони 1990 йилда 23 тага етди. Лекин бу аҳолининг эҳтиёжини қондира олмас эди. Бундан ташқари айрим врачлар малакаси ҳам аҳоли талабига жавоб бера олмас эди. Худди шундай аҳвол ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли тиббиёт ходимларига нисбатан ҳам юз берган эди.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасини ривожлантириш санитария маданиятини кўтариш ва тиббий билимларни тарқатиш билан бевосита боғлиқ. Бу борада мазкур шаҳарларда махсус санитария маорифи уйлари ташкил этилиб, улар маҳаллий газеталарда ва радиотармоқлар орқали тиббий хизматнинг турли масалаларини, муаммоларини ёритиб боришди. Шу билан бирга аҳоли томонидан ҳам кўплаб таклифлар, танқидий мулоҳазалар кела бошлади. Танқидий мулоҳазаларнинг аксариятида тиббий хизмат ниҳоятда паст даражадалиги, шифохона, поликлиника, аёллар консультациялари учун биноларнинг қурилиши пайсалга солинаётганлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Лекин маҳаллий советлар, касаба уюшмалари, хўжалик ва бошқарув органлари аҳоли сони ўсиб бораётганини, экологик вазиятнинг ёмонлашаётганини, айрим касалликлар тобора кенг тарқалаётганини, тиббий ходимларнинг етишмаслигини ўз вақтида ҳисобга олиб зарур чора-тадбирларини амалга оширмаганлар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда 10 минг кишга 1971 йилда 21 врач, 1990 йилда эса 35,8 врач тўғри келган бўлса, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткичлар 13,4 ва 25,5 ни, шу жумладан Шўрчида 12 ва 23 тани ташкил этган. Шўрчи районидаги умуман бирорта корхона ёки ташкилот ўзининг тиббий муассасасига эга бўлган эмас.

Шўрчида пахта тозалаш заводи 1980 йиллар охири – 1990 йиллар бошларида профилакторий ва поликлиникалар ташкил этишга киришди. Тумандаги энг йирик корхона – дон ва ун маҳсулотлари комбинати 1980 йилларда профилакторийга ва битта амбулаторияга эга эди. Шаҳарда эса 2 та туғуруқхона, 1 та сил касалликлари шифохонаси, 1 та катта ёшдагилар ва 1 та

болалар шифохоналари ҳамда 2 та поликлиника бор эди. Барча мутахассисликлар бўйича врачларнинг сони 1990 йилда 23 тани ташкил этган.

Тиббиёт масканларини қуришга маблағлар кўплаб ажратилгани билан улар йилдан--йилга ўзлаштирилмаган. Натижада, дорихоналар, болалар шифохоналари сони Шўрчида аҳоли талабларидан анча кам бўлган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, нафақат врачлар сони бўйича, балки ўрта тиббий ходимлар сони бўйича ҳам Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан кейинги ўринда турган. Масалан, 10 минг кишига 1970 йилда вилоятда 57,7 ўрта тиббий ходим тўғри келган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 90 тага етди. Республика бўйича бу кўрсаткич 1970 йилда 64,8 ва 1990 йилда 110,7 ни ташкил этган эди, яъни 10,1 га ва 20,7 га ортиқ бўлган.

Шўрчи районидаги қишлоқларида бир қатор тиббий муассасалар, жумладан, айрим поликлиникалар ва болалар касалхоналари жуда кам мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, оддий талабларга ҳам жавоб бермас эди. Ишлаб чиқаришда, айниқса пахтачиликда йўл қўйилган қўпол хатолар натижасида экологик аҳвлони ёмонлашуви аҳоли саломатлигига салбий ҳолатларнинг кўпаяётганлиги сабабли аҳолининг ўсиш суръатлари анча паст эди. Шу ва бошқа объектив сабаблар оқибатида болалар ва оналар ўлими жуда секин камайиб борган ҳолда, аҳоли орасида камқонлик, сил ва асаб-томир касалликлари жиддий тус олди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати 1978 йил 28 июлда оналар ва болалар соғлигини сақлаш борасида қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақида махсус қарор қабул қилди.

Шўрчи районидаги совет бошқарув идоралари ҳам мазкур масалаларга доир қарорлар ишлаб чиқиди. 1980 йиллар мобайнида замонавий туғруқхоналар, болалар сут таъминот учун махсус корхоналарни ташкил этилди ва хотин-қизлар консультациялари очилди. Бироқ шундан кейин ҳам болалар ва оналар соғлигини сақлаш масаласи мазкур районларда долзарб муаммао бўлиб қолаверди. 1987 йил Ўзбекистонда бир врач-педиатрга 807

бола тўғри келган бўлса, Шўрчи районида 1615 бола тўғри келган. Шунинг учун ҳам 1990 йиллар бошида Нукус, Самарқанд, Тошкент тиббий институтлари Ўзбекистон жанубий вилоятлари учун юқори малакали врачларни тайёрлаш чоралари кўрилди. Тошкентда 2 та ва Бухорода янги тиббий институтлар ташкил этилди. Сурхондарё вилоятининг ўзида ҳам ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш ишига, врачлардан тўғри фойдаланишга эътибор анча кучайди. Экологик вазиятни соғломлаштириш, аҳолини тоза сув билан таъминлаш, тиббий-санитария тарғиботини кенгайтириш ва кўпгина бошқа ишлар Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан сўнг авж олдирилди. 1990 йилда Шўрчида 990 ўринли 5 та касалхона бўлиб, олий маълумотли врачлар районда 248 тани ташкил этди.

Шўрчи районида ижтимоий-маданий соҳада ижобий баҳоланишга арзийдиган ўзгаришлар содир бўлди. Шу билан бирга партия-совет раҳбариятининг сиёсатига хос бўлган энг йирик нуқсон аҳолининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини учинчи даражали масала сифатида ҳисоблаш Ўзбекистонда, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ихтисослашган Шўрчи районида оғир оқибатларга олиб келди. Шунинг учун Ўзбекистон Совет Иттифоқида ҳар минг ёки 10 минг кишига тўғри келадиган шифохона, поликлиника ва врачлар, мактаблар, болалар боғчалари, кутубхоналар сони жиҳатидан, шунингдек, мактабларда ўқитишни 1 сменали қилиш бўйича охирги ўринларда бўлган.

## АНЪАНАЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАР

Давлатчилик тарихини холисона ёритишда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш ва этнологик жиҳатдан илмий таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш ва унинг холисона тарихини қайта яратиш, анъаналарини, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш билан боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда”. Тарихдан

маълумки, Шўрчи ҳудудида қадимдан ўзбек ва тожик халқлари ёнма-ён яшаб, ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти соҳиблари бўлганлар. Шунингдек, XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида воҳада ўзбек халқи таркибидаги турк, қарлуқ, барлос, дўрмон, қатағон, юз, қўнғирот каби этник гуруҳлар ҳамда араб, лўли, афғон, яҳудий каби халқларнинг вакиллари яшаган. Умуман олганда, аҳолини лаҳжалари, турмуш тарзи, хўжалиги, урф-одатлари ва уруғ-қариндошчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан этнограф олим А. Қурбоновнинг тадқиқотларга асосланиб бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1) қадимий ўтроқ аҳоли, яъни уруғчилик анъаналарига эга бўлмаган ўтроқ аҳоли бўлиб, уларга чиғатойлар, хўжалар, ҳардурилар каби этник локал ва ижтимоий гуруҳлар киради;

2) ўзига хос уруғчилик анъаналарига эга бўлган ва минтақага мўғуллар босқинидан илгари ва ундан кейинги даврларда келган қарлуқ, барлос, калтатой, турк, қатағон, қовчин ва қутчи каби ўзбек уруғлари;

3) шайбонийлар даврида, яъни XV аср охири – XVI аср бошларида Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳр ҳудудларига кириб келган юзлар, дўрмонлар, кенагаслар каби этник гуруҳлар.

XIX аср охирида Бухоро амирлигида 27 та беклик бўлиб, шундан Денов беклигига Шўрчи ҳудуди бўйсунган. Шўрчи ҳудуди аҳолисининг этник таркиби қуйидаги этник ва этнографик гуруҳлардан иборат эканлиги аниқланди. Аввало воҳанинг уруғчилик анъаналарига эга бўлмаган, этник ва локал хусусиятларни ўзида мужассам этган ва асосан ўтроқ деҳқончилик ҳудудларида яшаган ўзбек-чиғатой, хўжа, ҳардури каби этник ва ижтимоий гуруҳлар келтириб ўтилди.

Воҳада ўзига хос уруғчилик анъаналарига эга бўлган ва минтақага мўғуллар босқинидан илгари ва ундан кейинги даврларда келган уруғлар сирасига қарлуқ, барлос, калтатой, турк, қатағон, қовчин ва қутчи каби ўзбек уруғлари киради.

**Қарлуқлар**. Этнограф олим А. Қурбоновнинг тадқиқотларида қайд этилган қарлуқлар илк араб манбаларида харлук, форс манбаларида – халлук, хитой манбаларида гэлолу деб келтирилган. Милодий VI-VIII асрларда Шимолий Сурхон ҳам Тоҳаристон таркибида бўлиб, мавжуд аҳоли ўтроқлашган туркий қабилалардан иборат гуруҳларни ўз ичига олган, маълум қисми кўчманчи ва ярим кўчманчиликда турмуш кечирган. Бу аҳоли асосан турк хоқонлиги ихтиёрида бўлиб VI аср охири – VII аср бошларида Еттисув ва Шарқий Туркистондан кўчиб келган туркийзабон қарлуқ, халач, чигил қабилалари билан қўшилиб аралашиб истиқомат қилган. Натижада сиёсий нуфузи устун бўлган қарлуқ ябғулари Тоҳаристонда ўз мавқеларини кучайтириб ҳокимият бошқарувини қўлга олганлар. Ябғу мансаби авлоддан-авлодга мерос қолдирилиб уларга тегин ва тархун унвонлари берилган. Шу тариқа Шимолий Сурхон воҳасида илк қарлуқ қабилалари келиб жойлашишига асос солинади. Қарлуқлар қорахоний туркларнинг Мовароуннаҳр бўйлаб юришларида, шунингдек, уларнинг давлат бошқарувида фаол қатнашганлар. “Қарлуқ” қишлоқ кенгаши аъзоси Бозоров Худойқулнинг (турк қабиласига мансуб ўзбек) таъкидлашича, «Бу ерлар салқин, қор кўп, чунки тоғлар яқин, шу туфайли бу ерлар “Қорлиқ» деб аталган”. Яна бир манбада айтилишича, “Ўғуз” Ғури вилоятига юриш қилганда Ғури тоғида қалин қор ёғади. Натижада кўплаб оилалар қорда йўлда қолиб кетади. Ўғуз орқага қайтишни истамай қорда қолган оилаларни “кимдир қор ёққани сабабли орқада қолдими?” деб сўрайди. Шу сабабли қорда қолган бир неча оилага Ўғуз қарлуқ номини беради; яъни “Қорнинг эгаси: Қорлиқ” деган маънони билдиради. Қарлуқ қабиласи ана шу одамлардан келиб чиққан. Қарлуқ қишлоғи ўзоқ ўтмишда бу ерларга келиб қолган турк-қарлуқлар номини олган.

Шўрчи райони ҳудудида қарлуқлар яшайдилар. Қарлуқ қишлоғида 1925 йилда 636 киши яшаган ва улар 120 хўжаликни ташкил этган. Қарлуқлар беш юз уйли қарлуқ бўлиб, улар Чолмиён, Нелова, Бойқишлоқ, Саримозор, Тоғчиён, Кўлмозор, Буйрапуш, Фозилкўчди қишлоқларида яшаганлар.

Қарлуқ қишлоғи Ипоқ дарёси соҳилида жойлашган. Шу боисдан, бу қарлуқларни Ипоқ қарлуқлари ҳам дейишади. Ипоқ қарлуқлари XIX аср охири – XX аср бошларида ўтроқ ҳаёт кечириб, асосан деҳқончилик ҳамда қисман чорвачилик билан шуғулланганлар. Ипоқ қарлуқлари антропологик, лингвистик белгилари ҳамда урф-одатлари жиҳатидан Қашқадарё воҳасининг Муборак туманида яшовчи қарлуқларга ўхшайдилар. Қарлуқлар баҳор ва ёз ойларида тоғларда ўтов ва капа тикиб чорваларини олиб борсалар, кузда қишлов учун қишлоқларга қайтганлар. Бу қарлуқлар сони жиҳатдан кам бўлса-да, деҳқончилик билан ҳам машғул бўлганлар.

**Турклар.** Сурхондарёнинг шимоли-шарқий қисмида Шўрчида яшаган ва XIX аср охирида ҳам энг йирик уруғлардан бири ҳисобланган. Турклар асосан Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқимларида деҳқончилик, чорвачилик, қисман савдо-сотиқ билан шуғулланган. «Турк» атамаси ҳақида фикр билдирган академик В.В. Бартольд унинг тўла маънода этник атама эмаслигини таъкидлайди. Урхун ёзувларида ҳамда кейинчалик шарқшунос олимлар – А.Ю. Якубовский, А.Н. Бернштам, С.П. Толстов асарларида «турк» сўзи ҳар хил қабилаларнинг сиёсий бирлашмасини англатади, деб изоҳ берилади. Машҳур этнограф олим академик К.Шониёзов «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асарида турк атамаси 445 йилдан бошлаб манбаларда тилга олиниб, уларнинг эфталийларга қаттиқ зарба бериб, Мовароуннаҳрни эгаллаганликлари ва Амударё соҳилларига чиққанликлари қайд этилади. Турк хоқонлиги даврида – VI-VIII асрларда Тоҳаристон ҳудудида 27 та вилоят мавжуд бўлиб, улар турклар томонидан идора қилинган. Шундан биттаси Сурхон-Шеробод ҳудудига тўғри келган. Қайд этилган маълумотларга асосланган ҳолда турклар VII-VIII асрларда Шўрчи ҳудудига кириб келиб, маҳаллий ўтроқ турк қабилалари билан аралашиб муқим жойлашганлар, дейиш мумкин.

И. Магидович раҳбарлигида тузилган комиссиянинг 1924 йилги рўйхатида Шўрчи ҳудудидаги турк қабиласининг учта – балос (барлос), мусо бозори ва калтатой уруғлари борлиги қайд этилган. Этнограф олим А.

Қурбонов ҳам дала-кузатув тадқиқотларига асосланган ҳолда турк қабиласининг учта уруғи мавжудлигини аниқлаб – барлос, калтатой ва қарлуқ гуруҳларига бўлади. Этнограф олим А.Қурбоновнинг дала тадқиқотлари билан И. Магидович маълумотларини солиштирсак, фарқ битта уруғдан иборат бўлаяпти. И. Магидович қарлуқ (каллиқ) қабиласини «Турк» қабилалари иттифоқидан алоҳида қабила сифатида келтиради. А.Қурбоновнинг тадқиқотларида кўплаб дарё бўйи аҳолиси ўзларининг «турк» эканлигини таъкидлаб, сўнгра «қарлуқ» сўзини қўшиб айтганлиги таъкидланади. Бу асосан Қарлуқ, Жобу қишлоқларига хос. Ўз навбатида Сурхондарё бўйларида ўзларини фақат «турк» деб атайдиган соф, яъни уруғларга бўлинмайдиган гуруҳлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

**Турк-калтатойлар.** Шўрчи ҳудудидаги қишлоқларда турк калтатойларнинг истиқомат қилиши аниқланди. Этнограф А. Қурбоновнинг тадқиқотларида бу уруғга оид бир қатор манбалар ўз тасдиғини топди. Уруғнинг келиб чиқиши, уруғлар ўртасида келиб чиқадиган ўзаро низо-жанжаллар, ер, яйлов, суғориш ариқлари масаласидаги келишмовчиликлар натижасида айримлари уруш бошлаб бостириб келса, иккинчиси ҳимояланган. Баъзан шундай ҳолатлар бўлганки, бир уруғ вакиллари иккинчи уруғ вакилларини жанг ва жанжалларда ўзини қандай кўрсатган бўлса, шунга мос равишда атаганлар. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, турк-калтатойлар бу жангларда ўзларининг чаққонликларини намоён этганлар. Шу сабабли улар бир-икки ёшли тойнинг номини олганлар. Бундай ёшдаги тойчоқлар «калтатой» деб аталади. Чунки бу ёшда уларнинг тезроқ чопишлари учун думларини кесиб калта қилинган. Олиб борилган тадқиқотлар ахборотчиларнинг маълумотларида маълум маънода ҳақиқат борлигини, бир қабила-уруғ вакиллари иккинчисидан қандайдир бир белгилари билан ёки хулқ-атвори бўйича ажралиб туришини тасдиқлайди. Эҳтимол «калтатой» сўзи туркларнинг бир қисми бошқа қисмига қўйган лақаб-ном бўлиши ҳам мумкин.

**Турк-барлослар.** Муаррих Рашидиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» асарида таъкидланишича, Чингизхон даврида барлослар Онон ва Керулен дарёси ҳавзасида яшаганлар ва кучли ҳарбий қувватга эга бўлиб, Кубалай Нўён номли йирик ҳарбий саркада бошчилигида истилочилик урушларида мўғул армияси сафида иштирок этганлар. Барлос Қорачур Нўён Чингизхоннинг нуфузли амирларидан бўлиб, Амир Темур аждодларининг бешинчи (Катта бобоси)си бўлган. Чингизхон ворислари даврида барлосларнинг бир қисми Шарқий Туркистонга, XIII асрнинг 60-йилларида Шаҳрисабз воҳасига келиб жойлашиб, улар Амир Темурнинг қариндошлари бўлган. Рашидиддин барлосларнинг илк аждодларини турклар бўлган, кейин мўғул номини олган Нурун қабила иттифоқи таркибида тилга олади. Бу фикрни хитойшунос олим А.Ю. Зуев тасдиқлаб, барлосларни туркий халқ деган хулосага келади. Ўзбекистонда, жумладан, Шўрчи ҳудудида яшайдиган барлослар ўзларини турк-барлос деб аташади.

Шарқшунос А.Ю. Якубовскийнинг қайд этишича, «жалойирлар ва барлослар Еттисувдан Шарқий Туркистон, Сирдарё ҳамда Шимолий Амударё, Тоҳаристонга тил жихатидан анча-мунча турклашган ҳолда келадилар ва янги ҳудудларда улар шунчалик турклашиб кетдиларки, XIV аср ўрталарида ўзларининг она тилларини турк тили деб ҳисоблай бошладилар». Демак, олиб борилган дала тадқиқотларига асосланиб, Шимолий Сурхондаги барлослар Қашқадарёнинг Шаҳрисабз воҳаси орқали келиб жойлашиб қолган дейишга асос бор, чунки маҳаллий барлос уруғи кексалари ўзларининг асли боболарини шаҳрисабзликлар деб атайди.

**Қовчин ва қутчи** уруғлари XIII-XV асрлар давомида Мовароуннаҳр ҳудудларига кўчиб келиб, XVI-XVIII асрлар давомида ўтроқлашиб, ярми деҳқончилик билан, қолган қисми чорвачилик билан шуғулланган. Академик К. Шониёзовнинг қайд этишича, уларнинг хўжалигида деҳқончилик чорвачиликдан кўра муҳим ўрин эгаллаган. Улар асосан лалмикор ерларда деҳқончилик қилганлар. Ярим ўтроқ қавмлар тоғ олди ҳудудларда ва воҳаларга туташган адир, чўлларда жойлашиб, ўтов ва капаларда яшаганлар.

Эрта баҳорда чорва моллари, от-йилқиларини ҳайдаб дашт ва адирларга чиқиб кетганлар. И. Магидовичнинг фикрича, қовчин ва қутчи уруғлари асли мўғуллардан бўлиб, Чингизхон ҳужуми даврида Мовароуннаҳр ҳудудига кўчиб келганлар. И. Магидовичнинг қайдлари ҳамда дала тадқиқотлари натижаларига асосланиб Шўрчи ҳудудида жойлашган кам сонли қовчин ва қутчи уруғлари Қашқадарё воҳасидан кўчиб келган, деган хулосага келдик.

Воҳага шайбонийлар даврида, яъни XV аср охири – XVI аср бошларида кириб келган Дашти қипчоқ ўзбекларига юз, дўрмон, кенагас ва бошқа уруғлар киради.

**Юзлар** қўнғиротлар каби ўзбекларнинг энг катта уруғларидан бири бўлиб, Сурхон воҳасида уларнинг қорапчи ҳамда туркман-юз гуруҳлари яшайди. Улар асосан Шўрчи, Олтинсой, Денов ва Узун туманларида истиқомат қиладилар.

Юзларнинг Марказий Осиёга келиши, ижтимоий турмуши ва хўжалиги ҳақида ўз даврида Н.А. Маев, Н.А. Аристов, В.В. Бартольд, В.И. Липский, Л.П. Потапов, И.П. Магидович, Х. Дониёров, Б.Х. Кармишева каби олимлар ўз ишларида тўхталиб ўтганлар.

Х. Дониёров «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» китобида Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотлар асосида юзларнинг қорапчи, марқа боласи, режаб боласи каби уч гуруҳини келтириб ўтади. Б.Х. Кармишеванинг таъкидлашича, туркман-юзларнинг Сурхон-Ҳисор воҳасига келиб қолиши борасида учта қараш мавжуд: биринчиси, қўнғиротлар каби «орқа юртдан»; иккинчиси, авлодлари юрти Ўратепа ва Нуротадан келганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Соҳибқирон Амир Темур даврида Сурхон воҳасида Туркман дашт мавжуд бўлиб, ривоятларга қараганда, Туркман дашт Амир Темур отасининг қўрғони бўлган; учинчиси, Султон Санжар мозий томонидан юзта туркман кўчириб келтирилган. Шунинг учун улардан тарқалган авлодлар юз (жуз), яъни туркман-юз деб номланган.

Сурхон воҳасидаги юзлар ўзларининг ота-боболари Жиззах ва Самарқанддан кўчиб келганлигини айтишади. Х. Дониёровнинг таъкидлашича, самарқандлик юзларнинг авлод-аждодлари асли Ҳисор-Кўлобдан келган. 1924 йилги аҳоли рўйхатига асосланиб И. Магидович қуйидаги маълумотларни тақдим этади. Ўзбек уруғлари орасидан «Қирқ юз» деган уруғлар иттифоқини (бирлашмасини) ажратиб, уларни қандайдир ҳарбий маънога эга бўлган уруғлар иттифоқининг қолдиғи, деб ҳисоблайди ва бу иттифоқдаги баъзи гуруҳларни ҳам кўрсатиб ўтади: марқа (Кофирниҳон воҳасида), хитой-юз (Қоратоғдарё водийсида), қорапчи (Сурхондарёнинг юқори оқимида), қирқ (Қашқадарё ва Самарқандда) ва юз (Самарқандда). И.Магидович этнографик ҳисобот маълумотларига таяниб, юз уруғининг Фарғона, Хўжанд ва Тошкент вилоятларида ҳам истиқомат қилганлигини таъкидлайди. Этнограф олим А. Қурбонов бу уруғлар иттифоқини илмий асосланган бўлимларга ажратган. Қорапчи ва марқадан ташқари, сўров натижаларига асосланиб, юз уруғи таркибига яна иккита уруғни киритган: вахтамғали (ёки бахтамғали) ва жилонтамғали. Сўровлар натижасида бу икки уруғ яна майда даҳаларга бўлинишини аниқлаган:

| Юз-вахтамғали | | Юз-жилонтамғали | |
|---|---|---|---|
| 1. Кесовли | 5. Алифли | 1. Қарға | 5. Болахўр |
| 2. Қозиёқли | 6. Бўгажили | 2. Иярчи | 6. Йўрға |
| 3. Жориқбош | 7. Батош | 3. Кўса | 7. Боғанали |
| 4. Қорапчи | 8. Қозоқ | 4. Потас | 8. Қоратамғали |

Қайд этилган кесовли ва қозиёқли уруғлари хусусида Н.Ф. Ситняковский тузган ўзбекларнинг қўнғирот уруғи генеалогик жадвалида қозиёқли ва кесовли вахтамғали қабиласи таркибида, кўса эса қўштамғали таркибида кўрсатилади, қозиёқли эса А. Қурбоновнинг илмий таҳлилида қўнғирот уруғи таркибида гавдаланади. И. Магидовичда ҳам

қозиёқли қўнғирот уруғи таркибига киритилган. Юз уруғининг майда гуруҳларига ҳам одамларнинг лақаби бўйича номлаш одат бўлган. Шўрчи тумани Кўлтепа ва Тўла қишлоқларида истиқомат қилувчи Тойир Бердиев ва Хурсанд Исмоиловлар берган маълумотларга кўра, юз уруғи таркибида қўйидаги майда гуруҳлар ёки лақаб билан айтиладиган уруғ-қариндош жамоалари бўлган: 1. Халфабачча (устага тааллуқли бола, шогирд). 2. Юнгбачча (жун босган бола). 3. Сарибачча (сариқ бола, сариқ кишининг боласи). 4. Кўса (соқоли йўқ). 5. Бангибачча (наша чекадиган кишининг боласи). 6. Калбачча (сочи йўқ кишининг боласи ёки сочи йўқ бола) ва ҳоказо.

Юз уруғи тўғрисидаги маълумотлар қадимий манбаларда учрамайди. Ёзма манбаларда на турк, на мўғул қабилалари таркибида бу уруғ ҳақида фикр юритилмайди. Хусусан, Сурхондарёга қандай келиб қолганликлари ҳақида ҳам аниқ илмий этнографик манбалар ҳозирча тўлиқ ёритилмаган. Фақатгина ўзбекларнинг юз уруғи XVII асрдан бошлаб Бухоро, Самарқанд, XVII асрдан бошлаб Хўжанд ва Ўратепада яшаган аҳоли таркибида яшаганлиги баъзи бир манбаларда қайд этилган. Қайд этилган маълумотларга асосланиб ҳамда тадқиқот ва дала кўзатув сўровлар натижасига таяниб, юз уруғи Сурхондарё вилоятига Бухоро ва Самарқанд ҳудудларидан кўчиб келиб жойлашган, деган мулоҳазани билдириш мумкин. Чунончи, бу борада юқорида эслатиб ўтилган Шўрчи туман Тўла қишлоқ фуқароси Хурсанд Исмоиловнинг маълумотига кўра, қачонлардир юз уруғи «Қирқ юздан» ажралиб чиққан ва Жиззахдан кўчиб келган. Бошқа далилларга келсак, уларнинг шеваси, бизнинг кузатувларимизга қараганда, қўнғиротларнинг шевасидай, яъни улар ҳам «ж»лаб қипчоқ лаҳжасида гапиришади.

Вахтамғалининг алифли уруғи Жиндибулоқ (Олтинсой тумани)да, кесовли уруғи Ободон, Толли (Шўрчи тумани) ҳамда Ҳазорбоғ (Денов тумани)да, жориқбош уруғи Ялти ва Совжиронда, қозоқ уруғи Миришкор ва Олатемирда, қўштамғали уруғи Култепада, қозоёқли уруғи Хўжасоат, Қумпайкал, Тўхтамиш, Лўкка (Олтинсой туманида), бўгажили уруғи Ҳайрабод (Денов тумани)да ва бошқа ҳудудларда яшайдилар.

Жилонтамғалиларнинг кўса уруғи Тўла, Олатемир (Шўрчи тумани), Пахтакор, Иккираз, Дегрез (Олтинсой тумани), иярчи уруғи Охунбобоев, патос уруғи Хидиршо, Дуғоба, Иккираз, Мормин, Сайрак, Қоратепа, Жолти, Мўминқул (Олтинсой тумани)да, болахўр уруғи А. Сафаров фермер хўжаликлари уюшмаси (Шўрчи тумани)да, Сайрак (Олтинсой тумани)да, қарға уруғи Толли фермер хўжаликлари уюшмасида, йўрға уруғи Ижтимоиёт фермер хўжаликлари уюшмасида, боғонали уруғи 8-март фермер хўжаликлари уюшмаси (Денов тумани)да, Бошtепа (Шўрчи тумани)да, қоратамғали уруғи Регар атрофларида яшайдилар.

Вахтамғали уруғининг юқорида 8 уруққа бўлинишини таъкидлаган эдик. Вахтамғалининг алифли уруғи беш ота алифли деб – бўкай, какувот, бешботир, болхи, чулуққа бўлинган.

Қозоқ уруғи тўрт ота қозоқ деб кўк калабош, кирмоли, ўнтўрт, гўрга сиғмасга бўлинган.

Қозоёқли уруғи ўн ота қозиёқли деб – туяжақ, кўрновуз, ҳайитқоракош, галаҳая, қовчин, олчин, паритўп, куябош, калтўп, гўрховга бўлинган.

Кесовли уруғи тўққиз ота кесовли деб халфабачча, калбачча, қозибачча, сарибачча, жунбачча, чолишбачча, ойнакўз, гўрга сиғмас, бадирга бўлинган.

Уруғларнинг бу каби номланишига ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар сабаб бўлган. Масалан, қозоёқли деб номланиши ҳақида халқ орасида шундай ривоят мавжуд: «Сирдарёда бир подшо бўлиб, қозиси билан ер-сув масаласида тортишиб қолади. Аҳолининг маълум қисми қозини қўллаб-қувватлайди. Подшо қозини ўлдирмоқчи бўлганда, подшоликда хизмат қиладиган бир киши қозига подшонинг ниятини айтади. Шунда қози ўзининг тарафдорлари билан тунда подшолик ҳудудидан қочади. Ҳозирги Сурхондарё ҳудудларига келиб жойлашади. Қозоёқлилар қози билан келган кишилар авлодидир».

Юзнинг катта уруғларидан яна бири бу қаробчи уруғи бўлиб, қаробчилар Олтинсой туманининг Обшир, Чуқур Обшир, Жобу, Дегрез, Овчи, Зардақўл, Тўхтамиш, Чинор, Бодиҳаво қишлоқларида, Шўрчи ва

Денов туманларининг Охунбобоев фермер хўжаликлари уюшмасида яшайдилар.

Қаробчи деб номланиши ҳақида шундай ривоят бор: «Амир замонида 40 та қароқчи бўлиб, бу қароқчилар амир ясовуллари томонидан қўлга олинади. Қароқчиларни ўлдиртиришга амирнинг кўзи қиймайди. Чунки уларнинг ҳар бири бир юртга бек бўладиган соғлом, бақувват йигитлар бўлган. Шундан сўнг амир буларнинг ҳар бирини бир қишлоққа бошлиқ қилиб жўнатган. Шундан тарқалган бу уруғ қароқчи сўзининг бузилиб талаффуз қилинишидан қаробчи деб аталиб кетган».

Қаробчилар бир неча уруққа бўлиниб, гардон, чичқоқ, холмат, кўкан, ашурбек, жаҳастуби, гадойхўжа уруғларидан иборат.

Қаробчиларнинг Сурхон воҳасига келишини Сўфи Оллоёр билан боғлайдилар. Қаробчилар у киши билан бирга Каттақўрғондан келишган деб, эътироф этишади.

**Қўнғирот уруғининг этногенезиси** ҳақида XIV асрда яшаган машҳур Шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамодоний) нинг «Жомеъ ат-товарих» асари муҳим маълумотлар беради. Таниқли ўзбек олими Х.Дониёровнинг таъкидлашича, Рашидиддиннинг ушбу асари шу вақтгача Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан мўғуллар деб атаб келинаётган ўзбек (туркий) қабила ва уруғларнинг аслида ким эканлигини аниқлаш учун бевосита калит бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қўнғиротларнинг XV-XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома», Абулғозийнинг «Шажараи турк» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга. Қўнғиротлар ўзбек халқининг қадимий тарихига ва ўзига хос маданий турмуш тарзига эга бўлган муҳим таркибий қисми, бўлаги бўлиб, ўтмиш тарихимизнинг турли даврларида халқимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият намуналарига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келган уруғлардан биридир. Қўнғирот-қатор адабиётларда қўнғир от мингани учун қўнғирот аталган дейилган.

Қозоғистондаги Қонғурат топонимлари этнонимдан, этноним эса қонғур Қот қўшма тақозосида юзага келганлиги айтилган. Бу –халқ этимологияси.

**Қўнғирот-- қадимги туркий сўз.** Сўз охиридаги –т аффикси кишилар жамлигини, жамоани билдирган. Қўнғир-(талаффузда қўнғир) сўзининг ранг билдирувчи қўнғир сўзига муносабати йўқ. Қўнғир мўғулча хун, керей (қора қарға, қарға киши) сўзларининг қўшилмаси Сурхон воҳасида ўзбекларнинг юз, қатағон, тоқчи, дўрмон, чиғатой каби уруғлари орасида қўнғиротлар ҳам алоҳида мавқе ва нуфусга (аҳоли сонига) эга. Рус олимаси Б.Х. Кармишеванинг маълумотларига кўра, IX-X асрларда воҳа аҳолисининг айрим қисмини Дашти Қипчоқдан келиб чиққан уруғлар, жумладан қўнғиротлар ташкил этган. Айрим олимлар қўнғиротларни турклашиб кетган мўғул қабилаларидан бири деб ҳисоблашади. Тадқиқотчи И.Умаров қўнғиротларга бағишланган рисоласида “Қўнғиротлар турк-мўғул қабилалари орасида Чингизхонга энг яқин қавм бўлиб ҳисобланган”, деб ёзади. Қўнғиротлар XIII-XV асрларда Хоразмнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнагани тарихдан маълум. Н.П.Магидовичнинг фикрига кўра, XУ1 аср бошларида Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юришларида хоразмлик ўзбек қўнғиротлари ҳам қатнашган ва уларнинг ватанимиз жанубий воҳаларига оммавий равишда жойлашуви шундан бошланган. Чунки, Шайбонийхон забт этилган воҳаларни истилода иштирок этган ўзбек қабилаларига бўлиб берган. Рус олими А.А.Семеновнинг ёзишича, XVI-XVII асрлардаги ўзбек тарихий манбаларида Термиздан шимолдаги ерларнинг қўнғиротлар юрти деб аталиши таъкидланади.

Қўнғиротлар ва унинг таркибидаги уруғларнинг воҳа бўйлаб жойлашувини янада ойдинлаштирувчи тадқиқотлар давом этмоқда. Қўнғиротлар бешта катта уруққа бўлинади: Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали, Ойинни ва Тотувли. Вохтамғали 18 та уруққа бўлинган: қозоқли, очамайли, қоракўнғирот, чанчиқли, болғали, баймоқли, жилонтамғали, абоқли, тароқли, ирғоқли, бўгажили, чўмичли, хандакли, қайчили, уювли, болғали, ишқили, кесовли. Қўштамғали 16 уруққа

бўлинган: қорақасмоқ, қорақалпоқ, кўчахўр, тўлангит, ўтроқли, кал, туловмат, мавлиш, кулоби, кўса, чол, бармоқ, саврибузар, самбуру, бандикучук, оқпичоқ. Қонжиғали 14 та уруққа: қораурсоқ, нўғай, улус, молтака, чуллик, қўлдовли, чала, қуюн, қорабувра, қора, дўска, кўртўғай, желкиллак, тўпқора. Ойинлилар 12 та уруққа бўлинган: ойтамға, чурон, качай, бешбола, ҳожибачча, оқтона, тупор, кал, қовға, туркман, қорақалпоқ, қора. Тортувли 6 уруққа бўлинган: тўғиз, мўнка, обохли, майдатўба, ўр, чўпоқ.

**Қўнғиротлар қуйидаги уруғларига бўлинган.** Қарға -- Ғарбий Сибирь туркий халқларнинг қанға уруғи бор. Ўзбекларда кўп учрайдиган уруғлардан бири-қарға. Қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимининг қорағурсоқ уруғининг бир тармоғи –қарға. Жилонтамғали бўлимининг қарға деган уруғи бор. Қийғочли - уруғ номи. Қўнғиротларнинг вохтамғали бўлими таркибидаги 16 уруғнинг бири. Баъзи қипчоқ шеваларида қалдирғочнинг бир тури. Қорағурсоқ- қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимининг уруғларидан бири--қорағурсоқ. Ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бири ҳисобланади. Қурсоқ, ғирсоқ, қарсак уруғининг бир тармоғи қорағурсоқ бўлган. Оққурсоқ ёки чопқирсоқ ҳам бўлган. Қорсак-- мўйнали ҳайвон, чўл тулкиси. Қорақанжиғали-- қанжиғалиларнинг бир тармоғи. Қорақасмоқ-- қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири-- қорақасмоқ, орагасмоқ. Қорабўйин - Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимининг майда тўда уруғи таркибида қорабўйин, қорамўйин бор. Қорақалпоқ ва туркманларда ҳам мавжуд. Туркий халқларга, қипчоқларга хос этноним. Қорашуллик- қорақалпоқлар арус қўнғиротининг шуллик уруғи бор. Қашқа-сурхон қўнғиротларида бу уруғ номи- чўллик. Чўллик – канжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Шуллик, чўллик - бир этноним, қорашуллик шу уруғнинг бир тармоғи. Қуйли -- ўзбек уруғларидан, дурман қабиласига қараган. Қуйин- қуйин, қуйун, қуюн- қўнғиротлар қанжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Қуюнни, қуюнли ҳам дейишади. Қанжиғали уруғи номи билан аталган. Қулдовли- қўнғиротлар қанжиғали бўлими 14

уруғнинг бири қулдовли. Қорақалпоқ қўнғиротларининг ҳам қулдаулу уруғи бор. Қулдов тамға шакли. Молларга кўп чизиқ, тилик кўринишида белги қўйилган. Тамғасига қараб уруғ номланган. Айинли, ойинли, ойилли-қўнғирот ўзбеклари таркибига кирган қабилалардан бири. Айинли икки катта бўлимга, ҳар бир бўлим яна кичик уруғларга бўлинади: 1.Оқтўнли: бешбола, ойтамғали, оқтана, туркман, чуран ва бошқа; 2.Қоратўнли: қорақалпоқ, қувуқ, қочай, тўнсар, ёмғурчи ва ҳоказо. Ойтамғали- ўзбек халқининг дурман, қипчоқ, қўнғирот. Нурота туркманлари ва бошқа йирик қабилалар таркибига кирган уруғлардан бири. Ойтамғали Ўзбекистон, Қозоғистон худудида учрайди. Ойтамғали қирғизлар таркибида ҳам бўлиб, «Ойтама» деб аталади. Очамайли- очамайшоқ, очамай, очмайли-қўнғиротлар вахтамғали бўлимининг бир уруғи. Ачамайли, очамайли, ашамайли - ўзбекларнинг дурман, кенагас, найман, қўнғирот, қурама, юз қабилалари таркибига кирган йирик уруғлардан бири-қорақалпоқлар ва Қозоқлар таркибида ҳам бор. Ўзбек қўнғиротлари ва Қорақалпоқ қўнғиротларига мансуб қабила. Бу қабила қорақалпоқ қўнғиротларининг шуллик бўлими таркибига киради. Очамайли қабиласи 13 уруғдан ташкил топган. Улар Х1Х аср ўрталарида 750 га яқин хўжаликдан иборат бўлган. Авоқли - қўнғирот қабиласи вохтамғали, тортувли бўлимларининг авоқли шахобчаси бор. Арслонбойи - қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимига қарашли уруғлардан бирининг шахобчаси. Боймоқли- қўнғиротларнинг вохтамғали бўлимининг 18 уруғидан бири ёки боймохли. Бешэркак- қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги гиламбови (гиламбоғи) уруғининг бир тармоғи. Бойбичча - жами Ўзбекистон қўнғиротларининг бойбичча - бойвичча уруғи бўлган. Бойбўри - қўнғиротларнинг Бойбўри, Қорақалпоқларда Бойбура деган уруғ бор. Бойовул - қўнғиротлар тотувли уруғининг бўлимларидан бири бойовли. Бойовли ва боғаналилар Кофрунда бор. Бугажили – қўнғирот қабиласининг вохтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири. Кенагас, қозоёқли, ачамайли қабилалари таркибидан ҳам бўлган. Бўлак кесавли - кесавли-жузларнинг 16 уруғдан бири. Вахтамғали- аслида увоқ эни увоқ “Уч қисми эгик, ўроққа

ўхшаш” шаклида бўлган. Ўзбекларнинг увоқ урвоқ тамғали деган уруғи ҳам бор. Гиламбоп - ўзбекларда гиламбоби деган уруғ бор. Дусга - Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари қанчиғали бўлимининг бир уруғи. Желкиллак - қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимидаги 14 уруғдан бири. Кўса - қўнғиротлар вохтамғали бўлимига қарашли қўнғирот уруғининг бир тармоғи, қўштамға таркибидаги 16 уруғнинг бири.

Сурхондарё туркман жузларининг жилонтамғали, Форсистон лақайларининг 4 ўғил уруғларида ҳам кўса тармоғи бор. Мунка- қўнғирот қабиласи тортувли бўлимига қарашли 6 уруғининг бири. (Мунка –улкан, йирик, гавдали, жуссали кишига Мунка лақаби берилган.) Нўғай- уруғ номли қўнғиротларнинг қончиғали бўлимида 14 уруғдан бири. Қадимий туркий уруғлардан бири. Ойинни –Жанубий Ўзбекистон қўнғиротларининг тўртинчи бўлими - ойинни ёки ойинли. Охшик- туркманларнинг ших деган уруғи бор. Қўнғиротларнинг айинни бўлимидаги бешбола уруғининг бир тармоғи-оқшиқ. Қўштамғали (қўнғирот) бўлимининг бир шахобчаси шикбачча. Қорабоғ (Шеробод) қишлоғида яшовчи чиғатойлар 15 гуруҳдан иборат. Шулардан бири – шихлар. Шихназар деган қўнғирот (ойинни) лар уруғининг бир тармоғи (уруғнинг бўлими) ҳам бор. Минг қабиласига оид уруғлардан бири ҳам оқшақ деб аталади. Чанчиқли- қўнғирот қабиласи. Сариқ-қўнғиротлар қўштамғали бўлимининг қорағурсоқ уруғи тармоғи сариқ. Туркманларнинг сариқ-сариғ-сару уруғи бор. Форсистон лақайларида саричол уруғи, сори, соримраз, саримвачча уруғлари бор. Қатағонларнинг ҳам сари-сори, сариқатағон, сарибош уруғи бор. Манғит, батош ва бошқа уруғ қабилаларининг ҳам сари-сариқ-сори уруғи бор. Сариқ сўзи йирик қабила номларига ҳам қўшилган: сари уйшйн, сари уйғур, сари найман, сари қипчоқ, сари қанғли, сари қирғиз, сари нўғай. Татар тилида сариқ-қўй. Сарукчўлиқ –қўйчилик. Сарсон - қўнғиротларнинг кичик уруғ тармоғи. Тароқли- қўнғирот қабиласи вохтамғали бўлимининг тароқли деган уруғи бор.

Туркманжузлари жилонтамғали бўлими, Хоразм қўнғиротларининг тароқли уруғи бор. Бу уруғларнинг тамғаси тароқ шаклида бўлган. Тортувли - қўнғиротларнинг вохтамғали, қўштамғали, қанжиғли, айинни, тортувли каби беш бўлими бор. Қўнғиротлар бу бўлимларни ота деб аташади. Тамғасига қараб номланган: тамғаси тортуг (тўрт туғ) тўрт найзали, шохсимон бўлган. Тўғиз - Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимининг тўғиз деган уруғи бор. Қозоқ, Қорақалпоқ, Олтойларда тоғуз (тўғиз) уруғи мавжуд. Бошқирдларнинг ай қабиласи кошсу уруғи таркибида тоғуз деган этник шахобча қайд қилинган. Тупқора- қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимига қарашли уруғлардан бири- тўпқора. Тупор- умумтуркий қипчоқ уруғи, қозоқ ва қорақалпоқларда ҳам тупор уруғи бор. Қўнғиротларнинг ойинни бўлимига қарашли уруғлардан бири- тупор. 1960 йилларда Музработ туманига кўчиб борган тупорлар ўз қишлоқларини Тупор деб аташган. Узун - қўнғиротлар қўштамғали бўлимига қарашли банди кучук уруғининг кўса, узун, бешоғоч, бойботир, жубув, дамғорин, ғалламулла, хўжа, тармоқлари бор. Зарафшон қипчоқларида, қозоқ қипчоқларининг Ўртажуз, қирғизларнинг бағиш қабиласи таркибида ҳам узун уруғи бор.

**Дўрмон.** И.Магидовичнинг қайд этишича, “Дўрмон –мўғуллардан келиб чиққан қабилалар бўлиб, Чингизхон давридан маълум ва улар жануби-Шарқий Туркистонни истило қилишда мўғуллар таркибида иштирок этган”. XIV-XV асрларда дўрмон уруғи ўзбек халқи этник тараққиётида, иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутиб, ўзаро этник алоқаларини мустаҳкамлашда бевосита иштирок этган. Дўрмон уруғи маиший турмуш тарзи, уй-жой қурилиши, тил шеваси бўйича ўзбек-қўнғиротлардан деярли фарқ қилмайдилар. Этнограф олим А. Қурбоновнинг тадқиқотларида дўрмон уруғи Чингизхон қўшинлари таркибида ва орадан маълум вақт ўтгач Шайбонийхон қўшинлари билан биргаликда Сурхондарё воҳасига келиб қолган бўлиши мумкин.

**Кенагаслар** этно-сиёсий бирликларни шакллантиришда иштирок этиб, шайбонийлар қўл остидаги қабилаларнинг йирик уюшмаларидан бири бўлган

ва Мовароуннаҳрга кўчиб келган кўчманчи ўзбекларнинг тарихий тараққиётида алоҳида ўрин тутган. Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларида кенагас этник уруғи фаол иштирок этиб, маълум бир қисми Шимолий Сурхон воҳасида муқим ўрнашиб қолган. 1924 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш материалларига кўра, “кенагас уруғи манғит уруғининг таркибий гуруҳи бўлиб, кейинчалик ундан ажаралиб чиққан. Бу иккала уруғ сиёсий устунлик учун бир-бирларига қарши узоқ рақобат олиб боришган”. Бу қайд этилган изоҳга И. Магидович «Кенагасларнинг манғитлардан келиб чиққанлиги шубҳали. Кенагас ва унинг уруғлари таркиби манғитлардан тубдан фарқ қилувчи бир неча турк қабилаларининг бўлакча иттифоқидан иборатдир», – деган фикрни билдиради. Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, Шимолий Сурхон воҳасининг Шўрчи, Денов туманларидаги кенагаслар Қашқадарёдан келган дейиш мумкин. Заки Валидийнинг таъкидлашича, «Кенагас беш аймоқдан иборатдир: қаюрасали, қайроқли, очамайли, жикқут, абоқли. Булар Хива ва Шаҳрисабз атрофида бўладилар». Бу манба юқоридаги фикримизни тасдиқловчи далилдир. Академик Б. Аҳмедов «Ўзбек улуси» номли китобида «Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний шаҳодатлик беришича, Оқ Ўрда, яъни кўчманчи ўзбеклар таркибига қуйидаги қабилалар кирган: бурқут, қиёт, қўшчи, қўнғирот, ушун (усун), ўтачи, найман, жог, чимбой, қарлуқ, кенагас... ва бошқалар», деб кенагас уруғини ҳам алоҳида қайд этиб ўтган.

Воҳада ўзбеклар билан биргаликда ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб келаётган тожиклар, араблар, эронийлар, лўлилар ва бошқа этнослар ҳам ўзига хос этник ва локал жиҳатлари билан ажралиб туради.

**Эронийлар.** Б.Х.Кармишеванинг маълумотларига кўра, улар Қарлуқ ва Кичик Вахшивор қишлоқларида яшаганлар. Аммо, бизнинг дала тадқиқотларимизда эроний аталувчи алоҳида гуруҳ бўлмасдан, балки ургути, мағиёни, кетари, ўшори каби локал гуруҳлар билан аралашиб кетганлар.

**Лўлилар.** Шўрчи ҳудудида лўлиларнинг тўп жойлашган алоҳида гуруҳларини учратамиз. Шунингдек, Шўрчи шаҳар ва бозор қишлоқларида

афғони лўлилар ўзбек ва тожик аҳолиси орасида қисман аралашган ҳолда яшайди.

Хуллас, Шўрчи ҳудуди аҳолисининг этник тарихи ва таркибини тадқиқ қилиш асносида шундай хулосага келдикки, ушбу ҳудуд турли этник ва этнографик гуруҳлар, турли маданиятлар ва хўжалик маданий типлари ўзаро туташган ҳудуд бўлган. Ҳудудда минтақа аҳолисининг асосий қисмини уруғчилик анъаналарига эга бўлмаган ўтроқ ўзбеклар (чиғатойлар, хўжалар, ҳардурилар), тожиклар ва уруғчилик анъаналарига эга бўлган ҳамда минтақага мўғуллар босқинидан илгари кириб келган ўзбек уруғлари (қарлуқ, барлос, калтатой, турк, қатағон, қовчин ва қутчи) ва XV аср охири – XVI аср бошларида Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳр ҳудудларига кириб келган юзлар, дўрмонлар, кенагаслар каби этник гуруҳлар ҳамда эронийлар, араблар, руслар, лўлилар ташкил қилган.

Аҳоли этник таркибининг ранг-баранглиги минтақага хос локал этномаданиятнинг шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилган. Қолаверса Шўрчи ҳудудида хос этнолокал хусусиятлар турли этник ва этнографик гуруҳларнинг номлари - этнонимларда, маҳаллий аҳолининг қариндош- уруғчилик анъаналари, лаҳжалари, турмуш тарзи, хўжалиги ва урф-одатлари билан боғлиқ халқона қарашлар, афсона ва ривоятларда ёрқин намоён бўлган.

## МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАР

Шўрчи ҳудудида ўзбек ва тожиклар таомларида асосан донли ҳамда сабзавотли таомлар кенг ўрин олган бўлса, чорвачилик билан шуғулланган дўрмонлар, юзлар, қатағонлар эса қатиқ-сут, ёғ ва гўштни кўпроқ истеъмол қилишган. Ҳудудида дон ва донли маҳсулотлардан таом тайёрлаш муҳим аҳамият касб этган. Ярим ўтроқ чорвадор аҳоли ун ва ёрмаларни ёрғучоқларда тортган бўлсалар, ўтроқ аҳоли эса сув ҳамда ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган тегирмонларда тортганлар.

Деҳқончилик маҳсулотларидан таомлар тайёрлаш кенг ривожланган бўлиб, тадқиқ этилаётган даврда ўсимликлардан тайёрланадиган таомлар

хилма-хиллиги билан ўзига хос ўринга эга бўлган. Чунончи, XX аср бошларида воҳада арпа ун, жўхори ун, буғдой ун, маккажўхори унларидан турли хилдаги таомлар ҳамда нонлар тайёрланган.

Марказий Осиёнинг бошқа халқлари қатори Шўрчи ҳудудида ноннинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, «оби нон» «жиззали нон», «сутли нон», «патир нон», «қозон патир», «ёғли нон», «лочира нон» каби турлари машҳур бўлган. Шунингдек, воҳада жўхори унидан «зоғора нон», арпа унидан «арпа нон», тариқ унидан «тариқ нон», «тариқ зоғора», ҳамда камбағал оилалар эса қурғоқчилик келган йилларда кепакдан «кепак нон» истеъмол қилишган.

Шўрчи ҳудудида тандирлар «ер тандир» ҳамда «девор тандир» сингари турлари ўрнатилишига қараб бир-биридан фарқланган. Масалан, «ер тандир»лар турк, қарлуқ, қатағон, барлос каби этник гуруҳларда бўлса, «девор тандир»лар эса ўтроқ аҳоли бўлган чиғатой, хўжаларда учрайди. Нон ёпишда тандир яхши қиздирилиб, енглик кийиб, рапида ёрдамида ёпилади. Азалий тумуш тарзи чорвачилик бўлган юз, дўрмон ва қўнғиротларнинг нон пиширишда «това тошлар»дан фойдаланганликлари кузатилади. Нонни хамиртуруш (ачитқи)дан хамирнинг тобига келишига қараб, юзлар, дўрмонлар, қўнғиротлар «кўпиртирма нон», қатағонлар, турклар, ўшорилар, кетарилар «келдирма нон», Шўрчи тожиклари эса «нони расида» деб атаганлар.

Шўрчи ҳудудида нон ва ноннинг асосий масаллиғидан бири бўлган хамиртуруш билан боғлиқ ўзига хос қатор иримлар бўлган. Масалан, қишлоқда бир киши вафот этган кун хамир қилинган хонадон қишлоқда ўлим яна давом этмасин деб, ирим қилиб супрасига хамиртуруш қолдирмаган. Шунингдек, шанба куни хамиртуруш сўраб келган кишига берилмаган. Икки «чиллали хонадон» бир-бирига чилласи тушади деб хамиртуруш бермаган.

Жиззали нон ҳам оби нон сингари воҳада кенг тарқалган бўлиб, оби нондан фарқи шундаки, хамир қорилаётганда жизза аралаштирилиб қорилган ва оби нон сингари пиширилган. Ўзбек-чиғатойларда сутли нон қилишда сув ўрнида сут ишлатилган. Бу хилдаги нонлар узоқ сафарга чиққан кишиларга

атайин кўпроқ пишириб берилган. Чунки қуёшда қотирилган сутли нон сувда тез юмшаган ҳамда ўзига хос тарзда мазали бўлган.

Патир нон хамирга ишлов бериш, унга қўшиладиган масаллиқлар ҳамда пишириш усулига қараб сариёғли патир, жиззали патир, қаймоқли патир, пиёзли патир, шўрва патир, чалма патир каби хилларга бўлинади. Патир нон юпқалиги ҳамда хамиртурушсиз (кўпчимаган)лиги билан ажралиб туради. Шунингдек, патир нонлар юзи тўлиқ нонпар билан уриб чиқилади. Патир нонлар тўй-ҳашамлар ва меҳмонлар учун махсус пиширилган.

Воҳанинг чорвадор аҳолиси ҳисобланган юз, дўрмон ва қўнғиротларда дашт ва тоғларда мол боқиб юрган кезларда тандир қуришнинг имкони бўлмайди, шу боисдан  улар «кўмма нон» ҳам истеъмол қилганлар. Кўмма нон ҳам патир нон каби хамиртуруш қўшилмасдан тайёрланади. Лекин уни раслашда бироз узунчоқроқ ва қалинроқ ҳолга келтирилади.  Кўмма нонни воҳа тожиклари «нони кўмоч» деб атаганлар. Ўзбек қипчоқларида ҳам кўмма нон кўплаб истеъмол қилинган.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки  нон, кулча ва патирлардан ташқари қатламалар ҳам тайёрланган. Қатлама тўй ва меҳмон дастурхони учун қадимдан тайёрланган бўлиб, уни тайёрлашда хамир сут ёки сувда қорилиб зувала қилинади. Сўнгра хамир ўқлов ёрдамида юпқа қилиб ёйилади. Ёйманинг юзига ёғ (сариёғ, эритилган қўй ёғи ёки қаймоқ) суртиб бироз вақт ўраб қўйилади. Сўнгра қатлама хамирини нон катталигида ясаб, ёғда пиширилади. Шўрчидаги қўнғирот, юз уруғларида, қолаверса, деярли барча ҳудудларда фотиҳа тўйида куёв томони 30 тадан 60 тагача қатлама пишириб юборган. Шўрчида яшовчи ўзбекларда  никоҳ тўйи ва бошқа тўйлар қатламасиз ўтказилмаган. Шунингдек, тўйдан 3 кун олдин тўй қатламасини пишириш учун «қатлама пишди» маросими ўтказилган. Қатлама пишириш учун тўй эгасининг яқин қариндош-уруғ ҳамда қўни-қўшнилари таклиф этилганлар.

Шўрчи қишлоқларида хамирли тоамлар орасида «ғилминди» машҳур бўлган. Бу таом буғдой унидан юпқа сингари тайёрланган. Фақат, ёғланмаган

қиздирилган қуруқ қозонда қотириб олинган. Иккинчи қозонда эса ун билан сув яхшилаб аралаштирилиб қайнатилган, сўнгра сут солиб атала тайёрланган. Бу жараёнда қозон тагига олмаслиги учун қўзғаб турилган. Қотириб олинган юпқаларга озгина миқдорда атала суртиб, тўртбурчак шаклида тугиб, қиздирилган ёғда пиширилган.

Шўрчи ҳудудида буғдой унидан «умоч ош» ва «умоч палов» деб номланган таом пиширилган. Умоч ошнинг қатиқли умоч, сутли умоч каби турлари мавжуд. Умоч ош Ўзбекистон ва қолаверса, Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Таомни тайёрлашда эланган ун каттароқ идишга солиниб, унга оз-оздан шўр сув сепиб, буғдой донларидек бўлгунга қадар идишда қўл билан ишқаланади. Сўнгра улар элаб унидан ажратиб олиниб, қайнаб турган сувга солиб, яна қайнатилади. Қатиқ куйиб кетмаслиги учун, бироз совутилгач, кейин солиниб, аралаштирилиб истеъмол қилинади. Сутли умоч ош эса, сутга қайнатилади ва пишгач табга кўра туз солинади. Агар таом пишмасдан туз солинса, сут «йириб» кетади.

Халқона қарашларга кўра, бибисешанба ошини тайёрлаш учун етти хонадондан бир сиқимдан ун олиниб, камига маросим ўтказаётган хонадон қўшади. Ривоят қилишларича, қадимда бой хонадон соҳибаси етти хонадондан ун олиб келиб Бибисешанби учун ош тайёрлаётганда хонадон соҳиби келиб, биз бой бўла туриб бировлардан ун олиб ош қилаяпсанми деб, ош пишаётган қозонни ўчоқдан тепиб тушириб юборган. Шу сабабдан бибисешанбининг ошини эркаклар тановул қилиши мумкин эмас экан.

Умоч палов пиширишда аввал тайёрланган умоч хамир ёғда яхшилаб қовуриб олинган. Шундан кейин зирвак тайёрланади, яъни гўшт ёғда яхши қовурилгач, пиёз сап-сариқ рангга киргунча пиширилади. Сўнгра тўғралган сабзи солиниб, жигар ранг бўлгунча қовурилади. Кейин сув солиб, паст оловда қайнатилади. Туз ва зираворлар ҳам сув қайнагандан сўнг солинади. Умоч палов мазали бўлиши учун зирвак узоқроқ қайнатилади. Қовуриб олинган умоч зирвак юзига бир қатлам қилиб солиниб, кейин устига меъёрига қараб сув қуйилади. Умоч паловга икки марта туз солинади.

Зирвагига ҳамда қовурма умоч суви қайнаган вақтида тузи меъёрида солинади. Қовурма умоч сувини тортгач, уни қозоннинг ўртасига тўплаб, бир оз буғлангач, дамга қўйилади ва ўчоқдан чўғ тортиб олинади. Дамлаш жараёни умочнинг миқдорига қараб амалга оширилади.

Шўрчи ҳудудида буғдой унидан «кесган ош» ва «кесган палов» таоми ҳам тайёрланган. Кесган ошни воҳа аҳолисининг тожиклари «оши угро», Шўрчидаги юз, турк каби ўзбек уруғлари «шулла» деб атаганлар. Таомни тайёрлашда юпқа қилиб ёйилган хамир маҳорат билан ингичка қилиб кесилган. Қозонга эса сув, пиёз, ловия (ёки мош, нўхат) солиб қайнатилган. Қайнаб турган қозонга кесилган хамирлар секинлик билан солиниб, маълум вақт яна тўхтамасдан қайнатилган. Таом пишгач, бироз дам берилиб, кейин қатиқ билан ейилади. Кесган ошни ингичка қилиб кесган Юқори Зарафшон тожиклари бу таомни «оши тўппа» деб атаганлар. Кесган палов таоми эса, кесиб тайёрланган хамир қиздирилган қуруқ қозонда қотириб олинади. Сўнгра умоч палов таоми сингари пиширилади. Лекин умоч ўрнига қотириб олинган кесган ишлатилган.

Шўрчи ҳудудидаги деярли барча этносларда буғдой унидан атала пиширилган. Аталанинг ёғли атала, қаймоқли атала, сутли атала каби турлари мавжуд бўлган. Қаймоқли аталани тайёрлаш учун қозонга қаймоқ билан ун қўшиб қизартириб яхшилаб қовурилади ҳамда меъёрига қараб сув солиб қайнатилади. Сутли аталада ун сувга яхшилаб аралаштирилиб, кейин қайнатилади. Сўнгра сут солиб, қайнаши тўхтатмасдан давом эттирилади. Оловдан туширишдан олдин туз солинади. Агар сутли атала пишмаган вақтда туз солинса, сут йириб кетади. Ёғли атала кўпинча сариёғ, қуйруқ (думба) ёғдан тайёрланган. Шўрчи ҳудудида бу аталани қовурма атала ҳам деб аташган. Ёғли аталани тайёрлашда ун ёғда қизартириб қовурилган. Ун куйиб кетмаслиги учун маҳорат билан тез-тез аралаштирилиб турилган. Ёғли атала парҳез таомлар сирасига кириб, кўзи ёриган аёллар учун кўпроқ тайёрланган. Бунда ёғли атала тайёр бўлиш жараёнида унга ширинлик – новвот ёки қанд солиб пиширилган.

Ўстириш жараёнида ҳар куни уч мартадан сув сепилган. Буғдой оппоқ ниш уриб кўкариши билан ўғирча ёки келида янчилиб шираси олинган. Шўрчи ҳудудида шира беш ёки етти марта сиқиб олинган. Сумалакни пиширишдан олдин биринчи шарбатдан озгинасига хамир қорилиб, туз солмасдан тўққизта ёки ўн бирта чўзма (воҳада қўнғирот ва юз уруғларида «сўзма» деб аталади) қилиниб, ис чиқарилган. Сумалак пиширишда бу маросимлар бошқа вилоятларда ҳам ўтказилган. Шўрчида сузма пиширилган ёғда пахта пилик ёғланиб, сумалак пиширилаётган қозоннинг бир қулоғига ёғланган пахта пилик, қолган уч қулоғига исириқ қўйилган. Ёғланган пахта пилик ёқилиб, Биби Фотиманинг руҳи-покларига дуои-фотиҳа қилишиб, сумалак пиширишни бошлаганлар. Шунингдек, ўзига тўқ хонадонлар қўй, ўрта ҳол хонадонлар хўроз сўйиб қон чиқарганлар.

Албатта, сумалакни пишириш учун махсус ер ўчоқлар қазилган. Сумалак пишириладиган жойга таҳорат олмай бориш мумкин бўлмаган. Сумалак пиширишга ёрдамга келган аёллар «сумалак толли (тотли) бўлсин» деганлар, сумалак пишираётган хонадон соҳибаси «еганга маълум бўлсин» деб жавоб қайтарган. Ёрдамга келган аёллар сумалакни уч марта тавоф қилиб, қозондаги сумалакни кавлаганда «бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» деб бошлаб, яхши ниятлар, тилаклар тилаган. Сумалак қозоннинг тагига олмаслиги учун ёнғоқ, воҳанинг айрим туманларида эса тош ҳам солинган. Кун ботиш олдидан қозон тагига олов ёқиб, то эртаси қуёш чиққунча тўхтовсиз олови ўчирилмасдан ёқилиб, қозон ковлаб чиқилган. Сумалакни кўпни кўрган, намозхон, кайвони аёл сузган.

Шўрчи ҳудудида гуручдан тайёрланадиган таомлар орасида палов кўп тарқалган. Палов тўй-томоша, маъракаларда, меҳмондорчиликда, қолаверса хонадонларда якшанба, жума оқшоми деб пайшанба куни кечки пайтда тайёрланган. Маҳаллий аҳоли истеъмол қилган палов масаллиғи деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлардан тайёрлашга ҳаракат қилинган. Палов тайёрлашда гуруч, ёғ (зиғир, кунжут ёғи), пиёз ҳамда сабзи ишлатилган. Шунингдек, кўпинча қўй гўшти, қуйруқ ёғи, пўстдумба,

воҳанинг айрим ҳудудларида гўшт ўрнига тухум, сабзавотлардан эса шолғомдан фойдаланганлар.

Паловни тайёрлаш жараёни зирвак тайёрлашдан бошланади, яъни гўшт ёғда яхши қовурилгач пиёз сап-сариқ рангга киргунча пиширилади. Сўнгра тўғралган сабзи солиниб, жигарранг бўлгунча қовурилади ҳамда сув солиб паст оловда қайнатилади. Сув солингандан сўнг туз ва зираворлар ташланади. Ювилган, суви кетказилган гуручни зирвак юзига бир қатлам қилиб солиниб, кейин устига меъёрига қараб сув солинади. Паловга икки марта туз ташланади. Зирвагига ҳамда гуруч суви қайнаган вақтда тузи кўрилади. Гуруч сувини тортгач, гуручни қозоннинг ўртасига гумбаз қилиб тўплаб, бир неча ерига қошиқ суқилиб, бироз буғлангач, ош дамга қўйилади ва ўчоқдаги олов-чўғ тортиб олинади. Дамлаш жараёни гуручнинг миқдори ва сифатига қараб амалга оширилади. Воҳанинг чорвадор аҳолиси (юз, дўрмон ва бошқалар) паловни кўпроқ қўйнинг думба ёғи ва гўшти билан тайёрлашса, деҳқончилик билан машғул аҳоли эса шолғом, саримсоқ каби маҳсулотлардан кўпроқ фойдаланганлар.

Шўрчи ҳудуди аҳолисининг гуручли таомларидан бири ширгуруч ҳисобланган. Воҳанинг тожик аҳолиси буни «ширбиринч» деб аташган. Ширгуруч воҳада «Биби Фотима онамизнинг оши» деб, маросим таомлар қаторига киритилган. Шунингдек, воҳада 63 ёшга кириб пайғамбар ёшига етган кишилар пайғамбар ёши тўйида табаррук таом деб ширгуруч билан меҳмонларни сийлаганлар. Ширгуруч тайёрлашда тозаланган гуруч ювилиб, кўп миқдордаги тузли сувда ярим тайёр ҳолатга келгунча қайнатиб, суви тўкилади. Ярим тайёр ҳолатга келган гуруч сув аралаштирилган қайнаб турган сутга солинади. У тўла пишгунча қўзғаб турилади. Ширгуруч тайёр бўлганда, тавоқларга сузилади ва устига озгина сариёғ солиниб, истеъмол қилинган.

Гуручли таомлардан яна бири шулла(шовла)дир. Шулла ҳам ўзбекларнинг, қолаверса Шўрчи ҳудуди аҳолисининг энг қадимий ва

севимли таомларидан бири ҳисобланиб, шулла тайёрлашда шолғом ва қовоқлардан фойдаланганлар. Шулла палов пиширишда ишлатиладиган маҳсулотлар асосида тайёрланиб, фақат у паловга қараганда суюқ ҳолда бўлган. Айрим ҳолларда маҳаллий халқ орасидаги тасаввурларга кўра, воҳада имонни мустаҳкам қилади деб, шуллага қовоқ кўпроқ қўшилган. Мазкур таомни воҳада қатағонлар «шулла», юз ва дўрмонлар эса «жалама» деб аташади.

Шўрчи ҳудуди аҳолиси миллий таомлари рационида гўшт ва гўштли маҳсулотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, чорвадор ярим ўтроқ аҳоли анъанавий равишда гўштли таомларни кўпроқ истеъмол қилганлар. Гўштли таомлар асосан қўй гўштидан тайёрланган. Эътиборга сазовор томони шундаки, республиканинг бошқа минтақаларидан фарқли тарзда Шўрчи ҳудудида яшовчи ўзбек уруғлари сигир гўштини «совуқлик» деб деярли истеъмол қилмаган. Чунки, маҳаллий аҳоли тасаввурида сигир гўшти «совуқлик» бўлиб, агар сигир гўшти истеъмол қилинса, инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат «совийди» деган тасаввур бўлган. Одатда ҳайвон сўйиш, гўштини майдалаш билан махсус кишилар –қассоблар шуғулланган. Қассоблик ўзига хос касб бўлиб, ушбу касбни қилиш учун кишининг аждодлари қассоб бўлиши ёки бирор кекса қассобдан қўл олиши шарт бўлган. Акс ҳолда у кишининг соғлиғига зарар етиши мумкин бўлган. Бухорода эса қассоблик касби кўпинча авлоддан-авлодга ўтган.

Шўрчи ҳудудида гўштни сақлашда қовурдоқ усули кенг тарқалган бўлиб, қўй гўшти асосан қуйруқ (думба) ёғида қовурилган. Албатта, қовуришдан олдин гўшт тузланган ҳамда керакли миқдорда зираворлар сепилган. Қовурма қўй қорнидан тайёрланган махсус идиш, теридан махсус тикилган саноч ёки сопол хумларда сақланган.

Шўрчи тумани ўзбекларида сўйилган қўй ёки эчки гўшти тўрт бўлакка бўлиниб тузланган, кейин сурпга ёки бўзга ўралган. Гўшт бузилмаслиги учун, гўшт ўралган мато кунига бир марта тузли сув билан ҳўлланган. Бу усулда сақланган гўшт бир ҳафтагача ўз ҳолатини сақлаган. Шунингдек,

гўштни ерга кўмилган кўза ёки хумларда сақлаш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, бунда гўшт туйри-туйри қилиб тўғралиб тузланади. Бу усулдан баҳор ва куз фаслларида фойдаланилган бўлиб, гўшт 5-7 кунгача бузилмаган.

Шўрчи ҳудудида гўштли таомлардан шўрва суюқ овқат сифатида пиширилиб, уни тайёрлаш усулига қараб, «қовурма шўрва» ҳамда «қайнатма шўрва»га ажратишган. Қайнатма шўрва гўшти катта-катта бўлаклигича совуқ сувга солиниб, суст оловда пиширилган. Қайнатма шўрвага асосан пиёз, сабзи, шолғом ишлатилган. Бу шўрвани тайёрлашда масаллиқлар хомлигича сувга солиниб қайнатилгани учун воҳа тожик аҳолиси «хом шўрбо» деб атаганлар.

Қовурма шўрвани тайёрлашда таомга ишлатиладиган ҳамма масаллиқлар қовурилган ва сувда милдиратиб қайнатилган. Таомни тайёрлашда ишлатилган масаллиқлар дастлаб ҳаммаси қовурилгани учун қовурма шўрва деб аталган.

Гўштли шўрва тайёрлашда воҳада шолғом, кади (қовоқ), ловия ва бошқа хилдаги сабзавотлар ишлатилган. Бу эса таомнинг «ловия шўрва», «кади (қовоқ) шўрва» каби номлар билан аталишига сабаб бўлган.

Шўрчи ҳудудида қўй ва эчки гўштидан тандир кабоб (тандир гўшт) пиширилган. Тоғли ҳудуд аҳолиси мазкур таомни кийик гўштидан ҳам тайёрлаган. Тандир кабоб Самарқанд, Жиззах, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятларида кўпроқ пиширилган. Тандир кабоб энг қадимий таомлардан биридир.

Шўрчи ҳудудининг Хўжаипокдарё, Сурхондарё каби дарёларидан балиқ овланган. Балиқни лукмани ҳалол қилади «лукмаи ҳалол», деб ҳеч бўлмаганда бир йилда бир маротаба истеъмол қилиш савоб дейилган. Шунингдек, балиқнинг Оллоҳ томонидан бўғизланганлиги, ҳалол қилинганлиги тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Чиллали аёлларнинг балиқ гўшти истеъмол қилиши ирим саналган. Воҳада гўшти парҳез таом сифатида товуқ гўштидан кенг фойдаланилган, чунки ундан тайёрланган шўрва «дармон шўрва» деб аталган.

Шўрчи ҳудуди аҳолиси донли ва гўштли таомлар билан бирга сутли таомларни ҳам кенг истеъмол қилган. Аҳоли қўй, эчки, сигир, қолаверса, от ва туя сутларидан турли хилдаги таом ва ичимликлар тайёрлаганлар. Сигир асосан сути учун парвариш қилиниб, сутидан турли хилдаги таомлар ва ичимликлар қилинган. Шўрчи ҳудудида сигирларни боқиш ва уларни соғиш билан боғлиқ кўплаб ирим-сиримлар борки, бу ота-боболардан то бугунги кунларгача сақланиб қолмоқда.

Сигир сутидан турли хилдаги таомлар тайёрланган. Хусусан, сутдан қаймоқ олинган, қатиқ ивитилган, чакки, сариёғ олинган, ширчой, қурут қилинган, ширгуруч ва бошқа кўпгина таомлар тайёрланган. Сигир, қўй, эчки болалаганидан кейин уч - тўрт кун мобайнида сариғи аримаган сут («оғиз сути», «увуз») соғиб олинади. Бу сутдан биринчи куни соғиб олинганда «қағаноқ» тайёрланган. Қағаноқни Шўрчидаги айрим қишлоқ аҳолиси «оғиз», «увуз», воҳа тожик аҳолиси эса «қақаноқ» деб атаганлар. Таом тайёрлашда аввал қозон ёғланган, сариғи аримаган сутга озроқ сут қўшиб паст оловда ёки тандир, ўчоқ чўғига қўйиб, секин қайнатилган. Сут қуюқлашиб қотган, сўнгра таом пичоқ билан кесилиб бўлакка бўлинган. Албатта, бу таомдан энг яқин кишиларгагина янгилик сифатида улашилган. Чунки, у тансиқ таом ҳисобланган.

Иккинчи, учинчи кунлари соғиб олинган оғиз сутидан воҳада «келагай» таоми пиширилган. Келагайни пиширишда қозон сут тагига олмаслиги учун ёғланган. Оғиз сути билан бошқа сигирнинг сути кам миқдорда солиниб бироз қайнатилгач қуюқлашган. Пиширишда ўчоқдан қозон туширилгандан кейин ҳам сут шопирилган. Акс ҳолда шопирилмаса келагай ҳолати ўзгариб, бузилади.

Ўзбек-юзларда сутдан хом ва пишган қаймоқ олинган. Албатта, сигир соғилгандан кейин махсус сузгичда сузилган. Сўнгра идишга солиниб, бир кеча давомида турган, эрталаб сузиб олинган. Эрталабки нонуштада истеъмол қилинган ёки тўплаб қозонда куйдириб, ёғ қилиб олинган. Пишган қаймоқни олишда, сут оловда пиширилган ва маълум вақт сақланган. Сут

бетидан олинган пишган қаймоқ тановул қилинган ёки йиғиб қозонда куйдириб ёғ олинган.

Хом ва пишган қаймоқдан «буламиқ» таоми пиширилган. Бу таом айрим қишлоқларда «ҳолвайтар» деб аталган. Шунингдек, хом ва пишган қаймоқлар қозонда куйдириб «дўрда» қилиб олинган ва бу кўпинча қовурма шўрва ҳамда атала каби таомларга қўшиб ишлатилган.

Шўрчи ҳудуди аҳолисининг деҳқончилик билан шуғулланган ҳудудларида узум, олма, жийда, зардоли (ўрик), анор, гилос, ёнғоқ, бодом, писта, тут, беҳи, қароли (олхўри), шафтоли каби турли хилдаги мевалар ҳамда тарвуз, қовун, сабзи, қанд лавлаги каби полиз маҳсулотлари лалми ҳамда суғорма деҳқончилик усулида етиштирилган. Сурхон воҳасининг зардоли ва қовунлари ширинлиги билан Бухоро амирлигида ажралиб турган.

## Миллий урф-одатлардан анъанавий тўй маросимлари

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва осойишталикка эришилади. Бинобарин, маҳалла мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Этнограф олим А. Қурбоновнинг тадқиқотларида Шўрчи ҳудудида анъанавий тўйларни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор урф-одатлар ва маросимлар бўлиб, улар фарзанд туғилиши тўйи, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, пайғамбар ёши тўйи кабилардир.

Оилада болалик даври билан боғлиқ тўй ва маросимлар турли кўринишда, ўзига хос урф-одатлар билан ўтказилган. Шўрчи ҳудудида аҳолисининг оилавий маросимларидан бири фарзанд туғилиши тўйидир. Ўзбек халқи қадимдан болажон халқдир. Шу боисдан «ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа», «Болали уй бозор, боласиз уй мозор», «Ит бўл, қуш бўл, кўп бўл» деган нақллар халқ орасида тўқилган. Чунки болажон ўзбек халқи серфарзанд бўлишни оила барқарорлигининг гарови деб билган.

Шўрчи ҳудудида фарзанд туғилганда ўтказиладиган «ақиқа» маросими ҳам ўзига хос бўлган. Ақиқа бу мусулмон киши фарзанд кўрганда ўтказиладиган маросимлардан биридир. Ақиқа тўйига воҳада имкониятига қараб агар ўғил фарзанд кўрган бўлса иккита қўй, қиз фарзанд кўрган бўлса битта қўй сўйиб зиёфат берилган.

Чақалоқ туғилгандан кейин агар ўғил бўлса 9, 10 ёки 11 кун ўтгандан сўнг бешикка беланган (солинган) ҳамда орадан 21 кун, асосан 40 кун, яъни чилладан кейин бешик тўйи қилиб берилган. Тўнғич фарзанд қиз бола бўлса, бу оиланинг етти пушти маъмур бўлади деб 7 кундан кейин бешик тўйи ўтказилган. Бу бола туғилгандан кейин ўтказиладиган муҳим тантаналардан биридир. Бешик тўйи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, оиланинг иқтисодий бақувватлигига ҳам боғлиқ бўлган. Ҳар бир оила ўзининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб қўй, эчки сўйиб қўни-қўшни, қариндош-уруғ, қолаверса, дўст -- биродарларни чақириб тўй қилиб берган.

Оёқ тўйи бола атак-чечак қилиб юра бошлаган вақтда ўтказилган. Бу удумни Шўрчи ҳудудида «тушов кесди» деб ҳам аташган. Боланинг биринчи марта мустақил юра бошлаши оилада катта шоду хуррамлик билан кутиб олинган. Албатта, бу оиланинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлган. Ота-она, яқин қариндош-уруғ, дўст-биродарлар ушбу қувончни тантанали тарзда ўтказишган. Тўй қилиш учун махсус тайёргарлик кўрилиб, сўнгра тўй куни белгиланган. Тўй бўлаётган вақтда «той-той» болага янги кийимлар кийдирилади ва пахтадан ингичка ип («тушов») қилиниб, боланинг оёқлари ҳаракатланишига халақит қилмайдиган ҳолатда боғланади. Бола аста-секин той-той қилаётганда, икки оёғи орасидаги ип «тушов кесилди, тушов кесилди» деб қайчи билан ували-жували, кекса киши томонидан кесилган ва меҳмонлар олдида юрдирилган. Боланинг устидан пул, танга, ҳар хил турдаги ширинликлардан «сачала», яъни «сочқи» сочилган. Сочқини болалар, қолаверса, бизнинг ҳам шундай фарзандларимиз бўлсин деб, ният қилиб янги турмуш қурган келин-куёвлар териб олишган. Оёқ тўйи деб

аталган бу маросим республиканинг бошқа вилоятларида ҳам у ёки бу тарзда ўтказиб келинган.

Суннат (хатна) тўй Ўзбекистонда кенг тарқалган тўйлардан бири бўлиб, Шўрчи ҳудудидаги Ободон, Тўла қишлоқларида суннат тўй, Бодиҳаво, Чинор қишлоқларида хатна тўй деб аталган. Бунда мусулмон киши фарзанди тоқ ёшга, яъни 3,5,7 ёшга тўлганда айрим ҳолларда эса 9,11 ёшга тўлганда суннат тўйини ўтказганлар. Шуни эътироф этиш керакки, суннат қилинмаган болани қўлидан «қўли ҳалолланмаган» деб ҳаттоки сув ҳам ичмаганлар.

Шўрчи ҳудудида суннат тўйлари ҳам ўзига хос тарзда ўтказилиб келинган. Суннат тўйининг бошланишидан охиригача бир қатор маросимлар мавжуд бўлиб, хусусан, уларга «маслаҳат оши», «тандир қурар», «нон пишириш», «мол сўйиш», «нон еди», «хатми қуръон тушириш», «катта тўй», «суннат қилдириш» кабилар киради.

Шўрчи ҳудудида суннат тўй қиладиган хонадон аввал йиллар давомида яхши ният қилиб, керакли озиқ-овқат, совға-саломлар, кийим-кечак, қолаверса, узоқдан келган меҳмонларнинг улови учун бир тоннадан ортиқ арпа ҳамда хашакларни тайёрлайди. Суннат тўй бир хонадоннинг топган-тутганига қилинса-да, уни ўтказиш маҳалла ёки жамоанинг иши ҳисобланган. Шунинг учун суннат тўй маслаҳат оши билан бошланиб, асосий маслаҳатчилар яқин қариндошлар, оқсоқоллар бўлиб, маслаҳатда суннат тўй давомида қилиниши лозим бўлган ишлар олдиндан режалаштириб олинган. Маслаҳатда тўйга келадиган меҳмонлар, хусусан, чавандоз ва полвонлар учун «қўшхона», яъни «қўноқхона» тайинланади. Қўшхона (қўноқхона) асосан тўй эгасининг ҳамсоялари, яъни ён қўшнилари ва яқин қариндошларининг хонадонлари бўлиб, қўноқ-меҳмонлар учун керакли озиқ-овқат, от-уловларининг ем-хашаклари тўйхонадан келтирилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Шўрчи ҳудуди қишлоқларида тўйдан олдин «ўтин йиғар» маросими ўтказилиб, йигитлар гуруҳларга бўлиниб, тоғдан ўтин йиғиб келишган. Кўп ўтин олиб келган гуруҳга махсус зот (соврин) берилган. Шунингдек, давра баковули ҳар хил хизматлар учун

тўй эгасининг яқин дўстлари ва қариндошларини тайинлаган. Тўй яхши ўтсин, ўтиб кетган ота-боболарнинг руҳи мададкор бўлсин, қўлласин деган ниятда тўйдан олдин ота-боболар руҳи шод бўлсин деб «хатми қуръон» туширилган. Шунингдек, ҳар қандай мушкуллари осон бўлсин деган мақсадда «Биби мушкул» маросими ўтказилган. Суннат тўйда атрофдаги қишлоқ ва овулларга махсус жарчи юборишган. Шўрчи ҳудудининг қишлоқларида қўрғондан кекса киши чиқиб, фалончининг тўйига боринглар деб айтган.

Ўзбекларда «тўйга тўёна билан» деган нақл бор. Бу таомил асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган удумлардан ҳисобланади. Тўёна беришнинг сабаби, тўй қилган киши элга ош бериб, катта харажат қилади. Тўёна эса тўйчининг ёр-биродарлари томонидан моддий қўллаб-қувватланишидир. Тўёна сифатида меҳмонлар имкониятига қараб пул, қўй, эчки, ҳўкиз, от ва туя кабиларни қўшган. Шўрчи ҳудудида тўёна «совун» деб номланган.

Шўрчи ҳудудида суннат тўйларида тўй эгасининг имконият даражасидан келиб чиқиб олиш (кураш) ва кўпкари берилган ва пул, тўн, оёқ кийимлар, эчки, қўй, ҳўкиз, от, туя каби совун-зотлар қўйилган. Тўй бола безатилган отга миндирилади. Тўй эгасининг яқин қариндошлари эса уйларининг устига чиқиб сочқиларни тўй боланинг устидан сочадилар. Ўйин – кулги қилинади ва қариялар «Ҳайёр» қўшиғини, аёллар эса «Лой-ло-ло» қўшиғини айтадилар.

Шунингдек, кечқурун гулхан атрофида катта давра қилиниб, ўйин – кулгу давом эттирилган. Шўрчининг Тўла, Ободон, Шалдироқ, Бахштепа каби қишлоқларида бахшилар томонидан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Бева Барчин ёхуд Барчин бека», «Авазнинг туғилиши», «Малла савдогар», «Кунтуғмиш», «Нурали», «Ҳасанхон», «Олтин қовоқ», «Аваз ва Ойзайнаб», «Ойпарча», «Авазхон», «Зандигор» каби кўплаб достонлар куйланган. Хуфар, Тамархут каби қишлоқларда ҳам шундай базмлар ўтказилиб, уни «чавки» деб атаганлар ҳамда «Аспак бози» («От ўйини»), «Лайлак бози»

(«Лайлак ўйини»), «Чол-кампир» каби ўйинлар ижро этилган. Даврага чиқиб ўз санъатини намойиш қилганларга тўйчи томонидан турли хилдаги сарполар берилган. Тўйга келган болалар «дўл», «чиллик», «арғимчоқ», «тиқмоқ», «ошиқ», «ганош», «кўчмоқ», «оқ суяк», «ғирбайди», «боболтака», «чиркаш», «бекинмачоқ», «қувлашмачоқ», «зим-зиё» каби ўйинларни ўйнашган.

Тўйнинг якунловчи босқичи, тўйнинг охирги кунида бўлиб, қариндош-уруғлар, тўй давомида хизмат қилганлар, кекса оқсоқоллар иштирокида тўй болани суннат қилиш маросими амалга оширилган. Суннат қилинаётган вақтда тўй боланинг онаси жимжилоғининг бирини халтадаги унга, иккинчисини ёққа солиб турган. Бу ирим бола келажакда ризқли, насибали бўлсин деган маънода бажарилган.

Шўрчи ҳудудининг қишлоқларида кесиб олинган эт устанинг ихтиёрига ўтган. Тўй боланинг ота-онаси устани рози қилиб, ўша этни ундан «сотиб олиш»ган. Қарлуқ, Чеп қишлоқларида хатна қилиб олинган эт олиб қўйилиб бола тузалгунга қадар деворга илиб қўйилган. Чунки ўша эт қуриши билан бола тузалиб кетади, деб тушунилган. Шўрчи ҳудудининг Мўминқул, Мормин каби қишлоқларида суннат қилинаётган вақтда томга чиқиш ирим қилинган. Чунки туйнукдан инс-жинслар кириб, болага зарар етказади деб тушунилган. Суннат қилинган болага зиёнкашлар зиён-заҳмат етказмасин деб қирқ кун чилла сақланган ҳамда ёстиқнинг тагига пичоқ, нон, исириқ, пиёз қўйилган. Чилла даврида бола ёлғиз қўйилмаган ва ҳар қандай бегона одам унинг олдига киритилмаган. Суннат қилинган бола тузалиб, юриб кетгандан кейин, уни келажакда серфарзанд бўлсин деган ниятда суннат қилиб олиб ташлаган этни мевали дарахт тагига кўмишган.

Суннат маросими тугагач «супра қоқди» маросими ўтказилиб, тўйда хизмат қилганларга тўн, сарпо кийдирилган ҳамда шу ердаги ёши улуғ, давлатманд киши тўй қилган хонадонни ва тўй боланинг келажакда бадавлат, серфарзанд бўлишини, шу хонадонда ҳамиша тўйлар бўлишини Оллоҳдан тилаб дуо қилган. Шу билан суннат тўй ниҳоясига етган.

**Никоҳ тўй маросимлари.** Никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф-одатлар, никоҳ туйи даврида ўтказиладиган удумлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган расм-русумларга бўлиш мумкин.

Шўрчи ҳудудида никоҳнинг «бел қуда», «этак йиртиш» каби шакллари мавжуд бўлган. «Бел қуда» удумида қалин ошна оғайнилар хотинларининг ҳомиладорлик даврида дунёга келадиган бўлажак ўғил ва қизларини бир-бирига атаб қўйганлар. Дунёга келган бу фарзандлар ўсиб-улғайгач бир-бирлари билан турмуш қуришган. «Этак йиртиш» маросимида эса туғилган ўғил ва қиз ота-оналарининг келишуви, розилиги асосида чақалоқлик давридаёқ унаштириб қўйилган. Ўғил ва қизнинг чақалоқлик даврида бундай унаштирилиши Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлиб, «қулоқ тишлаш», «бешикдаги унаштириш», «бешик керти» деб номланган. Шўрчи ҳудудида никоҳнинг левират, сорорат шакллари билан бирга «қарши қуда», «куч куёв», «ич куёв», «вой-вой никоҳ» каби турлари ҳам мавжуд бўлган.

Левират ҳамда сорорат никоҳлар никоҳнинг энг қадимий шаклларидандир. Левират удумига кўра, вафот этган киши - марҳумнинг беваси (воҳанинг Шалдироқ, Ободон, Тўла каби қишлоқларида «жесир» деб аталган)га ака ёки бўйдоқ укаларидан бири уйланган. «Жесир» эга деб, марҳумнинг қариндошлари бевани бегона уруққа беришмаган. Агарда ака-укалардан бирортаси «жесир»(бева)га уйланмаса, қариндош - уруғлар тўпланишиб, «жер (ер)да қолса жиянники» (яъни жер (ер)да қолган жесир жиянники) деб, марҳумнинг жиянларидан бирига мажбурлаб бўлса-да уйлантиришган.

Сорорат одати ҳам воҳада тадқиқ этилаётган даврда мавжуд бўлиб, бунда хотини вафот этган эр марҳуманинг опаси ёки синглисига уйланган. Никоҳнинг левират ва сарорат каби шакллари кўпинча иқтисодий ва оилавий ҳаёт тақозоси туфайли ҳаётга жорий этиб келинган.

Шунингдек, Шўрчида ҳозирда ҳам «қарши қуда» удуми кенг сақланган. Бу удум бўйича икки хонадон ўзаро бир-бирларига қиз олиб, қиз беришган. «Қарши қуда»чилик удумида воҳанинг иқтисодий ночор оилалари ўзаро келишиб, аҳволи ва имкониятларини ҳисобга олиб келиннинг сеп-сарпосини қилганлар. «Куч куёв» удумида қалин бериб қизни олишга қурби етмаган уй-жойи йўқ, камбағал, етим йигитлар қайнотасининг уйида яшаб, қалин ҳақига ишлаб беришган. «Ич-куёв» удумида эса ўғил фарзанди йўқ хонадон қизини бераётганда куёвни қайнотасиникида яшашга таклиф қилади. Куёв томони рози бўлгандагина йигит қайнотасининг уйида «ич-куёв» бўлиб келиб яшайди.

Шўрчи ҳудудининг маиший турмушида қизларни мажбурлаб турмушга бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Бу «вой-вой никоҳ» удуми деб аталган. Бундай ҳолатларнинг айримларида қизлар мулла «ижоб» (никоҳ ўқилиши) қилиши учун «тан маҳрамлик»ка розилик беришмаган. Шундай вазиятда мулла қиздан розилик сўралаётганда орқа томондан қизнинг яқин бирор кишиси келиб билдирмасдан унинг биқинига қаттиқроқ бир туртади. Шу вақтда қиз «вой» деб юборганда қиз рози деб ижоб қилинган. Агар келин бўлмиш «ижоб»сиз ҳомиладор бўлиб қолганда, кейин «ижоб» пайтида куёвнинг орқасига эшак тўқими боғланиб қўйилган. Куёв эшак тўқимини қўйдирмаса, мулла томонидан «ижоб» ўқилмаган. Бу билан ёшларнинг исломий ҳамда ахлоқий қонун-қоидаларга риоя қилишлари талаб этилган ва шу тариқа қилган «гуноҳ»лари учун жамоа олдида изза қилинган.

Шўрчи ҳудудида йигитларни 15-17 ёшдан уйлантиришган, қизларни эса 9-11-13 ёшдан турмушга беришган. Этнографик дала тадқиқотлари жараёнида ёши кекса кишилардан нима сабабдан қизларни тўққиз ёшдан бошлаб турмушга бергансизлар, деб сўралганда, биринчидан, қизлар тўққиз ёшдан «гуноҳ» ёшига тўлади, иккинчидан эса ҳар бир ота-она ўзининг ор-номусини ўйлаб қизларини имконият даражасида эртароқ турмушга берганликларини таъкидладилар.

«Фотиҳа тўйи» маросими Шўрчи ҳудудининг қишлоқларида «нон синдириш», «нон ушатиш», Шалдироқ, Ободон қишлоқларида «ялоқ қизартар» маросими деб аталиб, бунда 4 та қатлама, 4 та патир, 4 кийимлик мато, 2 та бўйнига оқ рўмол боғланган қўй, мева-чевалар, ширинликлар, уларнинг ичида албатта кунжутли ҳолва бўлиши шарт бўлган. Жуфт нон бўлажак келиннинг тоғаси ёки албатта бир никоҳли турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган, ували-жували, оиласидан тинган, энг яқин қариндошлари томонидан синдирилган. Нон давра иштирокчиларига бўлиб берилган. Бу маросим икки ёшнинг эл олдида ўша кундан эътиборан унаштирилганлигининг ҳамда «фотиҳа хондаси» борлигининг нишонасидир. Маросимда қудалар ўртасида қалин бичилган. Шўрчи ҳудудида белгиланган қалин пули, мол, буюмлар асосида тўланган. Масалан, қалин таркибида 20 та қўй, 1 бош бузоқли сигир ёки унинг бозор нархидаги пули, 20 та тўн ва бошқа турли нарсалар келишиб олинган. Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам нон синдириш маросими мавжуд бўлган.

Шу ўринда Шўрчи ҳудудининг никоҳ ўқилгандан кейин келиннинг маҳри куёв тарафидан белгиланган. Куёв мулкдор бўлса, мулкининг ёки чорвасининг муайян қисми, қимматбаҳо тақинчоқ (олтин, кумуш) тарзида келиннинг (умр йўлдошининг) маҳрини белгилаган. Белгиланган маҳрни (мулкни) ҳар қандай иқтисодий қийин шароитда ҳам хотиннинг рухсатисиз бирор-бир эҳтиёж учун ишлатиш мумкин бўлмаган.

Бу маросимдан кейин «келин қочув», «куёв қочув» каби удумлар бажарилган, бунда қиз йигитнинг, йигит эса қизнинг яқин қариндошларига ҳурмат юзасидан кўринмасликка интилишган. Бу пайтдан бошлаб икки ёшнинг ота-оналари бир-бирларини «қуда», «қудағай» деб аташган. Ўтказилган бу маросимлар замирида рамзий маънода бир-бирларини эътироф этиб, қариндошлик ришталари боғланган деб билишган.

Этнограф олим А. Қурбоновнинг тадқиқотларига асосланиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, никоҳда айрим чеклашлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, дастлаб Шўрчи ҳудудининг тожиклар билан ўзбеклар, юзлар билан

қатағонлар каби уруғлари ўртасида бир-бирларига қиз олиб, қиз беришмаган. Шунингдек, баъзи тоифалар – эшонлар, хўжалар, саййидлар ўзларини «оқ суяк», бошқаларни «қорача»лар деб, уларга қиз бермаганлар. Чунки, ўзларини ижтимоий жиҳатдан юқорироқ мавқеда деб билган хўжалар, саййидларда эндогам никоҳ тури қатъийлашган. Бу билан улар, гўёки, ўзларининг «наслий софлиги»ни сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Аммо айрим ҳолларда ўғилларини “қорачалар”дан ҳам уйлантирганликларини кузатиш мумкин. Хўжалардаги бу никоҳ тартиблари XX асрнинг 50-йилларигача қатъий сақланган. Бу одат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжудлиги ҳақида айрим тарихий-этнографик адабиётларда тўхталиб ўтилган. Табиийки, ҳозирги даврда мазкур уруғлар орасида никоҳ муносабатларида бу чеклаш деярли ўз аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда.

Анъанага кўра, фотиҳа тўйига асосан қариндош-уруғлар ҳамда қўни-қўшнилар таклиф қилинган. Чунки, айнан фотиҳа тўйига қизини келган совчиларнинг бирига берганлигини намойиш этиш воситаси, тимсоли деб қараш мумкин. Тўй куни куёв томонидан келин хонадонига «тўққиз жўнатиш», яъни «тўққиз товоқ» – келинга ҳар бири тўққиз хил бўлган нарсалар юборилган. Келин хонадонига тўйи учун қалинда бичилган бир халта гуруч, бир халта оқ қанд ва ун, жовкади, 20 та қўйнинг 10 тасини, 20 та тўн, келинга бўғча ҳамда шарондозларни 8 та қуда ва 2 та қўй ҳайдар олиб боради. Олиб борилган тўндан 9 таси куёв томондан борган қудаларга ҳамда битта қўй ҳайдарга берилади, иккинчи қўй ҳайдарга эса куёв томонидан тўн берилган.

Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон куёв томонга «идиш қайтарар» удумини бажарган. Бунда 1 та қўйни сўйиб, 20 та патир пишириб, куёвга тўн ва бош-оёқ сарпо ҳамда куёвнинг яқин қариндошларига сарпо қилиб қайтарган. Бу удум воҳада «идиш қайтарди» деб номланган. Шундан кейин «қонжиға табоқ» удуми бажарилиб, бунда йигит томон келинга 8-10 сидра кийимлик мато, бир қўй сўйиб, қўйнинг учаси (сонини), тўшидан ҳамда ширинликлар, мева-чевалар олиб, куёвнинг ўзи ва яқинларидан бирор киши

билан бирга борган. Шундан кейин йигит ва қиз вақти-вақти билан яширинча учрашиб турган. Бу «қаллиққа бориш» деб ҳам аталган. Бу учрашувлар келиннинг онаси ёки янгаси томонидан уюштирилиб, кечаси қизнинг уйида ёки қўшнисиникида яширинча бўлиб ўтган.

Никоҳ тўйи маросими Шўрчи тумани Оқтумшуқ қишлоғида эса «катта ялоқ қизартирар тўйи», Хўжамулки қишлоғида «уй туширар тўй» ва ўзбек-лақайларда «овмин тўйи» деб номланган. Никоҳ тўйидан бир кун олдин кечқурун куёвникида «илиқ табоқ» маросими ташкил этилган. Бунда қишлоқ аҳолиси куёвникига чақирилиб ош берилади. Дастурхон ўртасига рўмол ташланади ва келган одамлар имкониятига қараб пул ташлашади. Аёллар эса рўмол ва кийимликлар беришган. Ана шу тўпланган кийимликлар эртаси куни келиннинг уйига юборилган.

Шўрчи ҳудуди ўзбекларида никоҳ тўйида фотиҳа тўйидан қолган 6 та қўй, 15-20 сидра кийимлик мато, бир халта гуруч, бир халта ун, бир халта оқ қанд, жовкади (ёғ солинган идиш), мева-чева олиб борилган. Куёв томонидан иккита совчи билан бирга иккита «қудағай» борган. Шу куни кечқурун куёв ва куёв жўралари ҳам келиннинг уйига ташриф буюришган. Куёв келинникига «қирқ табоқ» (40 табоқ) олиб келган. Куёв келин хонадонига кираётганида ҳурмат юзасидан юзига белбоғини чиммат қилиб тутиб олган. Остонага солинган пойандозни куёв босиб ўтгандан кейин куёв жўралар ҳам куёв бўлишни ният қилишиб, пойандозни бўлакларга бўлиб олишган.

Куёв келтирган «қирқ табоқ» берилиб, куёв ва куёв жўралар махсус тайёрланган хонага киритилган ҳамда «куёв юз очмади», «куёв ўтирмади», «таниш табоқ» каби удумлар ўтказилган. Шундан кейин ижоб қилишга рухсат этилган. Келин томондан битта вакил, куёв томондан битта вакил келин турган уйга киради. Шу ерда воҳа аҳолисига хос бўлган «келин топар», «келин танлаш» удуми бажарилади. Шўрчи ҳудуди қишлоқларида бу «келин танлаш» удуми дейилиб, ундан келин тарафдан танланган беш-олти қиз бир хил кийимда юзларини ёпиб энгашиб ўтиришади. Албатта, шу қизларнинг ичида келин ҳам бўлган. Куёв ана шу қизлар орасидан келинни топиб олиши

керак бўлган. Агар келин деб, адашиб бошқа қизни танласа, ўша қизни совға-саломлар бериб, рози қилиши шарт бўлган. Токи куёв келинни топгунча бу одат давом этаверган.

Шўрчи тумани Тўла, Ялти, Ободон қишлоқларида эса бу одат «келин топар» удуми дейилиб, бунда куёв эмас, балки келиннинг розилигини сўрашга куёв томондан келган вакилга аввал келинни топинг кейин вакил (розилик) сўрайсиз деб, катта рўмол ёпиниб, келин бўлиб ўтирган беш-олти қизларни кўрсатишган. Келинни топиш учун аввал келиннинг дугоналарига рўмол, матолар ва совғалар берилиб рози қилинади, сўнгра қизлар келинни кўрсатадилар. Шундан кейин, борган вакиллар келиннинг жуда яқинига бориб «никоҳи жуниб вакилини фалонча тоғамга бердим» деб айтишни буюради. Номи айтилган тоға «қиз ота» ҳисобланади. Тонгга яқин келиндан розилик жавоби олинган. Келиндан розилик жавобини олган вакиллар қизнинг уйига қайтиб келиб, куёв ва «қиз ота»ни никоҳ қиладиган мулла олдига киритиб, «қиз ота»дан розилик сўралади. «Қиз ота» ҳам маълум вақт розилик сўралаётганини эшитмасликка олиб индамасдан розилик бермай турган. Шу боисдан воҳада уни «Гунг ота», «Кар ота» ҳам деб аташган. «Қиз ота»га тўн, пул берилиб розилиги олинади. Шундан кейин икки гувоҳ иштирокида никоҳ ўқилган. Никоҳ ўқилгандан сўнг ёш келин-куёв ширин сув ичган. Ширин сувни аввал куёв, сўнгра келин, қолганини шу ерда ўтирганлар ичишади. Одатга кўра, никоҳ ўқилаётган вақтда шу жойда ўтирган кишилар қўлларини қовуштирмаслик, қулф ва кишанларни очиш, бирон-- бир нарсани тугмасликлари керак дейилган.

Келинга қилинган кўрпа-тўшаклар турган хонага келиннинг яқин қариндошларидан бўлган бир никоҳли, ували-жували икки эркак чимилдиқ тутади. Келиннинг қариндоши бўлган бир никоҳли аёл эса келин-куёв учун жой тайёрлайди. Шундан кейин куёв жўраси билан чимилдиқ ичига киритилади.

Шўрчи ҳудудининг тоғли туманларида куёв юзи кўринмаслиги учун белбоғини ёпиниб хонага киритилади. Шу вақтда «ит ириллатар» удуми

бажарилади. Тўйда сўйилган қўйнинг териси келин турган хона бўсағасига тўшалади. Келин шу терига бир ёш бола билан ўтирғизилади. Келиннинг дугоналари эса уни чимилдиқ олдигача кўтариб олиб келади ва куёв келиннинг қўлидан чимилдиққа тортади. Дугоналар эса ҳазил-мутоиба билан келинни бермасликка ҳаракат қилишиб орқага тортишади. Келинни яқин дугонаси чимилдиққа олиб киради.

Сўнгра «оёқ босар», «елка кўҳлар», «қўл ушлатар», «соч сийпатар», «ойна кўрсатар», «ўрин солди», «тўн ёпди» удумларини келиннинг яқинлари бажаришади. Шундан кейин келин-куёв ўтиришиб, «куёв ош емади» удуми ташкил этилади. Бунда куёв олдига дастурхон тортилиб, унга ноз-неъматлар қўйилган. Куёвга «қари-жилик» келтирилади. Охирида куёв тўшак тагига пул ташлайди ҳамда чимилдиқнинг ўнг тарафини ечиб, келиннинг бўйнидаги мунчоқни узиб олиб чиқиб кетади.

Ижоб тўйининг эртаси куни оқшомда куёв куёвлик либосларини кийиб жўраси биргаликда келиннинг уйига совға -- саломлар билан келади. Улар иззат-икром билан кутиб олинади. Шу тариқа куёвнинг «меҳмонли» ташрифи давом этиб турган. Орадан йиллар ўтиб, фарзандли бўлса бобо-момосининг уйида туғилди деб, ўғил бўлса, Бобохон, Бобомурод, қиз бўлса Момохол, Момогул деб исм қўйилган. Шўрчи ҳудудида бу удум XX асрнинг 60-йилларигача ҳам мавжуд бўлган. Мисол учун, 1943 йилда туғилган Умбаров Холмурод, 1947 йилда туғилган Ҳакимова Кумушга 1965 йилда ижоб қилинади. 1966 йилда ўғил фарзандли бўлиб исмини Бобохон қўйган. 1968 йилда Кумуш билан Холмуроднинг катта тўйлари, яъни «келин туширар» удуми ўтказилган.

Энг эътиборли тарафи шундаки, орадан бир неча йиллар ўтишига қарамасдан «келин» одатдагидек удумлар асосида куёв хонадонига олиб кетилган. «Келин тушириш», «уй қурди», «уй туширди», «ирга кўтарди» таомилига асосан куёв томондан келин хонадонига 2 та қўй, мева-чева, паранжи, чиммат, оқ рўмол, бош-оёқ сарполар ҳамда безатилган от олиб

борилган. Отнинг ўнг жиловига оқлик боғланган. Бу «оқлик боғлаш» удумини асосан қиз томон бажарган.

«Келинни кийинтириш» расмида келиннинг қизлик даврида сочи олди томонга ўрилган. Келин бўлаётганида қулоқнинг орқа томонига иккита қилиб ўрилиб, йўли оқ бўлсин деб, учига оқ пахта боғланган. Келиннинг сочини асосан бир никоҳли, ували-жували аёллар ўрган ва кийинтирган. Юзига чиммат тутилиб, паранжи ёпилган. Келин жўнаётганда остонада отасининг оёғини тавоф қилади, отаси эса берган тузимга розиман, деб дуо беради. Отга минишда отасининг ўнг елкасига ўнг оёғини қўйиб минади. Ота оқ фотиҳа бергач, жўнатилган. Келин отга минганда олдига саккиз, тўққиз ёшдаги ўғил бола миндирилиб, икки томонда бир никоҳли киши гулхан ёқиб ўртасидан отни ўтказганлар.

Шунингдек, келинни куёв хонадонига олиб кетишда «арғамчи тутиш», «йўл тўсар», «бақон тутиш» удуми ҳам бажарилган ва «ёр-ёрлар» айтиб борилган.

Куёв хонадонида ҳам келинни тушириб олишда йўлнинг икки томонида гулхан ёқилган. Келинни «олдига чиққан отаси» отдан тушириб олгандан кейин «олдига чиққан онаси» етаклаб келинни чимилдиқ тутилган хонага олиб киради. Келинни қўйдай ювош бўлсин, деб хонанинг бўсағасига қўй терисидан қилинган пўстак тўшаб қўйилган. Шунингдек, келин отдан тушиши билан қайнонаси келин-куёвнинг чимилдиқ тутиладиган хонасига кириб ўзининг устига оғирроқ нарса, кўпинча пўстак ташлайди. Бу қайнонанинг оғир-босиқ бўлишига ишорадир. Келин тушиб келган куннинг эртасига «бет очар» таомили ўтказилган. Келиннинг олдига чиққан онаси уни келинлик либосида ташқарига олиб чиқади. Дастлаб келин «ёғ қуйиш» удумида ўчоқ бошига бориб, ўнг қўли билан ўчоққа икки қошиқ мой тўкади, сўнгра итнинг жалоғи (ялоғи)га ва отнинг қозиғига жуфт таъзим қилади. Булар рўзғорнинг қут-баракали бўлишига ишорадир. «Бет очар»га яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ташриф буюрганлар. Келин уларнинг қаршисида таъзим қилади.

Кайвони кампир томонидан «келин салом» удуми ўтказилиб, куёвнинг ака-укалари ва яқин қариндошларидан мол-бисот сўралади. Масалан, куёвнинг тоғасидан сиз нима берасиз деб сўралади. Шунда тоғаси бир қўзили қўй бердим деб айтади. Сўров шу тарзда давом этиб охирида қайнота ва қайнонага навбат келади. Қайнота туриб келинига соғимдаги сигирни, қўрадаги қўйни бердим, қайнона эса жўжали товуқни, бутун рўзғорнинг ризқи жамланган супрани, ризқ улашган қозон-товоқни бердим дейди.

Сўнгра «юз очди» («бет очди») удуми бажарилади. Бунда куёв томондан 4-5 ёшдаги ўғил бола қўлига пахта сабов (савачўп) саваш чўпи берилади. Пахта сабовнинг бир учига пахта ўралиб қўйилади. Сабовнинг пахта ўралмаган учидан ушлаб секин келиннинг юзига тутилган чимматига теккизиб, аста - секин келиннинг юзидаги чимматни тортиб олади. Келиннинг юзини очган болага белбоғ, дўппи каби нарсалар совға қилинади. Келин юзидаги чиммат чимилдиқ устига ташлаб қўйилади. Келиннинг бошидаги паранжи олиниб, келин оғир бўлсин деган маънода бошига қайнотасининг чопони ёпиб қўйилган.

«Бет очар» удумидан сўнг келин уй эшигига рўпара қилиниб, эшикнинг устига келин томондан махсус тайёрланган «эшик илув», «сеп ташлар» удуми бажарилган. Бунда эшик устига кигиз, айримлар гилам, баъзан кўрпа ташлаб қўйилади. Келин эса ошхона эшиги олдига олиб келинади ва кайвонининг кўрсатмаси билан у эшикнинг ўнг ва чап ҳамда бўсағасини тавоф қилади. Келинга оғзини юмиб, кўзини очиб, бўсағадан ўнг оёқ билан кириши уқтирилади. Келин ичкарига кириб ўтиради ва унинг олдига супра очиб қўйилади. Келин супрада ун элайди. Тавоқда пичоқ билан қуйруқ тўғрайди. Бу расм-русумлар бажарилиб бўлгандан сўнг келинга ташқарига чиқиб уй-рўзғор ишларига қарашишига рухсат берилади. Шу пайтдан бошлаб келин куёв хонадонининг ҳақиқий бекаси ҳисобланган. Шундан сўнг воҳада «келин чилла», «келин кўрди», «қиз чақирди», «куёв чақирди», «куёв салом», «куда чақирди» каби удумлар ҳам бажарилган.

Албатта, бу маросимларининг замирида ўзбек халқининг, жумладан, воҳа аҳолисининг қадим тарихи билан боғлиқ халқ анъаналари, урф-одатларининг нақадар серқирра эканлиги ўз аксини топган. Зеро, ўзбек халқининг маънавий маданиятида тўйлар билан боғлиқ анъаналар, урф-одат ва турлича маросимлар этник, ҳудудий фарқларга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

## ТАҚВИМИЙ МАРОСИМЛАР ВА УНИНГ ЭТНОТАҲЛИЛИ

Кишилик жамиятининг турмуш тарзи, хўжалик анъаналарида доим вақт ва тақвим муҳим аҳамият касб этган. Инсон онгининг ривожланиши, дунёқараш ва табиий билимларининг ўсиши натижасида ой, қуёш, само ёритгичлари – юлдуз буржлари, ҳайвонлар ва фенологик кузатишлар билан боғлиқ йил тақвимлари пайдо бўлган ва вақт ўтиши билан такомиллашган.

Этнограф олим А. Қурбоновнинг илмий маълумотларига асосланиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қуёшнинг эклиптикадаги йиллик ҳаракати асосида қадимги Юнон, Рим, Миср ва Марказий Осиё халқларида икки хил: баҳорги ва кузги тенг кунликка асосланган икки мавсумлик ҳамда ёзги ва қишки қуёш туриши кунлари ҳам ҳисобга олинган тўрт мавсумлик йил тақвими мавжуд бўлган.

Шўрчи ҳудудининг анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ маросимларини функционал-структуравий тузилишига кўра тўрт гуруҳга: 1) баҳорги маросимлар; 2) ёзги маросимлар; 3) кузги маросимлар; 4) қишки маросимларга бўлиб таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, фанда бу маросимлар ўзбек халқининг космогоник қарашлари билан ҳам боғлиқлиги қайд этилган. Анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ маросимлардан баҳорги маросимларга «Наврўз», «Сумалак сайли», «Сумалак базми», «Йил боши оши», «Йил айрилиш оши», «Лой тутиш», «Қўш оши», «Шох мойлар», «Дарвишона», «Сув султон хотин» кабилар киради.

Ўзбек халқининг қадимий байрамларидан бири бўлган Наврўз ва у билан боғлиқ бўлган кўпгина урф-одат ва маросимлар турли этник гуруҳлар

ва ҳудудларда ўзига хос тарзда шаклланган. Наврўз табиат билан боғлиқ байрам, яъни баҳорги тенг кунлик байрамидир. Абу Райҳон Беруний ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда [шаҳват] қўзғолишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.

Шўрчи ҳудудининг деҳқонлари Наврўзни ерга ишлов бериб, экин экиш мавсумининг бошланиши, баҳорги тенг кунлик деб катта байрам қиладилар. Шунингдек, «ҳамал» ойи киради, «ҳамал ойи – амал ойи» ёки «ҳамал кирди – амал кирди» дейилиб, катта тантана қилинган.

Наврўз байрами арафасида «Йил боши оши», «Йил айрилиш оши» маросимлари ҳам ўтказилган. Олтинсой тумани Дегрез қишлоғида Наврўз кунлари арафасида қишлоқ оқсоқоллари кенгашиб, бир кунни белгилаганлар. Ёши улуғ бир киши бош бўлиб, қишлоқ аҳлини йилбоши ошига чақирган. Албатта, йилбоши оши далада, қишлоқ четида ўтказилган. Бу маросимга ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб, қозонда кесган ош, гунгула ош, гуруч ош, жўхори ош каби таомларни пишириб келган. Аёллар эса нон, пиширик, дастурхон, кўрпа-тўшаклар олиб келишган. Элдан дуо олмоқчи бўлганлар, яъни фарзандталаб, янги келин олган хонадон, деҳқончилигим яхши бўлсин деб ният қилган кишилар қозонини ошга тўлдириб келганлар. Бадавлат, намозхон 3-4 та ёши улуғ аёллар қўлига чўмич олиб, мазкур таомларни тарқатишган. Охирида қишлоқ оқсоқоллари томонидан дуо қилинган.

Бобо Деҳқон культи Зардуштийлик динидаги Митра билан ўзаро боғлиқ бўлиб, айнан Бобо Деҳқон Митранинг трансформациялашган образидир. Бу ўхшашликни аввало Митра ва Бобо Деҳқоннинг қуёш чиққунга қадар келиши ва улар ҳар иккисининг ҳам қут-барака ва ҳомийлик функцияларини адо этишида кўриш мумкин. Қолаверса, уларнинг ҳар иккиси ҳам оқ кийим кийган кекса нуроний қиёфасида тасвирланади.

Шўрчи туманида яшовчи ўзбекларда Оллоҳ яхши кўрган бандасига, унинг деҳқончилигига барака бермоқчи бўлса, у кишига Хўжаи Хидир, яъни Хўжаи Хизрни учратади деган ақида мавжуд. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, Хўжаи Хизр оқ соқоллик, нуроний, чиройли кийинган бобо сифатида пайдо бўлар экан. Хўжаи Хизрнинг бош бармоғида суяги бўлмас экан. Шу сабабли нотаниш нуроний бобо билан кўришганда бош бармоғидан ушлаб кўришиш керак, деган ақида мавжуд. Мабодо бош бармоғида суяги бўлмаса, бош бармоқдан ушлаган киши Хўжаи Хизрдан тилак тилаши керак. Хўжаи Хизр учта тилак ижобат бўлиши учун дуо берар экан.

Хўжаи Хизр оралаган экин мўл-кўл ҳосил беради. Шу боисдан воҳа аҳолиси экин экаётганда Бобо Деҳқон баракасини берсин, деб ис чиқаришган. Ис чиқаришда ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб, айримлар мол сўйиб «ис» («ислик») чиқарса, бошқалари тоқ сонда, яъни 3, 7, 9 та чўзма (бўғирсоқ) пишириб, ис чиқарган. Чўзма пиширишжараёнида қозондаги ёғдан ўчоқдаги чўққа бир неча томчи томизилган. Гўёки, марҳумлар ана шу ёғдан чиққан ҳиддан баҳраманд бўлиб, руҳлари шод бўлади, деб ишонилган.

Бобо Деҳқонга атаб қилинган маросимий эҳсон – исни оила аъзолари, қўни-қўшнилар истеъмол қилишган. Сўнгра Бобо Деҳқонга бағишлаб Қуръон тиловат қилинган. Воҳа аҳолиси деҳқончилик қилишда куннинг «ўнг ёки чап»лигига, «хосиятли» ёки «хосиятсиз»лигига катта эътибор қаратган. Экин экишдан олдин кунни «ўнглай»диган кишилардан сўраб, билиб кейин экин экилган.

Ўзбек ва тожик халқлари қадимдан ҳафта кунларига боғлиқ бўлган шундай дастури амаллар яратганларки, бу манбаларда ҳафтанинг ҳар бир кунида қандай ишларни қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, «Ҳафтанома»да деҳқончилик масаласида кунлар таҳлилида «шанбада (Зуҳал) – деҳқончилик қилмоқ яхшидур, бир донага минг дона баракат берур, ҳаргиз бефойда бўлмас. Якшанба (Қуёш) – деҳқончилик қилмоқ яхши эмас, офат тушгай. Душанба (Ой) – деҳқончилик

қилмоқ яхшидур. Сешанба (Миррих) – агар зироат қилса, қурт, сичқон ё ҳайвондин ул зироат шикаст топгай. Чоршанба (Аторит) – аммо деҳқончилик қилмоқ яхшидур, баракат пайдо бўлур, хирмон олмоқ яхшидур. Пайшанба (Муштарий) – ҳамма корларга яхшидур. Жума (Зуҳра) – деҳқончилик қилмоқ яхшидур», – деб таъкидланган. Шўрчида ҳафта кунларини этнографик материаллар бўйича ўрганган Ш. Устаев ҳам шанба кунини воҳа аҳолиси деҳқончилик қилиш учун қулай деб ҳисоблаши ҳақида тўхталган.

Шўрчида экин экишнинг илк куни далага қўш чиқаришда «Шох мойлар» удуми ўтказилиб, бу деҳқончилик касбига оид энг муҳим маросимлардан бири ҳисобланади. Чунки деҳқончиликка алоқадор маросимларнинг деярли барчасига мазкур удум йўл очиб беради. Бу маросимда қишлоқ аҳлининг барчаси иштирок этган. «Шох мойлар» удуми эрта баҳорда, асосан  Наврўз кунлари ўтказилиб, деҳқончилик тақвимига кўра душанба, чоршанба ёки жума кунларидан бирига тўғри келиши лозим бўлган. «Шох мойлар» удуми ўзбек ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган.

Қадимдан сақланиб келган ёзги тақвимий маросимлардан бири «Сув султон хотин» маросими бўлиб, «Суст хотин», «Сув хотин» маросими ҳам деб аталади. Бу маросим асосан қурғоқчилик йилларида лалми деҳқончилик билан машғул бўлган ҳудудларда бутун қишлоқ аҳолиси томонидан ўтказилган. Мазкур маросимни ўтказишда дастлаб кун ўнгланади ва махсус бир кун белгиланади. Қишлоқдан 10-15 киши одам шаклида қўғирчоқ ясаб, қўғирчоққа ёши кекса аёлнинг кўйлагини кийдириб, кўчаларни айланган. Қолганлари эса «сув султон хотин» қўшиғини айтиб, унинг ортидан эргашиб, қишлоқдаги ҳар бир хонадонга кириб чиқадилар. Ҳар бир хонадон олдига келганда мазкур хонадон соҳиблари қўғирчоқ устига сув сепиб, кўнглидан чиқарган хайр-садақасини берганлар. Уларда қўғирчоқ ўрнига иштирокчилардан бирига аёл кишининг кўйлаги кийдирилиб, сув ана шу кишининг устидан сепилган. Лақайларда 15-20 киши тўпланиб, ярим-яланғоч икки кишини бир-бирига қаратиб эшакка миндирганлар. Уларнинг ўртасига

икки тошбақани оёғидан боғлаб, эшакнинг икки томонига осилтириб қўйганлар. Эшакка мингашган кишининг бирига сув солинган чўп кади тутқазилган, иккинчисига эса бир-бирига боғланган икки қамиш найча берилиб, найчалар сув солинган чўп кади ичида айлантирилади ва гувиллаб овоз чиқаради. Бу овоз гўёки қийналган тошбақаларнинг овоз чиқаришига тақлид ҳисобланади. Қолган иштирокчилар уларнинг орқасидан эргашиб, «Суст хотин» қўшиғини айтиб қишлоқдаги хонадонларни бирма-бир айланиб чиқадилар. Уй эгаси эшакка минган кишилар устидан сув сепади ва маросим иштирокчиларига хайр-садақа беради. Эртаси куни йиғилган хайр-эҳсонлардан қишлоқнинг бир чекка жойида ош қилиниб, халққа берилган.

Худоларнинг рамзий шаклларини ҳайкал ёки қўғирчоқ қиёфасида ясаб, унга сиғиниш ҳамда турли маросимлар ўтказиш жуда кўп халқларда, шу жумладан Марказий Осиё халқларида энг қадимий даврлардан мавжуд эканлигини археологик ва этнографик маълумотлар тасдиқлайди. «Суст хотин» маросими якунида қўғирчоқни куйдириб юбориш ёки эски қудуққа ташлаш удуми узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг қурбонлик қилиш маросимининг қолдиқларидан эканлигини аниқ кўрсатиб турибди.

Деҳқончиликда шундай иримлар ҳам борки, у қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, у ёки бу кўринишда бугунги кунгача етиб келган. Масалан, қовун-тарвуз ҳосили мўл-кўл бўлсин деб экиннинг гуллаётган даврида аёл киши лозимини ечиб, икки балоғининг пастки томонини тугиб, ичига майда тошлардан солган ҳамда қовун-тарвуз палаклари устига мазкур тошни ҳосил мўл-кўл бўлсин деб сочиб чиққан. Бу магия ва фетишизмнинг ўзаро қоришган кўриниши ҳисобланади.

Анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ маросимлардан ёзги маросимлар ҳам ўзига хос бўлиб, расм-русумларга бойлиги ва ранг-баранглиги билан бошқа туркум маросимлардан фарқланган. Айнан мазкур туркум маросимларга ёзги юмушлар билан боғлиқ «Хайри худойи», «тулки қочди», «шоғол қочди», «қуён қочди», «барака уруғи», «обло барака», «сув сайли», «қовун сайли» каби урф-одат ва маросимлар кирган.  Пайкалдаги сўнгги

қисм буғдой, зиғир ёки тариқ кабилар ўриб олинаётганда «тулки қочди», «қуён қочди», «шоғол кетди» каби маросимлар ўримда иштирок этаётган пайкал аъзолари ёки ҳашарчилар томонидан амалга оширилган. Чунки қишлоқнинг зироаткор аҳли катта пайкаллардаги ҳосилни йиғиштириб олишда кўпинча қўни-қўшнилар, оғайнилар ҳамда қариндошларни ҳашарга чақирган.

Мазкур деҳқончилик маросимида экин пайкалидаги ғалланинг кам қисми қолганда ҳашарчилар ўрилмаган ғаллани ҳар тарафдан ўраб олишган. Ҳашарчилардан бири «йигитлар, тулки қочди, қани уни ушлаш кимга насиб этади, ғайрат қилинглар» ёки «шоғол кетди, ким чаққон бўлса, ўшанга шоғолни ушлаш насиб этади» деб ҳашарчиларга руҳий қувват беради. Чунки катта экин пайкалдаги ғаллани ўриш ҳамма ҳашарчиларни ҳолдан тойдирган. Бу маросимда эса ёш ҳашарчилар иштирок этган. Ёши кексалари эса четда туриб, юқоридаги сўзларни айтиб «ҳай, баракалла» деб турганлар. Охирги тутам ғаллани ўриб олган йигит уни уйига олиб бориб, уйининг деворига осиб қўйган ҳамда охирги «барака уруғи»ни ўриб олиш унга насиб этганлигини ҳисобга олиб, ҳашарчиларга ўзининг уйида имконият даражасида зиёфат қилиб берган. Зиёфат қатнашчилари эса зиёфат охирида мезбонга «ушлаганинг олтин бўлсин, уйинг буғдойга тўлсин, топганинг яхши кунларга буюрсин, умринг узоқ бўлсин, йигит пири, Бобо Деҳқон қўлласин, Хўжаи Хизр ҳамроҳинг бўлсин» деб дуо беришган. Кейинги экин йилида «барака уруғи»ни уч қисмга бўлиб, бир қисми уруғлик буғдойга аралаштирилган, иккинчи қисми тегирмонга тортиладиган донга қўшиб юборилган, учинчи қисми эса қўшниларга улашилган.

Шундай қадимий деҳқончилик маросимларидан яна бири «обло барака» маросимидир. Бу маросим Шўрчи ҳудудида яшовчи тоғлик тожиклар орасида ҳам ўтказилган. Ҳайрондара қишлоғи ўзбекларида ҳашарчилар буғдой ўримининг сўнгида бир парча ўрилмаган ерни ҳар томондан ўраб, аста ўриб келаверадилар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охирги тутам буғдойни ўриб олишга ҳаракат қилади. Охирги тутам буғдой эса «она буғдой» деб

юритилади. Қайси бир ўроқчи ана шу тутамга етиб олса, «еттим, еттим, обло барака берсин» деб уни ўриб олади. Шундан кейин у барча ўроқчиларга фурсати билан катта бир зиёфат қилиб беради.

Анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ маросимларнинг кузги цикли маросимлари гуруҳига «Меҳржон байрами», «Шинни пишириш», «Анор сайли», «Ҳосил байрами» («Ҳосил тўйи») кабилар кирган. Шўрчи ҳудуди аҳолиси ўсимликлар дунёсининг ўсишдан тўхтаб, уйқуга кетиши ва меҳнат мавсуми якунланишини «Меҳржон» («Йил ярми») деб нишонлашган. Бу байрам коинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Жумладан, Наврўз баҳорги кун-тун тенглигини қайд қилса, «Меҳржон» куздаги ўша ҳолатни таъкидлаган. «Меҳржон» байрами, бир томондан, коинот ва ерга жон ато этиб турган қуёшни қадрлашга даъват қилган, иккинчидан барчани қиш ғамини ейишга ундаган. «Меҳржон байрами»ни Беруний Наврўздан сўнг энг улуғ байрамлардан бири деб таъкидлаган. Бу кун Меҳрмоҳ (йилнинг етинчи ойи)нинг ўн олтинчи кунига тўғри келган. Бу сўз мазмуни асарда «жон севгиси» деб берилган. Баъзи манбаларга кўра «меҳр» сўзининг маъноси қуёш бўлиб, афсоналарда келтирилишича, шу куни қуёш оламга зоҳир бўлган.

«Шинни пишириш» маросими энг қадимги одатлардан бири бўлиб, эрта куз фаслида ўтказилган. Шинни тайёрлашда тарвуз, қовун, узум ва бошқа маҳсулотлардан кенг фойдаланганлар. Шинни пишириш ўзига хос ҳашар услубида ташкил этилиб, махсус маросим шаклида ўтган. Мазкур маросимда қатнашчилар томонидан ўйин-кулги ташкил этилган. Воҳанинг Вахшивор, Лўкка, Ҳайрондара каби бир қатор қишлоқларида бу маросим уч-тўрт кунлаб давом этган.

«Ҳосил байрами» («Ҳосил тўйи») деҳқончилик ишлари якунланган бир даврда, яъни кеч куз охирлари илк қиш кунларида ўтказилиб келинган. «Ҳосил байрами»да деҳқончилик маҳсулотлари намойиш этилган ва сотувга чиқарилган. Шунингдек, «кураш», «кўпкари», «дорбоз», «қўчқор

уриштириш», «хўроз уриштириш», «эшак кўпкари» каби кўпгина томоша ва ўйинлар намойиш этилган.

Анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ маросимлардан қишки маросимлар жумласига «биринчи қор» («қор хат»), «ялдо кечаси», «яс-юсун» («гап-гаштак») кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Биринчи қор ёққанда «қор хат» ёзиш одати воҳада ўзига хос томонлари билан ажралиб турган. «Қор хат» ёзилганда қўйиладиган шартлар ичида кўпроқ зиёфат уюштириб бериш қайд этилган. Шўрчи ҳудудининг тоғли ҳудуд аҳолиси «қор хати»да зиёфат уюштириш қайд этилган бўлса, шартларни бажариш кўпроқ кундуз кунлари амалга оширилган. Шўрчининг дашт ҳудудларида эса кечки пайтда зиёфатлар уюштирилиб, даштли ҳудуд аҳолиси асосан чорвачилик билан кўпроқ машғул бўлганлиги боис зиёфатлар кечки пайтда ўтказилган.

«Ялдо кечаси»да, яъни энг узун кеча (шабиялдо) ва энг қисқа кунда чилла киради. Шундан сўнг кунлар аста-секин узая бошлайди. Ўзбек халқи орасида «тўқсон кирса тўрғай одими билан, қантар оғса (8 февраль) қарға одими билан кунлар узаяди» деган нақл бор. Шўрчида ялдо кечаси аҳоли уруғ-уруғ (яъни қозиёқли, болахўр каби) бўлиб, давраларга тўпланиб суҳбатлар қилишган. Хонадон соҳиби имкониятларидан келиб чиқиб меҳмон қилган. Ёзги тўплаб қўйган мева-чеваларини дастурхонга тортган. Чорваси кўп бўлган уй соҳиби тандир кабоб билан меҳмонларни сийлаган.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий тақвимий маросимларнинг воҳага хос хусусиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар якунида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,  бу маросимлар узоқ тарихий давр давомида шаклланиб, у ёки бу этнос яшаган географик муҳит, унинг хўжалик турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, анъанавий маданияти, этник қатламлари ва бошқа бир қатор омиллар билан бирга чамбарчас боғлиқ бўлган.

Шўрчи ҳудудининг  аҳолиси орасидаги анъанавий мавсумий ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда ўтказилувчи йилнинг ҳар бири давридаги маросимлар структураси жиҳатидан сезиларли даражада ўхшаш бўлган. Айнан мазкур

ўхшашликлар ғайритабиий кучлар билан алоқа кўринишида (ўтганлар руҳи мисолида), яшаш даври тугаганидан сўнг уларни кузатиш ёки ўлдириш (олов ёқиш, эски идишларни синдириш) ёки эски кучлар самовий циклга кўра қайта туғилиш, янгиланиш шаклида намоён бўлган. Шунингдек анъанавий мавсумий тақвимий ўзгаришлар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда ўзбек халқи хотирасида сақланиб келаётган қадимги тасаввурлар, узоқ тарих қаъридаги ибтидоий қараш ва тушунчалар, асрлар давомида изчил кузатишлардан ҳосил бўлган анъаналарда инсоният тафаккурининг инъикоси мужасамлашган.

## МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

Тарихий келиб чиқишига кўра, ўзбек халқининг анъанавий ўйинлари Марказий Осиёда қадимдан истиқомат қилиб келаётган туркий халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, қолаверса бадиий тафаккури ҳамда эстетик қарашлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, қадимдан деҳқончилик, чорвачилик ҳамда овчилик билан шуғулланиб келган халқлар томонидан яратилган кўпгина маросим ва удумларнинг айримлари вақтлар ўтиши давомида анъанавий ўйинларнинг шаклланиши учун эстетик асос вазифасини ўтай бошлаган. Масалан, овнинг барорли бўлиши, кўпроқ ўлжаларни қўлга киритиш мақсадида ўтказилган овдан олдинги удумлар, тотем – аждодлардан кўмак сўрашнинг ўзига хос машқ амалларини ўз ичига олган маросим рақслар асосида даврлар ўтиши билан овчиликка хос бўлган анъанавий ўйинлар юзага келган. Ўз навбатида деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши икки анъана, яъни баҳорда меҳнат мавсумига кириш ва кузги ҳосилни йиғиштириш билан боғлиқ маросим ва байрамларни юзага келтирган. Айниқса, ёз бўйи меҳнат қилиб, баракали ҳосил етиштирган деҳқонлар хурсанд бўлганидан ўзига хос хирмон тўйини ўтказиб, унда меҳнат жараёнларини ўйинлар орқали акс эттирган. Бу «Меҳнат ўйинлари» яхши кайфиятда, байрам ҳолатида ўтган.

Шўрчи ҳудудининг анъанавий ўйинларидан бири «тўпиқ» ўйини бўлиб, бу ўйинда «ушоқ мол» гўштидан пиширилган таом истеъмол қилинган вақтда косасидан тўпиқ суяги бор гўшт чиққан одам бир илож қилиб, ана шу суякли гўштни шерикларидан бирортасининг қўлига тутқаза олса, у киши тўпиққа ютқазган бўлади. Тўпиқни асосан ёғли гўштга ўраб беришган, айрим ҳолларда нон орасига солиб ҳам узатишган.

Тўпиқни билмасдан олиб қўйган киши тўпиқ берган кишига «тўпиққа ютқазган» ҳисобланади. Ўйин шартига кўра ютилган киши тўпиқни давра олдидаги одамлар олдида ютиб юбориши ёки ёнида ҳамиша сақлаб туриши лозим бўлган. Ўйинда ютган киши хоҳлаган вақтда, ҳоҳлаган жойида тўпиқни сўраса ютилган киши ўйин шартига кўра топиб бериши керак бўлган. Шу боис, ютқазган киши тўпиқни доимо ёнида кўтариб юрган. Айрим кишилар бу суякни тешиб, ёнларига ёки бўйинларига тақиб юрганлар. Ўйин шартига кўра тўпиқ исталган вақтда сўралганда кўрсатилса ютган ҳисобланади. Аксинча эса ютилган ҳисобланиб, ўртага қандай шарт қўйилган бўлса, бажаришга мажбур бўлган. Воҳа аҳолисининг кўпчилик қисми дехқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шуғулланганлиги боис кўпинча бир мол сўйиб, зиёфат бериш шарт қилиб белгиланган. Албатта, сўралган тўпиқни бера олса, тўпиқ берган киши ютқазган ҳисобланиб, ўзи ўша ўйинда иштирок этганларга ўйин шарти бўйича зиёфат қилиб берган.

Ҳозирги кунгача сақланиб келаётган анъанавий халқ ўйинларидан бири «ҳалинчак учиш» ўйини бўлиб, асосан баҳор фаслида йигитлар ва қизлар, қолаверса, келинчаклар мевали дарахтлар (асосан ёнғоқ, ўрик (зардоли) дарахтлар мустаҳкам бўлганлиги учун)га арқон боғлаб, ҳалинчакларда учганлар. Ҳалинчак учиш ўйинининг анъанавий тарзда ўтиб келиши халқимизнинг қадимдан ўтроқ яшаб дехқончилик билан шуғулланиб келаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари Шўрчи ҳудудида ҳам барча бирдай ўйнайдиган ўйинлар билан бирга болалар ва қизлар ўйинлари ҳамда эркак ва аёллар ўйинлари бўлган. Қизлар ва болалар

12-13 ёшга тўлган давридан бошлаб алоҳида-алоҳида ўйинларни ўйнаганлар. Натижада айнан йигитлар ўйнайдиган подачи, чавандоз, оқсуяк, оқтаёқ, кўрпа ёпди, кураш, соққа, қулоқ чўзма каби ўйинлар шаклланган. Ўз навбатида эса қизлар дурра, хал-хилча, чори-чамбар, тортишмачоқ, болқон, бештош, чекимтош, ғоз-ғоз каби ўйинларни ўйнаганлар.

Кураш туркий халқлар орасида кенг тарқалган қадимий анъанавий халқ ўйинларидан бири бўлиб, республикада унинг икки усули, яъни бухороча ва фарғонача усуллари бўлиб, анъанага кўра улар норасмий бўлиб, кураш мусобақаларида олишув муддати чекланмаган, полвонлар бир-бирини йиқитгунларига қадар давом этган. Республикамиз мустақиллиги шарофати билан кураш спорт тури сифатида жаҳонга юз тутмоқда.

Шўрчи ҳудудининг суннат тўйларида тўй эгасининг имконият даражасидан келиб чиқиб олиш (кураш) ва кўпкари берилган ҳамда пул, тўн, оёқ кийимлар, эчки, қўй, ҳўкиз, от, туя каби совун-зотлар қўйилган. Шўрчи қишлоқларида кураш ва кўпкарини «гуштин» ва «бузкаш» деб атаганлар. Воҳа тўйлари курашсиз ўтмаган. Уни бошқариш, полвонларни таништириш, совринни бериш каби вазифаларни баковул (бековул) бажарган. Ҳар бир полвон ўз қишлоқ, овулининг ор-номуси учун олишган. Йиқилган полвонни ҳимоя қилиб қишлоқдош полвон курашга тушган. Қайси полвон рақибини йиқитиб, елкасини ерга теккизгандагина «ҳалол» ҳисобланган.

Шўрчидаги суннат тўйларида кўпкари ҳам ўтказилган. Тантана ойнадек ёруғ ўтсин, деб ойна кўрсатилган. Беллашувга кетаётган «чобағон» («чавандоз»)лар ойнага қарашлари шарт бўлган. Шунингдек, улоқни, яъни «зот»ни кўпкари жойга олиб бораётган отларнинг икки томонига олов ёқилади. Сўнгра ҳамма чавандозлар кўпкари жойига борадилар. Баковул дастлаб кичик бир сарка (улоқ)ни ўртага ташлайди. Бироз отларни енгил чоптириб совутиб, улоқни олишади. Кейин ҳамма чавандозлар чақирилиб ўртага тана (бир яшар бузоқ) сўйиб ташланади. Баковул кўпкарини эсон--омон ўтказайлик деб дуои-фотиҳа беради. Қайси чавандоз улоқни тўда-

сурдов (отлар галаси)дан ажратиб, баковул олдига олиб келиб ташласа, унга белгиланган соврин, яъни «зот» берилган.

«Эшак минди» ўйини очиқ майдонда уюштирилади. Иштирокчилар беш кишидан тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ерга узунлиги икки қадам бўлган тўғри чизиқ чизилади. Гуруҳ бошлиқлари шу чизиқ устидан бошларидаги дўппиларини бор кучлари билан олдинга отадилар. Шунда қайси бирининг дўпписи чизиқдан узоқроқ жойга бориб тушса, ўша томон ғалабага эришган ҳисобланади.

Мағлубиятга учраган гуруҳ ўйинчилари олдинма кейин бир-бирларини маҳкам ушлаб қатор бўлиб, гўё эшак қиёфасига кирадилар. Ғолиблар эса бирма-бир узоқдан югуриб келиб, гўё эшакка мингандек уларнинг устларига сакраб чиқиб олишлари керак. Ўйиннинг номи ҳам шундан келиб чиққан. Мингандаям маълум вақт ўз ҳолатларини йиқилмасдан сақлаб туришлари керак. Мағлуб томон ҳам худди шундай. Агарда бирор бола устидаги чавандозни кўтара олмаса, бутун жамоанинг қилган ҳаракати зое кетади. Шуни яхши билган чавандозлар бирорта нимжонроқ болани танлаб, устига бир йўла икки-уч киши бўлиб бирданига миниб олишга ҳаракат қилишади ва уни қандай қилиб бўлмасин йиқитишга интилишади. Мободо улардан бирортаси йиқилса, улар яна ўз ўринларида қолишга мажбур. Бу ҳолат чавандозларда юз берса, йиқилган иштирокчи ўйиндан чиқади. Аммо улардан ҳар бири эгардан йиқилмаслик учун жон-жаҳди билан курашади. Ҳатто баъзилари ўйинбошининг кўзини шамғалат қилиб, оёғини ерга қўйиб мувозанатини тўғрилаб олишга ҳам улгуришади. Бироқ бу ўйин қоидасига зиддир. Чавондозларни йиқитишга қилинган ҳаракат ҳам бекор. Томошани бошқараётган баковул зийрак бўлса бундай уринишларнинг бирортаси ҳам унинг назаридан четда қолмайди. Ўйин болаларни чиниқтириб, чавондозликнинг сир-асрорларини ўргатиб боради.

Анъанавий халқ ўйинларидан яна  бири «оқ суяк» ўйини бўлиб, мазкур ўйин болаларни қоронғу тунда қўрқмас, тез илғаб олиш ҳамда чаққон бўлишида ката роль ўйнаган ўйинлардан биридир. У асосан ой чиққан тунда

ўйналади. Ўйинда ўндан ошиқ болалар тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ораларидан ўзларига жўрабоши сайлайдилар. Ўйинни қайси томон бошлашини жўрабошининг тепага қарата отган тангаси аниқлаб беради. Бу имкониятни қўлга киритган гуруҳ бошлиғининг қўлида оқ суяк (сигирнинг тўпиғи) бўлади. Рақиб ўйинчилар уларга тескари қараб туришади. Суяк қоронғиликка отилади. Бўлди дейишгач, томонлар ёйилишиб улоқтирган суякни ахтаришга тушади. Ахтараётган вақтда рақиб гуруҳдаги болалар ҳам кузатади. Суякни топган бола «топдим» деб бақириши шарт. Суякни топган бола пойга жойга қараб чопади. Агар рақиб гуруҳдаги болалар етиб келса, қочишнинг иложини қилолмаган тақдирда узоқ жойга қарата улоқтиради. Иштирокчилар сони қанча кўп бўлса, суяк шунча марта отилиб, шунча марта топилиши керак. Биринчи бўлиб шу ишни ниҳоясига етказган гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Ғолиблар мағлубларнинг устиларига миниб, олдиндан келишилган масофагача кўтариб боришларини талаб қилишади. Талаб бажарилгач, гуруҳ бошлиғи уй эгасини чақириб, «отлиқлар олдикми, пиёдалар олдикми» деб сўрайди. Уй эгаси «отлиқлар олдик» деса яна навбатдаги уйгача кўтариб боришади. Манзилга етишгач, яна юқоридаги ҳолат такрорланади. Мабодо «пиёдалар олдик» деса, ўйин қайтадан бошланади. Энди ғолиб гуруҳ ўз ўрнини рақибларга бўшатиб беришга мажбур. Воқеалар талқини ҳам вазиятга қараб ўзгариб туради. «Оқ суяк» болаларни аҳилликка ўргатади. Ўйиннинг тунда ижро этилиши эса ижрочиларда сезгирлик қобилиятини кучайтиради.

Бадиий сўз воситасида ижро этиладиган тош ўйинларидан бири «ҳар хилча» деб номланади. Уни фақат қизлар ўртасида учратиш мумкин. Биз тадқиқ этган вариант «беш тош» ўйинига ўхшаб кетади. Ўйинда икки ва ундан ортиқ қиз иштирок этади. Ўйиннинг асосий воситаси катталиги тахминан ёнғоқдан кичикроқ бўлган бешта тошдан иборат.

Қуръа ташлаш орқали ўйинни ким биринчи бошлаши мумкинлиги аниқланади. Бундай имкониятни қўлга киритган ижрочи тошларни олиб кафти билан ерга ташлайди. Дастлаб бирини тепага отиб, қолганларини

бармоғи билан ердан олиши керак. Бу шарт тепага отилган тош қайтгунча бажарилиб, охирида уни ҳам ерга туширмай илиб олиш керак. Сўнг навбати билан бошқаларига ўтилади. Ижро жараёнида бармоқлар ҳам турли шакл ва қиёфаларга киритилиши ёхуд томошабинларни шунга ишонтириши билан бирга уларда кулги қўзғатиши лозим бўлади. Ўйин давомида қуйидаги шартлар бажарилади: яллаш, келин, бўри келар, қайчи, капа, ерми-осмон, тугар, шалдир, товуқ кўти, товуқ кўтининг очари, хўроз кўти, хўроз кўти очари, кўприк, девор, супурги, бақа, илон, яшиқ, икки қарич, анжирзич. Ушбу шартлар бехато бажарилганда «анжирзич, буралиб туш, арра марра энди битти бир марра» деб, маррага хатосиз етиб келганлигини овоза қилади. Ўйин худди шу тартибда давом этаверади. Ижрочиларнинг етиб келган марралари ерга ёзиб борилади. Ўйин сўнгида марралар сарҳисоб қилинади. Шунда кимнинг марраси кўпроқ бўлса, ўйинда ғалаба қозонган ҳисобланади. Ғолиблар мағлубларга турли шартларни бажартириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ёшларнинг эпчил, чаққон бўлишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўйинлардан бири «чиркаш» ўйини бўлиб, бу ўйинни болалар ўртача олти-саккизтадан икки гуруҳга бўлиниб, келишган ҳолда бир гуруҳ қочади, иккинчи гуруҳ қувлайди. Бунда ҳар бир бола биттадан рақиб гуруҳдаги болани қувиб етиши бирон жойига оёғини тегизиши керак. Камида беш-олтита болага етиб оёғини тегизганда қувлаётган гуруҳ рақиб гуруҳ устидан ғалаба қозонган ҳисобланади. Сўнгра иккинчи гуруҳ қувлайди, биринчи гуруҳ қочади. Ўйин шу тартибда давом этади. Агар қочаётган гуруҳдаги болаларнинг бири чаққонлик қилиб қувлаб келаётган болаларнинг ўртасидан кесиб ўтса, орқа томонидан қувлаб келаётган болалар асир тушган ҳисобланиб, ўйиндан чиқади. Қолганлари ўйинни давом эттиради.

Болаларда сезгирлик, ҳушёрлик, топқирлик ҳамда фаҳм-фаросатни ўстиришда ўзига хос ўринга эга бўлган ўйинлардан яна бири «тиқмоқ» ўйинидир. Ўйинда болалар ҳар гуруҳдан бештадан ўнтагача бўлиб, икки гуруҳга бўлинган. Ҳар гуруҳ қатор бўлиб, ўртада бир йўлакча жой қолдириб тиқилиб ўтиришади. Шунда биринчи гуруҳдан бир киши икки кафтининг

орасига калапўшини яшириб, ўзининг гуруҳида ўтирган болаларнинг оёғининг орасига икки кафтини тиқиб кетаверади. Кафтида яширган калапўшни хоҳлаган кишисининг оёғининг орасига қолдириб жойига бориб ўтиради. Шунда рақиб гуруҳдан бири ўрнидан туриб, ўзининг рақиб гуруҳидаги бир кишига «сенда» деб оёғининг орасига қўлини солиб кўради. Калапўшни топса ғалаба қилган ҳисобланади, тополмаса енгилган хисобланади. Агарда калапўшни тополмаса, тополмаган болани тўрт киши оёқ-қўлидан кўтариб ғалаба қозонган гуруҳнинг устидан кўтариб ўтказаётган вақтда ўтирган болалар ўтирган жойидан ютқазган боланинг орқасига оёғини кўтариб, оёғи билан туртиб қолишади. Ўйин шу асосда давом эттирилади.

Ўта чаққон ҳамда сергак, эпчил ва чидамлилик бўлишда катта аҳамиятга эга бўлган «чиллик» ўйинида болалар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар гуруҳда олти-саккизтани ташкил этади. Текис майдонда ўртага айлана чизилиб, айлананинг ўртаси чуқурча қилинади. Чилликнинг узун таёғи «энасоб» беш қарич узунликда, кичик таёғи «болачиқ» деб аталиб бир қарич узунликда бўлади. Биринчи гуруҳдан бир киши айлананинг ичига кириб, чуқурчага болачиқни кўндаланг қўйиб, энасоб билан чаққонлик билан кўтариб хоҳлаган томонига қаратиб уради. Шунда иккинчи гуруҳ болачиқни ерга туширмай ушлаб олишга ҳаракат қилади. Агар болчиқни ерга туширмасдан эпчиллик билан ушлаб олса, ўйинни янгитдан ўзлари бошлайди. Ушлай олмаса болачиқни тушган жойидан айлана ичига тушириш учун отади. Айлана ичида турган биринчи гуруҳдаги бола болачиқни айлана ичига туширмаслик учун ҳаракат қилади. Агар айлана ичига болачиқни туширса ўйинни иккинчи гуруҳ янгитдан бошлайди. Агар болачиқни тушира олмаса, болачиқ тушган жой билан айлана чизиғи ўртасига энасобни қўйиб ўлчайди. Ўлчанганда энасоб айлана билан болачиқ устига тушса, болачиқни отган иккинчи гуруҳдаги болалардан бири айланага болачиқни тушириш учун отади. Айлана ичидаги биринчи гуруҳдаги бола яна туширмасликка ҳаракат қилади. Айланага иккинчи гуруҳ болачиқни туширса, ўйинни шу иккинчи гуруҳ янгитдан бошлайди. Тушира олмаса, биринчи гуруҳдан айлана ичида турган

бола болачиқни уриб юборса, болачиқ тушган жойга боради ва болачиқни қўлга олиб ерга кўндаланг ҳолатида ташлайди ҳамда болачиқ ерга тушгунча энасоб билан уради. Болачиқни неча марта урган бўлса, кейин шунча маротаба энасоб билан болачиқни узоқликка қаратиб уради. Шу ураётганда ҳам иккинчи гуруҳ болалари урилган болачиқни ерга туширмай эпчиллик билан ушлашга ҳаракат қилади. Болачиқни ерга туширмай ушласа ўйинда ютган ҳисобланиб, иккинчи гуруҳ ўйинни янгитдан бошлаши мумкин бўлади. Болачиқ урилгандан кейин ҳар бир тушган жойга иккинчи гуруҳдан бир кишидан туради. Ўйинни давом эттираётган биринчи гуруҳ болачиқни ушлатмасдан ҳисобни охирига етказса, иккинчи гуруҳ болачиқни охирги тушган жойидан ҳар бир тушган жойига ҳар бир аъзоси бир нафасда «зувв» дея овоз чиқариб айланагача етиб келиши керак. Бундай ўйиннинг ҳалол боришига алоҳида эътибор берилган, яъни ғолиб гуруҳ енгилган гуруҳ аъзоларининг ортидан югуриб боришган ва уларнинг нафас олиш-олмасликларини назорат қилишган. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси бошқалардан кўра тезроқ ва узоқроққа чопиб боришга ҳаракат қилган. Шу тарзда чидамлилик, эпчиллик ҳамда тезлик каби жисмоний сифатлар қарор топтирилган. Бир нафасда етиб келмаса мағлуб ҳисобланган. Ғолиб бўлган гуруҳ бир нафасда «зувв» деб етиб кела олмаган гуруҳнинг тўхтаган жойидан яна ўйинни давом эттириб, болачиқни кўндаланг ҳолатда ерга ташлаб, шу жараёнда энасоб билан неча марта урса, шунча марта болачиқни узоқликка қаратиб уриб, ўйинни давом эттирган.

«Ғирбайди» ўйини болада жисмоний эпчилликни шакллантиради. Бу ўйинда болалар бештадан ўн бештагача бўлиб, ўртага болаларнинг биттаси калапўш (бош кийим)ни тикади ва болаларга калапўшни тептирмаслик учун қўриқлайди. Ўйин жараёнида калапўшни тепишга келган ўйинчига қўриқчи оёғини тегизса шу ўйинчи унинг ўрнига калапўшини тикишга мажбур бўлади. Болалар қўриқчи боланинг оёғини ўзларига тегиздирмай калапўшни ўртадан тепиб олиб кетсалар, то калапўшнинг эгаси етиб бориб, уни ўртадан

олгунча тепиб кетаверганлар. У бола калапўшни тепки остидан олиб, яна уни ўртага тикиб қўриқлайди. Ўйин шу тарзда давом этган.

Хулоса қилиб айтганда, Шўрчи аҳолиси маънавий маданияти минг йилликлар давомида туман ҳудудида истиқомат қилиб келган этносларнинг яшаган табиий-географик муҳит, уларнинг хўжалик фаолияти ва ижтимоий муносабатлари ҳамда бир қатор бошқа омиллари таъсирида минтақага хос тўй ва тўй маросимлари, анъанавий тақвимий маросимлар, шунингдек, миллий ўйинлар шаклланган.

## ШЎРЧИ ТУМАНИ ТАБИАТИ

Шўрчи тумани рельефи, асосан, текислик ва адирлардан иборат. Ўртача баландлик 400--700 м. Туман ҳудуди ўртасидан Сурхондарё оқиб ўтади (туман ҳудудидаги узунлиги 25 км). Дарё қайирида мавжуд бўлган Оқтумшуқ, Шалдироқ каби тўқайлар қуритилиб, деҳқончилик учун ўзлаштирилиб, Боботоғнинг адир ва тоғ зонасида нефть, газ ва фосфорит конлари топилган. Иқлими қуруқ, типик субтропик иқлим. Йиллик ўртача температура 15°, январники 2,6°. Энг паст температура 25°. Июлнинг ўртача температураси 29°, энг юқори температура 46°. Йилига 240--260 мм ёғин тушади. Вегетация даври 230 кун. Баъзан кучли шамоллар эсади. Тупроғи ўтлоқи ва бўз тупроқ, текисликда оч ва типик бўз тупроқ, дарё қайирларида ўтлоқ ва ўтлоқ- ботқоқ тупроқлар, тоғ олди ва тоғларда типик ва тўқ бўз тупроқ, чимли қўнғир ва оч қўнғир тупроқлар тарқалган. Тоғларда эфемер- бошоқли ўсимликлар, баланд тоғларда ҳар хил ўсимликлар ўсади, дарахт ва буталардан: арча, ёввоий мевали дарахтлар, Боботоғда пистазорлар бор. Ҳисор бодоми, ёввоий узум, ёввоий анжир, чинор, хурмо, анзур пиёзи, тоғ райхони, наъматак, кийик ўтларга бой ҳудуддир. Шўрчидаги ўрмонзорлар ўзининг табиий жойлашуви билан уч хил минтақага бўлинади, арчазорлар минтақаси, баланд тоғ минтақасига, дашт минтақасига бўлинади. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, шўра, янтоқ, писта, тоғ райҳони, дўлана, равоч, алқор ва бошқа ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, жайран, каламуш, қўшоёқ, юмронқозиқ, кўрсичқон, жайра; тўқайларда

тўқай мушуги, қобон, чиябўри; қушлардан: майна, сўфитўрғай, каклик, кўршапалак, ғоз, ўрдак, турна; судралувчилардан ўқилон, геккон, кўзойнакли илон ва бошқалар бор.

Туман шимолдан Олтинсой, Сариосиё, жанубдан Қумқўрғон, шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Табиатининг рельефи асосан текислик ва адирлардан иборат. Туман шимолидаги Дегериз сув омбори 1952 йилда қурилган, туман ҳудудида сувсиз қуруқ сойлар кўп. Баҳорда Боботоғдан 70 км Файзова, 74 км Хўжакулсин, 68 км Арғамчи сойлар оқиб ўтади.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ШЎРЧИ ТУМАНИ

## САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Мустабид совет тузуми даврида Шўрчи саноат корхоналари ярим тайёр маҳсулотлар, яъни хомашёга дастлабки ишлов беришга ихтисослашган эди. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликка хос кўп укладли тизимнинг шаклланиши, қолаверса, республикамиз ҳукумати ва Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг ташаббуси билан вилоятда саноат корхоналарини кенг миқёсда барпо қилиш, саноатга чет эл инвестицияларини киритиш ҳамда шу орқали қўшма корхоналар, ўрта ва кичик корхоналарни шакллантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Шуни таъкидлаш жоизки Сурхондарё вилояти ўз саноатининг ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда республикада ўнинчи ўринда турар эди. Бундай қолоқликни бартараф этиш учун эса аниқ чора-тадбирлар белгилаш зарурияти пайдо бўлди.

Шўрчи туманида истиқлол йилларида саноатда олиб борилган ислоҳотлар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади: саноатда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш ишлари олиб борилди ҳамда бозорга сифатли ва харидоргир маҳсулотлар етказиб бериш имконияти кенгайди. Бунда бирорта ҳам зарар билан ишлайдиган ёки иқтисодий ночор корхоналар бўлмаслиги эътиборга олинди. Ишлаб чиқаришда рақобат муҳитини

яратишга ҳаракат қилинди. Мустақиллик йилларида Шўрчи туманида саноат ишлаб чиқарилиши жадал ривожланиб, катта натижаларга эришилди.

Туман саноат корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1991 йилда 112,4 фоиз, 1995 йилда 101,4 фоиз, 2000 йилда 101,2 фоизни, 2002 йилда 103,4 фоизни ташкил этган. 1991 йиддан эътиборан Шўрчи дон маҳсулотлари корхонасининг қуввати янада ошиб, ун ва омихта ем ишлаб чиқариш кўпайди. 1994 йилда 133 минг тонна ун, 571 минг 956 тонна омихта ем, 319 тонна макарон ишлаб чиқарилди. Корхонада тайёрланган ун Сурхондарё вилояти туманлари, қўшни Тожикистон Республикаси аҳолисига сотилди.

Мустақилликка эришгач туман пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола сифатига алоҳида эътибор берила бошланди. Чунки Иттифоқ даврида тола қаерга, қанчадан сотилишини фақат Москва ҳал қиларди, энди бу масалани ҳар бир корхонанинг ўзи ҳал қила бошлади. Маҳсулотнинг жаҳон бозорида харидоргир ва сифатли бўлиши учун ҳаракат бошланди. Масалан, 1993 йилда ишлаб чиқарилган толанинг 82,5 фоизи сифат белгиси талабига жавоб берган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 94,2 фоизни ташкил этди. Момиқнинг 98,6 фоизи Давлат стандарти талабларига жавоб берди ва йил мобайнида 10,9 млн. сўм фойда олинди. Бу кўрсаткич натижасида 1993 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ўсишга эришиди. Шу йили Шўрчи пахта тозалаш заводи жамоаси яхши натижаларга эришиб, заводда нотўқима материал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, янги цех 1993 йилда 90,3 минг погон метр мато ишлаб чиқди. Бу эса заводга ишлаб чиқарилаётган пахта тойларини ўровчи материалларга бўлган талабнинг бир қисмини қондириш имконини берди.

Сурхондарё «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси корхоналари жамоалари иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ёндашган ҳолда жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар 1994 йилда 131,6 минг тонна тола ва 6723 минг тонна пахта ишлаб чиқардилар, натижада салкам 11 млн. сўм фойда олиниб, бу соҳада 1993 йилга нисбатан 11 баробар ўсишга

эришилди. Туман пахта тозалаш заводи саноати бирлашмаси раҳбар ва мутахассислари тайёрланаётган тола сифатини янада ошириш мақсадида туманлардаги пахта тозалаш заводини янги асбоб -- ускуналар билан жиҳозлашни йўлга қуйдилар. Шўрчи пахта тозалаш заводида толанинг пишиқлигини ва унинг узилиш кучини яхшилаш мақсадида толани ҳўллайдиган махсус ускуналар ўрнатилди. Натижада заводда тайёрланган толанинг пишиқлиги оширилиб, унинг узилиши 20 фоизга камайди.

Шўрчида рўйхатга олинган хўжалик объектлари 2000 йил 1 январдаги ҳолатига кўра, жами корхоналар сони 844 та, давлат корхоналари сони 72 та, хусусий корхоналар 272 та, фермер хўжаликлари 293 та, кооперативлар 9 та, ижарачи корхоналар 2 та, жамоа хўжаликлари 15 та, ҳиссадорлик жамиятлари 44 та, жамоатчилик ташкилотлари 52 та, қўшма корхоналар 2 та, бошқа хўжалик тармоқлари 65 тани ташкил этди.

Шўрчида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар 2002 йил 1 январ ҳолатига кўра, жами корхоналар 1049 та, давлат корхоналари 137 та, хусусий корхоналар 292 та, жамоа ташкилотлари 69 та, фермер хўжаликлари 381 та, кооперативлар ширкат қишлоқ хўжалик корхоналари 16 та, ҳиссадорлик жамиятлари 41 та, жамоатчилик ташкилотлари 50 та, қўшма корхоналар 1 та, бошқалар 62 тани ташкил этди. 2003 йилда 1 январ ҳолатига кўра, жами корхоналар 1128 та, давлат корхоналари 136 та, хусусий корхоналар 289 та, жамоа ташкилотлари 19 та, фермер хўжаликлари 489 та, кооперативлар ширкат қишлоқ хўжаликлари 15 та, ҳиссадорлик жамиятлари 36 та, жамоатчилик ташкилотлари 59 та, қўшма корхоналар 1 та, бошқа хўжалик тармоқлари 84 тани ташкил этди..

2004 йилда туманда жами 1260 та корхона, ташкилот, ширкат хўжалиги ва фермерлар уюшмаси, кичик ва хусусий корхона хамда фирмалар бўлиб, 2003 йилда 93 та маҳаллий саноат корхоналари томонидан туман бўйича жами 7700 тонна пахта толаси, 7534 тонна чигит, 406 тонна момиқ, 45 минг 800 тонна олий навли, 30 минг 465 тонна 1-навли, 772 тонна «Ўзбекистон» навли ун, 11 минг 632 тонна омихта ем, 28 тонна макарон, 5 миллион 264 минг дона пишиқ ғишт ишлаб

чиқарган. Тумандаги саноат корхоналари жами 16 миллиард 532 миллион 275 минг сўмлик, жумладан, 12 миллиард 195 миллион 523 минг сўмлик халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарди. Туманда 2005 йилда 2004 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг 25,7 фоизи саноатга сарфланиб, туманида 2 та асосий саноат корхонаси мавжуд бўлиб, туман саноатида пахта тозалаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати алоҳида аҳамиятга эга.

Ш.Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари корхонасининг ишлаб чиқариш цехлари қайта қурилиб, чет элдан келтирилган янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 2005 йилнинг ёзида янги цехлар қуриш ҳамда замонавий ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш учун 1 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 2005 йилда туманда ялпи ички маҳсулотнинг 41,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,3 бирликка ўсиши кузатилди.

Туманда хусусийлаштириш дастурига киритилган корхона ва объектлар тўлалигича баҳоланиб, хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан 79 млн сўм маблағ туширилиб, режа 100,7 фоизга бажарилди. 2005 йил 17 август куни Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида ихтиёрида ташкил этилган қўшма корхона полипропилен халталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кичик қўшма корхонани ишга тушуриш учун 387 миллион сўм маблағ сарфланди. Хитой технологияси асосида фаолият кўрсатадиган янги қўшма корхонада 60 нафар киши хизмат қилиб, кунига 10-15 минг, бир йилда 5-6 миллион полипропилен халта тайёрланди. Шунигдек, дон корхонаси қошида яна бир дон саралаш корхонаси ишга туширилиб, ушбу корхонага Германия технологик ускуналари ўрнатилиб, янги корхонада соатига 10 тонна уруғлик буғдой сараланди.

Жамият ишчилари ва муҳандис-техник ходимлари 2005 йилда 136 минг 200 тонна буғдой қайта ишлаб, 19 миллиард 877 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Полипропилен халта ишлаб чиқариш цехида 1

миллион 32 минг 600 дона қоп ёки 137 миллион 655 минг сўмлик маҳсулот **та**йёрланди. 2005 йилда ҳиссадорлик жамияти истеъмолчиларга 102 минг 830 тонна ун, 33 минг тонна кепак, 16 минг 995 тонна омихта ем сотиб, хорижий давлатларга 46 минг 629 тонна ун, 25 минг 802 тонна буғдой экспорт қилди. 2004 йилга нисбатан корхонанинг умумий маҳсулоти 1 миллиард 162 миллион 713 минг сўмдан ортиқ бўлди.

Туманда «Дон маҳсулотлар», «Шўрчипахта» акциядорлик жамиятлари, босмахона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси, «Шўрчимебель» компанияси, МТП, пиллакашлик фабрикаси, 2 та нон ёпиш корхонаси, «Истиқлол» пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқалар фаолият кўрсатади. Йирик элеватор ва 2 та ун тегирмони ишлайди.

Корхона маъмурияти ишчи-хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш масаласига алоҳида аҳамият бериб, жаҳон андозаларига мос тарзда бунёд этилган спорт мажмуаси учун 140 миллион сўм маблағ харажат қилиб, бу мажмуада бир вақтнинг ўзида 100 нафар ишчи-хизматчи спорт турлари бўйича машғулот ўтказадиган спорт иншоотига эга бўлди. Шўрчи дон маҳсулотлари акциядорлик жамиятининг амалий ёрдами туфайли Кенжа Алиев номли 21-ўрта мактаб биноси мукаммал таъмирланиб, табиий газ билан таъминланиб, «Ҳожибобо» қабристонида икки гумбазли мақбара қад кўтарди ҳамда йўлга афсальт ётқизилди. Ҳар йили Наврўз, Мустақиллик ва Янги йил муносабати билан корхона фахрийлари, илғор ишчи-хизматчилар, келин-куёвлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб, эсдалик совғалари, сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига бепул йўлланма берилиб, муҳтож оилаларга якиндан ёрдам кўрсатилди. Инсон омилига эътибор иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишда катта аҳамият касб этди. Шўрчи дон махсулотлари корхонасида Абдимурод Ҳусанов, Эркин Қурбонов, Омон Бекназаров, Омон Чутов директор бўлган йилларда корхонада 800-1000 нафар киши мехнат килиб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ун ва омихта ем сифати яхшиланди. Комбинат қошидаги ёрдамчи хўжалик ишчи-хизматчилар учун арзон ёки бепул гўшт, сут ва асал етказиб берилди. Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси қошида ташкил этилган

«Бунёдкор» кичик корхонаси терини қайта ишлашга ихтисослашиб, 266-механизациялашган Кўчма жамланманинг Х.Чориев бошлиқ қурувчилари терини ошлаш цехи ва бичиш-тикиш бўлими биноларини қуриб битказди. Цехда 10 дан кўпроқ дастгоҳ ва мосламалар ўрнатилди, кейинчалик кичик корхона масъулияти чекланган хусусий корхонага айлантирилди.

Шўрчи туманида 1995 йилда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари. 1991 йил корхоналар сони 3 та, ишловчилар сони 86 та, 1995 йил корхоналар сони 160 та, ишловчилар сони 949 та, 1997 йил корхоналар сони 269 та, ишловчилар сони 879 та, 2000 йил корхоналар сони 92 та, ишловчилар сони 510 та, корхоналар сони 88 та, ишловчилар сони 424 та, 2002 йил корхоналар сони 104 та, ишловчилар сони 446 тани ташкил этди.. Шўрчи туманининг 1997 йил 1 январда жами корхоналар 629 бўлиб, шундан, давлат корхоналари 110 та, хусусий корхоналар 286 та, деҳқон хўжаликлари 134 та, капиративлар 3 та, ижара корхоналари 2 та, жами хўжаликлар 15 та, хиссадорлик жамиятлари 31 та, жамоатчи ташкилотчилар 16 та, қўшма корхоналар 3 та ва бошқалари 14 тани ташкил этди.

Шўрчи туманида 1980 йилда ташкил этилган йирик ун заводи 1991 йилда дастгоҳларнинг бир маромда узликсиз ишлаши туфайли технологик жиҳатдан эскиришига олиб келди. Шу сабабли эҳтиёт қисмлар Россиядан келтирилиб, корхона ўз имкониятларидан келиб чиқиб, шартномада кўрсатилган эҳтиёт қисмлар ва керакли дастгоҳларнинг ярмини олишга муваффақ бўлди. Натижада корхона 1994 йилда 133 минг тоннадан кўпроқ ун ишлаб чиқариб,омухта ем ишлаб чиқариш 5 минг 459 тоннага етказилди. Макарон тайёрлаш ҳажми 1993 йилга нисбатан бир ярим баробар кўпайиб, 1998 йилга келиб Швейцариядаги «Бюллер» фирмасининг лицензияси асосида Россияда ишлаб чиқарилган янги техникалар, асбоб-ускуналар олиб келиниб, корхонанинг олти қаватли тегирмони республикада биринчи бўлиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Янги технологиялар билан жиҳозланган, бир кеча кундузда 600 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмонлар автомат тарзда бошқарила бошланди.

Таъмирлаш ишлари учун 280 миллион сўм жамият захираси ҳисобидан маблағ сарфланиб, 2003 йилга келиб корхонада салкам саккиз юз нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилган «Шўрчидон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти 2003 йил 3 миллиард 302,4 миллион сўмдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. 2003 йилда 21596 тонна, жумладан, салкам 1915 минг тонна биринчи навли, 772 тонна «Ўзбекистон» навли ун, 259 тонна макарон уни ишлаб чиқарди. Бундан ташқари салкам 9 минг тонна чорвачиликнинг асосий озуқаси ҳисобланган омухта ем, 6500 тоннадан зиёдроқ кепак тайёрлади. Корхона ўз маҳсулотини жаҳон бозорига чиқариб сотиш имкониятига эга бўлиб, 2003 йил май ойидан бошлаб сифатли ун маҳсулотларини қўшни Афғонистон Ислом Республикасига экспорт қила бошлади. Корхона 2003 йил август ойигача 8772 тонна унни экспорт қилиш туфайли 1 млн 21.370 АҚШ доллари миқдорида даромадга эга бўлди. Корхона бозор иқтисодиётига мослаша бориб бу ерда макарон, қандолатчиллик, нон-булка маҳсулотлари, тикувчилик буюмлари сингари турли йўналишларда маҳсулот ишлаб чиқариб 110 миллион сўм соф фойда олди.

Мустақиллик йилларида корхоналарни янги техника, технология билан жиҳозлаш билан бир қаторда кўплаб янги цеҳлар ҳам фойдаланишга топширилди. Шўрчи вино пункти 1993 йилгача маҳсулот тайёрлайдиган корхона сифатида фаолият кўрсатган бўлса, энди эса пункт қошида вино қуядиган ва қопқоқлайдиган корхона бунёд этилди. Бу корхона ташкил этилганидан бошлаб, йилига ўртача миллион шишадан ортиқ вино қадоқлади.

Шўрчи қишлоқларида тегирмонлар қурилаётган бир паллада шаҳар аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида янги нон корхонаси қурилиб ишга туширила бошлади. Германия Республикасининг «Венклер» фирмасидан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилган «Сурхондон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш давлат хиссадорлик уюшмаси тасарруфидаги бир кеча кундузда 5 тоннагача ҳар-хил нон

маҳсулотлари тайёрлаб берган янги нон корхонаси Шўрчи тумани марказида қурилиб ишга туширилди.

Шароф Рашидов номидаги «Шўрчи дон маҳсулотлари» хиссадорлик жамиятида 1997 йилда катта хажмдаги қайта жиҳозлаш ишлари бажарилиб, 284 миллион 978 минг сўм сарфланди. Ун комбинатида Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида ишлайдиган 24 та асбоб-ускуна ўрнатилди. 1998 йилда «Шўрчи дон маҳсулотлари» хиссадорлик жамиятида қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилиб, Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида тайёрланган дон майдалайдиган 24 та асбоб-ускуна келтирилиб ўрнатилиши натижасида корхонада иш самарадорлигини ошириди. Тегирмондан чиқарилаётган уннинг 78 фоизини биринчи нав, 40 фоизини олий нав қилиб чиқариш имкониятига эришилди, корхонанинг қуввати кунига 220 тонна донни унга айлантиришга етказилди.

Сурхондарё вилоятида нефть маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги технологиядан кенг фойдаланиб, Олтинсой туманидаги Миршоди нефт конида Шўрчи эстакадаси ишга туширилиб, ўртача ҳар куни 200 тонна нефть хом – ашёси темир йўл орқали Бухоро ва Фарғонага етказиб берилди. «Миршоди» нефть конининг «Толли» ширкат хўжалигидаги Шўрчи эстакадаси ишга туширилгач, ҳар куни 200 тонна қора олтин автомашина ва темир йўл транспорти орқали нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб берилди. «Азвест-Экспресс» Ўзбекистон-Югославия қўшма корхонаси 1991 йил 19 сентябрида Шўрчи туман ҳокимлигида рўйхатга олиниб, корхона низом жамғармаси 136 минг АҚШ доллари бўлиб, шундан 66,6 минг АҚШ доллари ёки 49 фоизи Югославия улуши, 69,4 минг АҚШ доллари ёки 51 фоизи Ўзбекистон улушидир. Низом жамғармаси жами 21 миллион 7 минг сўм, жумладан, 10 миллион 293 минг сўми Югославия, 10 миллион 741 минг сўми Ўзбекистонга тегишлидир. Қўшма корхона бошлиғи Гулнора Холхўжаева пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик ускуналарни ўрнатиб, 2003 йилда 24 киши 430 жуфт пойабзал, 542 комплект чойшаб, 48 та мактаб сумкаси, 10 жуфт кирза этик, 14 жуфт қўлқоп, жами 4

миллион 833 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 7 миллион 636 минг сўмлик маҳсулот харидорларга сотилиб, ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 25 минг сўмга тўғри келди.

Шўрчи пахта тозалаш заводи қошида пиллани қайта ишловчи цех ишга туширилди. Ҳар томонлама қулай бинода ўрнатилган «КС-10» маркали дастгоҳлар ишчи қизларнинг малакасини оширишда жуда қўл келди. 1996 йилда Шўрчи туманида «Бобоқул» хусусий кичик корхонаси иш бошлаб, хусусий кичик корхона бир кеча-кундузда 25 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмонни ишга туширди. Бундан ташқари бу корхонада бир кеча-кундузда 4 тоннага яқин сифатли мой ишлаб чиқарилди. 1998 йилда Шўрчи туманидаги пахтани қайта тайёрлаш заводида чигитни туксизлантирадиган цехлар қурилди. «Сурхон-чигит» қўшма цехи ишга туширилди, мазкур цехларда замонавий жиҳозлар ўрнатилганлиги учун 500 тонна чигитни туксизлантириш қувватига эга бўлди. Момиқнинг 98,6 фоизи Давлат стандарти талабларига жавоб бериб, 10,9 миллион сўм фойда олинди ва 1993 йилга нисбатан қарийб ўн бир баробар ўсишга эришилди.. Бу эса заводда чиқарилаётган пахта тойларини ўровчи материалларга бўлган талабни қондириш имконини берди. Шўрчи туманида жойлашган Ғишт заводи очиқ турдаги хиссадорлик жамиятига тадбиркор Исмоилхон Насимов етакчилик қилди. 3 та пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган цехни бирлаштирган заводда 1999 йилда кунига 15-20 мингга яқин пишиқ ғишт, йил давомида эса 8 миллион 100 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилди. Қиш мавсумида кунига 25-25 минг дона ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, ёзда бу рақам 30-40 мингни ташкил этди.

Саноат махсулотлари ишлаб чиқариш туманда 1999 йил 756,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб 8287,9 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари қондирилди. Туманда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш 1999 йилда 55034 миллион сўмни, 2000 йилда 59624 миллион сўмни ташкил этди. Энг муҳими халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал ривожланиб, 1999 йил 6451,5

миллион сўмлик, 2000 йилда 6859,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб, 2003 йилда 17920,3 ва 2004 йилда 29872 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ўртача аҳоли жон бошига ҳаракатдаги нархларда 2003 йилда 121083, 2004 йилда 197827 сўмлик, солиштирма нархларда 2003 йил 134060, 2004 йилда 1800273 сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Энг муҳими туманда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2003 йилда 14306,6, 2004 йилда 23896,8 миллион сўмлик, жумладан , аҳоли жон бошига 2003 йилда 96666, 2004 йилда 158257 сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати қошидаги «Бунёдкор» кичик корхонаси негизида «Темур Малик» хусусий корхонаси ташкил этилиб, бир йилда 80 минг қўй-эчки ва қорамол терисини қайта ишлай оладиган цехлар ҳамда 120 нафар ишчи меҳнат қилиши мўлжалланган тикиш-бичиш бўлими фаолияти учун 15 миллион сўм кредит ажратилди. Тадбиркор Амир Қулматов бошлиқ «Темур Малик» хусусий корхонаси эркаклар ва аёлларнинг турли пойабзали, болаларнинг бош кийимлари ва ўйинчоқлари, эркаклар камари, двигатель тасмалари каби 15 хил буюмларни ишлаб чиқарди. Корхона 2004 йил 10 миллион сўмлик чарм маҳсулотларини тайёрлаб, вилоят аҳолиси теридан тикилган почапўстин, пойабзал сингари молларни савдо дўконларига чиқарди..

Шўрчи мебель фабрикаси 2003 йилда 250 та шкаф, 220 та стол, 240 та стул тайёрлаган. Шунингдек, Т. Рўзиматов номли хусусий мебель фабрикаси бошлиғи Маматқул Жўраев корхонда ишлаб чиқарган маҳсулот турларини кўпайитириб, маҳсуло сифатини мунтазам яхшилади. 2005-2006 йилларда тадбиркор ва ишбилармонларга мамлакатимизда яратилаётган қулайлик ва эътибор туфайли тадбиркорлик субъектларини ташкил этилиб, 220 та юридик мақомга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари янгидан ташкил этилди. 2006 йилда туманда, жами 1583 та тадбиркорни “Маҳаллийлаштириш дастури” асосида тумандаги «Темур Малик» хусусий кичик корхонасида маҳаллий

тери хом ашёсидан ҳар хил турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қурилиши тугалланмаган ип йигирув ва трикотаж фабрикаси, «Шўрчи пилла» масъулияти чекланган жамияти қошида пиллани қайта ишлаш ва калава ип ишлаб чиқарувчи корхонаси ҳамда «Шўрчи мебель» ИЧТФда безакли ғишт, «Мирзо Эсон» хусусий фирмаси томонидан шифер маҳсулотлари объектларини тўлиқ ишга туширилди. «Шўрчи дон маҳсулотлари» Ҳиссадорлик жамияти томонидан 10313,7 минг, «Шўрчи пахта» очиқ турдаги Ҳиссадорлик жамияти томонидан 6937,4 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Туманда фаолият юритаётган «Азвест Экспресс» қўшма корхонасида 31 млн. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди. 2006 йилда 8 миллиард 963,5 миллион сўм миқдоридаги инвестиция жалб қилиниб, 2005 йилга нисбатан 7,1 фоизга ўсишга эришилди.

Шўрчи туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш янги технология асосида ташкил этилиб, саноат маҳсулотларини турлари йилдан-йилга ошиб бориб аҳолини талаб эҳтиёжлари ҳисобга олиниб , давлат режаси мунтазам бажарилиб борилди. Туманда 2010 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий турлар бўйича 66358,3 миллилн сўмлик, ёрдамчи саноат маҳсулотлари 912,7 миллион сўмлик, фирма ва кичик корхоналар 3000,9 миллион сўмлик, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар 4452,8 миллион сўмлик, жами туман бўйича 74751,7 миллон сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўртача аҳоли жон бошига 446177,6 сўмлик маҳсулот туғри келди. Шуни алоҳда таъкидлаш зарурки, туманда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ҳам эътибор кучайиб, енгил саноат маҳсулотлари таъминоти яхшиланди 2010 йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш асосий саноат соҳасида 42466,2 миллион сўмлик, ёрдамчи саноат 200,5 миллон сўмлик , фирма ва кичик корхоналар 1302,1 миллион сўмлик, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиб 4425,8 миллион сўмлик ишлаб чиқарилган. Энг муҳими туман бўйича жами 48421,6 миллион сўмлик халқ истеъмол моллар ўртача туман аҳолиси жон бошига

ҳисоблаганда 289019 сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Кичик безнис корхоналар сони Шўрчи туманида 1991 йилда 3 та бўлиб, ушбу корхоналарда ишловчилар сони 86 кишини ташкил этди. Бу корхоналар 1992 йилга келиб 31 тани ташкил этиб, ишловчилар сони 589 кишига етди. Кичик безнес корхоналари 1993 йилда 46та бўлиб, ишловчилар сони 597 тага етди. 1994 йил корхоналар сони 52 та бўлиб, ишловчилар сони 598тага, 1995 йил корхоналар сони 16 тага етиб,. ишловчилар сони 949 тани, 1996 йил корхоналар сони 281 бўлиб, ишловчилар сони 1113 кишини ташкил қилди.

Меҳнат бозорининг вужудга келиши натижасида аҳолининг иш билан банд бўлган қисми Шўрчи туманида 1991 йил 41,3, 1992 йил 42,5, 1993 йил 42,0, 1994 йил 39,0, 1995йил 39,7, 1996 йил 46,8, 1997йил 48,0. 1998 йил 48,2. 1999йил 48,4, 2000 йил 49,5. 2001 йил 49,8,2002 йил 50,6 минг кишини ташкил этиб, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар амалга ошрилди. Шўрчи туманида 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни бориши амалга оширилган ишлар борасида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан хусусий тармоқ, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизматлар кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳаларда ютуқларга эришилди. Яъни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 113,4, халқ истеъмол моллари 105,9, капитал қурилиш 107,1, юк ташиш 143,5, аҳолига пуллик хизмат 111,6, маиший хизмат кўрсатиш 107,5 фоизга бажарилди. Туманда 2005 йилда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратилиб, аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъий назар барча манбалар ҳисобидан 2005 йилда 3027 та янги иш жойлари яратилди.

Аҳолининг талаб эҳтиёжларини қондириш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан бир қаторда марказ томониидан талаб қилинаётган пахта, ғалла ва пиллани етиштириш катта мехнат талаб қилиб, мустақиллик йилларида Шўрчи туманида бу соҳада катта натижаларга эришилди. 2005 йилда Шўрчида «Дон маҳсулотлари», «Шўрчи-пахта» акциядорлик жамиятлари, босмахона, МТП, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси,

«Шўрчимебель» компанияси, пиллакашлик фабрикаси, 2 нон заводи, «Истиқлол» пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси, республика миқёсидаги йирик элеватор, тегирмонлар, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар ишлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан туманга 2006 йилда Туркия, Хитой, Корея, Ўзбекистон давлатларининг сармоялари иштирокида умумий қиймати 7 млн АҚШ доллари турадиган ип йигирув ва тўқув фабрикасининг биринчи навбати учун Республика ҳукумати 4,5 млн АҚШ доллар маблағ сарфлади. 2006 йилда туманда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 30109,7 миллион сўмни ташкил этди.

2009 йилда туманда хўжалик юритувчи субъектлар 204 та бўлиб, шундан, жами корхоналар 27, кичик корхоналар 21, микрофирмалар 159 тани ташкил этди. Шўрчи туманида ижтимоий соҳага эътибор маълум ўзгаришларга эга бўлиб қуйидаги натижаларга эришди. 2009 йилда туманда 164 минг киши яшаб, шундан меҳнатга лаёқатлиси 87 минг, меҳнатга банд бўлган 63 минг, ишсизлар 12 минг, янги иш ўринларини яратилиши 494 киши бўлиб, ўртача ойлик иш ҳақи 37302 сўмни ташкил этди. Шўрчи туманини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш ва ислохотларнинг бориши бўйича 2009 йил январ-декабр холатига ясосий кўрсаткичлар тахлили 2009 йилда саноат тармоқларида ҳаракатдаги нархларда 6978 миллион сўмлик маҳсулотлар, шундан асосий саноат корхоналари бўйича 6196 миллион сўмлик, ёрдамчи саноат корхоналари 88 миллион, кичик корхоналар ва микрофирмалар 3907 миллион, якка тартибдаги корхоналар 3029 миллион, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 4474 миллион, халқ истеъмол моллари, 2688 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш туманда энг асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, 2009 йилда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари 44 млрд 748 млн 446 минг сўмга бажарилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил этди. Шўрчи туманида 2 та асосий саноат корхонаси мавжуд бўлиб, туман саноатида пахта тозалаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат

саноати алоҳида ўрин тутади. Саноат корхоналарининг 2009 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажми солиштирма нархларда 67 млрд 88 млн 649 минг сўмни ташкил этди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш туманда энг асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, 2009 йилда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари 44 млрд 748 млн 446 минг сўмга бажарилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил этди. Саноат корхоналарининг 2009 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажми солиштирма нархларда 67 млрд 88 млн 649 минг сўмни ташкил этди. 2012 йилда туманда саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 117,7 млрд сўмлик маҳсулотлар аҳоли кундалик эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилиб, истеъмол товарлари 77,2 млрд сўмни ташкил қилди. Шўрчи туманида нодавлат секторнинг саноат маҳсулотидаги улуши 100,0 фоизга етди.

2013 йилда туман халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва барқарорлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги мамлакатимиз Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси бўйича тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида иқтисодий-ижтимоий аҳвол ва барча тармоқлардаги устувор вазифаларнинг бажарилишида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Шўрчида «Дон маҳсулотлари», «Шўрчи-пахта» акциядорлик жамиятлари, босмахона, МТП, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси, «Шўрчимебель» компанияси, пиллакашлик фабрикаси, 2 нон заводи, «Истиқлол» пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси, республика миқёсидаги йирик элеватор, тегирмонлар, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар ишлади. Туманда 2013 йилда «Дон маҳсулотлар», «Шўрчипахта» акциядорлик жамиятлари, босмахона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси, «Шўрчимебель» компанияси, МТП, пиллакашлик фабрикаси, 2 та нон ёпиш корхонаси, «Истиқлол» пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси, йирик элеватор, 2 та ун тегирмони ишлади ва бошқалар фаолият кўрсатади. Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзининг сифат ва самарадорлиги билан мустаҳкамланиб, замонавий ишлаб чиқариш

технологияси билан жиҳозланди. Янги замонавий билим ва мутахассиликка эга бўлган ишчи-муҳандислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. 2013 йилнинг 9-ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 92,2 млрд сўмни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 55,3 млрд сўмни ташкил этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда асосий эътибор саноат корхоналарини хусусийлаштиришда миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, 1995 йилдан бошлаб хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичларига талаб кучайди. Бунда хусусийлаштирилган корхоналар, қандай шаклга кираётгани, улар нечоғлиқ самара бериб ишлаётгани ва иқтисодиётга қанчалик наф келтираётгани муҳим бўлиб қолди. 2013 йилга келиб, саноат маҳсулоти ҳажмининг 50 фоиздан кўпроғи нодавлат секторининг ҳиссасига тўғри келди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улуши кўпайди, уларнинг кўпчилиги рақобатбардошли бўлиб қолди. Буларнинг барчаси иқтисодиётга сармоя киритиш шароитининг яхши йщлга ыщйилган ва сармоя ҳажмининг кўпайганлигида экани сир эмас.

## Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик иқтисодиёт таянчи

Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда аграр соҳада катта ўзгаришлар қилиш долзарб масала эканлигини сезган Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистоннинг янги ҳукумати Марказ билан бўладиган муносабатларни ўзгартирмай туриб, ижобий силжишларга эришиб бўлмаслигини ва бунинг учун республиканинг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш зарурлигини тушуниб етди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1989 йил 15 августда “Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқароларнинг шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дастлаб иқтисодий ислоҳотларни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан бошлади. Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалишида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланиши

муҳим аҳамиятга эга эканлигини Ўзбекистон Репсубликаси Президенти И.А.Каримов қуйидагича таъкидлаган эди: «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш тарзини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш--хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Халқимизни боқадиган, озуқа берадиган--қишлоқ хўжалиги тармоғидир. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ўзининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олиш учун бир мунча қийин ҳолатларни бошидан кечирди. Чунки ишлаб чиқаришни бир тизимга солиб, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиб, давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, техника таъминоти соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга чек қўйиш муҳим масала эди. Мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳаққоний муносабатни шаклантириш бўлди. Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжаликдаги ислоҳотларнинг аҳамияти ниҳоят даражада юксак эканлиги ҳақида Президент И.А.Каримов тўхталиб: “Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта захиралар мавжуд уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериш мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қамраб олишга, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади”. Мустақилликнинг дастлабки йилларида туманда қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли ерга бўлган муносабат ижобий силжишга эга бўлиб, шахсий, хусусий, фермер хўжаликларининг ерга бўлган муносабати анча ошди. 1992 йилда «Ўзсельхозтехника» туман бирлашмаси негизида машина-трактор парки ва таъмирлаш заводи барпо этилди. Таъмирлаш заводида йилига пахта териш машинасининг 2800 та шпиндели таъмирланди.

Президент Ислом Каримовнинг 1991 йил 29 ноябрдан фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва республика ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармони[1] шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлди. 1992 йил Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонун эса катта аҳамият касб этди. Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йиллардаёқ: "Қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотларнинг кўпгина нуқсон-камчиликлари, хал этилмаган муаммолари ҳақида хулоса чиқариш ва шу масалалар бўйича замон талабларига мос келадиган, пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш вақти келди"[2] – дея уқтириб ўтган эди. Дарҳақиқат мустақиликнинг дастлабки йилларида Шўрчи туманининг «Г.Ниёзов» хўжаликлар негизида 1998 йилда 69 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат килиш учун иккита мини банк, тўртта ёнилғи қўйиш, тўртта кимёвий маҳсулотлар сотиш шахобчаси, тўртта муқобил МТП ва тўртта сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермерларда барча тоифадаги қишлоқ хўжалиги экинларининг экилган майдонлар Шўрчи туманида 1991 йилда 15682 гектар, 1995 йилда 15298 гектар, 1998 йилда 15769 гектар, 2000 йилда 15479 гектар, 2002 йилда эса 15126 гектарни ташкил этди. Экин майдонларини кенгайтириш ,донли экинларга купроқ эътибор бериш натижасида халқни озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжини қондиришга катта эътибор берилди. Шўрчи туманида кузги ва баҳорги буғдой майдони 1991 йилда 1260 гектар, 1995 йилда 5028 гектар, 1998 йилда 6149 гектар, 2000 йилда 6447 гектар, 2002 йилда эса 5885 гектардан иборат бўлиб ,янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Донли экинларга эътиборни купайиши натижасида маккажўхори етиштиришга эътибор кучайди. Шўрчи туманида маккажўхори учун майдон 1991 йилда 149 гектар,

[1] Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.448.
[2] Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи // Биздан озод ва обод Ватан қилсин. Т.2. – Т. 1996. – Б. 163.

1995 йилда 23 гектар, 1998 йилда 9 гектар, 2000 йилда 37 гектар, 2002 йилда эса 39 гектар бўлиб, маккажўхори экинлари ҳосилдорлиги ошиб борди..

Ўзбекистонда ғалла мустақиллига эришиш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонлари оишб борди. Шўрчи туманида дон экинлари экилган майдонлар 1991 йилда 2000 гектар, 1995 йилда 5625 гектар, 1998 йилда 6276 гектар, 2000 йилда 6338 гектар, 2002 йилда эса 6069 гектарни ташкил этиб, ҳосилдорликни ошриш учун агротехник имкониятлардан оммавий таризда фойдаланилди. Шўрчи туманида техник экинлар экилган майдон 1991 йилда 10731 гектар, 1995 йилда 8416 гектар, 1998 йилда 8574 гектар, 2000 йилда 7752 гектар, 2002 йилда эса 8287 гектардан иборат бўлиб, картошка, ер ёнғоқ, соя экинларини экишга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистонда пахтачиликка эътибор йилдан-йилга ошиб бориб, пахта ни экспорт қилишга алоҳида катта имкониятлар яратилиб, пахта майдонлари купаийб ҳосилдорлик ошиб борди. Шўрчи туманида пахта экилган майдон 1991 йилда 10708 гектар, 1995 йилда 8313 гектар, 1998 йилда 8472 гектар, 2000 йилда 7679 гектар, 2002 йилда эса 8276 гектарни ташкил қилиб, пахта экин майдонларининг бир қисми бошқа экин турларига ажратиб берилди. Шўрчи туманида ингичка толали пахта майдони 1991 йилда 10440 гектарни ташкил этиб, кейинги йилларда ингичка толали пахтани экиш деярли туманда тухтатилди.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермерларда экилган мевали боғзорларга эътибор фақат мустақиллик йилларида пайдо бўлиб йўқотилган боғ навларни ва мева турларини тиклаш учун янги хўжаликлар ташкил этилди. Натижада туманда мевачилик ва боғдорчилик хўжаликлари учун 1991 йилда 462 гектар, 1995 йилда 460 гектар, 1998 йилда 400 гектар, 2000 йилда 392 гектар, 2002 йилда эса 360 гектар ер майдонлари ажратилиб, ушбу хўжаликларнинг моддий техник- қуввати оширилиб, қўшимча маблағлар ажратилди..

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида туманда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш масаласига эътибор қаратилиб, донли маҳсулотларни етиштириш ишлари тўлиқ бажарилиди. Донли экин турларидан шоличиликка эътибор кучайди, шу сабабли туманда 1991 йилда 38,9 центнер, 1995 йилда 27,2 центнер, 1998 йилда 58,2 центнер, 2002 йилда 32,7 центнер шоли етиштирилди.

Қишлоқ хўжалик соҳасида мустақиллик йилларида катта натижаларга эришилиб, ишлаб чиқариш соҳасида маълум натижалар қўлга киритилди. Аҳолини аграр соҳага қизиқишининг асосий сабаби давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотларнинг амалий ютуғи бўлиб, шахсий таморқаларнинг берилиши, фермер хўжаликларга ажратилган имтиёзлар, моддий маблағларни банк томонидан мунтазам ажрати берилиши сабаб бўлди. Туманда дон етиштириш йилдан - йилга ошиб бориб, гектардан ҳосил олиш анча ўсганлигини қўйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 1347 тона дон, 1992 йил 3291 тонна дон, 1993 йил 6301 тонна дон, 1994 йил 7595тонна дон, 1995 йил 10728 тонна дон, 1996 йил 13359 тона дон, 1997 йил 15294 тонна дон, 1998 йил 15285 тонна дон, 1999 йил 10615 тонна дон, 2000 йил 12714 тонна дон, 2001 йил 17249 тонна дон, 2002 йил 18293 тонна дон етиштирилди ва давлатга сотилиши билан бирга ортиқча дон аҳолига бепул ёки хизмат ҳақи сифатида тақсимлаб берилди.

Туманда пахта ҳосилдорлиги ошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва мавжуд ерларга алоҳида ишлов бериш туфайли пахта етиштириш йилдан-йилга ошиб, давлат режаси мунтазам бажарилиб, янги ютуқларга эришилди. Хўжаликлар ва фермерлар мавжуд тажрибаларга таяниб, ҳосилдорликни ошириш билан бирга пишиқ пахта толасини етказиб беришга эътибор қаратганлиги туфайли давлатга пахта сотиш йилдан-йилга кўпайиб борганлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 34485 тонна пахта, 1992 йил 23153 тонна пахта, 1993 йил 31267 тонна пахта, 1994 йил 31280 тонна пахта, 1995 йил 31413 тонна пахта, 1996 йил 29444 тонна пахта, 1997 йил 23937 тонна пахта, 1998 йил 23620 тонна

пахта,1999 йил 24569 тонна пахта, 2000 йил 16539 тонна пахта, 2001 йил 21243 тонна пахта, 2002 йил 24732 тонна пахта тайёрланиб давлатга топширилди.

Қишлоқ хўжалик соҳасида катта тажрибага эга шўрчилик деҳқонлар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, хўжаликлар ва фермерлар томонидан деҳқончилик экинларининг ўртача ҳосилдорлигини ошириш бўйича алоҳида самарали меҳнат қилиб, ерни аграр техника ишловини ўз вақтида ўтказиш масаласида юқори тажриба мактабини яратдилар. Натижада, ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борганлигини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 34,4 ц/га дон, 1992 йил 28,0 ц/га дон, 1993 йил 31,2 ц/га, 1994 йил 28,3 ц/га, 1995 йил 29,1 ц/га, 1996 34,0 ц/га, 1997 йил 32,6 ц/га, 1998 йил 29,8 ц/га, 1999 йил 18,5 ц/га, 2000 йил 21,3 ц/га, 2001 йил 37,5 ц/га, 2002 йил 43,5 ц/га дон тайёрланиб давлатга топширилди ва ортиқча донлар аҳолига тақсимлаб берилди. Мустақиллик йилларида Шўрчи туманида қишлоқ хўжалигига эътибор ошиб, аграр соҳа ривожига катта эътибор берилиб, экин турлари кўпайиб, полиз маҳсулотларини етиштириш бўйича режалар бажарилиб, бозор сиёсатини ҳисобга олган ҳолда халқ талаб эҳтиёжи қондирилди. Бозор талаблари асосида полиз экинларига алоҳида майдонлар ажратилиб, маҳсулот етиштириш ошиб борди. Полиз маҳсулотларидан қовун, тарвуз ва ошкади етиштирадиган фермер хўжаликлар ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигининг полиз маҳсулотлари тайёрлаш билан боғлиқ ҳолатини қуйидаги манбалардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 2313 тонна, 1992 йил 2002 тонна, 1993 йил 1682 тонна, 1994 йил 1851 тонна, 1995 йил 1590 тонна, 1996 йил 1250 тонна, 1997 йил 1249 тонна, 1998 йил 1611 тонна, 1999 йил 542 тонна, 2000 йил 508 тонна, 2001 йил 121 тонна, 2002 йил 146 тонна полиз экинлари етиштирилиб давлатга сотилиб, аҳоли эҳтиёжлари қондирилди.

Туман қишлоқ хўжалигини асосий тармоқларидан бири узумчилик бўлиб, узум етиштириш бўйича катта тажриба яратган боғбонлар мактаби мавжуд. Шўрчи туманида мустақиллик йилларида узум экиш, янги узум

навларини яратиш бу соҳада саноатлашган навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласида салмоқли ишлар қилиниб, узум етиштириш ва давлатга сотиш бўйича алоҳида кўсатгичларга эришилганлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 3388 тонна, 1992 йил 3556 тонна, 1993 йил 3478 тонна, 1994 йил 3683 тонна, 1995 йил 3360 тонна, 1996 йил 4973 тонна, 1997 йил 3189 тонна, 1998 йил 1007 тонна, 1999 йил 1535 тонна, 2000 йил 2570 тонна, 2001 йил 1501 тонна, 2002 йил 1503 тонна узум тайёрланиб, давлат режаси бажарилиб, ортиқча узумлар аҳолига иш ҳақи ва қўшимча даромад сифатида тақсимлаб берилди.

Мустақиллик йилларида туманда ҳўл мева етиштиришга алоҳида эътибор берилганлиги туфайли янги боғлар яратилиб, янги навлар тикланиб боғдорчиликка эътибор кўрсатилиши натижасида ҳўл мева етиштириш йилдан-йилга кўпайиб, ерни мелоратив ҳолати яхшиланиб, янги ерлар ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилди, шунингдек, туманда ҳўл мевани етиштиришга катта эътибор берилганлигин қуйидаги манбалардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 1114 тонна, 1992 йил 11339 тонна, 1993 йил 1251 тонна, 1994 йил 1270 тонна, 1995 йил 1240 тонна, 1996 йил 1513 тонна, 1997 йил 1380 тонна, 1998 йил 1049 тонна, 1999 йил 1400 тонна, 2000 йил 1053 тонна, 2001 йил 741 тонна, 2002 йил 1273 тонна ҳўл мева етиштирилиб давлатга сотилди. Жумладан, Шўрчи туманида 1991 йил 33575 тонна ингичка толали пахта, 1992 йил 20734 тонна, 1993 йил 14543 тонна, 1994 йил 1721 тонна ингичка толали пахта тайёрланиб давлатга топширилди.

Ўзбекистонда аграр соҳани жадал ривожлантириш мақсадида “Агромашсервис”бирлашмаси,“Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг”, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниялари, Деҳқон-фермерлар уюшмаси вилоятлар бўлими каби янги тизимлар шаклланди. “Қишлоқхўжаликкимё” корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилди, шу тариқа қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бирлашмалар ва корхоналар янги мулкий

асосларда қайта ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўлиқ нодавлат секторида ишлаб чиқарила бошланди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда қисқача хулоса тарзида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мустақиллик йилларида республикамиз жанубий вилоятларида қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини етиштириб, юртдошларимизнинг дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшмоқдалар[3].

Деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати ўзгариб, улар ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорга сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида деҳқончилик ва боғдорчилик тўлиқ фермер хўжаликлари ихтиёрига берилди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкий тизим ва уларга хизмат кўрсатувчи бирлашмалар, бошқармалар ва корхоналар қайта ташкил этилди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислоҳотлар қишлоқ ҳаётини янгилади, деҳқон ва фермерларнинг меҳнатга муносабати, дунёқараши ўзгарди. Улар ернинг ҳақиқий эгасига, ўз меҳнати эвазига етиштирилган маҳсулотнинг хўжайинига айланди. Энг муҳими, Ўзбекистон халқи мамлакат тараққиёти бозор муносабатларига ўтишда эканлигини англаб етди. Жумладан, Шўрчи туманида ингичка толали пахта етиштириш 1991 йил 10440 гектар ингичка толали пахта, 1992 йил 8796 гектар, 1993 йил 5279 гектар, 1994 йил 618 гектар, 1997 йил 2336 гектарга майдонга ингичка тола пахта экилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахта тайёрлаш ва давлатга сотишга алоҳида эътибор берилиб, пахтачиликни ривожлантирилди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, янги пахта навларини яратиш ҳамда пахта хом ашёсини қайта ишлашга етарли миқдорда маблағлар ажратилди. Туманда пахта тайёрлаш йилдан-йилга ошиб

[3] Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши (Қашқадарё вилояти мисолида) Иқт. фан.ном. ...дисс. – Тошкент, 1999. – Б.160.

борганлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 10708 гектар пахта, 1992 йил 9800 гектар пахта, 1993 йил 10121 гектар пахта, 1994 йил 8899 гектар пахта, 1995 йил 8313 гектар пахта, 1996 йил 8336 гектар пахта, 1997 йил 8423 гектар пахта, 1998 йил 8472 гектар пахта, 1999 йил 8303 гектар пахта, 2000 йил 7679 гектар пахта, 2001 йил 8315 гектар пахта, 2002 йил 8276 гектар пахта майдонларига экин экилиб давлат режалари бажарилди. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (барча тоифадаги хўжаликларда) Шўрчи туманида 1991 йилда 6876 тонна, 1995 йилда 19399 тонна, 2000 йилда 19283 тонна, 2002 йилда эса 33727 тонна дон етиштирилди.

Туманида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланиб, 2003 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 49,2 фоизи халқ хўжалигида, меҳнат қилаётган фуқароларнинг 28,5 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, қишлоқ хужалик ишларига сафарбар этилди. Шўрчи туманидаги 57 минг 187 гектар майдоннинг 18 минг 717 гектари суғориладиган ер бўлса, 38 минг 470 гектари яйловлардир. 2003 йилда 8003 гектар ерга чигит экилиб, 31,8 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Давлатга 25 минг 468 тонна пахта топширилиб, 2003 йили 7161 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45,9 центнер бошоқли дон ҳосили йиғиб олиниб, давлат хазинасига 16 минг 799 тонна ғалла сотилди. 2004 йил туман бўйича 13 та ширкат хўжалиги, 549 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган. 2007 йилда сўнгги 3 та ширкат фермерлар уюшмасига айлантирилди. 2004 йилда тумандаги жами 752 та трактор, шу жумладан, 180 та чопиқ трактори, 162 та юк автомашинаси, машина-трактор паркида 43 та ҳайдов трактори, жумладан, 9 та «Магнум» трактори, 15 та ғалла комбайни, шундан 8 та «Кейс» русумли комбайн мўл ҳосил етиштиришда ва уни йиғиб-териб олиш ҳамда ташишда хизмат қилган. Савдо ташкилотлари 2003 йилда аҳолига 18 миллиард 976 миллион 276 минг сўмлик хизмат кўрсатиб, туман аҳолисига 1 миллиард 294 миллион 739 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатилган.

Шўрчи тумани халқ хўжалигининг барча тармоқларида муайян муваффақиятлар қўлга киритилиб, 2004-2005 йилларда Шўрчи тумани меҳнаткашлари пилла ва ғалла тайёрлаш юзасидан белгиланган шартномавий режаларни ошиғи билан бажариб, 2005 йилда туман деҳқонлари 25,2 минг тонна пахтани давлатга топширдилар.Туманда 2004 йилда қишлоқ хўжалиги комплекс ривожланиб, асосан, пахта, ғалла, шунингдек, мева ва узум етиштирилди. Сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик режа асосида таррақий этиб, ем-хашак экинлари экилди.

Туманда ғалла ишлаб чиқариш йилдан- йилга ошиб, 2000 йилда 17149 тонна ғалла тайёрланиб, давлатга сотилиб, шундан 500 тоннаси уруғчилик учун ажратиб олинди. Туманда қишлоқ хужалиги етакчи тармоқлардан бири бўлиб, пахта, дон ва полиз- савзавот экинларига эътибор кўчайди. Натижада туманда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш йилдан –йилга ошиб, 2003 йилда 4859 тонна гушт, 23731 тонна сут, 5261 миллион дона тухум, 2004 йилда 5955 тонна гушт, 23829 тонна сут,5456 миллион дона тухум давлатга топширилиб, халқ талаб эҳтиёжлари таъминланди.Чорвачилик соҳасини жадал ривожланиши натижасида аҳолини турмуш даражаси яхшиланиб, озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжлари бажарилди. Туманда чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан- йилга ошиб борганлигини қўйидаги рақамлардан билиш мумкин, 2003 йилда39383 бош қаро мол, шу жумладан 19279 бош сигир, 64404 бош қуй-эчки, 71,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, аҳолининг гўшт ва сутга бўлган талаблари қондирилди.

Мустақиллик йилларида Шўрчи туман ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиб, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи яхшиланди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилиб, иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилди. Ишбилармон ва тадбиркорлар, фермер хўжаликлари сони ортиб, жумладан, 2005 йилда 791 та фермер хўжалиги ташкил топиб, улар қишлоқ хўжалигининг асосий бўғинига айланди. Йилдан-йилга туманнинг иқтисодий салоҳияти ошиб, жумладан, 2005 йил якуни бўйича ғалладан олинган пул

даромади 2 млрд 779 млн сўмни ташкил этди, олинган соф фойда эса 460 млн 900 минг сўмни ташкил қилиб, рентабеллик даражаси 20 фоизни ташкил қилди. Жумладан: Ж Хўжамиёров номли фермерлар уюшмасига қарашли “Ишонч” фермер хўжалиги 2005 йил якуни бўйича 32 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан, “Бўронбобо ўғли” фермер хўжалиги эса 151 гектар ғалла майдонидан 60 центнердан ҳосил етиштириб, ишлаб чиқариш режасини 845 тоннага бажарди.

Туманда 2005 йилда пахтадан олинадиган пул даромади 6 млрд 733 минг сўмни ташкил этди, соф фойда эса 777 млн сўмдан ошиб, моддий фаровонлик учун маблағлар ажратиш купайди. Тумандаги дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида 896 нафар ишчи фаолият кўрсатиб, 2005 йилда 138,0 минг тонна буғдой қайта ишланиб, 105,0 минг тонна ун ишлаб чиқарилди. Самарадорлик 8 фоизга ўсди. Экспорт 46,6 тонна ун, 28,8 минг тонна буғдой Афғонистон ва Тожикистон Республикасига экспорт қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми 19 млрд 765 сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириғи билан туманда 2006 йилда Туркия, Хитой, Корея, Ўзбекистон давлатларининг сармоялари иштирокида умумий қиймати 7 млн АҚШ доллор турадиган ип йигирув ва тикув фабрикасининг биринчи навбати учун маблағ ажратилиб, фабрикани 2009 йилда ишга туширилиб, 1500 та ишчи ўрин яратилиб, йилига 3,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Туманда 2005 йилда 2004 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланди. 2006 йил фермер хўжаликларида мева ва узум маҳсулотларини етиштириш 10,5 баробарга кўпайтирилди. Шахсий томорқа хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулотлари 2,3 баробарга ошди, шунингдек, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,8 фоизга ўсди. 2009 йилда Агросаноат мажмуасининг етакчи соҳаси-қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодининг асосий негизидир. Аграр соҳадаги ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бири соҳа иқтисодиётини эркинлаштириш ва барқарорлаштириш орқали иқтисодий

ўсишга эришиш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолининг фаравон турмуш кечиришини таъминлашдир.

Туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди. 2009 йилда туманда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархда 69917,4 млн.сўм , жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 35,0 млн. сўм, фермер хўжаликлари томонидан 26185 млн. сўм, деҳқон хўжаликлари томонидан 43697,4 млн. сўмни ташкил этиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма нархда 116,7 фоизни ташкил этди. Жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 42675,1 млн. сўмни (61,0 %) деҳқончилик ва 27242,3 млн.сўмни (39,0 %) чорвачилик маҳсулотлари ташкил этди.

2009 йилда 40313 тонна бошоқли дон ишлаб чиқарилиб, шундан 17571 тоннаси давлатга сотилиб, олинган ҳосилдан давлатга пахта хом-ашёси етказиб бериш учун 24118 тоннага хўжалик субъектлари билан контрактация шартномалари тузилиб, 24118 тонна пахта хом-ашёси давлатга топширилди. 2009 йилда деҳқон хўжаликлари билан биргаликда 12209 тонна картошка ишлаб чиқарилиб, шундан 61,0 тоннаси умумий секторда, 12148 тоннаси деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилиб, 2008 йилга нисбатан туман бўйича 220 тонна картошка кўп ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш 2008 йилнинг шу даврига нисбатан барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига 5673 тоннага кўпайди, яъни 2009 йилда 35011 тоннага етказилди, шундан 14877 тоннаси умумий секторда, 20125 тоннаси деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилди. Туманда 2009 йилда 1045,3 тонна ёки 2008 йилги кўрсаткичга нисбатан, 2008 йил қиш фасли совуқ келганлиги сабабли токзорлар бутасини совуқ таъсир қилиб, 2009 йилда 1045,3 тонна узум хосили олинди. 2009 йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатдаги нархларда 6991 миллион сўмни, фермер хўжаликларда ҳаракатдаги нархларда 1179 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Туманда қишлоқ хужалиги соҳасида жадал ривожланиш имкониятлари ишга солиниб, маҳсулот ишлаб

чиқариш тармоқлари етарли даражада маблағ билан таъминланиб, янги имкониятлар ишга жалб этилди. Натижада туманда 2010 йилда қишлоқ хужалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидаги натижаларга эришиб, дон 36419 тонн, картошка 12608 тонна, узум 904 тонна, ҳул мевалар 5970 тонна, сабзавотлар 35148 тонна маҳсулотлар тайёрланиб давлат режаси бажарилди. Туманда 600 фермер хужалиги бўлиб, унда 18742 киши фаолият кўрсатиб, 81257,3 миллион сўмлик қишлоқ хужалик ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 2013 йилнинг 9-ойда қишлоқ хўжалиги комплекс ривожланиб асосан, пахта, ғалла, шунингдек, мева ва узум етиштирилиб 109,8 млрд сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, 4873 тонна гўшт, 21106 тонна сут, 7904 минг дона тухум маҳсулотларни аҳолига етказиб берилди. Туманда “Кушон”, “Серғайрат”, “Ободон”, “Пахтакор БЗ”, “Хушсекка”, “Дегрез”, “Ялти”, “Дайтўлак”, “Жартепа”, “Чоргултепа-Ойнакўл”, “Ҳовузбобо”, “Г.Ниёзов”, “Халқобод” сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ибратли фаолият кўрсатди.

**Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши ва аграр соҳада ислоҳатларнинг самарали амалга оширишда камтарин, фидойи меҳнаткаш деҳқонларнинг, ўз ишига садоқатли касбига чин дилдан киришган қалби кенг кишиларни хизмати алоҳида аҳамиятга эгадир. Шўрчининг ана шундай меҳридарё заҳматкаш тадбиркор деҳқонларидан бири Ишназаров Хушбоқ Хужақулович Шўрчи туманида 1973 йил 26 ноябрда туғилган. Қишлоқда ўсган Хушбоқ Хужақулов ёшлигидан зеҳнли бўлиб, устозлар меҳрига тушиб, туманининг келажаги учун чин юракдан хизмат қилиш, етук малакали мутахассиси бўлиб етишиш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (кундузги) бўлимига ҳужжат топшириб, уни 1996 йилда муҳандис-механик бўлимини тугатиб, меҳнат фаолиятни 1997 йил Шўрчи тумани ахборот-консалтинг маркази директори вазифасидан бошлади. Ёш иқтидорли мутахассиси бутун куч ғайратини ҳамда билим тажрибасини туман иқтисодиётини кўтаришга сарфлади. Ёшлигидан деҳқончиликка бўлган қизиқиши туфайли, пахтачилик соҳасига ўз меҳнатини сарфлашга киришди. Натижада 1998-2004 йилларда Шўрчи туманидаги “Хидирбобо” фермер хўжалиги иш юритувчи бўлиб, деҳқончилик сирларни янада мукаммал ўрганишга киришди. 2004-2006 йилларда туманидаги ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси сифатида иш бошлаб, 2007 й.илда “Нурмат Хўжақулов” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб, 77,2 гектар ер майдони деҳқончилик қилди. Хушбоқ Ишназаров**

**қишлоқ хўжалигини яхши биладиган, тажрибали деҳқон сифатида вилоят ва туманда ҳурматга сазовор бўлган фермер хўжалиги раҳбарларидан бири бўлиб танилди. Фермер хўжалиги пахтачиликда 2011 йилда 40,5 гектар ердан 44,3 центнердан жами 179,4 тонна пахта ҳосил олиб, режа 128,5 фоизга бажарилди, 2012 йилда 27,7 гектар ер майдондан 53,1 центнердан жами 147,2 тонна пахта ҳосили олиниб, режа 133,8 фоизга бажарди. Ғаллачилик бўйича 2011 йилда 34,9 гектар ердан 55,0 центнердан 114,0 тонна ғалла ҳосил етиштириб, режа 120,2 фоизга бажарилди, 2012 йилда 49,5 га ердан 57 центнердан 282,1 тонна ҳосил етиштирилиб, режани 114,6-8 фоизга бажарилди. Эришилган меҳнат соҳасидаги ютуқлари туфайли фермер хўжалигига 2011 йилда "Олтин фермер" хўжалиги мақоми берилди. Тажрибали фермер, ташкилотчи раҳбар Хушбоқ Ишназаров ўз имкониятлардан келиб чиқиб, 2 гектар ерга полиз маҳсулотлари етиштириб, Шўрчи тумани аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Фермер хўжалиги 2013 йилда 51,5 миллион сўм соф фойда олиб, рентабеллик даражасини 31,9 фоизга кўтаришга эришиб, хўжаликни моддий тезник қудратини мустаҳкамлаш мақсадида техникалар сони 19 тага етказилди. Чорвачиликка ҳам алоҳида эътибор берилиб, давлат ҳисобига чорва маҳсулотларни топириш режаси мукаммал бажарилиб, хўжалик ҳисобида 25 бош йирик шохли моллар, 80 бош майда моллар, 3 бош йилқилар боқиб кўпайтирилмоқда. Деҳқончилик маданиятига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хушбоқ Ишназаров ўз меҳнати самарасини фидойиси, ёш авлодга муносиб ўрнак кўрсатиш мақсадида маъанавий салоҳиятни ривож топишига ҳам етакчилик қилиб келмода. Бевосита унинг раҳбарлигида 9 нафар коллеж битиувчилари 2013 йилда ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, туман тиббиёт бирлашмаси биноларини таъминлаш учун 1,0 миллион сўм, болалар спортини ривожлантириш учун 0,8 миллино сўм, "Баркамол авлод" тадбирлари учун 0,5 миллион сўм маблағлар амалий ёрдам қилинди. Ёш авлод тарбиясига муносиб амалий ёрдамлар қилиниб, 37-сонли умумтаълим мактаби ва 34- сонли болалар боғчасини таъмирлашга 0,9 миллион сўм амалий ёрдам қилинди. Шунингдек, "Зарбдор" маҳалласи аҳолиси учун қўлайлик яратиш мақсадида ариқ устига замонавий кўприк қуриб берилди. Тажрибали фермер, уста пахтакор, эл назарига тушган меҳнакаш деҳқон раҳбар Хушбоқ Ишназаров мамлакатимиз равнақи ва унинг тараққиёти учун бутун куч ғайратини сарфлаб, халқимизнинг ҳурматга сазавор бўлиб келмоқда.**

**Шўрчи тумани қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Кудратов Абдусамад Алмарданович 1966 йил 4 июлда Шўрчи туманида туғилди. 1984 -1986 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб, меҳнат фаолиятни 1986 йилда "Далварзин" жамоа хўжалигида ишчи сифатида иш бошлади. 1990 йилдан "Шўрчипахта" ҳиссадорлик жамияти трактор ҳайдовчиси бўлди. Деҳқончилик маданиятни мукаммал ўрганган тажрибали деҳқон, ернинг ҳосилдорлигини ошириб,**

**устозлар тажрибасини оммалаштириб, ўзи тажрибали деҳқонга айланиб, 2000 йилдан "Далварзин" ширкат хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи бўлди. Деҳқончиликка бўлган қизиқиши туфайли ташаббускор, ташкилотчи раҳбар 2003 йилдан "Соат – Абдуолим" номли фермер хўжалигини ташкил этди. Ҳамиша меҳнат ғурури билан фахрланиб юрган А Қудратов Шўрчи тумани қишлоқ хўжалигини ҳосилдорлигини ошириш, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш мақсадида тажрибали, тадбиркор деҳқонга айланиб, халқимиз ҳурматига сазавор бўлмоқда.**

**Деҳқончилик азалдан халқимизнинг асосий касби бўлиб, миришкор деҳқон аҳли ўзининг заҳматли меҳнати билан мамлакатимиз иқтисодиётни ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шўрчида тажрибали, тадбиркор, янги замонавий деҳқончилик маданиятни тараққий этишига ҳамиша дадил хизмат қилиб келаётган Йўлдошев Менгзия Халилович 1962 йил 20 августда Шўрчи туманида туғилди. У меҳнат фаолиятни 1979 йилда "Далварзин" жамоа хўжалигида ишчи бўлиб бошлаб, 1981-1983 йилларда ҳарбий хизматни бўлди. Тажрибали деҳқон М Йўлдошев тадбиркорлик имкониятлардан кенг фойдаланиб, паррандачилик фермасини ташкил қилиб, туман аҳолисининг талаб эҳтиёжлар асосида гўшт ва тухум маҳсулотларни сифатли тайёрлаб беришга алоҳида эътибор бермоқди. Маҳаллий хўжалик юритиш тизимни мукаммал ўзлаштириб олган ҳамда ерни ҳосилдорлигини кўтариш бўйича тажрибага эга бўлган тадбиркор 1983 йилдан "Далварзин" жамоа хўжалигида чорвачилик фермасини ташкил этиб, уни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб, наслчиликка алоҳида эътибор берди. 1999 йилдан "Муҳиддинбек" номли фермер хўжалиги бошлиғи. Тадбиркор фермер туманн иқтисодий ва маънавий юксалишда фаол иштирок қилиб, мактаблар, болалар боғчаси, маҳалла ҳамда тиббиёт соҳаси ривожига ўзининг муносиб ҳомийлик ёрдамини қилиб келмоқда.**

**Туман қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келаётган тажрибали пахтакор Мулкаманов Абдурашид Тўрамуротович 1973 йил 13 июлда Шўрчи туманида туғилган, меҳнат фаолиятни Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бошлаб, қишлоқ хўжалигини мукаммал билиш, замонавий қишлоқ аграр тармоқлардаги ютуқларни ўзлаштириб олиш, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик кўтариш ҳамда экин навларни яхшилаш борасидаги тажрибаларни умумлаштириш мақсадида 1991-1995 йилларда Тошкент давлат аграр университети талъим олди. Етук билимга эга ёш мутахассис 1915 йилда Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳисобчи, 1998 йилдан туманда давлат солиқ инспектори вазифасида фаолият кўрсади. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигига берилган имкониятлар натижасида замонавий аграр тизимни ўрганган А.Мулкаманов туманда етакчи раҳбар сифатида танилиб, 1999 йил "Баҳрошер" номли фермер хўжалиги бошлиқ бўлди. Ишни яхши биладиган ташаббускор раҳбар, туманда**

**устозлар тажрибасидан фойдаланиб 2007 йилда "Мулкамонов Тўрамурод" номли фермер хўжалиги ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**

**Шўрчи тумани қишлоқ хўжалигини ўзининг муносиб соҳасини биладиган уста деҳқонлари билан доимо фахрланиб келади. Ана шундай, меҳнаткаш, туман ер хўжалигини яхши биладиган, деҳқончилик маданиятни мукаммал ўзлаштириб олган тажрибали деҳқон Тураев Эшдавлат Нуриддинович 1958 йил 2 декабрда Шўрчи туманида туғилиб, меҳнат фаолиятини 1975 йида Шўрчи районидаги жамоа хўжалигидан бошлади. 1977-1979 йилларда ҳарбий хизматда бўлди, кейин жамоа хўжалигида ўз ишни давом эттирди. Устоз деҳқонларнинг самарали тажрибасини мукаммал ўзлаштириб олган Э Тўраев 1993 йил Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми (сиртқи)ни зоотехник бўлимни тугатиб, 1997 йилда ширкат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб, деҳқончилик маданиятнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиди. Катта меҳнат тажрибасига эга бўлган тажрибали деҳқон, ернинг ҳосилдорлигини ошриш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларни навларни синаб кўриб, уни етиштириш бўйича вилоятда тажрибали деҳқонга айланди. Натижада у 2006 йил 15 ноябрда Шўрчи туманидаги "Нуриддин Тўраев" фермер хўжалигини ташкил этиб, қишлоқ хўжалигининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб, тажрибали фермерлардан бирига айланди.**

Туманда 2013 йилнинг 9-ойда 319 та фермер хўжалиги, 5 та фермерлар уюшмаси қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб, 109765,3 млн сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган 4873 тонна гўшт, 2106 тонна сут, 7904 минг дона тухум маҳсулотларини етказиб бердилар. Мазкур мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг мақсади қишлоқда ер ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳақиқий эгасини аниқлаш имконини берувчи янги мулкчилик муносабатларини шакллантиришдан иборат эди. Натижада ҳукумат қарори билан фермерларга ер ажратила бошлади, ислоҳотларнинг туб моҳиятини англамаган айрим хўжалик раҳбарлари янги ташкил этилаётган фермер хўжалигига шўр босган, унумдорлиги паст ерларни бера бошлади. Президент бундай салбий ҳолат ҳақида тўхталиб, "Фермер бугунги жамиятнинг фаол аъзоси, фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси. Бу жиҳатни раҳбарлар ўнг қулоғи билан ҳам, чап қулоғи билан ҳам эшитиб олсин. Агар керак бўлса, айрим хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер халқидан ўргансин", - деб таъкидлаганди[4]. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалигининг ривож топишда муносиб ҳисса қўшган таниқли пахтакор, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Нормурод Холмуродовнинг "Пахтачилик севимли соҳам" китоби 2012 йил "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилиб, Сурхондарёда пахтачилик мактаби ва унинг ривожи ҳамда муамоалари, натижалар тўғрисида муҳим аҳамиятга эга қимматли

[4] Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти манбаи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 14.

тарихий маълумотлар тақдим қилинган. Жумладан, ушбу китобда Шўрчи тумани ва унинг қишлоқ хўжалиги ҳақида жуда мазмунли фикр мулоҳазалар изоҳ этилган.

Туманда чорвачиликка эътибор йилдан- йилга яхшиланиб, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи бўйича ишлаб чиқариш режа асосида амалга оширилди. Натижада туманда гўшт ишлаб чақариш 1999 йилда 5046 тоннани, 2000 йилда 4880 тоннани ташкил этиб, сут маҳсулотлари 1999 йилда 22794 тоннага, 2000 йилда 22698 тоннага етказилди.. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда чорва моллари сони йилдан- йилга ошиб бориб, шахсий ва хусусий чорва жадал ривожланиб, махсус чорвачилик фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ушбу ишлар туфайли 1999 йилга келиб туманда қорамоллар 37307 бошни, шу жумладан, сигир 18832 бошни ташкил этган бўлса, қўй ва эчкилар 71854 бошни ташкил этди. Туманда 2000 йилда қорамоллар сони 38315 бошни, жумладан сигирлар 18831 бошни, қўй ва эчкилар 65695 бошни ташкил этди. Туманда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиб бориши туфайли 2010 йилда чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш аҳоли жон бошига тақсимланганда юқори натижалар қайд этилди. Аҳолига 6729 тонна гўшт, 32315,6 тонна сут, 6423 минг дона тухум, 1199 тонна чорва ёғи, 28,7 тонна асал, 151 центнер балиқ маҳсулотлари етказиб берилди. Шунигдек, аҳолини кундалик талаб эҳтиёжларини қондиришда асосий восита ҳисобланган чорва сонни кўпайтиришга эътибор йилдан-йилга ошиб бориб, шу жумладан сигирлар 21911 бошга, қўй- эчкилар 94676 бошга, отлар 1242 бошга етиб чорва сони кўпайди.

Туманда мустақиллик йилларида чорва маҳсулотларини етиштиришга эътибор кучайиб, ўртача жон бошга сут-гўшт таъминоти муҳим масала бўлиб қолган эди. Шу туфайли давлатга ва аҳолига ушбу турдаги маҳсулотларни етказиб беришга алоҳида эътибор берилиди. Туманда 1991 йил 5068 тонна гўшт, 1992 йил 4498 тонна гўшт, 1993 йил 4861 тонна гўшт, 1994 йил 28024 тонна гўшт, 1995 йил 29381 тонна гўшт, 1996 йил 22323 тонна гўшт, 1997 йил 22327 тонна гўшт, 1998 йил 22338 тонна гўшт, 1999

йил 22794 тонна гўшт, 2000 йил 22698 тонна гўшт, 2001 йил 22311 тонна гўшт, 2002 йил 23698 тонна гўшт режа асосида тайёрланиб давлатга ва аҳолига етказиб берилди.

Мустақиллик йилларида туманда чорва маҳсулдорлигини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва фармонлар туфайли амалга оширилган ислоҳотлр ўз самарасини бериди. Туманда чорва молларининг сони ошиб бориши натижасида аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёжлари қондирилиб, сут ва гўштга бўлган эҳтиёжи таъминланганлигини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1 соғин сигирдан ўртача сут соғиб олиш 1991 йилда 1652 кг, 1992 йил 2019 кг, 1993 йил 2028 кг, 1994 йил 1545 кг, 1995 йил 1111 кг, 1996 йил1042 кг, 1997 йил 1240 кг, 1998 йил 1285 кг, 1999 йил 1333 кг, 2000 йил 1189 кг, 2001 йил 944 кг, 2002 йил 945 кг ни ташкил этиб, аҳолиннг сут маҳсулотларига бўлган талаби таъминланди. Мустақиллик йилларида аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжини қондириш мақсадида чорвачиликка алоҳида эътибор берилиб, шахсий чорвачиликни ривожланишига давлат етарли миқдорда маблағ ажратиб, хусусий чорвачилик бўйича махсус лойиҳалар эълон қилиб, шахсий чорва хўжаликларини моддий ва меъёрий қонунлар билан ҳимоя қилди. Туманда чорвачиликнинг ривожланганлигини қуйидаги манбалардан билиш мумкин, ушбу тақдим этилаётган рақамлар туман аҳолисини чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаган. Чорва моллари бош сонлари туманда 1991 йилда 9466 бош, 1995 йилда37412 бош, 1998 йилда 37859 бош, 2000 йилда 38315 бош, 2002 йилда 38812бош қорамол, 1991 йилда 2328 бош, 1995 йилда 17491 бош, 1998 йил 18340 бош, 2000 йилда 18831 бош, 2002 йилда 19242 бош сигир боқилган. Туманда 1991 йилда 29932 бош, 1995 йилда 66971 бош, 1998 йилда 71675 бош, 2000 йилда 65695 бош, 2002 йилда 62716 бош қўй ва эчкилар, 1991 йилда 26,3 минг бош, 1995 йилда 59,0 минг бош, 1998 йил 63,9 минг бош, 2000 йилда 63,9 минг бош, 2002 йилда 28,0 минг бош парранда

боқилган. Туманда 1991 йилда 907 бош, 1995 йилда 1280 бош, 1998 йилда 1176 бош, 2000 йилда 1220 бош, 2002 йилда 1132 бош отлар боқилган.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш Шўрчи туманида 1991 йил 5068 тонна, 1995 йил 29381 тонна, 1998 йил 22338 тонна, 2000 йил 22698 тонна, 2002 йил 23698 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Шўрчи туманида 1991 йил 1765 минг, 1995 йил 6049 минг, 1998 йил 4961 минг , 2000 йил 4982 минг, 2002 йил 5149 минг дона тухум маҳсулотлари етказиб берилди. Шўрчи туманида 1991 йил 41,5 тонна, 1995 йил 112 тонна, 1998 йил 44 тонна, 2000 йил 54 тонна, 2002 йил 52 тонна жун маҳсулотини ишлаб чиқарган. 2004 йил туман бўйича қорамоллар 39 минг 383 бошга, жумладан, сигирлар 19 минг 279 бошга, майда моллар 64 минг 404 бошга етказилди. Гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқариш ҳамда сотиш режалари ошиғи билан бажарилди.

Туманда 2006 йилда чорвачиликни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан 128,1 миллион сўм кредит ажратилди. Кам таъминланган аҳолига ҳомийлик ҳисобидан, жами 127 бош қорамол бепул тарқатилди. Шартли моллар сонларининг 1100 тага кўпайгани учун сут маҳсулотлари 3,3, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,7 фоизга ўсишга эришилди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичлари барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ортиғи билан бажарилди, жумладан гўшт ишлаб чиқариш 2009 йилда 6644,0 тонна бўлган бўлса, 2008 йилда 6616 тоннани ташкил этди ёки 100,4 фоизга кўпайди. Сут ишлаб чиқариш 2008 йил шу даврига нисбатан 100,5 фоиз бўлиб, 32273,0 тоннани ташкил этди. Тухум ишлаб чиқариш ҳам 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга, ёки 6378 минг донага етказилди. Барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар 100,9 фоизни ёки 50043 бошни, шу жумладан сигирлар 100,1 фоизни ёки 21890 бошни, қўй ва эчкилар 102,0 фоизни ёки 93602 бошни ва паррандалар 117,4 фоизни ёки 134,7 минг бошни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини

кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308 сонли қарори хамда ПК-842 сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман бўйича шахсий ёрдамчи ва дехқон фермер хўжаликларида 2009 йилда қора моллар бош сони 50043 бошни ташкил этган. Туман бўйича дастурда белгиланган режани ҳисобга олган ҳолда, 126 та, шундан 99 таси ҳомийлар ҳисобидан, 27 таси туман маҳалла хайрия жамғармасидан ва 72 та бошқа ташкилот ва корхоналар ҳисобидан кам таъминланган оилаларга бепул сигирлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПК-640 сонли қарорига асосланиб вилоят хокимининг 87 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2007 йил 30 майдаги 266-Ф сонли фармойишига кўра вилоят хокимининг 30 майдаги 93 сонли қарори бўйича топшириқлар белгиланди ва тасдиқланди.

Туманда 2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасиннг ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб, жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, йилқи, парранда боқила бошланди.

## Аҳолига қурилиш ва транспорт тармоқларининг хизмати

Шўрчи туманида аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий уй-жойлар қуриш, маданий-маиший биноларни, савдо иншоотларини, маиший хизмат нуқталарини ишга тушириш, сув, газ қувурларини фойдаланишга топшириш борасида катта натижаларга эришилди. Шўрчи туманида 1991 йил 71480 кв.метр, 1995 йилда 19249 кв.метр, 1998 йилда 60600 кв.метр, 2000 йилда 70150 кв.метр, 2002 йилда 55360 кв.метр уй-жойлар қурилди.

Туманда 1999 йилда 144 миллон сўм капитал маблағлар ўзлаштириб, аҳолини сув билан таъминлаш 75 фоизга, газ билан таъинлаш 26,7 фоизга бажарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1999 йилда 73,8 минг квадрат метр уй-жой қурилиб ишга туширилиб, иккита қишлоқ врачлик маркази, 650

квадрат метр савдо иншоотлари, 250 ўринли умумий овқатланиш ўринлари, 9 та маиший хизмат нуқталари, шунингдек 13,9 километр сув қувури, 6,7 километр газ қувурлари фойдаланишга топширилди. 2000 йилда туманда ушбу соҳага эътибор янада кучайиб, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда 2388,4 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиб, 70 минг квадрат метр уй-жой, 1 та қишлоқ врачлик маркази, 500 квадрат метр савдо иншооти, 100 ўринли умумий овқатланиш ўринлари қуриб ишга туширилди. Аҳоли сонининг ўсиб бориши натижасида уй-жойга ҳамда бошқа турдаги қурилишларга эътибор йилдан-йилга ошиб бориб,янги замонавий қурилишларга талабнинг ошиши билан бирга аҳолининг якка ҳолда уй-жойга эҳтиёжи ҳам ошиб борди.

Туманда 30 та қурилиш ташкилоти бўлиб, 2003 йилда «Ирригация-қурилиш» трестига қарашли механизациялашган кўчма жамланма 42 миллион 279 минг сўмлик, 5-механизациялашган жамланма - 38 миллион 664 минг, йўл-қурилиш бошқармаси - 85 миллион 389 минг, қурилиш бўйича механизациялашган кўчма жамланма - 35 миллион 730 минг, «Шўрчи - йўлчи» ташкилоти - 8 миллион 940 минг, Шўрчи таъмирлаш участкаси — 3 миллион 220 минг, «Машъал» масъулияти чекланган жамияти — 6 миллион 36 минг, пардозлаш кўчма жамланмаси 6 миллион 855 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган. Туманда 46 минг 500 квадрат метр уй-жой, 26,2 километр газ тармоғи, 540 квадрат метр савдо иншоотлари, 100 ўринли ошхона қуриб ишга туширилди.

Туманда аҳолининг ўз кучи билан 2003 йилда 2132,2, 2004 йилда 2524, 9 миллон сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. 2004 йилда аҳоли ҳисобидан 45, 1 минг кв.метр уй-жойлар қурилди, шунигдек, 15 км ичимлик сув, 31 км газ қувурлари фойдаланишга топширилди. Туманда 2005 йилда 2004 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг 3,3 фоизи қурилиш соҳаларига сарфланди. 1991 - 2005 йилларда Шўрчи шаҳри тўлиқ «Савжирон», У Дониёров номли, А Сафаров номли, «Ободон», Т Бердиев номли, Охунбобоев

номли ва Ж Хўжамиёров номли хўжаликлардаги қишлоқларнинг бир қисми аҳолиси табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

1990-йилларида Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати кошидаги «Бунёдкор» кичик корхонасининг «Иссиқ нон» цехи қурилиб, Туркиядан келтирилган технологик жиҳозлар ўрнатилди. Бу ерда пиширилган 27 хилдаги сифатли нон маҳсулотлари аҳолига манзур бўлди. Шўрчи туманида пахта толасидан ип йигирув ва трикотаж буюмлари фабрикаси, резина калиш, алюминий идиш, эшик ва дераза ромлари заводи, Шўрчи шаҳридаги янги касалхона, чиқинди сувлар тармоғи, «Толли» ва Охунбобоев номли хўжаликлардаги 750 ўринли замонавий мактаб бинолари қурилди.

XX аср охири ва XXI аср бошларида Шўрчи шаҳридаги деҳқон бозорида, Мустақиллик ва Амир Темур кўчаларида 100 га яқин 1-2 қаватли хусусий дўкон, ресторан, ошхона ҳамда маиший хизмат тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туманнинг асосий макроиқтисодий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ижобий натижаларга эришилиб, аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2005 йилда 30 км газ ва 20 км сув қувурлари тортилди. 2006 йил 137 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, қурилиш ҳажми 7,1 фоизга ўсиб, 40,1 минг кв. метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мустақилик йилларида республикамизда бўлгани каби Шўрчи тумани ҳам катта қурилиш майдонига айланди. Ҳамма жойда маъмурий-маиший бинолар, уй-жойлар қурилиб, ишга туширилди. Шўрчи туманида қурулиш соҳасида катта амалий ишлар бажарилиб, 2009 йилда 1976 миллион сўмлик ҳаракатдаги нархларда қурилиш ишлари амалга оширилди , жумладан 40 минг кв метр уй-жой, 17 км ичимлик сув қувурлари, 2 км табиий газ қувурлари, 4 бирлик савдо объеклари, 2 бирлик умумий овқатланиш нуқталари 4 бирлик маиший хизмат нуқталари қуриб ишга тушурилди .2009 йил давомида 104,9 минг метр квадрат уй-жой, 17,2 километр сув қувурлари, 2,5 километр газ қувурлари ўтказилиб фойдаланишга топширилди.

Туман аҳолисига ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш масаласида ибратли ишлар амалга оширилиб, 2009 йилда 40,5, 2010 йилда 40 минг кв. метр уй-жой якка тартибда қурилган бўлса, 2010 йилда 2,6 км табиий газ ва 6,4 км ичимлик сув қувурлари қуриб ишга тушурилди. Аҳоли турмуш тарзида муҳим омил ҳисобланган 6 маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, 4 савдо бинолари, 2 умумий овқатланиш нуқталари қуриб ишга туширилди. Шўрчи аҳолисининг қурилишга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида зарурий маблағлар ажратилиб, янги замонавий уй-жой бинолари қуриб аҳолига фойдаланишга топширилди.

Туман қурилиш ташкилотлари, корхоналари ва буюртмачи ташкилотлари иштирокида туман қурилиш мажмуида жорий йилнинг январ-декабр ойларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 19765,6 млн. сўмлик (келишилган нархларда) капитал маблағ ўзлаштирилиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш кўрсаткичи 121,2 фоиз (солиштирма нархларда)ни ташкил қилди. 2010 йилнинг январ-декабр ойларида пудратчи ташкилотлар томонидан жами 9740,3 млн сўмлик пудрат ишлари бажарилиб, 2009 йилнинг шу даврига таққослаганда (солиштирма нархларда) 116,0 фоизга бажарилди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар қўйидаги манбалар ҳисобига тўғри келди, марказлашган маблағлар ҳисобидан 19765,6 млн. сўм капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бу 2008 йилнинг мос даврига нисбатан 121,2 фоизга (солиштирма нархларда) ортган. Жумладан, бюджет маблағлари 4263,4 млн. сўм маблағ ўзлаштирилиб, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари 5418,4 млн сўмни ташкил этди. Марказлашмаган капитал қўйилмалар ҳажми 9681,8 млн сўмни ташкил этиб, якка тартибдаги уй-жой қурувчилар ҳисобидан 40,5 минг кв.м.га уй-жой қурилди. 4 та маиший хизмат нуқталари, 2 та 80 ўринли умумий овқатланиш шахобчалари, 2480,0 метр.кв. савдо иншоотлари ишга туширилди.

Қурилиш биноларининг кўплаб ишга туширилиши туфайли 2009 йилда 19765,6, аҳолининг ўз кучи билан бажарилган ишлар 2009 йилда 9740,4, 2010йилда 11908,8 миллион сўмни ташкил этди. Аҳолининг

кундалик талаб эҳтиёжларини қондириш мақсадида 2009 йилда 48,2, 2010 йилда 48,4 миллион сўмлик газ билан таъминлаш ишлари, 2009 йилда 82,3, 2010 йилда 82,1 миллион сўмлик сув билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. 2010 йилда 21896,2 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2013 йилда қурилиш ишларига 23,3 млрд сўмлик маблағлар жалб этилди. Мустақиллик йилларида Шўрчи тумани маънавий жиҳатдан юксалиб, замонавий ўй-жойлар, маданий-маънавий, тиббиёт масканлари, спорт соғломлаштириш ҳамда дам олиш шифо муассасалари қурилиб ишга туширилди. Жаҳон андозаларига мос, чиройли, кўкламлазорлаштирлган кўчалар, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ишга туширилиб, аҳолининг турмуш тарзи янада юксалиб, ижтимоий-иқтисодий яшаш шароити юксалиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида туманда транспорт соҳасига алоҳида эътибор берилиб, йўллар таъмирланиб, аҳолига хизмат қилувчи транспортнинг сони ошиб, янги йўналишлар ташкил этилиб, зарур моддий маблағлар ажратиб берилди. Туманда 1999 йилда 33,5 миллион тонна километр юк ташилиб, 52,1 миллион йўл километр йўловчига хизмат кўрсатилиб, 388,6 миллион сўмлик юклар манзилларга етказилиб, туман транспорти иқтисодий жиҳатдан халқ хўжалигига катта амалий ёрдам бериб, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Натижада 2000 йилда келиб, 21,1 миллион тонна километр юк манзилларга ташилиб, 363,9 миллион сўмлик юк ташишдан даромат олинди. Шўрчи туманида транспорт соҳасининг ривожига эътибор йилдан-йилга ошиб бориб, аҳолига хизмат кўрсатувчи янги техника воситаларининг сони ва тури кўпайиб бориши натижасида халқ хўжалиги юкларини ташиш, йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш давлат режаси асосида олиб борилди. Аҳолига транспорт хизматининг таҳлилига эътибор берилганда 2003 йилда 2658,6 минг тонна юклар ташилиб, 40658,6 минг тонна км юк айланмаси ишлари бажарилди. Шунигдек, 41929,1 минг киши манзилларига етказилиб, йўловчидан олинган даромад 473,7 миллион сўмга етди.

Шўрчи туманила 2004 йилда транспорт корхоналари 2 миллион 632 минг тонна юк ташилиб, таранспорт йўналишида 45984 минг тонна км юк айланмаси ишлари бажарилиб, 5261,7 минг киши манзилларига етказилган бўлса, юк ташишдан 4107,4, йўловчи ташишдан 742,2 миллион сўмлик фойда олинди. 2006 йилда транспорт хизматлари 42,3 фоиз ўсишга эришилиб, 1549,7 минг тонна турли хилдаги халқ хўжалиги юклари ўз манзилларига етказиб берилди. Туманда транспорт соҳасига эътибор учун зарур маблағлар ажратилиб, аҳолига хизмат қилиш борасида катта ишлар бажарилиб, ушбу соҳа ходимларининг турмуш тарзини яхшилаш масаласида алоҳида хизматлар қилинди. Шўрчи аҳолисига транспорт хизматининг йўлга қўйилиши туфайли 2009 йилда 3196,7, 2010 йилда 3311,8 минг тонна юклар ташилиб, ушбу хизматлар натижасида 2009 йилда 9173,3, 2010 йилда 10835,8 миллон сўм даромад олинди. Шуни алоҳида такидлаш кераки аҳолига йўловчи хизмат кўрсатиш борасида ижобий ишлар қилиниб, 2008 йилда 16468, 2009 йилда 18140,3 минг йўловчи ташиш ишлар амалга оширилди. Энг муҳими транспорт йўналишда олинган фойда 2008 йилда 2523,4, 2009 йилда 2984,3 миллион сўмни ташкил этди.

Туманда фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, янгилаш, янгиларини қуриш натижасида муҳим транспорт тармоқларни ривожлантириш ва янги турдаги таранспор турларни хизматини ташкил этишга жиддий киришилди. Шўрчида таранспорт трармоқларининг жадал риаожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, таранспорт турлари бўйича йуналишларни йўлга қўйиш ва жадал ривожлантириш масаласида сезиларли ишлар амалга оширилиб, йул қурилиш учун зурур маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кўчайди.

Мустақиллик йилларида таранспорт ишчи- ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга давлат томонидан катта эътибор берилиб, уй-жой қурилиши энг муҳим масала сифатида қаралиб, ушбу соҳа учун давлат бюджети асосий қисми ажратилди. Транспорт ишчи-ходимлари учун янги замонавий уй-жойлар қуриш бўйича танлов лойиҳалари яратилиб, қулай ихчам замон

талабидан келиб чиқиб, ҳамма шарт-шароитга эга бўлган уй-жойлар давлат маблағлари ҳисобидан қуриб берилди. Шўрчи туманида 1991 йил 71480 кв.метр, 1992 йил 59664 кв.метр, 1993 йил 39915 кв.метр, 1994 йил 15805 кв.метр, 1995 йил 19249 кв.метр, 1996 йил 21199 кв.метр, 1997 йил 36043 кв.метр, 1998 йил 60600 кв.метр, 1999 йил 37349 кв.метр, 2000 йил 70150 кв.метр, 2001 йил 59100 кв.метр, 2002 йил 55360 кв.метр уй-жойлар қурилиб аҳолига топширилди.

Туманда 2009 йилда транспорт ва алоқа соҳасида ижобий силжишлар кузатилиб. транспорт соҳасининг асосий ривожлантирувчи тури сифатида хусусий автомобиль эгалари томонидан ташилган юклар ва йўловчиларнинг давр мобайнидаги ўсиш суратлари кўзга ташланди. 2009 йилда барча турдаги транспортда ташилган юк ҳажми 3086,9 минг тоннани ёки 2008 йилга нисбатан 121,8 фоизни ташкил этди. Шу жумладан хусусий автотранспорт эгалари томонидан 1753,1 минг тонна юклар ташилиб, барча турдаги транспортда юк айланмаси 124,2 млн. тонна км.ни, ўсиш суръати 110,5 фоизни, шу жумладан хусусий транспорт эгалари юк айланмаси 114,6 млн тонна км.ни (108,3 фоиз) ташкил этди. 2010 йилда барча турдаги транспортда ташилган йўловчилар сони 16808,9 минг кишига, ўсиш суръати эса 113,3 фоизга тенг бўлиб, автомобил транспортида ташилган йўловчилар умумий ҳажмидан хусусий автотранспорт эгалари ташилган йўловчилар 15894,9 минг кишини (110,3 фоиз) ташкил этди.

Автомобил транспорти бўйича йўловчи айланмаси 151,7 млн йўловчи км.ни, яъни 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 110,8 фоизга, шу жумладан хусусий автотранспорт эгаларининг йўловчи айланмаси 139,8 млн йўловчи км.ни ёки 109,1 фоизни ташкил этди. Юк ташишдан олинган даромад 9223,2 млн сўмни, жумладан, 115,9 фоизни, хусусий автотранспорт эгалари даромади 8378,9 млн сўмни ташкил қилиб, режа 113,7 фоизга бажарилди. 2009 йилда йўловчи ташишдан олинган даромад 2652,8 млн сўмни, жумладан 114,6 фоизни, шундан хусусий автотранспорт эгалари даромади 2621,2 млн сўмни, жумладан, режа 114,5 фоизни ташкил этди. Автомобил

йўлларини сақлашга, таъмирлаш ва реконструкция қилишга 173,4 млн. сўм маблағ сарфланди. Шўрчида 2009 йилда автотранспорт соҳасида ижобий ишлар қилиниб, аҳолига хизмат қилишнинг янги турлари яратилиб юк ташиш 3086 минг тонна, юк ташиш айланмаси 12414 минг тонна ишлар амалга оширилиб, йўловчи ташиш 1680 миллион кишига етиб, йўловчи ташиш айланмаси 15171 минг йўловчига етказилди.

2006 йилда автомобилларни ва бошқа техникаларни таъмирлаш хизматлари 127,1 фоизга бажарилган бўлса, янги хизмат турларини кенгроқ қўлланиш натижасида 2010 йилга келиб 132,5 фоиз ўсишга эришилди. Туманда сервис хизматини йўлга қўйиш туфайли аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида 2006 йилда йўловчи ташиш ва юк ташиш бўйича транспорт хизматларини ривожлантириш 116,3 фоизга бажарилиб, янги автомобиль транспортининг тараққий этиш натижасида йўловчи ва юк ташиш бўйича белгиланган режалар 123,5 фоизга бажарилди. 2010 йилда Шўрчи тумани ҳудуди орқали Москва - Душанбе поезди ўтиб, Шўрчидан Термиз, Қарлуқ, Бойсун, Денов, Шеробод, Қумқўрғон, Кофрун йўналишларида автобуслар қатнаб, Шўрчи ҳудудидан ўтган темир йўл узунлиги 28 км ни ташкил қилади. Шўрчи туманида 2012 йилда автомобил транспорти хизмати билан 4093,6 минг тонна юклар ташилиб, 166455,9 минг тонна километр юк айланма ишлари амалга оширилди. Шунингдек, туман транспорт хизматининг бевосита фаолияти туфайли 2012 йилда 19322,4 минг киши йўловчилар ўз манзилгоҳларига олиб борилиб, йўловчи айланмаси 202117,8 минг йўловчи километрни ташкил қилди. Туманда аҳолини талаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги йўналишларни очиш, транспорт соҳасидаги муаммоларни бартараф қилиш борасида ижобий ишлар амалга ошрилди. 2013 йилнинг 9-ой давомида автомобил транспорт йўналишда 3085, минг тонна юклар ташилиб, 122603,7 минг тонна км юк айланмаси ишлари бажарилди. Шунингдек, автомобил транспорт бевосита ҳаракати билан 14881,9 минг йўловчилар белгиланган манзилларга олиб борилди. Шўрчи тумани қадимдан Карвон йўллар устига жойлашган бўлиб,

мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос талаб даражасидаги кенг мустаҳкам шианм йўлакчалар, катта автомобил йўллар, шоҳбекатлар қурилиб, кўптармоқли йўловчи йўналишлари ташкил этилиб, туман аҳолисига йўловчи ҳамда маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланди.

## Ижтимий турмуш тарзи ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Шўрчи туманида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш режа асосида ташкил этилиб, янги савдо расталари қуриб ишга туширилиб, умумий овқатланиш ва ресторанлар замонавий усулда хизмат турларини яратиб, савдо нуқталари турли хил товарларни сотиш ҳамда таъминлаш билан шуғулландилар.

Шўрчида аҳолига савдо хизматини ташкил этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар туфайли 1999 йилда 3800,6 миллион сўмлик умумий чакана товар маҳсулотлари, шунингдек, 27700 сўмлик аҳоли жон бошига маҳсулот етказиб берилди. Ушбу кўрсатгич 2000 йилда яна юқори натижага эришилиб, 3628 миллион сўмлик умумий чакана товар савдо расталарига етказилиб, 26100 сўмлик аҳоли жон бошига савдо хизмати кўрсатилди. Аҳолиги савдо хизмати кўрсатиш йилдан-йилга ошиб бориб, 2004 йилда 100 ўринли умумий овқатланиш корхоналари, 250 кв метр янги савдо шохобчалари қуриб ишга туширилди. Савдо ташкилотлари 2003 йилда аҳолига 18 миллиард 976 миллион 276 минг сўмлик хизмат кўрсатиб туман аҳолисига 1 миллиард 294 миллион 739 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. 2004 йил туман бўйича 12 та савдо ташкилоти фаолият кўрсатиб, савдо айланмаси 8 миллион 788 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Туманда аҳолига савдо хизмати замонавий усулда ташкил этилиб, 2003 йилда 17889,3, 2004 йилда 19235,8 миллион сўмлик умумий чакана товар айланмаси амалга оширилиб, 2006 йилда савдо хизмати кўрсатиш 39,7 фоиз ортиғи билан бажарилди. Туманда 2005 йилда 2004 йилга нисбатан ялпи

ички маҳсулотнинг 18,9 фоизи савдо ва умумий овқатланишга сарфланди. 2005 йилда Шўрчи туманида савдо муассасалари 330 та, савдо дўконлари 68 та, шунингдек, хусусийлари 10 та, ошхонлар сони 102 та, хусусийлари 98 та, сомсахоналар 23 та, нонвойхоналар 28 тани ташкил этиб, маданий хазмат кўрсатиш шохобчалари сони йилдан-йилга ошиб борди. Шўрчи туманида савдо корхоналарида чакана савдо айланмаси 2009 йилда ўртача савдо ташкилотлари 4537,5 миллион, кичик корхоналар ва микрофирмалар 14916,1 миллион сўм, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар 35663,6 миллион сўм савдо айланмаси, норасмий савдо корхоналарига 11306,4 миллион, солиштирма нархларда 60275,5 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Туманда савдо-сотиқ ишлари анча такомиллашиб, янги савдо нуқталари очилиб, умумий овқатланиш корхоналарининг сони кўпайиб, 2009 йилда 4539, 2010 йилда 6799,3 миллион сўмлик савдо хизматлари амалга оширилди. Шунигдек, аҳоли жон бошига савдо хизмати кўрсатиш 2009 йилда 405003, 2010 йилда 547472 сўмни ташкил этди. Жумладан, бу борада туманда савдо ва маиший шохобчалари 20 та ташкил этилди, 2 та чакана савдо шохобчаси, 18 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, жумладан 3 сартарошхона ва 1 та суратхона хамда 5 та пойафзал таъмирлаш, кийим тикиш 2 та, хаммом 1 та, 5 та бошқа хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилган бўлиб, амалда ушбу кўрсатгичлар 100 фоизга уддаланди.

Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи 1 та чакана савдо корхоналари ишга туширилиб, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари ташкил этилди. Туманда 2006-2010 йилларда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ўқувчи ва талабаларини иссиқ овқат ва буфет маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш учун ошхона ва буфетлар 2006 йилда қурилди. Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда “Гузар” типидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари 2006 йилда 100 тани ташкил этди. Савдо хизмати ва унинг турларининг кўпайиб бориши натижасида

туманда савдо айланмаси 2012 йилда 184,9 млрд сўмни, экспорт қиймати 16439,1 млрд сўмни, импорт қиймати 1569,8 минг АҚШ долларини ташкил қилди.Туманда савдо маданияти кенг ривож топиб замонавий хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳар томонлама тараққий этмоқда. 2013 йилнинг 9-ойида туманда 182,6 млрд сўмлик савдо айланмаси ишлари бажарилиб, савдо ишларни янада жадал ривожлантириш учун молиявий кўмаклар амалга ошрилиб, замановаий савдо маркаларни йириклаштирлган биноларда жамлаш масаласида ибратли ишлар бажарилди. Туман аҳолиси ўзнинг тадбиркорлиги, савдо – сотиқ ишларида катта тажрибага эга эканлиги билан қадимдан маълум ва машҳурдир. Айниқса мустақиллик йилларида туманида савдо ва тадбиркорлик ишларига ҳар томонлама имкониятлар яратилиб, замонавий хизмат кўрсатиш савдо тармоқлари пайдо бўлиб, савдо хизмат кўрсатиш маданияти кенг ривож топди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ташқи иқтисодий алоқаларга жиддий эътибор берилиб, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш, импорт талабларини ҳисобга олиш бўйича муҳим ижобий ишлар амалга оширилди Шўрчи туманида 2000 йилда 7522,8 минг долларлик ташқи савдо айланмаси бўйича савдо ишларини бажариб, Қушма корхонларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 21633 минг сўмлик экспорт ишлари амалга оширилди. Туманда ташқий иқтисодий ишлар 2003 йилда 4113,3, 2004 йилда 15407,2 минг АҚШ доллари миқдорда савдо айланмаси амалга оширилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 4833 минг сўмни ташкил этди. Туманда хорижий инвестицияларни жалб килиш юзасидан ҳам ижобий ишлар олиб борилиб, “Шўрчидонмаҳсулотлари” очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида умумий қиймати 387 млн сўмга тенг бўлган полипропилин қоплар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ушбу цехни ишга тушириш учун 250 млн сўмлик чет эл технологик линияси олиб келиниб ўрнатилди.

2006 йилда туманда 17957,7 минг АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо айланмаси амалга оширилиб, ташқи иқтисодий фаолият бўйича туманда 2009 йил якуни билан ташқи савдо товар айланмаси 16388,5 минг АҚШ долларни,

2008 йилга нисбатан 68,9 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг 15406,9 минг АҚШ доллари экспортга, 981,6 минг АҚШ доллари импортга тўғри келади. Шўрчи туманида 2009 йилда ташқи иқтисодий алоқалар ривожланиб савдо тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш йилдан-йилга ошиб, 2009 йилда ташқи иқтисодий савдо айланмаси 1638 минг АҚШ долларига, экспорт 1540 АҚШ долларига, импорт 981 минг АҚШ долларига бажарилди. Шунингдек, қўшма корхоналар 1 та бўлиб, 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шўрчи туманида ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланиши туфайли ички ва ташқи савдо муносабатларида юқори натижаларга эришиб, иқтисодий алоқаларда ижобий силжишларга эришилди. 2010 йилда туман бўйича ташқи савдо алоқаларининг асосини ташкил этувчи йўналиш бўйича 18405,9, жумладан, эспорт 18391,8, импорт 14,1 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот айрибошлаш ишлари амалга оширилди.

Мустақиллик арафасида аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермай, пуллик хизмат кўрсатиш ташкилотларининг дебиторлик қарзлари ошиб бориб, бу нақд пул тушумига салбий таъсир кўрсатган. Аҳолининг коммунал тўловлар бўйича қарздорлиги ҳам ўсиб бориб, шунингдек, Шўрчида саноат корхоналарини янги технологик жиҳозлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш муҳим муаммолардан бири бўлиб турди. Булар бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос камчиликлар саналиб, чунки, СССРдан тўлиқ ишлай олиш қудратига эга бўлган корхоналарнинг ўзи қолган эмас эди. Шунинг учун мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тараққиётимизни босқичма-босқич амалга ошириш концепцияси ҳаётга татбиқ этила борди. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз 1991-2000 йиллар даврида ўтиш даврининг биринчи босқичи бўлди. 2001-2007 йиллар эса фаол демократик янгиланишлар ва модерназация қилиш даври бўлиб, бу барқарор ривожланиш сиёсий ҳаётимизда, конунчилик, суд ҳуқуқ

тизими ва ижтимоий гуманитар соҳалар изчил ислоҳ қилишини таъминлашда муҳим роль ўйнаган даврдир[5]. Шўрчи туманида корхоналар ва ташкилотларининг олган фойдаси 1996 йил 141,1 миллион сўмни, 2000 йил 425,1 миллион сўмни ташкил қилган . Аҳолига пуллик ва маиший хизмат Шўрчи туманида 1991 йилда 7,3 миллион сўм, 1995 йилда 10,9 миллион сўм, 1998 йилда 264,7 миллион сўм, 2000 йилда 753,4 миллион сўм, 2002 йилда 1157,2 миллион сўмни ташкил қилди.

Шўрчи туманида аҳолига хизмат кўрсатишнинг энг муҳим турларидан бири пуллик хизмат тури ҳисобланиб, 1999 йилда тумандаги аҳоли жон бошига 486,5 миллион сўмлик, шу жумладан маиший хизмат соҳасида 3542,7 сўмлик пуллик хизматлар амалга оширилди. Туманда маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш ва ишга тушириш соҳасида ҳам маълум силжишлар бўлиб, 2004 йилда 6 маиший хизмат бинолари қуриб ишга туширилди. Туман аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш бўйича мукаммал амалий ишлар қилиниб, 2003йилда 1296,7, 2004 йилда 1992,4 миллион сўмлик пуллик хизматлари амалга оширилиди. Аҳоли жон бошига 2003 йилда 8712,3, 2004 йилда 575,9 сўмлик ишлар бажарилди, энг муҳими маиший хизмат 2003 йилда 2188,7, 2004 йилда 3829,4 миллион сўмлик хизматлари бажарилди.

Пуллик хизмат кўрсатиш 2006 йилда аҳоли жон бошига 18067 сўмни ташкил этиб, 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 120,4 фоизга, пуллик хизматлар 11,4 фоизга бажарилди. 2006 йилда Солиқ ва мажбурий тўловлардан 6510,6 миллион сўм туширилиб, режа 127 фоизга адо этилди. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 705 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Шўрчи туманида 2006 йил иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари таъминланиб, 2005 йилга нисбатан солиштирма нархларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,6 фоизга ўсди. Шўрчида 2009 йил

[5] Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. // Ўзбекистон овози, 2007 йил, 31 август.

мобайнида маҳаллий бюджетнинг жами даромадлар қисми 29739,3 миллион сўм ташкил этиб, жумладан, туман маҳаллий бюджети ҳаражатларини амалга ошириш учун 19855 миллион сўм субвенция олинди. 2009 йилда тумандаги мавжуд тижорат банклари томонидан 2009 йил давомида хўжалик юритувчи субъектларга амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ жами 3876,1 млн. сўм миқдорида, шундан узоқ муддатга 172,9 млн сўмлик кредит берилди.

Жумладан, кичик ва хусусий корхоналарига жами 2502,9 млн сўм, фермер хўжаликлари учун 1057,2 млн сўм, микрофирмалар учун 316,1 млн сўм кредит ажратилди. Маҳаллий бюджетнинг ҳаражатлар қисми режаси 29739,3 млн сўм қилиб белгиланган бўлиб, амалда 29739,3 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 18950 млн сўми ижтимоий маданий тадбирларга, 7550 млн сўми ижтимоий ҳимояга, 3239,3 млн сўм бошқа соҳаларга йўналтирилди. Туманда 2006 йилда умумий даромад 34814,7 миллион сўмни ташкил этиб, туман аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш турларининг асосини ташкил этувчи пуллик хизмати йилдан-йилга яхшиланди. Натижада 2009 йилда 2556,7, 2010 йилда 4603 сўмни корхона ва ташкилотлар бўйича, 2009 йилда 447,5, 2010 йилда 282,8 сўмни фирма ва кичик корхоналар бўйича, аҳоли жон бошига 2009 йилда 44354, 2010 йилда 61898,1 сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

Туманда амалга оширилган энг муҳим ишлар қаторига умумий овқатланиш ва чакана–савдо соҳаси бўлиб, замонавий савдо хизмати кўрсатиш, овқатланиш тизимини такомиллаштириш, зомонавий ошхонлар, ресторанлар, савдо шохобчаларни ишга тушириш, савод маданиятини шакллантириш, савдо ходимларини тайёрлаш, маданий хизмат қилишга ўргатиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди. Шўрчи энг қадимдан савдо маркази сифатида машҳур бўлиб, катта-катта савдо карвонлари ўтган ҳудуд ҳисобланади. Туманда савдо айланмаси ва фойда олиш миқдори йилдан-йилга ўсиб борганлигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди Шўрчи туманида 1991 йил 86 млн сўм, 1992 йил 371 млн сўм, 1993 йил 4 млн сўм, 1994 йил 45 млн сўм, 1995 йил 208 млн сўм, 1996 йил 447 млн сўм, 1997 йил

1099 млн сўм, 1998 йил 1657 млн сўм, 1999 йил 3852 млн сўм, 2000 йил 7090 млн сўм, 2001 йил 10463 млн сўм, 2002 йил 18305 млн сўм савдо ҳизматлари кўрсатилиб, туман йирик савдо ҳудудига айланди.

Туманда аҳоли жон бошига умумий овқатланишни қушган ҳолда ва чакана савдо айланмаси билан биргаликда хизмат турлари яхшиланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш анча юқори натижаларга эришилди. Маҳсулот турлари кўпайиб, янги савдо шохабчалари қурилиб, ўртача аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришни қуйидаги рақамлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1991 йил 813 сўм, 1992 йил 3104 сўм, 1993 йил 32,7 сўм, 1994 йил 352 сўм, 1995 йил 760 сўм, 1996 йил 1610 сўм, 1997 йил 8407 сўм, 1998 йил 11970 сўм, 1999 йил 28058 сўм, 2000 йил 50806 сўм, 2001 йил 73526 сўм, 2002 йил 125897 сўмлик маҳсулотлар аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилди. У 2004 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоиз савдо ва умумий овқатланишга, 3,3 фоиз савдо қурилиш соҳаларига ажратилди. 2006 йилда ялпи ички маҳсулотнинг улуши 2,3 бирликка ўсди. Туманда хусусийлаштириш дастурига киритилган корхона ва объектлар тўлалигича бахоланиб, хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан 79 млн сўм маблағ туширилиб, режа 100,7 фоизга бажарилди.

Мустақиллик йилларида аҳолига пуллик ва майиши хизмат кўрсатиш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар бажарилиб, янги хизмат турлари ташкил этилиб, замонавий хизмат кўрсатиш учун зарур маблағлар ажратилди. Туманда сартарашхона, аёлларга маиший хизмат кўрсатиш тармоқлар, ҳаммом, кир ювиш, саломатлик билан боғлиқ соҳаларга эътибор кучайди. Ушбу соҳанинг ривожи билан боғлиқ натижаларни қуйидаги рақамлар қайд этади. Туманда 1991 йил 7,3 млн сўм, 1992 йил 19,7 млн сўм, 1993 йил 0,13 млн сўм, 1994 йил 2,0 млн сўм, 1995 йил 10,9 млн сўм, 1996 йил 31,8 млн сўм, 1997 йил 90,9 млн сўм, 1998 йил 264,7 млн сўм, 1999 йил 486,4 млн сўм, 2000 йил 753,4 млн сўм, 2001 йил 198,7 млн сўм, 2002 йил 1157,2 млн сўмлик аҳолига пуллик ва майиши хизмат кўрсатилди.

2009 йил аҳолига таққослама нархларда 8 млрд 725 млн сўмлик пуллик хизмат, 3 млрд 95 млн 406 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Туманда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари ҳисобига туманда 75 та янги иш ўринлари яратилди. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратилаб, аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъий назар 2009 йилнинг январ-декабр ойлари давомида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 8725,2 млн сўм, шу жумладан маиший хизмат кўрсатиш 3095,4 млн сўмни ташкил этди. 2008 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма нархларда ҳисоблаганда пуллик хизмат 134,0 фоиз, маиший хизмат 136,6 фоиз ўсишга эришилди, аҳоли жон бошига пуллик 52,9 минг сўм, маиший хизмат кўрсатиш 18,7 минг сўмдан тўғри келди.

Шўрчи туманида аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларда 2008 йилда 1899,5, 2009 йилда 3976,3 минг сўмни, фирма ва кичик корхоналарда 2008 йилда 1010,2, 2009 йилда 447,5 минг сўмни, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларда 2008 йилда 2411, 2009 йилда 4301.4 минг сўмлик хизмат турлари кўрсатилди. Шўрчида аҳоли жон бошига ўртача 5276,3 сўм пуллик ва маиший хизмат кўрсатилди. Шўрчи туманида 2006 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши 125,6, фоизга, 2010 йилда эса 130 фоизга бажарилиб, 2012 йилда пуллик хизматлар 15,7 млрд сўмлик аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиб, янги пуллик хизмат кўрсатиш турлари яратилди. Аҳолининг кундалик талаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб пуллик хизматларни амалга ошириш 2013 йилнинг 9-ойда 34,7 млрд сўмга бажарилди.

Мустақиллик йилларида Шўрчи туманида пуллик хизмати йўналишида катта ўзгаришлар амалга оширилган. Бу янгиланишлар, биринчидан жамият тизимида юзага келиб, энг аввало, бу мулкчилик шаклларининг ўзгаришида, хусусий мулкнинг кўпайиб боришида кўзга ташланди. Бозор иқтисодиётининг мукаммал ривож топиши, аҳолининг меҳнат даромадининг кескин ижобий ўсиши натижасида оилаларнинг даромад ошиб, пуллик

хизматига бўлган талаб даражаси кенг миқёсда ўсиб борди. Истиқлол арафаси ва мустақилликнинг биринчи йилларида ижтимоий ҳаётда ҳам қийинчиликлар ва мураккаб ҳолатлар юзага келган эди. Ижтимоий муносабатлардаги муаммолар нафақат Ўзбекистонда, балки СССРнинг барча республикаларида кўзга ташланди. Шиддатли ва мураккаб ижтимоий муносабатлар бошқа давлатларга нисбатан республикада тез назоратга олинди ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Аввалари совет иттифоқ миқёсидаги кўпгина режалаштирилган ишлар амалга оширилмай қолиб кетарди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 275-сонли "Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш" тўғрисидаги қарори айтарли бажарилмади, бу хил мисоллар истиқлол арафасидаги йилларда ҳам кўп учрайди.

Мустақиллик йилларида эса аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди, чунки ислоҳотларнинг бошланғич пайтидаёқ, унинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат деб белгиланган эди. Дастлабки йилларданоқ аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриб борилди. Шу мақсадда, миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, турли нафақалар, стипендиялар, конпенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари кенг қўлланилди.

Мустақиллик йилларида Шўрчи туманида ижтимоий соҳада муҳим аҳамиятга эга ишлар бажарилиб, мактабгача тарбия, мактаб йуналишида ибратли ишлар қилиниб, халқ таълим ижобий натижаларга эришиб, замонавий бинолар билан таъминланиб, зарурий маблағлар ажиратилди. Шўрчи туманида 1960 йилда 73 минг нафар аҳоли бўлиб, иш билан банд бўлган аҳоли сони 1991 йил 41,3 минг кишини, 1995 йил 39,7 минг кишини, 2000 йил 49, 5 мингни киши ташкил этди.

Туманда ишсизлар сони ҳисобига меҳнат биржасига мурожаат қилганлар 1993 йил 666 киши, 1995 йил 543 киши, 2000 йил 1205 кишини ташкил қилиб, ишсизлик нафақаси тайинланиб, 1993 йил 68 киши, 1995 йил

80 киши, 2000 йил 86 кишини ташкил этди. 2000 йилда туманда 63 та мавжуд доимий болалар муасссалари бўлиб, ушбу муассаларда 2709 минг болалар таълим тарбияланиб, шунингдек, тумандаги 55 ўрта умум таълим мактабларида 38,1 минг ўқувчилар таълим- тарбия олди. Туманда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кўчайиб, нафақага чиққанлар, ногиронлар ва она-болалари учун берилган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилиб, малакатимизда чиқарилган фармон ва қонунларни бажарилиши учун зарурий чора тадбирлар ишлаб чиқилди. 2000 йилда туманда 13,7 минг кекса ёшдаги нафақачилар, 231 уруш ногиронлари, 4 байналминал жангчилар, 42 чернобилчи ногиронларнинг соғлигини сақлаш ҳамда яшаш шароитини яхшилаш бўйича муҳим тадбирлар ўтказилиб, 1205 ишсизлар иш билан таъминланди. 2003 йилда Шўрчи туманида 13 минг 422 кишига 227 миллион сўмдан кўпроқ нафақа тўланди.

Мустақиллик йилларида Шўрчи шаҳрини ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, Халқ банки, ҳарбий қисм, 16-иқтидорли болалар лицейси, тиббиёт ва енгил-саноат коллежи ҳамда бошқа жамоат бинолари, турар-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўчалар кенгайтирилиб, асфальт ётқизилиб, тумандаги шаҳар ва қишлоқ кўчалари бўйлаб арча, терак ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, турли гуллар экилди. Шаҳар ва қишлоқларда янги уйлар қад кўтариб, Шўрчиликларнинг турмуш маданияти йил сайин юксалиб, бу эзгу ишларнинг барчаси - Ўзбекистон Мустақиллигининг самараси ва шарофатидир!

Туманда 2005 йилда ногиронлар жамияти 1970 та, уруш ногиронлари 153та, меҳнат ногиронлари 564 та, болаликдаги ногиронлари 401 та, бошқа ногиронлар 1293 тани ташкил этиб, уларга давлат томонидан моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Маиший хизмат курсатиш нуқталари туманда 341 тани ташкил этиб, шундан сартарошхоналар 47 та, оёқ кийимларини таъмирлаш 56 та, телевизор, радио таъмирлаш 17 та, темирчилик 17 та, бичиш –тикиш 13 та, тегирмонлар 135 та, мойжувоз 5 та, пахта титиш цехи 2 тани ташкил этиб, ушбу соҳага алоҳида эътибор берилиб, янги замонавий

бинолар қурилиб, хизмат кўрсатиш тармоқлари пайдо қилинди. Туман бўйича 2003 йилда 3540 бола туғилиб, бу ҳар 1000 кишига нисбатан 23,4 фоизни ташкил этди. “Бандлик дастури” га биноан 2003 йилда 3218 та янги иш ўрни яратилди, 1207 нафар одам ишга жойлаштирилди. 2004 йил бошида туман аҳолисининг 74 минг 193 нафари эркаклар, 77 минг 43 нафари хотин-қизлар бўлган. 151 минг 236 нафар аҳолидан 141 минг 337 нафари ёки 96,1 фоизи ўзбеклар, 3615 нафари ёки 2,39 фоизи тожиклар бўлиб, туманда 907 нафар туркман, 756 нафар татар, 435 нафар рус ва бошқа миллат вакиллари яшаган.

Туманда 2004 йилда 67,2 минг нафар киши меҳнатга лаёқатли бўлиб, шундан 52,3 минг нафари ишлаб, шу жумладан, 1540 нафари саноатда, 6861 нафари қишлоқ хўжалигида, 288 нафари қурилишда, 1687 нафари соғлиқни сақлаш соҳасида, 4784 нафари халқ таълими тизимида меҳнат қилган. 2003 йилда Шўрчи туманида 13 минг 422 кишига 227 миллион сўмдан кўпроқ нафақа тўланган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида муҳим тадбирлар бажарилиб, 2004 йилда туманда 13,4 минг нафақачилар давлат таъминотда бўлиб, 85 нафар кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан қорамол тарқатилди. Шўрчи туманида 2004 йилда ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари яшаб, аҳолининг ўртача зичлиги 1 км$^2$ га 179,2 кишини ташкил қилган .

Туманда 2006 йилда иш билан таъминланган одамлар 743,7 минг кишини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу рақам икки баробар кўпайди. 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра, вилоят аҳолиси 1963,7 минг кишини ташкил қилган ёки 2006 йилга нисбатан 38,9 минг нафарга кўпайган, ўсиш суръати 102 фоиздан ортиқ. Фуқароларнинг 956,2 минг нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, уларнинг 743,7 минг нафари иш билан таъминланган, 32,3 фоизи эса кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритган. 192,9 минг нафар аҳоли иқтисодий фаол бўлмаган кишилар бўлиб, булар жумласига 55,2 минг нафари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар, 37,7 минг нафари

ишламайдиган кўп болали аёллар, 22,1 минг нафари ҳомиладорлик таътилидагилар, 55,9 минг нафари уч ёшгача бола тарбияси билан шуғулланувчилар, 4,6 минг киши эса ёши бўйича имтиёзли шартларда нафақа олаётган шахслар, 19,5 минг нафари ихтиёрий равишда ишламаётган ва ишлашни хоҳламайдиган бошқа шахслардир. 2007 йилда иш билан банд бўлмаган аҳоли 19,5 минг кишини ташкил этди, меҳнат бўлимларига иш қидирувчи шахслардан жами 21 минг 614 нафар фуқаро мурожаат этиб, амалда 22451 киши рўйхатга олинди. Шулардан 19967 нафари иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштирилган, 234 нафар фуқарони касбга тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга жалб этиш кўзда тутилган бўлиб, 244 нафари ҳар хил касбга ўргатилди. 588 нафар шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди, ҳақиқатдан 1772 нафар шахсга мақбул келадиган иш таклиф қилиш имконияти бўлмаганлиги сабабли ишсизлик нафақаси тайинланди. 369 нафар иш ўрни қисқарган ва нафақа ёшига яқинлашган фуқароларга муддатидан илгари нафақа расмийлаштириш учун ижтимоий таъминот бўлимларига тақдимнома берилди. Ижтимоий муҳофаза нафақат давлат, жамоат ташкилотлари, балки, хайрия билан боғлиқ жамиятларнинг ҳам асосий вазифасидир. Айни пайтда ҳокимликлар, маҳаллалар, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Нуроний”, “Маҳалла”, «Ногиронлар», «Қизил ярим ой», жамиятлари, «Болалар» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Кўзи ожизлар» жамияти, «Чернобилчилар», «Байналминалчилар» ассоциацияси, «Меҳрибонлик уйлари», «Меҳр-мурувват уйлари», турли партия ташкилотлари, касаба уюшмалари бундай юмушларда фаол бўлишди. Инсонпарварлик ва бағрикенглик намуналари кўрсатадиган кишилар, ҳайрия бериш имкониятлари бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар беҳисоб. 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра мулкчилик шаклидан қатьий назар барча корхона ва ташкилотларда бўш иш ўринлари 1797 тани ташкил этди. 2006-2007 йилларга мўлжалланган аҳолини иш билан таъминлаш барча манбалар ҳисобидан 36290 янги иш жойлари яратилиб, 2006 йилда 113,7 фоизга адо

этилди. Аслида бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 111,4 фоизни ташкил қилиб, ушбу яратилган иш жойларининг 1047 таси давлат секторида, 40210 таси нодавлат секторида ташкил қилинган. Жумладан, 36610 иш ўрни ёки 88,7 фоизи қишлок  жойларда яратилгани жуда муҳимдир. 2007 йил 1 январда 72732 нафар фуқаро меҳнат дафтарчасини олиб, уларга меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан меҳнат дафтарчалари юритилди ва аввалдан мавжуд бўлган 32823 нафар фуқаронинг меҳнат дафтарчаларига янги фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги ёзув киритилди. 39909 киши эса янги меҳнат дафтарчасига эга бўлишди. Мазкур қарорлар бўйича иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 400 миллион сўм кам таъминланган оилаларга (қорамол сотиб олиш учун) имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган бўлиб, 2006 йилнинг бошидан 2007 йилнинг 1 январигача 2338 та оилага 1294,9 миллион сўм ажратилди. Шундай қилиб, вилоят бўйича 2070 кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул сигирлар берилди, бу борада туманларда жиддий ишлар қилинди. Ана шу қарор талабларини бажаришда 2006 йилда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож иш топишда қийналган ва меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун жами 5886 та иш жойлари барпо этилди. Бу кишиларнинг 2857 нафари ёлғиз ота, ёлғиз оналарни ва кўп болали оилага мансуб ота-оналарни, 2035 нафари таълим муассасаларини тугаллаган ёшларни, 134 нафари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатилганларни, 23 нафари ногиронлар ва нафақа ёшига яқинлашиб қолганларни, 106 нафари эса жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ташкил этади. Шаҳар ва туманларда бўлган меҳнат биржаларининг кўргазмаси натижасида 3841 нафар киши иш билан таъминланди. 72 нафар фуқаро касбни қайта ўрганишга юборилди. 68 киши хақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 1179 нафар одамга турли хизмат ишларига кириш маслаҳат берилди. Қуролли Кучлар резервига 844 нафар фуқаро бўшатилган бўлиб, шаҳар ва туман меҳнат бўлимларининг ходимлари уларга тушунтириш ўтказдилар. 15 нафар киши ҳарбий хизматга

чақирилмасдан олдинги корхона ва ташкилотга, 230 нафари меҳнат бўлимларининг йўлланмалари билан мавжуд бўш ўринларга жойлаштирилди. 225 киши эса ўзлари ихтиёрий равишда ишга кирди, 156 нафари тадбиркорлик билан шуғулланди. 75 йигит ўқишга киришга тайёргарлик кўрди. 67 нафари хуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишга олинди. Уйда иш қилувчи турли касбдаги кишилар, чорва моллари боқувчилар ва турли ҳунармандларнинг ишлаши учун кенг имкониятлар яратилиб, ҳатто аҳолиси зич яшаётган туманлардан 100 нафардан зиёд оилаларнинг Шеробод, Музработ, Қизириқ, Бандихон, Бойсун туманларига кўчиб ўтиши учун амалий ёрдам берилди. Шунингдек, мева-сабзавот, узумчиликни ривожлантиришга оид Қарорига асосан ҳар бир туманда бўш ётган ерларга кўчатлар экиб, ушбу мева-сабзавот ва узумлар кўпайтирилди. Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалига мувофиқ тизим бўйича 55 та корхона-ташкилотларда текширишлар ўтказилди. Бу текширишлар «Меҳ-нат Кодекси» талабларига биноан 134 мансабдор шахсга 2842,8 минг сўм, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун бўйича 29 мансабдор шахсга 740,9 минг сўм жарима қўйилди. Жами жарима миқдори 3583,7 минг сўм бўлиб, шундан 3012,5 минг сўми ундириб олинди. Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан фуқаролардан тушган 130 та ариза-шикоят ва таклифлар кўриб чиқилган ва эгалари талаби қондирилди. Меҳнат қонунчилиги ва муҳофазаси бўйича қоида ва меъёрларнинг бузилиши 377 тани ташкил этган бўлиб, 23 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилган, уларнинг барчасига 422,8 минг сўм миқдорида жарима солинган, шундан 398 минг сўми ундириб олинди. Бугун республикамизда бўлгани каби Сурхон воҳаси ҳам катта қурилиш майдонига айланда, ҳамма жойда маъмурий-маиший бинолар, уй-жойлар қурилиб, ишга туширилмоқда, бу жуда кўп ишчи кучларини талаб қилади. Бандлик муаммосига чек қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз учун қулай ва зарурий турмуш шароити яратиш учун кенг имкониятлар пайдо бўляпти. 2007 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида 29374 янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу соҳанинг ривожлантиришда 71 та янги иш ўринлари яратилди, жумладан, «Шўрчи дон маҳсулотлари» Ҳиссадорлик жамиятида 29, «Шўрчи пахта» очиқ турдаги Ҳиссадорлик жамиятида 42 нафар фуқаро касаначиликка жалб этилди. Улар ишчиларга махсус кийим бош тикиш ва маиший хизматда, асаларичилик, паррандачилик, дурадгорлик билан шуғулланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида юртбошимиз ўз маърузаларида 2007 йил иқтисодий дастурининг 7 та асосий энг муҳим йўналишларини белгилаб бердилар. Айни пайтда туманда устувор йўналишларнинг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Туманнинг асосий макроиқтисодий тармоқларида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Бандлик муаммосига чек қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз учун қулай ва зарурий турмуш шароити яратиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. 2007 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида 29374 янги иш ўринлари яратиш вазифаси бажарилди. Туман аҳолисининг табиий газ ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2005 йилда 30 км газ ва 20 км сув қувурлари, «Олатемир» ҳамда «Ялти» маҳаллаларида 4 км масофага юқори босимлик газ қувурлари тортилди. 2006 йилда 244567,2 миллион сўмлик алоқа хизмати кўрсатилиб, ўн бир километр масофага газ қувурлари тортилиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 7,5 фоизга ўсишга эришилди. 2009 йилда 2,5 км. газ тармоғи, 17,2 км ичимлик суви тармоғи ўрнатилиб, аҳолига етказиб берилган коммунал хизматлари учун туманда 2009 йил 1 январ холатига 10485 хонадондан 65425 киши, 8 саноат ва 37 бюджет хамда 110 маиший хизмат кўрсатиш корхоналари табиий газдан фойдаланди. Табий газ билан таъминланган 10485 хонадонга 9082 газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилиб, туманда газлаштириш ишлари 1990 йилдан бошланган бўлиб, 2010 йилда туман аҳоли хонадонларининг 47,6 фоиз

газлаштирилган, туманда жами бўлиб 442 километр газ қувури бўлиб, шундан юқори босимли газ қувури 38,4 кубометр, ўрта босимли 112,5 кубометр ва 291,1 кубометр паст босимли газ қувурлари аҳолига газ етказиб берилди. Туманда газ тармоғига 379 дона газ тақсимлаш қурилмаси ўрнатилган бўлиб, шундан 25 донаси юқори босимли, 356 донаси ўрта босимли газ тақсимлаш қурилмаларидир. 2009 йилда барча алоқа корхоналари томонидан олинган таъриф даромадлари 360,9 млн. сўмни, ўсиш суръати 115,8 фоизни, шу жумладан аҳолидан олинган таъриф даромадлари 140,8 млн. сўмни, жумладан 110,6 фоизни ташкил этди.

Туманда 2009 йилда солиқ ва мажбурий тўловлар топшириғи 15866,8 млн сўм қилиб белгиланган бўлиб, амалда 16079,7 млн сўмга ёки 131,1 фоизга уддаланди ва бюджетга белгиланганидан 6,3 млн сўм ортиқча маблағ туширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги ПФ-3706-сонли Фармонини амалга ошириш юзасидан ва айниқса қишлоқ жойларда иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этиш учун иш бажарувчиларга реал рағбатлар яратилди. Касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий меҳнат кафолатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармонини амалга ошириш ҳақидаги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан туманда касаначиликни ривожлантириш асосида 2009 йил 555 та касаначилик мехнати ташкил этилиб, улар жойларда миллий либослар, чодир тикиш ва қурилиш

материаллари ишлаб чиқаришда банд бўлди. Жумладан, «Пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида 59 нафар, Шўрчи Дон махсулотлари хиссадорлик жамиятида 86 нафар касаначилик иш ўринлари ташкил этилиб, туманда 2009 йилда 4949 та янги иш ўринлари яратилиб, режага нисбатан 101,0 фоизга бажарилди. Туманда 2009 йилда ижтимоий соҳа бўйича доимий яшаётган аҳоли 168,7 минг кишига етиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 101,3 фоизга ўсди. Туман аҳолисига 2009 йил январ-декабр ойлари мобайнида 66423,6 млн. сўм чакана савдо хизмати кўрсатилиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма нархларда ҳисоблаганда 109,4 фоиз ўсишга эришилди. Аҳоли жон бошига чакана савдо хизмати кўрсатиш 403,3 минг сўмни ташкил этди.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг биргина босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Тенг ҳуқуқли нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди, энг муҳими, илгари давлатга қарашли бўлган хусусий секторнинг тадбиркорлиги ривожланишини чеклаб келган юридик ва ташкилий тўсиқларнинг барчаси олиб ташланди. Бу ҳол ишлаб чиқариш воситаларига эгалик ҳиссини шакллантирди, иқтисодий манфаатдорликнинг ўсишига кўмаклашди. Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдор ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишга, ўз бойлигини кўпайтиришга, шу билан бирга, мамлакатни бойитишга қодир бўлди. Биринчи босқичда асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусий ва жамоа (ширкат) мулки қилиб берилди. Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳам дастлабки қадамлар бўлди, натижада давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди.

Кам даромадли, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кекса шахслар, биринчи марта қурилган ёш оилалар ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган, кам таъминланган бошқа тоифалари, уй-жойга муҳтожлар учун аниқ мақсадли коммунал уй-жой захиралари ташкил этилди. Уй-жой фонди

хусусийлашиши муносабати билан коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бу тизим энди маҳаллий бошқарув қўлига ўтди, янги ишчи ўринлари пайдо бўлди, минтақаларнинг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишдаги мустақиллиги ва масъулияти ортди. 1994 йил ўрталарига келиб, оммавий хусусийлаштириш босқичи бошланиб кетди, бу босқичда очиқ турдаги акциядорлар жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариш ҳамда кенг кўламда кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини яратиш ишлари олиб борилди[6].

Туманда 2009 йилнинг 3-чорагида Мустақиллик, Кўклам, Наврўз, Алишер Навоий маҳалларидаги 310 та хонадон газлаштирилди. Бахшитепа ва Қўқон маҳаллаларида газ қувурлари таъмирланиб, 250 хонадонга газ таъминоти яхшиланди. Элбаён маҳалласида 15 миллион сўмлик, Серғайрат маҳалласида 20 миллион сўмлик трансформаторлар ҳомийлар маблағи ҳисобида ўрнатилди. Туманда 2009 йилда ижтимоий инфраструктура объектларнинг ишга тушириш масаласида муҳим амалий ишлар бажарилиб, уй-жой қурилиши якка тартибда 40,5 минг кв метрни, табиий газ қувурлари ўтказиш 2,5 км, ичимлик сув қувурлари ўтказиш 19,4 км, маиший хизмат кўрситиш нуқталари 4 дона, савдо объектлари 4, умумий овқатланиш нуқталари 2 тага кўпайиб аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга эътибор берилди. Туманда 2010 йилда истиқомат қилаётган 15601 нафар нафақачиларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳимояга олиниб, нафақанинг ойлик миқдори ўртача 114015 сўмга етказилди. Шўрчи туманида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиниши борасида ҳам муҳим ижобий натижаларга эришилди 2010 йилда туманда ижтимоий соҳа таҳлилида 168,1 минг аҳоли яшаб, шундан меҳнатга лаёқатлиси 92,7 минг, меҳнатга банд аҳоли 64,3 минг, нафақадагилар сони 15769 кишини ташкил этиб, аҳолига ижтимоий – иқтисодий шарт-шароит яратиш масаласида муҳим тадбирлар ўтказилди.

[6] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 54.

Шунингдек, 2006 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 122,0, 2010 йилда эса 123,0 фоизга бажарилиб, аҳолига 120 турга яқин маиший хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Шўрчи туманида 2006 йилда аҳоли яшаш жойларни таъмирлаш ва қуриш, уй ичидаги мухандис коммуникация хизматларини ривожлантириш мақсадидаги ишлар 123,5 фоизга бажарилган бўлса, 2010 йилда 133,5 фоизга бажарилиб, аҳолининг ушбу соҳадаги эҳтиёжлари қондирилди. Аҳолининг кундалик талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида янги хизмат турлари яратилиб, 2006 йилда маиший ва компьютер техникаларини таъмирлаш хизматлари, 123,0 фоизга бажарилган бўлса, 2010 йилга келиб, 127,8 фоизга тўлиқ бажарилди. Мустақиллик йилларида аҳолининг кундалик талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маиший хизмат кўрсатишнинг янги турлари ривожланди. Шўрчи туманида 2006 йилда аҳолига хизмат кўрсатишнинг асосий тури кимёвий тозалашни ривожлантириш тармоқлари энди шаклланган бўлса, 2010 йилга келиб, ушбу соҳа хизмати 134,6 фоизга бажарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки аҳолига техник хизмат кўрсатиш, замонавий сервис турларини яратишга алоҳида эътибор берилиб, Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда маиший хизмат кўрсатувчи шахобчаларидан 6 та кийим тикиш артеллари ва устахоналари, 35 та пойафзал таъмирлаш, сартарошхоналар ва гўзаллик салонлари 18 та, кимёвий тозалаш 1 та, суратхоналар 5 та, маиший техникаларни таъмирлаш маркази 14 та, ижара марказлари 3 та, кийим тикиш корхоналари 6 тани ташкил этиб, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида Шўрчи туманида 2006 йилда 1447, 2010 йилда 1490 та иш ўринлари яратилди. 2006 йилда маиший хизмат соҳасига 20 та, умумий ишларга 28 киши қатнашди. Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда шаҳар ва қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш Бош бошқармаси иш мўлжалланаётган маблағлар 2006 йилда 10762,0 миллион сўмлик, 2010 йилда 18065,0 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Туман вилоятда аҳолиси зич жойлашган туманлардан бири ҳисобланиб, унда 2011 йилда 169022 нафар аҳоли яшаб, шундан туман маркази Шўрчи шаҳарчасида 24024 нафар, шаҳарчаларида 39037 нафар ва бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида 105167 нафар аҳоли яшайди. Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги қонун қоидалар бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш учун шаклланган ва мукаммал консалтинг хизматлар маркази 2006 йилда 2 та бўлган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг сони 4 тага етди. Аҳолининг асосий қисмини ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хариди билан шуғулланадиган доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркалар 2010 йилда Шўрчи туманида 1 та ярмарка ташкил этилди. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг йилдан- йилга такомиллашиб бориши, хонадонларни иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилиб, 2007 йил июл ойида иссиқ ва совуқ сув ўлчагич асбоблари ўрнатилди. Натижада Шўрчи туманида 2007 йил 1 июлгача иссиқ ва совуқ сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш, шахсий турар жойларга 2083 та, кўп хонадонли турар жойларга 93, кўп хонадонли турар жойларга 329 та иссиқ сувлар учун махсус ўлчагич асбоблари ўрнатилди. Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда туманда газ ва сув асбобларни ўрнатиш ва таъмирлаш сервис хизмати марказларини очиш ҳамда уйларнинг подъездларини, фасадларини таъмирлаш, уй ичидаги мухандис-коммуникация сервис хизматлар марказларини очиш мақсадида 2006 йилда 1 та, 2007 йилда эса 2 та шундай сервислар ташкил этилди. Шўрчи туманида 2006-2010 йилларда яшаш жойларни қуриш ва таъмирлаш хизматларини ривожлантириш 2006 йилда 123,5, 2010 йилда 133,5 фоизга бажарилиб, янги замонавий уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор берилди.

***Аҳолининг миллий таркиби қуйидагича:***

| | | |
|---|---|---|
| Жами ахоли | 16902 | 100% |
| Ўзбеклар | 160295 нафар | 96,0% |
| Тожиклар | 6350 нафар | 3,0% |
| Руслар | 250 нафар | 0,2% |

| | | |
|---|---|---|
| Татарлар | 730 нафар | 0,4% |
| Бошқа миллат | 1077 нафар | 0,4% |
| Вояга етмаганлар | 75682 нафар | 49. 5 |

Ўзбекистонда Шўрчи тумани аҳоли сони тез ўсиб бораётган ҳудуд ҳисобланиб, бу эса одамларни иш билан таъминлаш, боғча, мактаб, шифохоналар, уй-жой, газ-сув, йўл масалаларни ҳал этишни, қишлоқларда фермер ва деҳқон хўжаликларини, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш тақозо этилади. Тумандаги асосий масала ижтимоий турмуш тарзини ошриш, замон талаблари асосида маиший хизмат турларни шакллантириш, жаҳон андозаларига мос ижтимоий соҳа биноларни қуриш бўйича сезиларли ижобий ишлар амалга оширилиб, 2013 йилда 174244 млрд сўм маблағлар туман ижтимоий соҳасига сарфланди.

Хулоса тариқасида шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида Шўрчи тумани ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар юзага келди. Энг асосийси, бу туманда мулкдорлар синфи шаклланди, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда уларнинг ўрни беқиёс бўлди. Бу ишларни ташкил этишда ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлган маҳалла институти имконияти кенг бўлиб, ундан фойдаланиш ўзини оқлади. Кам таъминланган ва кўп болали муҳтож оилаларга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаси республика бюджети бўлиши билан бирга, бу борада туман маҳаллий бюджети ҳам ўзига хос ўрин тутди. Индексацияланган пул маблағларининг берила бошлаши инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси бўлди, мустақиллик йилларида ижтимоий соҳани ривожлантирши борасида Ўзбекистон ҳукумати катта давлат дастурларини ишлаб чиқиди. Аҳолини турмуш тарзини юксалтириш, иқтисодий аҳволини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, равон ўй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ҳар томонлама тараққий эттириш борасида кенг қамровли тармоқлар ўз самарасини Шўрчи тумани мисолида намоён этди.

## Мустақиллик йилларида халқ таълими

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммоларининг ечими, кадрлар тайёрлаш тизимининг равнақ топиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамият қуриш вазифасини ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия, кредит ва савдо масалаларини тушунадиган, ишбилармон мутахассис-миллий кадрларга эга бўлмасдан муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек; «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири-буларнинг барчаси, аввалambор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз». Маълумки таълим тизими жаҳондаги барча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий, ғоявий маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Республикамизнинг миллий мустақилликни қўлга киритиши натижасида халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий имконият ва руҳиятимизга мос тамойиллар ишлаб чиқилди. Ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топди. Президент И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар тўғрисида тўхталиб, «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Ҳудди шу

нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир»,-деб таъкидлаган эди.

Шўрчи туманидаги мактабгача тарбия муассасалари сони 1991 йилда 68 та бўлиб, улардаги болалар сони 6666 нафар, 1993 йилда 67 та бўлиб, улардаги болалар сони 4500 нафар, 1995 йилда 56 та бўлиб, улардаги болалар сони 3302 нафар, 1998 йилда 48 та бўлиб, улардаги болалар сони 2560 нафар, 2000 йилда 33 та бўлиб, улардаги болалар сони 2057 нафар, 2002 йилда 51 та бўлиб, улардаги болалар сони 2196 нафарни ташкил этди. Таълим тўғрисидаги қонун ва Миллий дастурларни амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Туман халқ таълимини мактабгача тизими учун маблағлар ажратиш ва мутахассислар билан таъминлаш, унинг моддий –техник жиҳатдан жиҳозлаш ишларига эътибор қаратди.

Шўрчи туманида 2003-2004 ўқув йилида 58 та умумий ўрта таълим мактабларида 43 минг 445 нафар ўғил-қиз таълим олиб, шу жумладан, 35 та ўрта, 23 та таянч мактаби фаолият кўрсатиб, 46 та мактаб замонавий, 12 та мактаб мослаштирилган биноларга жойлашган. 51 мактаб сув, 26 мактаб телефон алоқаси, 13 мактаб табиий газ билан таъминланган, 10 мактаб ихтиёрида тажриба участкаси, 38 мактабда ошхона, 22 мактабда спорт зали, 47 мактабда футбол майдонлари бор. 2005 йилда 37-ўрта мактаб қошида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилиб, тумандаги мактабларнинг дарслик фонди 121 миллион 804 минг сўмни, кутубхоналардаги адабиётлар 65 минг 810 нусхани ташкил этди.2003 йилда 3864 бола 9-синфни, 2364 йигит-қиз 10-синфни битириб, шундан 115 йигит-қиз олий ўқув юртига, 151 нафари махсус ўрта билим юртига, 201 нафари ҳар хил ўқув курсларига кирди, 1444 нафари ишга жойлаштирилди.Туман бўйича 3286 ўқитувчидан 1994 нафари олий, 157 нафари тўлиқсиз олий, 1135 нафари махсус ўрта маълумотлидир.

Халқ таълими йўналишида ижобий ишлар амалга оширилиб, 2004 йилда мавжуд 60 мактаб, 47 доимий болалар муассаси фаолият кўрсатиб, улардаги ўринлар сони 3,7 минг, боғчадаги болалар сони 2,3 минг нафарни ташкил этди. Туманда 2005 йилда умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 2 та махсус интернат, ихтисослаштирилган интернат мактаби мавжуд бўлиб, 3 касб-ҳунар коллежи (қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалиги, тиббиёт коллежлари) бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, шаҳар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхонаси, маданият ва истироҳат боғи, туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихона ва бошқа тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мустақилик йилларида халқ таълимига эътибор давлат дастури йўналишида олиб борилиб, энг муҳим ислоҳотлар ўтказилиб, унинг натижалари жаҳон андозалари мисолида амалга оширилди. Янги-янги халқ таълим соҳасида дастурлар яратилиб, замонавий иншоотлар қурилиб мактабларнинг сони ошиб борди. 2010 йил туманда 59 мактаб бўлиб, 36360 ўқувчилар таълим-тарбия олиб, мавжуд 8 та коллежларда 4097 талаблар касб ҳунар ўрганган бўлсалар, шунингдек, болалар боғчалари 34 та бўлиб, 2460 болалар тарбияланди.

Ўзбекистон ўз мустақил ривожланиши йўлига ўтаётган ҳозирги даврда халқ таълими соҳасида ижобий натижаларга эришилиб, маориф билан боғлиқ ижтимоий-маданий масалаларга оид моддий- техник таъминот учун зарур ижобий ишлар бажарилди. 2004-2005 йилларда 57 та умумий таълим мактаби, 3 та мактабдан ташқари ва 46 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, бу масканларда 43315 ўқувчилар билим ва тарбия олиб, мактаблар 200 та янги компьютер ва бошка замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ёшларга ҳозирги замоннинг энг илғор билимларини бериш, уларни давр талабига мос мутахассис қилиб тарбиялаш борасида изчил ишлар олиб борилди. Иқтидорли талабаларни хорижда ўқитиш ишлари йўлга қўйилди, Республикамизнинг халқаро

алоқалари кенгайиши натижасида ўқувчиларга ҳукуматлараро битимлар бўйича хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида билим олиш имконияти яратилди. 2005 йилда туман мактабларидаги ўқитувчиларнинг 1994 нафари олий, 187 нафари тўлиқсиз олий, 1324 нафари махсус ўрта маълумотли педагог бўлиб, «Човжирон бобо» маҳалласида 630 ўқувчи ўрингa мўлжалланган, қиймати 1 миллиард 85 миллион сўмлик мактаб қурилди. Ушбу маҳалланинг ўзида қиймати 1 миллиард 826 миллион сўм бўлган, 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. «Толли» фермерлар уюшмасидаги 35-мактаб капитал таъмирланди.

**Шўрчи халқ таълими ўзининг фидойи ходимлари билан ҳамиша фахрланиб, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шўрчи туманидаги 1- умумтаълим мактаби директори Қулсоатов Ўткир Хушбекович устозларга муносиб шогирд бўлиб, халқ таълимини юксалишга муносиб хизмат қилиб келмоқда. У 1966 йил 14 февралда Шўрчи туманида туғилиб, 1994 йилда Термиз давлат педагогика институтини тугатиб, 2008 йилда 1- умумтаълим мактаби директори бўлди. Катта жамоага раҳбар Ў Қулсоатов ўзининг билим тажрибаси, раҳбарликка хос фазилатлари, иш тажрибасини устозлар ҳаёти йўлидан олиб бориб халқимиз ҳурматига сазавор бўлиб келмоқда. Тажрибали педагог, ташабускор раҳбар Бабаназарова Маърифат Турдиевна 1963 йил 19 майда Шўрчи туманида туғилиб, билим олишга бўлган қизиқиши туфайли, 1980-84 йилларда  Денов педагогика билим юртига ўқиб, таълим тарбия бериш ишларига фаол иштирок этди. Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Олтинсой туманидаги “Ғунча” боғча мудираси бўлиб, ўзининг билим савияси, тишқоқлиги, ташкилотчилиги билан тезда эл назарига тушди. 1987 йилда 21-сонли умумтаълим мактабига директор ўринбосари вазифасида ишлади. 2006-2009 йилларда 59-сонли мактабни директор ўринбосари, 2009 йилда ушбу мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда. 2013 йда Халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгаши депутати Унинг бевосита ташаббускорлиги туфайли мактаб**

**биноси замонавий тубдан қайта қурилиб, жаҳон андозлари асосида жиҳозланди. Вилоят миқёсида ўтказилган 2012-2013 ўқув йилда мактаби "Энг обод таълим муассаси" танлов ғолиби бўлиб, мактаб директори М. Бабаназарова "Йилнинг энг яхши мактаб директори" танлов ғолиби бўлди. Мактаб таълим- тарбия, ободонлаштириш ишлари, жамоатчилик ва маҳалла аҳолиси ўртасида амалга ошириладиган ишларда фаол иштирок этиб келмоқда.**

**Ўлка тарихни ўрганиш, замонавий таълим тизимини шаклантириш, жаҳон андозаларга мос ёш авлодни тарбиялашда тумандаги 16-ўрта мактаб ЮНЕСКО тасарруфида бўлиб, жамоа педагогиклар хорижий таълим услубларидан ҳар томонлама фойдаланиб келмоқдалар. Тумандаги 43-ўрта мактаб тарих фанини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган бўлиб, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Далварзин моддий маданиятни ўрганиш ва ёш авлод онгига сингдириш, илмий анжуманлар ташкил қилишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқда.** Шўрчи шаҳридаги 16-иқтидорли болалар лицейида 200 нафарга яқин йигит-қиз таълим олиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 21 майдаги «2004 - 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони асосида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Туманда 2005 йилда жами 58 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 43393 нафар ўқувчилар таҳсил олиб, шундан 1 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 3 та мактаб капитал таъмирдан, 3 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Ўқув муассасалари сони 122 та, мактаб 58 та, ўқувчи сони 47000 та, ўқитувчилар 3600 та, бошқа ходимлар 1574 та, болалар боғчалари 45 та, болалар сони 1732 та ташкил этди. Мактабдан ташқари муассасалар 3та, интернатлар 2 та, спорт майдонлари ва тўгараклари фаолият кўрсатиб, спорт зали 24 та, футбол майдони 62 та, волейбол майдони 61та, баскетбол майдони 24 та, кураш майдони 20та, шахмат –шашка 33 та, теннис

3та, қўл тўпи майдони 22тани ташкил этди. Туман марказидаги 17-коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ва 32-қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб, 2005-2006 йилларда Шўрчи тиббиёт ва енгил саноат коллежи ва 1830 ўқувчига мулжалланган мактаб биноси қуриб ишга туширилди.

Жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш учун умумий таълим мактабини, олий ва ўрта махсус таълим тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини янгилаш, уларни жаҳон билим дурдоналари билан бойитиш, замонавий дарсликлар ва махсус адабиётлар чиқаришни йўлга қўйиш, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш вазифасини бажариш лозим эди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда умумий ўрта таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билимлар олишини, меҳнат таълимини, бошланғич касб-кор кўринишлари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий қарашларини ривожлантиришларини таъминлайди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни қабул қилинди. Бу истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ фан ва техникага муносабат ўзгарганлигини ва халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилганлигини англатар эди. Мазкур қонун, биринчидан, Ўзбекистон таълим тизимида шу кунгача эришилган муваффақиятларни сақлаб қолишда, иккинчидан эса эски тузум сарқитларини кўрсатиб беришга хизмат қилди. 2013 йилда туманда 58 умумий таълим мактаби (43 мингдан зиёд ўқувчи), болалар мусиқа мактаби, қишлоқ хўжалиги, коммунал хизмат кўрсатиш, тиббиёт касб-ҳунар коллежлари, 2 та махсус мактаб интернати, ихтисослаштирилган интернат-мактаби мавжуд аҳолига хизмат кўрсатди.

**Шўрчи тиббиёт коллежи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29-октябрдаги “Умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-**

**тадбирлар тўғрисида”ги 473-сонли қарорини амалга ошириш борасида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим Марказининг 2004 йил 25-октябрдаги 222-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2004 15-ноябрдаги “Шўрчи тиббиёт коллежини ташкил этиш тўғрисида”ги 501-сонли буйруғи асосида ташкил этилди. Шўрчи тиббиёт коллежи директори этиб Т.Маматхонов тайинланиб, ўзининг ташаббусскорлиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги ҳамда ўқув-услубий ишларни пухта билиш билан жамоага ўрнак бўлди.**

**2013 йил 16 февралдан коллежга Сариев Менглимурод Мамадиевич директор этиб тайинланди. Коллеж биноси замонавий типда қурилган бўлиб, 4,8 га ер майдонига эга, бино 3 қаватли, қуввати 540 ўринли бўлиб, 50 ўринли ётоқхона, 135 ўринга мўлжалланган ошхона мавжуд, бинонинг иккинчи қаватида спорт зали ҳамда фаоллар зали жойлашган. 2010-2011 ўқув йилида коллежда жами 1030 нафар ўқувчилар таълим тарбия олди, уларнинг 772 нафари қиз болалар, коллежда маънавий-маърифий ишлар йўлга қўйилган. Бу борада "Камолот" ЁИҲ, хотин-қизлар, маънавий-маърифий, ўқувчилар, ота-оналар кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Коллежда ташкил этилган 42 та фан тўгараклари ва 8 та спорт секцияларида 800 нафардан ортиқ ўқувчилар мунтазам шуғулланиб келмоқдалар, шу билан бир қаторда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ҳам фаолият кўрсатмоқда. Коллежда бир қатор кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда буюк алломаларимизнинг таваллуд кунларига бағишлаб кечалар уюштирилди. Туман ҳокимияти қошидаги Вояга етмаганлар ишлари комиссияси, туман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими, туман ФҲДЁ бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Коллежда "Таълим тўғрисида" қонун "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларда келиб чиқиб, таълим**

**жараёнини ташкил этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан: ўқув ва лаборатория хоналари талаб даражасида жиҳозланиб, ўқув адабиётлари, кўргазмали қуроллар, электрон дарсликлар ва техника воситалари билан таъминланиши йўлга қўйилган. Ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида, яъни ноанъанавий усулларда дарслар ташкил этилган. Коллежда мавжуд кафедраларда режа асосида кафедра ҳафталиги ўтказиб келиниб, тўгаракларда иштирок этаётган ўқувчилар фан олимпиадаларининг туман босқичида иштирок этиб, 9 нафар ўқувчилар биология, физика, информатика, рус тили ва инглиз тили, математика, она-тили, кимё, тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари фанларидан 1-ўринларни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олдилар.**

**Шўрчи қурилиш, уй – жой коммунал хўжалик касб –ҳунар коллежи дастлаб ҳунар техника билим юрти сифатида 1978 йилда ташкил топиб, 2002 йилда коллежга айланиб, ҳозирга вақтда коллежда 1304 ўқувчига 10 нафар муҳандис – педагоглар таълим тарбия бермоқда. Жаҳон андозалари асосида замонавий жиҳозланган коллежда тикувчилик, тураржой, сув, газ тармоқлари, қурилиш, компьютер тармоқлари, бухгалтерия ҳисоби бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Коллежга ёш иқтидорли. Ташкилотчи М Исоқов раҳбарлик қилиб, ўқувчиларнинг таълим олиши, маънавий баркамол тарбияланиши, жисмонан бақувват бўлиш учун ҳамма имкониятларни яратиб бермоқда. Тажрибали педагоглардан Б Омонов, Д Қосимовлар Халқ таълими аълочиси унвонига эга бўлиб, коллеж ўқувчиларидан Г Рустамова рус тил фани ва У Номозов математика фани олимпиадасида иштирок этиб, Вилоят бўйича 1-ўринни эгаладилар**

Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади Шўрчи туманида яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шу мақсад учун ҳам

маънавий баркамол шахсни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайратли, шижоатли, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам маълумот ва профессионал тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида ижтимоий ривожланиш мезони сифатида қабул қилинди ҳамда унга ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолати сифатида қаралди. Бунинг учун туман халқ таълимининг бутун тизими тезкор қайта қурилиб, умумий ва махсус билимга, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларнинг шахс сифатида ва ахлоқий камол топиши ва уларнинг жисмоний соғлом бўлиши учун барча имкониятлар яратилди.

## Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимда амалга оширилган ишлар ва унинг ривожи

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда қатор ижобий ўзгаришлар ва ютуқларга эришилмоқда. Шу ўринда Шўрчи туманида сезиларли ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шўрчи туманида соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида” ги қонунларнинг бажарилишига алоҳида эътибор берилди. Бироқ шуни қайд этиш лозимки, собиқ иттифоқ парчаланиши арафасида жамиятнинг муҳим тармоқлари саналган соғлиқни сақлаш ва халқ таълимида ҳам муаммо ҳамда камчиликлар йил сайин ошиб борди. Ошкоралик ва қайта қуриш даврида эса

шу соҳадаги муаммолар ҳақида ошкора фикрлар билдирила бошланди. Мазкур муаммолардан энг муҳими ёш авлодни соғлом ва ҳар тамонлама етук шахс сифатида тарбиялаш, оналар ва аёллар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш каби масалалар саналган. Айтиш мумкинки, мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ давлат ва ҳукумат раҳбарияти айнан шу муаммоларга асосий диққатини қаратди. Бу йўналишда истиқлолнинг дастлабки йилларида жанубий вилоятларда ҳам муаммолар мавжуд эди, уларни ҳал этиш жараёнида муайян қийинчиликлар бўлган.

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилга келиб тиббиёт соҳасига бўлган эътибор янада кучайди, вилоятдаги кўпгина касалхоналар қайта таъмирдан чиқарилди. Аҳолига бўлган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида хорижий мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб--ускуналари келтирилди. Бозор иқгисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида тиббиёт ходимлари ҳам четда қолмадилар. Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Бу ишларни амалга оширишда Шўрчи тиббиёт билим юртларининг ҳиссаси катта бўлди. Ўз навбатида Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари малака ошириш ва услубий ишлари билан ёрдам бериб келмоқда. Вилоятда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 1992 йили 13283 тани ташкил этиб, Шўрчида 826 тани ташкил этди.

Албатта, мустабид жамият даврида собиқ Иттифоқнинг чекка ўлкаларига бошқа соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам кам эътибор берилиб, тиббий муассасалар моддий техник базасининг етарли ривожланмаганлиги, дори дармонлар ва тиббий асбоб ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан етарли таъминланмаганлиги натижасида жойларда профилактика даволаш ишларини кўнгилдагидек ташкил этишнинг имконияти бўлмади. Натижада аҳоли ўртасида юқумли сариқ касаллиги 1990 йилга нисбатан 1991 йил июнь ойида 78 фоизга кўпайиб, 4372 нафар киши касалланди. Оғир экологик шароит, турли хил кимёвий дорилардан

кўп фойдаланиш туфайли жигар, буйрак, ўпка, рахит, кўз касалликлари кўп тарқалди. Шўрчи туманида бу ҳолат оммавийлашди, масалан, 1991 йил июнига келиб туманда вирусли гепатит 32, сил касаллиги 31 фоизга ўсди, бундан ташқари педикулез, бруцелёз касалликлари кучайди. Шўрчи аҳолисининг ҳар 10 минг кишисига 1992 йилда 81,5% ўриндиқлар тўғри келиб, жами аҳолига нисбатан 58,6% ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, туманда аҳолининг ўсиб бориши натижасида ўриндиқлар сони фоиз ҳисобида аҳоли жон бошига нисбатан кам бўлган. Юқорида қайд этилган рақамли кўрсаткичлар 1992 йилда Шўрчида 53,5 фоизнини ташкил этган бўлса, 1993 йилга келиб , 51,5 фоизни ташкил этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар ўтказилди, натижада мутахассисларнинг сони ва салмоғи ошиб борди. Вилоятда 1992 йили 3318, 1993 йили эса 3395 нафар олий маълумотли врачлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. Бу кўрсаткичлар 1992 йили Шўрчида 262 тани ташкил этди. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, вилоят туманларида олий маълумотли шифокорлар сони йилдан-йилга маълум даражада ўсиб борди. Ўз навбатида бу мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун етарли даражада имкониятлар яратилмади. Чунки мутахассисларга етарли иш ҳақининг камлиги, моддий манфаатдорликнинг йўқлиги бу соҳада жиддий изланишлар қилишни талаб этди. Айниқса, ёш мутахассисларни рағбатлантириш, қўллаб--қувватлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилиши натижасида уларнинг ишга бўлган қизиқиши сусайиб борди.

Мустақиллик йилларида тиббий хизмат кўрсатиш масаласига алоҳида аҳамият берилиб, шифо масканлари компьютер ва бошқа замонавий аппаратлар билан жиҳозланди. Тиббиёт ходимларининг малакаси оширилди, тажрибали гинеколог врач Ойсултон Муҳаммадиева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор унвони билан тақдирланди. Мустақиллик йилларида тажрибали шифокорлардан Хўшбоқ Маматқулов, Абдужаббор

Абдураҳмонов, Турдиали Бердиев, Тожимурод Абсаломов, Абдужалил Давлатов, Самад Мамадиев, Мукаррам Карoматова, Зайнаб Қаршиева, Турсуной Қаршиева, Али Арзиев, Яхшибой Саидов, Турдиали Дониёров ва бошқалар эл-юрт ўртасида катта обрў-эътибор қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1998 йил 10 ноябрида «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида» фармон қабул қилди. 1996 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республикада 1999 - 2000 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратизимини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» қарор чиқарди. Бу фармон ва қарор асосида Шўрчи туманидаги тиббиёт масканларида ислоҳот ва хусусийлаштириш изчиллик билан амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек, тиббиёт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Республикада мустақиллик йилларида тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор ўсди. Собиқ Иттифоқ ҳукумати даврида Республиканинг ижтимоий соҳасига, шунингдек, соғлиқни сақлашга етарли миқдорда маблағ ажратилмаганлиги натижасида тиббиёт хизмати қониқарли холда эмас эди. Иттифоқда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва соғлиқни сақлаш масалаларига эътиборнинг сусайиши, давлат бюджетида соғлиқни сақлаш улушининг камайишига, унинг моддий-техник базасини янгилаш, янги дорилар ва даволаш усулларини ўзлаштириш жараёнларининг пасайишига олиб келди. Кўпгина касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар ва дорихоналар ихтисослашмаган биноларда жойлашиб, асосий қисмида канализация ва иссиқ сув йўқ эди, бу ҳолатлар айниқса, қишлоқ жойларда ниҳоятда ачинарли тарзда эди. Республикамизда соғлиқни сақлашга ажратилган маблағнинг камлиги касалхона ва поликлиникаларни замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш даражасига салбий таъсир кўрсатди. 1980 йилларда шифохоналардаги ўринлар сонини оширишга зўр берилиб, ҳар бир ўринни ускуналар билан таъминлашга ўрта ҳисобда тўрт минг сўм сарфланган бўлса, бу кўрсаткич Шўрчида 2,0 минг сўмни ташкил этди. 1990

йилда олий маълумотли врачлар Шўрчида 248 тани ташкил этган бўлса, 1991 йилда 271 тани ташкил этди. 1991 йилда касалхоналар сони 5 та бўлиб, улардаги ўринлар сони 300 тани ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизими муаммоларининг бир қисми хусусий мулкчилик шаклидаги корхона ва муассасалар томонидан ҳал этилди. Айнан шу соҳада ҳам мулкчиликнинг хусусий шакли аста-секин ўз ўрнини эгаллади. Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин тутди. Уларда юқори малакали мутахассислар, жаҳон миқёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни амалга ошириб, одамлар ҳаётини сақлаб, уларни умрига умр қўшаётгани бу борадаги ислоҳотларнинг амалий ифодасидир. 1991-1992 йилларда туман шифохоналарининг моддий-техник аҳволи яхшиланди, чунончи Япония фирмаларида ишлаб чиқарилган 5 та ультра товушли, 5 та эндаскопик аппарат, «МТ-322» маркали автокардистограф, чақалоқлар учун интенсиф терапия блоки, «БХ-5» маркали аксиметрлар ўрнатилди. 1991-1992 йиллардан бошлаб тиббиёт хизматини яхшилаш мақсадида пуллик хизмат жорий этилди, 1991 йили меҳнат аҳлига 20 миллион 100 сўмлик пуллик хизмати кўрсатилган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 1,7 фоизга ошди. Албатта, собиқ Иттифоқнинг чекка ўлкаларида бошқа соҳаларда бўлганлиги каби, тиббиётга кам эътибор берилиб, тиббий муассасалар моддий-техника базасининг етарли ривожланмаганлиги, дори-дармонлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан етарли таъминланмаганлиги натижасида жойларда профилактика даволаш ишларини кўнгилдагидек ташкил этишнинг имконияти бўлмади. Жойлардаги маҳалла қўмиталари, давлат ташкилотлари, тиббий муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, махсус муассасаларни малакали ходимлар билан таъминлашга эътиборни кучайтиришга киришди. Натижада 1992 йилда Шўрчида тиббиёт соҳасидаги малакали мутахассислар 53,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1993 йилга келиб Шўрчида 51,5 фоизни ташкил этди.

Мустақиллик йилларида тиббий хизмат соҳасида олиб борилган тадқиқотлар илмий таҳлилга эътибор бериб, қуйидаги фикрлар изоҳланди. Шўрчи туманида инфратузилмасини яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизматини кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар хизматини ташкил этиш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил туманда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Шўрчида 1997 йилда 5 та соғлиқни сақлаш соҳасига хизмат қилувчи касалхоналар бўлиб, даволаш ўринлари сони 884 тага етиб, туманда 10 минг аҳолига ўртача 59,6 касал ўрни тўғри келди. 1997 йилда 6 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 4 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди. Шўрчи аҳолиси соғлиғини сақлаш, замонавий даволаш масканларини қуриш, қайта таъмирлаш, даволаш ўринларини янгилаш, хоналарни замон талаби асосида жиҳозлаш соҳасида катта амалий ишлар қилинди. Айниқса, 2000 йилга келиб янги тиббиёт асбоб-ускуналари чет элдан олиб келиб, ўрнатиб халққа тиббиёт соҳасини янги усуллари билан хизмат кўрсатиш яхшиланди. Тумандаги даволаш муассасалари ва ўринлари сони 2000 йилда Шўрчи туманида 5 та касалхонада 470 ўрин аҳоли соғлиғини сақлашга хизмат қилди.

Тожикистон алюминий заводининг таъсири туфайли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида экологик муҳит инсон саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Алюминий заводи таъсир қиладиган ҳудудда 600 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2005 йилнинг 6 ойи давомида (январь-июнь) 32232 та туғиш ёшидаги хотин-қизлардан 22050 нафари, яъни 67,5 фоизда турли хил экстрогенитал касалликлари аниқланди. Аниқланган касалликлар асосий қисмини кам қонлик-27,1 фоиз, 5,3 фоизда буйрак ва эндокрин тизимида, 4,3 фоизда овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари ва бошқа касалликлар билан оғриганлар 5,3 фоизни ташкил қилди. Ушбу экологик вазиятни яхшилаш ҳамда аҳоли соғлиғини сақлаш, турли касалликларнинг олдини

олиш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар амалга оширилиди. Эндокрин, нафас олиш аъзолари касаллиги, аёллар ва болаларда иммунитет танқислиги олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 августдаги 282 фармони асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ишлаб чиқилди. 2005 йилда юқорида қайд этилган туманлардаги аҳоли тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, қўшимча 20 млн сўмлик дори-дармонлар билан таъминланди.

Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган кенг тармоқли “Оила марказлари” нинг ўрни ва аҳамияти катта бўлди. Шўрчи туманида 1992 йил 5 та, 1998 йил 5 та, 2000 йил 3 та, 2003 йил 5 та шифохоналар бўлиб, шифохоналардаги ўринлар сони 1992 йил 990 та, 1998 йил 425 та, 2000 йил 385 та, 2003 йил 455 та ташкил қилиб, ҳар 10000 кишига тўғри келадиган шифохоналардаги ўринлар 1992 йил 92 та, 1995 йил 44 та, 1998 йил 32 та, 2000 йил 27,8 та, 2003 йилда 37,2 та ўрин бор. Тиббиёт муассасаларидаги хакимлар сони 1992 йилда 249 нафар, 1995 йилда 279 нафар, 1998 йилда 284 нафар, 2000 йилда 286 нафар, 2003 йилда эса 288 нафар врачлар аҳолига хизмат қилдилар. Шўрчи тумани аҳолиси ҳар 10000 кишисининг ҳакимлар билан таъминланиши 1992 йилда 23,1 нафар, 1995 йилда 23,2 нафар, 1998 йилда 21,4 нафар, 2000 йилда 20,6 нафар, 2003 йилда эса 19,6 нафарни ташкил этди. Шўрчи туманида ўрта маълумотли тиббиёт ходимлар сони 1992 йилда 793 нафар, 1995 йилда 873 нафар, 1998 йилда 906 нафар, 2000 йилда 906 нафар, 2003 йилда эса 1252 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари аҳоли соғлигини даволашга иштирок этдилар. Шўрчи тумани аҳолиси 10000 кишисининг ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланиши 1992 йилда 73,7 нафар, 1995 йилда 72,5 нафар, 1998 йилда 68,3 нафарни ташкил этиб, тиббиёт соҳасида маълум аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилди. Энг муҳими мутахассисларга бўлган талабни таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, олий ва ўрта махсус тиббиёт ходимлари иш шароитини яхшилашга кўп маблағ сарфланди. Туманда 2004 йилда 290

ўрингa мўлжалланган 4 та касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), 8 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 8 қишлоқ врачлик пункти, 24 та дорихона, 3 та поликлиника ва бошқа тиббий муассасаларида 263 врач, 1100 га яқин ўрта тиббий ходим ишлади. 2004 йилда туман тиббиёт тизимида 280 врач, 1096 ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли соғлиги-саломатлиги учун хизмат қилдилар. Туманда тиббиёт соҳасида ижобий натижаларга эришилиб янги даволаш масканлари қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб ускуналари билан таъмирланди. Шунингдек мутахассисларга бўлган талаб эҳтиёжлар алоҳида ҳисобга олиниб, жаҳон тиббиёт билимларига эга врачлар шифо масканларида ишладилар. 2010 йилда туманда 4 касалхона бўлиб, 330 ўриндиқ, 15 врачлик пунктлари, 253 врач, 1380 ўрта тиббиёт ходимлари аҳолини соғлиги учун хизмат қилдилар.

Туманда соғликни сақлаш масаласига эътибор мустақилликнинг дастлабки йилларидан шаклланиб, сифатли тиббий хизматни ташкил этиш масаласида сезиларли ишлар амалга оширилиб, янги тиббий масканлар қурилиб, замонавий хизмат турлари яратилди. Шунингдек, мавжуд касалхоналар қайта таъмирланиб, кўплаб янги қишлоқ врачлик марказлари ва даволаш масканлари қурилди. Аҳолига хизмат кўрсатувчи шахсий ҳамда хусусий тиббий шифо масканлари ишга туширилиш туфайли, замонавий дорихоналар, геникологик, УЗИ, оилавий шифо марказлари туман аҳолисига хизмат кўрсатди. Замонавий шифохоналарнинг аҳолига хизмат кўрсатганлиги қуйидаги рақамларда ўз ифодасини топганлигини асослаш мумкин. Шўрчи туманида 1992 йилда 5 шифохона мавжуд бўлган бўлса, ушбу касалхоналар тўлиқ қайта таъмирланиб, 2008 йилга келиб энг сўнгги тиббиёт асбоб--ускуналари билан таъминланди. Туманда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли аҳолига хизмат кўрсатиш турлари яхшиланиб, касалларни даволаш учун шарт-шаротлир яратиб беришга алоҳида эътибор қилинди. Янги қурилган шифохоналарни жиҳозлаш, тиббиёт асбоб-- ускуналари билан таъминлаш борасида туманда масъулиятли ишлар бажарилди. Ўртача ҳар 1000 кишига касалхоналарда ўриндиқлар

билан таъминланиш даражасини қуйидаги манбалардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1992 йил 990, 1993 йил 600, 1994 йил 600, 1995 йил 530, 1997 йил бошида 445, 2000 йил 385, 2002 йил 525 касалларни даволаш учун ўриндиқлар мавжуд бўлган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш натижасида ҳар 1000 кишига тўғри келадиган ўринлар сони маълум маънода ўзгариб, ўринлар замонавий жиҳозлаш, янги хизмат турларини шакллантириш, врачлик марказлар фаолиятига эътибор натижасида тибиий хизмат турлари яхши йулга қуйилди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар натижасида мутахассисларга бўлган талаб эҳтиёжни таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, замонавий билимга эга олий маълумотли врачларни даволаш масканларига жалб қилинди. Чунки врачларни замонавий билим даражаси билан турли хил касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг соғлигини сақлаш мумкинлиги алоҳида муҳим масаладир. Мустақиллик йилларида тиббий ходимларини малакали қилиб тайёрлаш билан биргаликда замонавий тиббиёт асбоб--ускуналарини бошқаришга ўргатиш ва янги даволаш усулларини қўллаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шўрчи туманида врачлар сони 1992 йил 249, 1993 йил 262, 1994 йил 273, 1995 йил 279, 1996 йил 173, 1997 йил, 274, 1998 йил 284, 1999 йил 284, 2000 йил 286, 2001 йил 293, 2002 йил 288, 2003 йил 288 кишини ташкил этиб, аҳолига малакали тиббий хизмат қилдилар. Туманда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли соғлиқни сақлаш тизими учун зарур мутахассисларни талаб даражасида бўлиши муҳим масала бўлганлиги натижасида ўртача аҳоли жон бошига тиббиёт ходимлар тайёрланди. Шўрчи туманида ўрта махсус тиббиёт ходимларини тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилиб, мустақиллик йилларида янги ташкил этилган коллежлар ҳал қилувчи муҳим ўрин тутди.

Туманда 2006 йилда Марказий шифохона болалар бўлими ва тез тиббий ёрдам бўлимлари 35 млн сўмга капитал таъмирланди. Шунингдек, Ялти қишлоқ врачлик пункти бюджет ва хомийлар маблағи хисобидан 25 млн сўм сарфланиб, реконструкция қилиниб ишга туширилди. Ушбу даволаш –

профилактика муассасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 18 млн сўмлик тиббий асбоб ускуна ва жиҳозлар ажратилди. Жумладан Шўрчидаги Тиббиёт коллежи бу соҳада катта муваффақиятга эришди, чунки ўрта малакали тиббиёт ходимлари даволаш муассасининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Шўрчи туманида ўрта тиббиёт ходимларининг сони 1992 йил 793, 1993 йил 286, 1994 йил 859, 1995 йил 873, 1997 йил 880, 1998 йил 906, 1999 йил 906, 2000 йил 906, 2001 йил 1020, 2002 йил 1249, 2003 йил 1252 кишини ташкил этди. 2004-2005 йилларда Шўрчи шаҳридаги туғруқхона ва болалар бўлими, шошилинч ёрдам маркази мукаммал тарзда таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. 20 та тиббий муассаса жорий таъмирланди, бу ишда фермерлар амалий ёрдам кўрсатди.

Тумандаги 11 та қишлоқ врачлик масканидан 5 таси таъмирланиб, қайта жиҳозланди, барча қишлоқ, врачлик масканлари 3 фазали электр қуввати билан, 8 таси сув резервуарлари билан таъминланди. Олатемир қишлоқ врачлик масканига 10 миллион сўмлик янги асбоб-ускуна ва жиҳозлар ажратилди. Озод қишлоқ врачлик пункти тўла таъмирланди.Туман аҳолисига 1 та «Тез ёрдам» станцияси ва унинг 2 та тармоғи ҳамда 3 та «Дамас» ва 4 та «УАЗ» русумли енгил автомашина тиббий хизмат кўрсатди. Шошилинч ёрдам марказида ҳавони мўътадиллаштирувчи замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Диагностика бўлими учун қизил ўнгач, ошқозон ва ичакдаги касалликларини аниқлайдиган мажмуа иш бошлади. 2004 йилда туманда олий маълумотли врачлар 273 нафарга, махсус ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 1085 нафарга, қишлоқ врачлик пункти 11 тага, қишлоқ врачлик амбулаторияси 8 тага, фельдшерлик-доялик пункти 18 тага етди.

Марказий шифохона болалар бўлими ва тез тиббий ёрдам бўлимлари 35 млн сўмга капитал таъмирланди. Шўрчи туман соғлиқни сақлаш муассасалари жами 97 та бўлиб, шундан касалхона 3 та, КВПлар сони 10 та, КВА лар сони 7 та, аёллар маслаҳатхонаси 19 тани ташкил этиб, янги бинолар қурилиб, мавжуд тиббий муассасалар тулиқ қайта таъмирланди.

Шунингдек, кардиология ва терапия бўлимлари жойлашган икки қаватли бинони тўлиқ таъмирлаш ишлари якунланиб, 35 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳомийлар ва тиббиёт бирлашмаси маблағлари ҳисобида 23,6 миллион сўмлик маблағлар сарфланиб, туман марказий касалхонаси туғруқхона бўлимининг биноси ва канализация қисмлари тўлиқ қайта таъмирланди. Тез тиббий ёрдам бўлими биносига 4 миллион сўм сарфланиб, таъмирланди. 2009 йил туман соғлиқни сақлаш тармоқларида 253 нафар врач ва 1354 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатиб, туманда 4 та умумий шифохоналар мавжуд бўлиб, уларда 330 ўрин мавжуд. Туманда 15 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат курсатиб, соғлиқни сақлашга эътибор ошиб, янги даволаш масканлари қурилиб, халққа хизмат кўрсатиш тармоқларнинг сони йилдан-йилга ошиб борди. 2010 йилда 290 ўринга мўлжалланган 4 та касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), 8 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 8 қишлоқ врачлик пункти, 24 та дорихона, 3 та поликлиника ва бошқа тиббий муассасаларда 263 врач, 1100 га яқин ўрта тиббий ходимлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатдилари.

**Мустақиллик йилларида Шўрчи туман Тиббиёт бирлашмаси жаҳон андозаларига мос ҳолда замонавий қайта таъмирланиб, етук салоҳиётли мутахассислар жамланган шифо масканига айланди. 2013 йилда туман Тиббиёт бирлашмасига раҳбарлик қилаётган малакали шифокор М.Юлдошевнинг тажрибали ишбилармонлиги ҳамда кадрлар масаласидаги ташаббускорлиги натижасида шифохона маънавий жиҳатдан янада жипслашиб, кенг тармоқли даволаш марказлари ташкил этилиб, замонавий кўркам даволаш биноларига эга бўлди. Туман шифохонаси 330 ўринли бўлиб, жами 248 врач ва малкали ўрта таълим мутахассилигига эга ходимлар хизмат қилмоқдалар. Туман тиббиёт бирлашмасида Шошилинч тез тиббий ёрдам, тўғриқхона, гинекология, терапия, ташсхисот, рентген, режали жарроҳлик, юқумли касалликлар, тери таносил касалликлари, қабул қилиш, стериллаш бўлимлари туман аҳолисига мунтазам хизмат қилмоқда. Тиббиёт бирлашмасида 1 та Кўп**

**тармоқли Марказий поликлиника, 16 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига бирламчи тиббий ва профилактик хизмат кўрсатиб келмоқда. Булар "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида замонавий тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланган. Шўрчи туман Тиббиёт бирлашмаси ўзнинг малакали шифокорлар билан фахирланиб, давлат дастурлари асосида ишни ташкил қилиб, аҳоли ҳурматига сазовар бўлиб келмоқдалар. Тажрибали шофокорлардан Шошилинч тез тиббий ёрдам масканида Акбархон Махмудов, Абдусаттор Хайитов, Чори Холиёров, терапия бўлимда Самад Мамадиев, Файзулла Алиқулов, тўғриқхона бўлимда Нафиса Шоймарданова, болалар бўлими бошлиғи Мухаббат Кенжаева, юқумли касалликлар бўлими врачи Хушмамат Тангиров, Тожимурот Маматхакимовлар ўз тиббий малакали хизматлари билан эл назарига ҳамда ҳурматига сазовар бўлдилар.**

"Баркамол авлод" спорт мусобақаларида иштирок этувчи спортнинг қўл тўпи туридан вилоят терма жамоаси таркибида коллежнинг III-босқич "Даволаш иши" гуруҳи ўқувчиси Жўраева Бону иштирок этди. Шунингдек, коллежнинг I-босқич "Фармация" гуруҳи ўқувчиси Жўраев Ашурали 2011 йил 11-15-январ кунлари Тошкент шаҳрида спортнинг Муай-Тай туридан бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 67 кг вазнда иштирок этиб, устозлари ишончини оқлади ва Олтин медал соҳиби бўлди. Меҳрибонлик уйидан келган 2 нафар ўқувчиларга моддий кўмак берилди. Ҳозирги кунга келиб коллеж ҳудудида олма, ўрик, ёнғоқ, беҳи, гилос, хурмо, нок, шафтоли ва узум, ёнғоқ боғлари барпо этилган бўлиб, 1000 тупга яқин мевали ва 1100 туп манзарали дарахтлар ҳамда 3000 туп атиргул кўчатлари парваришланмоқда.

2009-2010 ўқув йилида Шўрчи тиббиёт коллежини жами 482 нафар битирган ўқувчилар ҳамширалик иши, даволаш иши, фармация мутахассислиги бўйича диплом олдилар. Шулардан 459 нафари иш билан таъминланган, 2 нафар ўқувчи олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида Шўрчи, Қумқўрғон,

Олтинсой, Денов, Узун туманларидаги тиббиёт бирлашмалари билан шерикчилик шартномалари тузилган. Бундан ташқари Шўрчи туман бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати оширилди, болалар спортига, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар таҳлилидан умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Шўрчи туманида соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Мазкур вилоятлар соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизими ходимлари республикамиз ижтимоий ҳаётида туб янгиланишларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

## Шўрчининг моддий ва маънавий маданиятининг юксалиши

Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари: газета, журнал, радио ва телевидение муҳим омил ҳисобланиб, дастлаб туманда 1936 йил 19 октябрда «Янги ҳаёт» газетасининг биринчи сони чоп этилди. Газетани ташкил этиш ва чоп қилиш, уни омма орасига тарқатиш ишларига биринчи раҳбар Ҳалим Боқиевнинг хизмати алоҳида каттадир. Туманда 1936 йил ноябрь ойида Т Нишонов раҳбар этиб тайинланган туман босмахонаси иш бошлаб, матбуот учун зарур хизматларни бажариб, газета саҳифаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, мактаб-маориф ва бошқа мавзулардаги ижобий ва танқидий мақолалар эълон қилинди.

Туман газетасида иккинчи жаҳон урушидаги жасорат, фронт орқасидаги машаққатли аммо шарафли меҳнат кенг ёритилди. 1930-йилларнинг охирида таҳририятда техник котиб Туроб Бобоназаров, Эшмирза Тўрақулов, Аҳмад Исмоилов, Норқобил Шукуров ва бошқа ходимлар газетани нашр қилиш ва

турли мавзуларда мақоллар баён қилишда фидойлик кўрсатдилар.Туман газетаси саҳифаларида меҳнаткаш деҳқонлар ва чорвадорлар ҳамда халқ таълими, ижтимоий турмуш тарзи билан боғлиқ материаллар мантазам бериб борилди. Газетани чоп этиш ва уни маънавий қудратини оширишда таниқли журналистлардан 1938 - 1950 йилларда Нормурод Эргашев, 1952 - 1953 йилларда Бозор Меликов, 1953 - 1961 йилларда Тошқул Элмуродов, 1962 йилда Саидмурод Жўрақулов «Янги ҳаёт» газетаси муҳаррири бўлган, 1963 йил 1 апрелидан эътиборан «Коммунизм ғалабаси» газетасига Мустон Хўжақулов, 1964 - 2003 йилларда Туроб Эшбоев каби муҳаррирларнинг хизмати ниҳоятда каттадир.

XX асрнинг 60-90-йилларида туман газетасининг ғоявий-сиёсий савияси, журналистларнинг ижодий изланишлари ва маҳорати тобора ошди. Таҳририятда Бозор Мелиқов, Тўхтамурод Қурбонов, Иброхим Эрдонаев, Мамат Бобомуродов, Рахматулла Абдураҳмонов, Нуриддин Қоракулов, Парда Алимардонов, Эшмирза Муҳаммадиев, Чапай Ҳусанов, Очилди Хонназаров, Асқар Хўжамуродов, Жўра Қодиров, Шоди Норқобилов, Маматкарим Тангиров, Холмўмин Тўхтаев, олий маълумотли журналист Шаҳар Элмуродова, Хосият Аҳмадқулова, Турсун Қўшоқов, Нурмамат Тошбоев, Аҳмад Ҳамроев, Бозор Мухаммадиев ва Нодира Мирзааҳмедова самарали ижод қилди. Шу даврда бўлажак шоир ва ёзувчилардан Абрай Хамзаев, Худойберди Эшонқулов, Қўчкор Норқобилов, Гуландом Тоғаева сингари 20 нафардан кўпроқ жамоатчи муҳбирга журналистика факультетига кириб ўқиш учун йўлланма берилди.

Туманлар йириклаштирилганлиги туфайли «Коммунизм ғалабаси» газетаси ҳозирги Денов туманидаги узоқ Сина қишлоғидан то Жарқўрғон туманидаги Оқтепа сув омборига қадар бўлган катта ҳудуддаги аҳолига хизмат қиларди. Туман газетаси ҳафтасига 3 марта чиқарилиб, унинг хар бир сони 9-10 минг нусхада тарқатилди. 1950-70-йилларида туман босмахонасида Зокир Азизов, Асқар Хўжамуродов ва Хосила Бобохонова директор бўлиб ишлади. Туман партия қўмитасининг биринчи котиби, Меҳнат Қаҳрамони Чори Алматов маслахати хамда муҳаррир Туроб Эшбоевнинг астойдил саъйи-

ҳаракати билан 1977 йилда икки қаватли босмахона биноси фойдаланишга топширилди. Туман босмахонаси учун жами 234 минг сўм, жумладан, қурилиш-монтаж ишлари учун 189 минг сўм маблағ сарфланган. Бу ерда Шўрчи, Қумқўрғон ва Олтинсой тумани газеталари ҳамда турли буюртмалар замонавий офсет машинасида чоп этилиб, журналист Қарши Тошпўлатов 23 йил мобайнида босмахонага раҳбарлик қилди.

1987 йил май ойида Шўрчи туман газетасининг 50 йиллик юбилейи кенг нишонланиб, туман газетаси ва муҳаррир Туроб Эшбоев Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.1992 йилдан бошлаб, «Коммунизм ғалабаси» газетасининг номи яна «Янги ҳаёт», сўнгра «Шўрчи ҳаёти» деб ўзгартирилди. 2003 йил март ойидан буён журналист Нурмамат Тошбоев туман газетаси муҳаррири бўлиб, газета ҳафтасига 2000 нусхада чиқарилиб, «Шўрчи ҳаёти» газетасининг полиграфик сифати яхшиланди.

Ватан, она –ер тупроғини ижод қаламига наср қилиб олган Шўрчи зиёлилари халқимиз орзу умидларни эртанги ҳаётга бўлган ишончиларини ҳурмат эҳтиром билан баён этиб турли мавзуларда асарлар яратмоқдалар. Туман ижодкорлари мустақиллик йилларида фарзандлар тарбиясига муносиб ҳисса қушадиган асарлар яратиб, унда мардлик, жасурлик, ватанпарварлик намуналарини тарғиб қилиб меҳнатни қадрловчи асарлари билан танилмоқда. Ҳалқ оғзаки ижоди Шўрчи туманида кенг тарқалиб уни тарихи бир неча минг йиллик даврни ўз ичига олади. Айниқса бахшчилик саънатини йирик вакил танқли ижодкор Холиёр бахши Абдукаримов (1897-1938) Бойсун туманининг Паданг қишлоғи яқинидаги Олчабулоқ қишлоғида туғулиб ёшлигидан думбира торларини кўй-қушиққа боғлаб, гудакликда отадан жудо бўлган ижодкор ҳаётга ишонч ва меҳр билан қараб, 13 ёшда қўшиқ айта бошлади. У Бойсун-Боботоғ бўйларида, адир ва қирларда мулла Улуғбойни қўйларини боқиб, 18-20 ёшларда зўр бахши сифатида элга танилди.

Холиёр бахши Гўрўғли ва Алпомиш туркумидаги достонларни дилдан кўйлаб, давраларда халқ олқишини олиб ватан, уни муқаддас тупроғини

босқинчилардан озод қилиш, мард ва жасур бўлишга ёшларни чорлаган улуғ бахшидир. Бакши 1920-йилларда «Амир қочди» достонини ёзиб, достон 1929 йилда фольклоршунос Ҳоди Зариф томонидан китобга кучирилиб, уни номи кейинчалик «Гулдаста» тўпламида эълон қилинди. Холиёр бахши ўз достонларида адолат, мардлиқ муҳаббат ва эзгуликни мадҳ этди, янги термалар яратди. У қўлида қурол билан босқинчи қизил аскарларга гоҳ ошкора, гоҳида пинҳона курашди ва «тўқсабо» номини олди.

Холиёр бахши XX асрнинг 30-йилларида Шўрчи туманидаги Элбаёнсойда яшаб, тўй-томошаларда кўпкари чопди, қўшик айтди. У 1937 йил 29 октябрида Култепа қишлоғида «совет давлатини қуролли куч билан ағдариб ташлаш ниятидаги яширин аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлган» деган сохта айблов билан қамоққа олиниб, машъум учлик ҳайъати ҳукмига биноан Тошкент шаҳрида отиб ўлдирилган. Қатағон қурбони Холиёр бахши 1989 йилда хатти-ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқланди.

Саврtепалик бахши Эшқобил Қўшоқов 1918 йилда таваллуд топиб, 1930-йилларда «Ёруғлик» жамоа хўжалиги аъзоси, тракторчи бўлиб ишлади. Холиёр бахши ёш Эшқобилга дўмбира чертишни, достон ва термалар айтиш сирларини ўргатиб, оқ фотиҳа берди. Э Қўшоқов иккинчи жаҳон уруши чоғида Жонзарб деган қозоқ бахшиси билан элидан почта орқали олган хатдаги сўзларни дўмбира жўрлигида қўшиқ айтиб, жангчиларнинг кўнглини кўтарди. Эшқобил бахши фронтдан қайтгач, жиянлари Тожи ва Чўтбой Менглиевдан дўмбира чертишни мукаммал ўрганиб, жамоа хўжалигида кўп йиллар механик ва боғбон бўлди. У «Алпомиш», «Бобо Равшан», «Равшан ва Зулхумор», «Ойсанам ва Офтоб» сингари анъанавий достонлар билан бирга замонавий достонлар, қўшиқлар ва ҳазил термалар ижод этди. Бобо шоир достонлари ва қўшиқларининг жуда оз қисми қоғозга, аудио ва видеомагнитофон тасмасига ёзиб олинган.

Олатемирлик Сафар овчининг ўғли Алмурод бахши туғма истеъдод соҳиби, чечан сўз нотиқ бўлиб, у қадрдон дўмбирасини сайратган, дилларни

яйратган давраларда шўх кулги, ҳазил-мутойиба ҳукм сурарди. Ҳажвий термалари одамларга кўтаринки кайфият бағишларди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин республика маориф вазирлиги ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган бахшилар беллашуви 3 кун давом этди. Иккинчи кун Алмурод бахшига навбат берилди, у дўмбирасини кўтариб залдан саҳнага чиқаётган чоғида томошабинларга ўзини қуйидаги терма билан таништирди:

Тоғларда битар арча,
Арчага битар ширча.
Манзил жойим — Деновдан
Айрилиб чиққан Шўрча.
Алмурод дер отимни,
Эгар эзди этимни.
Чиройли бола эдим,
Чечак бузди бетимни.

Саҳнада Алмурод бахши дўмбира чертиб, турли дон, сабзавот ва полиз экинлари тилидан тўқилган термаларни айта бошлади. Алмурод бахши тўй-сайилларда, Ҳазорбоғ, Қоратоғ ва бошқа каналлар қурилишида «Гўза ва Саломалик» деган ҳажвий асарини, қувноқ қўшиқ ҳамда ҳазил термаларини айтиб, халқ қалбига завқ-шавқ бахш этди.

Журналист ва шоир Бозор Меликов 1922 йилда Сариосиё туманидаги Дашнобод қишлоғида туғилиб, ота-онаси вафот этгач, болалар уйида тарбияланди. У Термиз шаҳридаги педагогика билим юртини тамомлади ва «Қизил чегарачи» каби вилоят газеталарида ишлади. Б.Меликов Волга ва Дон дарёси бўйларида танкчи сифатида жанг қилди ва оғир ярадор бўлиб, госпиталда даволанди, жанговар орден-медаллар билан тақдирланди. У «Илғор Сурхон учун» вилоят газетаси муҳбири, Ангор ва Шўрчи туман газетаси муҳаррири, таҳририятдаги қишлоқ хўжалик бўлими мудири, 1968 - 1982 йилларда маҳаллий радио эшиттириш ташкилотчиси сифатида хизмат қилди. Журналист Б Меликовнинг 1950-60-йилларда вилоят мусиқали театри

тўғрисидаги танқидий мақоласи, «Муштум»да босилган «Шўрчидаги шўрлар» интермедияси анча гап-сўзга сабаб бўлган эди. 1998 - 2002 йилларда шоир Бозор Меликовнинг «Сурхон гуллари» ва «Умр баҳори» деган шеърий тўпламлари нашр этилди.

Шоир Туроб Эшбоев 1932 йилда Шўрчи туманидаги Ғорма қўрғон (Ёруғлик) қишлоғида ўрта ҳол деҳқон оиласида туғилиб, отаси Эшбой амин Муҳаммадиев ферма мудири, бригада бошлиғи бўлиб ишлаган, 1938 йилда қатағон қурбони бўлиб, 1989 йилда оқланган. Онаси Ўғлон Муҳаммадёрова жамоа хўжалигида ишлаган, Т Эшбоев 1930-40-йиллардаги етимлик ва муҳтожликка қарамай, 5-ўрта мактабда қунт билан ўқиди. У 1945 йилда жамоа хўжалигида меҳнат қила бошлади, 1952 йилда 1-ўрта мактабни, 1956 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан битириди. Т.Эшбоев 1956 - 1964 йилларда 1-ўрта мактабнинг юқори синфларида ёшларга ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ берди ва сўнгги 3 йилда директор ўринбосари бўлиб ишлади. У 1964 йилдан то 2003 йилга қадар «Шўрчи ҳаёти» туман газетаси муҳаррири лавозимида астойдил хизмат қилиб, меҳнати муносиб қадирланиб, орден-медаллар, Республика Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йиллиги» эсдалик нишони билан мукофотланди. Туроб Эшбоев ижодкор шоир ва таниқли ёзувчи бўлиб, шеърларининг тили содда ва равон, мазмуни жиҳатидан чуқур фалсафий мушоҳадаларга йўғрилган бўлиб, унинг асарлари мухлислар томонидан доимо илиқ кутиб олинган.

Истиқлол йилларида шоирнинг ижоди, айниқса баракали бўлиб, 1995 - 2006 йилларда «Боботоғ бургути», «Бешик ҳақида қўшиқ», «Холиёр бахши», «Диёнат дарахти», «Чинорлар ва ниҳоллар», «Қафас ва парвоз», «Давлат газар», «Исомиддин ҳангомалари», «Сурхон ва инсон», «Хуррам полвон» ҳамда «Қалб ҳамиша меҳрга ташна» китоблари нашр этилди. Адиб Туроб Эшбоев 2000 - 2005 йилларда «Муҳаррир маҳорати», «Исомиддин

ҳангомалари», «Хуррам полвон» воқеий-ҳужжатли қиссаси, «Боботоғ булоқлари» достони ҳамда «Шўрчи шуҳрати ва инсон қудрати» тарихий-бадиий асарларини яратди.

Жасур журналист Мамат Бобомуродов (1938 - 2000) мактабда ўқитувчи, 1963 - 1975 йилларда туман газетасида маданият ва мактаб-маориф бўлими мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. У долзарб мавзуларни дадиллик билан ёритди, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳақида очерклар ёзди, одоб-ахлоқ юзасидан танқидий мулохазаларини изхор этди. Шоир Мамат Бобомуродов ногиронлиги туфайли аламини Қаламдан олди, у юзлаб шеър-ғазаллар, «Табиб чол хақида», «Варзиншох ва Даллиой» каби ўндан ортиқ достон ва балладалар яратди.

Шоир Хўшбоқ Рахим 1940 йидда Шўрчи туманидаги Айригаза қишлоғида туғилди, беғубор болалиги Боботоғ этакларидаги қир-адирларда ўтди. У ўрта мактабни тамомлагач, Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида тахсил олди. Хўшбоқ Раҳимов Ғиждувон ва Шўрчи тумани мактабларида ўқитувчилик қилди. Фалсафа фанлари номзоди Х.Рахимов салкам 30 йил мобайнида Тошкент архитектура-қурилиш институтида доцент бўлиб ишлади. Х.Рахим адабий анжуманларда қатнашди, ўнлаб шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Шўрчи ҳаёти» газетасида, «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди. Шоир асарларида Боботоғ, Сурхон воҳасининг гўзал табиати, содда ва самимий инсонларининг олижаноб фазилатлари ва руҳий ҳолати яққол акс эттирилган. «Таъмагирга» каби шеърларида маънавий қашшоқлик, порахўрлик иллатлари қаттиқ қораланган. 2001-2006 йилларда Х.Рахимнинг «Айригаза», «Говургон», «Қалбдаги битик», «Боботоғ хумори», «Юрак садолари» ва «Кўздаги қиёфа» китоблари нашр этилди. «Юмуқ», «Шўрчи» балладалари ва академик Ахмадали Асқаров жасоратига бағишланган «Юрак садолари» («Қўрғошин дунё») каби достонларида баён этилган чуқур фалсафий фикр-мулохазалар, теша тегмаган ташбиҳ ва оригинал тимсоллар китобхонларга манзур бўлди.

Охунбобоевлик Абдирасул Рахимов 1948 йилда туғилиб, у ўрта мактабни ва институтни битиргач, турли лавозимларда ишлади. Вилоят ва туман газеталари билан ҳамкорлик қилиб, таҳлилий мақолалари, ўқимишли очерклари билан журналистлар ва муштарийларнинг хурматига бўлди. Шоир шеърлари содда, равон, чуқур фалсафий фикрларга, оригинал ташбиҳларга бой. Абдирасул Рахимовнинг хар бир шеърида она Ватан меҳри, ҳақиқий ишқ-муҳаббат, ёрга вафодорлик ва садоқат, адолат ва хақиқат туйғулари уфуриб туради. Оташқалб шоир А. Рахимовнинг 2000-2006 йилда нашр этилган «Сенга кўнгил боғладим» ва «Тулпор» китобига энг сара шеърлари киритилган. Шоира Райхона Рахимова шеърларида она калби, фарзандлар бурчи, ўзбек аёлининг ажойиб фазилатлари, гўзаллик ва эзгулик тараннум этилиб, ўнлаб лирик шеърлари газетхонлар хукмига хавола этилди.

Кекса педагог Холиқул Бўронов 35-мактабдаги бошланғич синф ўқувчиларига қарийб 45 йил сабоқ бериб, у қадимги осори-атиқалар, иш қуроллари, рўзғор буюмлари ва ўзбек миллий либосларини умр бўйи тўплаб, ажойиб уй музейини яратди. Бу музейдаги тарихий ёрдгорликлар томошабин қалбида ифтихор туйғуларини уйғотади. Шоир Холиқул Бўроновнинг болаларга бағишланган кўплаб шеърлари вилоят ва туман газеталари ўқувчиларига тақдим этилган. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Саломат Бобохоновнинг бахшиёна шеърларида эзгуликка эътиқод, ёвузликка нафрат, она юртга мухаббат, инсоний бурчга садоқат туйғулари изхор этилган. 21-ўрта мактаб ўқитувчиси Шариф Эргашевнинг «Меҳр» ва бошқа ҳикоялари, ҳажвиялари ўзининг мухтасарлиги, образларининг пишиқ-пухталиги, тилининг жозибадорлиги ва танқид тиғининг ўткирлиги билан ажралиб туради.

Шоир Ҳайдар Йўлдошев ва Холмўмин Тўхтаевнинг шеърлари соддалиги ва самимийлиги, эзгулик ва ёвузлик хақидаги фикр-ўйлари билан диққатни жалб этади. Мустақиллик йилларда 20-мактаб ўқитувчиси Ўлжамурод Мамашевнинг янги шеърлари, 22-мактаб муаллимаси Момо

Султоннинг «Қалдирғоч» қиссаси, «Ҳожари гилам» каби ҳикоялари ўқувчилар қалбида ўчмас таассурот уйғотди. «Толли» хўжалигининг Шакаркўл қишлоғидаги уста Ҳусан Гайдаров ясаган дўмбиралар қўшни республикаларда ҳам машҳур. У қашқадарёлик машҳур Қодир бахши Раҳимов айтган 29 та достонни аудиомагнитофон тасмасига ёзиб олган. Фольклоршунос олим Малик Муродов бу халқ устаси ясаган дўмбира довруғи ҳамда оғзаки ижод дурдоналарини келгуси авлод учун сақлаб қолиш соҳасидаги эзгу хизматлари тўғрисида видеофильм яратган эди. Боботоғ бағридаги Биллур булоқ суви беғубор ва тоза бўлади, булоқнинг зилол сувлари жўшқин жилғаларга, ирмоқларга қўшилиб азим Сурхондарёга айланади. Обиҳаёт ва меҳнат туфайли она табиат гуллаб-яшнайди, диёнат дарахти бўлган одамлар бахт булоғидан умрбод баҳраманд бўлади!

Туман маданиятининг юксалишида клуб, кинотеатр, ҳаваскорлик тўгараклари, халқ дасталари ва кутубхоналарнинг хизмати беқиёсдир. XX асрнинг 50-йилларида Шўрчи тумани марказида фақат 1 та эски маданият уйи, жамоа ва давлат хўжаликларида ёзги клуб ва кинотеатрлар, хўжалик ва мактабларда кутубхоналар бор эди. 1953 йил 18 июлда туман ижроия қўмитаси маданият бўлимини ташкил этиш тўғрисида 279-қарорни қабул қилди. Яхшибой Ўсаров туман маданият бўлими мудирлигига тайинланди. Кейинчалик А.Эшниёзов, Неъмат Иноятов, Хасан Ражабов, Чапай Ҳусанов, Ҳамро Бурхонов, Шоди Норқобилов, Музрабшо Алимардонов, Мўмин Худоёров маданият ва кинолаштириш бўлимларига раҳбарлик қилди. Йирик саноат корхонаси ва хўжаликларида маданият саройи, қишки клублар қурилди, 1979 йилда Шўрчи шаҳрида 2 қаватли янги маданият саройи фойдаланишга топширилди.

1992 йилдан эътиборан Раҳматулла Мўминов туман маданият бўлимини бошқарди. Туманда 23 та киноускуна бўлиб, шундан 5 таси турғун, 18 таси кўчма ҳолда аҳолига хизмат қилган. Шўрчи шаҳрида «Бобур» кинотеатри ишлаб, 1990-йилларда шаҳарда 1 та маданият уйи, 11 та қишлоқ клуби, 3 та

автодаъватхона фаолият кўрсатган. Ўзбекистон мустақиллиги халқ ижоди булоқларининг кенг ривожланишига имконият яратиб, туманда 3 та халқ ансамбли, қишлоқларда 10 та ашула-рақс ва фольклор-этнографик дастаси тузилди. 1983 йилда «Кумуш тола», 1996 йилда Ҳайдар полвон Рустамов раҳбарлигидаги «Ҳилол» миллий дорбозлар гуруҳи, 2000 йилда «Булбулгўё» жамоасига халқ ансамбили номи берилди.

1985 йилда Райҳон Бўтаева ташаббуси ва раҳбарлигида «Сурхон» (У Дониёров номли) хўжалигида тузилган «Чанқовуз» ансамбли қадимги миллий рақс ва ашулаларни қайтадан томошабинларга туҳфа этди. Ансамблда 80 яшар сибизиқчи Нодир бобо, унинг ўғли Абдурашид Нодиров, Эгамберди бахши Холлиев, лапарчи Менгқобил Исмоилов, дўмбиракаш-созанда Бўри Ортиқов ва бошқалар фаол иштирок этди. Япониялик археолог профессор Кюдзи Като бошлиқ эгнографлар «Сурхон» жамоа хўжалигининг маданият саройида «Чанқовуз» ансамбли концертини қарийб бир соат томоша қилиб, видеокамера тасмасига муҳрлади.

Бастакор Қаҳрамон Комилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нурхон Зулунова Шўрчи туманига келиб «Чанқовуз» ансамбли репертуарига сайқал беришда амалий ёрдам кўрсатди. 1988 йилда «Чанқовуз» ансамблининг қўшиқ ва рақслари Тошкент телевидениеси орқали намойиш этилди. Эндиликда «Чанқовуз» анъаналарини «Баҳор қалдирғочлари» фольклор-этнографик дастаси муваффақиятли суратда давом эттирмоқда. Бу ансамбль 2004 йил 10-15 май кунлари Сирдарё вилоятидаги Гулистон шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон қўшиқлар байрамида фахрли биринчи ўринни эгаллади. 1993 йилдан буён Шўрчи туманидаги «Кумуш тола» ва «Булбулгўё» ансамбли санъаткорлари Тошкент шаҳрида Наврўз ва Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган 26 та тантанали маросимнинг 6 тасида ўзлари, 20 тасида Бойсун ва бошка туман бадиий жамоалари билан биргаликда иштирок этди.

Бундан ташқари, Шўрчи туман маданият уйи қошидаги бадиий жамоалар Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, соҳибқирон Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан Самарқандда, Бухоро, Термиз ва Хива шаҳрининг

2500 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги хамда Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида ўзларининг жозибали миллий рақслари ва қўшиқ-куйларини халқ ҳукмига ҳавола этди. 1997 йилда Нусрат Абрайқулов бошлиқ «Жон болажон» жамоаси оилавий ансамбллар кўрик-танловида вилоятда ва республикада биринчи ўринни эгаллаб «Дамас» автомашинаси билан мукофотланди. «Жон болажон» ва «Булбулгўё» ансамблининг 24 нафар аъзоси 1998 йилда Туркияда 2 хафта сафарда бўлиб қайтди.

Шўрчилик маданият ходимлари «Ўзбекистон-Ватаним маним» республика қўшиқ байрамида совринли ўринларни эгаллади. 1997 йилда истеъдодли хонанда Нурмамат Ҳайитов ўзининг «Истиқбол қўшиғи» билан туманда ва вилоятда биринчи ўринни олиб, республика қўшиқ байрамига тавсия этилди. 1997 йилда Термизда ўтказилган кўрик-танловда қўшиқчи Ўрол Эшдавлатов ва Бахтиёр Бобохонов рағбатлантирувчи ўрин соҳиби бўлди. «Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг республика босқичида 2002 йилда Дилдора Каримова, 2003 йилда эса Юлдуз (Ситора) Орипова фахрли 2-ўринни эгаллаб, эсдалик совғалари билан тақдирланди. «Булбулгўё» фольклор-этнографик ансамбли 2005 йилда Термизда ўтказилган кўрик-танловда фаол қатнашиб, вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

Қўли гул чевар Иқлим Тошбоева миллий ўзбек театри ва келин-куёв либослари дизайни бўйича Термиз шаҳрида бўлган кўрик-танловда вилоят бўйича бир неча марта биринчи ўринни эгаллади. У Тошкентда ўтказилган «Ташаббус—2002» кўригида махсус диплом билан тақдирланди, айниқса, Иқлим Тошбоева тайёрлаган миллий либослар «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор-қўшиқ фестивалининг қатнашчиларига ғоят манзур бўлди. Моҳир каштачи 2002-2003 йилларда ЮНЕСКО-нинг махсус дипломи билан икки марта мукофотланди. Туманда 2010 йилда 35 та, шу жумладан, Шўрчи шаҳрида 4 та, қишлоқларда 31 та кутубхона бўлиб, Марказий кутубхона тармоқларида 2010 йилда 250 минг 500 нусха китоб мавжуд. Марказий кутубхонанинг ўқув залида ва бошқа кутубхоналарда тарихий саналар, байрамлар, шоир ва адибларнинг ижодига бағишланган китобхонлар

конференцияси, меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашувлар, бошқа қизикарли тадбирлар уюштирилди. Шўрчи тумани марказий кутубхонасида «Ахборот танлаб тарқатиш» мавзусида семинар машғулотлари ўтказилди. Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизимига қарашли 19 тармоқ кутубхонасичи Мегнора Мўминова биринчи ўринни, 1996 йилда «Кутубхона ёшлар камолотида» Республика кўрик танловида Шўрчи туманидаги марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли 23-тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси Зулхумор Холбоева ҳам фахрли биринчи ўринни, 2001 йили «Йилнинг энг яхши сценарийси» Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизими болалар кутубхоначиси Озодахон Турдиева биринчи ўринни, «Энг яхши оммавий тадбирлар сценарийси» номли Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси услубият бўлими мудири Эътиборхон Мустафоева биринчи ўринни, 2003 йилда «Маҳалла менинг уйим» деб номланган йилнинг энг яхши сценарийси кўрик танловидаги Республика босқичида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудираси Улғўзи Жўраева фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Кутубхоначилар 1995 йилдан буён ташаббусни қўлдан бермай, вилоятда кутубхона ишларини юқори савияда йўлга қўйиб, 2005 йилда вилоятда Республика Маданият ишлари Вазирлиги тизимидаги кутубхоналар сони 413 тага, китоблар жамғармаси эса 3428825 тани (шундан, 1775223 нусхаси ўзбек тилида) ташкил этди.

Шўрчи мусиқа мактаби 1963 йилда очилиб, мактаб 1990 йилда янги қурилган икки қаватли бинода иш бошлади. Мусиқа мактабида илгари 350 ўғил-қиз шуғулланган бўлса, 2010 йилда 218 бола машғулотларда қатнашиб, ўзбек миллий мусиқа асбобларидан чанг, дутор, най, қашқар ва афғон рубоби, дойра, рақс ва анъанавий қўшиқ бўлимлари бор. Рустам Қоржонов, Чори Аноров, Олим Пардаев, Нилуфар Йўлдошева, Саодат Муродова ва бошқа устозлар ёшларга санъат сирларини ўргатди. Ўқувчилар туман, вилоят ва республика танловларида ўз маҳоратларини халқга намойиш этди.

Мустақиллик йилларида маҳаллий бастакорлар етишиб чиқиб, мусиқа мактаби директори Орзиқул Нуралиев таниқли шоир ва шўрчилик ижодкорларнинг шеърларига куй басталади. Раҳматулла Мўминов халқ қўшиқлари ва ўйинларига қайтадан ҳаёт бағишлаб 2002 йилда «Булбулгўё наволари» китобини яратди, китобда қўшиқлар матни ва мусиқа нотаси берилган. Қўшиқчи Ўрол Эшдавлатов Тошкентда мусиқий ижод билан шуғулланди.

Шўрчилик Шоира Қурбонова саҳналаштирган миллий рақслар томошабинларга манзур бўлиб, у «Ўзбек-рақс» бирлашмасининг вилоят бўлимида бош балетмейстер бўлиб ишлаб «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Маданият ва санъатни ривожлантириш, ёшларни тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун мусиқа мактабининг дутор бўйича педагоги Тамара Мухторова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», Ҳамро Қурбонов «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Раҳматулла Мўминов «Фидокорона хизматлари учун» ордени, халқ лапарларининг ижрочиси Менгқобил бобо Исмоилов ва дўмбирачи Абдуҳамид Янгибоев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

1997 йил вилоятда 798 та умумий таълим мактабларида 417,8 минг ўқувчилар таълим тарбия олган бўлса, 219 та ўрта таълим қошидаги мактаб, лицейларида 2689 ўқувчи таълим тарбия олди. Вилоят халқ таълимининг асосий тармоғи ҳисобланган мактабгача тарбия муассасаларнинг сони 453 та бўлиб, унда 31,1 минг болалар тарбияланди, бу соҳага 21620 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, вилоятда мавжуд 31 та касб-ҳунар техника ўқув билим юртларида 13,1 минг ўқувчи таълим олди. 1997 йилда вилоятда халқ маориф ривожига оид муҳим амалий ишлар бажарилиб, қатор ижобий тадбирлар бажарилиши туфайли ижобий ютуқларга эришилиб, Шўрчи туманида 7140 ўқувчи мактабларга, 3200 бола мактабгача таълим муассасаларида таълим олди.

Шўрчи туманда спорт турлари бўйича жами 31 нафар мураббийлар гуруҳларда машғулотлар олиб бориб, бу мураббийларнинг 22 нафари олий ва 7 нафари эса ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Спорт мактабида спортнинг 9 тури бўйича жами 89 та гуруҳлар ташкил этилиб, бу гуруҳларда жами 1378 нафар ўқувчи спортчилар ўзларининг маҳоратларини оширди. Бу спорт мактаби Термиз шахри, Жарқўрғон, Олтинсой, Узун ва Сариосиё туманлари спорт мактабларининг жамоалари билан кўп маротабалаб ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Спорт мактаби вилоят финал босқичида (2001-2002 йилги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида) 5-7 синфлар ўртасида фахрли 1-ўрин, 8-11 синфлар ўртасида III-ўринни эгалладилар. Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган Республика финал босқичидаги мусобақаларда спортчилардан 8 нафари спортнинг уч турида (кураш, белбоғли кураш, волейбол) иштирок этишиб, кураш бўйича II-ўринни эгаллашди. Спорт мактаби малакали спортчилар тайёрлаш бўйича қуйидаги натижаларга, спорт усталигига номзодлар-2, 1-разрядли спортчилар -25, 3-разядли ёшлар -286 таги эришдилар.

2006 йилда “Шўрчидонмаҳсулотлари” хиссадорлик жамияти қошида бир вақтниинг ўзида 170 нафар ёшлар спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўлган умумий қиймати 140 млн 355 минг сўмлик ёзги, замонавий тренажёрлар ва татами кураш гиламлари билан жиҳозланган қишқи спорт комплекси ишга туширилди. 2006 йилда бу комплексда болалар спортининг дзюдо, эркин кураш, миллий кураш, каратэ, қўл жанги каби турлари билан шуғулландилар. Шу соҳада олиб борилган ишлар натижасида 143 нафар биринчи даражали, 629 нафар оммавий разрядли спортчилар тайёрланди.

Туманда 2006 йилда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Тумандаги А. Сафаров номли ширкат хўжалигида умумий қиймати 178 млн сўм бўлган “Ёшғайрат” спорт мажмуаси қурилди. Унга 43 млн сўмлик спорт анжомлари олинди. Бу комплексда бир вақтнинг ўзида 108 нафар болалар спортининг 9 тури бўйича шуғулланиш имкониятига эга.

Туманда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари ҳисобига туманда 75 та янги иш ўринлари яратилди.Туманда 2005 йилда комплексда болалар спортнинг дзюдо, эркин кураш, миллий кураш, каратэ, қўл жанги каби турлари ташкил қилиниб янги спорт иншоотлари қуриб ишга туширилди. Шу соҳада олиб борилган ишлар натижасида 143 нафар биринчи даражали, 629 нафар оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. Шўрчи - азалдан машҳур полвонлар, чакқон чавандозлар, спорт усталари юрти. Менгтўра, Давлат, Норин, Бобош, Гулбой, Норбой Қизил, Юзбой, Гулмирза, Омон, Номоз, Жовли, Алибой, Туро, Алман, Менгбой, Бобохон, Ҳамза Бердимуродов, Менгзиё Лолаев, Эшмамат Лолаев, Нурмамат Лолаев, Менгликул Лолаев, Шодмон Валиев, Йўлдош Норматов, Эркин Сафаров, Бахтиёр Шерхонов, Абдураззоқ Жўраев, Жума Сафаров, Сайид Қаршиев, Қаҳромон Сафаров, Шуҳрат Бекмуродов, Хуррам Муротов, Чори Бобожонов, Норбой Жумаев, Бўри Зиёев, Кароматилло Менгноров, Омон Имомов, Турғунжон Мматалиев, Жума Каримов ва бошқа полвонлар тўй-томошаларда миллий кураш бўйича ғолиб чиқиб, элнинг ор-номуси ва шаънини мардона ҳимоя қилган. Саврtепалик Алман полвон Валиев Иттифоқ ва Республика мусобақаларида биринчи ўринни олиб, шуҳрат қозонган. Эндиликда Бахтиёр Шерхонов ва Шуҳрат Бекмуродов каби полвонлар Алининг майдонида шижоат билан курашмоқда. Ободонлик Холмат полвон ва унинг ўғли чавандоз Тўра Хўжакелдиев тўйлардаги кўпкари (улоқ)да бош совринларни олиб, эл олқишига мушарраф бўлган. Холмат Бегматов номли 1-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчиси Равиля Салимова (Прокопенко) баскетбол бўйича Совет ва жаҳон чемпиони бўлиб, Тошкент шаҳридаги спорт мактабининг директори бўлиб ишлади. Мустақиллик йилларда Шўрчи туман мактабларининг ўқувчилари республика ва вилоят миқёсида ўтказилган спартакиада мусобақаларида совринли ўринларни эгаллади.

Шўрчи шаҳридаги Бойназар Холматов номли маданият ва истироҳат боғидаги «Пахтакор» стадиони мукаммал таъмирлаб, Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати ҳиссадорлик жамияти стадиони кўнгилдагидай

ишлаб турибди. Комбинатнинг «Шўрчи-Лочин» футбол жамоаси республикадаги биринчилиги ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, шунингдек, Охунбобоевлик футболчилар ҳам мусобақаларда қувончли натижаларга эришди.

Туманда 2004 йилда 7 қишлоқ маданият уйи, 5 қишлоқ клуби, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, шаҳар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхонаси аҳолига хизмат кўрсатади. Туманда 2005 йилда маданият соҳасида муҳим амалий ишлар қилинди, жумладан, туман ҳокимининг ташаббуси билан 10 млн сўм сарфланиб, туман марказий кутубхонаси ва мусиқа мактаби капитал таъмирдан чиқарилди. “Булбулигўё” халқ фолъклор -- этнографик ансамбли 2005 йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида ўтказилган Республика фолъклор – этнографик ансамбллар кўрик – танловида фахрли 2-ўринни, 2005 йилнинг сентябр ойида Тожикистон Республикасида ўтказилган халқаро “Садои дилхо” фестивалида 13 та хориж мамлакатларининг санъаткорлари билан беллашиб фахрли 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, “Ўзбекистон Ватаним маним” Республика “Қўшиқлар байрами” кўрик танловида “Кумуш тола” халқ ансамбли хонандаси Бахтиёр Усмонов фахрли 2-ўринни эгаллаб, “Халқлар Дўстлиги” саройида ўз дастурини намойиш этишга муяссар бўлди. Шўрчи туманида 2005 йилда маданият уйи 1 та, қишлоқ клублари 12 та, кутубхоналар сони 35 та, ашула ва рақс ансамбллари 12 та, бадиий тўгараклар сони 67 та, музейлар сони 5тага етиб маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилди. Мустақиллик йилларида Шўрчи тумани маданияти ҳар томонлама ривож топиб, республика ва жаҳон миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, ўзининг қобилиятли ва талантли маданият ва санъат ходимлари, бахшилари, халқ оғзаки ижодиёти, рассом, мусиқачилари билан танилди. Шўчи маданият ва ходимлари ўзларнинг мукаммал санъати ҳамда қўшиқ ҳамда аъанавий рақслари, мақом ва лирик қўшиқлари билан Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик, Наврўз ва турли хил байрамларида фаол иштирок этиб ўз санъат дастурлари билан шуҳрат топиб эл назарига тушиб келмоқдалар.

Миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни тиклаш, ёш авлод онгга сингдириш ва ҳар томонлама тарғиб қилишда фидойи инсонларни хизмати чексиздир. Халқимининг севимли саънаткори. Таниқли миллий рақсларни тиклаш ва қайта ривож топишга муносиб ҳисса қўшган Шўрчилик Менгқобилбобо Исмоиловнинг фаолияти миллий анъанларимизнинг янада юксалишига муносиб баҳодир. У 1927 йилда Шўрчи туман Янгибозор ҚФЙ га қарашли "Оққурғон" маҳалласида тўғилган. Менгқобилбобо ёшлигидан саньатга қизиқиб, кўпгина лапар ва рақсларни ўрганиб, маҳаллардаги тўй - томошаларда ижро этган. Ижодий фаолияти даврида Республикамиздаги кўрик- танловларда яхши натижаларга эришиш билан бир қаторда кўплаб ижодий сафарлар ва халқаро фестивалларда фаол иштирок этган. Жумладан: 2002 йил "Бойсун бахори- халқаро фольклор қўшиқ" фестивалида, 2003 йил "Бойсун бахори- халқаро фольклор қўшиқ" фестивалида. 2004 йил "Бойсун бахори- халқаро фольклор қўшиқ" фестивалида, 2005 йил Тожикистон Республикасида ўтказилган "Садои дилҳо" Халқаро фольклор қўшиқ фестивалида, 2007 йил 1-7 апрел кунлари Туркманистон Республикаси пойтахти Ашхабод шахрида бўлиб ўтган "Халқаро фольклор ва театр санъати" фестивалиларда иштирок этиб ўзбек миллий саънатини жаҳонга тарғиб қилиб. Катта ҳурматга сазавор бўлди. Айниқса унинг Республика вилоят ва туманда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрам тантаналарида ва "Наврўз" умумхалк байрам тантаналарида 1993 йилдан бери иштирок этиб, ижро этган саънати асрлароша миллий қадриятлармизнинг дурдона асарларни янада барҳаётлигини намойиш этди. Таниқли санъаткор М Исмоилов Республика халқи ва мехмонлар олқишига сазовор бўлиб, 2009 йил 1 май куни Тошкент вилояти Бустонлик туманида "Асрлар садоси " фестивалида, 2010 йил 9 август куни "Куҳна ва боқий Бухоро" ёдгорлигининг очилиш маросимида фаол иштирок этиб, миллий рақс саънатимизни жаҳонга намойиш қилди. Халқимизнинг севимли саънаткори, кўплаб шогирдлар устози. Сурхон элининг дунёга танитган Ўзбекистон ифтихори Менгқобилбобо Исмоилов 2013 йил 2 августда вафот этди. Унинг намунавий саънат соҳасидаги хизматлари асрлароша яшайди.

Мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, яқин келгусида ҳар томонлама тараққий этган қудратли давлатга айлантириш учун ёшлар онггида маънавий йўналишларни, халқимизнинг минг йиллик ўтмиши даври мобайнида тўплаган бой миллий қадриятларни қайта тиклаб, ўз ватанимиз, ўз халқимиз фаровонлиги учун астойдил мехнат қилиш мақсадида Шўрчи туман марказий маданият уйи ходимлари ҳамкорликда кўпгина ижобий ишларни амалга ошириб бормоқдалар. Туман маданият ва спорт ишлари бўлимига 2012 йил 13 ноябрдан Исоқов Санжарбек Мадаминжонович раҳбарлик қилиб, у катта ижодий ишларни амалга оширмоқда. Марказий маданият уйида халқ жамоалари : " Кумуш тола" халқ ашула ва рақс жамоаси, " Булбулигуё" халқ фолклор-этнографик жамоаси, 12 та қишлоқ филиалларида биттадан бадиий жамоалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, марказий маданият уйида вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида 10 та тўгарак: Рақс, ашула, миллий эстрада, фото-видео, бадиий ўқиш, рубоб, доира, компютер, фольклор, драма тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ филиалларида хам ёшларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, тўгараклар.бадиий жамоалари ташкил этилган. Марказий маданият уйи халқ жамоалари иштирокчилари туман, вилоят миқёсида ўтказилган оммавий тадбирларда, кўрик- танловларда яхши

натижаларга эришиш билан бир қаторда кўплаб концертларда, фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Туман , вилоят миқёсидаги “Наврўз” байрамларида, республика миқёсидаги фестивалларида “ Булбулигуё” халқ фольклор жамоаси иштирок этиб келдилар. Марказий маданият уйида 3та халқ бадиий жамоаси: “Кумуш тола” халқ ашула ва рақс бадиий жамоаси , “Булбулигуё” халқ фольклор бадиий жамоаси, “Хилол” халқ миллий дорбозлар жамоаси хамда вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида 10 та тўгарак : рақс, ашула, миллий эстрада, фото-видео, бадиий ўқиш, рубоб, доира, компютер, фольклор, драма тўгараклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, марказий маданият уйига қарашли 12 та қишлоқ филиали махаллаларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу филиалларда 1 тадан бадиий жамоалар, хамда тўгараклар ташкил этилган. 2013 йил “Обод турмуш йили” ҳамда 14 январ “Ватан химоячилари куни” муносабати билан 2013 йил 12 январда, халқимиз онгига буюк бобоколонимизнинг ижодий меросига меҳр-муҳаббат ўйғотиш, ёшларни Навоий томонидан қолдирилган ижодий меросга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида 2013 йил 9 феврал куни Шўрчи туман Тиббиёт коллежи ахборот-ресурс маркази ўқув залида , Тиббиёт коллежи, ХТБ га қарашли №7-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби, Кўзи ожизлар кутубхонаси, марказий маданият уйи ҳамкорлигида “*Навоий- башарият эъзозидаги шоир*” номли мусиқали шеърият тадбири ўтказилди.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон тарихини ўрганиш тарихшунослик фанининг муҳим вазифаларидан бўлиб, ушбу монографияда Шўрчи тарихи билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисалар илк бор илмий мушоҳада этилди. Шўрчи ҳудуди ўтмиш аждодларимиз томонидан асос солинган моддий ва маънавий ҳаётнинг шаклланишга, унинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ҳудуддир. Қадимги аждодларимиз томонидан асос солинган илк жез, илк темир даврида Шўрчи ҳудуди дастлабки моддий ва маънавий ҳаёт маконларига асос солган маскандир. Илк деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка таллуқли маконлар археологик тадқиқотлар давомида аниқланди. Миршоди, Қизилча ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида мамалакатимиз тарихининг илк давлатчиликка таллуқли тарихий манбалар аниқланиб, ўзбек давлатчилигига оид холисона манбалар тарих саҳифаларига киритилди. Айниқса, Далварзин тарихи қадим даврлардан буён кўплаб археологлар, тарихшунослар, географлар, сайёҳлар, манбашуносларни ўзига жалб этиб келди. Бақтрия ҳудудининг ажралмас қисми бўлган Далварзин тарихи, унинг ўтмиши ҳақида қадимшунос олимлар кўплаб илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Ўрта асрларга оид Ўзбек давлатчилигини мукаммал ўрганишда Чағониён давлатига таллуқли воқеа ҳодисаларни илмий ўрганиш туфайли тарихшунослик фанида мавжуд бўлган баҳс мунозалар анча ижобий таҳлил қилинди. Шўрчи амлакдорлиги даврида халқнинг меҳнаткашлиги, фидойилиги, улар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларда ўз аксини топди. Бухоро амирлиги даврида Шўрчи амлокдорлигининг ҳолати, унинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий ҳаётига боғлиқ турмуш тарзи илмий манбалар билан изоҳланиб, этнографик дала тадқиқотлари натижасида маҳаллий аҳолининг урф – одатлари, анъаналари, маросимлари хусусида мукаммал фикрлар баён этилди. Совет давлати даврида Шўрчида бўлиб ўтган воқеа ҳодислар, совет ҳукуматининг миллий камситиш сиёсатига қарамай маҳаллий аҳоли томонидан амалга оширилган

меҳнат соҳасидаги ҳаракатлар натижаси ҳамда совет тузумининг маҳаллий аҳолига нисбатан амалга ошириган қатоғонлик сиёсати, унинг оқибатлари илмий холисона баён этилди. Шўрчи ўзининг географик-ҳудудий жойлашуви, табиати, иқлими, тупроғининг хосилдорлиги ва халқининг тантилиги билан қадимдан буён кишиларни ўзига жалб этиб келган буюк юрт. Шўрчи тарихи, унинг меҳнаткаш, инсонпарвар, энг муҳими жасур мард, фидойи инсонлари билан ажралиб туриб, ушбу воҳада дунёвий ва диний билимлар ривожланиши билан бирга юрт полвонлари халқ ору-номуси учун курашиб, эл орини ҳимоя қилиб келганлар.

Шўрчиликлар ору-номусли, виждонли, фидойи юрт инсонлари бўлганлиги туфайли нопок ҳамда номард, манманлик билан шуғулланувчи инсонларни ёқтирмаган. Шўрчи тарихи мустақилликнинг буюк неъматларини ўзида акс эттириб, туманнинг ҳар томонлама тараққий этишига бутун куч-ғайратини сарфлаган фидойи инсонларни меҳнат жасорати билан янада ривожланиб ҳамда тараққий этиб бормоқда.

Ушбу монографияда Шўрчи тарихини шонли саҳифалари бевосита акс эттирилиб, илмий жиҳатдан таҳлил этилди. Монографияда Шўрчини улуғликка етказган алломалар, илм-маърифат фидойилари, меҳнаткаш, жасур, камтарин инсонлари тарихи ҳақида маълум маънода манбалар акс эттирилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари


1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 36-86 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 175-366 б.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.7. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 132-154 б.
4. Каримов И.А. «Алпомиш достони»нинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Т.8. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2000. 78-82 б.
5. Каримов И.А. Жайҳун соҳилидаги боқий шаҳар. Т.10.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002. Б.307-315.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. -Т.: “Ўзбекистон”, 2006. 274 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2010.173 б.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.Т.17. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 227-233 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2011. 439 б.


### 1. Эълон қилинган ҳужжатлар ва статистик тўпламлар

### 2.


1. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971. – Стат. ежегодник. Т.: “Ўзбекистон”, 1972. -364 с.
2. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980. – Т.: “Узбекистан”, 1981. -348 с.
3. Народное хозяйство Сурхандарынской области в 1976-1980 гг. Стат. сборник. – Термиз, 1981.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985. Т.: “Узбекистон”, 1986. - 372 с.
5. Народное хозяйство Сурхандарынской области за годь двенатцатой пятилетки (1986-1990 гг.). Стат. сборник областного управления статистики. – Термез:1990.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990. - Т.: “Узбекистан”, 1991. - 367 с.


### 3. Адабиётлар


1. Абдунабиев А. Обновленые: уроки прошлого. – Т.: “Узбекистан”, 1989, -86 с.
2. Абаев В.И. Надпись Дария о сооружении дворца в Сузе. Иранские языки. М., Л., 1945

3. Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зароастра. М., Л., «Archiv Orientalni», XXIV, 1956.
4. Авесто. Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. Т.: «Шарқ» нашриёти, 2001
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: 2000.
6. Акишев К.А. Образ верблюда в легендах Центральной Азии. Этнография народов Сибири. Новосибирск, 1984.
7. Аскаров А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. // Этнография и археология Средней Азии. М.,1979.
8. Абдуллаев Х.М. Сорок лет Советской власти в Узбекистане. – Т.: АН УзССР , 1958. – 215 с.
9. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.**:** “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2007. – 276 б.
10. Аширов А. «Авесто»дан мерос маросимлар. – Т.: “Халқ мероси”, 2001. – 32 б.
11. Аширов А. Ўзбек халқининг табиат билан боғлиқ сайиллари // «Бойсун баҳори» халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: 2002. – Б. 13-14.
12. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: “Университет”, 2007. – 340 б.

13. Бартольд В.В. К истории персидского эпоса. Записки Восточного отделения Российского Археологического общества. XXII, 1915.

14. Ботиров.И. Аннаев.Т. Сурхондарё вилояти археология музей (қисқача йўлланма).-Т.: “Шарқ”, 2002.-24.б.
15. Бўриев О., Усмонов М. Супрадаги сирлар // Фан ва турмуш. –1995. – 3-сон. – Б. 13.
16. Бўриев О. Кенгашли тўй тарқамас // Мулоқот. – Т.: 1999. –3-сон. Б.52-53.

17. Бўриев О., Исмоилов Н. Ўзбек халқининг анъанавий уй жойлари // Гулистон. – Тошкент, 2000. – 4-сон. – Б. 44-45.
18. Геродот. История в девяти книгах. I, 131. 153. (пер. Г.А. Страновского). Л.: 1972.
19. Донёров А. Ўзбекистон этнографияси тадқиқодчилар наздида // O‘zbekiston tarixi. – Т.: 2001. – 2-сон. – Б. 40-47.
20. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в северной Бактрии. СА. Вып. 19, 1954.
21. Деятелность Компартии Узбекистана по развитии промышленности в период развитого социализма. – Т.: ТашГУ, 1989. – 159 с.
22. Джураев Х. Промышленность Узбекистана: темпь, структурь, эффективность. – Т.: “Узбекистан”, 1975. -295 с.

23. Жўраев М. Овмин тўй // Фан ва турмуш. –1992. – 2-сон. – Б. 10.
24. Жўраев М. «Кўпкари» ёки «Кўк бўри»? // Халқ сўзи. 1993 й. 10 март.

25. Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса. Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.: 1981.
26. Массон В.М. Первые цивилизации. Л.: 1989.
27. Закиров Ш.И. Вопрось развития и размешения промышленности Узбекистана. – Т.: “Наука”, 1965, - 143 с.
28. Захаров С.М. Очерки истории Кашкадаринской и Сурхандарьинской областей Узбекистана Советского периода (1917-1932 гг.). – Т.: “Фан”, 1968. – 227 с.
29. Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемь её развития. – Т.: “Фан”, 1967. – 331 с.
30. Зиядуллаев Н.С. Легкая индустрия Узбекистана. Состояние и проблемь развития. – Т.: “Узбекистан”, 1970. – 142 с.
31. Зотов А. Города Узбекистана. – Т.: “Узбекистан”, 1965. – 287 с.
32. Зотов В.Я. Развитие пишевой промышленности и в новой пятилетки. – М.: Госполитиздат, 1947. – 92 с.
33. Зухриддинов Ш.А. Некоторые вопроссь изучения и развиработки истории городов Узбекистана Проблемь истории республики Средней Азии и Казахстана в 40-50-е годь. – Т.: 1989. – 80-83 с.
34. Исҳоқов М. «Авесто» - тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Тошкент - Урганч, 2001.
35. Мирзаев Р. Сўфи Оллоёрга замон боқажак. –Т.: “Фан”, 2007. 55-56 бетлар.
36. Турғунов Б.А. Вехи научной и творческой деятельности. НИИ искусствознания, 2009. –с. 95.
37. Турғунов Б.А.Далварзинтепа топилмалари \\ Гулистон- 1971.8-сон. - 29 бетлар.
38. Тургунов Б.А. Фигурка из Дальварзинтепа \\ 1973. Шахматы в СССР.-5-номер.-С. 16-17.
39. Турғунов Б.А. Далварзинтепа хазинаси \\ 1973. Фан ва турмуш.-10-сон.-4-7 б.
40. Турғунов Б.А. Далварзинтепа-- Кушон салтанати пойтахти\\ 2001. Мозийдан садо.-- 2001.-3-сон. (11).10-13 бетлар.
41. Тургунов Б.А. Буддийский памятники Дальверзинтепа \\2002. Культурное наследие Средней Азии.- Т.: 2002-С. 258-264.
42. Турдимов Ш. Этнос ва эпос.- Т.: “Ўзбекистон”, 2012.-93 б.
43. Турсунов С. Янги Социалистик шаҳарлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 1982. – 468 б.
44. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: “Шарқ”, 2001, 382 б.

45. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш -Т.: “А.Қодирий”, 1997. 46-б.
46. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти топонимлари. Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”. 2008. 151-бет.
47. Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: “Шарқ”, 2004, 605 б.
48. Турсунов С., Турсунов Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –2003. –4-сон. – Б. 57-60.

49. Турсунов С.Н. Тўхтаев А. Жарқўрғон. –Т.: “Фан”, 2008.- 299-б.
50. Турсунов С.Н. Турдиев Т. Денов. –Т.: “Фан”, 2009. - 493-бет.
51. Турсунов С.Н. Рашидов Қ. Бойсун. –Т.: “Akademik nashr”, 2011,- 511-бет.
52. Турсунов С.Н. Соатов О. Х.Жўраев. Хотира барҳаёт-Қадр мангу. –Т.: “Фан”, 2011.- 530-бет.
53. Козловский В.А. История города Термеза. – Т.: “Объеединенное издательство (“Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”и “Ўзбекистони сурх”) ”, 1959. – 219 с.
54. Насриддинов К. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: “Мерос”, 1996. – 120 б.
55. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988. – 288 б.
56. Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области (в связи с некоторыми вопросами этногенеза) // ТСАГУ. Вып. 143. Биологические науки. Кн. 35. – Т.: 1958. – 157 с.

57. Нормуродов Б. Оллоёров Т. Шўрчи фарзандлари. Т.: “Noshirlik yog`dusi”, –2010. 221-б.
58. Нор Ҳайит. Т.Усмон. Кураш йиллари. –Т.: “Меҳнат”, 1992.-135 б.
59. Очерки истории Кашкадаринской и Сурхандаьинской областей Узбекистана. – Т.: “Фан”, 1968, - 227 с.
60. Пидаев Ш. Сирли Кушонлар салтанати. –Т.: “Фан”, 1990. - 37 б.
61. Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной древняя Бактрия. Ленинград:- 1974.
62. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996.
63. Пьянков В.И. Река Ох и Арьяна Вайджа. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. М.: 1983.
64. Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середины I тысячелетие до н.э. ОНУ, 11-номер, 1973.
65. Ражабов Қ. Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. –Т.: “Университет”, 2002.-166 б.
66. Раҳмонов Н. Матбоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. –Т.: “Фан”, -2007.- 65-бет.

67. Рўзиев А. Сурхон-Шеробод қишлоқ хўжалиги. – Т.: “Ўзбекистон”, 1967. – 63 б.
68. Рўзиев А. Сурхондарё вилояти. –Т.: “Жайҳун”, 1996.- 116 б.
69. Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Т.: 2001.
70. Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном языке юга Средней Азии (III-II тыс.до н.э.). «Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). Т.: 2001.
71. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА, 2-номер. 1975.
72. Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. (Под. ред. В.С. Соколова, М.: 1963).
73. Сагдуллаев А.С, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н, Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. – Т.: “Академия”, 2000.
74. Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар\\ «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. -Тошкент-Урганч: 2001.
75. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т.: “Ўқитувчи”,1996.
76. Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974.
77. Салимовв С. Новьй этап социалистического соревнования. – Т.: “Узбекистан”, 1975. -134 с.
78. Социалистик Тошкент тарихи (1946-1965 йй.). Т.2. – Т.: “Фан”, 1966. – 364 б.
79. Совет Ўзбекистони ишчилар синфининг тарихи. – Т.: “Фан”, 1974. – 378 б. Социально-экономическое развитие Узбекистана за годь Советской власти. – Т.: “Узбекистан”, 1984. -208 с.
80. Тошпўлатов Ж. Мустафоқулов Р. Алпомишлар афсона эмас.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.-121 б.
81. Торжество ленинских идей протарсккого интернационализма (на материалах республик Средней Азии). – М.: “Наука”, 1974. – 531 с.
82. Ульмасбеков Ш.Н. Промьшленное развитие Советского Узбекистана. – Т.: “Узбекистан”, 1958. – 244 с.
83. Уралов А. Промьшленность Узбекистана в условиях развитого сооциализма (на примере предприятий легкой и пишевой промьшленности). – Т.: “Узбекистан”, 1979. – 179 с.
84. Чағониён тарихи. Хидиров А. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва русча манбалардан таржимон. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. -206 б.
85. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: “Академия”, 2002.-315 б.
86. Чориев З.У. Шайдуллаев Ш.Б. Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. –Т.: “Янги аср авлоди”, -2007. -71 бет.
87. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. –Т.: “Yurist-media markazi”,

2008., 183-бет.
88. Қодиров Б.,Муртазоев Б. Чағониён адабиёти.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.-80 б.
89. Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: “Шарқ”, 2002.
90. Қорабов У. Халқ ўйинларининг шаклланиши ҳақида // Этномаданият. – Т.: 2003. Б. 69-96

91. Қудратов С. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // O’zbekiston tarixi. 2-сон. 1999.
92. Кузмина Е.Е. Культура Свата и ее связи с Северной Бактрией. КСИА. Вып.132, М.: 1972.
93. Кузьмина Е.Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность. ВДИ,- 2-сон. 1978.
94. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк. –Т.: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти, 1997. 271-бет.
95. Холмуродов Н. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. –Т.: “Chinor ENK”, 1998. 77-б.
96. Холмуродов Н. Пахтачилик севимли соҳам.- Т.: “Янги аср авлод”, 2012. -259 б.
97. Холиёров Х. ва бошқалар. Сурхондарё вилояти. – Т.: “Ўзбекистон”, 1974. – 357 б.
98. Хўжамуродов И. Туроннинг қадимги одатлари ва дини // Сирли олам. – Т.: 1993. – 1-сон. – Б. 17-19.
99. Шамсутдинов Р. Ммажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати.-Т.: “Шрақ”, 2005,-335 б.

100. Шайдуллаев Ш.Б. Давлат ва дин // Сўғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида. т.ф.д. Р.Х. Сулаймонов таваллудининг 60-йиллигига бағишланган конференция. Самарқанд, 1999.
101. Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатлар типологияси // Жаҳон маданият тарихи тизимида Қадимги Хоразм цивилизациясининг ўрни. Халқаро симпозиуми ва Қадимги Тошхирмон воҳаси археологияси дала семинари. Симпозиум материаллари ва маърузалар матни. Нукус, Бўстон, 2000.
102. Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари /
103. O’zbekiston tarixi.- 2002 йил,-3-сон.
104. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннежелезнего века. Т.: 2000.
105. Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Т.: 1999. –196 б.
106. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 464 б.

107. Файзиев Н.М. Население новых городов Узбекистана. –Т.:”Фан”, 1964, -112 с.

108. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъанлар (Сурхон воҳаси мисолида).- Т.:”YANGI NASHR” , 2010.-158 б.
109. Эшбоев Т. Шўрчи шуҳрати ва инсон қудрати. –Т.:”Янги аср авлод”, 2007. -213 б.
110. Убайдуллаева М. Чилла даври удумлари // Фан ва турмуш. –1994. – 3-сон. – Б. 20-21.

## МУНДАРИЖА

**Кириш.**

**Қадимги жез ва илк темир даврида Шўрчи**

**Кушон давлатининг сиёсий-маъмурий маркази Далварзин**

**VIII-XII асрларда Шўрчи ҳудудиининг иқтисодий-сиёсий аҳволи**

**Далварзин моддий-маънавий маданиятини жаҳон цивилизациясига қушган ҳиссаси**

**Шўрчи туманидаги археологик обидалар.**

**Бухоро Амирлиги даврида Шўрчининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи**

**ШЎРЧИ АМЛОКДОРЛИГИДАГИ САВДО ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ**

**ШЎРЧИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА-ТАРИХГА ХОЛИСОНА МУНОСАБАТ**

**ШЎРЧИ ИККИНЧИ ЖАҲОН ЙИЛЛАРИДА**

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШЎРЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ**

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШЎРЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ**

**ШЎРЧИ САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИ**

**АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ**

**ШЎРЧИЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ФИДОИЙЛАРИ ТАРИХИ**

**ТИББИЁТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА НАТИЖАЛАРИ**

**АНЪАНАЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАР**

**МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАР**

**Миллий урф-одатлардан анъанавий тўй маросимлари**

**ТАҚВИМИЙ МАРОСИМЛАР ВА УНИНГ ЭТНОТАҲЛИЛИ**

**МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ**

**ШЎРЧИ ТУМАНИ ТАБИАТИ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ШЎРЧИ ТУМАНИ**

**САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЧОРВАЧИЛИК ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ**

**Аҳолига қурилиш ва транспорт тармоқларнинг хизмати**

**Ижтимий турмуш тарзи ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари**

**Мустақиллик йилларида халқ таълими**

**Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимда амалга оширилган ишлар ва унинг ривожи**

**Шўрчининг моддий ва маънавий маданиятининг юксалиши**

**ХУЛОСА**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

**Мундарижа**